

**ЖАҲОН БОЛАЛАР АДБИЁТИ КУТУБХОНАСИ**





**Астрид Линдгрен**

**МИТТИВОЙ  
ВА  
КАРЛСОН**



**Антуан  
де Сент-Экзюпери**

**КИЧКИНА  
ШАҲЗОДА**

**Эртак-киссалар**

Тошкент  
Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1988

Редколлегия:

Ҳаким Назир, Анвар Обиджон, Фарход Мусаҷонов, Қуддус Муҳаммадий, Раим Фарҳодий, Пўлат Мўмин, Эргаш Раимов, Худойберди Тўхтабоев, Носир Фозилов.

Рассом С. Силка

H C6  
Л55

NI 30103  
392

20.07  
2352  
Navoiy  
dagi  
on MK

Л — Э — 480200000 — 156 — 82 — 88

M352 (04) — 88

ISBN 5—635—00118—1



«Стокгольм шахридаги одатдаги кўчау одатдаги уйлардан бирида Свантесон фамилияли оддийгина швед оиласи яшарди». Миттвой ва унинг «ғалати дўсти» — томда яшовчи ва уча оладиган Карлсон хақидаги китоб шу сўзлар билан бошланади.

Агар Миттвой яшайдиган уйнинг томига чиқилса, Карлсоннинг мўри оркасидаги дераза, эшиклари яшил уйчасини кидириб топилса ва остонага ўтириб олиб, теваарак-атрофга қаралса, кўзга яланг томлару шахар минораларининг гумбазлари ташланади, холос. Ярим кечада осмондаги юлдузлар шундай йирик ва паст бўладиларки, гўё кўлингни чўзсанг, етадигандай туюлади. Тонг сахарда томлар ортдан куёш кўтарилиб, Стокгольм шахари тепасида нур таратади.

Бу Стокгольм шахри каердалигини сен биласанми? Қайси мамлакатда? Уни картадан қандай топиш мумкин?

Бундай топса бўлади. Агар дунё картасига назар ташласанг, шимоли-ғарб томонда, шундай Шимолий қутбнинг ёнида, каттакон пахмоқ итни кўрасан. У сариқ ва жигаррангга бўялган, фақат четларигина кўкиш рангда. Бу Скандинавия ярим ороли. Бу ярим оролга Европанинг энг шимолидаги икки мамлакат — Норвегия билан Швеция жойлашган.

Бу ярим оролнинг картада пахмоқ бўлиб кўринишига сабаб шуки, унинг сохиллари текис эмас: бу ерда сон-саноксиз кўрфазлар — фьордлар, қояли ярим оролчалар ва оролчалар — шхерлар бор. Сарик ва жигаррангга бўялганига сабаб, унинг кўпчилик қисмини ўрмон билан қопланган тепаликлар ва рудага бой тоғлар ташкил этади, тоғлар ва ясси тоғликлар картада доим сариқ, жигарранг тусда берилади. Ярим оролнинг сохил бўйларидagina серунум текис ерлар бор: ҳайдалган, шудгор қилинган далалар, кўм-кўк ўтлоқлар, уларда ўтлаб юрган олачипор, кашка сигирлар, деҳқонларнинг қадимий ёғоч уйларига ўхшаш кизил уйлар. Бундай уйлар Швециянинг кишлокларида ҳозиргача сақланиб қолган.

Швеция ярим оролнинг ит расмига ўхшаш шундай «қорнини» ва унинг катта кўк «олдинги оёғини» эгаллаб турибди. Мана шу «оёғида» — бошқачароқ қилиб айтганда, Скандинавия ярим оролининг шарқий соҳилида Швециянинг пойтахти Стокгольм шахри жойлашган. У катта Меларен қўлини денгиз билан боғлайдиган бўғоз сохилларида ва бир-бирлари билан баланд кўприклар орқали боғланган ўн тўртта кичкина оролда жойлашган. Стокгольм кўприклари ва кўчаларида трамвайлар, автобуслар ва автомобиллар физиллаб ўтиб туради, велосипед минганларнинг сон-саногии йўқ. Стаден оролида, «эски шахар»да кўчалар шундай торки, машина ҳам ўтолмайди.

Уйларнинг томлари кизил черепицадан, тунукадан... Ана шу томлардан бирида мўри оркасида деразалари, эшиклари кўм-кўк кичкина уйча бор. Эшигининг тепасига: «Томда яшовчи Карлсон, дунёдаги энг яхши Карлсон» деб ёзилган тахтача осиб кўйилган. Карлсоннинг уйда камини, дастгоҳи, лампаси бор. Дастгоҳи устига ҳар хил эски-туски нарсалар уйиб ташланган... «Уйча? Мўри оркасида кичкина уйча? Йўғ-э, бўлиши мумкинмас!» — деб ўйлади бир мўри тозаловчи Карлсоннинг уйчасига қоқилиб кетиб, лекин шу захотиёқ уни унутиб юборди. Ахир, катталар бунақа майда-чуйда нарсаларга эътибор беришармиди. Бошқаларни билмадигу, лекин болалар бу уйчани эсдан чиқармайди, эҳтимол аввалига бир оз ҳайрон бўлишар. Уйчанинг томда турганига ҳайрон бўлишмайди, албатта, бунга фақат катталар тушунмаслиги мумкин. Лекин, бошқа қизик томони бор: ахир, кўп қаватли уйларга эга бўлган шундай замонавий катта шахарнинг ўртасида, пилесос ҳам, телевизор ҳам, ахлат қувур ҳам бўлган уйларнинг орасида бирдан

кичкинагина уйча қаёқдан пайдо бўлиб қолди? Бу уйда оддий электр лампочкаси ҳам йўқ, унинг ўрнида шифтда «фақат парма, ёнғок солинган халта, пистон тўла пакет, омбирлар, бир жуфт кавуш, ранда, Карлсоннинг кечқурун киядиган кўйлаги, қозон сочик, темир қосов, унча катта бўлмаган саквоаяж, бир қоп туршак осилиб турарди, бошка ҳеч нимаси йўқ эди». Қамини бор уйча, унда ўт ловиллаб ёнади... Темир қосов, лампа... Ҳайрон бўлманг! Стокгольмда шунақа уйлар бор. Шаҳар жойлашган ороллардан бирида каттақон Скансен музейи бор. Бу музей очик жойда. Унга мамлакатнинг ҳамма томонидан қадимий деҳқон уйлари, омборлар, асалари инлари олиб келинган. Мўрилардан буралиб-буралиб тутун чиқади, инлар тепасида асаларилар гўнғиллаб учиб юришади. Швед ўқувчилари ўтзорлар, кир-адирлар, қизил ёғоч уйлар, дарахт қесувчилар, балиқчилар, деҳқонлар днёри бўлмиш кўҳна Швецияни кўргани шу ерга келишади.

Швед ёзувчиси Сельма Лагерлефнинг «Нильснинг ёввойи ғозлар билан бирга саёхати» номли эртақ-қиссасининг қаҳрамони Нильс Хольгерсон бир вақтлар мана шу мамлакат устидан учиб ўтган. Сиз бу китобчани ўқиганмисиз? Ўқимаган бўлсангиз, албатта ўқиб чиқинг.

Нильс ёввойи ғозлар галасига эргашган Мартин лақабли хонаки ғозда бутун Швецияни: жанубдан шимолгача, шимолдан то Лапландиягача учиб ўтган. Лапландияда бугу боқувчи саамлар яшашиди, у ерда фақат мох ва қурбака ўт ўсади. Кейин Нильс шимолдан жанубга — ўзининг жонажон қишлоғига қайтиб учиб келган. У бу ерда илгарилари ғоз боқарди. Чирок ёруғида истар-истамас дарс тайёрларди. Нильснинг саёхати ҳақидаги китобни ўқиб, сиз ҳозирги замон швед ёзувчиси Астрид Линдгрэн китобининг қаҳрамонлари — Миттивой лақабли Сванте Свантесон, унинг галати дўсти Карлсон ҳақида, улар ҳозир яшаётган мамлакатнинг ўтмиши ҳақида кўп нарсаларни билиб оласиз.

Қадим замонларда одамлар отда юришарди, ўша замонлар ҳақида ҳикоя қилувчи эртақдаги боланинг ғозда учиши табиийдир. Астрид Линдгрэн китобидаги болага ўхшаш кичкина одамча — Карлсон ғозда учмайди, ҳатто самолёт ёки вертолётда ҳам учмайди, балки «ўз-ўзидан» учади. «Қорнидаги қнопкасини босса бас, дарров ишга тушади. То паррак яхши айланиб кетмагунича, яъни бир минутча Карлсон жойида қимир этмай туради, бироқ мотор бор қучи билан ишлаганидан кейин Карлсон осмонга кўтарилди-ю, сал чайқалиб уча бошлайди, гўё катта бир ишда ишлайдиган директордай ўзини мағрур тутди...»

Тўғри, орқасида парраги бор бу кичкина одамча эски уйда туради, швед эртақларидаги афсонавий одамлар доим мана шунақа уйларда туришган. Бироқ Карлсоннинг уйчаси бугунги Стокгольмдаги катта бир уйнинг томида жойлашган. Карлсон пойтахт тепасида айланиб учиб юради — гоҳ бировнинг балқонига тушади, гоҳ тариллаганича Миттивойнинг деразасидан қиради-ю, хона ўртасига қўнади.

Фақат шуниси қизиқки, Карлсон — бу Миттивойнинг ўйлаб топган нарсаси эмас, унинг борлигига нега шу вақтгача на ойиси, на дадаси, на Бетан, на Боссе ишонишмаганига ҳайрон. Балки шунинг учундирки, шу вақтгача бирорта боланикига ҳеч қандай Карлсонлар учиб келишмаган, ўйин ўйнашмаган, буг машиналари ясамаган. Бироқ баъзида ҳаётда сира ўйламаган нарсалар бўлади. Айниқса болалар китобларида — қадимий ва замонавий эртақларда. Ойиси, дадаси, Боссе ва Бетан ҳаммасини ўз кўзлари билан кўриб, ўзлари тан беришлари, ишонч ҳосил қилишлари керак. Бора-бора ҳаммалари Карлсонга шундай ўрганиб, кўникиб кетишдики, ҳайрон бўлмай қўйишди. «Уй золимаси» Бок хоним ҳатто: «Паррак, қнопкалар... бизнинг давримизда болаларда нималар бўлмайди дейсиз! Ҳадемай улар мактабга бормади туриб ойга учиб чиқишади», — дейди.

Бу учадиган Карлсон жуда замонавий одам. У доимо кўзимизга иссиқ

кўринади, танишдек туюлади — кимгадир ўхшаб кетади. Эҳтимол вертолёт ўйнаётган Миттивойга ўхшаса керак? Факат Миттивой ўйнайди-ю, Карлсон эса чинакамга учadi. Балки бураладиган ўйинчоққа — учадиган семиз одамчага ўхшар? Фақат жонлисига ўхшайди.

Хатто Карлсоннинг феъл-атвори, табиаи, одатлари, гап-сўзлари, улар қанчалик кулгили, ғалати бўлмасин, бизга танишдек туюлади. Мана, Карлсон тинимсиз валдираб, хонада айланаб учиб юрибди, кўлга тушган нарсани ушлаб кўради, яшиқларни очиб-ёнади, Миттивойнинг бисотидаги бор нарсаларни — рангли бўрларни, маркаларни, денгиз тошларини бирма-бир кўздан кечиради. Мана у Миттивойдан, нега мени бир оз кидирмадинг, каравотнинг тагига карамай, дарров шкафдан топиб олдинг, деб хафа бўлади... Мана, у кўзлари жавдираб кубикларга ташланади, уларни бир-бирига кўйиб, «дунёда энг яхши» минора куради. Мана, у Бок хоним яшириниб олган ваннахонанинг эшигини кокади: «Хозирок очинг! Бўлмаса ўйнамайман!» — деб кичкиради.

Биз буларнинг ҳаммасини қаердадир кўрганмиз, бир вақтлар эшитганмиз, буларнинг ҳаммаси бўлиб ўтган гап. Бу ишларни ким қилган? Ўзинг, дўстларинг, дўстларингнинг дўстлари — ёши тўртдан ошган, лекин ўн тўртдан кичик ҳамма болаларнинг иши.

«Кел, гаров ўйнаймиз, сенинг буvingга қараганда менинг бувим кампирга кўпроқ ўхшайди,— дейди Карлсон Миттивойга, у билан кузда учрашганида.— Гаров ўйнаймиз». Қарлсоннинг ўзи эса бошқа болаларга қараганда ҳамма болаларга кўпроқ ўхшаши, айниқса баъзи болаларга кўпроқ ўхшаши ҳақида баҳслашиб ўтирмаса ҳам бўлади. Ўйнашда, вақтичоғлик, хурсандчилик қилишда, шўхликда ким Қарлсондан ўта олади? Ҳар хил ўйинлар ўйлаб топишда Қарлсондан зўри борми? У бекинмачоқ ўйнайди, касал бўлишга уста, фокуси чодир ўйлаб топади, қувлашга суяги йўқ. «Ажойботлар кечаси»ни ўйлаб топган ҳам ўша. Тефтелини, шоколадли конфетни, каймоқли тортни Қарлсондан ҳам кўпроқ яхши кўрадиган одам топилаармикин? «Йўқ, мен бунақада ўйнамайман!», «Бу адолатсизлик!» деб Қарлсондан кўра ким кўпроқ гапирди. Гина-кудуратни, хафаликни ким Қарлсончалик тез унута олади? Бунинг учун унга эски фонарча беришса бас, яна у ёнадиган бўлса.

Балки Карлсон чиндан ҳам «хўроз суратини чизувчи энг зўр рассомдир», «Дунёда энг зўр ажинадир», «Дунёда энг яхши неварар»дир. Ўзи шундай дейди-ю, лекин ҳар ҳолда ўйин ўйнашда энг яхши ўртоқ, у умуман ажойиб дўст. Керак вақтида Карлсон кўлидан келган ёрдамни аямайди — сирпаниб кетган Миттивойнинг кўлидан тортиб, томга чиқариб кўяди, «фавқулодда ташлаб кетилган чакалок» — оч қолган Гулфия учун шишада сут олиб келиб беради, безориларни лақиллатиб, Оскар исмли қишлоқи солда йиғитнинг жонига ора қиради, уни кулфатдан қутқаради, пирогдан кеч қолишини билса ҳам, Миттивойга хуштагини совға қилишни унутмайди.

Тўғри, у «хуштагини тез-тез, деярли ҳар қуни олиб тураман», деб Миттивойни ўша захотиёқ оғоҳлантириб қўяди. Бирок Миттивой ундан хафа бўлмайди. Арзимаган нарсага хафа бўлишнинг нима кераги бор? Дунёдаги энг яхши Қарлсондан ранжиб бўладими, ахир?

Миттивой ҳеч нимани сезмади, пайкамади деб бўлмайди, албатта. У Карлсон билан танишган биринчи кун, унинг «минглаб буг машинаси», «хўрозлар сурати солинган минглаб картиналар», «минг-минглаб учар итлар» ҳақидаги гапларини ағрайиб тинглади. Лекин ҳамма машиналарнинг «тўсатдан портлагани», ҳамма итларнинг «учиб кетгани», ҳамма хўрозлар «ёлғиз, сўққабош хўроз» қошига «кетгани» аста-секин маълум бўлганидан кейин Миттивойнинг баъзи нарсаларга фаҳми ета бошлади. Китобнинг биринчи қисми охирига келиб Карлсоннинг

хамма конфетни «хайр-эхсон йўлига» сарфлайлик деганида, нимани назарда тутганини Миттвой жуда яхши тушунадиган бўлди. «Бўпти,— деб жавоб берди у Карлсонга,— агар бир кути конфет олсам, уни сенга бераман». У Карлсон билан гаров ўйнашнинг нима эканлигини, уни ютиш ёки унга ютказишнинг оқибатини, у билан ширинликни қандай баҳам кўришни, «Қани, топ-чи, дунёда энг зўр...» деган сўзларга билан бошланадиган саволга қандай жавоб беришни жуда яхши билади. Уларга доим бир хилда: «Албатта, сен, Карлсон», деб жавоб бериш керак.

Китобхонлар ҳам ҳеч нимани фаҳхламапти деб бўлмайди. Карлсоннинг дунёдаги ҳамма болаларга, айниқса айримларига жуда ўхшашлигини улар ҳам пайқашди. Энг муҳими, ўша айримларининг Карлсонга ўхшашлигини сезишди. Карлсоннинг гап-сўзларини, одатларини қайта-қайта эшитиш, кўриш жуда кулгилиди. Лекин ўша одатларни, қилиқларни танишларингда ва ўзингда сезиш яна ҳам кулгили. Ҳаммага маълумки, кулги Карлсон даволаган «кўнгилини айнитадиган порошок»ка ўхшаган «дунёда энг яхши дори».

Болаларнинг баъзилари Миттвойлардан — Карлсоннинг ўртоқлари ва ўқувчиларидан ўсиб етишади, бошқалари — ўсиб-улғаяди ва унинг ўқувчиларига айланади, қорнида қнопкаси бор семизгина кичкина одам эса бир умрга «дунёда энг яхши Карлсон» — ширинтомок, «хасис», ҳазылқаш, шўх, мактанчок бўлиб қолади. Лекин Миттвой ҳам, унинг дўстлари — Кристер билан Гунилла ҳам, ҳамма китобхонлар ҳам бари бир Карлсонни, унинг шўхлиги, довжораклиги, мулойим табиати, уddaбуронлиги, топқирлиги учун яхши кўришади. Улар «тобида семирган, куч-қувватга тўлган» бу эркакнинг болаларга хос камчиликларини, ожизликларини кечириб қўйиб, ўзларича кулиб кўйишади. Миттвой ҳам Карлсонга «туккан онаси» бўлишга бажону дил рози бўлади, «кўнгилини айнитадиган порошок»ни жон деб тайёрлайди, уйдаги ёнғок пўчоқларини супуриб-сидиради, чирок ёруғида унга «ажина кийимларини» тикиб беради. «Ахир, минг қилса ҳам ҳеч ким билмайдиган, эшитмаган кичкина уйчада якка-ёлғиз яшаш осон эмас-да».

Миттвой билан Карлсон ҳақидаги китобча биринчи марта рус тилига таржима қилинганда, Москвадаги болалар кутубхоналаридан бирининг ўқувчилари Астрид Линдгрэнга хат ёзишиб, қаҳрамонларингизни — «Дунёдаги энг яхши» Карлсон билан дўстлиқнинг кадрига етадиган, ахил дўст бўла оладиган Миттвойни биз ҳам яхши кўриб қолдик, дейишди. «Ёзган хатингни олдим,— деб ёзганди Астрид Линдгрэн бир кизчага,— ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Мен илгарилари ҳеч қачон Москвадан хат олмагандим... Ёзда Стокгольмдаги майда ороллар қўйнида жойлашган Фурусунда тураман. Уйим шундай денгиз бўйида, соҳилда. Финляндияга кетаётган пароходларни кўриб тураман. Финляндиядан эса сен яшаётган Россиягача унча узоқ эмас. Ҳозир бизда ой нур сочиб турибди, кизик, сизларда ҳам у нур сочаётими? Карлсоннинг сенга ёкканидан жуда хурсандман...» Болалар Астрид Линдгрэндан «Миттвой билан Карлсон»нинг давомини ёзишни илтимос қилдилар. Ҳамма Миттвой бувисиникидан қайтиб келгандан кейин Карлсон унинг олдида келадими-йўқми, билгиси келарди. Астрид Линдгрэн шундай жавоб қилди:

«Вақти-соати келиб давомини ёзаман, лекин бу ҳали-вери бўлмайди, чуқки мен жуда кўп бошқа китобларни ёзишим керак».

Астрид Линдгрэн билан хат ёзишиб туришган болалар ўсиб-улғайишди... катта бўлишди, сизлар эса, болалар, «Миттвой билан Карлсон»ни бир йўла давомига қўшиб ўқийсизлар. Астрид Линдгрэн болалар учун жуда кўп китоблар ёзди. Уларни дунёнинг ўн тўққиз мамлакатида турли тилларда ўқишади. Астрид Линдгрэн ўзининг кизиқарли, ажойиб китоблари учун халқаро мукофот — буюк эртақчи Ганс Христиан Андерсен номидаги медални икки марта олишга муяссар бўлди.



Сал катта бўлганингизда Астрид Линдгренинг рус тилига таржима қилинган бошқа китобларини: «Қалле Блюмквистнинг саргузаштлари» ва «Дайди Расмус» асарларини ҳам албатта ўқиб чикинг. Улар, хойнахой, сизларга ёқади!

\* \* \*

Антуан де Сент-Экзюпери 1900 йилнинг 29 июнида Лион шахрида, илдизи тарих қаърига чуқур ботган, вақт ўтиб қашшоқлашиб қолган аристократлар оиласида дунёга келди. Қичкина Антуандаги қизиқувчанлик, турли фанларни эгаллашдаги билагон қобилият жуда эрта кўзга ташланди. У ўзига тенгкур болалар даврасида кувнок, ҳазилкаш, турли ўйинларни ўйлаб топишга устаси фаранг сифатида машҳур эди. Болакай ўчоқда ёниб турган оловга қараб туриб соатлаб ўй суришни жуда-жуда ёқтирарди. Тонио (уни эркалаб шундай чақиришарди) шеър ёзишни жуда эрта бошлади. Унинг шеърлари болаларга хос бўлмаган аллақандай сирли гамгинлик ва ўйчанлик билан йўғрилган бўларди. У расм чизишни, скрипка чалишни ҳам қойил қилса-да, аммо унинг бутун борлигини ўзига тортган машғулот — машиналару техникага оид китобларни мутулаа қилиш, совға қилинган ўйинчоқларнинг ичини кавлаштириш, уларни қандай тузилганини билишга интилиш бўлди. У олти яшарлигидаёқ машиналар ҳақида анча-мунча тушунчага эга эди.

1910 йилда Антуани Ман шахридаги коллежга ўқишга юборишди. У бошқа ўқувчилардан фарқли равишда, ётоқхонада қолмай, ўқишдан кейин уйига қайтарди. Антуанининг дарсларни ўзлаштириши бир савияда кечмади, бунинг устига у тўполончи сифатидаям ном чикарди. Аммо, уйга қайтганда Тонио бутунлай ўзгариб қоларди. Ҳатто у пинҳона Цезарининг уруш ҳаракатларига оид бир рисоласини лотинчадан таржима қилишга киришиб, қадимий римликларнинг ҳарбий техникаси ва ўша замон уруш ҳаракати ҳақида батафсил тушунчага эга бўлишни мақсад қилиб кўйганди.

Сент-Экзюпери ўн икки ёшга тўлганда биринчи бор ҳавога кўтарилди: ўша пайтлардаги машҳур француз учувчиси Ведрен уни Амборье шахарчаси яқинидаги аэродромдан бирга олиб осмонга учади. Парвоз ишқи мана шу лаҳзадан бошлаб ёш Антуанининг ҳаётдаги асосий, бир умрлик мақсади бўлиб қолади.

Бу воқеадан икки йил ўтар-ўтмас Европада Биринчи жаҳон уруши бошланади. Антуан ўз ўқишини дастлаб Швейцарияда, кейинчалик Парижда давом эттирди. 1919 йилда эса у Париждаги Санъат мактабининг архитектура бўлимига ўқишга киради. Бутун вужуди билан осмонга — парвозга интилаётган ёш йигит тақдиридаги кескин бурилиш нуқтаси 1921 йил бўлди. Худди мана шу йили ҳарбий хизматга чақирилди. Омадми ё тасодифми, ҳуллас, у ҳарбий кирувчилар авиаполкига тушади. Дастлабки пайтларда у устахонадаги юмушлар — самолётларни ремонт қилиш ишлари билан шуғулланди, кейинчалик самолётни бошқариш бўйича ўтказиладиган машғулотларда қатнаша бошлади.

Сент-Экзюперининг биринчи мустақил ҳавога кўтарилиши жуда кўнгилсиз ўтди. Ҳадеганда келавермаган инструкторни кутишга сабр-тоқати қолмаган ёш учувчи ёлғиз ўзи осмонга кўтарилади, аммо кўнишга келганда, самолёт унга бўйсунмаётганини сезади. Антуан аэродром атрофида айланиб учаркан, боз устига, тўсатдан самолёт мотори ҳам ёна бошлайди. Самолётда тириклайин қуйиб кетгандан кўра, ерга бир бало қилиб қўниш зарурлигини англаган Экзюпери қийналиб бўлса-да («Тасодифан»,— деб ёзади кейинчалик ёзувчининг ўзи), ерга қўнади. Биринчи мустақил парвоз унга қимматга тушди: каттик жароҳатланди, бошлиқлардан аччиқ дашном эшитди.

Аммо, бари бир, Сент-Экзюперининг учувчи бўлиш истаги шу воқеадан кейин

узил-кесил қатъий мақсадга айланди. Кўп ўтмай ҳарбий хизмат муддати тугаб, армия сафидан бўшатишган Антуан ўз мақсадига осонлик билан эришмайди. У дастлаб томлар устига ёпиладиган черепица ишлаб чиқарувчи заводга хизматга киради. Кейин автомобиллар сотиш бўйича агент вазифасида ишлай бошлайди. Фақатгина 1926 йилга келибгина у ўз орзусига эришади: Антуан де Сент-Экзюпери «Латекс» авиакомпаниясига қабул қилинади.

Айнан мана шу лаҳзадан бошлаб Экзюперининг тасодифлару гаройиботларга тўла ҳаёти бошланади. Авиалиниялар бошлиғи Дидье Дора («Тунги учиш» романидаги Ривьернинг прототиби) раҳбарлиги остида ёш учувчи янги учиш линияларини, янги самолётларни ўзлаштиришга қизғин киришади.

Кейинчалик у Марокашдаги Кап-Жуби шахарчасида жойлашган аэродром бошлиғи этиб тайинланади. Роса бир ярим йилдан кейин Антуан де Сент-Экзюпери ўзининг биринчи асари билан Францияга қайтади. Бу «Жанубий почтачи» киссаси эди. Унинг бу асари 1928 йилда нашр этилади. Худди мана шу биринчи асарида ёзувчи ижодининг асосий мавзуси кўзга ташланади.

Авиация — Антуан де Сент-Экзюпери учун биринчи навбатда дунёни ўрганиш, уни кашф этиш, инсондаги нодир фазилатларни тарбияловчи; одамлар ва мамлакатлар ўртасида ҳамкорликка, биродарликка йўл очувчи восита эди. «Муҳими? Муҳими, менимча, бу бизнинг касбимизнинг буюк қувончлари-ю, фақат бизнинг касбимизга хос бўлмаган изтироблари эмас; муҳими, мана шу қувончлару изтироблар туйғайли шаклланган ва бизни юксалтириб турувчи фазилат — ҳаётга бўлган муносабатимиз», деб ёзган эди 1933 йилда Сент-Экзюпери.

Сент-Экзюпери ўзини ҳеч қачон профессионал ёзувчи деб ҳисобламаган эди. «Ёзишдан аввал яшаш керак» — бу сўзлар унинг шиори бўлди. У ҳаётга фаол муносабатда бўлган ёзувчилар — Конрад, Шолохов, Хемингуэй, Камью каби четдан туриб кузатишдан, воқеликдан узок мулоҳазалар чиқаришдан кўра, содир бўлаётган воқеаларнинг фаол иштирокчиси бўлишни маъқул кўрарди. Шу сабабдан ҳам у Хемингуэй, Мальро каби Испанияда граждандар уруши бошланиши билан «Пари суар» газетасининг мухбири сифатида бу мамлакатга жўнайдди.

У Совет Иттифоқида бўлганидаям, кузатувчи бўлиб эмас, жамиятимизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси сифатида совет кишиларини хотирасида қолди. «Мен «Максим Горький» самолётида учдим... Бу мен кўниккан учишларга асло ўхшамасди... Мен бу самолётнинг техник фазилатларидан кўра, уни бошқариб бораётган навқирон экипаждан, уларни бирлаштириб турган ягона мақсадни амалга ошириш истагидан ҳайратланардим... Мен уларнинг ҳам жиддий, ҳам юракларини тўлкинлантирган қувончлари кўзларида чакнаб ишлашларини кўриб ҳайратланардим... Уларнинг юрагини тўлкинлантирган туйғулар самолётда ўрнатилган саккизта кучли мотордан ҳам қудратлироқ ҳаракат манбаи эди», — деб ёзган эди Сент-Экзюпери 1935 йил «Известия» газетасида.

1939 йилда фашистлар Германияси Францияга бостириб кирганида, Сент-Экзюпери ҳам ҳарбий хизматга қақирлиб, ўқув полкига инструктор этиб тайинланади. «Ялиманан, Ш.га айтиб кўр, мени қирувчи самолётда учишимга рухсат беришин», — деб ёзган эди у ўша йили яқин дўстига. — Бу ерда бўғлиб кетдим... Тўйиб нафас олиб бўлмаяпти. Ахир, нимани кутяпмиз?.. Токи бу урушда қатнашмас эканман, мен маънавий жиҳатдан хастаман. Мен бўлаётган воқеалар ҳақида ёзишим керак. Фақат турист сифатида эмас, жангчи сифатида ёзишим керак...»

1928 йилда босилиб чиққан «Жанубий почтачи» асарини ўша замон адабиёт аҳли жуда хотиржамлик билан кутиб олди. Кўпчиликнинг назарида бу асар фақат учиш гаройиботлари, бир муҳаббат тарихидан иборат эди.

«Жанубий почтачи» ҳақидаги дастлабки маълумот 1923 йилнинг октябрида ёзув-

чининг онасига ёзган мактубида қайд этилган. Дастлаб бу асар «Жак Берниснинг тарки дунёси» деб номланган эди. 1926 йилда эса «Ле Невар д' Аржен: журналида Сент-Экзюперининг «Учувчи» деб номланган ҳикояси чоп этилади. Аслида, бу ёзилаётган асардан бир лавҳа эди, холос. Асарнинг ёзиб тугаллангани ҳақида эса ёзувчи синглисига ёзган мактубида маълум қилади.

«Жанубий почтачи» асари устида Сент-Экзюпери роппа-роса олти йилча ишлади. Асар қахрамонлари — учувчи Бернис ҳам, унинг маъшуқаси Женевьева ҳам ҳалок бўлишади. Улар бир-бирларини қанчалик севишмасин, лекин уларнинг ҳар бири ўз дунёси, ўз тушунчаси доирасини ёриб чиқолмайди. Улар ўртасидаги айрилик уларни қурбон қилади. Жак Бернис қалбидаги айрилик унга учиб давомида дуч келган синовлар қаршисида ожизликка олиб келади. Ёзувчи учувчи ҳалокати сабабларини очмайди — бу тарки дунё эдими ёки бахтсиз ҳодиса эдими? — номаълумлигича қолади. «Жанубий почтачи» асаридаги кўп оҳанглар «Тунги учиш» ва «Кичкина шахзода»да мазмунан давом эттирилади.

«Тунги учиш» 1930 йилда Буэнос-Айресда ёзилади. 1931 йилда Францияда, мавқеи баланд Галлимар нашриётида чоп этилади. Ўша йилдаёқ у «Фемина» адабий мукофоти билан тақдирланади.

Ёзувчи замондошлари учун бу роман улар яшаётган жамиятда авж олган худбинликка қарши ёзилган, бурчининг гўзаллиги ҳақида ҳикоя қилувчи асар эди.

Сент-Экзюпери «Кичкина шахзода» асарини иккинчи жаҳон уруши авжига чиққан кунларда бошлади. Ёзувчи бу қайғули эртани ўзининг бешафқат замонасига қарши кўяди. «Мен жуда оғир қайғуряпман, эзилиб кетдим, — деб ёзган эди у ўша кунларда ёзилган мактубларининг бирида. — Мен инсонга хос бўлган фазилатлардан маҳрум авлодимни кўриб қайғуряпман... Бутун вужудим билан ўз замонамдан нафратланаман. Бу замонада инсон ташналикдан ҳалок бўлмоқда.

О, бу дунёда фақат бир муаммо бор: одамларга ҳаётдан маънавий қониқиш хиссини қайтариш керак... Шеърингиз, рангин бўёқлариз, муҳаббатсиз яшашнинг кизиги йўк... Биз нақадар тубанлашиб кетганимизни англамоқ учун XV асрда дехқонлар қуйлаган кўшиқни тинглашнинг ўзи кифоя...»

Кичкина шахзода ўз саёҳати давомида дуч келган сайёраларда яшовчи одамларнинг ҳар бири алоҳида бир рамзга эгадир. Уларда инсон фазилатларини камчиликлари намоён бўлади.

Кичкина шахзода Ердаги биринчи учратган тирик жонзот — илон бўлди. Илон ҳамиша қадим халқлар назарида донишмандлик рамзи бўлиб, бу халқлар мифологиясида жуда муҳим ўрин эгаллаган. Антуан де Сент-Экзюпери эртагидаги илон ҳам шундай муҳим вазифани бажаради.

Асардаги иккинчи муҳим рамзий образ — Тулки. Тулки «Кичкина шахзода»га халқ эртақларидан кириб келган бўлса, ажабмас. Чунки Европадаги катор халқларнинг эртақларида Тулки кўпроқ оддий одамларга хос бўлган донишмандлик тимсоли бўлиб гавдаланади. Тулкининг сўзларида Сент-Экзюпери бутун ижоди давомида тарғиб қилган ишонч рамзини кўради:

«Бирон-бир нарсани англаш учун уни қўлга ўргатиш лозим. «Қўлга ўргатиш» эса ҳамиша ўзаро «ришталар боғламоқ»ликка олиб келади. Бу дегани: «Қўлга ўргатилган» жонивор ёки одам бизга қанчалик муҳтож бўлса, биз ҳам унга шунчалик муҳтож бўлаемиз. Чунки энг аввало уларни «Қўлга ўргатганимиз» учун жавобгар бўламиз».

«Ҳозир сен мен учун дунёдаги ўзингга ўхшаган юз минг боланинг бирисан, холос, — дейди Тулки Кичкина шахзодага. — Ҳозирча сен менга керак эмасан, мен ҳам сенга керак эмасман. Мен ҳам сенга ҳозир дунёдаги юз минглаб тулкининг бириман, холос. Аммо борди-ю, сен мени қўлга ўргатсанг, иккимиз бир-биримизга керак бўлиб қоламиз. Сен мен учун дунёдаги ягона одамга айланасан. Мен ҳам сен учун

дунёда ягонага айланман... ..Сен мени кўлга ўргатсанг, қоронғи турмушимга нур кирарди. Шунда сенинг оёқ товушларингни мен минглаб одам ичидан ажрата оладиган бўламан. Хозир одам шарпасини сезсам бас, дарҳол бекиниш пайига тушаман. Аммо мени кўлга ўргатсанг борми, қадам олишинг худди оханрабо мусика янглиг мени ўзига чорлайдию яшириниб ётган жойимдан истиқболингга югуриб чиқаман. Ундан кейин, ҳув, анови бугдойзорни кўряпсанми? Қара, бугдой ғарк пишиб ётибди. Мен дон-дун емайман, галла билан ишим йўқ. Бугдойзор далаларнинг мен учун ҳеч қандай маъноси йўқ. Бунинг қанчалик қайғули эканини билсанг эди! Сенинг сочларинг ажойиб, тилларанг товланади. Агар мени кўлга ўргатсанг, шундай соз бўладики! Олтин тусли бугдойзор энди менга сени эслата бошлайди. Ва шунда мен бошоқларнинг шамолда чайқалишини яхши кўриб қоламан».

Ҳа, гап «кўлга ўргатишда эмас, мана шу яхши кўриб қолишда — муҳаббатда», деб уқтиради Сент-Экзюпери. Езувчи назарида муҳаббат — фақат бизни бошқа одам ёки жонот билан боғлаб турувчи риштагина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга у бизни қуршаб турган муҳитни англашимизга қўмақлашади, уни мазмунан тўйинтиради, бу эса ўз навбатида бизни бойитади. «Фақат кўнгил кўзигина очик. Энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан» — Тулкининг Қичкина шахзодага айтган бу сўзларида мана шу муҳаббат асосини кўрамыз.

Эртақдаги учинчи рамзий образ — Қичкина шахзода ўз сайёрасида авайлаб ўстирган феруза гул. Бу мағрур ва ўзбошимча гул Қичкина шахзодага жуда кўп ташвишлар келтиради, уни не-не азобларга дучор қилади. Ҳатто уни ўз сайёрасидан кетиб қолишига сабаб бўлади. Бу айрилик жуда оғир кечди — чунки Қичкина шахзода феруза гулни севарди. Сент-Экзюпери ижоди ва ҳаётини ўрганган қатор адабиётшунослар адиб бу феруза гул тимсолида ўзининг хотини Консуэло де Сент-Экзюперини тасвирлаган, деган хулосага келишади. Дарҳақиқат, адибнинг шахсий ҳаётида рўй берган жуда кўп кийинчиликлар Қичкина шахзода билан феруза гул ўртасидаги муносабатларда акс этган бўлиши ҳақиқатдан узоқ эмас.

Донишманд Тулки Қичкина шахзодага яна бир муҳим гапни айтган эди: «Одамлар бир ҳақиқатни унутдилар, аммо сен асло ёдингдан чиқарма: кимники «кўлга ўргатган» бўлсанг, унинг тақдирига хамиша жавобгарсан. Унутма, феруза гулни учун ҳам жавобгарсан».

Худди мана шу сўзлар Қичкина шахзоданинг ўз гулига бўлган муносабатини ўзгартиради. У яна ўз сайёрасига қайтмоқчи бўлади. Ҳатто ўлим олдидан: «Мен гулимга жавобгарман», — деган сўзларни такрорлайди.

Қичкина шахзоданинг саҳрода, ҳалокатга учраган учувчи ёнида пайдо бўлиши ҳам рамзий ифодага эга. Бу ҳар бир инсон ўз болалигини унутмаслиги, энг оғир дамлардаям уни қурбон қилмаслиги кераклигини уқтиришдир.

«Қичкина шахзода» асари бизнинг тасаввуримиздаги жуда кўп тушунчаларни ўзгартириш кучига эга. Балки бизнинг еримиз ҳам, биз ўйлаганчалик катта эмасдир, балки бу чексиз ва ҳадидсиз коинотда у Қичкина шахзода яшаган сайёрачалик қичкинадир? Балки Она сайёрамизда ҳар биримизнинг феруза гулимиз бордир?

«Аминманки, сиз ҳам, Қичкина шахзодани яхши кўриб қолган бошқа ҳар қандай одамга ҳам, худди мен каби, коинотнинг аллақайси бурчагида биз ҳеч қачон кўрмаган бир кўзичок бизга нотаниш бир гулни еб қўйган-қўймагани асло бари бир бўлмаса керак; дунёнинг кўзимизга қандай кўриниши ана шунга жуда-жуда боғлиқ...»

Бошингизни кўтариб, бепоён осмонга боқинг. Сўнгра ўзингиздан «Ўша феруза гул омон бормикан?..» деб сўранг. Ана шунда кўрасиз — олам кўз ўнгингизда буткул бошқача жилвалана бошлайди».

*А. Исаева,  
Хуришд Даврон*



---

Астрид Линдгрен

МИТТИВОЙ  
ВА  
КАРЛСОН



ЭРТАК-ҚИССАЛАР

Русчадан  
Хусан Рўзиматов таржимаси

## МИТТИВОЙ ВА ТОМДА ЯШОВЧИ КАРЛСОН

### ТОМДА ЯШОВЧИ КАРЛСОН

Стокгольм шаҳридаги одатдаги кўчаю одатдаги уйлардан бирида Свантесон фамилияли оддийгина швед оиласи яшарди. Бу оиладаги ота ҳам, она ҳам кўпчилик ота-оналардан фарқ қилмасди. Боссе, Бетан ва Миттивой исмли уч болакай ҳам ўз тенгқурларига жуда ўхшашарди.

— Мен ҳечам оддийгина миттивой эмасман, — дейди Миттивой.

Бу тўғри эмас, албатта. Ахир, бу оламда етти яшар, кўзлари кўм-кўк, кулоқлари кир, иштонининг тиззаси йиртилган болалар камми! Бунга шубҳаланмаса ҳам бўлади: Миттивой кўча чангитиб юрган минглаб болаларнинг бири.

Боссе ўн бешга кирган, у доска олдида тургандан кўра, футбол дарвозасида туришни афзал кўради. Демак, у ҳам оддий болалардан.

Бетан ўн тўрт ёшда, унинг сочи ҳам оддий тенгдошларининг сочига жуда-жуда ўхшайди.

Бутун бошли уйда битта зот ўзгаларга сира ўхшамасди — бу томда яшовчи Карлсон. Ҳа, у чиндан ҳам томда яшарди. Шунинг ўзиёқ антика эди. Балки бошқа шаҳарларда сал бошқачароқдир, бироқ Стокгольмда бирорта одамнинг томда, яна алоҳида кичкина уйчада яшаганини ҳеч учратишмаган. Лекин буни қарангки, Карлсон худди шу биз айтган томда яшайди.

Карлсон — кичкинагина, бақалок, кеккайган бир одамча, бунинг устига учини қобилиятига эга. Самолёту вертолётларда ҳамма ҳам уча олади, лекин Карлсоннинг ўзи уча олади. Қорнидаги тугмачани босса бас, орқасидаги кичкина ажойиб моторча тариллаб ишлай бошлайди. Паррак пириллаб айлангунча Карлсон бир зум қимир этмай туради, мотор роса ишлагандан кейин Карлсон осмонга кўтарилади-да, енгил чайқалиб учиб кетади. Унинг худди директорга ўхшаб керилишини кўрсангиз. Бироқ орқасида парраги бор директорни тасаввур этиш мумкинми ўзи?!

Карлсон томдаги кичкинагина уйда роҳатда яшайди. Кечкурунлари остонада ўтириб, трубкасини чекиб, юлдузларни томоша қиладди. Деразалардан кўра томдан юлдузлар яхшироқ кўринади, шунинг учун ҳам нега одамлар томда кам яшашади-я, деб ҳайрон бўласан-да киши. Балки, бошқа одамлар бунинг фаҳмига боришмас. Ахир, улар Карлсоннинг у ёқда уйчаси борлигини билишмайди, чунки уни қаттақон мўри тўсиб туради. Умуман, қатталар унга қоқилиб кетишганда ҳам кичкинагина уйчага эътибор қилишармиди.

Қунлардан бир кун мўри тозаловчи Карлсоннинг уйчасини кўриб қолди. У жуда ҳайрон бўлиб, ўзига-ўзи:

— Тавба... уйчами? Йўғ-э, кўзимга шундай кўринаётгандир!

Томда кичкина уйча турибдими?.. Каёкдан келиб колди? — деди.

Мўри тозаловчи мўрига тирмашиб чикди-ю, шу захоти уйча ёдидан кўтарилди, шу-шу бошка эсига олмади ҳам.

Миттивой Карлсон билан танишганидан жуда хурсанд бўлди. Карлсон учиб келиши биланок, жуда ғалати саргузаштлар бошланарди. Афтидан, Миттивой билан танишганидан Карлсоннинг ҳам кўнгли чоғ эди. Ахир кичкинагина уйда якка ўзи тургач, зерикади-да. Яна бу уйни ҳеч ким кўрмаса, нимаси яхши? Учиб ўтаётганинда битта-яримта «Салом, Карлсон» деб кичкирмаса, сўрашмаса, кишига алам килмайдими?!

Миттивой билан Карлсон нобоп кунда танишишди-да. Ўша куни Миттивой бўлишнинг ҳеч қизиғи йўқ эди. Ҳолбуки, одатда Миттивой бўлиш жуда кўнгилли. Миттивой оиланинг эркатойи. Унинг оғзидан чикканини муҳайё қилишади. Бироқ бугун негадир иш чаппасига кетди. Ойиси уни яна иштонини йиртгани учун койиди, Бетан унга «Бурнингни артиб юрсанг-чи» деб ўшқирди, мактабдан кеч қайтганига дадасининг жаҳли чикди.

— Кўча-кўйда санқиб юрасан-а! — деди дадаси.

«Кўча-кўйда санқиб юрармиш!» Ахир, уйга келаётиб йўлда кучукчани учратиб колганини дадаси билмайди-да. Кучук шундай ёқимтой, шундай чиройли эдики, асти кўяверасиз. У гўё Миттивойга эргашиб кетгиси келгандай, уни хидлаб, хадеб думини ликиллатарди.

Миттивойга колса, кучукни жон-жон деб олиб кетарди-я. Бироқ ойиси билан дадаси уйга ит олиб келишга қарши. Бунинг устига муюлишдан бир хотин чиқиб: «Рики! Рики! Буёққа кел!»— деб кичкириб колса бўладими. Ўшандан кейин Миттивой кучукдан бутунлай умидини узди.

— Бутун умр итсиз ўтиб кетадиганга ўхшайман,— деди Миттивой куюниб, иши ўнгидан келмагач.— Ойи, сиз дадам билан биргасиз, Боссе билан Бетан ҳам сира ажралишмайди, доим бирга, менинг-чи? Менинг ҳеч кимим йўқ!..

— Оппоғим, Миттивой, ахир, биз ҳаммамиз сени яхши кўрамизку,— деди ойиси.

— Билмадим...— деди Миттивой кўнгли баттар чўкиб, чунки унга чиндан ҳам бу дунёда ҳеч кими ва ҳеч нарса йўқдай туюлди.

Ҳа, айтмоқчи, унинг ўз хонаси бор эди, у шу хонасига кириб кетди. Баҳор окшомларидан бири, деразалар очиб қўйилган, оқ пардалар гўё ҳозиргина мусаффо осмон қўйнида пайдо бўлган митти хира юлдузлар билан саломлашаётгандек секин хилпирарди. Миттивой тирсагини дераза токчасига тираганича кўчага қараб ўтирди. У бугун йўлда кўрган чиройли кучук ҳақида ўйларди. Балки, ўша кучук ҳозир ошхонада сават ичида ётгандир. Миттивой эмас, аллақандай бошка бола унинг ёнида ўтириб, «Рики, сен ажойиб кучуксан!» деб пахмоқ бошини силаётгандир.

Миттивой оғир хўрсиниб қўйди. Бирдан унинг қулогига гўнғиллаган товуш эшитилди. У тобора кучайиб, кейин деразаси ёнидан лўппигина кичкина одам учиб ўтди. У кўзларига ишонмай ағрайиб колди. Бу, томда яшовчи Карлсон эди. Лекин Миттивой ҳали уни танимас эди.

Карлсон Миттивойга бошдан-оёқ қараб чикди-да, кейин яна учиб кетди. У баланд кўтарилиб, том устида, мўри атрофидан бир айланди-да, яна оркасига, дераза томонга қайтди. Тез учиб, Миттивойнинг ёнидан худди кичик самолётдай ғувиллаб ўтиб кетди. Кейин Карлсон иккинчи марта айланиб келди. Сўнг учинчи марта.

Миттивой, бу ёғи нима бўларкин, деб кимир этмай тураверди. Унинг хаяжондан нафаси тикилиб, юраги шигиллаб кетди — ахир, бундай семиз, кичкина одамча деразаси ёнидан ҳар куни ҳам учиб ўтавермайди-да.

Кичкина одам бу орада учишини секинлатиб, дераза рўпарасига келганда:

— Салом! Шу ерга бирпасга қўнсам майлими? — деди.

— Ҳа, ҳа, бемалол, — деди Миттивой шоша-пиша, кейин:— Нима, учиш қийинми? — деб қўшиб қўйди.

— Менга чўт эмас, ҳечам оғирмас, — деди Карлсон керилиб, — чунки дунёда энг зўр учармонман! Бирок тўнкадай қўпол, бесўнакай одам менга тақлид қилишни ўйламаса ҳам бўлади.

Миттивой, унинг «тўнкадай қўпол» деган гапига хафа бўлмаса ҳам бўлади, деб ўйлади ўзича, бироқ учишни ҳеч қачон ҳавас қилмасликка аҳд этди.

— Отинг нима? — деб сўради Карлсон.

— Миттивой. Лекин асли отим Сванте Свантесон.

— Менинг отим Карлсон. Ҳа, хайрон бўлма. Карлсон, вассалом! Салом, Миттивой!

— Салом, Карлсон! — деди Миттивой.

— Ешинг нечада? — деб сўради Карлсон.

— Еттидаман, — деб жавоб берди Миттивой.

— Жуда соз. Кел, бир гаплашайлик, — деди Карлсон.

Шундай деб, қалта, семиз оёқчаларини дераза тоқчасидан тушириб, лип этиб хонага қўнди.

— Сенинг ёшинг нечада? — деб сўради Миттивой кап-катта одамнинг ўзини болалардай тутишидан хайрон бўлиб.

— Нечага кирдинг дейсанми? — деб такрор сўради Карлсон. — Айни қирчиллама пайтим, бошқа ҳеч нима деёлмайман.

Миттивой қирчиллама пайтнинг нималигини аниқ билмасди. Балки ўзининг ҳам қирчиллама пайтидиру, ҳали бунга ўзи билмас? Шунинг учун ҳам секин ўсмоқчилаб сўради:

— Қирчиллама пайт қайси ёшда бўлади?

— Ҳар қандай ёшда, — деб жавоб қилди Карлсон мамнун кулимсираб. — Айниқса мен тўғримда гап кетганда ўша ёшдаман. Мен чиройли, ақлли, тобида семирган, куч-қувватга тўлган эркакман!

У Миттивойнинг китоб жавони олди-да, ўша ерда турган ўйинчоқ буг машинани олди.

— Кел, юргизамиз, — деб таклиф қилди Карлсон.

— Дадамсиз юргизиш мумкинмас, — деди Миттивой. — Машинани фақат дадам ёки Боссе борида юргизиш мумкин.

— Даданг, Боссе ёки томда яшовчи Карлсон билан бирга юргизиш мумкин. Буг машиналари бўйича жаҳондаги энг зўр мутахассис — ўша томда яшовчи Карлсон бўлади. Дадангга ҳам худди шундай дегин! — деди Карлсон.



У машина ёнида турган денатурат қўйилган шишани чаккон олди-да, кичкинагина спиртовкани тўлдириб, пиликни ёкди.

Карлсон буғ машиналари бўйича дунёдаги энг зўр мутахассис бўлса ҳам денатуратни эплаб қуёлмай, тўкиб юборди. Жавонда денатуратдан халқоб ҳосил бўлди. У лоп этиб ёниб, аланга бутун жавонга ўрмалади. Миттивой кўркканидан кичкириб юборди ва ўзини четга олди.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! — деди Карлсон ва огоҳлантирган бўлиб семиз қўлини кўтарди.

Бирок Миттивой алангани кўриб, хотиржам туролмади. У дарҳол латта олиб, алангани уриб ўчирди. Ялтирок жавоннинг бетида бир нечта катта-катта хунук доғ колди.

— Қара, жавон расво бўлди! — деди Миттивой ташвиш билан. — Энди оймга нима дейман?

— О, парво қилма, бу рўзғорда бўладиган гап-ку! Китоб жавонининг беш-олти жойи жиндак доғ бўлди, холос — бу рўзғорда бўладиган гап. Ойингга худди шундай дегин.

Карлсон буғ машинаси ёнига чўккалаб ўтирди-да, кўзларини пирпиратиб:

— Ҳозир юриб кетади, — деди.

Чиндан ҳам бир секунд ўтар-ўтмас буғ машина ишлаб кетди. «Пш, пш, пш» деб пишилларди у. У дунёдаги бор буғ машиналарининг энг яхшиси эди. Карлсон, гўё бу машинани ўзи ихтиро қилгандай мамнун ва мағрур турарди.

— Мен сақлагич клапанини текшириб кўришим керак, — деди тўсатдан Карлсон ва қандайдир кичкина дастани айлантира бошлади. — Сақлагич клапанларини текширмасанг, авария бўлиши мумкин.

«Пш, пш, пш, — деб тобора тезроқ пишилларди буғ машина. — Пш, пш, пш!» Бора-бора, гўё жуда тез чопган одамдай хансирай бошлади. Карлсоннинг кўзлари чакнаб кетди.

Миттивой жавондаги доғларни ўйламай ҳам қўйди. У ажойиб буғ машинаси борлигидан, сақлагич клапанларини усталик билан текшириб турган буғ машиналари бўйича жаҳондаги энг зўр мутахассис Карлсон билан танишганидан ўзида йўқ хурсанд, бахтиёр эди.

— Хўш, Миттивой, — деди Карлсон, — мана бу чинакам «Пш, пш, пш!» Қойил-э! Дунёда энг зўр...

Бирок Карлсон гапини тугатолмади, чунки худди шу пайт кучли портлаш эшитилди-ю, буғ машинасидан ном-нишон қолмади. У парча-парча бўлиб, ҳар томонга учиб кетди.

— У портлаб кетди! — деб кичкириб юборди Карлсон гўё буғ машинасида ажойиб фокус кўрсатган одамдай севинчи ничига сиғмай. — Ростданам портлаб кетди. Гумбурлашини эшитдингми! Қойил-а!

Бирок Миттивой Карлсондек хурсанд бўлмади. У кўзлари ёшга тўлиб, серрайиб қолганди.

— Буғ машинам... — деди у пиқ-пиқ йиғлаб. — Буғ машинам парча-парча бўлиб кетди.

— Ҳечкиси йўқ, рўзғорда бўлиб туради! — Карлсон бепарволик

билан кичкина семиз кўлини силтади.— Сенга бундан ҳам яхши машина бераман,— деди Миттивойни юпатган бўлиб.

— Сен-а? — деб сўради Миттивой.

— Бўлмаса-чи. Тепада неча минг хилма-хил буғ машина ётибди.

— Тепада деганинг қаерда?

— Тепада, томдаги уйчамда.

— Нима, томда уйчанг борми? — деб такрор сўради Миттивой.— Бир неча минг буғ машинанг борми?

— Ҳа-да. Ҳар ҳолда, икки юзтача бор.

— Уйчангни жуда кўргим келяпти-да,— деб хитоб қилди Миттивой.

Томда, кичкина уйчада Қарлсон яшашига ишонгинг келмайди...

— Тавба, бир уй тўла буғ машина бўлса-я! — деди Миттивой ажабланиб.— Икки юзта машина-я!

— Тўғриси, қанча қолганини аниқ билмайман, ҳисоблаганим йўқ,— деди Қарлсон,— ҳар ҳолда элликта-олтмиштача чикса керак.

— Менга битта машина берасанми?

— Ие, бўлмасам-чи!

— Ҳозир-а?

— Йўқ, аввал уларни бир кўздан кечириб чиқишим, сақлагич клапанларини текшириб кўришим керак... яна бошқа ишлар бор. Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! Яқин кунларда машиналик бўласан.

Миттивой полда сочилиб ётган буғ машинасининг парчаларини тера бошлади.

— Дадамнинг роса жаҳли чиқади-да,— деди ташвишланиб Миттивой.

Қарлсон ҳайрон бўлиб, қошларини чимирди.

— Шу арзимаган буғ машина учун-а? Ахир, бу рўзғорда бўладиган гап-ку! Куйиб-пишишингга арзимаydi. Дадангга худди шундай дегин. Бу гапни унга ўзим ҳам айтардим у шошиб турибман-да, кетишим керак, ортиқ қололмайман... Бугун даданг билан учрашолмасам керак. Уйга учиб боришим, у ёқда нималар бўлаётганини кўришим керак.

— Бизниқига келганинг жуда яхши бўлди-да,— деди Миттивой.— Фақат, шу буғ машинанинг... Яна келасанми?

— Хотиржамлик бўлсин! Хотиржамлик! — деди Қарлсон ва қорнидаги тугмани босди.

Мотор гуриллади-ю, лекин Қарлсон жойидан қимирламай, паракнинг роса айланишини кутиб турди. Мана, Қарлсон полдан кўтарилиб, хонада бир неча бор айланди.

— Мотор негадир яхши ишламаяпти. Устахонага бориб келишим керак, мойлаб қўйишсин. Ўзим ҳам мойлаб қўярдим бахтга қарши, ҳеч вақтим йўқ... Ҳа, устахонага бирров бориб келмасам бўлмайдиганга ўхшайди.

Миттивой ҳам ўзича, унинг устахонага боргани маъқул деб ўйлади.

Қарлсон очик деразадан учиб чиқиб кетди; унинг бақалок, кичкина гавдаси юлдузлар жимирлаган тиниқ баҳор осмонида аниқ кўриниб турарди.

— Кўришгунча хайр, Миттивой! — деб кичкирди Карлсон семиз қўлчасини силкитиб ва зум ўтмай кўздан ғойиб бўлди.

### КАРЛСОН МИНОРА ҚУРАДИ

— Унинг исми Карлсон, тепада, томда яшайди деб сизга бир неча бор айтдим-ку, — деди Миттивой. — Ахир, бунинг нимасига хайрон бўласиз? Ахир, одамлар хоҳлаган ерида яшашади-да, нима, мумкин эмасми?

— Ўжарлик қилма, Миттивой, — деди ойиси. — Биласанми, бизни жуда кўрkitиб юбординг-ку! Чинакамига портлади. Ахир ўлиб қолишинг мумкин эди-я! Нахотки тушунмасанг.

— Тушунаман, лекин, бари бир, Карлсон буғ машинаси бўйича жаҳонда энг зўр мутахассис, — деб жавоб берди Миттивой ва ойисига жиддий қараб кўйди.

Ахир, нахотки ойиси тушунмаса, буғ машинаси бўйича дунёдаги энг зўр мутахассис сақлагич клапанларини текшириб кўришни таклиф қилади-ю, «йўқ, бермайман» деб бўладими!

— Қилмишингга ўзинг жавоб беришинг керак, — деди дадаси жаҳл билан, — ҳамма айбни томда яшовчи қандайдир Карлсонга ағдаришининг нима кераги бор, умуман, бунақа одамнинг ўзи йўқ.

— Йўқ, — деди Миттивой, — у бор!

— Уча олади ҳам дегин! — деди Боссе масхараомуз.

— Нега куласан, ха уча олади, — деди Миттивой шартта. — Мана кўрасан, у бизнинг уйга учиб келади, ўз кўзинг билан кўрасан.

— Эртага учиб келса яхши бўларди-да, — деди Бетан. — Агар томда яшовчи ўша Карлсонни ўз кўзим билан кўрсам, сенга бир крон бераман, Миттивой.

— Йўқ, сен уни эртага кўролмайсан — эртага у устахонага бориб, моторини мойлаб олиши керак.

— Ке, бўлди, кўп валдирайверма, — деди ойиси. — Китоб жавонингни бир кўргин, расво бўлибди-ку.


— Парво қилма, бу рўзғорда бўладиган гап-ку! — Миттивой худди Карлсонга ўхшаб кўлини силтаб кўйди. Бу унинг, жавондаги доғлар хафа бўлишга арзимайди-ю, дегани эди.

Бирок онаси Миттивойнинг гапларига ҳам, ҳаракатларига ҳам парво қилмади.

— Карлсон шундай дедими-а? — деди ойиси жаҳл билан. — Бориб айт, агар у яна уйимизга қадам босгудай бўлса, шундай дўппослайки, бир умр эсидан чиқмасин.

Миттивой ҳеч нима демади. Ойисининг буғ машиналар бўйича дунёдаги энг зўр мутахассисни дўппосламоқчи бўлгани Миттивойга жуда даҳшатли туюлди. Ҳа, ҳамма иш чаппасига кетган бундай кўнгилсиз кунда яхшилик кутмаса ҳам бўлади.

Бирдан Миттивойнинг Карлсонни, «Кўнгилсизликлар — бу арзимас нарса, бу рўзғорда бўладиган гап, бунинг учун куйиб-пишмаса ҳам бўлади» деб кичкина семиз қўлчасини ғалати силтаб кўйган ўша тийрак, хушчақчақ одамни кўргиси келиб қолди. «Нахотки Карлсон бошка учиб келмаса?» деб ўйлади Миттивой ташвишланиб.



— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! — деди Миттивой ўзига-ўзи Карлсонга тақлид қилиб.— Ахир, Карлсон келаман деб ваъда берди-ку, бунақа одамлар алдамайди. Бу шундок кўришиб турибди. Бир-икки кундан кейин келади, албатта келади.

...Миттивой ўз хонасида, полга ётиб олиб китоб ўқиётган эди, яна кулоғига галати гўнғиллаган товуш эшитилди, сал ўтмай хонага каттакон аридай Карлсон учиб кирди. У аллақандай шўх бир кўшиқни хиргойи қилиб шифт остида бир неча бор айланди. Карлсон деворга осиб қўйилган суратлар олдидан учиб ўтаркан, уларни яхшилаб кўриб олиш учун ҳар гал учишини секинлатарди. У бошини қийшайтириб, кўзларини қисиб қарарди.

— Чиройли суратлар,— деди у ниҳоят.— Жудаям чиройли. Бирок, меникига етмайди, албатта.

Миттивой ўрнидан сапчиб турди: Карлсон қайтиб келганидан у жуда хурсанд эди.

— Томда суратларинг кўпми? — деб сўради у.

— Бир неча минг. Ахир, бўш вақтларимда ўзим ҳам сурат соламан-да. Мен кичкина хўроз ва қушларнинг суратини, кейин энг чиройли нарсаларнинг расмини соламан. Хўрозларнинг суратини дунёда ҳеч ким мендан яхши солалмайди,— деди Карлсон ва бир айланди-да, Миттивойнинг ёнига қўнди.

— Нималар деяпсан! — деди Миттивой ҳайрон бўлиб.— Сен билан бирга томга чиқсам майлими? Уйингни, буғ машиналарингни, суратларингни шундай кўргим келяптики...

— Бўлмасам-чи, бемалол,— деб жаваб қилди Карлсон,— бирга чикасан, азиз меҳмоним бўласан... Факат бошқа сафар.

— Сабрим чидамаяпти! — деди Миттивой.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! — деди Карлсон.— Уйимни у ёк-бу ёғини йиғиштириб олишим керак. Бирпасда бўламан. Уйни тез йиғиштиришда жаҳонда энг уста одам кимлигини ўзинг фахмлаб тургандирсан?

— Ҳойнаҳой сендирсан,— деди Миттивой, ийманибгина.

— «Ҳойнаҳой эмиш!»— деди Карлсон жаҳли чиқиб.— «Ҳойнаҳой» деганинг нимаси. Ҳали шубҳа ҳам киласанми?! Томда яшовчи Карлсон — уйни тез йиғиштиришда жаҳонда тенги йўқ уста. Бу ҳаммага маълум.

Карлсоннинг ҳамма нарсада «зўрлигига» Миттивой ҳеч ҳам шубҳа қилмасди. Ҳар хил ўйинлар ўйнашда дунёда ҳеч ким ундай ўртокни тополмаса керак. Миттивой бунга ўз кўзи билан кўриб, ишонди... Тўғри, Кристер билан Гунилла ҳам яхши ўртоғу, лекин улар томда яшовчи Карлсоннинг тирноғига ҳам арзимади! Кристер бўлса, ити Еффани мактагани мактаган. Миттивойнинг кўпдан буён Еффага хаваси келиб юради.

«Агар у эртага ҳам Еффасини мактаса, унга Карлсон ҳақида гапириб бераман. Кристернинг Еффаси томда яшовчи Карлсон олдида нима бўпти! Унга худди шундай дейман».

Лекин Миттивой итни жуда яхши кўради, ит деса дунёдаги ҳамма нарсадан воз кечишга тайёр, ўзининг ити бўлишини эртаю кеч орзу қилади...

Миттивойнинг хаёлини Карлсон бўлди.



— Ҳозир жон деб бир кўнгилхушлик қилардим, — деди у атрофига қизиксиниб алангларкан. — Сенга янги буғ машинаси олиб беришмадими?

Миттивой бошини чайқади. У буғ машинасини эслаб: «Мана ҳозир, Карлсон шу ердалигида ойиси билан дадаси унинг чиндан ҳам борлигига ишонишлари мумкин эди», деб ўйлади. Агар Боссе билан Бетан уйда бўлишса, Карлсонни уларга ҳам кўрсатади.

— Ойим билан дадамни кўрасанми, улар билан танишишни истайсанми? — деб сўради Миттивой.

— Ие, бўлмаса-чи! Жоним билан! — деб жавоб қилди Карлсон. — Улар мени кўриб хурсанд бўлишади. Ахир мен шундай чиройли ва ақлман... — Карлсон хонада у ёқдан-бу ёққа мамнун юра бошлади. — Семизлигим ҳам меъёрида, — деб кўшимча қилди, — худлас, куч-қувватга тўлган, қирчиллама вақтим. Ҳа, ота-онанг мен билан танишганидан хурсанд бўлишади.

Ошхонадан келаётган юмалоқлаб ковурилган тефтелининг хидидан Миттивой ҳозир тушки овқатга ўтиришларини фаҳмлади. У ўйлаб-ўйлаб, ота-онаси билан Карлсонни тушликдан кейин таништиришга аҳд қилди. Биринчидан, тефтели ковурилаётганда онасига халақит берилса, бунинг оқибати яхши бўлмайди. Бундан ташқари, ойисими ёки дадаси бирдан Карлсон билан буғ машина ёки китоб жавонидаги доғлар ҳақида гаплашиб қолишса-я. Бунга ҳеч йўл қўймаслик керак. Тушки овқат пайтида Миттивой буғ машиналар бўйича дунёдаги энг зўр мутахассисга қандай муомала қилиш зарурлигини ота-онасига бир амаллаб тушунтириб қўяди. Улар овқатланиб бўлиб, ҳамма гапга тушунишганидан кейин Миттивой ҳаммаларини ўз хонасига таклиф қилади.

«Илтимос, — дейди Миттивой, — менинг хонамга кирсанглар. Томда яшовчи Карлсон бугун меникига меҳмон бўлиб келган».

Улар ҳангу манг бўлиб қолишади! Ўшанда уларнинг афтини роса томоша қилади-да!

Хонада у ёқдан-бу ёққа юриб турган Карлсон тўсатдан тўхтади. У бир жойда котиб қолди-да, худди исковуч итга ўхшаб ҳидлай бошлади.

— Ковурилган тефтели, — деди у. — Ох, ох ковурилган тефтелини ўлгудай яхши кўраман-да.

Миттивой хижолат бўлди. Ахир, Карлсоннинг бу гапига: «Агар хоҳласанг, қолиб биз билан овқатлан», деб жавоб қилиш керак эди, холос. Бироқ Миттивойнинг бундай дейишга юраги бетламади, олдиндан ота-онаси билан гаплашиб, келишиб олмай, Карлсонни тушки овқатга таклиф қилиш мумкин эмас-да. Кристер билан Гунилланинг йўриғи бошқа: Миттивой уларни ҳаммалари стол атрофига ўтириб бўлганларидан кейин олиб келиши, эшикдан кириши биланок: «Ойижон, Кристер билан Гуниллага нўхат шўрва ва куймоқ беринг», дейиши мумкин. Бироқ кичкинагина, бакалок, мутлақо бегона бир одамни, бунинг устига буғ машинани портлатиб, китоб жавонини куйдириб юборган кишини уйга дабдурустан олиб келиб бўладими, ахир! Йўқ, бу осонмас! Лекин Карлсон ҳозиргина, ковурилган қиймани жуда яхши кўраман, деди, демак, қандай бўлса ҳам, уни меҳмон қилиш керак. Яна Миттивойдан

хафа бўлиб, у билан ўйнамай кўйса-я... Ха, ҳозир ҳамма гап шу мазали тефтелида бўлиб қолди!

— Бирпас сабр қилгин,— деди Миттивой.— Ҳозир ошхонадан ковурилган тефтели олиб чиқаман.

Карлсон маъқуллагандек бош ирғади.

— Тезроқ олиб кел,— деб қичқирди у Миттивойнинг кетидан.— Суратларни томоша қилган билан қорин тўярмиди?

Миттивой физиллаб ошхонага кириб кетди. Катак-катак пешбанд тутиб олган ойиси плита олдида туриб, ажойиб тефтели пиширарди. У ўқтин-ўқтин товани силкитиб кўяр, ёнғокдай-ёнғокдай тефтелилар дик-дик сакраб, бошқа томонига ағдариларди.

— Э, бу сенмидинг, Миттивой? — деди ойиси.— Ҳозир овқатланамиз.

— Ойижон,— деди Миттивой мулоим бўлишга уриниб,— ойижон, илтимос, тарелкага тефтелидан беш-олти дона солиб беринг, хонамга олиб чиқаман.

— Ҳозир ҳаммамиз бирга овқатланамиз, ўғлим,— деб жавоб қилди онаси.

— Биламан, бироқ бари бир олиб чиқишим керак... Овқатдан кейин сизга ҳамма гапни тушунтириб бераман.

— Ха, майли, майли,— деди ойиси ва қичкина тарелкага олти тефтели солиб берди.— Ма, ол.

Ох, мазали тефтели! Ҳидини айтмайсизми, ҳидини! Қизариб пишган, есанг, таъми оғзингда қоладиган қийма.

Миттивой тарелкани икки кўли билан ушлади-да, эҳтиётлаб ўз хонасига олиб чиқиб кетди.

— Мана, мен келдим, Карлсон! — деб қичқирди Миттивой эшикни очаркан.

Бироқ Карлсон ғойиб бўлганди. Миттивой тарелкани ушлаганича хона ўртасида туриб, атрофга аланглаб қарарди. Карлсондан эса ном-нишон йўқ. Миттивойнинг таъби хира бўлди.

— У кетиб қолибди,— деди Миттивой овозини чиқариб.— У кетиб қолибди.

Бироқ шу пайт бирдан...

— Пип! — деган ғалати товуш эшитилди Миттивойнинг қулоғига.

Миттивой ўгирилиб қаради. Каравотда, адёл тагида ёстикка яқин ерда нимадир гимирлаб, чийилларди:

— Пип! Пип!

Бир оздан кейин адёл тагидан Карлсоннинг айёрона юзи кўринди.

— Хи-хи! Сен «у кетиб қолибди», «у кетиб қолибди...» дединг-а... Хи-хи. «У» ҳеч қаёққа кетмаганди, «у» фақат яшириниб олувди!..— чийиллади Карлсон.

Бироқ шу пайт Карлсон Миттивойнинг кўлидаги тарелкани кўриб қолди-ю, шу заҳоти қорнидаги тугмасини босди. Мотор гуриллади, Карлсон каравотдан тўғри тефтели солинган тарелка олдига учиб борди. Учиб ўтаётиб тефтелидан биттасини олди-да, кейин шифтга кўтарилди, сўнгра лампа тагида бир айланди-да, тефтелини маза қилиб чайнай бошлади.

— Тефтели жуда зўр экан! — деди Карлсон.— Мен бунақа

мазали кийма емовдим! Дунёдаги энг зўр пазанда пиширган деб ўйлаш мумкин!.. Лекин бундай эмаслигини ўзинг яхши биласан,— деб қўшиб қўйди у.

Карлсон ўқдай учиб келиб, тефтелидан яна биттасини олди. Шу пайт ошхонадан онасининг овози эшитилиб қолди:

— Миттивой, биз овқатлангани ўтиряпмиз, тез қўлингни юв!

— Мен боришим керак,— деди Миттивой Карлсонга ва тарелкани полга қўйди.— Лекин дарров қайтаман. Мени кутасан-а, кетмайсан-а?

— Бўпти, кутаман,— деди Карлсон.— Бироқ сенсиз бу ерда нима қиламан? — Карлсон Миттивойнинг ёнгинасига учиб тушди.— Сен келгунча бирор кизиқ иш қилиб турай. Бошқа буғ машинанг йўқлиги тўғрими?

— Йўқ,— деди Миттивой,— машинам йўғу, лекин кубикларим бор.

— Кўрсат-чи,— деди Карлсон.

Миттивой ўйинчоқлари ётган шкафдан бинокорликка оид ҳар хил асбоб-ускуналар солинган қутичани олди. Унинг ичида турли рангдаги, ҳар хил шаклдаги деталлар бор эди. Уларни бири-бирига улаб, бирлаштириб антика нарсалар ясаса бўларди.

— Ма, ўйна,— деди Миттивой.— Мана бу нарсалардан автомобиль ҳам, юк кўтарадиган кран ҳам, умуман, истаган буюмларингни ясаб олишинг мумкин.

— Дунёдаги энг зўр курувчи, бинокор,— деб Миттивойнинг гапини бўлди Карлсон,— бу қурилиш материалдан нималар қуриш мумкинлигини нахотки билмаса!

Карлсон тефтелидан оғзига яна биттасини ташлади-да, кубик солинган қутичага ёпишди.

— Мана ҳозир кўрасан,— деди у кубикларнинг ҳаммасини полга тўкиб.— Мана ҳозир кўрасан...

Миттивой бу ерда қолиб, жаҳондаги энг зўр курувчи-бинокорнинг ишини жон деб томоша қиларди-я, лекин бориб овқатини ейиши керак. У чиқиб кетаётган останада Карлсонга ўгирилиб қаради. Карлсон аллақачон полга, тоғ-тоғ кубиклар олдига ўтириб олиб, аллақандай шўх қўшиқни хиргойи қиларди:

Ура, ура, ура!  
Зўр ўйин, қара!  
Чиройлиман билагон,  
Ҳам эпчилман паҳлавон.  
Ўйнашни ҳам севаман,  
Чайнашни ҳам севаман.

У қўшиқнинг охириги сўзларини айтаркан, тўртинчи тефтелини оғзига солди.

Миттивой емакхонага кирганида ойиси, дадаси, Боссе ва Бетан стол атрофида ўтиришарди. Миттивой ўз жойига лип этиб ўтирди-да, бўйнига салфетка боғлади.

— Менга битта нарсани ваъда қилинг, ойи. Сиз ҳам дада,— деди у.

— Хўш, биз сенга нимани ваъда қилишимиз керак? — деб сўради ойиси.

— Йўк, сиз аввал ваъда беринг.

Дадасининг нима гаплигини билмасдан туриб ваъда бергиси келмади.

— Борди-ю, яна кучукча олиб беринг, деб туриб олсанг-чи,— деди дадаси.

— Йўк, кучукча эмас,— деб жавоб қилди Миттивой.— Ҳа, айтгандай, агар хоҳласангиз кучукча ҳам ваъда қилишингиз мумкин!.. Йўк, айтаётганим бутунлай бошқа нарса, ҳечам хавфли эмас. Ваъда берамиз деб ваъда қилинглар!

— Ҳа, майли, майли,— деди ойиси.

— Демак, сизлар,— деди Миттивой хурсанд бўлиб.— Томда яшайдиган Карлсонга буг машинаси хақида оғиз очмаймиз деб ваъда берасизлар-а...

— Тавба, бу жуда кизиқ бўлди-ю,— деди Бетан,— ахир, улар Карлсонни ҳеч қачон кўришмаса, қандай қилиб унга буг машинаси хақида бир нима дейишлари мумкин?

— Йўк, кўришади,— деди Миттивой хотиржамлик билан,— чунки Карлсон ҳозир менинг хонамда ўтирибди.

— Вой, ҳозир тикилиб қолади,— деб юборди Боссе.— Карлсон унинг хонасида ўтирганмиш-а!

— Ҳа, ўтирибди, кулмай кўя қол! — Миттивой «койил қилдимми» дегандай атрофига қараб кўйди.

Кани энди улар тезроқ овқатланиб бўлишса-ю, тезроқ кўра қолишса...

— Карлсон билан танишсак, жуда хурсанд бўлардик,— деди ойиси.

— Карлсон ҳам шундай деяпти,— деб жавоб берди Миттивой.

Мана, ниҳоят компотни ҳам ичиб бўлишди. Ойиси ўрнидан турди. Ҳал қилувчи дақиқа келди.

— Ҳамманглар бора қолинглар,— деб таклиф қилди Миттивой.

— Бўпти, чиксак чиқаверамиз, ялинтириб ўтирмаймиз. Ўша Карлсонни кўрмагунимча кўнглим ўрнига тушмайди.

Миттивой йўл бошлади.

— Фақат ваъдаларингда туринглар,— деди у хонасининг эшигига келиб.— Буг машинаси хақида оғиз очмайсизлар.

Кейин у эшикни очди.

Карлсон хонада йўк эди. Бу сафар у чиндан ҳам йўк эди. Ҳеч қаерда кўринмасди. Ҳатто Миттивойнинг каравотида ҳам ҳеч нима кимирламасди.

Бирок полда кубиклардан қурилган минора қад кўтариб турарди. Жудаям баланд минора. Карлсон кубиклардан юк кўтаридиган қрану яна аллақанча бошқа нарсаларни ясаши мумкин эди, албатта. Лекин бу гал у кубикларни шунчаки устма-уст қўйиб кўя қолди. Ниҳоят, узундан-узун ингичка минора ҳосил бўлди. Минора шаклини билдириш учун Карлсон энг юқоридаги кубик устига тефтелини қўйиб қўйганди.

Ха, ҳозир Миттивойнинг юраги жуда гаш эди. Ойиси ўзи пиширган тефтели билан кубиклардан қурилган бинони безашганидан ранжиган эди. Бу Миттивойдан келган иш деб ўйларди ойиси.

— Томда яшовчи Қарлсон... — деб гап бошлаган эди Миттивой, лекин дадаси гапини шартта бўлди:

— Менга қара, Миттивой, Қарлсон ҳақидаги бемаъни гапларингни ортқ эшитишни истамаймиз!

Боссе билан Бетан хахолаб кулиб юборишди.

— Ўша Қарлсонинг ўлгудек айёр экан-а, — деди Бетан. — Худди биз кирган пайтда яшириниб олади-я.

Миттивой хафа бўлиб, совиб қолган тефтелини оғзига тикди-да, кубикларини йиғиштириб олди. Ҳозир Қарлсон ҳақида гапириш ортқча эди.

Қарлсон уни уялтириб яхши иш қилмади-да.

— Юринглар, бориб қаҳва ичамиз. Бўлди, ўша Қарлсонни энди гапирмайлик, — деди дадаси ва Миттивойни юпатгандек бошини силаб қўйди.

Қаҳвани доимо емакхонада, камин<sup>1</sup> олдида ичишарди. Ҳаво яхши бўлса ҳам, ҳар галгидай улар бугун кечқурун қаҳвани емакхонада ичишди. Миттивой қаҳвани ёқтирмасди, бироқ ойиси, дадаси, Боссе ва Бетан билан олов гуриллаб турган камин олдида ўтиришни яхши кўрарди...

— Ойи, бирпас ўгирилиб туринг, — деди Миттивой.

Ойиси қаҳва солинган идишни патнисе билан кичкина столга қўяркан:

— Нега энди ўгирилиб турарканман? — деди.

— Қандни қисирлатиб еганингни ёмон кўраман дейсизу ўзингиз, ҳозир бир чакмоғини олмоқчиман, — деди Миттивой.

Миттивой нима биландир овуниши керак эди. Қарлсон кетиб қолганидан у жуда хафа бўлди. Ахир, кубиклардан қурилган минорадан бўлак ҳеч нима қолдирмай, тўсатдан ғойиб бўлиши яхши эмас-да!

Миттивой ўзининг севган жойи — каминга иложи борица яқин ўтирди.

Ҳозир, бутун оила тушликдан кейин қаҳва ичаётган дақиқалар Миттивой учун энг ёқимли дамлар эди. У дадаси, ойиси билан хотирижам, бемалол гаплашиши мумкин, улар Миттивойнинг гапини охиригача чидам билан тинглашарди, чунки бошқа пайтда бундай қулайлик бўлмаслиги мумкин. Боссе билан Бетаннинг бир-бирларига тегажаклик қилишлари, «ёдлаш» ҳақидаги гаплари жуда ғалати эди. «Ёдлаш» дегани дарс тайёрлашнинг энг оғир, энг мураккаб усули бўлса керак. Миттивойга бошланғич мактабда бошқача ўргатишганди. Миттивой ҳам ўзининг мактабдаги ўқишлари ҳақида жуда-жуда гапириб бергиси келарди-ю, лекин бу билан ойиси ва дадасидан бўлак ҳеч ким қизиқмасди. Боссе билан Бетан бўлса унинг гапларидан қулишгани-қулишган эди. Миттивой калака бўлишдан

<sup>1</sup> Камин — Учоксимон, олди очик печь.



кўркиб, гапирмай кўя коларди. Ха, айтмоқчи, Боссе билан Бетан Миттивойни мазах қилишмасди, чунки Миттивой ҳам уларга ҳақини юбормасди. Миттивой мазах қилишни ҳам жуда ўрнига кўярди. Ахир, ақаси Боссе, опаси Бетан бўлгандан кейин нима бўларди.

— Миттивой, дарсингни тайёрлаб бўлдингми?— деб сўради ойнаси.

Бунақа саволларни Миттивой унчалик ёктирмасди, албатта. Бирок ойнаси унинг бир чакмоқ қандни кисирлатиб еганига индамай чидагани учун, Миттивой ҳам бу кўнгилсиз гапни мик этмай эшитишга аҳд қилди.

— Бўмасам-чи, тайёрлаб қўйдим,— деб жавоб қилди у ковоғини солиб.

Миттивойнинг фикр-хаёли Карлсонда эди. Карлсоннинг қаёкка гойиб бўлганини билмагунча унинг калласига дарс кирармиди. Нахотки одамлар шуни тушунмаса-а!

— Уйга нима вазифа беришди? — деб сўради дадаси.

Миттивойнинг жуда жаҳли чиқиб кетди. Афтидан, бугун бу гаплар тугамайдиганга ўхшайди. Ахир, улар камин олдида фақат дарслар ҳақида гаплашгани ўтирганлари йўқ-ку!

— Алифбени ёд олишни топширишди,— деди дарров Миттивой,— узундан-узун алифбе. Уни ўрганиб олдим, аввалига «А» келади, кейин бошқа ҳамма ҳарфлар.

У яна бир чакмоқ қанд олди-да, тагин ўша Карлсонни ўйлай кетди. Майли, улар истаган нарсалари ҳақида гапираверишсин, у эса фақат Карлсонни ўйлайди.

Унинг фикрини Бетан бўлди:

— Нима, эшитмаяпсанми, Миттивой? Йигирма беш эре<sup>1</sup> ишлаб олишни истайсанми?

Миттивой Бетаннинг нима деяётганига дарров тушунмади. У йигирма беш эре пули бўлишини жуда истарди, албатта. Бирок, энг муҳими, ўша пулни олиш учун нима қилиш керак, гап мана шунда.

— Йигирма беш эре — жуда кам,— деди у катъий.— Ҳозир шундай қимматчиликки... Қани айт-чи, стакандаги эллик эрелик мороженое неча пул туради?

— Менимча, эллик эре туради,— деди Бетан муғамбирона кулимсираб.

— Бўпти-да,— деди Миттивой.— Йигирма беш эренинг жуда камлигини ўзинг ҳам яхши биласан.

— Гап нима ҳақда кетаётганини хали билмайсан-ку,— деди Бетан.— Сен ҳеч нима қилмайсан. Фақат баъзи бир нарсаларни қилмаслигинг керак.

— Хўш, нималарни қилмаслигим керак?

— Сен бугун емакхонага қадам босмаслигинг керак.

— Биласанми, Пелле келади, у Бетаннинг янги эрмаги,— деди Боссе.

Миттивой бош ирғади. Э, койил-э, жуда пухта ўйлашибди-да: ойнаси билан дадаси кинога боришади. Боссе футболга кетади.

<sup>1</sup> Эре — Швецияда майда танга

Бетан бўлса Пеллеси билан емакхонада ярим кечагача валак-лашиб ўтиради. Биргина Миттивой ўз хонасида кўмилиб ўтириши керак, яна арзимаган йигирма беш эре учун... Оиласидагиларнинг канака одамлигини мана энди билиб олди!

— Янги эрмагингни кулоғи канака? У ҳам олдингисига ўхшаб шалпангкулокми?

У жўрттага Бетаннинг жаҳлини чиқармоқчи эди.

— Мана, гапини эшитдингизми, ойи? — деди Бетан. — Миттивойни бу ердан чиқариб юбормасам бўлмаслигига энди тушундингизми? У олдимга келганларнинг ҳаммасини чўчитиб юборади.

— У бошқа бундай қилмайди, — деди ойиси ишонқирамай. У болаларининг жанжаллашганини ёқтирмасди.

— Йўк, у, хойнахой, яна бирор қилк ўйлаб топади, — деди Бетан гапида қаттиқ туриб. — Қлаасни уйдан ҳайдаб чиқаргани эсингиздами? У Қлаасга тикилиб туриб: «Йўк, Бетанга бунака кулок ёкмайди», деса бўладими. Ушандан кейин Қлаас уйимизга кадам босармиди?!

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! — деди Миттивой Карлсонга таклид қилиб. — Мен ўз хонамда қоламан, ҳа, пулсиз, текинга қоламан. Мени кўргиларинг йўк экан, сизларнинг ҳам пулларинг менга керакмас.

— Бўпти, — деди Бетан. — Ундай бўлса, кечқурун олдингга кирмайман деб ваъда бергин, қасам ичгин.

— Қасам ичаман! — деди Миттивой. — Гапимга ишон, Пеллеларинг билан ишим йўк, бошимга ураманми уларни. Уларни кўрмасам дейман. Қайтага уларни кўрмаслик учун ўзим йигирма беш эре беришга розиман.

Мана, ойиси билан дадаси кинога кетишди, Боссе стадионга жўнаб қолди. Миттивой ўз хонасида ўтирибди, яна текинга денг! У эшикни қия очганида емакхонадан Бетан билан Пелленинг минғирлаб гаплашганлари эшитиларди. Миттивой уларнинг нима ҳақда гаплашаётганликларини, айрим сўзларни илиб олишга уринди-ю, бироқ уддасидан чиқолмади. Ушандан кейин у дераза олдига бориб, коронғиликка тикилди. Сўнгра у Кристер билан Гунилла ўйнаб юришмаганмикин деб пастга, кўчага қаради. Эшик олдида болалар ғамирлашиб юришарди, кўчада улардан бошқа ҳеч ким йўк эди. Улар бир-бирларини қувлашар, муштлашишарди. Миттивой бир оз томоша қилиб турди, бироқ афсуски бу ёкалашишлар бири-бирига тугади-ю, у яна зерика бошлади.

Худди шу пайт у ўша таниш ёкимли товушни эшитиб қолди. У моторнинг тириллаган овозини аниқ эшитди, бир зум ўтмай деразадан Карлсон учиб кирди.

— Салом, Миттивой! — деди у бепарво.

— Салом, Карлсон! Қаёқдан келиб қолдинг!

— Нима?.. Нима демокчисан, гапингга тушунолмаяпман.

— Ахир, сени ойим билан дадамга таништирмоқчи бўлиб турганимда бирдан ғойиб бўлиб қолдинг-ку. Нега қочиб кетдинг?

Карлсоннинг жаҳли чиқиб кетди. У икки қўлини белига қўйиб керилиб:

— Тавба, шу ҳам гап бўлди-ю! Нима, уйимдан хабар олишга ҳақ-ким йўқми? Уй эгаси рўзғорига қараб туриши керак-да. Ойнинг билан даданг келиб-келиб уйимнинг у ёк-бу ёғини йиғиштирмакчи бўлганимда танишгани келишибди-да. Нима, шунга мен айбдорманми? — деб хитоб қилди.

Карлсон хонага кўз югуртириб чикди.

— Ие, мен қурган минора қани? Ажойиб, гўзал минорани ким бузди, тефтели қани?

Миттивой хижолат бўлди.

— Энди қайтиб келмасан деб ўйловдим,— деди у.

— Ие, шунақами ҳали? — деб бақирди Карлсон.— Дунёдаги энг зўр бинокор, қурувчи минора қуради-ю, кимдир бузадими? Унинг атрофини ким девор билан айлантириб олади? Унинг асрлар оша мустаҳкам туриши учун ким унга кўз-қулоқ бўлади? Ҳеч ким! Аксича, минорани бузишади, хонавайрон қилишади, бу етмагандай, бировнинг тефтелисини пок-покиза туширишади!

Карлсон бир чеккага бориб ковок-тумшуғини осилтириб, паст-таккина курсига ўтирди.

— Парво қилма,— деди Миттивой,— бу рўзғорда бўладиган гап-ку! — у шундай деб худди Карлсонга ўхшаб қўл силтади.— Хафа бўлганингга арзимади.

— Сенга нима, гапираверасан-да! — тўнғиллади Карлсон жаҳли чиқиб.— Бузишдан осони борми? Бузишга бузиб қўйиб, э, бу рўзғорда бўладиган гап-ку, хафа бўлганингга арзимади, дейиш ҳамманинг ҳам қўлидан келади. Менга қийин, менга! Эссиз, минорани мана шу жажжи қўлларим билан қурувдим-а!

Карлсон шундай деб дўмбок қўлларини Миттивойнинг худди тумшуғига тиради. Сўнгра у ковоғидан кор ёғиб яна курсига ўтирди.

— Йўқ, сира чидолмаяпман,— деб тўнғиллади у.— Ғазабим қайнаб кетяпти!

Миттивой жудаям довдираб қолди. У нима қиларини билмай, серрайиб турарди.

Орага узок жимлик чўкди.

Нихоят Карлсон ғамгин бир оҳангда гапириб қолди...

— Агар яна бирор кичкина совға олсам, балки хурсанд бўларман. Тўғри, ишонтирмайману, лекин менга бирор нарса совға қилишса балки шу билан хурсанд бўларман...

Миттивой стол ёнига чопиб борди-да, унинг тортмаларини титкилай бошлади; энг қимматбаҳо нарсалар ўша ерда турарди: хилма-хил маркалар, ранг-баранг денгиз тошлари, рангли бўрлар, қалай солдатчалар.

Кичкина электр фонарча ҳам ўша стол тортмасида эди. Миттивой бу фонарчасини жуда эҳтиёт қиларди.

— Сенга шуни совға қилайми? — деди у.

Карлсон фонарчага ялт этиб қаради-ю, дарров унга жон кирди:

— Ҳа-ха, қайфим чоғ бўлиши учун худди шунга ўхшаш бир нима керак эди. Қурган минорам бундан минг марта ортиқ эди-я, албатта. Лекин сен менга шу фонарчани берсанг, сал-пал хурсанд бўлишим мумкин.

— У сеники,— деди Миттивой.

— Енадими? — деб сўради Карлсон шубҳаланиб, тугмачасини босаркан.— Ура! Енди! — деб кичкириб юборди у, унинг кўзлари ҳам севинчдан порлаб кетди.— Жуда яхши бўлди-да, кечкурунлари уйимга кетаётганимда шу фонарчани ёқаман. Энди коронгида, трубалар орасида адашиб юрмайман,— деди Карлсон фонарчани силаб.

Бу гапларни эшитиб Миттивой жуда хурсанд бўлди. Энди унинг бирдан-бир орзуси — Карлсон билан атиги бир марта томма-том юриш, коронгида бу фонарча уларнинг йўлини қандай ёритишини ўз кўзи билан кўриш эди.

— Мана, Миттивой, яна кайфим чоғ бўлди! Бор, даданг билан ойингни чакир, танишиб олайлик.

— Улар кинога кетишди,— деди Миттивой.

— Мен билан учрашиш ўрнига кинога кетишдими? — деди Карлсон ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, ҳаммаси кетишди. Уйда фақат Бетан билан унинг янги эрмаги колди. Улар емакхонада ўтиришибди. Бирок уларнинг олдига кириш мумкинмас.

— Ие, нималар деяпсан! — деди Карлсон.— Нима, сен хоҳлаган ерингга боролмайсанми? Йўқ, бунга биз йўл кўймаймиз. Қани, кетдик, олға!

— Ахир, мен қасам ичганман...— демоқчи бўлган эди Миттивой Карлсон унинг гапини бўлди:

— Мен ҳам, агар бирор адолатсизликни кўрсам, унга ўша захотиёк худди қарчиғайдай чанг соламан, деб онт ичганман...

У Миттивойнинг ёнига келди-да, елкасига қоқиб кўйди:

— Хўш, нима деб ваъда қилувдинг?

— Бугун ҳеч кимга кўринмайман, деб ваъда берувдим.

— Бўпти, ҳеч кимга кўринмайсан,— деди Карлсон.— Айт-чи, Бетаннинг янги эрмагини жуда кўргинг келяптими?

— Ростини айтсам, жуда кўргим келяпти! — деди Миттивой куйиб-пишиб.— Илгари у бир шалпангқулоқ бола билан дўст эди. Бунисининг қулоғи канақа экан, шуни жуда кўргим келяпти.

— Ҳа, мен ҳам унинг қулоғини жон деб кўрардим,— деди Карлсон.— Бир минут сабр қил! Ҳозир бир йўлини ўйлаб топаман. Ҳар хил шўхликлар, хийла-найрангларнинг дунёда энг устаси — томда яшовчи Карлсон мана мен бўламан.— Карлсон теварак-атрофга бир қараб кўйди.— Биласанми, нима қиламиз,— деб бакириб юборди у, аёлни имлаб кўрсатиб.— Худди шу аёл бизга иш беради. Бирор чора ўйлаб топишимизга сира шубҳа қилмасдим...

— Хўш, нима ўйлаб топдинг? — деб сўради Миттивой.

— Емакхонада кечкурун ҳеч кимга кўринмайман деб онт ичгансан-а? Шундайми? Бирок устингга аёл ёниб олсанг сени ҳеч ким кўрмайди.

— Тўғри... лекин...— деб эътироз билдирмоқчи бўлди Миттивой.

— Ҳеч қандай «лекини» йўқ! — деб шартта унинг гапини бўлди Карлсон.— Агар аёл ёпиниб олсанг, аёлни кўришади-ю, сени кўришмайди. Мен ҳам аёл ёпиниб оламан, мени ҳам кўришмайди. Бу Бетан учун жуда оғир жазо бўлади. У шунчалик нодон эканми,

энди ўзидан кўрсин... Бечора Бетан мени кўролмайдиган бўлди-да!

Карлсон каравотдан адёлни сидириб олди-да, устига ёпди.

— Бу ёкка кел, тезроқ келсанг-чи,— деб чакирди у Миттивойни.— Кел, менинг чодиримга кир.

Миттивой лип этиб адёл тагига кирди, иккови ҳам хурсанд бўлиб, пикиллаб кулиб юборишди.

— Ахир, Бетан емакхонада чодир кўришни истамайман деб гапиргани йўқдир. Чодирни кўрганда ҳамма одамлар ҳам хурсанд бўлишади. Айниқса ичида чирок ёниб турса жудаям севинишади! — Карлсон фонарчасини ёкди.

Бетан чодирни кўриб хурсанд бўлишига Миттивой унчалик ишонмасди. Бироқ коронгида, адёл тагида Карлсон билан ёнма-ён туриш, фонарча билан йўлни ёритиш шундай маза, шундай кизиқарли эдики, Миттивой хурсандлигидан ҳамма нарсани унутиб юборганди.

Миттивой Бетанга халакит бермай, хонасида чодир тагида маза килиб ўйнаса бўлади, деб ҳисобларди-ю, бироқ Карлсон кўнмасди.

— Адолатсизликка ҳечам чидаёлмайман,— деди у.— Нима бўлса ҳам емакхонага киришимиз керак!

Мана, чодир эшик томонга силжий бошлади. Миттивой Карлсоннинг орқасидан изма-из борарди. Адёл тагидан кичкинагина дўмбок кўлча чиқиб секин эшикни очди. Чодир калин парда билан тўсилган даҳлизга чиқди.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! — деб пичирлади Карлсон.

Чодир аста даҳлиздан ўтди-да, парда олдида тўхтади. Бетан билан Пелленинг гўнғиллаб гаплашганлари энди анча аниқ эшитилиб турарди-ю, лекин бари бир сўзларини англаб олиш қийин эди. Бетан билан Пеллега кўчадан тушиб турган ёруғлик етарли бўлса керак. Емакхонадаги чирок ўчириб қўйилган эди.

— Бу жуда яхши бўлди,— деб шивирлади Карлсон.— Қоронгида фонарчамнинг нури яна ҳам ёруғроқ бўлади.

Лекин у ҳар эҳтимолга қарши ҳозирча фонарчасини ўчириб қўйди.

— Биз улар сира кутмаганда, тўсатдан, лоп этиб кириб борамиз...— Карлсон адёл тагида кикирлаб кулди.

Чодир пардани аста-секин суриб емакхонага кирди. Бетан билан Пелле рўпарадаги кичкина диванда ўтиришарди. Чодир уларнинг олдига секин яқинлаша борди.

— Мен ҳозир сени ўпаман, Бетан,— Миттивой болаларникидай ингичка овозни эшитди.

Бу Пелле жуда ғалати экан-ку!

— Майли,— деди Бетан, кейин яна жимлик чўкди.

Чодирнинг кора сояси полда товушсиз сирғалиб борарди; диванга атиги бир неча қадам қолганди, бироқ Бетан билан Пелле ҳеч нимани сезишмай миқ этмай ўтиришарди.

— Энди сен мени ўпгин, Бетан,— Пелленинг кўрка-писа гапиргани эшитилди.

Бироқ жавоб эшитилмади, чунки худди шу пайт фонарча бирдан ёниб, Пелленинг юзини ёритди. Пелле ўрнидан сапчиб



турди, Бетан кичкириб юборди. Бирок шу захоти каттик кулги ва дахлиз томонга кетаётган оёқ товушларининг дупур-дупури эшитилди.

Ёркин нурдан кўзлари камашган Бетан билан Пелле ҳеч нимани кўришолмасди, бироқ улар парда орқасидан чиқаётган кучли қаҳқахани эшитишди.

— Бу безори укамнинг иши,— деди Бетан.— Ҳозир бир таъзири-ни бериб қўяйки!

Миттивой бўлса котиб-котиб куларди.

— Бўлмасам-чи, у сени албатта ўпади,— деб кичкирди у.— Нега энди сени ўпмас экан?! Бетан ҳаммани ҳам ўлаверади, бу аниқ.

Кейин гурсиллаган товуш эшитилди, унга яна қаҳқаха улашиб кетди.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! — деб шивирлади Карлсон, қочаётганларида қоқилиб, полга гурсиллаб йикилиб тушишганда.

Миттивой ўзини тутишга уришиб кулгисини аранг тийди. Карлсон унинг устига йикилиб тушди. Миттивой ўз оёқларини Карлсоннинг оёқларидан ажратолмай қолди. Бетан уларни бемалол ушлаб олиши мумкин эди, шунинг учун эмаклаб қочишга мажбур бўлишди. Бетан энди ушлайман деганда, улар жонхолатда Миттивойнинг хонасига ўзларини уришди.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! — деб шивирлади Карлсон адёл тагида, унинг кичкина, калта оёқчалари худди ноғора таёкчасидай полда дўпирлаб юрарди.— Томда яшовчи Карлсон дунёдаги энг зўр чопоғон,— деб қўшимча қилди у нафасини ростлаб.

Миттивой ҳам жуда тез чопа оларди, ҳозир айна хонаси эди. Улар Бетан остонага етганда эшикни шартта ёпиб, аранг қутулиб қолишди. Карлсон шоша-пиша калитни буради-ю, хурсанд бўлиб кулиб юборди. Бетан бўлса кучининг борича эшикни дўпиллатиб тақиллатарди.

— Шошмай тур, Миттивой, хали қўлимга тушарсан! — деб кичкирди Бетан жаҳли чиқиб.

— Хар ҳолда, мени ҳеч ким кўргани йўқ-ку! — деб жавоб берди Миттивой эшик орқасидан. Бетаннинг кулоғига яна кулги эшитилди.

Агар Бетан бунчалик хуноб бўлмаганида, бир эмас, икки киши кулаётгани эшитган бўларди.

### КАРЛСОН ГАРОВ УЙНАДИ

Бир кун Миттивой мактабдан пешонаси гурра бўлиб, жаҳли чиқиб келди. Ойиси ошхонада эди. Миттивойнинг пешонасидаги гуррани кўриб, ойиси унга ачинди.

— Бечора Миттивой, пешонангга нима қилди? — деб сўради ойиси уни кучоклаб.

— Қристер тош билан тушириб қолди,— деб жавоб қилди Миттивой, қош-қовоғи осилиб.

— Тош билан? Вой, ярамас бола эжан-ку, у!— деди ойиси жахл билан.— Нега менга дарров айтмадинг?

Миттивой елкасини қисди:

— Нима фойдаси бор? Сиз тош отолмайсиз-ку, ахир. Сиз тошни ҳатто сарой деворига ҳам теккизолмайсиз-ку.

— Вой, тентаг-эй! Наҳотки мени Кристерга тош отади деб ўйласанг?

— Унга бошка нима отишингиз мумкин? Ҳар ҳолда, тошдан тузукрок бошка нарса тополмайсиз.

Ойиси хўрсиниб қўйди. Хонаси келганда биргина Кристер эмас, ҳамма болаларнинг ҳам тош отиши маълум эди. Унинг эркатойи, арзандаси ҳам улардан қолишмайди. Мовий кўзлари меҳр билан боқувчи шу ёқимтой бола наҳотки уришқок бўлса?

— Менга қара, нима, уришмасдан ўйнаса бўлмайдими? Ҳар қандай нарса ҳақида уриш-жанжалсиз, дўстона келишиб олса бўлади-ку. Биласанми, Миттивой, агар ўйлаб иш тутилса, дунёда келишиб бўлмайдиган нарса йўқ.

— Йўқ, ойижон, келишиб бўлмайдиган нарсалар бор. Мана, масалан, мен ҳам кеча Кристер билан уришган эдим...

— Бекор қилибсан-да,— деди ойиси.— Сизлар муштлашмасдан, шундай тинчгина келишиб олишларинг мумкин эди.

Миттивой ошхонадаги стулга ўтириб, ёрилган бошини чангаллаб олди.

— Нима? Сиз шундай деб ўйлайсизми? — деб сўради у ва ойисига хўмрайиб қараб қўйди.— Кристер менга: «Сени дўппослашим мумкин», деди. У худди шундай деди. Мен унга: «Йўқ, дўппослаёлмайсан», дедим. Қани, айтинг-чи, жанжални сиз айтгандай ҳеч қанақа муштлашишсиз — гап билан ҳал қилишимиз мумкин эдими?

Ойиси нима жавоб қилишини билмай қолди-ю, панд-насихатини йиғиштирди. Унинг уришқок ўғли тумшайиб ўтирарди, ойиси шоша-пиша унинг олдига бир чашка иссиқ қаҳва билан ёғли ширин булочка қўйди.

Миттивой ёғли ширин булочкани жуда яхши кўрарди. Ҳали зинадан чиқиб келаётганидаёқ эндигина пиширилган булканнинг тотли ҳиди димоғига урилганди. Ойисининг пиширган ширин булочкасини еса ҳамма хафаликлари тарқалиб кетарди.

У ойисидан миннатдор бўлиб, булочкадан бир тишлади. У оғзидагини чайнаб ютгунича ойиси пешонасидаги ғуррасига пластир ёпиштириб қўйди. Кейин оғриётган жойини авайлабгина ўпди-да:

— Хўш, бугун Кристер билан нима талашдиларинг? — деб сўради.

— Кристер билан Гунилла, томда яшовчи Карлсон ҳақидаги ҳамма гапинг ёлғон, ўзинг тўқиб чиқаргансан дейишяпти.

— Чиндан ҳам шундай эмасми? — деб сўради ойиси эҳтиётлик билан.

Миттивой бошини кўтарди-да, ойисига ўқрайиб қараб қўйди.

— Ҳатто сиз ҳам гапларимга ишонмаяпсиз-а? — деди у.— Мен Карлсондан, сен чиндан ҳам бормисан, хаёлий эмасмисан, деб сўрадим...

— Хўш, у нима деб жавоб килди? — деб кизикиб сўради ойиси.

— У, агар мен хаёлий бўлсам, дунёда энг зўр хаёллардан бўлардим, дейди. Лекин гап шундаки, у хаёлий эмас,— Миттивой яна битта булочкани олди.— Карлсон, аксинча, Кристер билан Гунилланинг ўзлари хаёл деяпти. «Хаёл бўлгандаям жуда бемаъни, бачкана хаёл», дейди у. Мен ҳам шундай деб ўйлайман.

Ойиси ҳеч нима демади, чунки ҳозир Миттивойнинг хаёлларига эътироз билдиришнинг фойдаси йўқлигини у яхши тушунарди.

— Менимча,— деди ойиси ниҳоят.— Сен яхшиси Гунилла ва Кристер билан кўпроқ ўйнаб, Карлсон ҳақида камроқ ўйлагин.

— Карлсон ҳар ҳолда менга тош отмайди-ю,— деб тўнғиллади Миттивой ва пешонасидаги ғуррани ушлаб қўйди. У тўсатдан ниманидир эслади-да, ойисига кулимсираб қўйди.— Ҳа, сал бўлмаса айтиш эсимдан чиқаёзиди, бугун Карлсоннинг уйини кўраман.

Лекин шу заҳоти буни айтганига пушаймон бўлди. Ахир, ойисига бунақа гапни айтиб бўладими, бу аҳмоқлик-ку!

Бирок Миттивойнинг бу гаплари, унинг Карлсон ҳақидаги бошқа гапларига қараганда ойисига хавфли ва ташвишли бўлиб туюлмади. Шунинг учун ҳам ойиси:

— Ҳа, майли, жуда кизик бўлса керак,— деди бепарвогина.

Агар ойиси Миттивойнинг гапларининг маънисига етганда ҳечам хотиржам, беташвиш ўтиролмасди, албатта. Ахир, Карлсоннинг қаерда яшашлигини бир ўйлаб кўринг-а!

Миттивой стол ёнидан қорни тўйиб, жуда хурсанд бўлиб турди. Пешонасидаги ғурра энди оғримасди, ёғли ширин булочканинг таъми оғзида қолганиди, емакхона деразасидан қуёш нури тушиб турарди, ойиси ҳам катак-катак пешбандида жуда меҳрибон, дилбар кўринди.

Миттивой ойисининг олдига келди-да, унинг семиз, лўппи қўлини чўлп эткизиб ўпди-да:

— Ойижон, сизни шундай яхши кўраманки,— деди.

— Мен жуда хурсандман,— деди ойиси.

— Ҳа... Сизни яхши кўраман, чунки жуда меҳрибонсиз.

Кейин Миттивой хонасига кириб, Карлсонни кута бошлади. Улар бугун иккови биргалашиб томга чиқишлари керак эди. Агар Карлсон Кристер айтганидек, шунчаки бир хаёл бўлса, Миттивой ҳеч вақт унинг томига чиқолмаган бўларди.

«Мен олдинга соат тахминан уч-тўрт ёки бешларда учиб келаман, лекин ҳар ҳолда соат олтидан олдин учрашолмасак керак», деди унга Карлсон.

Миттивой унинг қачон келишини аниқ билолмади, шунинг учун такрор сўради.

«Ҳар ҳолда еттидан кеч қолмайман, бироқ соат саккиздан олдин келолмасам керак... Мени соат тўққизларда, соат бонг ургандан кейин кутгин».

Миттивой жудаям узок кутди, охири унга Карлсон чиндан ҳам йўқдек туюла бошлади. Миттивой, Карлсоннинг шунчаки хаёл эканлигига энди ишонай деб турганида, бирдан ўша таниш ғувил-

лаган товуш эшитилиб колди-ю, хонага хурсанд ва тетик Карлсон учиб кирди.

— Жудаям куттириб қўйдинг-ку,— деди Миттивой.— Соат нечада келаман деб ваъда берувдинг?

— Мен тахминан айтувдим,— деб жавоб қилди Карлсон.— Худди айтганим бўлди: тахминан келдим-да.

У Миттивойнинг аквариуми олдига келди. Унда ола-була балиқчалар сузиб юришарди. Карлсон юзини сувга ботирди-да, қўлқиллатиб ича бошлади.

— Эҳтиёт бўл! Балиқчаларим бор! — деб кичкирди Миттивой. У Карлсон билмасдан балиқчаларимни ютиб юборади деб қўрққанди.

— Одамни иситмаси бўлганида кўп сув ичиши керак,— деди Карлсон.— Агар у икки-уч ёки тўртта балиқчани ютиб юборса ҳам ҳеч нима қилмайди, бу рўзгорда бўладиган гап-ку.

— Нима, иситманг борми? — деб сўради Миттивой.

— Ие, бўлмаса-чи! Ушлаб кўр.— У Миттивойнинг қўлини пешонасига босди.

Бироқ Миттивойга унинг пешонаси иссиқ туюлмади.

— Иссиғинг қанча? — деб сўради Миттивой.

— Ҳаттиз-кирк градус, кам эмас!

Миттивой яқиндагина кизамик билан оғриганди, иссиғи баланд бўлиш нималигини жуда яхши биларди. У шубҳаланиб бош чайқаб қўйди:

— Йўк, менимча, сен касал эмассан.

— Ие, сен жуда ярамас экансан-ку! — деб кичкирди Карлсон ер депсиниб.— Нима, бошқа одамлардек касал бўлишим мумкин эмасми?

— Сен касал бўлишни истайсанми? — деб сўради Миттивой хайрон бўлиб.

— Бўлмасам-чи, албатта-да. Ҳамма одамлар ҳам касал бўлишни хоҳлашади! Иситмам кўтарилиб, кўрпа-тўшак қилиб ётишни истайман. Сен ҳолимдан хабар олгани келасан. Мен дунёда энг оғир касалман дейман. Сен, нима олиб келай деб сўрайсан. Менга ҳеч нима керакмас, деб жавоб бераман. Каттакон торт, бир неча кути печенье, бир уюм шоколад ва бир қоп конфетдан бошқа ҳеч нима керакмас дейман!

Карлсон Миттивойга умид билан қараб қўйди, бироқ Миттивой Карлсон айтган нарсаларни қаердан олишини билмай, боши қотганча хайрон бўлиб турарди.

— Сен менга ўз онамдай бўлишинг керак, менга аччиқ дори ичирмоқчи бўласан, агар шу дорини ичсанг, беш эре бераман деб ваъда қиласан. Бўйнимга иссиқ шарф боғлайсан. Мен, шарф кичитяпти деб тихирлик қиламан, лекин яна беш эре беришингни эшитиб майли, бўйнимдан олиб ташламайман, деб ваъда бераман.

Миттивой Карлсонга ўз онаси ўрнида бўлишни жудаям истарди, лекин бу бор пулини ҳарж қилиш деган сўз эди. Пул йиғилган чиройли қутичаси китоб жавонида турарди. Миттивой ошхонага кириб пичоқ олиб чикди-да, шу пичоқ билан қутичадан тангаларини бирма-бир ола бошлади. Карлсон унга жон-дилдан ёрдам берар ва полга танга юмалаб тушганида ўзида йўк севинарди. Ун ва йигирма

беш эрелик тангалар хам бор эди, лекин Карлсон кўпроқ беш эрелик тангаларга хурсанд бўларди.

Миттивой уйларининг ёнидаги дўконга бориб, ҳамма пулига обаки, ширали ёнғоқ ва шоколад олиб келди. У сотувчига ҳамма пулини берганидан кейин, бу пулларни ит сотиб олиш учун тўплаганини эслаб, хўрсиниб кўйди. Бирок Карлсонга она бўлмокчи экан, ит сотиб олишдек ортикча харажатга йўл қўёлмайди.

Миттивой чўнтақларига ширинликлар тўлдириб уйга қайтиб келиб қараса, емакхонада ойиси, дадаси, Бетан ва Боссе тушки овқатдан кейин қахва ичиб ўтиришибди. Бирок Миттивойнинг улар билан ўтиришга вақти йўқ эди. Бирдан унинг хаёлига ҳаммаларини хонасига чакириб Карлсон билан таништириш фикри келди. Бирок, яхшироқ ўйлаб кўриб, бугун бу ишни қилиш мумкин эмаслигини тушунди, чунки улар унинг Карлсон билан бирга томга чиқишига халакит беришлари мумкин. Яхшиси, таништириш маросимини бошқа кунга кўчириш керак.

Миттивой вазадан чиғанокка ўхшаш бодомли печеньедан бир сиким олди-да, ўз хонасига кириб кетди. Ахир, Карлсон печеньени ҳам яхши кўраман деганди-да.

— Мени шунчалик узок куттириб кўйдинг-а. Мени, шундай касал ва бахтсиз одамни-я,— деди Карлсон таъна қилиб.

— Иложи борича тез келдим,— деб ўзини оқлаган бўлди Миттивой,— сенга бир талай ширинлик олиб келдим...

— Битта ҳам танганг қолмадимиз? Ахир, шарф бўйнимни қичитгани учун беш эре олишим керак-ку! — деди Карлсон Миттивойнинг сўзини бўлиб.

Миттивой, бир неча танга олиб кўйганман, деб уни тинчитди.

Карлсоннинг кўзлари ўйнаб кетди, хурсанд бўлганидан турган ерида дик-дик сакрай бошлади.

— Вой, мен дунёда энг оғир касалман! — деб қичкирди у.— Мен тезроқ ўринга ётишим керак.

Шу орада Миттивой, ахир, учишни билмасам, томга қандай чиқаман, деб ўйланиб қолди.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! — деб жавоб қилди Карлсон.— Сени елкамга ўтқизаману учаман-кетаман. Фақат эҳтиёт бўлгин, бармоқларинг парракка тегиб кетмасин.

— Мени елкангда кўтариб, томга учиб чиқишга кучинг етармикин?

— У ёғи бир гап бўлар,— деди Карлсон.— Шундай касал, ночор ҳолимда сен билан йўлнинг ярмини ҳам учиб ўтишга кўзим етмаяпти, албатта. Бирок доим чораси топилади: агар тинкам қуриётганини сезсам, сени ташлаб юбораман...

Миттивой, энг яхши чора ўзини ерга ташлаб юбориш деб ўйламасди, лекин у бари бир ташвиш торта бошлади.

— Лекин, менимча, ҳаммаси жойида бўлади. Ишқилиб мотор бузилиб қолмаса бўлгани.

— Борди-ю, ишламай қолса-чи? Унда икковимиз йиқилиб тушамиз-ку! — деди Миттивой.

— Бўлмаса-чи, албатта йиқиламиз-да,— деб маъқуллади Карл-



сон,— бирок парво қилма, бу рўзгорда бўладиган гап-ку! — деди у кўл силтаб.

Миттивой ўйлаб турди-да, ҳа, чиндан ҳам бу арзимас нарса, деб кўйди кўнглида.

У бир парча қоғозга ойиси ва дадасига хат ёзди-да, стол устида қолдирди: «Мен томда яшовчи Қалсонникидаман».

Дадаси билан ойиси бу хатни топиб ўқигунча уйга қайтиб келишга улгурса яхши бўларди-я, албатта. Бирок келолмаса, унинг қаердалигини билиб кўйишсин-да! Бир кун Миттивой қишлоқда яшовчи бувисиникига меҳмонга бориб, бирдан поездга ўтириб, уйга қайтгиси келиб қолганди. Яна ўшандагидай бўлмасин.

Ўшанда ойиси йиғлаб туриб унга:

«Миттивой, поездда кетгинг келган экан, нега менга бир оғиз айтмадинг?»— деганди.

«Чунки бир ўзим кетгим келувди»,— деб жавоб қилганди Миттивой.

Мана ҳозир ҳам худди шундай бўляпти. У Қарлсон билан томга чикмоқчи, шунинг учун яхшиси ойисидан жавоб сўраб ўтирмагани маъқул. Агар улар Миттивой уйда йўқлигини пайкаб қолишса, хат қолдирганимиз-ку, деб ўзини оқлаши мумкин.

Қарлсон учишга тайёр эди. У қорнидаги тугмачани босувди, мотор гуриллаб кетди.

— Қани, тезроқ елкамга чик,— деб қичқирди Қарлсон,— ҳозир учиб кетамиз.

Чиндан ҳам улар ойнадан учиб чиқишди-да, баландга кўтарилди бошлашди. Қарлсон моторни синаб кўриш учун шу уй яқинидаги том устида бир айланди. Мотор бир текисда, раво ишларди, шунинг учун ҳам Миттивой зиғирча кўрққани йўқ.

Ниҳоят Қарлсон ўз томига кўнди.

— Қани, кўрайлик-чи, менинг уйимни топа олармикинсан. Уйимнинг қайси мўри орқасида эканлигини айтмайман. Ўзинг қилиб топ.

Миттивой ҳеч томга чикмаганди, лекин бир кишининг белидаги арконнинг бир учини мўрига боғлаб олиб, томдан қор қураганини кўп кўрган. Миттивойнинг унга ҳаваси келарди. Мана энди ўзи ҳам томда юрибди. Фақат аркон билан мўрига боғланган эмас, албатта. Лекин бир мўридан иккинчисига ўтаётганида юраги шиғиллаб кетарди. У мўрилардан биттасининг орқасида чиндан ҳам кичкина уйчани кўриб қолди. Уйча чиройлигина бўлиб, дераза дарчалари кўм-кўк, пиллапояси кичкинагина эди. Миттивойнинг тезроқ уйга киргиси, ҳамма буғ машиналарини, хўрозларнинг суратларини ва бошқа ажойиб нарсаларни ўз кўзи билан кўргиси келарди. Бу уйчада ким туришини ҳамма билсин учун, тахтача қокиб қўйилганди. Миттивой унда:

~~~~~  
{ «Томда яшовчи Қарлсон» }  
~~~~~

деган сўзларни ўқиди.

Қарлсон эшикни ланг очиб: «Хуш келибсиз, азиз Қарлсон, сен ҳам Миттивой!»— деб қичқирди ва уйга ўзи биринчи бўлиб кирди.

— Мен дарров ётишим керак, чунки дунёдаги энг оғир касалман! — деди у ва деворга такаб қўйилган кизил диванга ётиб олди.

Миттивой уйга унинг оркасидан кетма-кет чопиб кирди. У уйни зўр кизиқиш билан томоша қила бошлади.

Қарлсоннинг уйи, жуда саранжом-саришта эди. Миттивой бунди дарров пайкади. Хонада ёғоч диванчадан бўлак яна дастгоҳ (у стол ўрнида ҳам ишлатиларди), шкаф, икки стул, темир панжарали камин ҳам бор эди. Унда Қарлсон овқат пиширарди. Бироқ буғ машиналар негадир кўринмасди. Миттивой уйни узок кўздан кечирди, лекин буғ машиналарини тополмагач, сабри чидамай, охири:

— Буғ машиналаринг қани? — деб сўради.

— Хм... — деб минғирлади Қарлсон, — буғ машиналаримми... Улар тўсатдан портлаб кетса бўладими? Эҳтиёт клапанлари сабаб бўлган, ҳа, фақат клапанлар, бошқа нарса бўлиши мумкинмас. Ҳа, майли, дунёнинг ишлари шунақа, хафа бўлишгаям арзимайди.

Миттивой яна у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради.

— Хўш, чизган хўрозларингнинг расми қани? Нима, улар ҳам портлаб кетишдими? — деб сўради у истехзо билан Қарлсондан.

— Йўқ, улар портлагани йўқ, — деди Қарлсон. — Мана, кўр. — У шкаф ёнида, деворга осиб қўйилган бир парча картонни кўрсатди.

Қаттакон картон қоғознинг фақат пастдаги бурчагига кичкинагина қилиб хўроз сурати солинганди.

— «Сўққабаш хўроз» деб аталади бу сурат, — деб тушунтирди Қарлсон.

Миттивой кичкинагина хўроз суратини томоша қила бошлади. Ахир Қарлсон, хилма-хил хўрозлар расми солинган минглаб суратларим бор деганди-ю! Қани, ўша суратлар? Уларнинг ўрнига хўрознусха кизил бир нарсани кўрсатиб ўтирибди-я.

— Бу «Сўққабаш хўроз» суратини хўрозларнинг расмини чизишда жаҳонда энг зўр рассом ишлаган, — деб сўзида давом этди Қарлсон ва овози бир оз титраб кетди. — Эҳ, суратни жуда болаганман-да, кўриб юрагинг эзилиб кетади!.. Лекин мен ҳозир йиғламайман, чунки кўз ёшидан иситмам кўтарилиб кетади... — Қарлсон ўзини ёстиққа ташлади-да, бошини чангаллади. — Сен менга онамдай бўлмоқчи эдинг-ку, қани, хунарингни кўрсат, — деди у инграб.

Миттивой ишни нимадан бошлашни аниқ билмасди, шунинг учун иккиланиб сўради:

— Бирор дори-поринг борми?

— Ҳа, бор, лекин уни ичгим келмаяпти... Беш эрели танганг борми?

Миттивой чўнтагидан тангани олди.

— Бу ёққа бер.

Миттивой унга тангани берди. Қарлсон уни шартта олиб, муштира яширди. Унинг кўриниши айёрона ва мамнун эди.

— Биласанми, ҳозир қанақа дори ичардим?

— Қанақа? — деб кизиқиб сўради Миттивой.

— Томда яшовчи Карлсон рецепти бўйича тайёрланган «кўнгилни айнитадиган дори» ичардим. Озгина шоколад, озгина конфет оласану ўшанга печенье қўшасан, кейин уларни майдалаб, яхшилаб аралаштирасан. Дорини тайёрлаб бўлишинг билан дарров ичаман. Иситмага жуда фойдаси бор.

— Ишонмайман,— деди Миттивой.

— Кел, битта шоколаддан гаров ўйнаймиз. Айтганим тўғри чикади.

Миттивой ойим жанжални мушт билан эмас, сўз билан ҳал этиш керак, деб маслаҳат берганида худди шу нарсани назарда тутган бўлса керак, деб ўйлади ўзича.

— Қани, кел, гаров ўйнаймиз! — деб кистади Карлсон.

— Бўпти,— рози бўлди Миттивой.

У битта шоколадни олди-да, нимага гаров ўйнашганини иккови ҳам аниқ билишсин учун дастгоҳ устига қўйди. Шундан кейин Карлсон рецепт бўйича дори тайёрлашга киришди. У пиёлага бир неча дона обаки, ўшанча ёнғок ташлади, жиндек шоколад қўшди, кейин ҳаммасини тўйди-да, яхшилаб аралаштирди. Кейин чиғанокка ўхшаган бодомли печенье аралаштирди. Миттивой бунақа дорини умрида ҳеч кўрмаганди, лекин у жуда ажойиб чикди. Бу дорини ичиш учун Миттивойнинг ўзи ҳам бирпас касал бўлишга рози эди.

Карлсон диванда тик туриб, худди полапон қушчадай оғзини очди. Миттивой бу «кўнгилни айнитадиган дори»дан ўзига атиги бир қошиқ олишга ҳам уялди.

— Оғзимга кўпроқ солгин,— деб илтимос қилди Карлсон.

Миттивой унинг айтганини қилди. Кейин иккови ўтиришиб, Карлсоннинг иссиғи тушишини кутишди.

Орадан бир минут ўтар-ўтмас, Карлсон:

— Сен ҳақ экансан, бу дорининг иситмага фойдаси йўқ экан. Қани, шоколадни бер-чи,— деди.

— Сенгами? — деди Миттивой ажабланиб.— Ахир, гаровда мен ютдим-ку.

— Ҳа, тўғри, сен ютдинг, демак, ўзимга тасалли беришим учун шоколадни олишим керак. Бу дунёда ҳақиқат йўқ экан! Сен-чи, сен ярамас бола, иситмам тушмагани учун шоколадни емоқчисан.

Миттивой истар-истамас шоколадни Карлсонга узатди. Карлсон шоколаднинг ярмини оғзига солди-да, чайнаб туриб деди:

— Намунча кош-қовоғинг осилиб кетди: бошқа сафар, гаровда мен ютганимда шоколадни сен оласан.

Карлсоннинг жағи бир зум тинмади, ҳаш-паш дегунча шоколадни еб ҳам бўлди, кейин ёстикқа суяниб, оғир хўрсинди.

— Барча касаллар қанчалик бахтсиз-а! Мен бечорага ҳам осонмас! Ҳа, майли, дардимга даво бўлишига заррача ишонмасам ҳам «кўнгилни айнитадиган дори»дан икки ютум ичишга тўғри келади.

— Нега энди? Икки ютумнинг сенга ёрдам беришига ишонаман. Кел, гаров ўйнаймиз! — деб таклиф қилди Миттивой.

Тўғрисини айтганда, энди Миттивой ҳам жиндек айёрлик қилса, гуноҳ бўлмасди. У Карлсон «кўнгилни айнитадиган доридан»

уч ютумни ичганда ҳам иситмаси тушишига мутлако ишонмасди, бироқ Миттивой бу гал гаровда ютқазишни жуда истарди! Яна битта шоколад қолганди, агар Карлсон ютса, бу гал шоколад Миттивойга тегарди.

— Бўпти, кел, гаров ўйнаймиз! Қани, «кўнгилни айнитадиган доридан» икки ютумни ҳозирлаб қўйгин. Иситмани тушириш учун ҳеч нимадан тап тортмаслик керак. Биз энди ҳамма доридармонларни ичиб кўрамузу натижасини чидам билан кутамиз.

Миттивой дорининг икки ютумини Карлсоннинг катта очилган оғзига солиб юборди.

Кейин улар яна ўтиришди-да, жимгина кутишди.

Ярим минутдан кейин Карлсоннинг чехраси ёришиб, дивандан сапчиб турди.

— Қойил-е, мўъжиза бўлди! — деб кичқирди у. — Иссиғим пасайди! Сен яна ютдинг. Қани, шоколадни чўз.

Миттивой хўрсинди-да, охирги шоколадни Карлсонга берди. Карлсон унга ўқрайиб қараб қўйди:

— Сенга ўхшаган ўжарлар умуман гаров ўйнамасликлари керак. Менга ўхшаган одамларгина гаров ўйнаса бўлади. Карлсон ютадим, ютқазадими, доим бир хил, жилмайиб туради.

Орага жимлик чўкди, бу орада Карлсон шоколадни еб ҳам бўлди. Кейин у:

— Сен шунчалик мазахўрак, мечкай экансан, қолган ширинликларни яхшиликча бўлишиб олайлик. Конфетингдан қолдимми? — деди.

Миттивой чўнтақларини тимирскилаб қаради.

— Мана, учтаси қолибди. — У шундай деди-да, чўнтагидан иккита ширин ёнғоқ ва битта обаки конфет олди.

— Учтани тенг қилиб бўлиб бўлмайди, — деди Карлсон, — бунга ёш болалар ҳам билишади-ку. — У Миттивойнинг кафтидаги обаки конфетни чаккон олди-да, ютиб юборди. — Мана энди бўлса бўлади, — деб давом этди Карлсон ва қолган икки ёнғоққа очкўзлик билан қараб қўйди: улардан биттаси сал каттароқ эди. — Мен жуда хушфезъл, камтар бўлганим учун биринчи олган одам доим кичкинасини олиши керак дейман, — деди Карлсон ва Миттивойга ўқрайиб қараб қўйди.

Миттивой бир зўм ўйланиб қолди, кейин дарров фахмлаб:

— Майли, мен розиман, биринчи бўлиб сен олгин, — деди.

Ҳа, майли, ўжарлик қилсанг олганим бўлсин! — деб кичқирди Карлсон, кейин катта ёнғоқни шартта олиб, оғзига солди. Миттивой кафтидаги ёнғоққа қараб қўйди-да:

— Менга қара, — деди, — биринчи олган одам кичкинасини олиши керак, деб ўзинг гапирдинг-ку, ахир.

— Хой, мазахўрак, мечкай бола, биринчи бўлиб танлаганингда қайси бирини олардинг?

— Шубҳа қилмасанг ҳам бўлади, кичкинасини олардим, — деди қатъий Миттивой.

— Хўш, нега энди қуйиб-пишасан бўлмаса? Ҳали ҳам кичкинасини олдинг-ку.

Миттивой, ойим жанжални мушт билан эмас, сўз билан ҳал

килиш керак деганлари шу бўлса керак, деб яна бир бор ўйлади.

Бироқ Миттивой узоқ аразлаб юролмасди. Бунинг устига у Карлсоннинг иситмаси тушганидан жуда хурсанд эди. Карлсон ҳам бу ҳақда эслаб қолди.

— Мен дунёдаги ҳамма врачларга иситмага қандай дори ёрдам беришини хабар қиламан,— деди у,— «Томда яшовчи Карлсон рецепти бўйича тайёрланган «кўнгилни айнитадиган дори» ичинглар», деб ёзаман. «Иситмага ёрдам берадиган дунёдаги энг яхши дори», деб ёзаман.

Миттивой ўзининг ёнғоғини ҳали ҳам егани йўқ. Ёнғок унинг кўзини ўйнатиб, иштаҳасини қитиқлаб, кафтида ўзини кўз-кўз қилиб ётарди. Миттивой унга бир оз қараб тургиси, хузур қилгиси келди. Ахир, конфетни оғзингга солсанг, дарров эриб кетади-да.

Карлсон ҳам Миттивойнинг ёнғоғига қараб турарди. У анчагача ёнғокдан кўзини узмади, кейин энгашиб шундай деди:

— Кел, ёнғоғингни ўзингга билдирмай олиб қўйишдан гаров ўйнаймиз.

— Йўқ, ололмайсан, чунки мен уни кафтимга қўйиб, ундан кўзимни узмайман.

— Бўпти, кел гаров ўйнаймиз,— деди яна Карлсон.

— Йўқ,— деди Миттивой.— Биламан, мен ютаман, кейин сен яна конфетни оласан.

Бу хилда гаров ўйнашнинг нотўғри эканлигига Миттивойнинг ишончи комил эди. Ахир, у Боссе ёки Бетан билан гаров ўйнаганида ютукни ютган одам оларди-да.

— Мен гаров ўйнайману, фақат эскича, ҳақиқийчасига ўйнайман, конфетни ютган одам олсин.

— Ихтиёринг, нима десанг шу, мечкай. Демак, гаров ўйнаймиз-а: кафтингдаги ёнғокни олганимни сезмай ҳам коласан.

— Бўпти,— рози бўлди Миттивой.

— Фокус-покус-филопокус! — деб қичкирди Карлсон ва ёнғокқа шартта чанг солди.— Фокус-покус-филопокус,— деб такрорлади у ва ёнғокни оғзига солди.

— Шошма!— деб қичкирди Миттивой.— Ёнғокни олганингни кўрдим.

— Нималар деяпсан! — деди Карлсон ва шоша-пиша ёнғокни ютиб юборди.— Демак, сен яна ютибсан-да. Гаровда бунчалик омади келган болани сира кўрмовдим.

— Ҳа... лекин конфетни...— деб гўлдиради Миттивой саросимага тушиб.— Ахир, конфетни ютган одам олиши керак эди-ку.

— Ҳа-да,— тасдиқлади Карлсон.— Лекин конфет йўқ бўлиб қолди. Уни қайтариб беролмайман, деб гаров ўйнашга тайёрман.

Миттивой индамади-ю, бироқ ким ҳақ, ким ноҳақлигини сўз билан аниқлаб бўлмаслигини, бу восита ҳеч тўғри келмаслигини ўйлаб қолди; у бу ҳақда ойисига айтмоқчи бўлди. Миттивой қўлини бўш чўнтагига солди. Буни қаранг-а, чўнтагида яна бир ёнғок қолибди, аввал сезмаган экан. Қатта, ажойиб ёнғок.

— Гаров ўйнаймизми, менинг яна ёнғоғим бор! Гаров ўйнайсан-



ми, мен ҳозир уни еб кўяман,— деди Миттивой ва чакқонлик билан ёнғокни оғзига солди.

Карлсон ўтириб қолди. У дарров хомуш тортиди.

— Сенга туккан онангдай бўламан деб ваъда берувдинг-ку, ширинликларни нукул ўзинг еясан. Сендака мечкай, очкўз болани ҳеч кўрмагандим!

У бир зум индамай ўтирди, ковоқ-тумшуги баттар осилиб кетди.

— Биринчидан, шарф бўйнимни китиклагани учун беш эрелик тангани олганим йўқ.

— Тўғри. Ахир, бўйнингга шарф ўраганимиз йўқ-ку,— деди Миттивой.

— Нима, шарфим бўлмаса мен айбдорманми! Агар шарф бўлганда бўйнимга албатта ўраган бўлардим, у бўйнимни кичитган бўларди, беш эрени албатта олган бўлардим...— Карлсон Миттивойга илтижо билан қараб қўйди, кўзларига ёш олди.— Шарфим йўқлигидан озор чекишим керакми? Нима, сенингча, шу тўғрими?

Йўқ, Миттивой буни нотўғри деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам у ўзининг охирги беш эрелик тангасини томда яшовчи Карлсонга берди.

### КАРЛСОННИНГ ҚИЛМИШЛАРИ

— Хўш, энди бир кўнгилни ёзайлик,— деди Карлсон бир зумдан кейин.— Кел, аввал, томма-том чопамиз, кейин нима қилишимизни ўйлаб оламиз.

Миттивой жон деб рози бўлди. У Карлсоннинг қўлидан ушлаб олди, иккови томга чиқишди. Кош қорая бошлаган эди, теваарак-атрофдаги ҳамма нарсалар кўзга жуда чиройли бўлиб кўринарди: осмон худди баҳор кунларидагидек кўм-кўк эди; уйлар ғира-шира қоронғиликда қандайдир сирли бўлиб кўринарди. Пастда, Миттивой кўпинча ўйнайдиган боғ кўкариб кўринарди, ховлидаги баланд-баланд тераклардан ажойиб, ўткир, хушбўй ҳид тараларди.

Бугунги кеча айни томма-том сайр қилиш учун яратилгандек. Очик деразалардан хилма-хил товуш ва ғовур-ғовур: аллақандай одамларнинг пичирлашиб гаплашишлари, болаларнинг шўх кулгисю аччиқ йиғиси эшитиларди; кимдир жаранглатиб ошхонада идиш-товоқ юварди; итлар вовулларди; пианинонинг даранг-дурунги кулоққа чалинарди. Қаердадир мотоцикл тариллади. У ўтиб кетгач, от туёқларининг дукур-дукурую арава ғилдирақларининг тарақа-туруки эшитилди.

— Агар одамлар томда юриш қандай маза эканлигини билишса, улар аллақачон кўчаларда юрмай қўйишарди,— деди Миттивой.— Бу ер жуда маза-я!

— Ҳа, бироқ жуда хавфли,— деди дарров Карлсон,— чунки йиқилиб кетиш ҳеч гап эмас. Мен сенга бир неча жойни кўрсатаман, пастга қарасанг, юрагинг орқангга тортиб кетади.

Уйлар бир-бирига шундай яқин, жипс эдики, томдан-томга бе-малол сакраб ўтиш мумкин эди. Бўғотлар, болохоналар, мўрилар томдан жуда ғалати бўлиб кўринарди.

Тўғри, томда юриш жуда хавfli эди, пастга қарасанг, бошинг айланиб кетарди. Бир жойда, уйлар орасида кенг ковак бор экан, Миттивойнинг ўша ковакка йиқилиб тушишига сал қолди. Бир оёғи бўғотдан сирғалиб тушганда, бахтига Карлсон кўлидан ушлаб қолди.

— Хўш, қалай? — деди Карлсон Миттивойни томга тортиб оларкан.— Мана шунака жойлар ҳақида гапиргандим. Олдинга кетдикми?

Бирок Миттивойнинг юраги гуп-гуп уриб, ортик юргиси келмай қолди. Улар шундай хавfli жойлардан юришдики, йиқилиб кетмаслик учун қўл ва оёқлари билан тирмашиб олишди. Карлсон бўлса, Миттивойга кизикарли бўлсин учун жўрттага қалтис йўллارни танларди.

— Менимча, энди бир оз кўнгилхушлик қилсак ҳам бўлади,— деди Карлсон.— Мен кўпинча кечкурунлари томда айланиб юриб, болохонада турадиган одамлар билан ҳазиллашишни яхши кўраман.

— Ҳазиллашганинг нимаси? — деб сўради Миттивой.

— Ҳар хил одамлар билан ҳар хил ҳазил қиламан. Битта ҳазилни ҳеч қачон икки марта такрорламайман. Қани, айт-чи, дунёда энг зўр ҳазилкаш ким?

Бирдан яқин жойда чақалокнинг йиғиси эшитилди. Миттивой кимдир йиғлаётганини аввал ҳам эшитганди-ю, лекин сал ўтмай йиғи тинганди. Афтидан, чақалок бирпас дам олганга ўхшайди, ҳозир яна йиғисини бошлади. Қичкирик энг яқин болохонадан эшитиларди, чақалокнинг йиғиси жуда мунгли, аянчли эди.

— Бечора бола! — деди Миттивой.— Балки, унинг қорни оғриётгандир.

— Ҳозир биламиз-да,— деди Карлсон.

Улар болохонанинг деразасигача карниздан эмаклаб боришди. Карлсон бошини кўтариб, эҳтиётлик билан хонага қаради.

— Бола бечоранинг битта ўзини ташлаб кетишибди-я,— деди у.— Турган гап, ота-онаси қаерлардадир санқиб юришибди.

Бола бечора биғиллаб йиғларди.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! — Карлсон ўрнидан турди-да, бақириб гапирди.— Томда яшовчи Карлсон — дунёда энг яхши энага келяпти.

Миттивойнинг томда ёлғиз ўзи қолгиси келмади. У ҳам Карлсоннинг орқасидан кетма-кет деразадан ошиб тушди. Тушишга тушди-ю, чақалокнинг ота-онаси келиб қолса, нима бўлади, деб ўйлади кўркув аралаш. Карлсон бўлса жуда хотиржам, пинагини бузмасди. У чақалокнинг каравоти ёнига келди-да, йўғон бармоғи билан унинг бағбақасини китиклади.

— Биди-биди-биди! — деди у эркалаб, кейин Миттивойга ўгирилиб тушунтира кетди.— Чақалоклар йиғлаганда доим шундай дейилади.

Чақалок ҳайрон бўлиб, бир зум жимиб қолди, кейин яна йиғлаб юборди.

— Биди-биди-биди! — деб такрорлади Карлсон, кейин:— Чақа-

локларни яна мана бундай қилишади...— деб қўшиб қўйди. У чакалокни қўлига олди-да, бир неча бор каттик силкитди.

Чакалокка бу ёкди шекилли, бирдан йиғидан тўхтаб, тишсиз оғзини очиб кулимсиради.

Карлсон ўзида йўқ хурсанд эди.

— Чакалокни овунтириш жуда осон-да! — деди у.— Дунёдаги энг яхши энага...

Бирок унинг гапи оғзида колди, чунки чакалок яна йиғлаб юборди.

— Биди-биди-биди! — деб тўнғиллади Карлсон аччиғи чиқиб ва кизчани яна каттиқроқ силкитди.— Эшитяпсанми, йўкми? Биди-биди-биди! Тушунарлими?

Бирок кизча баттар чинкириб йиғларди; Миттивой унга қўлини чўзди.

— Кел, уни мен олай-чи,— деди у.

Миттивой кичкина болаларни жуда яхши кўрарди, шунинг учун ҳам ойиси билан дадасига, менга сингилча олиб беринглар, деб кўп ялинган. Ахир, улар ит сотиб олиб беришга ҳеч кўнмайдилар-ку.

У Карлсоннинг қўлидан йиғлаб турган чакалокни олди-да, уни кўксига босди.

— Йиғлама, жажжи киз! — деди Миттивой.— Шундай оппок, шундай ширин кизсан-а...

Қизча индамай колди, у Миттивойга чарақлаган кўзларини тикди-да, яна кулимсиради, кейин алланималар деб чуғуллади.

— Унга биди-биди-биди деганим таъсир килди,— деди Карлсон.— Биди-биди-биди доимо шунақа тез таъсир қилади. Мен буни минг марталаб синаганман.

— Қизик, унинг оти нима экан? — деди Миттивой ва кўрсаткич бармоғи билан чакалокнинг юзини силаб қўйди.

— Гулфия,— деб жавоб килди Карлсон.— Қизчаларга кўпинча шу исми кўйишади.

Миттивой кизларни «Гулфия» деб чакиришганини ҳеч қачон эшитмаганди, лекин чакалоқларга қандай исм кўйишни ҳеч ким билмаганда ҳам дунёдаги энг яхши энага билса керак, деб ўйлади.

— Жажжи Гулфия, қорнинг очганга ўхшайди-я,— деди Миттивой. чакалок унинг бармоғини сўрмоқчи бўлиб талпинаётганини кўриб.

— Агар Гулфиянинг қорни очган бўлса, мана бу ерда колбаса билан картошка бор экан,— деди Карлсон буфетга қараб.— Карлсоннинг колбаса ва картошкаси бор экан, дунёда битта ҳам чакалок очдан ўлмайди.

Бирок Миттивой Гулфиянинг колбаса билан картошка ейишига ишонмасди.

— Бунақа чакалоқларга менимча сут беришарди, шекилли,— деб эътироз билдирди у.

— Демак, сенинча, дунёдаги энг яхши энага болаларга нима бериш мумкину нима мумкинмас, билмайдими? — деди Карлсон жаҳли чиқиб.— Лекин сен меники тўғри, деб туриб олсанг, учиб бориб сигир олиб келшим мумкин...— Карлсон деразага норози бўлиб

каради-да, қўшиб қўйди: — Факат сигирни бу кичкина деразадан олиб кириш анча қийин бўлади-да.

Гулфия Миттивойнинг бармоғини ушлайман деб талпинар ва ҳикиллаб йиғларди. Чиндан ҳам қизчанинг қорни очганга ўхшарди.

Миттивой буфетни текшириб кўрди, сут тополмади: тарелкадаги уч бўлак колбасадан бошқа ҳеч нима йўқ эди.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! — деди Карлсон. — Сутни каердан топиш мумкинлигини эсладим... Мен битта жойга учиб бориб келишим керак... Хўп, мен тезда қайтаман! — У қорнидаги тугмачани босди, хаш-паш дегунча деразадан ўкдай учиб чиқиб кетганини Миттивой сезмай ҳам қолди.

Миттивой жуда кўркиб кетди. Карлсон ҳар галгидай бир неча соат йўқ бўлиб кетса-я? Чакалоқнинг ойсиси билан дадаси қайтиб келиб, Гулфияни Миттивойнинг қўлида кўришса-я? Хўш, унда нима бўлади?

Бироқ Карлсон бу сафар уни узок куттириб қўймади. У деразадан гердайиб учиб кирди, қўлида одатда чакалоқларни эмизадиган эмизғичли шишача бор эди.

— Қаердан олдинг? — деб сўради Миттивой хайрон бўлиб.

— Ўша, ҳар доим сут олиб юрадиган жойимдан-да, — деб жавоб қилди Карлсон, — Остермальм<sup>1</sup>даги болохоналарнинг биридан олдим.

— Нима, ўғирлаб келдингми? — деб сўради Миттивой жаҳли чиқиб.

— Уни... қарзга олдим.

— Қарзга? Қарзингни қачон қайтариб бермоқчисан?

— Ҳеч қачон!

Миттивой Карлсонга ўқрайиб қўйди. Карлсон эса қўлини силтаб қўя қолди:

— Парво қилма... Кичкинагина бир шиша сут-а. Ўша уйда яшовчи оилада бирданига уч бола туғилибди, уларнинг болохонасида, муз солинган челақда бунақа шишачалар тўлиб-тошиб ётибди. Улар Гулфия учун озгина сут олганимга қайтага хурсанд бўлишади.

Гулфия кичкина дўмбок қўлчаларини шишага чўзиб, сабрсизлик билан лабини чўпиллата бошлади.

— Ҳозир сутни иситаман, — деди Миттивой ва Гулфияни Карлсонга берди. У яна биди-биди-биди деб, чакалоқни силкита бошлади.

Миттивой бу орада электр плиткани қўйиб, сутни исита бошлади.

Мана, орадан бир неча минут ўтди, Гулфия ўз каравотчасида маза қилиб ухлаб ётарди. Унинг қорни тўқ, кайфи чоғ эди. Миттивой унинг атрофида елиб-югурарди. Карлсон бўлса каравотчани зўр бериб тебратар ва баланд овозда:

— Биди-биди-биди... Биди-биди-биди... — деб ўзича алла айтарди.

Бироқ шунчалик шов-шувга карамай Гулфия ухлаб қолди, чунки унинг ҳам қорни тўйганди, ҳам чарчаганди.

<sup>1</sup> Остермальм — Стокгольм чеккасидаги шаҳарлардан бири.

— Энди бу ердан кетишдан аввал бир жиннилик қилайлик,— деди Карлсон.

У буфет олдига келди-да, кесилган колбаса солинган тарелкани олди. Миттивой ағрайганча унинг хатти-ҳаракатини кузатиб турди. Карлсон тарелкадан бир бўлак колбасани олди.

— Жиннилик қилишнинг нималигини ҳозир кўрасан.— Карлсон колбаса бўлагини эшик дастасига илиб қўйди.

— Биринчи номер,— деди у хурсанд бўлиб ва бошини ликилла-тиб қўйди.

Кейин Карлсон чиройли оқ чинни каптар турган шкафча олди борди-да, Миттивой бир нима дейишга улгурмасиданок, каптарнинг тумшугига колбаса тишлатиб қўйди.

— Иккинчи номер,— деди Карлсон.— Учинчи номерни Гулфия олади.

У тарелкадаги охирги колбаса бўлагини олди-да, ухлаб ётган Гулфиянинг кўлчасига тутқазиб қўйди. Бу чиндан ҳам кулгили эди. Гулфия ўрнидан туриб, колбасани ўзи олиб, кейин кўлида колбасаси билан ухлаб колган, деб ўйлаш мумкин эди.

Бирок Миттивой тоқати-тоқ бўлиб:

— Ўтинаман, бундай қилмагин,— деди.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! — деди Карлсон унга жавобан.— Биз қизчанинг ота-онасини кечқурунлари уйдан кетмас-ликка ўргатиб кўямиз.

— Нега энди? — деб сўради Миттивой хайрон бўлиб.

— Оёғи чиққан, колбасани ўзи бориб оладиган боланинг бир ўзини ташлаб кетишга уларнинг юраклари бетламайди. Кейинчалик бу бола нималарни олмайди? Балки, отасининг кўчага тақиб чиқадиган галстугини олгиси келиб қолар?

Карлсон колбаса Гулфиянинг жажжи кўлчаларидан тушиб кетмасмикин деб текшириб ҳам кўрди.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! — деди у гапида давом этиб.— Нима қилишимни жуда яхши биламан. Ахир, мен дунёдаги энг яхши энагаман-ку.

Худди шу пайт Миттивой кимнингдир зинапоядан кўтарилаётганини эшитиб қолди-ю, кўрққанидан ўрнидан сапчиб туриб кетди.

— Улар келишяпти! — деб шивирлади у.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! — деди Карлсон ва Миттивойни дераза олдига етаклаб борди.

Мана, қулф тешигига калит солишди. Миттивой, бўлар иш бўлди, кўлга тушдик деб ўйлади. Лекин бахтига улар томга чиқиб олишга улгуришди. Орадан бир зум ўтмай, эшик очилиб, Миттивойнинг қулоғига куйидаги сўзлар чалинди:

— Бизнинг дўмбок Сусаннамиз ҳалиям ухлаб ётибди-я! — деди аёл киши.

— Ҳа, қизчамиз ухлаб ётибди,— деди эркак киши.

Бирок шу пайт бирдан қичкирик эшитилди. Гулфиянинг дадаси билан ойиси қизчанинг кўлидаги колбасани кўриб қолишган бўлса керак.

Миттивой Гулфиянинг ота-онаси дунёдаги энг яхши энаганинг қилмишлари ҳақида нималар дейишини кутиб ўтирмади. Энг яхши



энага бўлса, уларнинг овозини эшитиши биланок мўрининг оркасига чаққон яшириниб олди.

— Безориларни кўришни истайсанми? — деб сўради Карлсон Миттивойдан, сал нафасларини ростлаб олишгач.— Болохоналаримнинг бирида икки зўр, ашаддий безорилар туришади.

Карлсон безорилар хақида, гўё ўзининг хусусий мулки хақида гапирётгандай гапирарди. Миттивой унинг гапига ишонмади-ю, бироқ бари бир ўша безориларни кўргиси келиб колди.

Карлсон кўрсатган болохона деразаларидан говур-гувур, кулги ва кийкирик эшитиларди.

— Хо, улар кайфи-сафо килишяпти! — деди Карлсон.— Юр, нимани эрмак килишаётганини бориб кўрамиз.

Карлсон билан Миттивой яна бўғот ёкалаб эмаклаб кетишди. Улар болохонага етишганида, Карлсон бошини кўтариб деразага қаради. Деразага парда осиб қўйилганди. Бироқ Карлсон пардадан бир тешик топди, ўша тешикдан ҳамма нарса кўринарди.

— Безориларниқанда меҳмон бор экан,— деб шивирлади Карлсон. Миттивой ҳам тешикдан ичкарига қаради. Хонада кўриниши безорига ўхшаган икки одам билан ювош, ёкимтой йигит ўтирарди. Миттивой бунақа йигитларни бувисининг қишлоғида кўрганди.

— Биласанми, бу ерда нима гап бор? — деб шивирлади Карлсон.— Менимча, безориларимнинг няяти бузук, улар бирор хунук иш қилишмоқчи. Лекин биз уларга халакит берамиз...— Карлсон тешикдан яна бир бор қаради.— Гаров ўйнайманки, улар кизил галстук такқан йигит бечорани шилишмоқчи!

Безорилар билан галстук такқан йигит дераза олдидаги столча атрофида овқатланиб ўтиришарди.

Безорилар ўқтин-ўқтин меҳмоннинг елкасига қоқиб кўйишар ва:

— Сени учратганимиз жуда яхши бўлди-да, азиз Оскар! Шаҳарга биринчи бор келганингда очиккўнгил, содик, самимий, иштончли дўстлар топгинг келади. Қаллоб, фирибгар одамларнинг қўлига тушиб колсанг борми, сени бирпасда шилиб кетишади-да,— дейишарди.

Безорилар унинг гапини маъқуллашиб, бошларини ликиллатишарди.

— Бўлмасам-чи, Фирибгарларга ем бўлиш ҳеч гап эмас. Омадинг бор экан, йигит, Филле билан мени учратиб колдинг.

— Тўғри, Рулле билан мени учратиб колмаганингда, билмадим, ҳолинг нима кечарди. Мана энди бемалол маишатингни қилавер,— деди Филле исмли йигит ва яна Оскарнинг елкасига қоқиб кўйди.

Кейин Филленинг бир ишини кўриб, Миттивой ханг-манг бўлиб колди: Филле Оскарнинг шимининг орқа чўнтагига қўлини солиб, ҳамёнини олди-ю, эҳтиётлик билан ўз шимининг орқа чўнтагига солиб кўйди.

Оскар ҳеч нимани сезмай колди, чунки худди шу пайт Рулле уни маҳкам кучоқлаб олган эди. Рулле кучоғини ёзганда, унинг қўлида Оскарнинг соати пайдо бўлди. Рулле соатни ҳам шимининг орқа чўнтагига солиб кўйди. Оскар буни ҳам сезмади.

Бироқ томда яшовчи Карлсон бирдан семиз, дўмбоқ қўлини пар-

да тагига эҳтиётлик билан сукди-да, Филленинг чўнтагидан ҳамённи олиб қўйди. Филле ҳам ҳеч нимани сезмади. Кейин Карлсон дўмбок қўлини парда тагига суқиб, Рулленинг чўнтагидан соатни олди. Рулле, Филле ва Оскар яна бир мартадан қадах кўтаришиб, у-бу ейишиб, бир оз гаплашиб ўтиргандан кейин, Филле чўнтагига қўлини солиб кўрсаки ҳамён йўк. У Руллега ғазаб билан каради-да, шундай деди:

— Менга қара, Рулле, юр, ташқарига бир чиқиб келайлик, Икковимиз гаплашиб олишимиз керак.

Худди шу пайт Рулле ҳам қўлини чўнтагига солди, қарасаки, чўнтагида соат йўк. Энди у ҳам Филлега жаҳл билан тикилди-да:

— Юр! Менинг ҳам сенга айтадиган гапим бор! — деди.

Оскар ёлғиз ўзи зерикиб кетди шекилли, янги оғайнилари нима қилишаётганини кўргани даҳлизга чиқди.

Карлсон деразадан лип этиб сакраб тушди-да, ҳамённи чинни идишга солиб қўйди. Филле, Рулле, Оскарлар шўрвани аллақачон ичиб бўлишганди, шунинг учун ҳам ҳамён ҳўл бўлмади. Соатни эса Карлсон лампага илиб қўйди. У шундайгина кўринадиган жойда енгил чайқалиб турарди. Филле, Рулле ва Оскар хонага киришлари билан соатни кўришди. Бироқ Карлсонни пайқашмади, чунки у дастурхон ёзилган стол тагига кириб олганди. Миттивой ҳам стол тагида эди. У қанчалик кўркмасин, Карлсонни бундай хавф-хатарда ёлғиз қолдириб кетишни истамасди.

— Қаранглар, соатим лампада осилиб турибди-я, — деди Оскар хайрон бўлиб. — Тавба, у ёкка қандай чиқиб қолди?

У лампа олдига бориб, соатни олди-да, камзулининг чўнтагига солиб қўйди.

— Ие, ҳамёним косада ётибди, рост, қаранглар-а! — деб қичкириб юборди яна Оскар, косани кўрсатиб. — Жуда қизиқ бўлди-ку.

Рулле билан Филле Оскарга хайрон бўлиб қараб қолишди.

— Қишлоғингиз йигитлари удабуррон кўринади, бўш келишмайди-я! — деб хитоб қилишди улар бараварига.

Кейин Оскар, Рулле, Филлелар яна стол атрофига ўтиришди.

— Азизим Оскар, — деди Филле, — тўйгунингча еб-ичгин!

Улар яна еб-ичишди, бир-бирларининг елкаларига қоқишди.

Бир оздан кейин Филле дастурхонни сал кўтариб, Оскарнинг ҳамёнини стол тагига ташлаб юборди. У ҳамённи ўзининг чўнтагидан кўра полда яхши сақланади, бут туради деб ўйлаган бўлса керак. Бироқ акси бўлиб чиқди: стол тагида ўтирган Карлсон ҳамённи олди-да, Рулленинг қўлига кистирди. Ўшандан кейин Рулле:

— Филле, сенга нисбатан ноинсофлик қилдим, сен олижаноб одамсан, — деди.

Орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг, Рулле қўлини стол тагига суқиб, соатни полга қўйди. Карлсон соатни олди-да, Филленинг қўлига тутқазди. Энди Филле бундай деди:

— Сендай содик дўст кам топилади, Рулле!

Бироқ шу пайт Оскар бакириб қолди:

— Ҳамёним қани? Соатим қани?

Ўша заҳоти ҳамён билан соат стол тагига қўйилди, чунки Оскар фалва кўтарса Филле ҳам, Рулле ҳам қўлга тушишни истамасди.

Оскарнинг каттиқ жаҳли чиқиб, нарсаларимни қайтариб беринглар, деб туриб олди. Филле ҳам:

— Бемаъни, ҳамённингни қаёққа қўйганингни мен қаёқдан билай,— деб бақариб колди.

Рулле бўлса:

— Биз сенинг бир пулга қиммат соатингни кўрганимиз йўқ! Ўзингга эҳтиёт бўлмайсанми,— деб қўшимча қилди.

Шу пайт Карлсон полдан ҳамён билан соатни олди-да, икковини ҳам Оскарнинг қўлига тутқазди. Оскар ҳамён билан соатини олиб:

— Раҳмат сенга, азизим Филле, раҳмат Рулле, бошқа бунақа ҳазил қилмаларинг! — деб хитоб қилди.

Шу пайт Карлсон кучининг борича Филленинг оёғига мушт тушириб колди.

— Шошмай тур хали, бу килиғинг учун додингни бераман, Рулле! — деб ўшқирди Филле.

Карлсон бу орада Рулленинг оёғига шундай каттиқ урдик, у оғриқдан додлаб юборди.

— Нима бало, эсингни едингми? Нега урасан? — деб кичкирди Рулле.

Рулле билан Филле стол ёнидан туриб, бир-бирларини дўппослаб кетишди, ҳамма тарелкалар полга тушиб, чил-чил бўлди. Ўтакаси ёрилиб кетган Оскар ҳамён билан соатини чўнтагига солди-ю, тирақайлаб қочиб колди.

Шу-шу Оскар бу томонларга кадам босмади.

Миттивойнинг ҳам эхонаси чиқиб кетди-ю, лекин қочиб кетолмади. Шунинг учун ҳам стол тагида кимир этмай ўтирди.

Филле Рулледан бақувватроқ эди, у Руллени ўласи қилиб уриш учун даҳлизга судраб олиб чиқди.

Пайтдан фойдаланиб Карлсон билан Миттивой стол тагидан чаккон чиқиб олишди. Карлсон полда сочилиб ётган тарелка синиқларини кўриб, деди:

— Ҳамма тарелкалар синибди-ю, лекин чинни қозонча бутун-а. Энди бу бечора ёлғизликдан сиқилса керак.

У шундай деб идишни кучининг борича полга урди.

Кейин Миттивой иккови деразадан лип этиб томга чиқиб олишди.

Миттивой Филле билан Рулленинг уйга қайтиб киришганини, Филленинг:

— Менга қара, нега энди ҳамён билан соатни қайтариб бердинг, нодон? — деб сўраганини эшитди.

— Нима, жинни бўлдингми? — деб жавоб қилди Рулле.— Ахир, сен бердинг-ку!

Карлсон уларнинг уришганини эшитиб, қотиб-қотиб қолди.

— Ҳа, бугун шунча ўйнаганимиз етар! — деди у хахолаб куларкан.

Миттивой ҳам бугун роса жиннилик қилди.

Миттивой билан Карлсон бир-бирларининг қўлларидан ушлашиб, Карлсон яшайдиган, мўри орқасига яширинган кичкина уйча томон кетишганда кош қорайган эди. Улар Карлсоннинг уйчасига етай деб қолишганда, кўчадан ўт ўчирувчи машинанинг сигнал бериб ўтганини эшитиб қолишди.

— Бирор жойда ёнгин чикканга ўхшайди, — деди Миттивой. — Эшитдингми, ўт ўчирувчилар ўтиб кетишди.

— Балки сенинг уйингдадир, — деди умид билан Карлсон. — Ўт тушган бўлса, менга дарров айт. Уларга жон деб ёрдам бераман, чунки мен жаҳонда энг зўр ўт ўчирувчиман.

Улар томда туришиб, ўт ўчириш машинасининг эшик олдига келиб тўхтаганини кўришди. Машинани одамлар ўраб олишди. Бирок негадир ёнгин кўринмасди. Лекин бари бир машинадан то томгача худди ўт ўчирувчиларникига ўхшаган узун нарвон кўйишди.

— Балки, улар мени олиб тушгани келишгандир? — деб сўради Миттивой ташвиш аралаш, бирдан уйда қолдирган хатини эслаб; ахир, кун анча кеч бўлиб қолганди.

— Хайронман, нега энди ҳаммалари типирчилаб қолишди. Наҳотки сенинг томда бир оз айланиб юришинг битта-яримтага ёкмаган бўлса? — деди Карлсон жаҳли чиқиб.

— Ха, — деди Миттивой, — ойимга. Биласанми, ойимни асаблари...

Миттивой бу ҳақда ўйларкан, ойисига ачиниб тезроқ уйга қайтгиси келди.

— Ўт ўчирувчилар билан бир оз ҳазиллашсак ёмон бўлмасди... — деди Карлсон.

Бирок Миттивойнинг энди кўнгилхушлик қилишга хохиши йўқ эди. У нарвондан кўтарилаётган ўт ўчирувчининг томга етиб келишини кутиб, бир чеккада индамай турарди.

— Ха, майли, — деди Карлсон, — бўлмаса мен ҳам ётиб ухлай. Тўғри, биз ўзимизни жуда яхши, сипо тутдик, бошқалар биздан ибрат олса бўлади. Лекин эрталаб иситмам ўттиз-қирк даражадан кам бўлмаганини унутмаслик керак.

Карлсон шундай деди-ю, уйчасига чошиб кетди.

— Хайр, Миттивой! — деб кичқирди у.

— Хайр, Карлсон! — деб кичқирди унга жавобан Миттивой, нарвондан тобора баланд кўтарилаётган ўт ўчирувчидан кўзини узмай.

— Хой, Миттивой, — деб кичқирди Карлсон, мўри орқасига яширинмасдан аввал, — бу ерда туришимни ўт ўчирувчиларга айта кўрма! Ахир, мен жаҳонда энг яхши ўт ўчирувчиман-ку, бирор уйга ўт тушса, улар менга одам юборишади.

Ўт ўчирувчи жуда яқин қолганди.

— Жойингда кимирламай тур! — деб буюрди у Миттивойга. — Эшитяпсанми, кимирлама деяпман! Ҳозир чиқиб, сени олиб тушаман.

Миттивой, ўт ўчирувчининг бу меҳрибончилигини кўриб, мени огоҳлантиришининг ҳожати йўқ эди, деб ўйлади ўзича. Ахир, у кечқурун томма-том роса юради, ҳозир эса нарвонга ўзи бемалол келиши мумкин эди.

— Сизни ойим юбордимиз? — деб сўради Миттивой ўт ўчирувчидан, у Миттивойни кўтариб, пастга тушаётганда.

— Бўлмасам-чи, албатта ойинг-да. Лекин кўзимга томда яна бир бола юргандек кўринувди.

Миттивой Карлсоннинг илтимосини эслаб:

— Йўқ, бу ерда мендан бошка бола йўқ эди,— деди жиддий. Ойисининг асаби чиндан ҳам чатоқ эди. Ойиси, дадаси, Боссе, Бетан ва бир қанча бегона одамлар кўчада Миттивойнинг тушишини кутиб туришарди. Ойиси югуриб келиб Миттивойни бағрига босди; у ҳам йиғлар, ҳам куларди. Кейин дадаси Миттивойни кўтариб бағрига маҳкам босганича уйга олиб кетди.

— Бизни жуда кўрқитиб юбординг-ку! — деди Боссе.

Бетан ҳам йиғлаб юборди, у кўз ёши аралаш:

— Энди бундай қилмагин. Хўпми, Миттивой, хечам бунақа қилмагин, — деди.

Миттивойни ўша заҳотиёк каравотга ётқизишди, уйдагиларнинг ҳаммаси, гўё бугун унинг туғилган кунидек, атрофида парвона бўлишарди. Бироқ дадаси:

— Наҳотки бизни хавотир олади деб ўйламадинг? Наҳотки, ойингни ўтақаси ёрилиб кетишини, куйиб-пишишини, йиғлашини билмадинг? — деди жиддий оҳангда.

Миттивой кўрпасида ғужанак бўлиб олди.

— Нега энди ташвишландинглар? — деб минғиллади у.

Ойиси уни маҳкам кучоклади.

— Гапингни кара-ю! — деди ойиси.— Томдан йиқилиб тушганигда нима бўларди? Сендан ажраб колганимизда нима бўларди?

— Хафа бўлармидинглар?

— Сен нима деб ўйловдинг? — деди ойиси.— Дунёдаги бор бойликларга ҳам сени алишмасмиз. Буни ўзинг ҳам яхши биласан.

— Юз минг миллион крон беришса ҳам кўнмасмидингиз? — деб сўради Миттивой.

— Ха, юз минг миллион кронга ҳам рози бўлмасдик.

— Демак, мен шунчалик киммат турарканман-да? — деди Миттивой хайрон бўлиб.

— Албатта-да,— деди ойиси уни яна бир бор кучоклаб.

Миттивой ўзича ўйлай бошлади: юз минг миллион крон озмунча пулми, бир қоп бўлади-я! Наҳотки у шунақа киммат турса?

Ахир, кучукчани, чинакам чиройли кучукчани атиги эллик кронга сотиб олса бўлади-я...

— Менга қаранг, дада,— деди тўсатдан Миттивой,— агар мен чиндан ҳам юз минг миллион крон турсам, ҳозир менга эллик крон бермайсизларми? Кучукча сотиб олардим.

## КАРЛСОННИНГ АРВОҲ-АРВОҲ УЙНАГАНИ

Эртаси куни, тушки овқат маҳалида ойиси билан дадаси Миттивойдан, томга қандай қилиб чиқиб олдинг, деб сўрашди.

— Нима, чордоқдаги туйнукдан чиқиб олдингми? — деб сўради ойиси.

— Йўқ, мен томда яшовчи Қарлсон билан бирга учиб чиқиб олдим,— деди Миттивой.

Ойиси билан дадаси бир-бирларига қараб қўйишди.

— Йўқ, бунга ортиқ чидаб бўлмайди! — деди ойиси.— Бу Қарлсон дегани мени жинни қиладиган бўлди-да!



— Менга қара,— деди дадаси,— томда яшовчи Карлсон деганинг шунчаки бир гап, йўқ нарсаси.

— «Йўқ нарсаси эмиш!» — деб такрорлади Миттивой.— Кеча у ҳар ҳолда бор эди.

Ойиси ташвиш билан бош чайқаб қўйди:

— Яхшиямки, хадемай каникулга чиқасану бувингникига жўнайсан. У ёкка Карлсон изингдан бормас деб ўйлайман.

Бу кўнгилсизлик ҳақида Миттивой ўйламаган ҳам эди. Ахир, уни яқинда бутун ёзга, кишлокқа — бувисининг олдига жўнатишади-ку! Демак, у Карлсонни икки ой кўрмайди. Тўғри, ёзда бувисиникида маза қилиб дам олса бўлади, бироқ Карлсон-чи... Миттивой кишлокдалигида Карлсон бу томдан кетиб қолса-чи?

Миттивой тирсагини столга суяганича, бошини чангаллаб ўтирарди. У Карлсонсиз яшашини сира тасаввур этолмасди.

— Нима, тирсаки столга қўйиш мумкин эмаслигини билмайсанми? — деб сўради Бетан.

— Яхшиси, ўзингга қарасанг-чи! — деди Миттивой гижиниб.

— Миттивой, тирсагингни столдан ол,— деди ойиси.— Сенга гулқарам олиб берайми?

— Йўқ, қарам егандан кўра очимдан ўлганим маъкул!

— Ие! — деди дадаси хўрсиниб.— Бу нима гап, «йўқ, раҳмат» дейиш керак.

«Юз минг миллион крон турадиган болага нега ҳадеб буйруқ қилишаверади», деб ўйлади Миттивой ўзича, лекин бу ҳақда гап очмади.

— Ахир, ўзингиз яхши биласиз-ку, «гулқарам егандан кўра очимдан ўлганим маъкул» деганим, «йўқ, раҳмат» деганим-да,— деб тушунтирди у.

— Тарбия кўрган одамлар бунақа демайди,— деди дадаси.— Ахир, сен одобли, қобил йигит бўлмоқчисан-ку.

— Йўқ, дада, мен сиздай бўлмоқчиман,— деди Миттивой.

Ойиси, Боссе, Бетан хахолаб юборишди.

Миттивой уларнинг нега қулишганини тушунмади, дадамдан қулишяпти деб ўйлади. Бунга сира чидаб туролмади.

— Ха, сизга ўхшамоқчиман, дада. Сиз жуда яхшисиз! — деди Миттивой дадасига тикилиб туриб.

— Раҳмат, ўғлим,— деди дадаси.— Нима, чиндан ҳам гулқарам егинг йўқми?

— Йўқ, гулқарам егандан кўра, очдан ўлган маъкул!

— Ахир, у жуда фойдали-ку,— деди ойиси хўрсиниб.

— Овқат қанча бемаза бўлса,— деди Миттивой,— шунча фойдали бўлади, шекилли. Мен шуни билмоқчи эдим, нега энди ҳамма витаминлар бемаза овқатда бўлади?

— Витаминлар шоколадда ва сақичда бўлиши керак, албатта,— деди Боссе калака қилиб.

— Кейинги вақтларда айтган энг ақлли гапинг шу бўлди-да,— деди Миттивой жерқиб.

Тушки овқатдан кейин Миттивой хонасига кириб кетди. У Карлсоннинг учиб қилишини сабрсизлик билан кутарди. Ахир, Миттивой

ҳадемай кишлокка жўнаб кетади, шунинг учун ҳам улар тез-тез учрашиб туришлари керак.

Афтидан Карлсон Миттивойнинг сабрсизлик билан кутаётганини сезган бўлса керак: Миттивой деразадан шундай қараши билан Карлсон учиб келиб қолди.

— Бугун иситманг йўкми? — деб сўради Миттивой.

— Мендами? Иситманг нимаси? Менда ҳеч қачон иситма бўлмайди! Бояги шунчаки ўз-ўзини ишонтириш эди.

— Иситмам бор деб ўзингни-ўзинг ишонтирдингми? — деб сўради Миттивой хайрон бўлиб.

— Йўк, иситмам бор деб сени ишонтирдим,— деди Карлсон хурсанд бўлиб ва хахолаб кулиб юборди.— Қани, топ-чи, дунёда энг зўр лофчи ким?

Карлсон жойида бир зум тек турмасди. Гаплашаркан, хонада у ёқдан-бу ёққа тинмай юрар, тўғри келган нарсани ушлаб кўрар, яшиқларни бирма-бир очиб-ёпар ва ҳар бир нарсани синчиклаб кўздан кечирарди.

— Йўк, бугун ҳечам иситмам йўк. Бугун отдайман, сал кўнгил-хушлик қилмоқчиман.

Миттивойнинг ҳам ўйнагиси бор. Бироқ у, аввал дадаси, ойиси, Боссе ва Бетан Карлсонни кўришларини истарди. Миттивой уларнинг Карлсон хаёлий нарса дейишларини бошқа эшитгиси келмасди.

— Мени бирпас кутгин,— деди Миттивой шоша-пиша,— ҳозир келаман.

У ошхона томонга ғизиллаб чошиб кетди. Боссе билан Бетан уйда йўк эди, бу Миттивойга жуда алам қилди. Хайриятки, ойиси билан дадаси камин олдида ўтиришган экан. Миттивой ҳаяжонланиб деди:

— Ойи, дада, тезроқ менинг хонамга киришлар!

У ҳозирча Карлсон хақида ҳеч нима демасликка қарор қилди. Ойиси билан дадаси Карлсонни тўсатдан кўришса яхши бўлади.

— Балки биз билан бирга ўтирарсан? — деди ойиси.

Бироқ Миттивой ойисининг қўлидан тортди.

— Йўк, сизлар менинг хонамга боришларинг керак. У ерда бир нарсани кўрасизлар...

Миттивой ахири уларни кўндирди. Дадаси билан ойиси Миттивойга қўшилиб унинг хонасига кетишди. Миттивой хурсанд бўлиб хонасининг эшигини ланг очиб юборди — ниҳоят улар Карлсонни кўришади!

Бироқ эсанкираб қолган Миттивойнинг йиғлаб юборишига сал қолди. Хонасида ҳеч ким йўк эди. У бир гал бутун оиласини Карлсон билан таништираман деб олиб келганида ҳам хонасида ҳеч ким бўлмаганди.

— Хўш, биз бу ерда нимани кўришимиз керак? — деб сўради дадаси.

— Нима бўларди... ҳеч нимани...— деб ғўлдиради Миттивой.

Унинг бахтига телефон жиринглаб қолди. Дадаси телефонда гаплашгани кетди, ойиси духовкада ширин пирог борлигини эслаб қолди-ю, шоша-пиша ошхонага чиқиб кетди. Хуллас, бу гал Миттивой уларга тушунтириб ўтирмади.

Миттивой ёлғиз ўзи қолғач, дераза олдиға бориб ўтирди. Карлсондан жуда хафа бўлди, агар у учиб келгудай бўлса, кўнглидаги бор гапни тўкиб солишга аҳд қилди.

Бирок ҳеч ким учиб келмади. Бунинг ўрнига шкаф эшиги очилди-ю, Карлсоннинг маккорона башараси кўринди.

Миттивой хайрон бўлганидан қотиб қолди.

— Шкафимда нима қилаётувдинг? — деб сўради Миттивой хангу манг бўлиб.

— У ерда тухум очаётгандим десам ёлғон бўлади, бу гапга ишонмайсан. Ўз гуноҳларим ҳақида ўйладим десам ҳам ёлғон гапирган бўламан. Балки, токчада ётиб дам олдим десам тўғри бўлар? Ҳа, шу гап жуда тўғри,— деди Карлсон.

Миттивой Карлсондан хафа бўлганини шу заҳоти унутди. У Карлсоннинг топилганидан беҳад хурсанд эди.

— Бу ажойиб шкаф бекинмачоқ ўйнаш учун ясалган экан-да. Кел, ўйнаймиз. Мен ҳозир яна токчага ётаман, сен мени кидирасан,— деди Карлсон.

Карлсон Миттивойнинг жавобини кутмасданок, шкафга кириб беркиниб олди. Миттивой у шкафнинг юқори токчасига қандай тирмашиб чиқаётганини эшитиб турди.

— Мана энди кидир! — деб қичқирди Карлсон.

Миттивой шкафнинг эшигини очди-ю, дарров токчада ётган Карлсонни кўрди, албатта.

— Қўй-э, жуда бемазасан-да,— деб қичқирди Карлсон.— Нима, каравотнинг тагию ёзув столининг орқаси ёки бошқа жойларга қараб, мени бир оз кидирсанг бўлмасмиди? Рост, шунақа экансан, мен сен билан бошқа ўйнамайман. Жуда ярамас экансан-ку!

Шу пайт ташқаридан кўнғирок товуши эшитилиб, даҳлиздан ойисининг овози келди.

— Миттивой, Кристер билан Гунилла келишди.

Бу гапни эшитибок Карлсоннинг кайфи чоғ бўлди.

— Шошмай тур, ҳозир уларни қизиқ қиламиз! — деб шивирлади у Миттивойга.— Орқамдан шкафнинг эшигини қаттиқроқ ёпиб қўй...

Миттивой шкаф эшигини энди ёпиб бўлган эди, хонага Гунилла билан Кристер киришди. Улар ҳам Миттивойларнинг кўчасида туришар, у билан бир синфда ўқишарди. Миттивойга Гунилла жуда ёқарди, шунинг учун ҳам у Гунилла «жуда яхши киз-да» деб ойисига кўп мактарди. Миттивой Кристерни ҳам яхши кўрарди, пешонасини гурра қилганини аллақачон кечириб юборганди. Тўғри, улар Кристер билан тез-тез уришиб туришарди. Бирок ўша заҳотиёқ ярашиб олишарди. Ҳа, айтмоқчи, Миттивой ёлғиз Кристер билан эмас, кўча-сидаги ҳамма болалар билан уришарди. Бирок Гуниллани ҳеч қачон урмаган.

— Қизиқ, нечук Гуниллани шу вақтгача бирор марта ҳам урмадинг? — деб сўраб қолди ойиси бир куни.

— У шунақанги ажойиб қизки, ургани қўлинг бормаиди,— деди Миттивой.

Лекин, бари бир, Гунилла баъзида Миттивойни жуда хуноб қилиб юборарди. Кеча учови мактабдан қайтиб келишаётганда, Миттивой уларга Карлсон ҳақида гапириб берувди. Гунилла бўлмаган

гап деб, хахолаб кулиб юборса бўладими. Кристер ҳам Гунилла-нинг гапига кўшилди, шунинг учун Миттивой уни бир тушириб қолди. Кристер ҳам бўш келмай, унга тош отди.

Лекин hozир улар, гўё ҳеч гап бўлмагандай Миттивойникига меҳмон бўлиб келишди, Кристер бўлса ҳатто кучугини — Еффани ҳам олиб келди. Миттивой Еффани кўриб, шундай севиниб кетдики, ҳатто шкаф токчасида ётган Карлсон ҳам бутунлай эсидан чиқаёзди. «Дунёда итдан яхши нарса йўқ-да», — деб ўйлади Миттивой. Еффа дик-дик сакрар, ғиншир, Миттивой уни кучоқлаб эркалар, силарди. Кристер унинг ёнида туриб, Миттивойнинг Еффани силаб-эркалаганини хотиржам кузатарди. Ахир, у Еффа битта-яримта одамнинг ити эмас, ўзининг ити эканлигини яхши биларди-да. Шунинг учун ҳам у Миттивой кучуги билан бемалол, тўйгунча ўйнасин деб кўйиб кўйганди.

Миттивой Еффа билан ўйнаётганида Гунилла тўсатдан пичинг аралаш сўраб қолди:

— Томда яшовчи Карлсон оғайнинг кўринмайди, кани у? Уни сеникида кўраман деб ўйловдик.

Ушандан кейингина Миттивой Карлсоннинг шкаф токчасида ётганини эслади. Бирок у Карлсоннинг бу гал нима қилик кўрсатишини билмагани учун ҳам, бу ҳақда Кристер билан Гуниллага ҳеч нима демади.

— Мана, сен Гунилла томда яшовчи Карлсон ҳақидаги гапимни ўзи тўқияпти деб ўйлайсан-а. Кеча сен Карлсонни шунчаки бир хаёл дединг-а...

— Бўлмасам-чи, албатта хаёл-да, — деди Гунилла ва хахолаб кулиб юборди; юзида кулдиргичлар пайдо бўлди.

— Борди-ю, хаёл эмас, рост бўлса-чи? — деб сўради Миттивой айёрона.

— Ахир, у чиндан ҳам йўқ нарса-ку? — деб гапга аралашди Кристер.

— Ҳеч-да, — деб қичкириб юборди Миттивой.

Миттивой, бу жанжални мушт билан эмас, сўз билан ҳал қилишга уриниб кўрсаммикин ёки Кристерни бир урсаммикин деб ўйлашга улгурмаган ҳам эдики, бирдан шкаф ичидан каттик ва аниқ қий-кирик эшитилиб қолди:

— Ку-ку-ку!

— Бу нима? — деб сўради Гунилла ҳайрон бўлганидан олчадай кип-қизил оғизчасини катта очиб.

— Ку-ку-ку! — Яна шкаф ичидан чинакам хўроз қичкириғи эшитилди.

— Шкафингга хўроз қамаб кўйганмисан? — деб сўради Кристер ажабланиб.

Еффа ириллаб, шкаф томонга қараб кўйди.

Миттивой хахолаб кулиб юборди. У қотиб-қотиб кулганидан сира гапиролмасди.

— Ку-ку-ку! — учинчи марта эшитилди.

— Ҳозир шкафни очиб, нима борлигини кўраман, — деди Гунилла ва шкаф эшигини очди.

Кристер ҳам чопиб келиб шкаф ичига қаради. Аввалига улар

кийимдан бўлак ҳеч нарсани кўришмади, сезишмади, лекин бир оздан сўнг юқори токчадан кимнингдир қикирлаб кулгани эшитилди. Кристер билан Гунилла юқорига қарашиб, токчада ётган кичкина семиз одамни кўриб қолишди. У қўлини боши тагига қўйиб, ўнг оёғини осилтирганича узала тушиб ётарди. Унинг мовий, шўх кўзлари кулиб боқарди.

Кристер билан Гунилла бу одамчага қотиб индамай қараб туришарди. Фақат Еффагина ўқтин-ўқтин ириллаб кўярди.

Гунилла сал ўзига келгач, эшитилар-эшитилмас қилиб:

— Бу ким? — деб сўради.

— Шунчаки хаёл,— деди ғалати одамча, кейин оёғини кимирлата бошлади.— Кичкинтой хаёл дам олиб ётибди. Қисқаси, бу бир лоф!

— Бу... бу...— деб ғўлдиради Кристер дудукланиб.

— ...кичкинтой хаёл дам олиб ётиб, хўроз бўлиб кичқирыпти,— деди одамча.

— Томда яшовчи Карлсон — шу одам! — деб шивирлади Гунилла.

— Албатта-да, бошқа ким бўларди! Тўқсон икки яшар Густовсон кампир шкафга яширинча кириб, ётиб олди деб ўйлаганмидинг!

Миттивой бўлса ўзини тиёлмай қотиб-қотиб куларди. Чунки додираб қолган Кристер билан Гуниллаларнинг кўриниши кулгили эди.

— Улар соков бўлиб қолишди, шекилли,— деди аранг Миттивой.

Карлсон токчадан дик этиб сакраб тушди-да, Гунилланинг ёнига келиб, юзини чимдиб олди:

— Бу қанақа кичкина хаёл?

— Биз...— деб ғўлдиради Кристер.

— Сенинг исминг Август бўлса керак-а?— деб сўради Карлсон Кристердан.

— Нега Август бўларканман?— деди Кристер.

— Яхши. Яна гаплашамиз,— деди Карлсон.

— Уларнинг оти Гунилла ва Кристер,— деб тушунтирди Миттивой.

— Ҳа, баъзида одамларнинг сира иши юришмайди, омади келмайди, туриб-туриб ишонгинг келмайди. Бироқ энди бирор нарса қилишнинг иложи йўқ. Бундан ташқари, ҳаммани ҳам Карлсон деб аташлари мумкин эмас-ку.

Карлсон теварак-атрофга кўз югуртириб чикди-да, шоша-пиша кўшимча қилди:

— Энди бир эрмак топсак дегандим. Балки, стулларни деразадан кўчага отармиз? Ёки бирор бошқа ўйин ўйлаб топиш керак.

Миттивой бу ўйиннинг кизикарли бўлишига унчалик ишонмасди. Бунинг устига ойиси билан дадаси буни маъқулламаслигини Миттивой жуда аниқ биларди.

— Э, жуда кўрқок экансизлар-ку. Агар бунақа иккиланиб турадиган бўлсак, ҳеч иш чикмайди. Менинг таклифим сизларга ёкмади-ми, ўзларинг бирор нарса ўйлаб топинглар, бўлмаса сизлар билан юрмайман. Мен ўзимга бирор эрмак топишим керак,— деди Карлсон бир оз хафа бўлиб.



— Шошмай тур, биз ҳозир бирор ўйин ўйлаб топамиз!— деб шивирлади Миттивой илтижо билан.

Бирок Қарлсон чиндан ҳам хафа бўладиган кўринади.

— Ҳозир шартта учаман-кетаман...— деб тўнғиллади у.

Агар Қарлсон учиб кетса, ҳамма иш расво бўлишини учови ҳам яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам улар бараварига ялина бошлашди.

Қарлсон бир зум кош-қовоғини осилтириб, индамай ўтирди.

— Мен аниқ ишонтириб айтолмайману, бирок, агар у,— деди Қарлсон семиз бармоғи билан Гуниллани кўрсатиб,— бошимни силаб «Азизим Қарлсон» деса, балки яна қоларман.

Гунилла бажонидил унинг бошини силади-да, меҳрибонлик билан илтимос қилди:

— Азизим Қарлсон, қола қол! Биз албатта бирор ўйин ўйлаб топамиз.

— Ҳа, майли,— деди Қарлсон,— қолсам қола қолай.

Болалар энгил нафас олишди.

Миттивойнинг ойиси билан дадаси кечқурунлари одатда кўча айлангани чиқиб кетишарди. Шунинг учун ҳам ойиси ҳозир даҳлизда туриб тайнлади:

— Миттивой! Кристер билан Гунилла соат саккизгача бизни-кида қолишлари мумкин, кейин дарров ўрнингга ётгин. Биз қайтиб келганимиздан кейин ўзим олдингга кириб: «Яхши ётиб тур», дейман.

Болалар эшикнинг ёпилганини эшитишди.

— Нега ойинг менинг бу ерда қачонгача қолишим мумкинлигини айтмади?— деб сўради Қарлсон пастки лабини чўччайтириб.— Агар ҳаммаси мени камситадиган бўлса, сизлар билан ўйнамайман.

— Сен бу ерда истаганингча қолишинг мумкин,— деди Миттивой.

Қарлсон лабини баттар чўччайтириб олди.

— Нега энди мени ҳам бу ердан ҳамма қатори соат саккизда ҳайдаб чиқаришмайди?— деди Қарлсон ранжиган бўлиб.— Йўқ, мен бунақада ўйнамайман.

— Бўпти, ойимдан илтимос қиламан, сени ҳам уйингга соат саккизда жўнатсин!— деб ваъда берди Миттивой.— Сен ўйин ўйлаб топдингми?

Қарлсоннинг кўнгли дарров кўтарилди.

— Биз арвоҳ бўлиб, одамларни кўрқитамиз. Атиги битта кичкина чойшаб билан нималар қилишимни кўрсангиз эди. Агар мен роса кўрқитган одамларнинг ҳар бири беш эредан берганда борми, тоғ-тоғ шоколад сотиб олган бўлардим. Ахир, мен дунёдаги энг зўр арвоҳман-ку!— деди Қарлсон кўзларини жавдиратиб.

Миттивой, Кристер ва Гунилла арвоҳ-арвоҳ ўйнашга жон деб рози бўлишди. Бирок Миттивой:

— Одамларни қаттиқ кўрқитиш, уларни ўтақасини ёриш жудааям шарт эмас,— деб қолди.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик!— деб жавоб қилди Қарлсон.— Дунёдаги энг зўр арвоҳга ўзини қандай тутиши кераклигини ўргатмоқчи бўласанми? Мен ҳамма одамларнинг сал ўтақасини ёрман, ҳеч ким буни сезмай ҳам қолади.— У Миттивойнинг қаравоти-

дан чойшабини олди.— Шу чойшабдан арвоҳ учун тузуккина кийим килса бўлади.

Карлсон ёзув столининг тортмасидан рангли бўрларни олди-да, чойшабнинг бир четига бадбашара расм солди. Кейин кайчи олди-да, кўз учун иккита тешикча қилди, Миттивой уни тўхтатишга ҳам улгурмай қолди.

— Чойшаб арзимаган нарса, бу рўзғорда бўладиган гап-ку. Арвоҳ эса теварак-атрофда нималар бўлаётганини кўриши керак, бўлмаса, у адашиб-улоқиб, қаерларгадир тушиб қолиши мумкин.

Кейин Карлсон бошига чойшаб ёпиб олди, фақат кичкина семиз қўлчаларигина кўриниб турарди.

Болалар чойшабга бурканган Карлсоннинг ўзи эканлигини билишса ҳам кўрқиб кетишди: Еффа эса жонининг борича вовиллади. Карлсон моторини юргизиб, қандил атрофида гир айланиб уча бошлаганида чойшаб хилпираб яна ҳам даҳшатлироқ кўринди. Чиндан ҳам буни кўриб ҳар қандай одамнинг ўтакаси ёрилиши мумкин эди.

— Мен моторли кичкина арвоҳман!— деб кичқирди у.— Кўринишим совуғу, лекин ёқимтойман.

Болалар индамай, Карлсоннинг учишини кўрка-писа кузатишарди.

Еффа бўлса тинмай акилларди.

— Очиги,— деб сўзида давом этди Карлсон,— учаётганимда моторнинг гувиллашини яхши кўраман, бироқ ҳозир арвоҳ бўлганим учун моторнинг овозини пасайтириб қўйишим керак, шекилли. Мана бу бошқа гап!

Мотор овози ўчгач, у бир неча бор айланди, арвоҳга яна ҳам кўпроқ ўхшаб кетди.

Энди кўркитадиган одамни топиш қолганди, холос.

— Зинапоя майдончасига чиқамизми? Битта-яримта уйга кираётиб арвоҳни кўради-ю, эси чиқиб кетади.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди, бироқ Миттивой бориб трубкани олмади. Майли, жиринглайверсин!

Бу орада Карлсон қаттиқ уҳ тортиб, хўрсиниб, ҳар хил оҳангда инграй бошлади.

— Ҳар хил оҳангда инграёлмаган, оҳ-воҳ килолмаган арвоҳ арвоҳ бўладими, у бир тийинга ҳам қиммат,— деб тушунтирди Карлсон.— Арвоҳлар мактабида ёш арвоҳчаларни биринчи галда шунга ўргатишади.

Тайёргарлик ишларига анча вақт кетди. Улар эшик олдида ўткинчи одамларни кўркитиш учун зинапоя майдончасига энди чикмоқчи бўлиб, эшик олдида туришганда китирлаган товуш эшитилиб қолди. Миттивой ойим билан дадам уйга қайтиб келишяпти, деб ўйлаган ҳам эди, бирдан почта қутисининг тирқишига қимдир пўлат сим тикаётганини кўриб қолди. Миттивой уйларига ўғри тушаётганини даров фаҳмлади. У яқинда дадасининг ойсига газетадан бир мақолани ўқиб берганини эслади. Унда шаҳарда ўғрилар кўпайиб кетганлиги ҳақида гапирилганди. Улар аввал телефон қилишаркан. Уйда ҳеч ким йўқлигини билишгандан кейин, қулфни бузишиб, ҳамма қимматбаҳо нарсаларни олиб кетишаркан.

Миттивой нималар бўлиши мумкинлигини тушунгандан кейин,

жуда кўриб кетди. Кристер билан Гунилланинг ҳам эси чиқиб кетди. Кристер Еффа вовиллаб, ўйинимизни бузмасин деб уни Миттивойнинг хонасига камаб қўйганди. Мана энди қилган ишига афсусланиб ўтирибди. Биргина Қарлсон пинагини бузмасди.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик!— деб шивирлади у.— Бунака пайтда арвоҳ жуда иш беради. Юринглар, секин емакхонага кирамиз, даданг олтину дурларини ўша ерда сақласа керак.

Қарлсон, Миттивой, Гунилла ва Кристер оёқ учида секин юриб, емакхонага киришди. Эҳтиётлик билан ҳаммалари яшириниб олишди. Қарлсон чиройли, қадимий буфетнинг ичига кириб олди. У ерда ойисининг дастурхону сочиқлари турарди. Қарлсон буфет эшигини аранг ёпди. У қаттиқ ёпишга ҳам улгуролмай қолди, чунки худди шу пайт емакхонага ўғрилар писиб кириб келишди. Диван тагида ётган Миттивой секин бошини чиқариб қаради: хонанинг ўртасида икки бадбашара йигит турарди. Буни қаранг-а, булар Филле билан Рулле эди!

— Энди пуллари қаерда эканлигини билиш керак,— деди Филле шивирлаб.

— Мана шу ерда бўлади-да,— деди Рулле тортмалари кўп қадимги жавонни кўрсатиб.

Миттивой ўша тортмалардан бирида ойисининг рўзғорга олиб қўйган пуллари, бошқасида бувиси совға қилган қимматбаҳо узук ва тўғнағичлари, дадасининг мерганликдан олган олтин медаллари борлигини яхши биларди. «Ўғрилар ҳаммасини олиб кетиб қолишса-я»,— деб ўйлади Миттивой.

— Сен бу ерни қараб тур,— деди Филле,— мен ошхонани қарайман, кумуш қошиқ ва вилкалари йўқмикин.

Филле ғойиб бўлди, Рулле стол тортмаларини бирма-бир очиб қарай бошлади, кейин бирдан хурсанд бўлиб, хуштак чалиб юборди. «У пулни топди шекилли»,— деб ўйлади Миттивой.

Рулле столнинг бошқа тортмасини очди-да, яна хуштак чалиб юборди.

Бирок у бошқа хуштак чалмади, чунки худди шу пайт буфет эшиклари очилиб, даҳшатли инграб, ох-воҳлар билан арвоҳ учиб чиқди. Рулле ўгирилиб, арвоҳни кўрди-ю, кўркқанидан бақириб юборди, кўлидаги пул, узук, тўғнағич ва бошқа нарсалар полга сочилиб кетди. Арвоҳ унинг атрофида гир айланиб учар, ингар, ох-воҳ қиларди; кейин у бирдан ошхонага отилди. Орадан бир зум ўтмай, емакхонага Филле ўқдай учиб кирди. Унинг рангида қон қолмаганди.

— Аррулле, у ёқда воҳ!— деб бақириб юборди.

У аслида: «Рулле, у ёқда арвоҳ!» деб кичкирмокчи эди-ю, лекин кўркқанидан тили дудукланиб: «Аррулле, у ёқда воҳ!» деёлди, холос.

Ха, ҳар қандай одамнинг ҳам юраги чиқиб кетарди! Филленинг орқасидан кетма-кет арвоҳ учиб кирди-да, шунақаям даҳшатли инграб, ох-воҳ қилдики, эшитган одамнинг ўтақаси ёриларди.

Рулле билан Филле эшикка отилишди, арвоҳ бўлса уларнинг атрофида гир-гир айланарди. Улар кўркувдан дағ-дағ титрашиб, аввал даҳлизга, кейин зинапоя майдончасига ўқдай отилиб чиқишди. Арвоҳ

хам изма-из чиқиб, уларни пастгача кувиб тушаркан, ўқтин-ўқтин дахшатли овоз билан кичкирарди:

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! Ҳозир сизларга етиб олам, ана унда кунингизни кўрсатаман.

Бирок арвоҳ бир оздан кейин ҳориб-чарчаб емакхонага қайтиб келди. Миттивой полдан пул, узук ва тўғнағичларни териб олиб, стол тортмасига солиб қўйди. Гунилла билан Кристер Филле у ёқдан-бу ёққа чошиб юриб тушириб қолдирган вилка ва қошиқларни йиғиштириб олишди.

— Дунёдаги энг зўр арвоҳ — бу томда яшовчи Карлсондир,— деди Карлсон ва устидан чойшабни олиб ташлади.

Болалар кулишарди; улар бахтиёр эдилар.

Карлсон қўшимча қилди:

— Ўғриларни қўрқитишда арвоҳга ҳеч ким тенг келолмайди. Агар одамлар билишса эди, шаҳардаги ҳар бир кассанинг олдига биттадан арвоҳ қўйиб қўйишарди.

Миттивой фалокатнинг олдини олишганидан хурсанд бўлиб дикик сакрарди.

— Одамлар ҳам жуда аҳмоқ бўлишади, арвоҳга ишонишади-я. Куллинг келади!— деди у.— Дадам, ғайритабий нарсанинг умуман бўлиши мумкинмас дейдилар,— Миттивой буни тасдиқлагандай бошини силкиб қўйди.— Ўша ўғрилар ўлгудек аҳмоқ экан, буфетдан арвоҳ чиқди деб ўйлашди-я! Ахир, томда яшовчи Карлсон эди-ку. Ҳечам ғайритабий нарса эмас.

#### КАРЛСОН АЛЬБЕРГ ЛАКАБЛИ ЎҚИМИШЛИ КУЧУК БИЛАН ТОМОША КЎРСАТАДИ

Пахмоқ сочли бола эртаси азонлаб, уйқудан туриши билан оёқ яланг, йўл-йўл ҳаворанг пижамада ошхонага, ойисининг олдига чиқиб кетди. Дадаси ишга, Боссе билан Бетан мактабга кетишгунинча. Миттивойнинг дарси кеч бошланарди, бу унга жуда қўл келарди, чунки Миттивой ойиси билан эрталаблари бирпас бўлса ҳам бирга қолишни яхши кўрарди. Бунақа пайтларда маза килиб мириқиб гаплашининг, биргалашиб кўшиқ айтишининг, ёки бир-биринга эртаси айтиб беришининг мумкин бўлади. Гарчи Миттивой мактабга борадиган катта бола бўлса-да, ойисининг тиззасида жон деб ўтирарди, фақат буни битта-яримта кўрмаса бўлди.

Миттивой ошхонага кирганида, ойиси стол ёнида қаҳва ичиб, газета ўқиб ўтирарди. Миттивой индамай ойисининг тиззасига чиқиб олди. Ойиси ҳам уни меҳр билан кучоқлаб, бағрига босди. Миттивойнинг бутун уйқуси қочгунча шу алфозда узок ўтиришди.

Ойиси билан дадаси кеча сайлдан айтган вақтларидан кеч келишди. Миттивой ўз қаравотида ётиб аллақачон ухлаб қолганди. Уйқусида ҳам бетоқат бўлиб, ҳадеб тўлғанаверди. Ойиси унинг устини ёпаётиб чойшабдаги тешиқларни сезиб қолди. Чойшаб шундай кир эдики, қараб бўлмасди. Ойиси: «Миттивой шунинг учун ҳам барвақт ухлаб қолган экан-да» деб ўйлади ўзича. Миттивой ҳозир гўё ҳеч гап бўлмагандай ойисининг тиззасида бемалол ўтирарди. Ойиси бор гапни айтмагунча Миттивойни қўйиб юбормасликка аҳд қилди.

— Менга кара, Миттивой, чойшабингни ким тешди, шуни билмоқчи эдим. Фақат ҳамма гапни яна ўша томда яшовчи Карлсонга тўнкамай, тўғрисини айт.

Миттивой индамай, диккат билан ўйларди. Нима қилсам экан? Ахир, бу чиндан ҳам Карлсоннинг иши-ку. Ойиси бўлса унинг ҳақида эшитишни ҳам истамайди. Миттивой ўғрилар ҳақида ҳам оғиз очмасликка аҳд қилди. Чунки ойиси бари бир ишонмайди.

— Хўш, ким қилди?— деб сўради ойиси қатъий, Миттивой жавоб беравермагач.

— Шуни Гунилладан сўрасангиз бўлмайдимиз?— деди Миттивой муғамбирона ва ўзича: «Яхшиси ҳаммасини Гунилла гапириб бера қолсин. Ойим унга мендан кўра кўпроқ ишонади», деб ўйлади.

«Ҳа! Демак, чойшабни Гунилла қирқибди-да»,— деб ўйлади ойиси. Ойиси яна, Миттивой яхши бола, бировга тухмат қилишни истамайди, шунинг учун бор гапни Гунилланинг ўзи гапириб берсин, деяпти-да, деб ўйлади.

Ойиси Миттивойнинг елкасидан кучоқлади. У ҳозир ўғлидан бошқа ҳеч нимани сўрамасликка аҳд қилди, хонаси келса Гунилла билан бир гаплашиб кўярман, деб ўйлади.

— Сен Гуниллани жуда яхши кўрасанми?— деб сўради ойиси.

— Ҳа, жуда,— деб жавоб берди Миттивой.

Ойиси яна газета ўқишга тушди. Миттивой унинг тиззасида ўтириб, ўйга толди.

Ҳа, айтмоқчи, чиндан ҳам у кимни яхши кўради? Энг аввал ойисини... кейин дадасини ҳам... У яна Боссе билан Бетанни ҳам севади... Ҳа-да, у чиндан ҳам кўпроқ уларни яхши кўради, айниқса Боссени... Бирок баъзида улар Миттивойнинг шундай жаҳлини чиқаришадик, ҳатто бола бечоранинг севгисидан асар ҳам қолмайди. У томда яшовчи Карлсонни ҳам яхши кўради. Гуниллани ҳам севади. Ҳа, у катта бўлганида балким Гуниллага уйланар, чунки, бари бир хотин олиши керак. Тўғри, унга қолса ойисига жон деб уйланарди-ю, лекин бу мумкин эмас-да.

Бирдан Миттивой миясига келган бир фикрдан чўчиб кетди.

— Менга қаранг, ойи,— деди у.— Боссе катта бўлганида, бирдан ўлиб қолса, унинг хотинига уйланаманми?

Ойиси пиёлани олдига суриб, Миттивойга ҳайрон бўлиб тикилди.

— Нега бундай деб ўйлайсан?— сўради ойиси, қулгисини аранг босиб.

Миттивой бемаъни гап қилганини фаҳмлаб, индамай кўя қолди. Бирок ойиси яна суриштира кетди:

— Хўш, гапир, нега бу ҳақда ўйлаб қолдинг?

— Ахир, Боссе катта бўлганидан кейин унинг эски велосипеди билан чанғисини мен олдим... Конькиси ҳам менга тегди. Мендай вақтида ўша конькида ўзи учарди... Унинг эски пижамаси, ботинкаси ва бошқа кийимларини ҳам мен кийиб тўздиряпман...

— Боссенинг қари хотинини олмайсан, сени бундан халос қиламан, бу ёғига хотиржам бўл,— деди ойиси жиддий.

— Сизга уйлансам бўлмайдимиз?— деб сўради Миттивой.

— Йўқ, бунинг иложи бўлмаса керак,— деди ойиси.— Ахир мен даданга эрга текканман-ку.



Ҳа, чиндан ҳам шундай эди.

— Буни қаранг-а, келиб-келиб, мен ҳам, дадам ҳам сизни яхши кўрамиз-а!— деди Миттивой норози оҳангда.

Ойиси хахолаб кулиб юборди-да:

— Икковинг ҳам мени яхши кўрсаларинг, демак, мен яхши эканман-да,— деди.

— Бўпти, ундай бўлса Гуниллага уйланаман,— деди Миттивой хўрсиниб.— Ахир, кимгадир уйланишим керак-ку!

Миттивой яна ўйланиб қолди. Гунилла билан яхши яшолмасам керак, чунки у билан баъзида келишиш қийин бўлади, деб ўйлади. Умуман, унга қолса, аллақандай бир хотин билан турганидан кўра ойиси, дадаси, Бетан ва Боссе билан тургани минг марта яхши.

— Мен хотиндан ҳам кўра кучугим бўлишини истардим,— деди Миттивой.— Ойи, менга кучук совға қилолмайсизми?

Ойиси хўрсиниб қўйди. Ана холос, Миттивой яна ўзининг севикли кучуги ҳақида гап очди-я! Ойиси томда яшовчи Карлсон ҳақида гапни эшитгиси келмагандай, кучук ҳақида эшитишга ҳам сира тоқати йўқ эди.

— Менга кара, Миттивой,— деди ойиси,— кийинсанг бўларди, бўлмаса мактабга кеч қоласан.

— Ҳа, бўлди, тушунарли,— деб жавоб қилди Миттивой,— кучук ҳақида гапирдимми, бўлди, сиз дарров мактаб ҳақида гап очасиз!

...Уша куни Миттивой мактабга боришини ўйлаб, ўзича хурсанд бўлиб қўйди, чунки Кристер ва Гунилла билан кўп нарсани гаплашиб олиши керак эди.

Уйга улар ҳар галгидай бирга қайтишди. Бунга Миттивой жудаям хурсанд эди, чунки Кристер ҳам, Гунилла ҳам энди Карлсон билан топишиб олишган эди.

— У жудаям хушчакчак, қувнок-а, тўғрими? Сенингча қалай, у бугун ҳам келади-ми?— деб сўради Гунилла.

— Билмадим,— деди Миттивой.— У, «тахминан» учиб келаман, деди. Демак, у хоҳлаган вақтида келиши мумкин.

— У «тахминан» бугун учиб келади деб умид қиламиз-да,— деди Кристер.— Гунилла икковимиз сеникига борсак майлими?

— Бўлмасам-чи, албатта мумкин,— деди Миттивой.

Шу пайт яна бир жонивор пайдо бўлиб уларга эргашди: болалар энди кўчани кесиб ўтмоқчи бўлиб туришганда, Миттивойнинг ёнига кичкина бароқ кучук келиб олди. У Миттивойнинг тиззаларини ҳидлаб-ҳидлаб вовиллаб қўйди.

— Қаранглар, жуда чиройли кучук экан-а!— деди Миттивой хурсанд бўлиб.— У, машиналардан кўриқиб кетган бўлса керак, кўчанинг нариги бетига олиб ўтишимни сўраяпти.

Миттивой кучукни шаҳарнинг ҳамма кўчаларидан ҳам жон деб ўтказиб қўйишга тайёр эди. Кучук буни сезди шекилли, дик-дик сакраб бораркан, Миттивойнинг оёғига суйкалгиси келди.

— Жуда ёқимтой-а,— деди Гунилла.— Бу ёққа келгин, кучукча!

— Йўқ, у менинг ёнимда бормоқчи,— деди Миттивой ва кучукчанинг бўйинбоғидан ушлаб олди.— У мени яхши кўриб қолди.

— Мени ҳам яхши кўриб қолди,— деди Гунилла.

Кучукчанинг кўринишидан, у дунёдаги ҳамма одамларни ҳам

яхши кўришга тайёр эди, фақат уни яхши кўришса бўлгани. Миттивой уни ёктириб қолди. У, чиндан ҳам кучукчани шундай яхши кўриб қолдики, асти қўяверасиз! У энгашиб кучукчани силаб-сийпай бошлади, лабларини чўпиллатиб, секин хуштак чалиб қўйди. Бу эрка-лашлар, қора кучукча дунёдаги энг ёқимли, энг чиройли жонивор деган маънони англатарди. Кучукча думини ликиллатиб, мен ҳам шу фикрдаман демокчидай бўларди. У хурсанд бўлиб дик-дик сакрар, акилларди. Болалар ўз кўчаларига бурилишгач, кучук ҳам улар орқасидан чошиб кетди.

— Балки унинг уйи йўқдир? — деди Миттивой сўнгги умидим ҳам пучга чиқмасайди деб кўрка-писа гапираркан: унинг кучукдан ҳеч ажралгиси йўқ эди.— Эҳтимол, хўжайини йўқдир.

— Тўғри, балки йўқдир.— деди Кристер Миттивойнинг гапини маъқуллаб.

— Э, жим тур!— деб унинг гапини бўлди Миттивой жаҳли чиқиб.— Сен қаёқдан била қолдинг?

Кристернинг Еффа деган кучуги бор. Шунинг учун ҳам кучуги йўқлар қанчалик бахтсиз эканлигини у билмайди-да.

— Бу ёққа кел, жажжи, оппок кучукча,— деб чакирди Миттивой, кучукнинг уйи йўқлигига ўзини борган сари ишонтириб.

— Э, эҳтиёт бўл, тагин сенга ёпишиб олмасин,— деб огоҳлантирди Кристер.

— Майли, эргашса эргашар. Менга эргашсин деяпман-да,— деб жавоб қилди Миттивой.

Кучук чиндан ҳам унга эргашди. Шундай қилиб, у Миттивойлар турадиган уйнинг эшигига келиб қолди. Миттивой уни шартта қўлига олди-да, зинапоядан қўтариб чиқиб кетди.

«Ҳозир оймдан, уни уйимизда олиб қолсам майлими, деб сўрайман».

Бирок ойниси уйда эмасди. Миттивой ошхонадаги стол устида ётган хатни ўқиди: ойниси, кир ювадиган хонага кетдим, агар бирор нарса керак бўлса, олдимга келарсан, деб ёзганди.

Бу орада кучукча Миттивойнинг хонасига лип этиб кириб олди. Болалар унинг орқасидан чошиб келишди.

— Ана, кўрдингларми, у менинг хонамда турмоқчи!— деб қичкириб юборди Миттивой севинчи ичига сиғмай.

Худди шу пайт томда яшовчи Карлсон деразадан ғиз этиб учиб кирди.

— Салом!— деб қичкирди у.— Нима, кучукни ювадингларми? Унинг жуни танасига ёпишиб қолибди-ку!

— Ахир, бу Еффа эмас, нахотки кўрмаётган бўлсанг?— деди Миттивой.— Бу менинг итим!

— Йўқ, сеники эмас,— деб эътироз билдирди Кристер.

— Сенинг итинг йўқ,— деб унга қўшилди Гунилла.

— У ёқда, тепада менинг мингта итим бор,— деди Карлсон.— Дунёда энг зўр сакбон, мана...

— Сеникида ҳеч канака ит кўрганим йўқ-ку,— деб унинг гапини бўлди Миттивой.

— Улар уйда эмасди-да, ҳаммаси учиб кетувди. Ахир, менинг итларим учадиган итлар-да.

Миттивой Карлсоннинг гапларига парво ҳам қилмади. Бу жажжи ёкимтой кучукча олдида мингта учадиган ит бир пул эди.

— Йўк, менимча унинг эгаси йўк,— деди яна Миттивой.

Гунилла итга энгашди.

— Хар холда, бўйинбоғига «Альберг» деб ёзиб қўйишибди,— деди у.

— Аник, бу эгасининг фамилияси,— деди дарров Кристер.

— Балки, ўша Альберг аллақачон ўлгандир!— деди Миттивой ва ўзича ўйлади: Альберг тирик бўлган тақдирда ҳам, у кучукни яхши кўрмаса керак. Бирдан Миттивойнинг мясига ажойиб бир фикр келди.— Балки, кучукнинг оти Альбергдир?— деб сўради у Кристер билан Гуниллага илтижо билан қараркан.

Бирок улар мийиғида кулиб қўя қолишди.

— Менинг Альберг лакабли бир неча итим бор,— деди Карлсон.— Салом, Альберг!

Кучукча Карлсоннинг олдига чолиб келди-да, хурсанд бўлиб акиллади.

— Ана, кўрдингларми,— деб қичқирди Миттивой,— у ўз отини билади!.. Альберг, Альберг, бу ёкка кел!

Гунилла кучукчани ушлаб олди.

— Бўйинбоғида телефон номери ёзилган,— деди у бағритошлик билан.

— Тўғри, итнинг шахсий телефони бор,— деб тушунтирди Карлсон.— Унга айт, эгасига телефон қилиб, уйга кечроқ бораман деб огоҳлантириб қўйсин. Менинг итларим бирор жойда ушланиб қолишса, доим телефон қилиб, айтиб қўйишади.— Карлсон семиз қўлчаси билан кучукчани силаб қўйди.— Итларимдан биттаси яқинда нима ҳам бўлиб ушланиб қолди. Ҳа, айтмоқчи унинг оти ҳам Альберг,— деб сўзида давом этди Карлсон.— У мени огоҳлантириш ниятида уйга телефон қилмоқчи бўлибди, бироқ телефон номерини адаштириб, Кунгесхольмда яшовчи истеъфодаги бир кекса майорнинг уйига тушиб қолибди. «Карлсон итларидан битта-яримтаси эмасмисиз?»— деб сўрабди Альберг. Майорнинг жаҳли чиқиб, уришиб берибди: «Эшак! Мен майорман, ит эмасман!» «Нега бўлмаса акиллайсиз?»— деб мулойимлик билан сўрабди Альберг. У мана шунака аклли ит!

Миттивой Карлсоннинг гапига кулоқ солмади ҳам. Хозир уни кичкина кучукчадан бўлак ҳеч нима қизиктирмасди. Ҳатто у Карлсоннинг, келинлар, жиндак кўнгилхушлик қилайлик деганига ҳам парво қилмади. Буни сезган Карлсон лабини чўччайтириб, хафа бўлиб деди:

— Йўк, бундай қилсанг, мен ўйнамайман! Сен доим шу кучук билан овора бўляпсан, мен ҳам бирор нарсани эрмак қилишни истайман.

Гунилла билан Кристер ҳам Карлсоннинг гапини маъқуллашди.

— Келинлар, «Ажойиботлар кечаси» ташкил этамиз,— деди Карлсон чехраси очилиб.— Қани, топинглар-чи, дунёда энг зўр кўз боғловчи ким?

— Албатта Карлсон-да!— деб бақирди Миттивой, Кристер ва Гунилла бараварига.

— Демак, «Ажойиботлар кечаси» деган томоша кўрсатамиз-а?  
— Ҳа,— дейишди болалар.  
— Бу томошага битта конфет бериб кирилади, келишдикми?  
— Бўпти,— дейишди болалар.  
— Тўпланган конфетни хайрли ишларга сарф қиламиз, шунга келишдик-а?

— Қанақасига?— сўрашди болалар хайрон бўлишиб.  
— Биттагина чинакам хайрли иш бор — у ҳам бўлса Карлсоннинг ғамини ейиш.

Болалар бир-бирларига хайрон бўлиб қараб қўйишди.

— Балки...— деб Кристер гап бошлаганди.

— Йўқ, биз шунга келишдик! — деб унинг сўзини бўлди Карлсон.— Бўлмаса мен ўйнамайман.

Шундай қилиб, йиғилган ҳамма конфетлар томда яшовчи Карлсонники бўлади, деб келишиб олишди.

Кристер билан Гунилла кўчага чопиб чиқишиб, Миттивойнинг хонасида «Ажойиботлар кечаси» деган катта томоша бошланади, деб ҳамма болаларга айтишди. Енида атиги беш эре пули бўлган болаларнинг ҳаммаси дўконга чопиб боришиб, томошага кириш учун конфет сотиб олишди.

Миттивойнинг хонаси эшиги олдида Гунилла турарди; у ҳамма томошабинлардан олган конфетларини «Хайрли мақсад учун» деб ёзиб қўйилган қутичага соларди.

Кристер хонанинг ўртасига томошабинлар учун стуллар қўйди. Хонанинг бир бурчагига адёл тўсиб қўйилганди, орқасидан шивир-шивир товуш ва итнинг акилагани эшитиларди.

— Бизга нима кўрсатишади?— деб сўради Кирре исмли бола.— Агар бирор бемаза нарса кўрсатишса, конфетимни қайтиб оламан.

Миттивой, Гунилла ва Кристер Киррени ёқтиришмасди, чунки у доим нимадандир норози бўлгани-бўлган.

Мана, ниҳоят адёл орқасидан Миттивой чикди. У кичкина кучукчани кўтариб олганди.

— Ҳозир сиз дунёдаги энг зўр кўз боғловчи билан ўқимишли кучук — Альбергни кўрасиз,— деди Миттивой тантанавор оҳангда.

— Ҳозиргина эълон қилингандай, сизларга ҳозир дунёдаги энг зўр фокусчи томоша кўрсатади,— деган овоз эшитилди адёл орқасидан, бир зум ўтмай томошабинлар олдида Карлсон пайдо бўлди.

У бошига Миттивойнинг дадасининг шляпасини кийиб олганди, елкасига ойисининг катак-катак фартугини ташлаб, бўйнига бант қилиб боғлаб олганди. Бу фартук Карлсон учун фокусчилар киядиган қора плашч вазифасини ўтаганди.

Ҳамма бараварига чапак чалиб юборди. Биргина Кирре чапак чалмади.

Карлсон таъзим қилди. У кўринишдан жуда мамнун эди. У бошидан шляпасини олиб, худди фокусчилардай ҳаммага кўрсатди, унинг ичи бўш эди.

— Мухтарам жаноблар, шляпанинг ичида ҳеч нима йўқлигини ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Ҳеч нарса йўқ,— деди у.

«Ҳозир у шляпанинг ичидан тирик қуён олади,— деб ўйлади Миттивой. У бир марта циркда фокусчининг томошасини кўрган-

ди.— Агар Карлсон шляпанинг ичидан чиндан ҳам тирик куён олса борми, жуда қизиқ бўларди-да!»

— Хали айтганимдай, ичида ҳеч нима йўқ,— деб гапида давом этди Карлсон бир оз хомуш тортиб.— Агар сиз бунинг ичига бирор нима солмасангиз, ҳеч қачон ҳеч нима бўлмайди. Кўриб турибман, рўпарамда кичкина мечкайлар ўтириб олишиб, конфет ейишяпти. Ҳозир шляпани бундай бир айлантириб чиқамиз, ҳар бирингиз биттадан конфет ташлайсиз. Буни хайрли иш учун қиласиз.

Миттивой шляпани олиб, ҳамма болаларни айланиб чикди. Конфет шляпанинг ичига дув-дув тўкилаверди. Кейин Миттивой шляпани Карлсонга узатди.

— Негадир у шубҳали гулдираяпти!— деди Карлсон ва шляпани силкитди.— Агар у тўла бўлганда бунақа гулдирамас эди.

Карлсон битта конфетни оғзига солди-да, чайнай бошлади.

— Мана буни хайрли иш деса бўлади!— деди у тез-тез кавшаниб.

Шляпага фақат Киррегина конфет солмади, холбуки унинг қўлида бир қоғоз халта тўла конфет бор эди.

— Азиз дўстларим, сен ҳам Кирре,— деди Карлсон.— Рўпарангизда ўқимишли ит Альберг турибди. Унинг қўлидан ҳамма нарса келади: телефон қила олади, уча олади, нон ёпа олади, гаплаша олади, оёғини кўтара олади. Хуллас, ҳамма нарсани қила олади.

Шу пайт кучук чиндан ҳам оёғини кўтарди ва Кирре ўтирган стулнинг ёнгинасида кичкина қўлмак ҳосил бўлди.

— Мана энди ўзингиз ҳам кўриб турибсиз, мен ҳечам муболага қилаётганим йўқ: бу чиндан ҳам ўқимишли кучук.

— Бўлмаган гап!— деди Кирре ва стулини қўлмакдан сал нарига суриб қўйди.— Бундай фокусни ҳар қандай кучук ҳам қила олади. Қани, бу Альбергинг жиндек гапириб кўрсин-чи. Ха, бу осонмас, ха-ха!

Карлсон кучукчага мурожаат қилиб:

— Нима, сен учун гаплашиш кийинми, Альберг?— деди.

— Йўқ,— деди кучук.— Фақат сизга чекаётганимда гаплашишга кийналаман.

Болалар хайрон бўлишганидан ўринларидан сапчиб туриб кетишди. Бироқ Миттивой кучук ўрнига хойнаҳой Карлсоннинг ўзи гапиряпти деб ўйлади. Хатто у бунга хурсанд бўлди, чунки Миттивой аллақандай гапирадиган ити эмас, одатдаги хонаки ити бўлишини истарди.

— Азизим Альберг, дўстларимиз билан Киррега итлик ҳаётингдан бирор воқеани гапириб беролмайсанми?— деб сўради Карлсон.

— Жоним билан,— деб жавоб берди Альберг ва ўз хикоясини бошлади,— ўтган кун кинога борувдим,— деди у ва Карлсоннинг атрофида дик-дик сакрай бошлади.

— Тўғри,— деб маъқуллади Карлсон.

— Ҳа-да, бўлмасам-чи! Шундай ёнгинамда стулда икки бурга ўтиришса бўладими,— деб гапида давом этди Альберг.

— Нималар деяпсан!— деди Карлсон ажабланиб.

— Ҳа-да!— деди Альберг.— Кейин кўчага чиққанимизда битта бурганинг иккинчисига шундай деганини эшитиб қолдим: «Хўш, уйга пиёда кетамизми ёки итга миниб оламизми?»



Гарчи «Ажойботлар кечаси» бўлмаса-да, лекин томоша ҳамма болаларга ёкди. Биргина Қирре норози эди, нохуш ўтирарди.

— Ахир, у ит нон ёпа олади деб ҳаммани ишонтирди-ку,— деди Қирре масхараомуз.

— Альберг, нон ёпиб берасанми?— деб сўради Карлсон.

Альберг бир эснади-да, полга узала тушиб ётиб олди.

— Йўқ, ёполмайман,— деди у.

— Ҳа, ҳа! Ўзим ҳам билувдим-а!— деб кичкириб юборди Қирре.

— Чунки ёнимда хамиртурушим йўқ,— деб тушунтирди Альберг.

Альберг ҳамма болаларга жуда ёкиб колди, бироқ Қирре ҳамон ўжарлиқ қилиб, ўзиникини маъкулларди.

— Бўлмаса учсин, бунинг учун хамиртуруш керакмас.

— Учасанми, Альберг?— деб сўради Карлсон итдан.

Кучук ухлаб ётгандек эди, лекин у бари бир Карлсоннинг саволига жавоб берди:

— Ҳа, майли, факат сен ҳам мен билан бирга учсанг. Чунки катталарсиз ўзим ёлғиз учмайман деб ойимга ваъда бергандим.

— Ундай бўлса, бу ёққа кел, Альберг,— деди Карлсон ва кучукни полдан кўтариб олди.

Орадан бир зум ўтмай Карлсон билан Альберг уча бошлашди. Улар аввалига шифтга кўтарилиб, кандил устида бир неча марта айланишди, кейин деразадан учиб чиқиб кетишди. Қирре ҳангу манг бўлиб колди.

Болалар ойнага ёпирилишиб, Карлсон билан Альбергнинг том устида учиб юришини томоша қилишди.

Миттивой кўрқанидан кичкириб юборди:

— Карлсон, Карлсон, орқанга қайт, кучукчамни олиб туш.

Карлсон Миттивойнинг гапига кўнди. У шу заҳоти қайтиб тушиб, Альбергни полга қўйди. Унинг кўриниши гўё умрида биринчи бор учгандай ғалати эди.

— Ҳа, бугунча шу етар. Бошка кўрсатадиган нарсамиз колмади. Бу эса сенга, ма, ол!— деб Карлсон Қиррени туртиб юборди.

Қирре Карлсоннинг ниятини дарров тушунмади.

— Қани, конфетдан чўз!— деди Карлсон жаҳли чиқиб.

Қирре конфет солинган қоғоз халтасини олди-да, Карлсонга узатди, лекин шу орада яна битта конфетни оғзига солишга улгурди.

— Хасис болага уят-э!..— деди Карлсон ва кўзлари билан ниманидир шоша-пиша қидира бошлади.— Хайрли иш учун қилинган кутича қани?— деб сўради у ташвиш билан.

Гунилла томошага келган болалар конфет солган қутичани Карлсонга узатди. У энди Карлсоннинг конфети кўп, болаларни ҳам мехмон қилса керак, деб ўйлади. Бироқ бу Карлсоннинг хаёлига ҳам келмади. У қутичани олди-да, конфетларни хасислик билан санай бошлади.

— Ун беш дона,— деди у.— Кечки овқатга етади... Хўп, хайр! Уйга бориб овқатланаман.

У шундай деди-ю, деразадан учиб чиқиб кетди.

Болалар аста-секин таркала бошлашди. Гунилла билан Кристер ҳам кетишди. Миттивой билан Альберг икковигина қолишди, бундан Миттивой ўзида йўқ хурсанд эди. У кучукни тиззасига олди-да,

унга алланималар деб шивирлади. Кучукча Миттивойнинг юзини ялаб, ширин уйкуга кетди.

Кейин кир ювадиган хонадан ойиси келди, келди-ю, ҳамма нарса ўзгарди-қолди. Миттивойнинг жуда таъби хира бўлди. Альбергнинг яшашга бошпанаси йўқлиги ойисининг хаёлига ҳам келмади, у бу ҳақда ўйлагани ҳам йўқ, у Альбергнинг бўйинбоғидаги телефон номерига қўнғирок қилиб, ўғли кичкина барок кучук топиб олганини айтди.

Миттивой Альбергни бағрига босганича, телефон ёнида турар ва ўзича шивирларди:

— Ишқилиб бу кучук уларники бўлмасин-да...

Лекин афсуски бу кучук ўшаларники эди!

— Биласанми, ўғлим, Боббининг эгаси ким экан?— деди ойиси телефон трубкасини қўйиб.— Стефан Альберг исмли бола экан.

— Бобби?— қайтадан сўради Миттивой.

— Ҳа, кучукнинг оти шундай экан. Стефан роса йиғлаётганмиш. У соат еттида келиб, Боббини олиб кетади.

Миттивой ҳеч нима демади-ю, бироқ кўзлари жавдираб, ранги оқариб кетди. У кучукни бағрига яна ҳам каттиқроқ босиб, ойиси эшитмайдиган қилиб секин шивирлади.

— Жажжи Альберг, менинг кучугим бўлишингни шундай истардимки!

Соат еттида Стефан Альберг келиб, кучукни олиб кетди.

Миттивой каравотда ётиб, ўқсиб-ўқсиб йиғлади, кўриб одамнинг юраги эзилиб кетарди.

### КАРЛСОН МИТТИВОЙНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИГА КЕЛАДИ

Ез ҳам келди. Мактабда дарслар тугади, Миттивойни кишлокка — бувисининг олдига жўнатишга ҳозирлик кўра бошлашди. Бироқ унгача муҳим бир воқеа содир бўлиши керак эди — Миттивой саккиз ёшга тўлаётганди. Миттивой туғилган кунини жуда узоқ, орзиқиб кутди! Етти ёшга тўлган кунидан бошлаб кутади-я!

Қизик, туғилган кунлар оралиғи рождество байрамларига ўхшаб жуда узоқ бўлади-я.

Миттивойнинг туғилган кунини нишонлашдан бир кун бурун Карлсон иккови гаплашиб қолишди.

— Эртага менинг туғилган куним,— деди Миттивой.— Бизникига Гунилла билан Кристер келади, хонамда дастурхон ясатиб беришадди...— Миттивой индамай қолди; у жуда ғамгин кўринарди.— Сени ҳам жон деб таклиф қилардим,— сўзида давом этди у,— лекин...

Ойиси Карлсондан шундай хафа эдики, уни таклиф этишга рухсат сўрашнинг фойдаси йўқ эди.

Карлсоннинг кош-қовоғи осилиб кетди, у тумшайиб олди.

— Агар мени чакирмасанг, сен билан бошқа ўйнамайман! Менинг ҳам ўйнаб-кулгим келади.

— Ҳа, бўпти, келавер,— деди Миттивой шоша-пиша.

У ойиси билан гаплашиб кўрмоқчи бўлди. Ҳа, майли, нима бўлса бўлар, лекин туғилган кунини Карлсонсиз нишонлай олмайди.

— Бизни нима билан меҳмон қилишади?— деб сўради Карлсон сал чеҳраси ёришиб.

— Ширин пирог билан-да, албатта. Туғилган кунимга атаб, саккизта шам билан безалган пирог пиширишади.

— Жуда соз,— деди Карлсон.— Биласанми, менда бир таклиф бор.

— Қандай таклиф?— деб сўради Миттивой.

— Ойингдан саккизта шамли битта пирог ўрнига, битта шамли саккизта пирог пишириб беринг, деб илтимос қилсанг қалай бўларкин!

Бироқ ойиснинг бунга рози бўлишига Миттивойнинг кўзи етмасди.

— Сенга ажойиб, чиройли совғалар олиб келишса керак, а?— деб сўради Карлсон.

— Билмадим,— деди Миттивой ва хўрсиниб қўйди.

У ўзи истаган, жонидан ҳам ортик кўрадиган нарсани совға қилмасликларини жуда яхши биларди...

— Менга ҳеч қачон ит совға қилишмаса керак,— деди Миттивой.— Тўғри, жуда кўл совға оламан. Шунинг учун ҳам куни билан хурсандчилик қилишга, ит ҳақида сира ўйламасликка аҳд қилдим.

— Бундан ташқари, мана мен борман. Ахир мен итдан ортик эмасманми?— деди Карлсон ва Миттивойга қараб қўйди.— Қандай совғалар олишингни билсам яхши бўларди-да. Агар сенга конфет совға қилишса, сен уларни дарҳол хайрли ишга сарфлашинг керак.

— Бўпти, агар бир кути конфет олсам, уни сенга бераман.

Миттивой Карлсондан ҳеч нимани аямасди, айниқса қишлоққа кетиш олдидан ҳамма нарсага тайёр эди.

— Биласанми, Карлсон,— деди Миттивой,— индинга қишлоққа, бувимниқига кетяпман, бутун ёз ўша ерда бўламан.

Карлсон аввалига маънос тортди, кейин керилиб виқор билан деди:

— Мен ҳам бувимниқига кетаман, менинг бувим сенинг бувингга караганда бувинга кўпроқ ўхшайди.

— Бувинг қаерда туради?— деб сўради Миттивой.

— Қаерда бўларди, уйда-да! Сен, хойнахой, у кўчада яшайди, кечаси билан изғиб чиқади, деб ўйлаётган бўлсанг керак.

Улар на Карлсоннинг бувиси, на Миттивойнинг туғилган куни ҳақида бошқа гаплашиша олмади, чунки қош қорайиб қолганди, Миттивой эртага ухлаб қолмаслик учун бугун барвактроқ ётиши керак эди.

Миттивой эртасига уйғониб, каравотида кутиб ётди: ҳозир эшик очилиб, ҳаммалари унинг хонасига кириб келишларини, туғилган кунига атаб пиширилган пирог ва бошқа совға-саломларни топширишларини у жуда яхши биларди. Вақт ҳаддан ташқари секин ўтарди. Миттивойнинг кутаверганидан юраги сиқилиб кетди, у совғаларни тезроқ кўргиси келарди.

Мана, ниҳоят, йўлакда оёқ товушлари ва гала-говур эшитилди: «Ҳа, уйғонган бўлса керак»,— деган сўзлар қулоғига чалинди. Эшик ланг очилиб, ҳаммалари: ойиси, дадаси, Боссе ва Бетан кириб келишди. Миттивой каравотига ўтириб олди, унинг кўзлари ёнарди.

— Табриклаймиз сени, шириним, жонгинам Миттивой!— деди ойиси.

Дадаси ҳам, Боссе билан Бетан ҳам «Табриклаймиз» дейишди. Миттивойнинг олдига патнис қўйишди. Унда саккизта шам қадалган пирог ва бошқа совғалар бор эди.

Совға-салом кўп эди, лекин илгариги туғилган кунларида бугунгидан кўп бўларди: бугун патнисда атиги тўртта тугун ётарди; Миттивой бирпасда санаб чикди.

Бирок дадаси шундай деди:

— Ҳамма совғаларни эрталаб олишинг шарт эмас, балки кундузи яна бирор нарса оларсан...

Миттивой тўртта тугунни олиб жуда хурсанд бўлди. Уларни очиб қаради, тугунчаларда: бўёқлар солинган қутича, ўйинчоқ тўппонча, китоб, янги кўк иштончалар бор эди. Бу совғаларнинг ҳаммаси унга жуда ёқди. «Ойим ҳам, дадам ҳам, Боссе ҳам, Бетан ҳам жуда меҳрибон-да!— деб ўйлади Миттивой.— Дунёда ҳеч кимнинг бундай меҳрибон ойиси, дадаси, акасию опаси бўлмаса керак».

Миттивой тўппончани олиб, бир неча марта отди. Тўппонча пакиллаб отиларди. Ҳаммалари Миттивойнинг қаравоти ёнига ўтириб олишиб, унинг тўппонча отишини эшитишарди. Улар бир-бирларини жуда яхши кўришарди-да!

— Буни қара, дунёга келганингга ҳам саккиз йил бўлибди-я, ўшанда бир парча гўшт эдинг-а...— деди дадаси.

— Ҳа,— деди ойиси,— вақт жуда тез ўтяпти-да! Эсингиздами, ўша куни Стокгольмда роса жала қуювди.

— Ойи, мен шу ерда, Стокгольмда туғилганманми?— деб сўради Миттивой.

— Ҳа, албатта,— деди ойиси.

— Лекин Боссе билан Бетан Мальмада туғилишган-ку?

— Ҳа, Мальмада.

— Дада, сиз ахир Гётеборгда туғилгансиз-ку? Ўзингиз менга айтувдингиз...

— Ҳа, мен гётеборглик бўламан,— деди дадаси.

— Сиз-чи, ойи, сиз қаерда туғилгансиз?

— Эскильстунда,— деди ойиси.

Миттивой ойисини маҳкам кучоқлаб олди.

— Ҳаммамизнинг учрашганимиз қандай яхши бўлди-я!— деди у. Ҳаммалари Миттивойнинг гапига қўшилишди.

Кейин ҳаммалари Миттивойга «Кўп йиллар яша» қўшиғини айтиб беришди, Миттивой тўппончасини отди, унинг овози гумбуллаб эшитилди.

Миттивой тўппончасини устма-уст отарди, меҳмонларнинг келишини кутарди, дадасининг: «Кундузи ҳам совға-салом олишинг мумкин», деган сўзлари сира унинг хаёлидан кетмасди. У бир зум ўзини бахтиёр ҳис этди, бахтимга битта-яримтаси ит совға қилиб қолса-я, деб ўйлади. Бирок бу орзусининг ҳечам ушалмаслигини у жуда яхши биларди, бунчалик хаёлга берилгани учун ўзидан-ўзи жаҳли чикди. Ахир у бугун ит ҳақида сира ўйламасликка, ҳамма нарсага хурсанд бўлишга аҳд қилган.

Миттивой чиндан ҳам ҳар бир нарсага хурсанд бўларди. Ойиси

тушликдан кейин унинг хонасидаги столга дастурхон тузай бошлади. Ойиси каттакон гулдастани гулдонга солиб, чиройли, гулдор пиёларлардан олиб келди. Учта чашка.

— Ойи,— деди Миттивой,— тўртта чашка керак.

— Нега энди?— хайрон бўлиб сўради ойиси.

Миттивой нима дейишини билмай довдираб қолди. Энди у тугилган кунига Карлсонни ҳам таклиф қилганини ойисига гапириб бериши керак эди, ойисининг норози бўлишини жуда яхши биларди.

— Томда яшовчи Карлсон ҳам келади,— деди Миттивой ойисининг кўзига дадил бокиб.

— Ох!— хўрсинди ойиси. — Ох! Нима ҳам дердим, майли, келсин. Ахир, бугун сенинг тугилган кунинг.

Ойиси кафти билан Миттивойнинг сочини силаб кўйди.

— Хаёлпарастлигинг сира қолмади-қолмади-да. Саккизга чикканиннга одамнинг ишонгиси келмайди. Нечага чикдинг, Миттивой?

— Айни қирчиллама пайтим,— деди Миттивой викор билан.— Карлсон билан ёшимиз теппа-тенг.

Вакт ниҳоятда секин ўтарди. Дадаси гапиргани ўша «кундуз» ҳам аллақачон ўтиб кетди-ю, лекин ҳеч ким янги совға олиб келмади.

Мана, ниҳоят Миттивой яна бир совға олди.

Ҳали каникулга чикмаган Боссе билан Бетан мактабдан қайтиб келишди-да, шу заҳоти Боссенинг хонасига киришди-ю, эшикни ичидан беркитиб олишди.

Миттивойни у ёққа кўйишмади. У йўлакда туриб, опасининг қикрлаб кулганини, коғознинг шитирлаганини эшитди. Миттивой нима гаплигини билишга жуда қизикарди.

Бир оздан кейин улар чиқишди. Бетан кулимсираб Миттивойга тугун узатди. Миттивой жуда севиниб, тугун ўралган коғозни энди йиртмоқчи бўлудди, Боссе унинг қўлини тутиб деди:

— Шошма, аввал устига ёпиштирилган шеърни ўқигин.

Миттивой, ўзи ўқий олсин дейишиб, шеърни йирик-йирик харфлар билан ёзишганди. Миттивой шеърни ўқий бошлади.

Сенга кучук ҳада этар ака-сингил,

Итлар билан уришмайди ҳеч қачон, бил.

Вовилламас, сакрамайди, тишламайди,

Ҳеч вақт ўзин ҳеч кимсага ташламайди.

Думчаси ҳам, панжаси ҳам, кулоғи ҳам —

Хаммаёғи унинг қора духобадан.

Миттивой индамади, у гўё тошдай қотиб қолганди.

— Ана энди тугунни еч,— деди Боссе.

Бироқ Миттивой тугунни бурчакка отиб юборди, кўзларидан дув-дув ёш окди.

— Сенга нима бўлди, Миттивой?— деб сўради Бетан чўчиб.

— Йўқ, йиғлама, йиғлама, Миттивой!— деб такрорлади Боссе саросимага тушиб; Миттивойнинг жуда каттиқ хафа бўлгани шундай сезилиб турарди.

Бетан Миттивойни кучоклаб олди:

— Бизни кечиргин! Биз шунчаки хазиллашмоқчи эдик. Тушуняпсанми?



Миттивой қаттиқ силтаниб Бетаннинг қўлидан чиқиб кетди; юзи кўз ёшидан нам бўлганди.

— Ахир, ҳақиқий итим бўлишини орзу қилиб юрганимни билардиларинг-ку,— деб тўнғиллади у энтикиб-энтикиб йиғларкан.— Мени калақа қилишнинг нима кераги бор эди...

Миттивой хонасига чопиб кирди-да, ўзини каравотига отди. Боссе билан Бетан унинг орқасидан чопиб киришди. Ойиси ҳам чопиб келди. Бироқ Миттивой уларга парво ҳам қилмади — йиғидан унинг елкалари титрарди.

Туғилган куни ҳам ўзига татимади, таъби хира бўлди. Миттивой ҳатто унга ит совға қилишмаса ҳам куни билан хурсанд бўлиб юрмоқчи эди. Лекин опаси билан акасининг бахмал кучукча совға қилишгани жудаям ўтиб тушди. Буни эсласа, хўнграб-хўнграб йиғлаб юборар, бошини ёстикка яна ҳам каттиқроқ босарди.

Ойиси, Боссе ва Бетан каравот атрофида туришарди. Уларнинг ҳаммаси ҳам жуда хафа эди.

— Ҳозир даданга телефон қиламан, ишдан эртароқ келсин,— деди ойиси.

Миттивой ҳамон йиғларди... Хўш, дадасининг уйга келганидан нима фойда? Энди Миттивойнинг кўнгли чироқ ёкса ҳам ёришмасди. Туғилган куни ҳам чиппака чикди, энди буни ҳеч нима билан тузатиб бўлмайди.

У ойисининг телефон қилгани кетганини эшитди, лекин йиғиси тингани йўқ. Миттивой дадасининг уйга қайтиб келганини эшитди, лекин ҳамон йиғларди. Энди у ҳеч вақт хурсанд бўлмайди! Ҳозир унинг ўлгани маъқул. Ундан кейин Боссе билан Бетан бахмал кучукчаларини қайтиб олиб, кичкина укаларини тириклигида, туғилган кунида қандай хўрлашганини, калақа қилишганини бир умр эслаб юришсин.

Миттивой ҳаммалари — ойиси ҳам, дадаси ҳам, Боссе ҳам, Бетан ҳам унинг каравоти ёнида туришганини сезиб қолди. Лекин у юзини ёстикка қўйиб беркитиб олди.

— Менга қара, Миттивой, эшик тагида сени кимдир кутиб турибди...— деди дадаси.

Миттивой жавоб бермади.

Дадаси уни елкасидан ушлаб силкитди:

— Нима, эшитмаяпсанми, эшикда сени битта оғайнинг кутиб турибди.

— Гунилла ёки Кристердир-да,— деб пўнғиллади Миттивой.

— Йўқ, сени кутиб турганининг исми Бимбо,— деди ойиси.

— Ҳеч қанақа Бимбони танитайман!— деб тўнғиллади Миттивой.

— Эхтимол,— деди ойиси.— Лекин унинг сен билан жуда танишгиси бор.

Худди шу пайт дахлиз томондан секингина ақиллаган товуш эшитилди.

Миттивой тишини-тишига қўйиб ўжарлик қилиб индамай ётаверди. Ҳа, у энди чиндан ҳам бу хомхаёлларни калласидан чиқариб ташлаши керак...

Бирок яна дахлизда акиллаган товуш эшитилди. Миттивой шартта туриб ўтирди.

— Бу нима, итми? Чинакам итми?— деб сўради у.

— Ҳа,— деди дадаси,— ит, сенинг итинг.

Боссе дахлизга чолиб чикди-да, бир зум ўтмай, Миттивойнинг хонасига кучукчани кўтариб кирди, Миттивой кўзларига ишонмасди! Тушими ё ўнгими бу!

— Бу менинг итими?— деб шивирлади Миттивой.

У қўлларини Бимбога чўзганида, кўзларидан ёш чикиб кетди. Миттивой гўё кучукча бирдан бугга айланиб, йўк бўлиб кетишидан қўркаётгандек эди.

Лекин Бимбо ғойиб бўлмади. Миттивой Бимбони қўлида ушлаб турарди, кучукча бўлса унинг юзини ялар, қаттиқ акиллар ва кулоқларини ҳидларди.

— Хўш, энди хурсандмисан, Миттивой?— деб сўради дадаси.

Миттивой хўрсиниб кўя қолди. Дадаси хурсандмисан деб сўраб ўтирибди-я! Миттивой шундай бахтиёр эдики, севинчини ичига сиғди-ролмасди, ҳатто каеридир жиз этиб кетгандай бўлди. Балки сен ўзингни бахтиёр ҳис этганинга доим шунақа бўлса керак?

— Бахмал кучукча Бимбонинг ўйинчоғи бўлади. Тушундингми, Миттивой? Сени калака қилмоқчи эмасдик... яхши бўлмади,— деди Бетан.

Миттивой ҳаммасини кечирди. Умуман, ҳозир унинг кулоғига гап кирмасди, чунки Миттивой Бимбо билан гаплашарди:

— Бимбо, жажжи Бимбо, сен менинг итимсан!

Кейин Миттивой ойисига деди:

— Менимча менинг Бимбом Альбергдан чиройли, ёқимтой, чунки жуни калта, оёқлари қийшиқ ва калта, бунақа хонаки ит дунёда энг яхши ит бўлса керак.

Шу пайт Миттивой Гунилла билан Кристернинг ҳозир кириб келишларини эслаб қолди.

Эҳ-ха! Бир кунда кишига шунчалик кўп бахт кулиб боқилини у тасаввур ҳам этмаганди. Ҳозир унинг чинакам ити борлигини ҳамма билади. Энди Миттивойнинг ўз ити бор, яна қандай ит деиш? Дунёдаги энг чиройли ит-а. Ахир, бу ҳазилакам гапми?!

Лекин бирдан Миттивой ташвишга тушиб қолди:

— Ойи, бувимникига Бимбони ҳам олиб кетсам майлими?

— Ие, бўлмасам-чи. Сен уни мана бу кичкина саватга солиб олиб кетасан,— деди ойиси ит солиб юрадиган махсус саватни кўрсатиб. Уни хонага кучук билан бирга Боссе олиб кирганди.

— Ҳ, зўру,— деди Миттивой.

Қўнғирок овози эшитилди. Гунилла билан Кристер келишганди. Миттивой уларга пешвоз чиқаркан, овозининг борича кичкирди:

— Менга ит совға қилишди! Энди менинг ўз итим бор!

— Вой, бунча чиройли-я!— деди Гунилла, кейин бирдан эсига тушиб қолиб:— Туғилган кунинг билан табриклайман,— деди дабдаба билан.— Мана, Кристер икковимизнинг совғамиз.— У Миттивойга бир қути конфет узатди, кейин Бимбонинг қаршисида чўккалаб, яна такрорлади:— Вой, мунчаям чиройли экан-а.

Миттивойга бу гаплар ёғдек ёқарди.

— Худди Еффага ўхшайди-я,— деди Кристер.

— Йўғ-э, у Еффадан, ҳатто Альбергдан ҳам чиройли!— деди Гунилла.

— Ҳа, у чиндан ҳам Альбергдан яхши,— деб Кристер Гунилланинг гапига қўшилди.

Миттивой Гунилла ва Кристер ажойиб ўрток-да, деб ўйлади ичида ва уларни ясатилган дастурхонга таклиф қилди. Худди шу пайт ойиси тарелкачада устига пишлок билан ёғ қўйилган бутерброд ва вазани тўлдириб печенье олиб келди. Миттивойнинг туғилган кунига атаб пиширилган, атрофида саккизта шам ёнаётган махсус пирог стол ўртасида чиройли бўлиб турарди. Кейин ойиси қайнок шоколадли катта кўзани олди-да, чашкаларга қуя бошлади.

— Нима, Карлсоннинг келишини кутмаймизми?— деб сўради Миттивой секин.

Ойиси бошини чайқади:

— Йўқ, менимча, кутиб ўтириш керакмас. Ишончим комилки, у бугун келмайди. Умуман, унинг номини бошқа тилга олмайлик. Ахир, энди сенинг Бимбонг бор-ку.

Тўғри, энди Миттивойнинг Бимбо лақабли ити бор, лекин у Карлсоннинг бу зиёфатда бўлишини жуда-жуда истарди.

Гунилла билан Кристер стол ёнига ўтиришди, ойиси уларни меҳмон қила бошлади. Миттивой Бимбони саватга солди-да, кейин ўзи ҳам ўтирди.

Ойиси чикиб кетиб, болаларнинг ўзи колганда, Боссе эшикдан мўралаб:

— Пирогни ҳаммасини еб қўйманглар, Бетан икковимизга ҳам қолсин!— деб кичқирди.

— Бўпти, бир бўлакдан колдираман,— деди Миттивой.— Лекин, бу адолатдан эмас: мен туғилмасимдан аввал сизлар неча йил ширин пирог егансизлар.

— Каттарок бўлагидан колдиргин!— деб кичқирди Боссе эшикни ёпаркан.

Худди шу пайт ташқарида моторнинг ғувиллаган таниш овози эшитилди. Бир зум ўтмай хонага Карлсон учиб кирди.

— Ие, стол атрофига ўтирдиларингми?— деди у.— Ҳамма нарса-ни еб бўлгандирсизлар?

Миттивой дастурхонда ҳали ноз-неъмат кўп, истаганингча еб-ичи-шинг мумкин, деб уни тинчитди.

— Жуда соз!— деди Карлсон.

— Миттивойни туғилган куни билан табрикламайсанми?— деб сўради ундан Гунилла.

— Ҳа, ҳа, албатта табриклайман!— деб жавоб берди Карлсон.— Мен қаерга ўтирай?

Ойиси столга бари бир учта чашка қўйганди, Карлсон буни сездю, дарров кош-қовоғи осилиб кетди.

— Йўқ, бунақа бўлса ўйнамайман! Бу адолатдан эмас. Нега менга чашка қўйишмади?

Миттивой дарров унга ўзининг чашкасини берди, кейин секин ошхонага чикиб бошқа чашка олиб келди.

— Карлсон,— деди Миттивой, хонага қайтиб киргач,— менга ит

совға қилишди. Унинг оти Бимбо. Мана у.— Миттивой сават ичида ухлаб ётган кучукчани кўрсатди.

— Жуда яхши совға,— деди Карлсон.— Илтимос, менга бутерброддан узатиб юбор, мана бунисини ҳам, буни ҳам... Ха!..— деб хитоб қилди Карлсон бирдан.— Сал бўлмаса эсимдан чиқаёзибди-я! Ахир, мен ҳам сенга совға олиб келувдиму. Дунёдаги энг яхши совға...— Карлсон шимининг чўнтагидан хуштак олди-да Миттивойга узатди:— Энди сен Бимбонга хуштак чала оласан. Мен доимо итларимга хуштак чаламан. Гарчи итларимнинг исми Альбергу ўзлари учишни билишса ҳам...

— Ие, ҳамма итларнинг оти Альбергми?— деб хайрон бўлди Кристер.

— Ха, мингтасининг ҳам оти Альберг!— деди Карлсон.— Ха, бўпти, энди пирогни туширсак ҳам бўлар дейман.

— Раҳмат, азизим, азизим Карлсон, хуштагинг учун раҳмат.— Бимбога жон деб хуштак чаламан.

— Ха, билиб қўй,— деди Карлсон,— хуштакни сендан тез-тез олиб тураман, жуда тез-тез.— Кейин бирдан ташвишланиб сўради:— Ха, айтмоқчи, сенга конфет совға қилишдими?

— Албатта-да,— деди Миттивой.— Гунилла билан Кристер олиб келишди.

— Бу конфетларни хайрли ишга сарфлаш керак,— деди Карлсон ва қутичани чўнтагига солиб қўйди; кейин яна бутерброд ея бошлади.

Гунилла, Кристер ва Миттивой ҳам бизга ҳеч нима қолмаса-я, деб кўрқиб шоша-пиша ейишарди. Лекин бахтларига ойиси бутербродни жуда кўп тайёрлаган экан.

Бу вақтда ойиси, дадаси, Боссе ва Бетан емакхонада ўтиришарди.

— Қаранглар, болаларнинг хонаси жимжит-а,— деди ойиси.— Миттивойга ит олиб берганимиздан жуда-жуда хурсандман. Хали бу кучук бизни кўп овора қилади-ю, лекин иложимиз қанча!

— Ха, энди у ўша томда яшовчи Карлсон ҳақидаги бемаъни гапларни унутар,— деди дадаси.

Шу пайт Миттивойнинг хонасидан кулги ва болаларнинг ғовур-ғувури эшитилди. Ўшандан кейин ойиси:

— Юринглар, бориб кўрамиз. Улар шундай ажойиб болаларки,— деб таклиф қилиб колди.

— Бўпти, юринглар, борамиз!— деб қўшилди Бетан.

Ҳаммалари — ойиси, дадаси, Боссе ва Бетан Миттивой туғилган кунини қандай нишонлаётганини кўргани кетишди.

Эшикни дадаси очди. Бироқ биринчи бўлиб ойиси қичкириб юборди, негаки стол атрофида, Миттивойнинг ёнида пакана, семиз одамчани биринчи бўлиб ойиси кўриб қолганди.

Бу пакана семиз одамчанинг бутун юзи қаймоққа булғанган эди.

— Ҳозир хушимдан кетаман...— деди ойиси.

Дадаси, Боссе ва Бетан индамай ағрайиб қараб туришарди.

— Кўрдингизми, ойи, Карлсон бари бир келди,— деди Миттивой.— Бу галги туғилган куним зўр бўлди-да!

Кичкина, пакана одамча бармоғи билан лабини артди-да, дўмбок

кўлчасини Миттивойнинг ойиси, дадаси, Боссе ва Бетанларга шундай силкита бошладики, каймоқ атрофга сачраб кетди.

— Салом!— деб кичкирди у.— Шу вақтгача мен билан танишиш бахтига муяссар бўлмовдингиз. Менинг исмим Карлсон, томда яшайман... Хой, Гунилла, Гунилла, тарелканга бунча кўп солмасанг! Ахир, менинг ҳам пирог егим келяпти...

У Гунилланинг кўлини шартта ушлади-да, олган бир бўлак ширин пирогни жойига қўйишга мажбур қилди.

— Мен бундай мечкай, очкўз кизни ҳеч кўрмагандим!— деди Карлсон ва ўз тарелкасига пирогнинг катта бир бўлагини қўйди.— Дунёда пирогни энг кўп истеъмол қилувчи одам — бу томда яшовчи Карлсондир!— деди у ва хурсанд бўлиб қулимсираб қўйди.

— Юринглар, бу ердан кетамиз,— деб шивирлади ойиси.

— Ха, кетганларинг маъкул бўлар, бўлмаса сизлардан уяляпман,— деди Карлсон.

— Менга ваъда беринг,— деди дадаси ойисига, ҳаммалари Миттивойнинг хонасидан чиққанларидан кейин.— Ҳаммангиз менга ваъда беринглар. Сен ҳам Боссе, сен ҳам Бетан. Ҳозир кўрган-билганларингиз ҳақида ҳеч қачон ҳеч кимга оғиз очмаймиз, деб ваъда беринглар.

— Нега энди?— деб сўради Боссе.

— Шунинг учунки, бу гапга бари бир ҳеч ким ишонмайди,— деди дадаси.— Борди-ю, битта-яримта ишонган тақдирда ҳам сўрай-вериб, суриштиравериб жонимизга тегади, ўла-ўлгунигча тинчлик бермайди!

Дадаси, ойиси, Боссе ва Бетан Миттивойнинг орттирган ажойиб ўртоғи ҳақида ҳеч кимга ҳеч қачон оғиз очмаймиз, деб бир-бирларига ваъда беришди.

Улар ваъдаларида каттик туришди.

Дарҳақиқат, Карлсон ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмади. Шунинг учун ҳам Карлсон ўзининг кичкина уйчасида хотиржам яшаяпти, бу уйча ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Холбуки, бу уйча Стокгольмнинг оддий кўчаларидан биридаги оддий уйнинг оддий томида жойлашган. Шунинг учун ҳам Карлсон ҳозиргача бамайлихотир юради, хоҳлаган жойига боради, истаганча шумлик қилади. Ахир, шумликда дунёда унга тенг келадигани йўқ-да!

Пишлокли нон, печенье ва пироглар еб бўлиниб, Кристер билан Гунилла уйларига кетишгач, Бимбо саватида донг қотиб ухлагач, Миттивой Карлсон билан хайрлаша бошлади.

Карлсон учишга тайёр бўлиб дераза тоқчасида ўтирарди. Шамол дераза пардаларини хилпиратиб ўйнар, ҳаво бўлса ёз бошлангани учун иссиқ эди.

— Азизим Карлсон, мен бувимниқидан қайтиб келгунигча аввалгидай томда яшайверасан-а? Шундайми?— деб сўради Миттивой.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик!— деди Карлсон.— Ха, бувим қайтишимга руҳсат берсалар бўлгани. Лекин ҳали маълуммас, чунки у мени дунёда энг яхши неварара деб ҳисоблайди.

— Сен чиндан ҳам дунёдаги энг яхши неварамисан?

— Албатта-да. Мен бўлмай ким бўларди? Қани, сен бошқа бировни айта оласанми?— деб сўради Карлсон.



У шундай деди-да, корнидаги тугмачасини босди, моторча гурил-лаб ишлаб кетди.

— Мен қайтиб учиб келганимдан кейин икковимиз бундан ҳам кўп пирог еймиз!— деб кичкирди Карлсон.— Одам пирогдан семирмайди!.. Хўп, хайр, Миттивой!

— Хайр, Карлсон!— деб кичкирди Миттивой.  
Карлсон учиб кетди.

Миттивойнинг каравоти ёнидаги сават ичида Бимбо ширин ухлаб ётарди.

Миттивой энгашиб, кучукчанинг бошини қорайган жажжи қўлчалари билан секин силади.

— Бимбо, эртага бувимникига кетамиз,— деди Миттивой,— яхши ётиб тур, Бимбо! Тинч ухлагин.



лишимиз керак. У кучукни кўпдан буён орзу қилади. Миттивой кучук билан овуниб, Карлсонни дарров унутиб юборади.

Чиндан ҳам Миттивойга Бимбо лақабли кучук совға қилишди. Энди унинг ўз ити бор. Бу кучукни унга саккиз ёшга тўлган куни совға қилишди.

Ойиси, дадаси, Боссе ва Бетан худди ўша куни Карлсонни кўришди. Ха, ха, улар Карлсонни биринчи бор кўришди. Воқеа бундай бўлганди:

Миттивой туғилган кунини ўз хонасида нишонлаётган эди. Кристиер билан Гунилла уникага меҳмон бўлиб келишганди. Улар ҳаммаси бир синфда ўқишарди. Дадаси, ойиси, Боссе ва Бетан Миттивойнинг хонасидан келаётган шўх кулгию ғала-говурни эшитгач, ойиси:

— Юринглар, уларни бир кўрайлик, жуда ажойиб болалар-да,— деб таклиф қилиб қолди.

— Бўпти, юринглар!— деб маъқуллади дадаси.

Ойиси, дадаси, Боссе ва Бетан эшикни қия очиб, Миттивойнинг хонасига мўралаб, нимани кўришди денг?

Стул тўрида ўтирган, оғзи-бурнига қаймоқ чаплаган, одамнинг хавасини келтириб, зўр бериб кавшанаётган ким эди? Бу ўша пакана, семиз одамча эди! У шу заҳоти овозининг бориचा бақирди:

— Салом! Менинг исмим Карлсон, томда яшайман. Сиз, назарим-да, шу вақтгача мени кўриш бахтига муяссар бўлмагансиз...

Ойиси сал бўлмаса хушидан кетай деди. Дадаси ҳам роса хуноб бўлди.

— Уни кўрганингиз ҳақида ҳеч кимга оғиз очманг,— деди дадаси.— Эшитдингизми, ҳеч кимга гапирманг.

— Нега энди?— деб сўради Боссе.

Дадаси тушунтира кетди:

— Агар одамлар Карлсон ҳақида билиб қолишса, тинчимиз йўқолади. Уни телевизордан кўрсатишади, албатта, кинога олишади. Зинадан кўтарилаётиб доим телевизион кабелга, ёритиш асбоб-ускуналарининг симларига қоқилиб юрамиз. Карлсон билан Миттивойни суратга олиш учун ҳар ярим соатда мухбирлар келишиб, жонимизга тегиб кетишади. Бечора Миттивойга жабр бўлади, уни ҳамма «Томда яшовчи Карлсонни топган бола...» деб гапирадиган бўлади. Хуллас, ором деган нарсани билмаймиз.

Ойиси, Боссе, Бетан дадаси ҳақ эканлигини тушунишди ва Карлсон ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасликка ваъда беришди.

Ўша куннинг эртасига Миттивой бутун ёзга қишлоққа — бувимникига жўнаши керак эди. У жуда хурсанд эди-ю, бироқ Карлсонни ўйлаб ташвиш тортарди. Унинг йўқлигида нималар бўлишини ким билиб ўтирибди дейсиз! Борди-ю, у бирдан ғойиб бўлса-ю, бошқа қайтиб келмаса-я!

— Азизим, Карлсон, мен бувимникидан қайтиб келганимда ҳам сен томда яшайсан-а? Шундай эмасми?— деб сўради Миттивой.

— Ким билади дейсан?— деди Карлсон.— Хотиржамлик бўлсин, фақат хотиржамлик. Ахир, мен ҳам бувимникига кетаман, менинг бувимни чинакам, асл буви деса бўлади.

— Буving қаерда туради?— деб сўради Миттивой.

— Уйда-да, қаерда бўларди? Нима, сен у кўчада яшайди, кечаси билан санқиб юради деб ўйлаганмидинг?

Миттивой шу-шу Карлсоннинг бувиси ҳақида ҳеч нима билолмади. Эртасига Миттивой қишлоққа жўнади. У Бимбони ҳам олиб кетди. Миттивой кунни бўйи қишлоқ болалари билан ўйнади, Карлсон эсига ҳам келмасди. Ёзги каникул тугаб, Миттивой шаҳарга қайтиб келди-ю, эшикдан кириши биланок:

— Ойи, мен йўқлигимда Карлсонни ҳеч кўрдингизми? — деб сўради.

Ойиси бош чайкади:

— Йўқ, кўрмадим. У энди қайтиб келмайди.

— Йўқ, ундай деманг! У бизнинг томда яшасин. Карлсон яна қайтиб келсин!

— Ахир энди сенинг Бимбонг бор-ку, — деди ойиси, Миттивойни юпатмоқчи бўлиб. Ойиси Карлсонни энди бошқа тилга олмасликка аҳд қилган эди.

Миттивой Бимбони силаб кўйди.

— Ҳа, менинг Бимбом бор. У ажойиб кучук, бироқ унинг корнида парраги йўқ-да, учолмайди. Карлсон билан ўйнасанг ҳеч зерикмайсан.

Миттивой хонасига чошиб кирди-да, деразасини ланг очиб юборди.

— Ҳой, Карлсон! Сен томдамисан? Жавоб бер! — деб қичқирди у овозининг борича, бироқ ҳеч қандай жавоб бўлмади. Эртасига эрталаб Миттивой мактабга кетди. У энди иккинчи синфда ўқирди. Тушлиқдан кейин хонасига кириб, дарс тайёрлади. У Карлсон моторчасининг гувиллаган овозини эшитмай қолмай, деб деразани ёпмади. Бироқ кўчадан автомобиль моторларининг гувилашию баъзан эса самолётларнинг гуриллаган овози эшитиларди, холос. Ўзига таниш ўша гувиллаган товуш қулоғига чалинмасди.

— Ҳа, тушунарли, у қайтиб келмабди, — деди Миттивой алам билан. — У энди ҳеч қачон қайтиб келмайди.

Кечкурунлари Миттивой ўрнига ётаркан, Карлсон ҳақида ўйларди, баъзида Карлсонни бошқа кўролмасам-а, деб қаттиқ қайғуриб, кўрпага бурканиб олиб пик-пик йиғларди. Кунлар ўтаверди, Миттивой мактабга қатнайверди, лекин Карлсондан ҳамон дарак йўқ эди.

Кунлардан бир кун, тушки овқатдан кейин Миттивой ўз хонасида маркаларини ёпиштириб ўтирганди. Олдида альбом билан бир талай янги маркалар ётарди. У шу маркаларни саралаб чикмоқчи эди. Миттивой хаш-паш дегунча, бирпасда ҳамма маркаларни ёпиштириб бўлди. У энг яхши, чиройли маркани атайлаб олиб қолди. Бу немис маркаси бўлиб, унда Қизил Шапкача билан Очкўз Бўрининг сурати солинганди. Марка Миттивойга жуда-жуда ёққанди. У маркани олдига қўйиб олиб, томоша қиларди.

Бирдан Миттивойнинг қулоғига кучсиз гувиллаган овоз эшитилди, буни қарангки, худди Карлсон моторчасининг гувилашига ўхшайди-я! Ҳа, чиндан ҳам бу Карлсон эди! У деразадан учиб кирди-да:

— Салом, Миттивой! — деб қичқирди.

— Салом, Карлсон! — деб бақирди Миттивой ва ўрнидан сапчиб

турди. У севинчи ичига сиғмай, қандил атрофида бир неча бор айла-ниб, полга ўнғайсизгина қўнган Карлсондан кўзини узмасди. Карлсон моторини ўчириши (бунинг учун корнидаги кнопокани секингина босса бўлгани эди) билан, Миттивой унга ўзини отиб, қучоқламоқчи бўлди, бироқ Карлсон Миттивойни дўмбоқ қўлчалари билан итариб юборди-да, деди:

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! Ейдиган бирор нарсанг борми? Балки, тефтели ёки шунга ўхшаш бирор нарсанг бордир? Торт бўлса ҳам бўлаверади.

Миттивой бош чайқади:

— Йўқ, ойим бугун тефтели пиширгани йўқ. Торт фақат байрам кунларидагина бўлади.

Карлсоннинг кош-қовоғи осилиб кетди:

— Қойил-э, шу ҳам турмуш бўлди-ю! «Фақат байрам кунлари бўлади» эмиш... Бир неча ой кўришмаган кадрдон дўсти келса-чи? Ойинг бундай учрашув учун бирор нарса тайёрласа бўларди.

— Ие, бўлмасам-чи, ахир биз сенинг келишингни билмовдик-да...— деб ўзини оқламоқчи бўлди Миттивой.

— «Билмовдик эмиш!»— деб тўнғиллади Карлсон.— Сизлар доимо Карлсон келиб қолса керак, деб кутишларинг шарт. Шунинг учун ҳам ойинг бир қўли билан тефтели қовуриши, бошқа қўли билан торт тайёрлаши керак.

— Бугун тушликка ойим қолбаса қовурдилар,— деди Миттивой хижолат бўлиб.— Қолбаса ейсанми?

— Бир неча ой кўришмаган кадрдон дўсти меҳмон бўлиб келса-ю, унга қолбаса қўйишса-я!— деди Карлсон кош-қовоғи баттар осилиб.— Ҳа, тушунарли! Сизникига келсанг, тўғри келган нарсани ейишга ўрганиб қолсан. Ҳа, бўпти, олиб кел ўша қолбасангни.

Миттивой чопганича ошхонага чиқиб кетди. Ойиси уйда йўқ эди, докторга кетганди. Шунинг учун рухсат сўрайдиган одам йўқ эди. Ахир, Карлсон қолбаса ейишга рози бўлди-ю.

Тарелкада тушки овқатдан қолган беш бўлак қолбаса ётарди. Карлсон худди қарчиғай жўжага чанг солгандай, қолбасага ташланди. У оғзига қолбаса тўлдириб, хурсанд бўлиб, тиржайиб қўйди!

— Ҳа, дуруст қолбаса экан. Умуман, ёмон эмас, еса бўлади. Лекин қовурма тефтелига нима етсин. Бироқ баъзи одамлардан бундан ортиғини талаб ҳам қилиб бўлмайди.

Миттивой ўзи ўша «баъзи одамлар» тоифасига киришини жуда яхши тушунди. Шунинг учун Карлсонни бошқа гапга чалғитмоқчи бўлди.

— Бувингникида яхши дам олдингми, зерикмадингми?— деб сўради у.

— Нимасини айтасан, жуда маза қилдим. Шунинг учун гапириб ўтирмайман,— деб жавоб берди Карлсон ва очкўзлик билан қолбасанинг бир бўлагини оғзига солди.

— Мен ҳам маза қилдим,— деди Миттивой. У Карлсонга бувисиникида қандай дам олганини гапира кетди.— Бувим жуда, жуда яхши,— деди Миттивой.— Менинг борганимга қанчалик севинганини кўрсанг эди. У мени бағрига босиб, қаттиқ қучоқлади.

— Нега энди?— деб сўради Карлсон.



— Чунки у мени яхши кўради-да. Нахотки шуни тушунмасанг? — деди Миттивой хайрон бўлиб.

Карлсон кавшашдан тўхтади.

— Бувим мени камрок севади деб ўйлайсанми? Мени бағрига босиб, кучокламади деб ўйлайсанми? Шунақаям кучокладики, кўкариб кетдим... Бувим мени шундай яхши кўради. Сенга шуни ҳам айтиб кўяйки, бувимнинг қўллари кичкина-ю, лекин темирдай қаттик. Агар у мени сал кўпрок яхши кўрганида борми, мен ҳозир сенинг олдингда ўтирмаган бўлардим. Чунки бувим мени бағрига босиб кучоклаб, ўлдириб кўярди.

— Ростдан-а! — деди Миттивой хайрон бўлиб. — Демак, сенинг бувинг кучоклаш бўйича чемпион экан-да.

Миттивойнинг бувиси Карлсоннинг бувиси билан тенглаша олмасди, албатта. Миттивойни жуда қаттик кучокламасди-ю, лекин у ҳам неварасини жуда яхши кўрар ва доим эркаларди. Миттивой буни Карлсонга яна бир бор тушунтирмоқчи бўлди:

— Бироқ бувим баъзида жуда эзма бўлиб кетади, — деб қўшиб қўйди Миттивой бир зум ўйланиб тургач. — Оёғимни ҳўл қилсам ёки Лассе Янсон билан уришиб қолсам, бувим жаврагани-жавраган.

Карлсон бўш тарелкани бир чеккага суриб қўйди:

— Менинг бувим эзмаликда сеникидан қолишади деб ўйлайсанми? Қаёқда. Шуни яхши билиб қўйгинки, бувим ётиш олдидан будильникни бураб қўяди, кейин эрталаб соат бешда туриб олади-да, нега оёғингни ҳўл қилдинг, нега Лассе Янсон билан уришдинг, деб жаврашга тушади.

— Нима, сен Лассе Янсонни танийсанми? — деб сўради Миттивой ажабланиб.

— Яхшиямки танимаيمان, — деди Карлсон.

— Ундай бўлса бувинг нега жаврайди? — деб сўради Миттивой баттар хайрон бўлиб.

— Чунки у дунёда энг эзма кампир, — деди Карлсон шартта. — Ахир, тушунсанг-чи! Сен Лассе Янсонни билар экансан, бувим энг эзма кампир, деб қандай исбот қила оласан? Сенинг бувинг менинг бувимнинг олдида ип ҳам эшолмайди. Бувим: «Лассе Янсон билан уришмагин, Лассе Янсон билан олишмагин», деб эртадан кечгача жаврагани-жавраган, холбуки мен бу болани ҳеч қачон кўрган эмасман, бундан кейин ҳам кўрмайман.

Миттивойнинг боши қотиб қолди. Ахир, бу қанақаси бўлди... У ўзича бувимнинг жаврагани жуда ёмон деб ўйлаб юрарди, энди бўлса у Карлсонни бувим аслида жуда эзма, деб ишонтириши керак.

— Оёғингни жиндек ҳўл қилдингми, бўлди, жаврай бошлайди, носкийингни алмаштириб ол деб хол-жонимга қўймайди, — деб Миттивой Карлсонни ишонтира кетди.

Карлсон тушундим дегандай бош ирғаб қўйди:

— Нима, сен бувим доим, кетма-кет носкийингни алмаштира деб зўрлайди деб ўйлайсанми? Биласанми, мен қўлмакка шундай яқин келишим биланок бувим қишлоқнинг бир чеккасидан физиллаб чопиб келади-да, ҳадеб: «Носкийингни алмаштириб ол, носкийингни алмаштириб ол, Карлсон», деб жаврагани-жавраган, тўнғиллагани-тўнғиллаган. Нима, ишонмайсанми?

Миттивой елкасини кисди.

— Йўғ-э, нега энди ишонмас эканман...

Карлсон Миттивойни бир туртди, кейин уни стулга ўтказди, ўзи рўпарасида икки қўлини белига тираб туриб олди.

— Йўк, назаримда, сен ишонмаяпсан. Менга қара, hozir хаммасини бирма-бир гапириб бераман. Кўчага чикдим-да, шартта кўлмак кечиб кетавердим... Ўзинг бир ўйлагин-а? Ўзим бўлсам хахолаб куламан. Шу пайт бирдан бувим чопиб келиб колса бўладими, кишлокни бошига кўтариб бакирди: «Носкийингни алмаштириб ол, Карлсонжон, носкийингни алмаштириб ол!..»

— Хўш, сен нима килдинг! — деб сўради Миттивой ки-зикиб.

— Мен бувимга: «Алмаштирмайман, алмаштирмайман!» дедим, чунки мен дунёдаги энг дилозор невараман, — деб тушунтирди Карлсон. — Мен бувимдан қочиб кетдим-да, ўз ҳолимга қўйсин деб дарахтга чикиб олдим.

— Бувинг ўзини йўқотиб қўйгандир, — деди Миттивой.

— Мана, бувимнинг қанақалигини билмаслигинг шундан хам кўриниб турибди, — деб эътироз билдирди Карлсон. — Ўзини йўқотиб хам қўймади, довдирамади хам, фақат кетимдан дарахтга чикди.

— Дарахтга-я? — деб сўради Миттивой ҳайрон бўлиб.

— Нима, бувимни дарахтга чиқолмайди, деб ўйлаганмидинг? Шунин билгинки, жаврай бошласа, дарахт у ёқда турсин, ундан баланд жойга хам чиқади. У мен ўтирган бутоққа чирмашиб чиқаркан, хадеб: «Носкийингни алмаштириб ол, Карлсонжон, алмаштириб ол...» деб минғирлайверди.

— Сен нима килдинг? — деб сўради яна Миттивой.

— Иложим қанча, — деди Карлсон. — Носкийимни алмаштириб олдим, бўлмасам ундан кутулмасдим. Баланд дарахтнинг ингичка бир шохида ўтириб, носкийимни бир амаллаб алмаштириб олдим, йикилиб тушишим ҳеч гап эмасди.

— Ха-ха! Ҳаммаси ёлгон, — деди Миттивой хахолаб кулиб. — Ўзинг дарахт тепасидасану янги носкийни каёқдан олдинг?

— Ақлинг жойида, — деди Карлсон. — Демак, сенингча менда носки бўлганмас, шундайми?

Карлсон шимининг почасини шимариб калта, йўғон оёқларидаги йўл-йўл носкийини кўрсатди.

— Бу нимади? Балки носки эмасдир? Янглишмасам, иккита носки бўлса керак? Нега энди дарахт шохида ўтириб носкийимни алмаштириб олишим мумкинмас: чап оёғимдаги носкини ўнг оёғимга, ўнг оёғимдагини чап оёғимга кийиб олишим нега мумкин эмас экан? Нима, кекса бувимнинг кўнгли учун шу арзимас ишни хам килолмайманми?

— Қила олардинг, бироқ оёғинг бари бир курук бўлмасди-ю, — деди Миттивой.

— Нима, сенга қуриди дедимми? — деди Карлсон жаҳли чикиб. — Шундай дедимми?

— Ундай бўлса... — Миттивой довдираганидан гапиролмай қолди. — Ундай бўлса, носкийингни бекор алмаштирибсан-да.

Карлсон «ха», дегандай бош ирғаб кўйди.

— Бувим дунёдаги энг вайсаки кампир эканлигига энди тушунгандирсан? Сенинг бувинг ноиложлигидан жаврайди: сендай бебош, ярамас неварани тийиб олиш осонми? Менинг бувим дунёда энг вайсаки, эзма кампир, чунки бекордан-бекорга вайсагани-вайсаган. Буни сенга қандай тушунтирсам экан?

Карлсон бирдан хахолаб кулиб юборди-да, Миттивойнинг елкаси-га секин туртиб кўйди.

— Салом, Миттивой!— деб кичкирди у.— Кел, бувиларимиз хақида шунча тортишганимиз етар, хозир айни кўнгил ёзадиган пайт.

— Салом, Карлсон!— деб жавоб килди Миттивой.— Мен ҳам шуни ўйлаб турувдим.

— Балки сенинг янги буғ машинанг бордир,— деб сўради Карлсон.— Эсингдами, ўша эскиси портлаб кетганида икковимиз қандай маза килувдик? Балки сенга янгисини совға қилишгандир, уни яна портлатишимиз мумкин.

Лекин, афсуски, Миттивойга янги машина совға қилишмади, буни эшитиб Карлсоннинг дарров кош-қовоғи осилиб кетди. Бирок бирдан унинг кўзи пилесосга тушди. Ойиси уйни тозалаб бўлиб уни олиб қўйишни унутганди. Карлсон севинганидан кичкириб юборди-да, ўзини пилесосга отди.

— Биласанми, дунёда энг зўр пилесосчи ким?— деб сўради у пилесосни токка улаб.— Мен тозаликка жуда ўрганиб қолганман, атрофим топ-тоза бўлса дейман,— деди Карлсон.— Сен ҳаммасини ифлос қилиб юборибсан. Дарров тозалаш керак. Омадларинг бор экан. Мендай энг зўр пилесосчини учратиб қолдиларинг.

Миттивой ойиси унинг хонасини хозиргина яхшилаб тозалаб чикканини биларди, бу ҳақда Карлсонга гапирди, бироқ у Миттивойнинг гапига парво ҳам қилмай, истехзоли кулиб кўйди, холос.

— Хотинлар бундай мураккаб, нодир аппаратни ишлатишни билмайди, бу ҳаммага маълум. Мана, қандай ишлатиш кераклигини кўриб кўй,— деди Карлсон ва пилесоснинг резина ичагини тўр пардага тутди. Тўр парданинг ярми бирпасда резина ичига кириб кетди.

— Кўй, керакмас,— деб кичкириб юборди Миттивой,— пардалар жуда юпка, нафис... Қўрмаяпсанми, пилесос уларни сўриб олди-ю! Кўй, бас қил!..

Карлсон елкасини қисиб кўйди.

— Ха, майли, молхонадай ифлос хонада туравераман десанг, ўзинг биласан,— деди у.

Карлсон пилесосни ўчирмасдан, пардаларни суғуриб олмоқчи бўлиб роса тортқилади, лекин фойда бўлмади, пилесос сира кўйиб юборай демасди.

— Бекорга ўжарлик қияпсан,— деди Карлсон пилесосга.— Томда яшовчи Карлсоннинг кимлигини билмас экансан, пардаларни тортиб чикаришда бу дунёда менга етадигани йўк!

У яна ҳам кучлироқ тортди, ниҳоят пардаларни резина ичакдан суғуриб олди. Пардалар қоп-қора бўлиб, титилиб кетганди.

— Вой, қара, пардалар расво бўлибди-ку,— деб кичкириб юборди Миттивой дахшат билан.— Улар қоп-қора бўлиб кетибди-я!

— Ҳа, ҳамма гап шунда-да, сен, искирт, тозаламагин деб ўтирибсан-а,— Карлсон сен ҳали ҳеч нарсани тушунмайсан дегандай Миттивойнинг елкасига қоқиб қўйди, кейин яна гапида давом этди.— Ҳа, майли, хафа бўлма, ҳаммаси олдинда, гарчи сен ўлгундай искирт, ношуд бўлсанг ҳам келгусида ажойиб йигит бўлишинг мумкин. Бунинг учун сени бир тозалаб қўйишим керак. Бугун сени тозалашдими?

— Йўқ,— деди Миттивой иқроор бўлиб.

Карлсон шлангни қўлига олди-да, Миттивойга яқинлашди.

— Эҳ, бу хотинларга хайронман,— деди у.— Хонани бир соатлаб йиғиштиришади-ю, шундай искирт болани тозалаб қўйиш эсларига келмайди! Кел, қулоғингдан бошлаймиз.

Миттивойни илгарилари ҳеч қачон пилесос билан тозалашмаганди, Миттивойнинг шундай китиғи келдики, кулгидан ичаклари узил-гудай бўлди.

Карлсон бўлса жуда ҳафсала билан, бир бошдан тозалади. У Миттивойнинг қулоғи ва сочидан бошлади, кейин бўйинни, қўлтигининг тағларини, сўнг орқасини, қорнини тозалади, ниҳоят гал оёқларига келди.

— Ҳа, мана буни чинакам тозалаш деса бўлади,— деди Карлсон.

— Лекин одамни жуда китиғи келаркан,— деди Миттивой.

— Инсоф билан айтганда, меҳнатим тақдирланиши керак,— деди Карлсон.

Миттивой ҳам Карлсонни бошлаб тозалагиси келди.

— Энди менинг галим,— деди у.— Бу ёққа кел, аввал кулоқларингни бир тозалаб қўяй.

— Ҳеч ҳожати йўқ,— деб кўнмади Карлсон.— Бултур сентябрда кулоқларимни ювганман. Бу ерда менинг қулоғимдан ҳам зарур тозаланадиган нарсалар бор.

У хонага кўз югуртириб, стол устида ётган маркаларни кўриб қолди.

— Ҳаммаёқда аллақандай ранг-баранг қоғозлар сочилиб ётибди-я, столни ҳам ахлат яшигига айлантириб юборибсан!— деди у хуноб бўлиб.

Миттивой уни тўхтатишга ҳам улгурмай қолди, Карлсон Қизил Шапкача ва Бўри сурати солинган маркани пилесосда тортиб олди.

Миттивой нима қилишини билмай қолди.

— Эссиз маркам!— деб бақирди у.— Сен Қизил Шапкачани тортириб юбординг, бу қилигингни ҳечам кечирмайман!

Карлсон пилесосни ўчирди-да, қўлларини кўксига қовуштириб турди.

— Мени кечиргин,— деди у.— Шундай кўнгилчан, мулойим, илтифотли, озода бўлганим учун мени кечир, қўлимдан келганча яхшилик қилсам дейман. Бунинг учун мени кечиргин...

Карлсон гўё ҳозир йиғлаб юборадигандай эди.

— Бироқ хизматларим зое кетяпти,— деди Карлсон овози титраб.— Ҳеч қачон раҳмат дейишмайди-я... таъна қилишгани-қилишгани...

— Ў, Карлсон!— деди Миттивой.— Хафа бўлма, тушунсанг-чи, ахир, Қизил Шапкача кетди-я.

— Бу Қизил Шапкача деганинг ким бўлди, шуни деб мунча шов-шув қиласан?— деб сўради Карлсон кўз ёшларини артиб.

— Унинг маркада сурати бор эди,— деб тушунтирди Миттивой.— Биласанми, ўша энг яхши маркам эди.

Карлсон ўйга чўмиб, жим турарди. Бирдан кўзлари порлаб муғамбирона кулимсираб кўйди.

— Қани топ-чи, ўйин ўйлаб топишга дунёда ким уста! Ҳозир қандай ўйин ўйнаймиз, қани топгин-чи!.. Қизил Шапкача ва бўри бўлиб ўйнаймиз. Пилесос бўри бўлади, мен овчи бўламан, келиб бўрининг қорнини ёраман, ичидан лип этиб Қизил Шапкача сакраб чиқади.

Карлсон сабрсизлик билан хонага кўз югуртириб чиқди.

— Болтанг борми? Ахир, пилесос тўнкадай қаттиғу.

Миттивойнинг болтаси йўқ эди, йўқлигига ҳатто у хурсанд ҳам бўлди.

— Пилесосни очиш мумкин-ку, гўё бўрининг қорнини ёрган бўламиз-да.

— Албатта қўл учида қиладиган бўлсак, очсак ҳам бўлади,— деб тўнғиллади Карлсон.— Бўриларнинг қорнини ёришга тўғри келганида мен ҳечам бу йўсинда иш тутмасдим. Ҳа, майли, бу уйда арзимаган асбоб ҳам топилмагандан кейин бир иложини қиламиз-да.

Карлсон қорни билан пилесос устига ётиб, унинг дастасига маҳкам ёпишиб олди.

— Тўнка!— деб бақирди у.— Қизил Шапкачани нега сўриб олдинг?

Карлсоннинг худди ёш боладай ўйнаётганини кўриб Миттивой жуда ҳайрон бўлди, лекин бари бир унинг ўйинини томоша қилиш жуда кизикарли эди.

— Хотиржамлик бўлсин, фақат хотиржамлик, жажжи Қизил Шапкача!— деб бақирди Карлсон.— Шапкачанг билан калишингни чаккон кийиб ол, чунки мен сени ҳозир озод қиламан.

Карлсон пилесосни очиб, ичидаги бор нарсани гилам устига ағдарди. Бир уюм чанг тўкилди.

— Э, газетанинг устига тўкишинг керак эди,— деди Миттивой.

— Газетага?.. Ахир, эртақда бундай дейилмаган-ку,— деди Карлсон жаҳли чиқиб.— Нима, эртақда, овчи Қизил Шапкачани озод қилиш учун бўрининг қорнини ёришдан аввал ерга газета солди дейилганми? Қани, гапир.

— Эртақда бундай дейилмаган, албатта,— деб ноилож икром бўлди Миттивой.

— Ундай бўлса жим тур,— деди Карлсон.— Эртақда йўқ гапларни ўйлаб топасан-а! Бунақа қилсанг, ўйнамайман!

Карлсон бошқа гапирмади, чунки очик деразадан эсган шамол чангни тўзитиб юборди. Чанг Карлсоннинг бурнига кириб устмас-уст аксирди. Унинг аксиришидан чанг яна тўзғиб, кичкина бир нарса пол устида бир зум учиб юрди-да, сўнг Миттивойнинг оёғи тагига тушди.

— Вой, мана Қизил Шапкача, кўргин-а,— деб кичкирди Миттивой ва чанг босган маркани олгани энгашди.

Карлсон хурсанд эди.



— Ана кўрдингми!— деди Карлсон бир оз керилиб.— Бир аксир-гандим, кидирган нарсам топилди-қолди... Кел, бундан кейин бечора Қизил Шапкачани деб талашиб-тортишиб ўтирмайлик.

Миттивой қимматбаҳо маркасининг чангини пуфлаб тозалади. У жуда хурсанд эди.

Карлсон бирдан яна аксириб юборди, полдан яна чанг тўзони кўтарилди.

— Қани, топ-чи, дунёда энг зўр аксирувчи ким?— деди Карлсон.— Мен аксириб бутун хонани чангга тўлдиришим мумкин. Хонадан йиғилган чанг жой-жойини топсин. Мана ҳозир кўрасан.

Бироқ Миттивой унинг гапига қулоқ солмади. Унинг эс-хаёли Қизил Шапкачани тезроқ альбомга ёпиштириш эди.

Карлсон бўлса чанг-тўзонга буланиб, ҳадеб аксирарди. Хуллас, у чангни бутун хонага тўзғитиб юбормагунча кетма-кет аксираверди.

— Мана кўрдингми, газета солиш керак деб ўтирибсан-а. Чанг яна ўз жойига қўнди. Ҳа, ҳар бир ишда тартиб бўлиши керак, мен шунга ўрганганман. Ифлосликка, тўнғизликка сира тоқат қилолмайман, сира кўника олмайман.

Миттивой бўлса маркасидан бошини кўтармасди. У маркани ёпиштириб бўлиб, уни марок билан томоша қилди. Жудаям чиройли-да!

— Қулоқларингни яна бир бор тозалашим керак шекилли!— деди Карлсон.— Сен ҳеч нимани эшитмаяпсан!

— Нималар деяпсан?— такрор сўради Миттивой.

— Карқулоқ! Ҳадеб мен бир ўзим ишлайвераманми, бу инсофдан эмас, деяпман. Қарагин, кўлларим қадоқ бўлиб кетди! Хона топ-тоза бўлсин деб ўлиб-тирилиб, терлаб-пишиб ишляяпман. Энди сен мен билан бирга учиб бориб, хонамни тозалашда ёрдам беришинг керак, акс холда, ноинсофлик бўлади.

Миттивой альбомни бир чеккага қўйди. Карлсон билан бирга томга учиб чиқини у фақат орзу қила оларди, холос. У Карлсоннинг томдаги кичкина уйчасида атиги бир марта бўлган эди. Бироқ ўшанда ойиси негадир жуда кўрқиб кетди ва ўт ўчириш командасини чақирди.

Миттивой ўйланиб қолди. Ахир, унга анча бўлди, энди у катта бўлиб қолди, истаган томига бемалол чиқиб тушиши мумкин. Бироқ ойиси бунга тушунармикин? Ҳамма гап шунда. Ҳозир ойиси уйда йўқ, кимдан ҳам руҳсат сўрайди. Энг яхшиси, бормагани маъқул...

— Қани, учдикми?— деб сўради Карлсон.

Миттивой яна бир бор яхшилаб ўйлаб кўрди.

— Борди-ю, мени йикитворсанг-чи?— деб сўради Миттивой бир оз чўчиб.

Карлсон бу гапга парво ҳам қилмади.

— Парво қилма!— деди у.— Ахир, дунёда болалардан кўпи йўқ. Битта бода кўпайди нимаю озайди нима, бу рўзғорда бўладиган гап-ку.

Миттивой Карлсондан чинакам хафа бўлди.

— Мен рўзғор бўлдимми? Йўқ, агар мен йикилиб тушсам...

— Хотиржамлик, фақат хотиржамлик бўлсин,— деди Карлсон ва Миттивойнинг елкасига қоқиб қўйди.— Сен йикилмайсан. Сени бу-

вим мени кучоклагандай маҳкам кучоклаб оламан. Сен албатта, кичкина бир искирт боласан, лекин бари бир менга ёқасан.

У Миттивойнинг елкасига яна қокиб қўйди.

— Тавба, ўзим ҳам хайронман, нега сен тентакка жуда ўрганиб қолдим-а? Шошмай тур хали, томдаги уйчамга етиб олайлик, сени бир каттиқ қисайки, кўкариб кетгин. Ахир, бувимдан менинг қаерим кам?

Карлсон қорнидаги кнопкасини босди — моторча гувиллаб кетди. Карлсон дўмбоқ қўлчалари билан Миттивойни маҳкам кучоклаб олди. Улар деразадан учиб чиқишиб, аста-секин юқорига кўтарила бошлашди.

Титилиб кетган қора тўр пардалар гўё улар билан хайрлашаётгандек тинмай силкинарди.

### КАРЛСОННИНГ УИДА

Том устидаги кичкина уйчалар доим шинам, файзли бўлади, Карлсоннинг уйини-ку, гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Яшил дарчалари кичкина, чиройли пиллапояси бор уйчани бир тасаввур қилинга-а? Кечкурунлари останада ўтириб юлдузларни томоша қилишга, кундузлари мева шарбати ичиб, ширин кулчаларни ейишга нима етсин. Ўшанда ҳам шарбат, кулчалар бўлса, албатта. Агар кечаси уй исиб кетса, бемалол пиллапояда ухлаш мумкин. Эрталаб, уйқудан туриб, Остермалъм орқасида, томлар устида кўтарилаётган қуёшни томоша қиласан.

Ха, чиндан ҳам Карлсоннинг уйчаси жуда шинам, чиройли. У мўрнинг орқасига шундай қулай жойлашганки, уни дарҳол тополмайсан ҳам. Мўри орқасидан арвоқларни кидирмасдан, шунчаки томма-том сайр қилиб юрган бўлсанг Карлсоннинг уйчасини топиш анча мушкул, албатта. Ахир, бу ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди-да.

— Бу ерда, тепада ҳамма нарса бошқача, — деди Миттивой Карлсон иккови уйчанинг эшиги олдига келиб тушишгандан сўнг.

— Ха, яхшиямки шундай, — деб жавоб берди Карлсон.

Миттивой теварак-атрофга қаради.

— Қаёққа карамагин, ҳаммаёқда томлар! — деди у.

— Томларнинг узунлиги бир неча километр келади, бемалол айланиб юриш, шўхлик қилиш мумкин.

— Биз ҳам шўхлик қиламизми? Қўп эмас, жиндеккина, а? — деб сўради Миттивой хурсанд бўлиб.

У ўтган сафар Карлсон иккови томда қилган шўхликларини эслади. Ўшанда жуда маза қилншганди-да.

Бироқ Карлсон унга бир хўмрайиб қўйди:

— Ха, тушунарли, уйни тозалагинг йўғ-а, шундайми? Сен учун ўлиб-тирилиб ишляяпман, молхонангни сал бўлсаям тозалаб қўяй деб терлаб-пишиб ётибману сен бўлсанг айланайлик, шўхлик қилайлик дейсан-а. Топган гапингни қара-ю, қойилман-э!

Бироқ, Миттивой айтарлик ҳеч нима ўйлаб тополмади.

— Сенга жон деб ёрдам бераман, керак бўлса мен ҳам супуриб-сидираман.

— Ҳа, бу бошқа гап,— деди Карлсон ва эшикни очди.

— Ташвиш тортма, хотиржам бўл,— деб такрорлади Миттивой.— Агар зарур бўлса ёрдамлашаман, албатта...

Миттивой жаҳондаги энг яхши одам — Карлсоннинг уйчасига кирди-ю, серрайиб котиб қолди. У анчагача индамай котиб турди, кўзлари ола-кула бўлиб кетганди.

— Ҳа, ёрдам бериш керак экан,— деди у ниҳоят.

Карлсоннинг уйи атиги битта хонадан иборат эди. Хонада битта дастгоҳ турарди, бу топилмайдиган ажойиб нарса. Унда рандалаш ҳам мумкин, овқатланса ҳам бўлади, энг муҳими — устига истаган нарсани қўйиш мумкин. Кичкина диванча ҳам бор эди, унда ухлаш, дик-дик сакраш, эски-туски нарсаларни ташлаш мумкин. Икки стул ҳам бор эди. Уларга ўтириш, ҳар хил буюмларни қўйиш, шкафнинг юқори тоқчасига бирор нарса қўйиш керак бўлса устига чиқиш мумкин эди. Ҳа, айтмоқчи, одатда у ерга ҳеч нима қўйиб бўлмасди, чунки шкаф тўла эди, ҳеч нима сиғмасди. Шунинг учун полга ҳам, деворга ҳам ҳеч нарса сиғмасди. Чунки пол ҳам, деворлар ҳам ҳар хил буюмларга тўлиб-тошиб кетганди, жиндек ҳам бўш жой йўқ эди. Карлсоннинг хонасида уч оёқли темир ўчоғи бор эди, унда овқат пиширарди. Каминнинг тоқчасига ҳам ҳар хил нарсалар уюб ташланганди. Шифтдан деярли ҳеч нима осилиб турмасди: фақат парма, ёнғок солинган тўрхалта, пистон солинган пакет, омбир, бир-икки жуфт шиппак, ранда, Карлсоннинг ётганда киядиган қўйлаги, қозон сочик, темир косов, кичкина саквояж, куритилган олча солинган халтадан бошқа ҳеч нима осилиб турмасди.

Миттивой остонада узок туриб қолди, саросимада ҳаммаёқни кўздан кечириб чиқди.

— Ҳа, нега ҳангу манг бўлиб қолдинг? Ҳа, бу ерда кўрадиган, томоша қиладиган нарса кўп, сенинг хонанг меникнинг олдида ип эшолмайди, сенинг полинг худди дашт-сахрога ўхшайди-я.

— Ҳа, тўғри айтдинг, сеники сахрога ўхшамайди,— деди Миттивой.— Шунинг учун ҳам уйингни йиғиштирмоқчисан-да, ҳа, тушуниб турибман.

Карлсон диванга узала тушиб ётиб олди.

— Йўқ, сен гапимни тушунмадинг,— деди у.— Мен ҳечам уйимни йиғиштирмоқчи эмасман. Уни сен йиғиштирмоқчисан... Сенинг хонангни йиғиштирганим ҳам етар. Шундай эмасми?

— Нима, менга ёрдам ҳам бермайсанми?— деб сўради Миттивой ташвишланиб.

Карлсон ёстикқа ёнбошлади-да, пишиллаш бошлади. Жуда яхши ўрнашиб олган одамгина шундай пишиллаши мумкин эди.

— Йўқ, нега энди, сенга ёрдам бераман, албатта,— деб Миттивойга тасалли берган бўлди, пишиллашдан тўхтаб Карлсон.

— Жуда соз,— деди Миттивой хурсанд бўлиб.— Қўркиб кетувдим-а, менга ёрдам...

— Албатта ёрдам бераман,— деди Карлсон унинг гапини илиб олиб.— Ашула айтиб, мактовли сўзлар билан сенга мадад бериб, қўнглингни кўтариб тураман. Бир-икки, уч дейману, сен худди ўйин тушгандек, хонада пилдираб айланасан. Хурсанд бўласан.

Миттивой бунга унчалик ишонмасди. У умрида ҳеч бунчалик кўп

ишламагани. Тўғри, у уйда ўйинчоқларини йиғиштириб қўярди, холос. Лекин доим ойиси уч-тўрт, баъзида беш марта бу ҳақда огоҳлантириши шарт эди. Ушандан кейингина Миттивой йиғиштира бошларди. Бирок у бу ишни жуда зерикарли, энг мухими, мутлақо ортиқча, бемаъни нарса деб ҳисобларди.

— Нимадан бошлай?— деб сўради Миттивой.

— Тўнка! Ёнғок пўчоғидан бошлашни ҳамма ҳам билади-ку,— деб жавоб қилди Карлсон.— Жудаям тозалаб ўтирма, чунки кейин нарсаларни ҳозиргидай қилиб жой-жойига яхшилаб қўйиб чиқолмайман. Сал-пал йиғиштирсанг бўлади.

Ёнғок пўчоғи полда апельсин пўчоғи, олча данаги, колбаса пўсти, рижимланган қоғозлар, ёқилган гугурт чўплари ва бошқа чўп-хаслар билан аралаш-қуралаш бўлиб сочилиб ётарди. Уларнинг кўплигидан пол кўринмасди.

— Пилесосинг борми?— деб сўради Миттивой, бир зум ўйланиб тургач.

Бу савол Карлсонга ёкмади. У Миттивойга хўмрайиб қаради-да:

— Орамизда дангаса, ишёқмаслар бор экан-а, тавба, дунёдаги энг зўр пол латта билан жаҳондаги энг яхши хокандоз у кишига ёкмаса-я. Пилесос бер эмиш, бир амаллаб қутулиб қолса-да!— деди зарда билан ва жаҳли чиққанидан тўнғиллаб қўйди:— Агар истасам, бир эмас, юзта пилесосим бўларди. Лекин мен баъзи бировларга ўхшаб дангаса, ишёқмас эмасман. Мен меҳнатдан кўрқмайман.

— Нима, мен кўрқаманми?— деди Миттивой ўзини оқлаб.— Ҳа, айтмоқчи, бари бир элекtring йўқ, демак, пилесоснинг ҳам бўлиши мумкин эмас.

Миттивой Карлсоннинг уйда замонавий қулайликларнинг биттаси ҳам йўқлигини эслаб қолди. Унинг уйда на электр, на водопровод бор эди.

Кечалари Карлсон керосин чироқ ёқарди, сувни эса тарнов тагидаги бочкадан оларди.

— Ахлат ташланадиган қувуринг ҳам йўқ,— деб гапида давом этди Миттивой,— ҳолбуки сенга жудаям зарур.

— Нега энди бўлмас экан!— деди Карлсон хуноби ошиб.— Сен қаёқдан биласан? Сен полни супургин-а, мен сенга дунёдаги энг зўр ахлат қувурини кўрсатаман.

Миттивой хўрсиниб, қўлига супурги олиб, ишга тушди. Карлсон бўлса қўлларини боши тагига қўйиб, диванда чўзилиб ётганича унинг ишини кузатарди. У кўринишдан жуда хурсанд эди.

У худди ваъда қилганидай Миттивойга мадад бўлсин деб, ашула бошлаб юборди:

Кундуз узун туюлар,  
Ким дангаса бўлса гар.  
Ишлаб бўлдингми ҳалол —  
Ўйнайвергин бемалол!

— Олтин сўзлар,— деди Карлсон ва ёстиқни баландроқ қўйиб, яхшилаб ўрнашиб олди.

Миттвой бўлса бошини кўтармай супурарди. Айни иш кизиган пайтда Карлсон ашуласини тўхтатиб:

— Бирпас дамингни олиб, менга қахва қайнатиб беришинг мумкин,— деди.

— Қахва қайнат дедингни?— деб қайталаб сўради Миттвой.

— Ҳа, илтимос,— деди Карлсон.— Сени ортиқча қийнамокчи эмасман. Печга ўт ёқиб, сув обкелиб, қахва тайёрласанг бўлди, бошқаси керакмас. Ичишни, майли, ўзимга қўйиб бер.

Миттвой полга хомуш қараб қўйди, пол ҳали-вери тоза бўладиган эмасди.

— Мен супуриб бўлгунимча балки қахвани ўзинг қайнатарсан?

Карлсон оғир хўрсиниб қўйди.

— Одам деган ҳам шунчалик ялқов бўладими?— деб сўради у.— Дам оларкансан, нахотки қахва қайнатиб бериш сен учун шунчалик оғир?

— Оғирликка оғир эмасу,— деб жавоб қилди Миттвой,— гапимни тугатай, охиригача эшит. Менимча...

— Эшитмайман,— деб унинг гапини бўлди Карлсон.— Бекорга гапириб, оғзингни чарчатма! Яхшиси, сен кулоқ-бурнингни пилесос билан терлаб-пишиб тозалаган, сен учун ўлиб-тирилаётган одамга бирор яхшилик қилишга урингин.

Миттвой супургини бир четга қўйди-да, челақ олиб сувга кетди. Кейин ўтинхонадан ўтин олиб келди, ўт ёқмокчи бўлиб кўп уринди-ю, ҳеч иш чиқаролмади.

— Биласанми, менинг ҳеч тажрибам йўқ-да,— деди Миттвой бир оз хижолат бўлиб,— ўзинг... фақат ёқиб беролмайсанми-а?

— Ҳечам-да,— деб гапини бўлди Карлсон.— Агар юриб турганимда бошқа гап эди, унда сенга қандай ўт ёқишни кўрсатиб кўярдим. Ахир, мен ҳозир ётибман. Шунинг учун ҳам атрофингда гирдикапалак бўлишимни талаб ҳам қилма.

Миттвойга Карлсоннинг гапи асослидай туюлди. У яна бир марта гугурт чақди, бирдан олов ловуллаб, ўтин чирсиллаб ёна бошлади.

— Ўт олди!— деб қичқирди Миттвой севинганидан.

— Ана, кўрдингми! Фақат дадил ва чаккон ҳаракат қилиш керак, бировнинг ёрдамига ишонмаслик зарур,— деди Карлсон.— Энди оловга қахва қайнатадиган чойнакни қўй, қахвага зарур нарсаларнинг ҳаммасини манави чиройли патнисга қўй, булочка қўйиш эсингдан чиқмасин. Кейин уйни йиғиштиравер; қахва қайнагунча ҳаммаёкни йиғиштириб бўласан.

— Айт-чи, қахвани ўзинг ичишингга кўзинг етадими?— деб сўради Миттвой истехзо билан.

— Ие, бўлмасам-чи, ўзим ичаман,— деб ишонтирди уни Карлсон.— Сен ҳам жиндек ичасан, мендай меҳмондўст одам камданкам топилади.

Миттвой ҳаммаёкни супуриб-сидириб, ёнғоқ пўчоғи, олча данаги ва ифлос қоғозларни катта ахлат челақка солганидан кейин Карлсон ётган диванчанинг бир четига бориб ўтирди. Кейин икковлари қахва ичиб, бир талай булочка ейишди. Миттвой жуда яйради. Карлсоннинг уйини тозалаш, йиғиштириш анча чарчатса ҳам, уникида ўзини жуда яхши ҳис қилди.



— Ахлат кувуринг кани? — деб сўради Миттивой булканинг сўнги бўлагини оғзига соларкан.

— Ҳозир кўрсатаман,— деди Карлсон.— Ахлат челакни олиб, оркамдан юр.

Улар эшик олдига чиқишди.

— Мана,— деди Карлсон, томларни кўрсатиб.

— Нима, бу нима деганинг?— деб сўради Миттивой жуда хайрон бўлиб.

— Пастга шартта тўкавер,— деди Карлсон.— Мана сенга дунёдаги энг яхши ахлат кувуринг.

— Ахир, ахлатни кўчага тўккан бўламан-ку,— деди Миттивой эътироз билдириб.

Карлсон челакни шартта олдига суриб олди:

— Мумкинмас дейсанми? Мана ҳозир кўрасан. Оркамдан югур.

Карлсон челакни кўтарганича, томнинг нишабидан физиллаб чопиб кетди. Миттивой Карлсон томнинг четига борганида ўзини тўхтатолмай колса-я, деб кўрқиб кетди.

— Тўхта!— деб қичкирди Миттивой.— Тўхта!

Карлсон тўхтади. Лекин у томнинг энг четига борганда тўхтади.

— Нимани кутиб турибсан?— деб қичкирди Карлсон Миттивойга.— Олдимга чопиб кел.

Миттивой ўтирди-да, эҳтиётлик билан пастга сирғалиб туша бошлади.

— Дунёда энг зўр ахлат кувуринг!.. Ахлат йигирма метр баландликдан тушади,— деди Карлсон ва челакни шартта ағдарди.

Ёнғоқ пўчоғи, олча данаги, гижимланган коғозлар дунёдаги энг яхши «ахлат кувурингдан» кучли оқим билан кўчага, сигара чекиб тротуардан кетаётган башанг бир жанобнинг худди бошига тўкилди.

— Вой,— деб қичкириб юборди Миттивой,— вой, карагин, карагин-а, ҳаммаси унинг бошига тушди.

Карлсон елкасини қисиб қўя қолди:

— Ким унга менинг ахлат кувуринг тагида юрсин дебди?

Миттивой бўлса ҳамон ташвиш тортарди.

— Ёнғоқ пўчоғи хойнахой унинг ботинкаларига кириб колгандир олча данаклари сочиға илашиб колган бўлса керак. Яхши бўлмади-да.

— Бу рўзгорда бўладиган гап-ку,— деб Карлсон Миттивойга тасалли берди.— Агар одамнинг яшашига фақат ботинкасига кириб колган ёнғоқ пўчоғи халақит бераётган бўлса, у ўзини бахтиёр ҳисоблаши мумкин.

Лекин сигара чекаётган жаноб негандир ўзини бахтиёр ҳисоблаётганга ўшамасди. Улар томдан ҳаммасини томоша қилиб туришди. Ҳалиги жаноб у ёқ-бу ёғини узоқ тозалади, кейин полициячини чақираётганини эшитишди.

— Баъзилар бўлар-бўлмасга шовқин-сурон кўтаришади,— деди Карлсон.— У аксинча биздан миннатдор бўлиши керак. Агар олча данаги ниш уриб, сочида илдиз отса-ю, бошида олча дарахти ўсиб чикса маза-ку. У кунин билан истаган ерида сайр қилиб юриши, хоҳлаганида олчадан бемалол ейиши мумкин бўлади.

Карлсон билан Миттвой бу орада мўри оркасидаги уйчаларига эсон-омон етиб олишди.

— Менинг ҳам олча егим келяпти,— деди Карлсон хонага киришлари билан.— Ҳа, қўймадинг-қўймадинг-да, бор, олчадан олиб кел, халтада шифтда осиглик турибди.

— Нима, менинг бўйим етадимиз?— деб сўради Миттвой.

— Дастгоҳнинг устига чиқиб олгин.

Миттвой худди шундай қилди, кейин Карлсон иккови эшик олдига ўтириб олишиб, олча коксидан ейишга тушишди. Улар олча данагини тупуриб ташлашар ва томдан думалаб пастга тушишини томоша қилишарди.

Қош қорайиб қолганди. Екимли, илик куз окшоми томлар ва уйлар устига чўка бошлаганди. Миттвой Карлсоннинг ёнига бориб ўтирди. Эшик олдида олча коки еб ўтириш жуда маза-ю, лекин атроф тобора қоронғилаша бошлади. Уйлар энди бутунлай бошқача кўринарди, аввалига кулранг тусга кириб, қандайдир сирли бўлиб қолишди, кейин охирида бутунлай қорайиб кетишди. Гўё биров катта-кон қайчилар билан қора қоғозлардан уйчалар қирқиб олгану чирок ёниб турган деразаларни ифодалаш учун баъзи жойларига бир парча юпка зар қоғоз ёпиштириб чиққандай эди. Бу зар дарчалар тобора кўпаярди, чунки одамлар хоналарида чирок ёкишарди. Миттвой бу ёруғ дарчаларни санаб чиқмоқчи бўлди. Аввалига учта эди, кейин ўнтага етди, сўнг шундай кўпайдики, Миттвойнинг кўзлари қамашиб кетди. Деразаларда одамлар кўриниб турарди — улар хонадан-хонага ўтишиб, ҳар бири ўз иши билан машғул бўларди. Уларнинг нима қилаётганини, қиёфасини, нега бошқа жойда эмас, худди шу ерда туришини шунчаки тахмин қилиш мумкин эди.

Ҳа, айтмоқчи, бу ҳақда фақат Миттвойгина тахмин қиларди. Карлсонга ҳаммаси маълум эди.

— Бечоралар қаерда ҳам туришарди,— деди у.— Ахир ҳамма ҳам томда яшаёлмайди, ҳаммаси ҳам жаҳондаги энг зўр Карлсонлар бўлолмайди-да.

### КАРЛСОННИНГ ЖАҲЛИ ЧИҚДИ

Миттвой Карлсонникида меҳмон бўлган пайтида ойиси докторга кетганди. У ўйлаганидан кўпроқ ушланиб қолди. Ойиси уйга қайтиб келганида Миттвой ўз хонасида бамайлихотир маркаларини томоша қилиб ўтирарди.

— Миттвой, ҳали ҳам ўша маркалар билан овора бўлиб ўтирибсанми?

— Ҳа,— деб жавоб берди Миттвой. У чиндан ҳам маркаларини ўйнаб ўтирганди.

Атиги бир неча минут олдин томдан тушгани ҳақида Миттвой лом-мим демади. Тўғри, ойиси жуда ақлли хотин, ҳамма нарсани тушунади, бироқ Миттвойнинг томга чиқиши жуда зарур бўлганини ойиси тушунармикин? Бунга Миттвойнинг ишончи комил эмасди. Шунинг учун ҳам у Карлсоннинг келгани ҳақида ҳеч нима демасликка аҳд қилди. Ҳарҳолда ҳозир бу гапнинг хонаси эмас. Ҳамма оила аъзолари тўпланмасдан бурун айтолмайди. У бу «хуш-

хабар»ни тушки овқат пайтида айтадиган бўлди. Ойиси ҳам негадир хафа кўринади. Икки қошининг орасига ажин тушибди. Бу ажин қаёқдан пайдо бўлди деб Миттивой узоқ бош қотирди.

Ниҳоят, ҳамма оила аъзолари тўпланишди, ойиси ҳаммани овқатга чақирди; ойиси ҳам, дадаси ҳам, Боссе ҳам, Бетан ҳам, Миттивой ҳам стол атрофига ўтиришди. Тушликка дўлма қилишибди — яна карам-а! Миттивой бўлса фойдаси йўқ нарсаларнигина яхши кўради. Бироқ стол тагида, унинг оёқлари ёнида Бимбо ётарди, у фаркига бормаи ҳамма нарсани еяверади. Миттивой дўлмани очиб, карамни гижимлаб секин полга, Бимбонинг олдига ташлади.

— Ойи, унга гапирсангиз-чи, бундай қилиш яхшимас,— деди Бетан,— бўлмаса Бимбо ҳам Миттивойга ўхшаб тартибсиз, бебош бўлиб ўсади.

— Ҳа, ҳа, тўғри,— деди ойиси паришонлик билан. У гўё ҳеч нима эшитмагандай бепарвогина гапирди.

— Кичкиналигимда олдимга қўйган овқатнинг ҳаммасини ейишга мажбур қилишарди,— деди Бетан сира бўш келмай.

Миттивой унга тилини кўрсатди.

— Ана, ана кўриб қўйинг. Кимга гапиряпсан демайди-я. Назаримда, оймнинг гаплари сенга қор қилмаётганга ўхшайди, Миттивой.

Бирдан ойиси кўзига ёш олди.

— Уришмаларинг, илтимос,— деди у.— Кўнглимга ғиди-бидиларинг сиғмайди.

Ойисининг нега хафа кўрингани энди маълум бўлди.

— Доктор менга, сиз жуда камқонсиз, каттиқ чарчагансиз, далага қиқиб, яхшилаб дам олишингиз керак деяпти.

Хонага жимлик чўкди. Анчагача ҳеч ким оғиз очиб гапирмади. Бу жуда кўнгилсиз хабар эди! Ойиси бетоб бўлиб қолибди, бу ҳаммалари учун оғир мусибат деб ўйлашарди улар. Миттивой бўлса ойисининг кетиб қолиши ҳақида ўйлаб баттар эзиларди.

— Мактабдан келганимда ҳар доим ошхонада бўлишингизни, пешбанд тутиб олиб менга ҳар куни ёғлик ширин булочка ёпиб беришингизни истайман,— деди Миттивой.

— Сен доим ўзингни ўйлайсан,— деб дарров танбех берди Боссе. Миттивой ойисининг пинжига тикилди.

— Бўлмасам-чи, ойм бўлмаса менга булочка тегармиди.

Бироқ ойиси унинг бу гапини эшитмади. У дадаси билан гаплашаётган эди.

— Мен йўғимда сизларга қараб туриши учун уй хизматчиси топишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Дадаси ҳам, ойиси ҳам ташвишда эди. Тушки овқат ҳар галгидан кўнгилсиз ўтди. Ўтирганларнинг сал бўлсаям кўнглини кўтариш учун нимадир қилиш кераклигини Миттивой тушунарди; бу ишни ўзидан бошқа ким боплайди?

— Энди бир хушxabар эшитинглар,— деб гап бошлади у.— Қани, топинглар-чи, бугун ким қайтиб келди?

— Ким қайтиб келди? Ҳар ҳолда, Қарлсон бўлмаса керак?—

деб сўради ойиси ташвиш аралаш.— Илтимос, бизни бошқа хафа қилма!

Миттивой ойисига гина аралаш қараб қўйди.

— Мен Қарлсоннинг қайтиб келганини эшитиб ҳамма хурсанд бўлади деб ўйлабман.

Боссе хахолаб кулиб юборди:

— Энди жуда маза бўларкан-да. Ойим кетиб, ўрнига Қарлсон қайтиб келса, бу ёқда хизматкор аёл ўз билганича иш тутса, роса кунимизни кўрарканмиз-да.

— Мени кўрқитмаларинг!— деди ойиси.— Агар хизматкор аёл Қарлсонни кўрса нима бўлишини биласизларми?

Дадаси Миттивойга бир ўкрайиб қўйди.

— Бу ҳақда гап бўлмайди,— деди у.— Хизматкор аёл Қарлсонни ҳеч қачон кўрмайди, унинг ҳақида ҳеч нима эшитмайди. Шунга ваъда бергин, Миттивой.

— Аслини олганда, Қарлсон истаган томонига учиб боради,— деди Миттивой.— Лекин унинг ҳақида хизматкор аёлга ҳеч нима гапирмайман, деб ваъда беришим мумкин.

— Умуман, ҳеч кимга бу ҳақда оғиз очма,— деди ойиси.— Шартимизни унутмагин.

— Агар ҳеч кимга айтиш мумкин бўлмаса, демак, муаллим опамизга айтиш мумкин экан-да.

Бирок дадаси бош чайқади:

— Йўқ, айта кўрма, унгаям мумкин эмас.

— Тушунарли!— деди Миттивой.— Демак, мен хизматкор аёл ҳақида ҳам ҳеч кимга ҳеч нарса демаслигим керак экан-да? Чунки у ҳам Қарлсондан баттар бошоғрик бўлса керак.

Ойиси хўрсиниб қўйди.

— Ҳали хизматчи топа оламизми, йўқми, маълум эмас.

Эртаси кун илар газетага эълон беришди. Бирок биттагина аёл телефон қилди. Унинг исми Бок хоним экан. Бир неча соатдан кейин у келишиб олгани уйга келди. Худди шу пайт Миттивойнинг кулоғи оғриб қолса бўладими. У ойисининг олдида бўлгиси келди. Унинг тиззасида ўтирса яхши бўларди-я, лекин очигини айтганда, Миттивой бу ёшдан аллақачон ўтиб қолганди.

«Кулок оғриб турганида ўтирса бўлади», деб ўйлади у ўзича ва ойисининг тиззасига чиқиб ўтириб олди.

Шу пайт эшик кўнғироғи жириглаб қолди. Бок хоним келганди. Миттивойга ойисининг тиззасидан тушишга тўғри келди. Лекин Миттивой ойисининг ёнидан бир кадам ҳам жилмади, ойиси ўтирган стулнинг суянчиғига осилиб олди-да, оғрик кулоғини унинг қўлига босди, оғрик жудаям кучайганида секин хиқиллаб йиғлаб кўярди.

Миттивой хизматкор ёш, чиройли, мактабдаги муаллима опасига ўхшаб ёқимтой киз бўлса керак деб умид қилувди. Лекин бутунлай акси бўлиб чиқди. Бок хоним баланд бўйли, барваста, қаттиққўл, ўз айтганини қиладиган бир сўзли аёл эди. Унинг бағбақаси бир нечта бўлиб, кўзлари хунук боқарди. Миттивой аввалига ҳатто кўрқиб ҳам кетди. У Бок хонимни ҳеч қачон яхши кўрмаслигини дарров тушунди. Бимбо ҳам буни тушунгандай тинмай ақилларди.

— Э, итимиз ҳам бор денглар?— деди Бок хоним.

Ойиси ташвишга тушиб қолди.

— Нима, итни ёмон кўрасизми, Бок хоним?— деб сўради ойиси.

— Йўқ, нега, яхши тарбия кўрган итларни ёқтираман.

— Бимбонинг яхши тарбия кўрганига унчалик ишонмайман,— деб эътироф этди ойиси.

Бок хоним кўл силтаб қўйди.

— Ҳечкиси йўқ, сизларникига келсам у яхши тарбияланади. Итларни бирпасда ипакдай қилиб қўяман.

Миттивой, шу хотин бизникига ҳеч қачон келмасин, деб ўзича дуо қилди. Бунинг устига қулоғи яна санчиб қолди, у секин ихраб қўйди.

— Ақиллаган ит билан ҳиқиллаган боланинг танобини тортиб қўйиш қўлимдан келади,— деди Бок хоним кулимсираб.

Афтидан, у бу гапи билан Миттивойни уялтирмоқчи бўлди шекилли, лекин Миттивой ўзича ҳеч уяладиган ерим йўқ деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам секин, худди ўзига-ўзи гапиргандай:

— Ботинкам ғирчиллайди,— деди.

Ойиси эшитиб, уялганидан қизариб кетди.

— Сиз болаларни яхши кўрсангиз керак-а, Бок хоним?

— О, бўлмасам-чи, одобли, тарбия кўрган болаларни яхши кўраман,— деб жавоб қилди Бок хоним. Кейин Миттивойга тикилиб қолди.

Ойиси яна хижолат бўлди.

— Миттивойни жуда яхши тарбия кўрган, одобли деб айтолмайман,— деб мингиллади ойиси.

— У яхши тарбия олади, одобли бўлади,— деб ойисини ишонтирди Бок хоним.— Ташвиш тортманг, болалар ҳам менинг қўлимга тушса, дарров ипакдай мулойим бўлиб қолишади.

Миттивой ҳаяжонланганидан кизариб кетди: Бок хоним қўлига тушиб, мўмин, мулойим бўлган болаларга жуда раҳми келди. Ҳадемай ўзи ҳам ўшаларнинг бири бўлади. Бунчалик кўркиб кетганига ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади.

Ҳа, айтмоқчи, ойиси ҳам анча гангиб қолганди. У Миттивойнинг бошини силади-да:

— Бу болага яхши гапирсангиз, ҳамма айтганингизни қилади,— деди.

— Тажрибадан шуни синадимки, ширин гап ҳаммавақт ҳам ёрдам беравермас экан,— деб қатъий эътироз билдирди Бок хоним.— Болаларга нисбатан қаттиққўл бўлиш керак, улар катталардан бир оз чўчисин.

Кейин Бок хоним ойига қанча пул олиши ҳақида гапирди, мени уй хизматчиси эмас, уй бекаси, уй хўжайини деб аташлар, деб огоҳлантириб ҳам қўйди. Шу билан музокара тугади. Худди шу пайт дадаси ҳам ишдан келди, ойиси уларни бир-бирига таништирди.

— Бизнинг уй бекамиз Бок хоним.

— Бизнинг... уй золимамиз,— деб шивирлади Миттивой ва хонадан чопқиллаганча чиқиб кетди.

Эртасига ойиси бувисиникига жўнаб кетди. Уни кузатишаётиб ҳаммалари йиғлашди, айникса Миттивой кўп йиғлади.

— Бу уй золимаси билан ёлғиз қолишни истамайман!— деди Миттивой хикиллаб йиғлаб.



Бирок қолмасликнинг иложи йўқ эди, буни унинг ўзи ҳам биларди. Боссе билан Бетан мактабдан кеч келишарди, дадаси бўлса ишдан соат бешдан олдин қайтмасди. Ҳар куни Миттивой уй золимаси билан бир неча соатлаб бирга бўлиши керак эди. У шунинг учун ҳам йиғлаганди.

Ойиси уни бағрига босиб ўпди:

— Яхши бола бўлиб юргин ... мен учун! Илтимос, уни уй золимаси деб атама.

Эртаси куни Миттивой мактабдан келиши биланок кўнгилсизликлар бошланди. Ошхонада на ойниси, на қаҳва, на ширин кулча бор эди. Энди ошхонада Бок хоним хўжайинлик қиларди. Миттивойнинг келганига у хурсанд бўлмади ҳам.

— Хамир овқат иштаҳани бўғади,— деди.— Ҳеч қайсинг ширин кулча емайсан.

Ўзи эса бир талай ширин кулча пишириб, совусин деб дераза тоқчасига қўйганди.

— Ахир...— деб гап бошлаганди Миттивой.

— Ҳеч қандай «ахир-пахир» йўқ,— деди Бок хоним унинг гапини бўлиб.— Авваламбор ўғил боланинг ошхонада қиладиган иши йўқ. Ўз хонангга кириб, дарсингни тайёрла. Қамзулингни осиб қўй, қўлингни юв! Қани, чакқон-чаққон бўл!

Миттивой ўз хонасига чиқиб кетди. Унинг ҳам жаҳли чиққан, ҳам қорни оч эди. Бимбо сават ичида ухлаб ётарди. Бирок Миттивой остонадан ҳатлаб ўтиши билан Бимбо сават ичидан дик этиб сакраб тушди-да, унга пешвоз чикди.

«Мени кўриб хурсанд бўладиган одам бор экан-ку»,— деб ўйлади Миттивой ва кучукни кучоқлади.

— У сенга ҳам озор бергандир-а? Уни кўрарга кўзим йўқ! «Қамзулингни осиб қўй, қўлингни юв» эмиш! Эҳтимол мен ҳам шкафни шамоллатиб, оёқларимни ювишим керакдир? Қамзулимни биров айтмаса ҳам осиб қўяман! Ҳа, ҳа!

У камзулини Бимбонинг саватига ташлади, Бимбо камзулнинг энгини тишлаганича устига чиқиб ётиб олди.

Миттивой дераза олдига келиб кўчага қаради. У дераза олдида туриб, ўзининг қанчалик бахтсизлиги, ойиси бўлмаса қанчалик юраги сикилиши ҳақида ўйлади. Бирдан хурсанд бўлиб, юзи ёришиб кетди: том тепасида, кўчанинг нариги бетида Карлсон учиш бўйича жуда мураккаб машқлар қиларди. У мўрилар орасидан гир-гир айланиб, аҳён-аҳёнда ҳавода чархпалак бўлиб учарди.

Миттивой кучининг борича қўлини силкитди, Карлсон шу захоти учиб келди. Келганидаям шиддат билан ўкдай учиб келгандики, Миттивой чеккага ранг қочиб қолди, бўлмаса унга урилиши мумкин эди.

— Салом, Миттивой!— деб қичқирди Карлсон.— Сени хафа қилмадимми ишқилиб? Нега хафа кўринасан? Нима, мазанг йўқми, тобинг қочдимми?

— Йўқ, гап бунда эмас,— деб жавоб берди Миттивой, кейин Карлсонга ўзининг мушкул аҳволи, ойисининг қишлоққа кетиб, ўрнига уй золими — ўлғудай совуқ, жаҳли тез, ҳасис бир хотин келгани, мактабдан келганингдан кейин ҳатто ширин кулча ҳам бермаслиги,

холбуки ширин кулча дераза токчасида уюлиб ётгани ҳақида бирма-бир гапириб берди.

Карлсоннинг кўзлари чарақлаб кетди.

— Омадинг бор экан,— деди у.— Қани топ-чи, уй золимларини тийиб қўйишда дунёда энг уста ким?

Миттивой дарров фаҳмлади, лекин у Карлсон Бок хонимга бас кела олади, деб сира ўйламаганди.

— Мен ишни унинг попугини пасайтиришдан бошлайман.

— Сен унинг «жонига тегаман» демокчисан-да?— деб такрор сўради Миттивой.

Карлсоннинг бунақанги бемаъни эътирозга тоқати йўқ эди.

— Агар «жонига тегаман» демокчи бўлсам, худди шундай дердим: «Попугини пасайтириш» ҳам худди ўша жонига тегишнинг ўзи-ю, фақат яна ҳам кулгили бўлади-да. Буни ўзинг ҳам тушунгандирсан.

Миттивой бир оз ўйлаб турди-да, Карлсоннинг ҳақлигига ноилож тан берди. «Попугини пасайтириш» чиндан ҳам жуда кулгили эшитиларди.

— Менимча, ишни ширин кулчаларни йўқ қилишдан бошлаган маъкул,— деди Карлсон.— Сен менга ёрдам беришинг керак.

— Қандай қилиб?— деб сўради Миттивой.

— Ошхонага кириб, уй золимасини гапга сол.

— Майли-ю, лекин...— деб гап бошлаганди Миттивой.

— Ҳеч қандай «лекини» йўқ,— деб шартта унинг гапини бўлди Карлсон.— Сен у билан истаган нарсанг ҳақида гаплашишинг мумкин, у сал алахсиса бўлгани.

Карлсон хахолаб кулиб юборди, у гўё товукдай қақиллаб хандон отарди. Кейин кнопкини босди, паррак ғувиллаб айланди-ю, Карлсон ҳамон хахолаб кулганича деразадан учиб чиқиб кетди.

Миттивой ошхонага дадил кетди. Уй золимасининг танобини тортиб қўядиган энг зўр одам бўлганидан кейин у нимадан ҳам кўркарди.

Бу гал Бок хоним Миттивойни яна ҳам совук қарши олди. У энди ўзига қаҳва қайнатаётган эди. Бок хоним бир неча минут ёлғиз ўзи ором олиб, ширин кулчалар билан қаҳва ичмокчи эканлигини Миттивой жуда яхши биларди. Демак, хамир овқат болаларга зарар қилар экан-да.

Бок хоним Миттивойга бир қараб қўйди. У тумтайиб олганди.

— Сенга нима керак?— деб сўради у энсаси қотиб.

Ҳозир айни у билан гаплашадиган пайт, деб ўйлади Миттивой. Лекин гапни нимадан бошлашни билмай гаранг эди.

— Қани топинг-чи, сиздай катта бўлганимда мен нима иш қиламан?— деб сўради у ниҳоят.

Шу пайт унинг қулоғига ғувиллаган таниш товуш эшитилди. Бироқ Карлсон кўринмасди. Фақат дўмбоқ кичкина қўлча деразада лип этиб кўринди-ю, лагандаги ширин кулчани илиб кетди. Миттивой қиқиллаб кулиб юборди. Бок хоним ҳеч нимани сезмади.

— Хўш, катта бўлганимда нима қиласан?— деб сўради у пешонаси тиришиб. Бу нарса уни мутлако кизиктирмаслиги шундай сезилиб турарди. У Миттивойдан тезроқ қутулишни истарди.

— Йўқ, сиз топинг-да!— деб туриб олди Миттивой.

Шу пайт у кичкина дўмбок қўлчанинг лагандан яна бир кулчани олганини кўриб қолди. Миттивой яна кикиллаб кулиб юборди. У ўзини тиймокчи бўлди-ю, лекин сира иложини қилолмади. Афтидан, унда кулги йиғилиб қолганга ўхшайди, гўё у тутқич бермай, ичидан отилиб чиқаётгандай эди. Бок хоним жаҳли чиқиб, Миттивой дунёда энг инжик, кишининг жонига тегадиган бола деб ўйлади ўзича. Келган вақтини қаранг-а, хотиржам қаҳва ичмокчи бўлиб турувди-я.

— Қани топинг-чи, сиздай катта бўлганимда нима иш қилман?— деб тақрор сўради Миттивой ва аввалгидан баттар қикиллаб кулди, чунки энди икки кичкина қўлча лагандаги қолган кулчаларнинг ҳаммасини олиб кетди.

— Сенинг бемаъни гапларингни эшитишга вақтим йўқ,— деди Бок хоним.— Катта бўлганимда нима иш қилишинг ҳақида бош қотирмокчи эмасман. Ҳозирча ёш бола экансан, катталарнинг айтганини қил. Ошхонадан жўна, бориб дарсингни тайёрлагин.

— Ҳа, ҳозирок тайёрлайман,— деди Миттивой ва шундай хахлаб кулдики, ўзини туюлмади эшик кесақисига суюниб қолди.— Лекин сиздай катта бўлганимда мен тинмай жаврайдиган бўлман, бу турган гап.

Бок хонимнинг юзи ғалати бўлиб кетди, гўё у ҳозир Миттивойни дўппослайдигандай эди. Лекин шу пайт кўчадан сигирнинг маърашига ўхшаш ғалати бир товуш эшитилди. Бок хоним шартта ўгирилиб, лаганда кулчаларнинг йўқлигини кўриб қолди.

Бок хоним жаҳли чиқиб бақирди:

— Вой худойим, кулчалар қани?

У дераза олдига чошиб борди. Афтидан, у ширин кулчаларни қўйнига солиб қочиб кетаётган ўғрини кўриб қоламанми, деб ўйлади шекилли. Свантесон онласи тўртинчи қаватда туради, бундай узун оёқли ўғрилар бўлмаслигини у яхши билади, албатта.

Бок хоним хангу манг бўлиб, стулга ўтириб қолди.

— Нахотки каптарлар?— деб минғиллади у.

— Маъраган товуш эшитилганига қараганда ҳойнахой сигир бўлса керак,— деди Миттивой.— Ширин кулчаларни яхши кўрадиган учар сигирдир. У кулчаларни кўриб қолгану тили билан ялаб кетган.

— Бемаъни гапларингни қўй,— деб тўнғиллади Бок хоним.

Лекин шу пайт дераза томондан Миттивойнинг қулоғига яна таниш овоз эшитилди. Ўша овозни босиб юбориш ва Бок хонимни бошқа нарсага қалғитиш учун Миттивой овозининг борича ашула айтиб юборди:

Эй, хонқизи, хонқизи

Учгин кўк томон,

Келтир бизга нон,

Ҳам ширин кулча.

Бўғирсоқ анча.

Миттивой ойиси билан бирга тез-тез шеър ёзиб турарди. Ойиси икковининг «хон қизи», «ширин кулча», «тешиккулча» ҳақида ёзган













шеърлари яхши чиққанини Миттивойнинг ўзи ҳам биларди. Лекин Бок хоним бошқача фикрда эди.

— Жим бўл! Бу бемаъни қилиқларинг жонимга тегди!— деб ўшқирди у.

Худди шу пайт дераза олдида нимадир жаранглаб кетди, иккови ҳам кўрққанларидан сесканиб кетишди. Улар ўгирилиб қарашди-да, бўш лаганда ётган беш эре тангани кўришди. Миттивой яна кикиллаб кулди.

— Жуда виждонли сигир эканми,— деди у кулги аралаш.— Ширин кулчаларга пул ташлаб кетибди.

Бок хоним ғазабдан кип-қизариб кетди.

— Бу қанақа аҳмоқона ҳазил!— деб бақирди у ва яна дераза олдига чопиб борди.— Тепадаги квартирада турадиганлардан битта-яримтаси ҳазиллашиб кулчаларимни ўғирлаб, ўрнига беш эре танга ташлаб кетяпти шекилли.

— Тепамизда ҳеч ким турмайди,— деди Миттивой.— Биз энг юқори каватда турамиз, тепамизда том бор, холос.

Бок хоним тутақиб кетди.

— Ҳеч нимага тушунолмайдим!— деб ўшқирди.— Ақлим етмай қолди.

— Ҳа, мен буни алақачон пайқовдим,— деди Миттивой.— Келинг, шунга ҳам хафа бўлиб ўтирасизми. Ахир, ҳамма ҳам ақлли бўлавермайди-ю.

Миттивой бу гапи учун тарсаки еди.

— Мен сенга кўполлик қилишни кўрсатиб қўяман!— деб бақирди у.

— Йўқ, йўқ, керакмас, кўрсатмай қўя қолинг,— деб ялинди Миттивой ва йиғлаб юборди.— Бўлмаса, ойим қайтиб келганлариди мени таниёлмайдилар.

Миттивойнинг кўзлари йилтирарди. У ҳамон йиғларди. Уни ҳеч қачон ҳеч ким урмаган эди. Шунинг учун ҳам жуда хўрлиги келди. У Бок хонимга ўқрайиб қараб қўйди. Бок хоним унинг қўлидан ушлаб, хонасига олиб кирди.

— Шу ерда ўтир, ўз қилмишингдан ўзинг уялгин,— деди у.— Мен эшикни беркитиб, калитини олиб қўяман. Энди ҳар беш минутда ошхонага кириб-чиқавермайсан.

У қўлидаги соатига қаради.

— Менимча, сени ипакдай мулойим қилиш унинг бир соат етар дейман. Соат учда сени чиқариб юбораман. Ўтириб, кечирим сўраганда нималар дейиш кераклигини эслаб олгин.

Бок хоним шундай деди-ю, чиқиб кетди. Миттивой кулфнинг шиқ этиб ёпилганини эшитди: энди эшик берк, у ҳеч қаёққа чиқолмайди. Ахир бундан ёмони борми? У Бок хонимни жуда ёмон кўриб қолганди. Бироқ ўзидан ҳам айб ўтди, чунки одоб сақлаёлмади. Мана энди уни тўрқовокка ўтказиб қўйишди. Ойиси, Миттивой уй золимасини мазах қилган, кўполлик қилган деб ўйлайди. У ойиси ҳақида, уни ҳали-вери кўролмаслиги ҳақида ўйлади-ю, яна йиғлаб олди.

Бироқ шу пайт гувиллаган товуш эшитди ва хонага Қарлсон учиб кирди.



— Сени оддийгина нонуштага таклиф қилсам нима дейсан?— деб сўради Карлсон.— Қаҳва билан юмшоқкина ширин кулчаларим бор. Таклиф қиламан.

Миттивой унга миннатдорлик билан қараб қўйди. Дунёда Карлсондан яхши одам йўқ! Миттивой уни кучоклагиси келди. У кучокламоқчи ҳам бўлганди, лекин Карлсон уни итариб юборди.

— Ўзингни бос, ўзингни. Мен сенга бувинг эмасман. Хўш, учдикми?

— Ие, бўлмасам-чи!— деб кичкириб юборди Миттивой.— Ҳа, айтмоқчи устимдан беркитиб қўйишган. Биласанми, худди камокда ўтиргандайман.

— Ҳа, билдим. Бу уй золимасидан чикқан хунар. Унга қолса, сен хонангдан ташқарига бир умр чикмасанг.

Карлсоннинг кўзлари бирдан порлаб кетди, хурсанд бўлганидан дик-дик сакради.

— Биласанми, нима қиламиз? Ўйин ўйнаймиз. Сен гўё камокдасану, ўша золим назоратчи — уй золимасининг дастидан кўп азоб тортясан. Тушундингми? Қутилмаганда дунёда энг зўр, кўркмас, тўладан келган ажойиб бир баходир пайдо бўлади-ю, сени кутқаради.

— Ўша қахрамон ким экан?— деб сўради Миттивой.

Карлсон Миттивойга гина аралаш қараб қўйди.

— Қани топ-чи! Тополмадингми?

— Эҳтимол сендирсан,— деди Миттивой.— Лекин сен мени ҳозирок кутқаришинг мумкин, шундай эмасми?

Бунга Карлсон эътироз билдирмади.

— Бўлмасам-чи, албатта кутқара оламан, чунки ўша қахрамон жудаям эпчил, абжир, чаккон,— деб тушунтирди у.— Қарчиғайдай учқур, ҳа, ҳа, рост айтяпман, ҳам довьюрак, ҳам бақувват, ҳам келишган, ҳам семизгина. У тўсатдан пайдо бўлади-ю, сени кутқаради, чунки у хаддан ташқари жасур. Бир, икки, уч, мана у.

Карлсон Миттивойни маҳкам кучоклаб олди-да, ўкдай учиб кетди. Ҳа, чиндан ҳам довьюрак қахрамон! Бимбо Миттивойнинг деразадан чиқиб кетаётганини кўриб, вовиллади, лекин Миттивой унга йўл-йўлакай кичкирди:

— Хотиржам бўл, хотиржам! Мен тезда қайтиб келаман.

Тепада, Карлсоннинг эшиги олдида кип-қизил қилиб пиширилган ўнта ширин кулча қатор қилиб териб қўйилганди. Улар одамнинг иштаҳасини китиқларди.

— Улар учун ҳалол ҳақ тўладим,— деб мактанди Карлсон.— Биз кулчаларни тенг бўлиб оламиз — сенга етита, менга етита.

— Бўлиб бўлмайди,— деб эътироз билдирди Миттивой.— Еттию етти ўн тўрт бўлади, бизнинг эса ўнта кулчамиз бор.

Карлсон жавоб ўрнига шоша-пиша етита кулчани бир четга уйиб қўйди.

— Булар меники, ўзимникини ажратиб олдим,— деди у дўмбок қўлчаси билан кулчаларни беркитиб.— Ҳозир мактабларда аҳмокона ҳисоб қилишади. Бироқ мен шу бемаъни ҳисобни деб жабр-

ланишни истамайман — биз еттитадан бўлиб оламиз, вассалом, ма-на булар меники.

Миттивой итоаткорона бош ирғади.

— Бўпти, бари бир мен учтадан ортик ея олмайман. Қахва-чи, қахва қани?

— Пастда, уй золимасникида,— деб жавоб берди Карлсон.— Хозир бориб олиб келамиз.

Миттивой унга қўрқув аралаш қараб кўйди. Бок хонимни яна кўришга, бунинг устига тарсаки ейишга тоби йўқ эди. Бунинг устига қахва солинган банкани қандай қилиб олишади, Миттивойнинг бунга сира ақли етмасди. Ахир, банка очик дераза токчасида эмас, Бок хонимнинг шундай кўзи олдида, плитанинг ёнидаги жавон устида турибди-я.

— Уни қандай олиш мумкин? — деб сўради Миттивой хайрон бўлиб.

Карлсон завқи ичига сигмай кийкириб юборди:

— Э, сенинг бунга ақлинг етармиди, ахир сен калтафаҳм бир боласан-да! Бироқ дунёда энг зўр шумтака ишга киришадиган бўлса, ташвиш тортишнинг хожати йўқ.

— Тўғрику-я, лекин қандай...— деб гап бошлаганди Миттивой, Карлсон унинг сўзини бўлди.

— Айт-чи, бизнинг уйимизда кичкина балкончалар борлигини биласанми?— деб сўради Карлсон.

Бўлмасам-чи, Миттивой бунга биледи. Ойиси пойандозларни кўпинча шу балкончада қоқарди. Бу балкончаларга фақат орка эшикдаги зинадан ўтиш мумкин.

— Орка эшик билан балкончанинг оралиги битта зиначалик келишини, ҳаммаси бўлиб ўнта поғона борлигини биласанми?— деб сўради Карлсон.

Миттивой хали ҳам ҳеч нимага тушунмаганди.

— Ўша балкончага чиқишнинг нима кераги бор?

Карлсон бир хўрсиниб кўйди.

— Ух, бунча ҳам нодон бўлмасанг, ҳамма нарсани оғзингга чайнаб солиб кўйиш керак-а. Мен ўйлаб топган нарсани қулоғингни бериб яхшилаб эшитиб ол.

— Қани, гапир, гапир!— деб шошилтирди Миттивой сабри чидамай.

— Гап бундоқ,— деб секин гап бошлади Карлсон.— Битта тентак бола «Карлсон» системали вертолётда ўша балконга учиб келади, кейин зинадан атиги ўн поғона тушади-да, эшикларингнинг қўнғироғини кучининг борича босади. Тушундингми? Жаҳлдор уй золимаси қўнғироқ овозини эшитиб, гурсиллатиб қадам босиб, шошмасдан эшикни очгани кетади. Шундай қилиб, ошхона бир неча минут душмандан тозаланади. Довюррак, миктидан келган қахрамон деразадан учиб қиради-да, ўша захоти қахва солинган банкани олиб, учиб чиқади. Тентак бола қўнғироқни яна бир бор узок босади ва қайтадан балкончага чопиб чиқади. Жаҳлдор уй золимаси эшикни очади-ю, ҳеч ким йўқлигини кўриб, баттар жаҳли чиқади. Балки, у қизил атиргул олиб келишди деб ўйлагандир. У тўнғиллаб, эшикни ёпади. Балкончадаги тентак бола микти қахрамоннинг келишини



кутаркан, ўзинча котиб-котиб кулади. Қахрамон уни ажойиб зиёфат — ширин-шакар, юмшоқ кулчалар кутаётган томга олиб чиқиб кўяди. Қойилмисан, Миттивой, қани топ-чи, дунёда энг зўр шумтака ким? Қани, энди ишга киришайлик.

Миттивой эс-хушини йиғиб улгурмасиданок, Қарлсон уни олиб балконча томонга учиб кетди! Улар шундай кескин бурилдиларки, Миттивойнинг қулоғи шанғиллаб, юраги Америка тоғларида юрган-дагидан кўра кучлироқ шувуллаб кетди. Кейин ҳамма иш худди Қарлсон айтганидек бўлди.

Қарлсоннинг моторчаси ошхона деразаси олдида ғувиллаб турди, Миттивой бўлса орқа эшикнинг қўнғироғини кучининг борича босди. У ўша заҳоти яқинлашаётган қадам товушини эшитиб, орқа-олдига қарамай чопди ва ҳаш-паш дегунча балкончага чиқиб олди. Бир зум ўтмай эшик очилиб, Бок хоним бошини чиқариб қаради. Миттивой эҳтиётлик билан мўралаб, уни балкон эшигининг ойнасидан кўрди. Қарлсон жуда топиб гапирган экан: жаҳлдор уй золимаси ҳеч ким йўқлигини кўриб, қазабидан кўкариб кетди. У овозининг борича бақариб қарғаб, ҳалигина қўнғирокни босган одамнинг яна қайтиб келишини кутаётгандай, очик эшик олдида анча туриб қолди. Бирок қўнғирокни босган одам балкончада яшириниб олиб, котиб-котиб куларди. Ниҳоят миқтидан келган қахрамон учиб келиб, уни мўри орқасидаги уйчаннинг эшиги олдига олиб бориб қўйди. У ерда буларни ажойиб зиёфат кутарди.

— Қойил!— деди Миттивой, зинапояда Қарлсон билан ёнма-ён ўтираркан. У кулча еб, қаҳва ичаркан, кўёш нурида ялтираб кўринаётган Стокгольмнинг том ва минораларини томоша қиларди.

Кулчалар жуда ширин, қаҳва ҳам жуда мазали эди. Миттивой уни Қарлсоннинг уч оёкли темир ўчоғида қайнатди. Сут билан қандии Қарлсон Бок хонимнинг ошхонасидан қаҳва солинган банкага кўшиб олиб келганди. Ахир сутсиз, қандсиз қаҳва бўладими.

— Ҳаммасининг ҳақини ҳалол тўладим, беш эрелик танга ташлаб келдим, у ҳозир ҳам ошхонадаги стол устида ётибди,— деди Қарлсон ғурур билан.— Ҳалол одам хамиша ҳалоллигича қолади, бу турган гап.

— Сен бу беш эрелик тангаларни қаёқдан олдинг?— деб сўради Миттивой хайрон бўлиб.

— Кўчадан топиб олган ҳамёндан,— деб тушунтирди Қарлсон.— Унинг ичи тангага тўла, бошқачалари ҳам бор.

— Демак, кимдир ҳамёнини йўқотиб қўйибди-да. Бечора хафа бўлгандир.

— Ие, бўлмасам-чи,— деди Қарлсон.— Лекин извошчи анқов бўлмаслиги керак.

— Ўша одамнинг извошчи эканлигини қаёқдан била қолдинг?— деб сўради Миттивой ажабланиб.

— Унинг ҳамёнини йўқолганини ўз кўзим билан кўрдим-да,— деди Қарлсон.— Унинг извошчи эканини шляпасидан билиб олдим. Ахир мен аҳмоқ эмасман-ку.

Миттивой Қарлсонга таъна аралаш қараб қўйди. Кўзинг олдида биров нарчасини йўқотса, киши ўзини бундай тутмайди. У буни Қарлсонга тушунтириб қўйиши керак. Факат ҳозир эмас... бошқа

вакт, ўрни келганда! Ҳозир у зинапояда Карлсон билан ёнма-ён ўтириб, куёш нуридан баҳра олгиси, кулча еб, қаҳва ичиб маза қилгиси келяпти.

Карлсон хаш-паш дегунча ўзининг еттита кулчасини еб бўлди. Миттивой имиллаб энди иккинчи кулчани еяётганди, учинчиси эса зинада ётарди.

— Жуда маза қиялпман-да!— деди Миттивой.

Карлсон у томонга энгашди-да, Миттивойнинг кўзларига тикилди.

— Кўринишингдан ҳечам маза қилаётганга ўхшамайсан. Кўри-нишинг ёмон, ҳа, жуда ёмон, рангинг ўчиб кетибди.

Карлсон ташвишланиб Миттивойнинг пешонасини ушлаб кўрди.

— Ҳа, ўзим билувдим-а! Кулча безгагига чалинибсан.

Миттивой хайрон бўлди:

— Бу яна қанақа касал, кулча безгагинг нимаси?

— Жуда хавфли, оғир касал, кулчани кўпроқ еб кўйсанг, кўрпа-тўшак қилиб ётиб оласан.

— Агар ундай бўлса, кулча безгаги касали билан энг аввало сен оғришинг керак эди!

— Сен янглишяпсан. Биласанми, мен уч ёшлигимда бу касал билан оғриганман, бу касал қизамик ёки кўкйўталга ўхшаб бир марта бўлади.

Миттивойнинг ҳеч қаери оғримасди, ўзини жуда соғлом сезарди, бу ҳақда Карлсонга гапирмоқчи бўлди.

Бирок Карлсон бари бир ўз айтганини қилиб, Миттивойни чалқанча тушиб ётишга мажбур қилди ва юзига қаҳвадан роса сепди.

— Ҳушингдан кетиб йиқилмагин деяпман-да,— тушунтирди Карлсон ва Миттивойнинг учинчи кулчасини ўз ёнига суриб кўйди,— энди сен бир тишлам ҳам ейишинг мумкинмас, чунки шу захоти ўлиб қолишинг мумкин. Бунга қарагин-а, мана бу бечора кулчанинг бахтига яхшиямки мен бор эканман, бўлмаса зинапояда якка-ёлғиз ётарди,— деди Карлсон ва кулчани шартта ютиб юборди.

— Энди у ёлғиз эмас,— деди Миттивой.

Карлсон мамнун бўлиб қорнига уриб кўйди.

— Ҳа, энди у ўз оғайнилари даврасида, ўзини миҳдай сезяпти!

Миттивой ҳам ўзини яхши ҳис қиларди. У зинапояда ётарди. Гарчи у кулча безгагига чалинган бўлса-да, ўзини жуда яхши сезарди. Миттивойнинг қорни тўқ эди. Шунинг учун ҳам Карлсон унинг учинчи кулчасини туя қилганига ҳеч ранжимасди.

Лекин у шу пайт минорадаги соатга қаради. Бир неча минути кам уч эди. У хаҳолаб қулиб юборди:

— Ҳадемай мени хонадан чиқариб юборгани Бок хоним келади. Йўқлигимни кўриб, қай аҳволга тушишини бир кўрсам эди.

Карлсон Миттивойнинг елкасига дўстона қоқиб кўйди.

— Қандай истагинг бўлса Карлсонга мурожаат қилавер, у ҳам-масини тўғрилайди, койил келади, бу ёғидан хотиржам бўлавер. Фақат уйга бориб менинг дурбинимни олиб кел. У диванчанинг тепасида, худди шифт тагида ўн тўртинчи миҳда осилиб турибди; дастгоҳнинг устига чиққин.

Миттивой муғамбирона кулимсираб қўйди.

— Ахир мен кулча безгаги билан оғриганман, кимирламасдан ётишим керак эмасми?

Карлсон бош чайкаб қўйди.

— «Қимирламай ётиш, кимирламай ётиш!» Нима, бунинг фойдаси бор деб ўйлайсанми? Аксинча, сен қанча кўп елиб-югурсанг, сакрасанг, шунчалик тез тузалиб кетасан. Бу аниқ гап, ишонмасанг, докторлар справочнигида кўришинг мумкин.

Миттивой тезроқ тузалишни истагани учун ҳам дарров уйга чопиб кетди, дастгоҳнинг устига чикиб, диванча тепасида, ўн тўртинчи миҳда осилиб турган дурбинни олди. Ўша миҳда сурат ҳам осифлик турарди, унинг пастки бурчагига кичкина қизил хўрозчанинг расми солинганди. Миттивой Карлсоннинг хўроз расмини чизишда дунёда энг зўр рассом эканлигини эслаб колди: ахир, «ёлғиз колган хўрознинг» расмини Карлсоннинг ўзи чизган-да. Бу расмининг пастки томонига юкоридаги сўзлар ёзиб қўйилганди. Чиндан ҳам бу хўроз Миттивой шу вақтгача кўрган хўрозларнинг ичида энг қизили, энг ғариби, сўккабоши эди. Бироқ уни яхшилаб кўришга Миттивойнинг вақти бўлмади, чунки соат стрелкаси учга яқинлашиб колганди, ҳаяллаш мумкин эмасди.

Миттивой дурбинни олиб келганида Карлсон учишга шай бўлиб турарди. Миттивой эс-хушини йиғиб олмасданок Карлсон билан бирга хавога кўтарилиб, кўчанинг нариги юзига учиб ўтди-да, рўпарадаги том устига қўнди.

Карлсоннинг ниятини Миттивой шундагина тушунди.

— Бу ер ажойиб кузатиш пости. Агар ҳам дурбин, ҳам хоҳиш бўлса хонамда нималар бўлаётганини мириқиб кўриш мумкин.

— Дурбин ҳам бор, хоҳиш ҳам бор,— деди Карлсон ва дурбинни олиб қаради. Кейин уни Миттивойга узатди.

Миттивой ўз хонасини кўрди, ўзи ўша ерда бўлганда ҳам бунчалик аниқ кўролмасди. Ана, Бимбо саватида ухлаб ётибди, ана Миттивойнинг каравоти, манави у дарс тайёрлайдиган стол, ана девор соати. У роппа-роса учни кўрсатиб турибди. Бироқ Бок хоним негадир кўринмайди.

— Хотиржам бўл, хотиржам,— деди Карлсон.— У ҳозир келиб қолади, сезиб турибман: ковурағаларим калтираб, аъзойи-баданним жимирлаб кетяпти.

У Миттивойнинг қўлидан дурбинни тортиб олди-да, кўзига тутди:

— Мен нима девдим? Ана эшик очиляпти, ана у жодугарнинг жилмайишини қилиб кириб келяпти.

Миттивой қиқиллаб кулиб юборди.

— Қара, қара, унинг кўзлари ҳайронликдан тобора каттарок очиляпти. Миттивойнинг қаёққа кетганини билолмай гаранг. Хойна-хой деразадан тушиб қочиб кетди, деб ўйласа керак.

Чиндан ҳам Бок хоним худди шундай деб ўйлади, чунки у ваҳи-мада дераза олдига чопиб борди. Миттивойнинг унга хатто раҳми келди. Бок хоним деразадан белигача энгашиб, гўё Миттивойни кўрмоқчи бўлгандай кўчага тикилиб қаради.

— Йўк, у кўчада эмас,— деди Карлсон.— Нима, кўркиб кетдингми?

Бирок Бок хоним дарров саросимага тушмади, ўзини йўкотмади. У хона ўртасига келди.

— Энди у кидиряпти,— деди Карлсон.— Каравотни қараяпти... стол тагига... каравот тагига қаради... Қойил-э, зўр иш бўлди-да!.. Шошма, ана у шкаф ёнига борди... Сени унинг ичида ғужанак бўлиб йиғлаб ётибди, деб ўйлаяпти шекилли...

Карлсон яна хахолаб кулиб юборди.

— Кел, бир шўхлик қилайлик,— деди у.

— Қандай қилиб?— деб сўради Миттивой.

— Мана бундай қилиб,— деди Карлсон ва Миттивой эс-хушини йиғиб олгунича бўлмай, у билан кўчанинг нариги юзига учиб ўтди-да, Миттивойни ўз хонасига ташлади.

— Яхши кол, Миттивой!— деб кичқирди у учиб кетаётиб.— Илтмос, уй золимаси билан мулойим гаплашгин.

Миттивой, бунн шўхликнинг энг яхши усули, деб ҳисобламасди, албатта. Бирок Карлсонга, сенга қўлимдан келганча ёрдам бераман деб ваъда қилганди. Шунинг учун у столи ёнига секин бориб ўтирди-да, ҳисоб китобини очди. У Бок хонимнинг шкафни титкилаётганини эшитди. У ҳозир ўгирилиб қарайди. Миттивой нафасини ичига ютиб, жим ўтирарди.

Чиндан ҳам Бок хоним шкаф ичидан чикди-ю, биринчи кўзи тушгани Миттивой бўлди. У орқасига тисарилиб бориб, шкаф эшигига суяниб қолди. Кўзларини Миттивойдан узмай, миқ этмай узок туриб қолди. У гўё ўзини текширган бўлиб, шундай кўринмаяптими дегандай кўзларини бир неча бор юмиб-очди.

— Худо хайрингни бергур, айт-чи, қаерга яширингандинг?— деди у ниҳоят.

— Мен яширинганим йўк. Стол ёнида ўтириб, ҳисобимни ишлаётгандим. Бок хоним, сизнинг мен билан бекинмачок ўйнамокчи бўлганингизни қаёқдан билай? Лекин тайёрман... Шкаф ичига қайтадан қиринг-а, мен жон деб кидираман.

Бок хоним Миттивойнинг бу гапига ҳеч нима демади. У индамасдан нима ҳақдадир ўйларди.

— Балки мен касалдирман,— деб гўлдиради ниҳоят Бок хоним.— Бу уйда жуда ғалати, ваҳимали нарсалар бўляпти-да.

Шу пайт Миттивой хонасининг эшигини ташқаридан кимдир секин кулфлаганини эшитиб қолди. Миттивой хахолаб кулиб юборди. Уй золималарини тийиб қўйишда дунёда тенгсиз бўлган Карлсон уйга ошхона деразасидан учиб қирган ва уй золимасига уйда қамалиб ўтиришнинг нималигини кўрсатиб қўймоқчи эди.

Бок хоним ҳеч нимани сезмади. У ҳамон жим турар ва нима ҳақидадир бош котирарди. Ниҳоят у гапириб қолди:

— Қизик! Ҳа, майли, мен тушлик тайёрлагунча ўйнаб келишинг мумкин.

— Раҳмат, жуда катта илтифот қилдингиз,— деди Миттивой.— Демак, мен энди қамаб қўйилган эмасман-а?

— Йўк, ўйнаб келишинг мумкин, рухсат бераман,— деди Бок хоним ва эшик олдига келди.

У эшик дастасини ушлаб, бир, икки, уч марта итарди. Бирок эшик очилмади. Бок хоним эшикни бутун гавдаси билан итарди, лекин бари бир очилмади.

Бок хоним бакириб юборди:

— Эшикни ким беркитди?

— Ўзингиз беркитгандирсиз-да,— деди Миттивой.

Бок хоним жаҳли чикқанидан ўшқирди.

— Нималар деб валдираяпсан! Ахир уй ичида туриб, қандай қилиб ташқарисидан беркитиб қўйишим мумкин.

— Бунисини билмадим,— деди Миттивой.

— Балки Боссе ёки Бетаннинг ишидир,— деб сўради Бок хоним.

— Йўқ, ахир, улар мактабда-ку,— деди Миттивой ишонч билан.

Бок хоним оғир хўрсиниб, стулга ўтириб қолди.

— Биласанми, нима? Менимча, уйда ажина бор,— деди у.

Миттивой қувонч билан бошини силкитди.

«Жуда зўр бўлди-да!— деб ўйлади у.— Карлсонни ажина деб ўйлаптимиз, демак, у кетади, бу ерда қолмайди: унинг ажина бор уйда қолишига кўзим етмайди».

— Сиз, Бок хоним, ажиналардан кўркасизми?— деб сўради Миттивой.

— Аксинча,— деб жавоб берди у.— Уларни кўришни кўпдан бери орзу қиламан! Ким билади, балки мен ҳам энди телевизорга тушарман! Биласанми, уларнинг махсус эшиттириши бор, телетомошабинлар чиқиб, ўзларининг жинлар билан учрашганларини гапириб беришади. Мен бу ерда бир кунда кўрган-кечирганларим ўнта телевизион эшиттиришга етади.

Бок хонимнинг севинчи ичига сигмасди.

— Синглим Фридани болайдиган бўлдим, ҳа, гапимга ишонавер! Фрида телевизорга чиқиб, кўрган жинлари, эшитган аллақандай ғалати товушлари ҳақида гапириб берувди. Мен уни бир тузлайдиган бўлдим, гап тополмай қолсин.

— Нима, сиз ҳам ғалати товушлар эшитдингизми?— деб сўради Миттивой.

— Нима, кулчалар ғойиб бўлганда дераза тагида сигирникига ўхшаш маъраган товуш эшитмадингми? Телетомошабинлар унинг қандай жаранглашини ўз қулоқлари билан эшитишлари учун мен ўша товушни такрорлаб беришга уриниб кўраман.

Бок хоним ғалати бир овоз чиқардики, Миттивой ўтирган жойида бир сесканиб тушди.

— Сал-пал ўхшаяпти,— деди Бок хоним хурсанд бўлиб.

Лекин шу пайт яна аллақандай даҳшатли товуш эшитилди. Бок хонимнинг ранги докадай оқариб кетди.

— У менга жавоб беряпти,— деди у шивирлаб.— Ўша... ажина... у овозимга жавоб қиляпти! Шуларнинг ҳаммасини телевизорда гапириб бераман. Фриданинг роса жаҳли чиқади, роса ҳасад қилади-да.

У Фриданинг телевизорда чиқиб, ажинани кўрганлиги ҳақида роса мактанганини Миттивойга бирма-бир гапириб берди.

— Агар унинг гапига ишонсак, бутун Вазастан райони ғиж-ғиж ажина эмиш, уларнинг ҳаммаси Фриданинг хонасида бўлармишу менинг хонамга сира кадам босишмасини. Бир кун кечкурун



хонасидаги деворда ажинанинг, ҳа, ҳа, ажинанинг қўлини кўрганлигини, у саккизта сўз ёзганини айтиб, мени ишонтирмокчи бўлди. Ҳа, айтмокчи, синглим чиндан ҳам ўзини эҳтиёт қилиши керак эди,— деди Бок хоним.

— Нимага эҳтиёт қилиши керак эди?— деб сўради Миттивой қизиксиниб.

Бок хоним ўйлашиб қолди:

— Ҳалиги... Нимаям эди. Ҳа, эсладим: «Эҳтиёт бўл! Сен анча енгилтаксан! Умр эса шунчалар қисқаки!» дейилган эди.

Миттивойнинг ҳеч нимани тушунмагани кўринишидан сезилиб турарди.

Бок хоним бу гапнинг маъносини унга тушунтирмокчи бўлди.

— Биласанми, бу Фридани ўзгаришинг керак, тинч-хотиржам яшашинг, қадамингни билиб босишинг керак, деб огоҳлантириш эди.

— У ўзгардимиз?— деб сўради Миттивой.

Бок хоним жаҳли чиқиб пўнғиллади:

— Қаёқда. Ҳар ҳолда, мен сезмаяпман. Мақтангани-мақтанган. Телевизорда атиги бир марта чикди-ю, ўзини телевидениенинг гулиман, деб юради. Ҳа, мана энди попугини пасайтириб қўяман.

Бок хоним завқ билан кафтларини ишқалади. Миттивой билан бир хонада камалиб ўтирганидан у ҳечам ташвиш тортмасди. Нихоят у Фриданинг попугини пасайтириб қўядиган бўлди! Ҳозир унинг оғзи қулоғида эди. У Фриданинг телевизорда айтганлари билан ўзининг ажиналарни кўрганию бошидан кечирганларини қайта-қайта солиштириб кўрарди; Боссе мактабдан келгунича Бок хоним шулар ҳақида ўйлаб ўтирди.

— Боссе, эшикни очиб, бизларни чиқариб юбор? Мен уй золи...

Бок хоним билан бирга камалиб ўтирибман.

Боссе эшикни очди — у хангу манг бўлиб қолганди.

— Ана холос! Сизларни бу хонага ким қамаб қўйди?

Бу ҳақда батафсил гапириб ўтиришга Бок хонимнинг вақти йўқ эди, у шундаям тушлик овқатни вақтида тайёрлаёлмади. Бок хоним шоша-пиша ошхонага чиқиб кетди.

Бир зум ўтмай унинг қичқирган овози эшитилди.

Миттивой унинг орқасидан ўқдай учиб чиқиб келди.

Бок хоним стулда кимир этмай ўтирарди, рангида ранг қолмаганди. У индамай деворни кўрсатди. Маълум бўлишича, ажина фақат Фриданинг ўзини огоҳлантирмабди. Бок хонимни ҳам огоҳлантириб кетибди.

Деворга йирик ҳарфлар билан, қинғир-қийшиқ қилиб қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилганди:

«Шу ҳам ширин кулча бўлди-ю! Пулимизни шилиб оласану долчинни аяйсан-а. Шошмай тур!»

## КАРЛСОН ВА ТЕЛЕВИЗОР

Дадаси тушки овқатга уйга келиб, яна бир кўнгилсизлик ҳақида гапириб қолди.

— Сиз бечораларга қийин бўладиган бўлди-да, бир неча кун

уйда ёлғиз коласиз. Мен зудлик билан Лондонга учишим керак, ишхонадан жўнатишяпти. Ҳаммаси кўнгилдагидай бўлади, деб ишонсам бўладими?

— Ие бўлмасам-чи, сира ташвиш тортманг,— деб уни ишонтирди Миттивой.— Ишқилиб, паррак тагига бориб турмасангиз бўлгани.

— Э, тушунмадиларинг,— деди дадаси ҳахолаб кулиб.— Мен уйни гапиряпман. Менсиз, ойиларингсиз ҳолларинг нима кечади?

Боссе билан Бетан ҳам, бизлардан ҳеч хавотир олманг, ҳаммаси жойида бўлади, деб дадасини ишонтиришди. Бетан бўлса ота-онасиз бир неча кун яшаш ҳатто жуда кизик бўларди, деди.

— Ҳа, фақат Миттивойга доим кўз-кулок бўлиб туринглар,— деди дадаси.

Бетан Миттивойнинг бошини меҳр билан силаб кўйди.

— Мен унга оналик қиламан,— деди у.

Бирок дадаси унинг бу гапига унчалик ишонмасди, Миттивойнинг ҳам бунга кўзи етмасди.

— Ҳеч уйда ўтирмайсан, болалар билан тентираганинг-тентираган,— деб пўнғиллади Миттивой.

Боссе уни юпатган бўлди:

— Ахир, мана мен борман-ку.

— Ҳа, борсан, фақат Остермальмдаги стадиондан бери келмайсан, эртаю кеч ўша ердасан,— деди Миттивой.

Боссе хахолаб кулиб юборди.

— Демак, битта уй золимаси коларкан-да. У болалар билан тентирамайди, стадионга бормайди.

— Ҳа, афсуски, шундай,— деди Миттивой.

У Бок хонимнинг қанақа хотинлигини уларга гапириб бермоқчи эди. Лекин Миттивой, Бок хонимдан ҳечам хафа эмаслигини пайқаб қолди. Ҳатто Миттивойнинг ўзи ҳам ҳайрон эди: у Бок хонимдан заррача ҳам хафа эмасди! Нега бундай бўлиб қолди? Демак, бир одам билан икки соат уйда қамалиб ўтирсанг, апок-чапоқ бўлиб кетишинг ҳеч гап эмас экан-да. У Бок хонимни бирдан яхши кўриб қолгани йўқ, албатта. Лекин у Бок хонимга анча меҳрибон бўлиб қолди. Бечорага ўша Фрида билан бир уйда туриш, мураса қилиш осонми? Характери оғир опа ёки сингил билан яшаш қандайлигини Миттивой жуда яхши билади. Бетан ҳозирча Фридага ўхшаб, мен телевизорда чиқиб гапирдим, деб мактанмаяпти.

— Кечаси ёлғиз ўзларинг қолишларингни истамайман,— деди дадаси.— Бок хонимдан илтимос қилиб кўрай-чи, мен йўқлигимда бизникида ётиб турмасмикин?

— Энди Бок хоним фақат кундузи эмас, кечаси ҳам мени тинч кўймас экан-да,— деди Миттивой оғир хўрсиниб. Лекин кўнглида, биз билан битта-яримта одамнинг, ҳатто ўша уй золимасининг бирга тургани ҳам маъқул деб ўйлади.

Бок хоним болалар билан бирга туришга бажонудил рози бўлди.

Миттивой иккови ёлғиз қолишганида нима учун бунга рози бўлганини гапириб берди:

— Биласанми, ажиналар кўпинча кечалари келишади, сизларникида туриб телевизион эшиттириш учун жуда кўп материал тўпла-

шим мумкин. Фрида мени экранда кўриб, оғзи ланг очилиб қолади, ўтирган стулидан йиқилиб тушади!

Миттвой жуда ташвишга тушиб қолди. Бок хоним дадаси йўқлигида уйларига телевидениедан бир дунё одам бошлаб келса, ўшалардан бирортаси Карлсон ҳақида билиб қолса, деган фикр Миттвойга тинчлик бермасди. Карлсон ҳақида билиб қолишса, ажиналар қолиб Карлсон ҳақида эшиттириш қилишади. Бу ҳақда ўйласа, Миттвойнинг юраги орқасига тортиб кетади. Ана ундан кейин бутун оиланинг боши ташвишдан чиқмай қолади, тинчи бузилади. Миттвой Карлсонни огоҳлантириб қўйиши, ундан сал эҳтиётроқ бўл, деб илтимос қилиши керак.

Лекин Миттвой Карлсон билан эртаси кечкурунгина учраша олди. У уйда ёлғиз ўзи эди. Дадаси Лондонга учиб кетган, Боссе ва Бетан ҳам уйда йўқ эди, Бок хоним Фрейгатедаги уйига, Фридадан янги ажиналарни кўрган-кўрмаганлигини сўраб билиб келгани жўнаганди.

— Мен тезда қайтиб келаман, — деди у кетаётиб Миттвойга. — Агар йўқлигимда жинлар келишса, уларга айт, мени кутиб туришсин, ҳа, уларга жой кўрсатиш эсингдан чиқмасин!

Бок хоним энди сира сўкинмас, ҳеч койимас, доим кулгани-кулган эди. Тўғри, у баъзи-баъзида Миттвойни койиб турарди, лекин Миттвой ҳеч хафа бўлмас, аксинча ўқтин-ўқтин уришгани учун ундан миннатдор эди. Бок хоним бу гал ҳам кўнгли чоғ эди. Унинг оёқ товушлари зарбидан деворлар зириллаб узок эшитилиб турди.

Ҳадемай деразадан Карлсон учиб кирди.

— Салом, Миттвой! Хўш, бугун нима қиламиз? — деб сўради у. — Буғ машинанг йўқми, уни портлагардик. Попугини пасайтириб қўйиш учун уй золиманг шу ердами? Менга бари бир, ишкилиб, бирор нарса билан овунсам бўлгани, бўлмаса ўйнамайман.

— Биз телевизор кўришимиз мумкин, — деб таклиф қилди Миттвой.

Буни карангки, Карлсон телевизор нималигини мутлақо билмас экан. У умрида телевизорни кўрмаган экан. Миттвой уни меҳмонхонага бошлаб кирди-да, янги, ажойиб телевизорларини фахр билан кўрсатди.

— Мана, кўр!

— Бу қанақа кути? — деб сўради Карлсон.

— Бу кути эмас, телевизор, — деб тушунтирди Миттвой.

— Унга нима солишади? Ширин кулчаларми?

Миттвой хахолаб кулиб юборди.

— Шошма, ҳозир нималигини кўрасан.

У телевизорни буради, шу заҳоти экранда бир одам пайдо бўлди. У Нурландда қандай об-ҳаво бўлиши ҳақида гапирарди.

Карлсон кўзларини катта очиб, ағрайиб қолди.

— Бу одамни кути ичига қандай қилиб киритдиларинг?

Миттвой ичаги узилгудай бўлиб қотиб-қотиб қуларди.

— Шунга ҳайрон бўляпсанми? У кичкиналигида ичига кириб олган, тушундингми?

— Уни бошларингга урасанларми?— деб сўради Карлсон бўш келмай.

— Ие, ҳазилни тушунмас экансан-ку! У кичкиналигида кирган эмас, унинг бизга ҳам кераги йўқ, албатта. У ўзи чикиб, эртага об-хаво қандай бўлишини гапириб беради... У кексалардай ҳамма нарсани биледи, тушундингми?

Карлсон кикиллаб қулди.

— Бу одам эртага об-хаво қандай бўлишини айтиб туриши учун уни қутининг ичига тикиб қўйганмисизлар?.. Бу нарсани мендан ҳам бемалол сўрашларинг мумкин!.. Чакмоқ чакади, ёмғир ёғади, дўл ёғади, бўрон бўлади, ер кимирайди. Хўш, энди сен хурсандмисан?

— Нурланд бўйларида эртага бўрон аралаш ёмғир ёғиши қутилади,— деди телевизордаги «билагон»

Карлсон баттар хахолаб қулди.

— Мана мен ҳам, бўрон аралаш ёмғир ёғади деяпман.

Карлсон телевизор олдига келди-да, бурнини телевизордаги «билагон»нинг бурнига теккизди.

— Ер кимирашини айтиш эсингдан чиқмасин! Бечора нурландликларга ваъда қилаётган об-хавосини қара-я, ҳечам ҳавас қилмайсан! Бироқ, улар шунга ҳам хурсанд бўлишлари керак, ҳар ҳолда, нимадир бўлади-ю. Ўзинг ўйлаб кўр, умуман, ҳеч қандай об-хаво бўлмаганда уларнинг ҳоли нима кечарди.— У экрандаги одамнинг елкасига дўстона қоқиб қўйди.— Жуда ёқимтой чол эканми?!— деди у.— Ҳа, у мендан пастроқ экан. У менга ёқиб қолди.

Кейин Карлсон тиз чўкиб, телевизорнинг тагига қаради:

— Ахир бу ерга қандай кириб олди?

Миттивой бу тирик одам эмас, фақат акси деб унга тушунтирмакчи эди-ю, лекин Карлсоннинг жаҳли чикиб кетди:

— Сен менга ақл ўргатмай қўя қол, тўнка! Сенчалик ақлим бор! Бу ўзгача одамлигини ҳам тушунаман. Оддий одамлар Нурланддаги об-хаво ҳақида гапириб ўтиришармиди?

Миттивой ҳам телевидение ҳақида кўп нарса билмасди, лекин у ҳар ҳолда бунинг нималигини Карлсонга тушунтириб бергиси келарди. Бундан ташқари у Карлсонга таҳдид солаётган хавф-хатарнинг олдини олмоқчи эди.

— Бок хонимнинг телевизорда чиқиб гапиришни қанчалик истаётганини билсанг эди,— деди Миттивой.

Карлсон хахолаб қулиб, Миттивойнинг гапини бўлди:

— Уй золимаси шундай кичкина қутининг ичига кирмоқчимми? Шундай барваста хотин-а! Уни тўрт буклаб солиш керак-да!

Миттивой ух тортиб қўйди. Карлсон ҳеч нимани тушунмади. Миттивой яна бир бошдан тушунтира кетди. Лекин яна бирор иш чиқаролмади. Ахири у телевизорнинг антиқа нарса эканлигини, унинг нималарга қодирлигини Карлсонга бир амаллаб тушунтирди.

— Бок хонимнинг телевизорда чиқиши учун унинг қути ичига кириши шарт эмас. У телевизордан бир неча километр узоқда бемалол ўтиравериши мумкин, ўшанда ҳам у экранда худди тирикдай бўлиб кўринади,— деб тушунтирди Миттивой.

— Уй золимаси худди тирикдай бўлиб кўринади... бу дахшат-

ку! — деб кичкирди Карлсон. — Сен яхисиси бу қутини ё синдир ёки бошқасига, ширин кулчалар солинганига алмаштириб ол, улар бизга керак бўлади.

Худди шу пайт экранда чиройли, ёқимтойгина диктор кизнинг юзи кўринди. У шундай самимий, ёқимли жилмайдики, Карлсон хангу манг бўлиб қолди.

— Шошма, яхшилаб ўйлаб олиш керак, — деди у. — Хар ҳолда агар алмаштирадиган бўлсак, янги пиширилган, юмшоқ кулчаларга алмаштириш керак. Чунки назаримда бу кути анча қиммат турадиганга ўхшайди.

Диктор киз бўлса ҳамон Карлсонга қараб жилмаярди, Карлсон ҳам кулимсираб кўйди. Кейин у Миттивойни бир чеккага суриб кўйди:

— Унга бир қарагин-а! Мен унга ёқиб қолдим, ҳа, ҳа, ахир у менинг чиройли, келишган, ақлли, қирчиллама йигит эканлигимни кўриб турибди-да.

Бирдан диктор киз ғойиб бўлди. Унинг ўрнига иккита семиз жаноб пайдо бўлиб, гапга тушиб кетишди. Бу Карлсонга ёқмади.

У ҳамма кнопкаларни бирма-бир босиб, дасталарини айлантира бошлади.

— Айланторма, мумкинмас, — деди Миттивой.

— Мумкин эмасинг нимаси! Ўша чиройли кизни қайтадан бураб чиқармоқчиман, — деди Карлсон.

У телевизор дасталарини хар томонга айлантириб кўрди, лекин диктор киз кўринмади. У хадеб бурайверганидан ҳалиги семиз жаноблар баттар семириб, оёқлари калта бўлиб, пешоналари эса чўзилиб кетди. Бу ўзгаришлар Карлсонни жуда хурсанд қилди — бу ўйин унга анчагача эрмак бўлди.

— Чоллар менинг айтганимни қилишяпти, — деди Карлсон хурсанд бўлиб.

Экрандаги жаноблар эса киёфаларини ўзгартириб, ҳамон тинмай гапирарди. Ниҳоят Карлсон уларга халакит берди.

— Менинг фикримча... — деб гап бошлади биттаси.

— Сенинг фикринг билан қанча ишим бор? — деб унинг гапини бўлди Карлсон. — Яхисиси уйингга бориб, ётиб ухласанг-чи!

У телевизорни шартта ўчирди-да, хурсанд бўлиб қулиб юборди.

— Ҳойнаҳой, жаҳли чикқандир! Фикрини айттирмадим, гапи оғзида қолди-да!

Телевизор Карлсоннинг жонига тегди, энди унга янги эрмак керак эди.

— Уй золимаси қани? Чақир уни, бир калака қилай?

— Калака қиламан... бу нима деганинг? — деб сўради Миттивой ташвиш аралаш.

— Уй золималарини тийиб қўйишнинг уч усули бор, — деб тушунтирди Карлсон. — Уларнинг попугини пасайтириб қўйиш, масхара қилиш, калака қилиш мумкин. Очиғини айтганда буларнинг ҳаммаси ҳам бир нарса-ю, бироқ улар билан очикдан-очик курашишнинг бирдан-бир йўли бу — калака қилиш.

Миттивой баттар ташвишга тушди. Агар Карлсон Бок хоним билан очикдан-очик курашадиган бўлса, у Карлсонни албатта кўра-



ди. Бунга йўл қўймаслик керак. Дадаси билан ойиси йўқ экан, Миттивойга қанчалик қийин бўлмасин, нима қилиб бўлса ҳам уларнинг учрашувига йўл қўймаслиги керак. Бир нима қилиб Қарлсонни кўрқитиш, унинг юрагига гўлгула солиш керак. Бок хонимнинг кўзига кўринмасликка унинг ўзи ҳаракат қилсин. Миттивой ўйлаб олди-да, кейин муғамбирона деди:

— Карлсон, телевизорга тушгинг келаётганга ўхшайди-а? Карлсон бошини сарак-сарак қилди.

— Мана шу қутига-я! Мен-а? Ҳеч-да! Ўзимни химоя қила оларканман, мени у ерга ҳеч ким олиб киролмайди.— Лекин у бир зум ўйланиб қолди-да, қўшиб қўйди:— Нима, кирсам кираверман-да... Агар ўша ёкимтой киз билан ёнма-ён туриб қолсам-а...

Миттивой бунга умид қилмасанг ҳам бўлади, деб уни ишонтира бошлади. Аксинча, агар телевизорга чиқсанг, ўша уй золимаси билан бирга чиқшинг аниқ, деди.

Карлсон сесканиб кетди.

— Уй золимаси икковимиз шундай кичкина қутичага сиғарми-дик?... Йўқ-э? Бунақада Нурландда ер кимирлайди-да! Мияннга қаёқдаги бемаъни фикрлар келади-я.

Миттивой унга Бок хонимнинг телевизор учун ажиналар ҳақида эшиттириш тайёрлаш ниятида эканлигини, эшиттириш Фрида кўрса стулдан йиқилиб тушадиган даражада бўлиши кераклигини гапириб берди.

— Нима, уй золимаси сизларникида ажинани кўрдими?— деб сўради Карлсон хайрон бўлиб.

— Йўқ, кўришга кўргани йўғу,— деди Миттивой,— лекин унинг дераза тагида гўлдираганини эшитди. Биласанми, у сени ажина деб ўйлапти.

Миттивой, Фрида, уй золимаси ва Карлсон ўрталарида маълум бир боғлиқлик борлигини тушунтира бошлади, лекин у тахминларида жуда каттиқ янглишди.

Карлсон тиз чўкди-да, хузур қилганидан қийқириб юборди, кейин Миттивойнинг елкасига уриб деди:

— Уй золимасини эҳтиёт қилгин! У уйингиздаги энг қиммат-баҳо буюм. Уни кўз қорачиғидай асра! Чунки биз энди чиндан ҳам вақтихушлик қиламиз, мириқиб ўйнаймиз.

— Қандай қилиб?— деб сўради Миттивой чўчиб.

— Э, гапирма!— деб қичқириб юборди Карлсон.— Стулдан биргина Фрида йиқилиб тушмайди. Фақат чоллар эмас, оламдаги ҳамма бу кўрсатувни кўриб лол бўлиб қолади.

Миттивойни яна ҳам ташвиш босди.

— Хўш, биз нима кўрамиз?

— Вазастандан келган кичкина ажина!— деди Карлсон ва овозининг борича бақирди:— Хоп, хоп, ура!

Миттивой индамай қолди. У Карлсонни огоҳлантирди, хавфхатардан асраб қолмоқчи бўлди, у ойиси билан дадасининг айтганини виждонан қилмоқчи бўлди. Лекин энди Карлсоннинг айтгани бўла қолсин. Бари бир Карлсоннинг айтгани бўлади. Майли, Карлсон билган қилигини, ўйига келганини қилсин, ажина бўлиб ўйнасин, Бок хонимни истаганча калака қилсин. Миттивой энди унинг

раъйини қайтармоқчи эмас. У бу қарорга келиб, энди чиндан ҳам бир маза қиларканмиз-да, деб ўйлаб кўйди. У Карлсоннинг бир куни ажина киефасига кириб, ойисининг пулини ва ошхонадаги кумуш идиш-товокларни ўғирламоқчи бўлган ўғриларни қандай қувиб юборганини эслади. Бу воқеа Карлсоннинг ҳам эсида эди.

— Эсингдами, ўшанда роса хурсандчилик қилувдик-а?— деб сўради у.— Ҳа, айтмоқчи, менинг ажина костюмим қани?

Миттивойнинг, уни ойим олиб кетди, дейишдан бошқа чораси қолмади. Ойиси ўшанда чойшабни тешгани учун жуда хафа бўлувди. Бироқ кейин уни ямаб, ажина кийимини яна чойшабга айлантириб қўйганди.

Карлсоннинг жаҳли чикиб, тўнғиллади:

— Саранжом-саришталикни яхши кўрган одамни жиним ёқтирмайди! Уйларингда ҳеч нимани қолдириб бўлмайд-я.— У стулга ўтириб тумшайиб олди.— Йўқ, бунақаси кетмайди, мен ўйнамайман. Истасанг, ўзинг ажина бўлишинг мумкин.

Лекин шу заҳоти ўрнидан сапчиб туриб, шкаф олдига борди-да, эшигини ланг очиб:

— Бу ердан бирор чойшаб топилар, хойнаҳой,— деди.

У ойисининг энг яхши чойшабларидан бирини олмоқчи эди, бироқ Миттивой унинг кўлини ушлади:

— Йўқ, бунга тегма! Ўрнига қўй... Мана бу ерда эскилари, ямалганлари бор.

Карлсон башарасини бужмайтирди:

— Эскилари, ямалганлари эмиш! Мен Вазастандан келган ажина башанг кийиниб юрсин дегандим-да. Ҳа, майли, уйингиз шундай экан... Қани, ўша эски-тускиларини олиб кел.

Миттивой иккита эски чойшабни олди-да, Карлсонга берди:

— Уларни қўшиб тиксанг, ажина учун бинойидек кийим бўлади.

Карлсон чойшабларни қўлида ушлаганича қоғоғини солиб турарди.

— Агар уларни қўшиб тиксам? Сен уларни ўзим тиксам демокчимисан?.. Юр, бизникига учиб кетдик, уй золимаси кўкқисдан келиб қолса, қўлга тушиб ўтирмайлик!

Миттивой Карлсонникида бир соатча ўтириб, ажина учун кийим тикди. Мактабда, меҳнат дарсида у ҳар хил чокни ўрганиб олганди, лекин иккита эски чойшабдан қандай қилиб ажина учун тузуккина кийим тикишни унга ҳеч қачон ҳеч ким ўргатмаганди. Буни ўзи ўйлашига тўғри келди.

У Карлсондан ёрдам сўрамоқчи ҳам бўлди.

— Сен ақалли бичиб берсанг бўларди,— деб сўради Миттивой. Бироқ Карлсон бош чайқади.

— Бунақа иш билан шуғулланадиган бўлсам, аввало ойингнинг таъзирини берардим! Ҳа! Ҳа! Ажина кийимимни расво қилишни унга нима кераги бор эди? Энди сен менга янгисини тикиб беришинг керак. Ҳа, бу адолатдан бўлади. Қани, тез-тез, чаккон-чаккон бўл, кўп нолийверма!

Яна ҳам ишончлироқ бўлсин учун Карлсон, тикишга вақтим йўқ, чунки зудлик билан расм солишим керак, деб қўшиб қўйди.

— Биласанми, илҳом келганида ҳамма нарсани йиғиштириб

қўйиш керак, менга ҳозир илҳом келиб қолди. «Ла, ла, ла» ичимда, қалбимда нимадир куйлаяпти, биламан, илҳом дегани шу бўлади

Миттивой илҳом дегани нималигини билмасди. Бироқ Карлсон илҳом барча рассомларни чулғаб олади, ўшанда уларнинг ажина учун кийим тикиш ўрнига устма-уст расм солгиси келиб қолади, деб Миттивойга тушунтирди.

Миттивойнинг дастгоҳ устига чордана қуриб ўтириб олиб, букчайганича хақиқий тикувчилардай ишлашдан бошқа чораси қолмади. Карлсон бўлса бу пайт бир бурчакка тикилиб олиб, сурат соларди.

Ташқарига аллақачон қоронғилик чўккан эди, бироқ Карлсоннинг хонаси ёруғ, иссиқ, шинам эди — лампа ёниб турар, каминда эса ўт гурилларди.

— Мактабда меҳнат дарсида эринчоклик қилмаган бўлсанг керак, — деди Карлсон. — Ажина учун тиккан кийимнинг чиройли бўлсин дейман-да. Шуни билиб қўйгин. Қичкина ёқа қилсанг ёки ҳатто бурма қилсанг ҳам бўлади.

Миттивой ҳеч нима демади. У кунт билан тикарди, каминда олов чирсиллар, Карлсон расм соларди.

— Сен ниманинг суратини соляпсан? — деб сўради Миттивой жимликни бузиб.

— Тайёр бўлганда кўрасан, — деб жавоб қилди Карлсон.

Нихоят Миттивой аллақандай кийимни тикиб тугатди.

«Ажинага бўлаверса керак», — деб ўйлади у. Карлсон кийиб кўриб хурсанд бўлди. Миттивой унинг кийимини яхшилаб кўрсин, деб Карлсон хонани бир неча бор айланди.

Миттивой сесканиб кетди. Унга Карлсон жудаям ғалати, сирли кўринди — ажинанинг худди ўзи эди.

Бечора Бок хонимга жабр бўлди-да, бу ажинани кўрса юраги чиқиб кетади, ҳар қандай одам ҳам кўрқади-да.

— Уй золимаси телевизордаги кишиларга шу захотиёк одам юбориши мумкин, — деди Карлсон. — Чунки ҳозир пастда моторли, ғалати, гўзал, лекин жуда-жуда хавфли вазастанлик ажина пайдо бўлади.

Карлсон яна хонани айланиб учиб чиқди, ҳатто хурсанд бўлганидан қақаглаб юборди. У солаётган расмини хаёлидан ҳам чиқариб юборди. Миттивой Карлсон нима солганини кўрай деб камин олдига келди. Расмнинг пастки томонига қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан: «Қуёнимнинг сурати» деб ёзиб қўйилганди. Бироқ Карлсон қичкинагина бир қизил ҳайвончанинг суратини чизган эди, у қуёндан кўра кўпроқ тулкига ўхшарди.

— Бу тулки эмасми? — деб сўради Миттивой.

Карлсон чизган суратини полга ёзиб қўйди-да, ўзи тепасига бориб мароқ билан томоша қилди.

— Ҳа, албатта, тулки. Бунинг тулкилигига ҳечам шубҳа қилинмаса бўлади. Ахир буни жаҳондаги энг зўр рассом солган.

— Ҳа, лекин... Ахир бу ерга: «Қуёнимнинг сурати» деб ёзиб қўйилган... Қани ўша қуён?

— Тулки уни еб қўйган, — деди Карлсон.

Боссе билан Бетан эрталаб туришса, бутун баданларига ғалати нарса тошиб кетибди.

— Қизилча,— деди Бок хоним.

У чакиртирган доктор ҳам худди шу гапни айтди.

— Қизилча! Уларни дарров касалхонага жўнатиш керак.

Кейин доктор Миттивойни кўрсатиб:

— Уни хозирча ажратиб қўйиш керак,— деди.

Миттивой бу гапни эшитиб йиғлаб юборди. У ўзини бошқалардан ажратиб қўйишларини истамасди. Тўғри, у ажратиб қўйиш деганлари нималигини билмасди-ю, лекин бу сўз жуда совук, хунук эшитилди.

— Тентак,— деди Боссе,— бу хозирча мактабга бормайсан, бошқа болалар билан кўришмайсан дегани. Бошқаларга касал юктирмаслик учун, тушундингми?

Бетан ётган жойида ўксиниб-ўксиниб йиғларди.

— Бечора Миттивой,— деди у кўз ёшини аранг тийиб.— Жуда зерикасан-да! Ойимга телефон қилсаммикин?

Бирок Бок хоним бу ҳақда эшитишни ҳам истамасди.

— Ҳечам-да,— деди у,— Свантесон хоним яхшилаб дам олишлари керак. Ахир, у ҳам касал, шуни унутмаларинг-да. Майли, кийналсам ҳам Миттивойга ўзим қараб тураман.

У шундай деб Бетаннинг қаравоти ёнида йиғлаб турган Миттивойга қараб қўйди.

Бирок улар бафуржа гаплашиб олишолмади, чунки шу пайт «тез ёрдам» машинаси келиб қолди. Миттивой йиғларди. У акаси билан опасидан баъзида хафа бўларди, лекин Миттивой уларни жуда яхши кўрарди! Боссе билан Бетанни касалхонага олиб кетишаётганига Миттивой жуда хафа бўлди.

— Хайр, Миттивой,— деди Боссе, санитарлар уни пастга олиб тушиб кетишаётганда.

— Яхши қол, меҳрибон укажоним, хафа бўлма! Биз тезда қайтиб келамиз,— деди Бетан.

Миттивой хўнграб юборди.

— Шунчаки гапиряпсан-да! Бирдан ўлиб қолсаларинг-а?

Бок хоним уни койиб берди: «Одам ҳам шунчалик бефаҳм бўладими?! Ахир қизилчадан одам ўлармиди?!»

«Тез ёрдам» машинаси жўнаб кетганидан кейин Миттивой ўз хонасига кириб кетди. У ерда Бимбо бор. Миттивой кучукни қўлига олди.

— Энди сендан бошқа ҳеч кимим йўқ,— деди Миттивой Бимбони бағрига каттиқ босиб.— Ҳа, Қарлсон ҳам бор, албатта.

Миттивойнинг нимадандир ҳафалигини Бимбо жуда яхши биларди. У: «Ҳа, ёнингда мен борман. Бу аниқ. Қарлсон ҳам бор!» деяётгандай эди. Миттивой, яхшиям Бимбо бор деб ўйларди ўзича. Лекин бари бир у ойисини соғинганди. Шу пайт у ойисига хат ёзмаган деб берган ваъдасини эслаб қолди. Пайсалга солмай шу заҳотиёқ хат ёзмокчи бўлди.

Меҳрибон ойижон,— деб бошлади у.— Оиламиз қирилиб кетадиганга ўхшайди Боссе билан Бетан аллақандай зилча деган касалга йўлиқди уларни касалхонага олиб кетишди мени ажратиб қўйишди бу — ҳечам оғритмас экан бироқ ўша зилча билан албатта оғрийман дадам Лондонда у энди тирикми-ўликми билмайман ҳозирча уни касал деб эшитганим йўқ бироқ касал бўлса керак ахир ҳаммамиз касалмизку сизни жуда соғиндим аҳволларингиз қалай сиз жуда касалмисиз ё унчалик эмасми мен фақат Карлсон билан гаплашаман кам гапиришга ҳаракат қиламан чунки сиз безовта бўласиз уй золимамиз сизни яхшилаб дам олиши керак деяпти у касал эмас Карлсон ҳам соғлом бироқ улар ҳам ҳадемай касал бўлишади.

Хайр ойижон соғ бўлинг.

— Ҳаммасини батафсил ёзиб ўтирмайман,— деб тушунтирди Миттивой Бимбога,— чунки уни кўрkitмоқчи эмасман.

У дераза олдига келди-да, Карлсонга кўнғирок қилди. Ҳа, ҳа, у чиндан ҳам кўнғирок қилди. Кеча кечкурун Карлсон антика бир иш қилди: у ўзининг томдаги уйчаси билан Миттивойнинг хонаси ўртасига ип тортди.

— Ажина дабдурустдан келиши керакмас,— деди Карлсон.— Бирок энди Карлсон сенга дунёда энг яхши кўнғирок ҳадя қилди. Сен кўнғирок қилиб, ажинани уй золимаси пистирмада ўтириб, коронгида бирор ёвуз, хавфли нарса кўринмаяптими деб қараётган вақтида қакиришинг мумкин.

Кўнғирок ғалати қилиб ўрнатилганди: Карлсон уйчасининг бўғотига, сигирларнинг бўйнига осиб қўйиладиган кўнғироқча қоқиб қўйди, унга боғланган ипни Миттивойнинг деразасига улади.

— Шундай ипни тортсанг,— деб тушунтирди,— эшигим тепасидаги кўнғироқча жиринглайди-ю, вазастанлик ажина ўша заҳоти ёнинга учиб боради, уй золимаси ҳушидан кетиб йикилади. Зўр бўлади-а?

Жуда зўр бўлади, албатта. Миттивой ҳам худди шундай деб ўйларди, илгарилари у Карлсоннинг келишини узок кутарди. Энди бўлса ипни тортса бас, Карлсон шу заҳоти учиб келади.

Миттивой бирдан Карлсон билан гаплашиш зарурлигини сезиб қолди. У ипни бир, икки, уч марта тортди... Томдан кўнғироқчанинг жиринглаган овози эшитилди. Ҳадемай моторчанинг гувиллагани қулоғига чалинди-ю, Карлсон деразадан учиб кирди. Унинг уйқуси қонмаганлиги, кайфи бузуклиги шундай кўриниб турарди.

— Сен, буни кўнғироқча эмас, будильник деб ўйлаётган бўлсанг керак-а?— деб пўнғиллади у.

— Мени кечир,— деди Миттивой,— ухлаб ётганингни билмабман.

— Уйғотишдан аввал билишинг керак эди-да, ўзинг донг қотиб ухласанг керак, менга ўхшаб кечаси билан мижжа қоқмай чиқадиган одамларнинг аҳволини тушунармидинг? Одам энди кўзи уйқуга кетганида, оғайним мени бекордан-бекорга безовта қилмаса керак, тинчимни ўйласа керак, деб умид қилади.

— Нима, яхши ухлолмайсанми?— деб сўради Миттивой.



Карлсон хомуш бош ирғади.

— Ха, ҳамма гап шунда-да.

«Жуда огир-а», деб ўйлади Миттивой ва:

— Сенга жуда ачиняпман... Чиндан ҳам яхши ухлолмайсанми?— деди.

— Айтма, бундан баттар бўлиши мумкинмас,— деб жавоб қилди Карлсон.— Кечаси-ку донг қотиб ухлайман, ҳечам уйғонмайман, тушки овқатдан олдин ҳам мириқиб ухлайман, фақат тушки овқатдан кейин уйқунинг мазаси қочади-да, кўзларимни очганимча ёта-вераман, ағдарилганим-ағдарилган.

Карлсон жимиб қолди, уйқусизлик уни адойи-тамом қилганга ўхшайди, лекин бир зум ўтмай, у хонани зўр кизикниш билан кўздан кечира бошлади.

— Тўғри, агар бирор кичик нарса совға қилсанг, эҳтимол, уйғотиб юборганингни ҳам кечирармидим.

Миттивой Карлсоннинг хафа бўлишини ҳечам истамасди, унга нима совға қилсам экан, деб ўйлай бошлади.

— Мана, огизда чаладиган гармошка. Қалай, оласанми?

Карлсон гармошкани шартта тортиб олди.

— Музыка асбобим бўлишини доим орзу қилиб юрардим, совға учун раҳмат... Хойнаҳой контрабасинг бўлмаса керак?

У гармошкани лабига тутиб галати хунук овоз чиқарди-ю, кўзлари порлаб Миттивойга қаради:

— Эшитяпсанми? Мен ҳозир «Жажжи ажинанинг кўз ёши» деган кўшиқ тўқийман.

Миттивой, уйдагиларнинг ҳаммаси касал, бетоб, шунинг учун мунгли, ҳазин қуйнинг чалиниши жуда ўринли-да, деб ўйлади ва Карлсонга қизилча ҳақида гапириб берди.

Бирок Карлсон, қизилча — ҳар бир оилада бўладиган гап, сира ташвиш тортмаса ҳам бўлади, деб эътироз билдирди. Яна шуниси яхшики, ажина Бетан билан Боссе касалхонага ётган куни пайдо бўлди.

Шу гапларни айтиб улгурмасиданок Миттивой қўркувдан бир чўчиб тушди, чунки ташқарида Бок хонимнинг оёқ товушини эшитиб қолди. Уй золимасининг ҳозир уйга кириб келиши аниқ эди. Карлсон ҳам тезда бирор чора кўриш зарурлигини тушунди. У узок ўйлаб ўтирмади. Шартта каравотнинг тагига кириб олди. Миттивой ўша захоти каравотга чиқиб ўтирди, тиззасига ювинганда артинадиган катта сочиғини ташлаб қўйди. Унинг полга осилиб тушган томони Карлсонни аранг беркитиб турарди.

Шу пайт эшик очилиб хонага пол чўтка ва хокандоз ушлаган Бок хоним кириб келди.

— Хонангни йиғиштириб қўяй,— деди у.— Ҳозирча ошхонага чиқиб тур.

Миттивой ҳаяжонланганидан қип-қизариб кетди.

— Чиқмайман,— деди у.— Ахир мени ажратиб қўйишди, шу ерда кимир этмай ўтираман.

Бок хоним Миттивойга жаҳл билан қаради.

— Каравотингнинг тагини бир кўр, нималар бўляпти,— деди у.

Миттивойни жикка тер босди... Нахотки у Карлсонни пайкаб болган бўлса?

— Каравотимнинг тагида ҳеч нима йўқ...— деб тўнғиллади у.

— Янглишасан, бекорларни айтибсан,— деб унинг гапини бўлди Бок хоним.— Чангнинг кўплигидан қараб бўлмайди. Бир супуриб ташлай. Қани, бу ердан чикиб тур!

Бирок Миттивой ўжарлик қилиб ўтириб олди:

— Мени ажратиб қўйишдими, турмайман, каравотимда ўтиравераман!

Бок хоним пўнғиллай-пўнғиллай хонанинг бошка томонини супура бошлади.

— Майли, бошка жойларни супуриб-сидириб бўлгунимча каравотингга ўтиравер. Лекин кейин бари бир бу ердан чикиб кетишинг керак бўлади. Ўзингни бошка бирор жойда яккалаб қўйгин, ўжар бола!

Миттивойнинг боши қотиб қолганди: хўш, нима қилиши керак. Бирок у бирдан ўтирган ерида кикиллаб кула бошлади, чунки Карлсон унинг тиззасининг тагини китиклай бошлаганди. Миттивой китикдан жуда қўрқарди.

Бок хоним кўзларини чакчайтирди:

— Ҳа, кул, кулавер, уятсиз! Ойинг, опанг, аканг касалу сенинг парвойингга келмайди-я. Ўзи йўқнинг кўзи йўқ, деб шунга айтадилар-да.

Карлсон бўлса Миттивойни баттар китикларди, Миттивой шундай қотиб-қотиб кулардики, охири, каравотинга ётиб олди.

— Нега бунчалик кулаётганингни билса бўладими?— деб сўради Бок хоним хўмайиб.

— Ҳа-ха-ха...— Миттивой аранг гапирарди.— Бир кулгили воқеа эсимга тушиб кетди.

У бирор кулгили нарсани эслашга уринарди.

— ...Бир куни бука отни қувиб қолибди-ю, от қўрққанидан дарахтга чикиб кетибди... Шунақа ҳикояни эшитганмисиз, Бок хоним?

Боссе шу воқеани тез-тез гапириб берарди, бироқ Миттивой ҳеч қачон кулмасди, чунки дарахтга чикиб кетган бечора отга унинг жуда раҳми келарди.

Бок хоним ҳам кулмади.

— Бўлди, мени алдамай қўя қол! Бўлмаган гап. Тавба, отлар ҳам дарахтга чиқарканми?

— Албатта, улар чиқишолмайди,— деб қўшилди Миттивой Боссенинг гапини бирма-бир такрорлаб.— Бирок уни қувлаган бука кутурган эди-да, кўзига ҳеч нима кўринмасди, шундай экан, шайтон урсин, бечора от нима ҳам қила оларди.

Боссе, «шайтон» сўзи ҳикояда борми, уни ишлатиш, талаффуз этиш мумкин деб ишонтирарди. Бирок Бок хоним бошқача фикрда эди. Миттивойга дарғазаб бўлиб қаради:

— Онаси, опаси, акаси касал, қийналиб ётишса-ю, бу эса каравотга ўтириб олиб хахолаб кулса. Тавба, ҳайронман, бу қанақа...

Миттивой Бок хонимнинг нега ҳайрон бўлишини билолмади, чунки худди шу пайт «Жажжи ажина йиғиси» қўшиғи эшитилиб

қолди. Қаравот тагидан хунукдан-хунук чуриллаган овоз эшитилди. Бок хоним кўркқанидан ўтирган ерида бир сапчиб тушди:

— Вой, худойим-эй, бу нимади?

— Билмадим,— деди Миттивой.

Бироқ Бок хоним биларди.

— Бу овозлар нариги дунёдан келяпти. Бунга сира шубҳа қил-маса бўлади.

— «Нариги дунё» деганингиз нимаси?— деб сўради Миттивой.

— Ажина, алвастилар дунёси,— деди Бок хоним.— Бу хонада икковимиздан бошқа ҳеч ким йўқ, лекин икковимиз ҳам бунақа ғалати товуш чикара олмаймиз. Бу одам овози эмас, ажина овози. Нима, сен эшитмадингми?.. Бу ором ололмаган қалб нидоси.

У кўркқанидан пиёладек бўлиб кетган кўзлари билан Миттивойга қаради.

— Вой худойим, энди бунинг ҳаммасини телевизорга ёзиб беришим керак.

Бок хоним кўлидаги чўтка билан хокандозни бир четга улок-тириб юборди-ю, Миттивойнинг стулига ўтирди-да, қоғоз, қалам олиб ёзишга тушди.

У бош кўтармай узоқ ёзди.

— Ёзганларимни бир эшитгин-а,— деди у хатни тугатиб.

*«Швед радиоси ва телевидениесига. Синглим Фрида Бок сизнинг ажина ва алвастилар ҳақидаги эшиттиришларингда қатнашиб гапирган эди. Уша эшиттиришнинг яхши чиққанига кўзим етмайди, чунки Фрида анча восвос бўлиб қолган. Кўзига доим алланималар кўриниб юради. Лекин яхшиямки, ҳамма нарсанing олдини олиш, тузатиш мумкин. Уша эшиттиришни ҳам тузатиш мумкин. Чунки мен ҳозир турган уйда ажинаю алвастилар ғиж-ғиж тўлиб ётибди. Мана улар билан учрашганимни рўйхат қилиб қўйганман:*

1. Ошхонанинг деразаси тагида ғалати бир маъраган товуш эшитилди, бу сигир бўлиши мумкинмас, чунки биз тўртинчи қаватда турамыз. Демак, бу товуш шунчаки сигирнинг маърашига ўхшайди.

2. Шундай кўз олдимда турли нарсалар сирли равишда йўқ бўлиб қолади. Бир кунги ширин кулчалару хонага қамаб кетилган болалар йўқ бўлиб қолишиди.

3. Эшиклар ташқаридан қулфланиб қолади, ҳолбуки ўша пайт хонада бўламан, нима гаплигига сира ақлим етмай қолди!

4. Ошхона деворида аллақандай сирли ёзувлар пайдо бўлиб қоляпти.

5. Тўсатдан аллақандай юракни ззадиган қийқириқлар, овозлар эшитилади, йигидан ўзингни аранг тийиб турасан. Бизникига тезда келинлар, кечикманлар, жуда ажойиб эшиттириш бўлиши мумкин, одамлар доим гапириб юрадиган бўлади.

Чуқур ҳурмат билан Хильдур Бок.

Хайронман, Фридани нега телевизорга таклиф қилиб ўтириб-сизлар?»

Бок хоним сабри чидамай хатни ташлаб келгани ўша захотиёк чопиб кетди. Миттивой Карлсон нима қилаётганикин, деб каравот тагига қаради. У кўзлари порлаб, хотиржам узала тушиб ётарди. У каравот тагидан кўнгли чоғ бўлиб чикди:

— Воҳ-воҳ!— деди у.— Қани, кеч бўлсин-чи. Қош қорайганда уй золимасининг телевидениега хат ёзиш учун қўлида чиндан ҳам далили бўлади.

Миттивой яна кула бошлади ва Карлсонга меҳр билан қараб қўйди.

— Яккалаб қўйиш ҳам яхши бўларкан-а, маза қиларкансан, айникса сен билан бирга ажратиб қўйишса,— деди Миттивой.

Шу пайт у Кристер билан Гуниллани эслади. Очигини айтганда, Миттивой улар билан бир оз вақт ўйнаёлмаслигидан хафа бўлиши керак эди.

«Хечкиси йўқ,— деб ўйлади Миттивой.— Карлсон билан ўйнаш бари бир кўнгилли».

Бирок шу пайт Карлсон менинг бошқа вақтим йўқ, деб қолди. Дарров уйга учиб бориб, моторга овоз ютгич қилиб олишим керак деди.

— Вазастанлик ажина темир бочкадай гулдираб келмасин-да. Тушундингми? Ажина шов-шувсиз, сирли бир ҳолда ажинага ўхшаб келиши керак-да. Ана ўшанда уй золимасининг ўтақаси ёрилиб кетади.

Карлсон билан Миттивой кўнғироқ орқали қандай сирли сигналлар бериш ҳақида келишиб олишди.

— Бир марта қилинган кўнғироқ — «Дарров учиб кел!», икки марта қилинган кўнғироқ — «Учиб кела кўрма!», уч марта қилинган кўнғироқ эса — «Дунёда сендай келишган, ақлли, тобида семирган, довюрак, жаҳонда энг яхши Карлсон борлиги қандай бахт-а», дегани бўлади.

— Бунинг учун кўнғироқ қилишимнинг нима кераги бор?— деб сўради Миттивой ҳайрон бўлиб.

— Шунинг учунки, дўстларга тахминан ҳар беш минутда уларни хурсанд қиладиган, кўнглини кўтарадиган гаплар айтиб туриш керак. Ўзинг биласан-ку, олдинга тез-тез келолмайман.

Миттивой Карлсонга ўйчан қараб қўйди.

— Ахир мен сенинг дўстингман-ку, шундайми? Бирок менга бирор марта ёқимли гап айтганингни эслаёлмайман.

Карлсон хахолаб кулиб юборди:

— Ўзингни тенглаштириб ўтирибсанми? Хўш, сен кимсан ўзи? Бир нодон боласан, холос...

Миттивой Карлсоннинг ҳақлигини билиб жим турарди.

— Лекин сен мени бари бир яхши кўрасан-а?

— Бўлмасам-чи, албатта яхши кўраман, чин сўзим!— деди Карлсон.— Сени нега яхши кўришлигимни ўзим ҳам билмайман. Тушки овқатдан кейин уйқум келмай қийналиб ётганимда бу ҳақда роса ўйладим.— У Миттивойнинг юзига уриб қўйди.— Сени яхши кўраман, албатта, негалигини ҳатто фахмлаб турибман. Шунинг учунки, сен менга ҳечам ўхшамайсан, шўрлик бола!

У деразадан учиб чиқиб, хайрлашиб қўл силтади.

— Бордию ўт ўчирувчи машинага ўхшаб яна кетма-кет қўнғирок қилаверсанг, — деб кичқирди у, — чиндан ҳам ёнғин чиққан бўлади, ёки «Сени яна уйғотдим, азизим Карлсон, дарров ёнимга учиб кел, ҳамма ўйинчоқларимни солиб олишинг учун каттарок қоп ола кел... Мен уларни сенга ҳадя қиламан!» деган маънони англатган бўлади.

Карлсон шундай деди-ю, учиб кетди.

Бимбо Миттивойнинг ёнига келиб ётди-да, думини ликиллатаверди. Кучук нимадандир хурсанд бўлса, менга ҳам эътибор бергин демокчидек, шундай киларди. Миттивой унинг ёнига узала тушиб ётиб олди. Бимбо сапчиб туриб, севинганидан акиллаб юборди. Кейин у Миттивойнинг елкасига тумшугини тиради-да, кўзларини юмди.

— Мени яккалаб, ажратиб қўйишганига, мактабга бормай, уйда ўтирганимга хурсанд бўляпсанми? — деб сўради Миттивой. — Сен, Бимбо, мени дунёдаги энг яхши бола деб ўйласанг керак-а...

### ВАЗАСТАНЛИК ЖАЖЖИ АЖИНА

Миттивойга куннинг ўтиши жуда оғир бўлди. У ёлғиз ўзи ўтирар, куннинг кеч бўлишини сабрсизлик билан кутарди.

«Рождество арафасига ўхшайди-я», деб ўйлади.

У Бимбо билан ўйнади, маркаларини эрмак килди, ҳатто синфдошларидан орқада колмай деб, арифметика билан жиндек шуғулланди. У Кристернинг мактабдан қайтиш вақтини тахминан билиб, унга телефон килди ва кизилча ҳақида гапириб берди.

— Мен мактабга боролмайман, чунки мени ажратиб қўйишган, тушундингми?

Бу жуда ғалати эшитилар, кишини кизиқтирарди. Миттивойнинг ўзи шундай деб ўйларди. Кристер ҳам шу фикрда бўлса керак, чунки ҳадеганда жавоб килолмади.

— Буни Гуниллага ҳам гапириб бергин, — деб қўшиб қўйди Миттивой.

— Зерикмаяпсанми? — деб сўради Кристер аранг ўзига келиб.

— Йўғ-э, нега энди? Ахир менинг... — деб гап бошладию Миттивой, лекин шу заҳоти тилини тишлаб қолди.

У «Карлсон бор» демокчи эди-ю, лекин отасининг гапини эслаб гапирмади. Тўғри, бултур баҳорда Кристер билан Гунилла Карлсонни бир неча бор кўришганди, бироқ улар дадасининг гапидан аввал кўришганди. Миттивойнинг дадаси Карлсон ҳақида ҳеч ким билан гаплашма деб каттик тайинлаганди.

«Балки Кристер билан Гунилла Карлсонни аллақачон унутиб юборишгандир, унда жуда соз бўларди-да!» — деб ўйлади Миттивой. — У менинг шахсий сирли Карлсоним бўлиб коларди». Миттивой Кристер билан шоша-пиша хайрлашди.

— Хайр, ҳозир сен билан гаплашиб ўтиришга вақтим йўқ, — деди у.

Бок хоним билан овқатланиш жуда зерикарли эди, бироқ у жуда ширин, мазали тефтели пишириб қўйганди. Миттивой икки кишининг овқатини еди. Учинчисига ваниль қўшиб пиширилган олмали запе-



канка еди. У ўзича, эҳтимол Бок хоним унчалик ёмон эмасдир, деб ўйлади.

«Ўй золимасидаги энг яхши фазилат — бу олмали запеканка, олмали запеканкадаги энг яхши нарса — бу ваниль қайласи, ваниль қайласидаги энг яхши нарса — уни ейшим», деб ўйлади Миттивой. Бари бир тушки овқат зерикарли бўлди, чунки стол атрофида анча жой бўш эди. Миттивой ойисини, дадасини, Боссе билан Бетанни соғинганди. Ҳа, тушки овқат жуда-жуда кўнгилсиз ўтди, бунинг устига Бок хоним нуқул Фрида ҳақида гапириб, Миттивойнинг жонига тегди.

Мана, кеч ҳам кирди. Кузда тез қоронғи тушади. Миттивой хонасида деразадан осмондаги жимирлаган юлдузларга қараб турарди. Ҳаяжонланганидан ранги бўзариб кетганди. У кутарди. Бу рождество арафасидан ҳам ёмон эди. Арафада ҳам кутавериб чарчайсан. Лекин буни вазастанлик жажжи ажинанинг келишини кутиш билан тенглаштириб бўлармиди!!! Ҳеч-да! Миттивой кутавериб тоқати-тоқ бўлганидан тирноқларини кемирарди. Тепада Карлсон ҳам кутаётганини у яхши биларди. Бок хоним ошхонада тоғорага сув қуйиб оёқларини солиб ўтирибди. У доим шундай қилиб, узок ўтиради. Кейин Миттивойнинг олдига кириб, унга, яхши ётиб тургин, дейди. Ҳа, ўзи Миттивойга ваъда берган. Кириши билан сигнал бериш керак. Ана ўшанда, зўр томоша бўлади-да. Бунака пайтларда Бок хоним доимо ё тангрим, қиёмат иш бўлди-да, деб гапирарди.

— Агар яна анчагача келмаса, сабрим чидамай тарс ёрилиб кетаман,— деб мингиллади Миттивой.

Мана, ниҳоят Бок хоним келди. Миттивойга даставвал унинг тоза ювилган катта оёқлари кўринди. Миттивой тўрға тушган баликдай типирчиларди. Гарчи Миттивой уни кутаётган, келишини аниқ билса ҳам жуда қўрқиб кетганди.

Бок хоним унга хўмрайиб қараб қўйди.

— Пижамада нега очик дераза олдида турибсан? Қани, хозирок ўрнингга ёт!

— Мен... мен юлдузларни томоша қилаётгандим,— деб гўлдиради Миттивой.— Сиз, сиз-чи, Бок хоним, уларни томоша қилмайсизми?

Бок хонимни деразага яқин келишга мажбур этиш учун у шундай хийла ишлатганди. Ўзи сездирмайгина парда орқасидаги ипни қаттиқ тортди. У томдаги кўнғироқчанинг жиринглаганини эшитди. Бок хоним ҳам эшитди.

— Юқорида, аллақаерда кўнғироқ жиринглапти-я,— деди Бок хоним.— Тавба, кизик бўлди-ю!

— Ҳа, жуда ғалати,— деб қўшилди Миттивой.

Лекин шу заҳоти Миттивойнинг юраги ҳаприкиб кетди, чунки унча катта бўлмаган оқ юмалок ажина томдан кўтарилиб қоронғи осмонда учиб кетди. Кетма-кет аллақандай мунгли куй тарала бошлади. Ҳа, хато бўлиши мумкинмас. «Жажжи ажинанинг йиғиси» қоронғи куз осмонини тутиб кетганди.

— Ана... Вой, қарагин, қарагин... Ё тангрим!— деб қичкириб юборди Бок хоним.

Унинг ранги докадек оқариб кетди, оёқлари дағ-дағ калтираб, стулга гурс этиб ўтириб қолди. Ажина, алвастилардан қўркмайман деб мактанганди-я!

Миттивой унга тасалли бермоқчи бўлди.

— Ҳа, ажина борлигига энди мен ҳам ишона бошладим,— деди у.— Ахир, у жуда кичкина, унинг нимаси қўркинчли?

Бирок Бок хоним Миттивойнинг гапини эшитмасди. У ола-кула кўзларини деразадан узмасди — Бок хоним ажинанинг галати учишини кузатарди.

— Уни йўқотинглар! Йўқотинглар уни!— деб шивирларди у нафаси сикилиб.

Бирок вазастанлик жажжи ажинани йўқотиб бўлмасди. У тун қўйнида чарх уриб юрар, гоҳ узоқлашиб кетар, гоҳ яна яқин келар, дам осмонга кўтарилар, дам пастга тушар, баъзи-баъзида ҳавода жиндек дам оларди. Мунгли куй ҳам бир зум тинмасди.

«Жажжи оқ ажина, юлдузлар чарақлаган коронғи осмон, мунгли музика — бундан ҳам чиройли, ажойиб нарса бўладими?!»— деб ўйларди Миттивой.

Бирок Бок хоним бутунлай бошқача фикрда эди. У Миттивойга маҳкам ёпишиб олганди:

— Юр, тезроқ, ётоқхонага яшириниб оламиз.

Свантесонлар уйида бешта хона, ошхона, ваннахона ва даҳлиз бор эди. Боссе, Бетан, Миттивойларнинг ҳар қайсисининг ўз хонаси бўлиб, ойиси билан дадаси ётоқхонада ухлашарди. Бундан ташқари, емакхона бор эди. Ҳаммаси шу ерга йиғилишарди. Энди, ойиси билан дадаси йўқлигида Бок хоним уларнинг хонасида ётиб юрарди. Ётоқхонанинг деразаси боққа, Миттивойники эса кўчага қараганди.

— Юр,— деб шивирлади Бок хоним ҳамон калтираб,— тезроқ юр, ётоқхонага яшириниб оламиз.

Миттивой кўнмади: шундай яхши бошланган ўйинни охирига етказмай бўладими! Бирок Бок хоним ҳадеб қистайверди:

— Қани, бўл тезроқ, бўлмаса ҳозир ҳушимдан кетиб йиқиламан.

Миттивой қанчалик қаршилик қилмасин, ноилож ётоқхонага боришга мажбур бўлди. Ётоқхонанинг ҳам деразаси очиқ эди. Бок хоним чопиб бориб уни шарақлатиб ёпди. Кейин пардаларни тушириб қўйди, эшикка хонадаги стол-стулларни тираб қўймоқчи бўлди! Яқиндагина ажинани бир кўрсам, деб орзу қилиб юрган Бок хонимнинг ажинани кўришига тоқати йўқ эди.

Миттивой ҳеч нимага тушунолмай қолди. У дадасининг каравотига ўтирди-да, қўрқиб кетган Бок хонимга қараб бошини чайқаб қўйди.

— Фрида бунчалик қўрқок бўлмаса керак,— деди у.

Бирок Бок хоним ҳозир Фрида ҳақида ҳеч нима эшитишни истамасди. У ҳамон эшикни маҳкамлаш билан овора эди. Аввал жавонни, кейин стол-стулларни бирма-бир такаб қўйди. Хуллас, ҳақиқий баррикада ҳосил бўлди.

— Мана энди, қўрқмасдан, хотиржам ўтираверсак бўлади,— деди Бок хоним ўзича мамнун бўлиб.

Лекин шу пайт дадасининг каравоти тагидан бўғиқ бир овоз эшитилди. Бу овозда ҳам мамнунийт сезилиб турарди.

— Ҳа, мана энди хотиржам бўлсам бўлади! Эшикни берки-тиб кўйдим. Кечаси билан ҳеч ким киролмайди ҳам, чиқолмайди ҳам.

Жажжи ажина каравот тагидан чийиллаб шиддат билан учиб чикди.

— Ёрдам беринглар!— деб бакирди Бок хоним.— Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар!

— Нима бўлди?— деб сўради ажина.— Стол-стулларни ўзингиз суряпсиз, нахотки ёрдам берадиган ҳеч ким бўлмаса?

Ажина котиб-котиб кулди. Бироқ Бок хонимнинг куладиган ҳоли йўқ эди. У эшикка ташланди-да, стол-стулларни ҳар томонга иргита бошлади. Ҳаш-паш дегунча Бок хоним баррикадани йиғиштириб ташлаб, бакирганича даҳлизга чошиб чикди.

Ажина орқасидан учди, Миттивой ҳам уларга эргашди. Энг орқада акиллаб Бимбо чошиб келарди. У ажинани ҳидидан билиб олган, энди ғалати ўйин бўлади деб ўйларди. Ҳа, айтмоқчи, ажина ҳам худди шундай деб ўйларди.

— Ҳой, ҳой!— деб кичкирарди у, Бок хонимнинг боши устида тегиб кетай-тегиб кетай деб учиб юрarkan.

Кейин чинакам қувлаётган одамга ўхшаш учун сал орқада қолди. Улар шу алфозда хонама-хона чошиб юришди: олдинда Бок хоним югурар, орқасидан ажина чопарди. Улар ошхонадан емакхонага, емакхонадан Миттивойнинг хонасига, ундан яна ошхонага чошибарди. Хуллас, гирдикапалак бўлиб айланиб юришди.

Бок хоним тинмай додлар, бакириб-чакирарди. Ажина уни юпатмоқчи ҳам бўлди:

— Ҳа бўлди, бўлди, бўкираверма! Мана энди мириқиб ўйнаймиз, хурсандчилик қиламиз!

Лекин бу юпатишлар, овутишларнинг ҳеч нафи бўлмади. Бок хоним ҳамон додлар, бетоқат бўлиб ошхонада у ёқдан-бу ёқка юрарди. Сув қуйилган тоғора ҳамон ўша ерда, полда турарди. Ажина Бок хонимни изма-из қувиб юрарди. Унинг: «Ҳой, ҳой», деб қийқириши кулоқларда жарангларди. Бок хоним охири тоғорага қокилиб, гурсиллаб йиқилиб тушди. У шундай додлаб юбордики, овози худди бўғизлаётгандагидек эшитилди.

— Ахир, уялмайсанми? Еш болага ўхшаб бакирасан-а, мени ҳам, кўшниларни ҳам ўтакасини ёриб юбординг-ку. Сал эҳтиёт бўлгин, яна полиция келиб ўтирмасин!

Полнинг ҳаммаёғини сув босган, каттакон кўлмак ўртасида Бок хоним типирчиларди. У туришга ҳам уринмай, ошхонадан жуда тез эмаклаб чиқиб кетди.

Ажина тоғоранинг ичига тушиб, бир неча бор дик-дик сакради — ахир, тоғорада бир томчи ҳам сув колмаганди-да!

— Деворга озгина сув сачрабди, шунга шунчаликми?— деди ажина Миттивойга.— Ҳамма одамлар ҳам одатда тоғорага қокилишади. Бок хоним бунча дод-вой қилмаса?

Ажина яна бир марта сакради-да, кейин яна Бок хонимни қувлаб кетди. Лекин у ҳеч қаерда кўринмасди. Фақат даҳлизда унинг оёқ излари колганди.

— Уй золимаси қочиб кетибди!— деб кичкирди ажина.— Мана,

унинг хўл излари. Қани, кўрайлик-чи, бу излар қаёққа олиб бораркин! Қани, топ-чи, дунёда энг зўр изкувар ким?

Излар ваннахонага олиб борди. Бок хоним ваннахонага кириб, эшикни ичдан беркитиб олганди, унинг «бопладимми» дегандай қилиб қулиши даҳлизга эшитилиб турарди.

Ажина ваннахонанинг эшигини тақиллатди:

— Оч! Эшитяпсанми, оч деяпман!

Бирок эшик орқасидан хахолаган кулги эшитилди.

— Оч! Бўлмаса ўйнамайман,— деб бақирди ажина.

Бок хоним индамади-ю, лекин бари бир эшикни очмади. Ажина ҳали ҳам нафасини ростлаб олмаган Миттивойга мурожаат қилди.

— Унга айт, очсин! Агар бундай қиладиган бўлса, ўйнашнинг кизиғи йўк-да.

Миттивой кўрқа-писа эшикни тикиллатди.

— Бу менман,— деди у.— Бок хоним, ваннахонада анчагача ўтирмакчимисиз?

— Эрталабгача,— деб жавоб берди Бок хоним.— Тагимга ҳамма сочиқларни солиб ётаман.

Энди ажина бошқача гапирди:

— Ҳа, майли, солиб ёт! Майли, ўйинимизни бузиш, бизни хафа қилиш учун билганингни қил! Лекин қани топ-чи, бунақада янги эшиттириш учун материални Фридага ким олиб бориб беради?

Ваннахонада узок жимлик ҳукм сурди. Афтидан, Бок хонимни бу дўк-пўписа ўйлантириб қўйганди. Охири у аянчли, ялинган овоз билан:

— Йўк, йўк, бундай қилма, ўтинаман!.. Мен бунга чидаёлмайман,— деди.

— Ундай бўлса, бу ёққа чиқ!— деди ажина.— Бўлмаса ажина ҳозирок Фрейгатенга учиб кетади. Кейин синглинг Фрида яна телевизорда чиқади. Ҳа, бу турган гап!

Бок хонимнинг бир неча бор оғир хўрсингани аниқ эшитилди. Ниҳоят У Миттивойни чақириб қолди:

— Миттивой! Қулоғингни кулф тешигига тутгин, ўзингга бир гап айтмоқчиман.

Миттивой худди у айтгандай қилди. У қулоғини кулф тешигига тутди, Бок хоним секин шивирлади:

— Биласанми, ажинадан кўркмайман деб ўйловдим, энди билсам, кўрқар эканман. Бирок сен довиюраксан. Ундан илтимос қил, ҳозир кетиб, бошқа гал келсин. Мен унга сал кўниқиб олай. Бирок энг муҳими, у Фриданинг олдига бормасин! У Фрейгатенга бормайман деб қасам ичсин!

— Уриниб кўраман, лекин олдиндан бир нарса деёлмайман,— деди Миттивой ва ажина билан гаплашмоқчи бўлиб, орқасига ўгирилди.

Бирок ажинанинг изи ҳам қолмаганди.

— У йўк!— деб қичқирди Миттивой.— Уйига учиб кетибди. Чакаверинг.

Бирок Миттивой бутун хоналарни айланиб чиқиб, ажинанинг йўқлигига катъий ишонмагунича Бок хонимнинг ваннахонадан чиқишга юраги бетламади.

Кейин Бок хоним кўркувдан дағ-дағ қалтираб Миттивойнинг хонасида узок ўтирди. Лекин аста-секин ўзига келиб, эс-хушини йиғиб олди.

— Вой, жуда даҳшат-ку...— деди у.— Лекин ўзинг ўйлаб кўр, телевидение учун ажойиб эшиттириш бўлади-да! Бунақа нарсалар Фриданнинг етти ухлаб тушига кирмаган.

Бок хоним худди ёш боладек севинарди. Лекин ўқтин-ўқтин ажинанинг уни изма-из қувиб юрганини эсласа, юраги орқасига тортиб кетарди.

— Хуллас, ажиналарингни бошқа кўрмай,— деди у ниҳоят.— Шунақа учрашувлар бўлмаса, тақдиримдан мингдан-минг рози бўлардим.

Шу гапни айтиб тугатмасданок Миттивойнинг шкафи ичидан сигирнинг маърашига ўхшаш галати товуш эшитилди. Буни эшитди-ю, Бок хоним яна дод-войини бошлади:

— Эшитяпсанми? Ўлай агар, ажина шкаф ичига яшириниб олган! Вой, худойим, ҳозир ўлиб қоламан...

Миттивойнинг унга жуда раҳми келди, лекин Бок хонимни қандай юпатишни билмасди.

— Йўғ-е...— деди бир зум ўйланиб тургандан кейин,— у ажина эмас... Бу... бу... бузоқча, ҳа, бузоқча маъради. Ҳа, бузоқча бўлиши керак.

Бирок шу захоти шкаф ичидан овоз эшитилди:

— Бузоқча! Энди шу қолувди! Йўк, бунақаси кетмайди! Хомтама бўлмаг!

Шкаф эшиклари ланг очилиб, оқ кийим кийган вазастанлик жажжи ажина париллаб учиб чиқди. Унинг кийимини Миттивойнинг ўзи тикиб берган. У сирли ва чуқур хўрсиниб, шифтга кўтарилди-ю, кандил атрофида уча бошлади.

— Хой, хой, мен бузоқча эмасман, дунёдаги энг хавфли ажинаман!

Бок хоним қичкирарди. Ажина гир-гир айланиб, тобора тез учарди. Бок хоним уйни бошига кўтариб додлар, ажина бўлса қуюндай учарди.

Бирок бирдан қутилмаган ходиса рўй берди. Ажина хилма-хил мураккаб ҳаракатлар қилишга берилиб кетиб, жуда тор доира ҳосил қилиб учаётганида кийими кандилга илиниб қолди. Эски чойшаблар Карлсоннинг елкасидан шундай сидирилиб тушди-ю, кандилда осилиб қолди. Карлсон энди кандил атрофида ўзининг одатдаги кўк иштони, катак-катак қўйлаги, йўл-йўл носкийсида учаверди. У ўйинга берилиб кетганидан буни сезмади ҳам. У тинмай учар, ажиналарга ўхшаб инграр, оҳ-воҳ қиларди. Бирок яна бир айланаётганида у кандилда нимадир осилиб турганини, у ҳавода қўлпираётганини сезиб қолди.

— Вой, чирокка қанақа латта осиб қўйгансизлар?— деб сўради.— Пашшаданми?

Миттивой оғир, аянчли хўрсиниб қўйди:

— Йўк, Карлсон, пашшадан эмас...

Ўшандан кейин Карлсон ўзига каради-ю, кўк иштонини кўриб



қолди ва қандай фалокат юз берганини, энди вазастанлик ажина эмас, шунчаки Карлсон эканини тушунди.

У Миттивой ёнига кўполгина кўнди: у ўсал бўлиб қолганди.

— Ҳа,— деди у,— ишинг юришмаса, ҳамма ўйлаганларинг барбод бўлади. Бунга ҳозиргина ишонч ҳосил қилдик... Парво қилма, бу рўзғорда бўладиган гап.

Бок хоним ранги қув ўчиб, Карлсонга тикилиб қолганди. У қирғоққа улоқтириб ташланган балиққа ўхшаб зўрға, энтикиб-энтикиб нафас оларди. Бирок, ахири аранг оғиз жуфтлаб, бир-икки оғиз сўз айта олди.

— Ким... Ким... ё тангрим, бу яна ким бўлди?

Миттивой кўз ёшларини аранг тийиб деди:

— Бу томда яшайдиган Карлсон.

— Ким у? Томда яшайдиган Карлсон ким ўзи?— деб сўради Бок хоним нафаси сиқилиб.

Карлсон таъзим қилди:

— Чиройли, ақлли, тобида семирган, қирчиллама йигит! Ўша зот мана биз бўламиз.

#### КАРЛСОН АЖИНА ЭМАС, ШУНЧАКИ КАРЛСОН

Ўша кечани Миттивой бир умрга эслаб қолди. Бок хоним стулда йиғлаб ўтирар, Карлсон бир чеккада хижолат бўлиб турарди. Ҳеч ким ҳеч нима демас, ҳамма ўзини бахтсиз ҳисобларди.

«Ҳа, ҳаётинг шунақа бўлса, сочинг барвақт оқаради», деб ўйлади Миттивой, чунки ойиси кўпинча шундай дерди. Боссе уйга бирданига учта икки олиб келса ёки дадаси қарзга олган телевизорга пул тўлаган куни Бетан ёқаси мўйнали янги чарм камзул олиб берасизлар, деб хархаша қилса, ёки Миттивой мактаб деразасини синдириб, пулини ота-онаси тўлайдиган бўлса, ойиси оғир хўрсиниб шундай дерди:

«Ҳа, турмушинг шунақа бўлса, сочинг барвақт оқаради!»

Миттивойнинг миясига ҳам худди шу фикр келди. Эҳ, ҳамма иш чаппасига кетди-я! Бок хоним ёши дув-дув тўкилиб, ўксиб-ўксиб йиғлапти. Яна нимага денг? Карлсоннинг аслида ажина эмаслигига шунчалик йиғлапти.

— Бу қанақаси бўлди! Телевизор учун тайёр эшиттиришни қўлдан бой бериб қўйдим,— деди Бок хоним энтикиб, кейин Карлсонга ўқрайиб қараб қўйди.— Мен аҳмоқ атайин уйга бориб, ҳаммасини Фридага гапириб ўтирибман-а...

У юзини қўллари билан беркитиб, хўнграб йиғлаб юборди, Фридага нима деганини ҳеч ким эшитолмади.

— Мен чиройли, ақлли, тобида семирган, қирчиллама йигитман,— деди Карлсон, Бок хонимни сал бўлса-да юпатишга уриниб.— Бу кутида мени ҳам кўрсатса бўлади...

Бок хоним Карлсонга қаради-да, жаҳл билан тўнғиллади:

— «Чиройли, ақлли, тобида семирган, қирчиллама йигит!» эмиш. Бунақалар телевизорда тўлиб-тошиб ётибди, буни телевизорга олиб бориб обрў топмайсан.

Бок хоним яна Карлсонга ишонкирамай, жаҳл билан қараб қўйди... Бу кичкина семиз бола чиндан ҳам эркакка ўхшайди...

— Хўш, у ким ўзи?— сўради Бок хоним Миттивойдан.

Миттивой тўғриси айтиб қўя қолди:

— Менинг ўртоғим, доим бирга ўйнаймиз.

— Буни сенсиз ҳам биламан,— деди Бок хоним ва унинг гапини шартта бўлди-ю, яна йиғлаб юборди.

Миттивой ҳайрон эди: ахир дадаси билан ойиси, битта-яримта Карлсоннинг борлигини билиб қолса бўлгани, ҳаловатимиз бузилади, жон-ҳолимизга қўйишмайди, ҳамма Карлсонни кўргиси келади, уни телевизорда кўрсатишади, деб ўйлашганди; мана энди уни бегона бир аёл кўрди. Карлсон ажина эмас экан, демак, унинг ҳеч қизиги, аҳамияти йўқ деб хўнг-хўнг йиғлапти. Елкасида парраги бўлса, учолса нима бўпти, бунинг Бок хоним учун нима аҳамияти бор, бошига урадимиз? Шу пайт Карлсон шифтга кўтарилиб, қандилдан ўзининг ажина кийимини ола бошлади, лекин Бок хоним унга ўқрайиб қаради-да, пўнғиллади:

— Ол-ла, парраги, кнопкаси бор эмиш... хўш, нима бўпти... ҳозирги болаларда яна нима бўлиши мумкин! Ҳадемай улар мактабга бормай туриб Ойга учивади.

Уй золимаси стулда ўтирганича баттар хуноби ошарди. У бирдан ширин кулчаларини ким ўғирлаганини, дераза тагида ким маъраганини, ошхона деворига ким ёзганини фаҳмлаб қолди. Болаларга шунақа ўйинчоқ бериб бўладими, ахир. Улар хоҳлаган жойига учиб боришса, катталарни беҳаёларча калака қилса, хўрласа-я. Бу нима деган гап. У швед телевидениесига ёзиб берган ажина ҳақидаги ҳар хил сирли, ғалати нарсалар бир шумтаканинг шўхлиги бўлиб чиқса-я. Йўқ, у бу ярамас кичкина, семиз одамнинг бу ерда бўлишига ҳеч йўл қўймайди.

— Ҳозироқ уйингга жўна, эшитяпсанми?.. Отинг нима эди?

— Карлсон!— деб жавоб берди Карлсон.

— Карлсонлигингни биламан,— деди Бок хоним жаҳли чиқиб.— Ахир, фамилиянгдан бўлак исминг ҳам бўлса керак?

— Менинг исмим Карлсон, вассалом!

— Хой, менга кара, жаҳлимни чиқарма, бўлмаса тўнимни тескари кийиб оламан-а, шундаям бўладиганимча бўлдим,— деб тўнғиллади Бок хоним.— Исмнинг нималигини биласанми ўзи, уйда сени нима деб чақиривади? Хўш, ухлаш керак бўлганида даданг сени нима деб чақиради?

— Безори,— деб жавоб берди Карлсон кулимсираб.

Бок хоним мамнун бўлиб бош ирғади:

— Жуда топиб айтибди! Бошқача бўлиши ҳам мумкинмас.

Карлсон унинг гапига қўшилди:

— Ҳа, ҳа, болалигимизда биз ҳаммамиз жуда ҳам кўп безорлик қилганмиз. Бироқ бу гапларга анча бўлди, мен ҳозир дунёдаги энг қобил боламан!

Бироқ Бок хоним унинг гапига бошқа қулоқ солмай қўйди. У ўйга толиб индамай ўтирарди, афтидан, энди-энди ўзига кела бошлаганди.

— Ҳа,— деди у ниҳоят,— бу гапларни бир одам эшитса «ажаб бўпти» деб роса хурсанд бўлади-да.

— Ким?— деб сўради Миттивой.

— Фрида-да,— деб жавоб килди Бок хоним алам билан. Кейин оғир хўрсиниб қўйди-да, полни ювиш ва тоғорани олиб чиқиб қўйиш учун ошхонага кириб кетди.

Карлсон билан Миттивой ўзлари қолганларидан хурсанд бўлишди.

— Одамлар арзимаган нарсага хафа бўлиб юришади-я,— деди Карлсон елкасини кисиб.— Ахир, мен унга ҳечам ёмонлик қилганим йўқ-ку.

— Ҳа-да,— деди Миттивой ишонар-ишонмас.— Фақат сал жигига тегдинг. Энди жуда қобил, гапга кирадиган бўламиз.

Карлсон ҳам шундай деб ўйларди.

— Ие, бўлмасам-чи. Фақат мен бир оз вақтихушлик қилсам дейман, бўлмаса ўйнамайман!

Миттивой қийналиб бўлса ҳам Карлсонга доим бирор эрмак топиб берарди. Лекин бу гал бекорга уринди, чунки Карлсон ҳамма нарсани ўзи ўйлаб топди, кейин бирдан, кутилмаганда Миттивойнинг шкафига ташланиб қолди.

— Шошма!— деб кичкирди у.— Ажина бўлганимда ўша ерда ажойиб бир нарсани кўрувдим!

У шкафдан сичкон тутадиган кичкина копконни чиқарди. Миттивой уни кишлокда бувисиникида топиб олиб, шаҳарга келтирганди.

«Мен сичкон тутиб, уни қўлга ўргатмоқчиман»,— деб тушунтирди Миттивой ойисига. Бироқ ойиси, шаҳардаги уйларда сичкон бўлмайди, ҳар ҳолда, бизникида битта ҳам сичкон йўқ, деди.

Миттивой шуларни Карлсонга айтди, бироқ Карлсон эътироз билдирди:

— Сичконлар сездирмасдан пайдо бўлади. Агар уйларингда кичкинагина бир сичконча пайдо бўлса ҳам ойинг бунга хурсанд бўлади, холос.

У, Миттивойга, ўша кичкинагина сичконни тутиб қўйсақ бўларди, деб тушунтирди. Ахир, Карлсон уни ўз уйида асраши мумкин, кўпайганидан кейин сичконлар фермасини қуриш мумкин бўлади.

— Кейин мен газетага эълон бераман,— деди Карлсон.— «Кимга сичкон керак бўлса, Карлсоннинг сичкон фермасига мурожаат қилсин».

— Ҳа, жуда тўғри! Ана унда шаҳардаги ҳамма уйларда сичконларни кўпайтирсак бўлади,— деди Миттивой хурсанд бўлиб ва копконни қандай қўйишни Карлсонга тушунтира кетди.— Унинг ичига албатта жиндек пишлок ёки чўчка ёғидан қўйиш керак, бўлмаса сичкон келмайди, яқинлашмайди.

Карлсон чўнтагидан бир тишлам чўчка ёғи олди.

— Саклаб қўйганим яхши бўлибди! Тушки овқатдан кейин уни ахлат челақка ташлаб юбормоқчи бўлгандим.

У копконга ўша бир тишлам чўчка ёғини илди-да, уни Миттивойнинг қаравоти тагига қўйди.

— Энди сичкон истаган вақтида келиши мумкин.

Улар Бок хонимни бутунлай унутиб юборишганди. Лекин бирдан ошхонадан тарақ-турук товуш эшитилди.

— У овқат қияпти, шекилли,— деди Карлсон.— Товаларни тикирлатяпти.

Унинг айтгани тўғри чикди, чунки чиндан ҳам ошхонадан иштахани китикловчи галати бир ҳид келди.

— У тушликдан қолган тефтелини иситяпти,— деб тушунтирди Миттивой.— Вой, бирам қорним очдики!

Карлсон чопиб эшик олдига борди.

— Қани, олға, ошхонага!— деб кичкирди у.

Миттивой, Карлсон шунга журъат этдим, демак, чиндан ҳам довиорак экан, деб ўйлади. Миттивой кўрқоқ бўлиб қолишни истамасди, у ҳам кўрқа-писа ошхона томонга юрди.

— Хой, хой, биз айни вақтида келибмиз. Кечки овқат бизни кутяпти,— деди Карлсон.

Бок хоним плита ёнида туриб, тефтелини айлантларди, бироқ у Карлсонни кўриши билан товани ташлади-да, у томонга бостириб кела бошлади. Унинг важоҳати жуда ёмон эди.

— Жўна!— деб кичкирди у.— Жўна бу ердан!

Карлсоннинг лаблари қалтираб, қош-қовоғи осилиб кетди.

— Бунақада мен ўйнамайман! Бундай қилиш ярамайди. Тефтелидан мен ҳам емоқчиман. Кечкурун роса ажина-ажина ўйнаганиндан кейин иштаханг жуда очилиб кетар экан, наҳотки шуни билмасанг?

У плита ёнига борди-да, товадан бир дона тефтели олди. Бундай қилмаслиги керак эди. Бок хоним дарғазаб бўлиб унга ташланди. Карлсонни елкасидан ушлаб, ташқарига итариб чиқариб юборди.

— Жўна!— деб ўшқирди.— Уйингга жўна, бошқа қорангни кўрсатма!

Миттивой жуда хафа бўлди.

— Вой, нега бунча жаҳлингиз чиқади, Бок хоним?— деди у кўзларига ёш олиб.— Карлсон менинг ўртоғим, уни уйдан ҳайдаб бўладими?

Миттивой бошқа гап айтишга улгуролмади, чунки ошхонанинг эшиги шартта очилиб, Карлсон кириб келди. У ҳам тутатиб кетган эди.

— Мен бундай ўйнамайман!— деб кичкирди у.— Йўқ, ўйин бунақа бўлмайди! Мени орқа эшикдан ҳайдаб юбормоқчи бўлдингизми?! Қўлингиздан келмайди!

У Бок хонимнинг олдига учиб келди-да, депсиниб қўйди.

— Тавба, орқа эшикдан қувармиш-а!.. Мени одамлардай кўча эшикдан ҳайдасин-да!

Бок хоним Карлсонни яна ёқасидан ушлаб олди.

— Кўча эшикдан? Бажонидил!— деб кичкирди у ва Карлсонни хонама-хона судраб кўча эшикдан чиқариб юборди. Миттивойнинг кўз ёшларига, ялиниб-ёлворишларига парво ҳам қилмади. Карлсон ўзига-ўзи қилди.

— Мана, энди сенга ҳиммат қилишдими?— деб сўради Бок хоним.

— Ҳа, дуруст,— деди Қарлсон. Бок хоним эшикни шундай шарақлатиб ёпдики, бутун уй ларзага келди.

— Хайрият-э,— деди у ва ошхонага кириб кетди.

Миттивой унинг орқасидан соядек эргашиб юрарди, у жуда хуноб эди:

— Эҳ, Бок хоним, бунчалик жаҳлингиз тез бўлмаса! Қарлсоннинг ошхонада бўлишга ҳаққи бор!

Қарлсон чиндан ҳам ҳозир ошхонада эди. Печка ёнида туриб тефтели ерди.

— Ҳа, ҳа, орқа эшикдан қайтиб кириб, тефтелидан ейишим учун мени кўча эшикдан ҳайдаши керак эди,— деб тушунтирди Қарлсон.

Ўшандан кейин Бок хоним Қарлсонни яна ёқасидан ушлаб, бу гал уни орқа эшикдан учинчи марта чиқариб юборди.

— Тавба, ҳайронман,— деди у хуноби ошиб,— унга ҳеч бас келиб бўлмапти-я. Ҳозир эшикларни беркитиб қўяман, ана шундан кейин кириб бўпти.

— Ҳа, кўрамиз хали,— деди Қарлсон хотиржам.

Бок хоним эшикни шарақлатиб ёпди, кейин кулфланганини текшириб кўрди.

— Вой, бунча ҳам жаҳлингиз тез бўлмаса, Бок хоним,— деб Миттивой бир зум тинмай гапирарди.

Бирок Бок хоним унинг гапларига ҳеч эътибор бермасди. У тефтели қип-қизариб пишган печка ёнига келди.

— Бугунги шунча ташвиш ва тўполонлардан кейин битта тефтели ея олармикинман?— деди.

Бирок худди шу пайт очик деразадан овоз келди:

— Ҳой, бу уйнинг эгалари борми? Сизларда иккита-учта тефтели топилмайдими?

Дераза тоқчасида Қарлсон ўтирарди, у жуда хурсанд, оғзи кулоғида эди. Миттивой уни кўриб, кулгисини тийиб туролмади.

— Бу ерга балкончадан учиб келдингми?

Қарлсон бош ирғади.

— Ҳа, мана, яна сизлар билан биргаман! Келганимдан хурсанд бўлсангиз керак... айниқса, сен, плита олдида турган хотин!

Бок хоним кўлидаги тефтелини энди оғзига солмоқчи бўлиб турганди, бирок Қарлсонга кўзи тушди-ю, унга тикилганча серрайиб котиб қолди.

— Бунақа мечкай, очофат хотинни энди кўришим,— деди Қарлсон ва печка устида айланиб учаркан, тефтелидан бир нечасини оғзига солди. Кейин шифт остида уча бошлади.

Бок хонимнинг тоқати-тоқ бўлиб, жуда тутакиб кетди. У овозининг борича бақариб, кўлига гилам қоқадиган таёкни олди-да, Қарлсонни қувлаб кетди:

— Ҳа, шумтака! Ахир бу нима деган гап! Наҳотки сени қувиб чиқаролмасам!

Қарлсон эса хурсанд бўлиб, лампа атрофида гир-гир айланарди.

— Эҳ, эҳ, мана мириқиб ўйнаймиз, кўнгил очамиз, роса яйраймиз!— деб қичқирди у.— Дадам кўлига пашша ўлдирадиган таёқ олиб қувлагандан буён бунчалик хурсанд бўлмагандим! Мен ўшанда кичкина эдим, лекин ҳаммаси эсимда, роса маза қилувдик!



Карлсон ўзини катта хонага урди, яна хонама-хона чоп-чоп бошланди. Олдинда Карлсон учарди. У сеvingанидан кийкирар, хахолаб кулар, унинг орқасидан қўлида таёғи билан Бок хоним чопар, унинг кетидан Миттивой аранг улгурарди, хамманинг орқасидан тинмай вовиллаб Бимбо чопарди.

— Хой, хой!— деб кичкирарди Карлсон.

Бок хоним Карлсоннинг кетидан бир зум қолмас, лекин ҳар гал энди ушлаб оламан деганида, Карлсон юқорига, шифтга кўтарилиб кетарди. Бок хоним қўлидаги таёғини тинмай силкитса, Карлсон чап бериб ўтиб кетарди.

— Хой, хой, оёққа тегмасин, бунақада ўйнамайман!— деб кичкирарди Карлсон.

Бок хоним ҳарсиллаб қолганди, лекин ҳамон елиб-югурар, катта, яланг оёқлари полда шалоп-шалоп киларди. Бечора оёғига бирор нарса кийиб олишга улгуролмаганди, чунки кечкурундан бери хонама-хона югуриб юрарди. У жуда чарчаганди-ю, лекин бўш келгиси келмасди.

— Кунингни кўрсатиб қўяман, шошмай тур ҳали!— деб кичкирарди у Карлсонни қувиб юраркан.

У таёғи билан уриб қолиш учун сакраб қўяр, лекин бунинг уддасидан чиқолмасди. Карлсон кула-кула тобора баланд учарди. Миттивой ҳам хахолаб кулар, ўзини сира тиёлмасди. Унинг ҳадеб кулаверганидан қорни оғриб қолди. Унинг хонасига учинчи марта кириб қолганларида Миттивой бирпас бўлсаям дам олгани ўзини каравотга отди. Унинг кулишга ҳам қуввати қолмаганди, лекин Бок хонимнинг Карлсонни ушламоқчи бўлиб, бўзчининг моxисидай у ёқдан-бу ёққа чопишини кўриб, яна кулиб юборди.

— Хой, хой!— деб кичкирарди Карлсон худди уни гижгизлагандай.

— Мен сенга «хой», «хой»ни кўрсатиб қўяман!— деб бакирарди Бок хоним ҳансираб нафас оларкан. У таёқни жон-жаҳди билан силкитарди, ниҳоят Бок хоним Карлсонни Миттивойнинг каравоти турган бурчакка тикиб қўйди.

— Хўш, қалайсан,— деб кичкирди Бок хоним тантанавор,— қўлга тушдингми, азизим?

Лекин Бок хоним бирдан шундай кичкириб юбордики, Миттивойнинг кулоқлари шанғиллаб кетди. Кулгиси ҳам тинди.

«Эх, Карлсон қўлга тушди-да»,— деб ўйлади у.

Бирок Карлсон қўлга тушмаганди. Бок хонимнинг ўзи қўлга тушиб қолганди. У ўнг оёғининг бош бармоғини сичкон тутадиган қопқонга бехосдан тикиб олди.

— Вой, вой, вой!— деб ингради Бок хоним.— Вой, вой, вой!

Бок хоним оёғини кўтарди-да, бармоғини чангаллаб олган бу галати буюмга ваҳима ичида тикилиб қолди.

— Вой, вой, вой!— деб бакирди Миттивой.— Шошманг, ҳозир уни очаман... Кечирасиз, бундай бўлишини ҳечам ўйламайдим...

— Вой, вой, вой!— деб инграрди ҳамон Бок хоним, Миттивой унинг бармоғини қопқондан чиқараркан.— Нега энди қопқон сенинг каравотинг тагида турибди?

Миттвой копконга жуда ачинди, шунинг учун ҳам тутила-тутила зўрға гапирди:

— Чунки... чунки... биз кўккисдан сичкон тутиб олмоқчи эдик.

— Лекин, бунақа каттасини эмас!— деб тушунтирди Карлсон.— Думи узун кичкина сичконни тутмоқчи эдик.

Бок хоним Карлсонга бир хўмрайиб қаради-да, ингради:

— Яна шу ердамисан?! Ахир, бу ердан қачон даф бўласан?

Бок хоним шундай деди-ю, яна Карлсонни қувлай кетди.

— Хой, хой!— деб кичкирди Карлсон.

Карлсон даҳлизга учиб чикди, даҳлиздан катта хонага кирди, у ердан Миттвойнинг хонасига учиб кирди. Хуллас, яна хонама-хона елиб-югуриб қувиш бошланди: ошхонага киришар, ошхонадан ётоқхонага, у ердан...

— Хой, хой!— деб кичкирарди Карлсон бир зум тинмай.

— «Хой, хой»ни ҳозир сенга кўрсатиб қўяман,— деб дўк килди Бок хоним, тез чопганидан хансираб нафас оларкан.

Бок хоним таёқни силкитиб, кучининг борича сакради, қувиш билан овора бўлиб уйдаги стол-стулларни ётоқхона эшигига тираганини бутунлай унутиб қўйганди. Шунинг учун ҳам у китоб жавонига боши билан урилиб гурсиллаб полга йиқилиб тушди.

— Бўлди! Энди Нурландда яна ер кимирайди,— деди Карлсон.

Лекин Миттвой кўркиб кетиб Бок хонимга ташланди.

— Вой, у ер-бу ерингиз лат емадими?— деб сўради.— Бечора Бок хоним...

— Қаравотга бориб олишимга ёрдамлашиб юбор... Қел, барака топгур...— деб шивирлади Бок хоним.

Миттвой ёрдамлашди, тўғрироғи, ёрдамлашмоқчи бўлди. Бирок Бок хоним шундай барзанги, Миттвой бўлса шундай кичкина эдики, у бу ишни удалай олмади. Лекин шу пайт уларнинг олдига Карлсон учиб келди.

— Бир ўзинг овора бўлмай қўя қол,— деди у Миттвойга.— Уни кўтариб боришингга мен ҳам ёрдамлашиб юборай. Ахир, мен сенга ўхшаган эмасман, дунёда энг қобил, гапга кирадиган одамман.

Карлсон билан Миттвой икковлашиб Бок хонимни аранг қаравот олдига судраб олиб боришди.

— Бечора Бок хоним,— деди Миттвой оғир хўрсиниб.— Ўзингизни қандай сезяпсиз? У ер-бу ерингиз оғрмаяптими?

Бок хоним гўё мулоҳаза қилаётгандай дарров жавоб бермади.

— Менимча, танамда бирор соғ жойим бўлмаса керак,— деди у ниҳоят.— Бирок оғришга-ку оғрмаяпти... фақат кулсам...

Бок хоним хахолаб қулиб юборди, хатто қаравот ҳам силкиниб кетди.

Миттвой унга қўрқув аралаш қараб қўйди — унга нима бўлдикин?

— Сизларни билмадим, лекин менимча, бугун кечкурунги тренировка зўр бўлди-да, бунақаси камдан-кам бўлади,— деди у.— Эй худойим, кишини роса тетик қиларкан-а!

Бок хоним бошини ликиллашиб гапира кетди:

— Биз Фрида икковимиз «уй бекалари учун машқ» программаси

бўйича бадантарбия қиламиз. Энди Фридага чопиш нималигини кўрсатиб қўяман. Шошмай туринглар-а...

— Хой, хой!— деб бакирди Карлсон.— Ҳалиги таёкни ўзинг билан ола кет, ана ўшанда Фридани зал бўйлаб кувишинг, тетик қилишинг мумкинки, у ўзининг қариндошларини ҳам танитай қолади!

Бок хоним унга кўзларини чакчайтирди.

— Сен яна мен билан гаплашиб ўтирибсанми-а? Яхшиси овозингни ўчириб, ошхонадан менга тефтели олиб келиб берсанг бўларди. Миттивой хурсанд бўлиб кулиб кўйди.

— Ҳа, шунақа чоп-чоплардан кейин, иштаха ҳам қарнай бўлиб кетаркан.

— Қани, топ-чи, тефтелини келтириб беришда дунёда энг зўр ким?— деди Карлсон ошхона томонга чопаркан.

Кейин Карлсон, Миттивой, Бок хоним каравотга ўтириб олишиб тефтелини шундай иштаха билан туширишдики, чапиллаган овоз хонани тутиб кетди. Карлсон ошхонадан бир патнис овқат олиб келганди.

— Мен олмадан қилинган запеканкани кўриб қолдим. Бундан ташқари, чўчка ёғи, пишлок, колбаса, тузланган бодринг, бир неча сардинка, бир парча жигар қийма ола келдим. Қани айт-чи, қаймоқли тортни қаёққа қўювдинг? Уни тополмадим...

— Бизда торт йўқ,— деб жавоб берди Бок хоним.

Карлсоннинг лаблари титраб кетди.

— Нима, сен тефтели, олмадан қилинган запеканка, ёғ, пишлок, колбаса, тузлаган бодринг, жиндек сардинкага тўямиз деб ўйлайсанми?

Бок хоним унинг кўзларига тикилди:

— Йўқ,— деб хотиржам жавоб берди у.— Лекин жигар қийма ҳам бор-ку.

Миттивой ҳеч қачон бундай маза қилиб овқат емаганди. Миттивой, Карлсон ва Бок хоним каравотда ёнма-ён ўтиришиб, тинмай овқат ейишар, дам қавшанишар, дам ютишарди! Учовлон ўтирганлари маза эди. Бироқ Бок хоним бакириб юборди:

— Вой, худойим, ахир Миттивойни ажратиб қўйишимиз керак эди-ку, биз бўлсак манавини бу ерда олиб ўтирибмиз-а.— Шундай деб у қўли билан Карлсонни кўрсатди.

— Уни ҳеч ким олиб келгани йўқ,— деди Миттивой,— унинг ўзи учиб келди.— Лекин, бари бир, Миттивой безовталанди.— Менга қара Карлсон, ўша зилча касали билан сен ҳам оғриб қолсанг-а?

— Ҳм... ҳм,— деб мингиллади Карлсон, чунки оғзида овқати бўлгани учун дарров гапира олмади.— Зилчанг билан қанча ишим бор!.. Шу ҳам касал бўлди-ю! Бунинг устига ширин кулча иситма касали билан оғриган одамга ҳеч қандай дард юкмайди.

— Йўқ, бари бир мумкинмас,— деди Бок хоним оғир хўрсиниб.

Карлсон охирги тефтелини ютди-да, бармоқларини яларкан, деди:

— Э, нимасини айтай, бу уйдаги одамлар тўйиб овқат емас экан, лекин бошқа томондан ҳамма нарса яхши. Хуллас, мен ҳам ўзимни ажратиб қўйишим мумкин.

— Вой худойим-эй, бу нима кўргилик!— деди Бок хоним. У аввал Карлсонга, сўнгра курук патнисга каради-да:— Сендан кейин нима ҳам коларди,— деди.

Карлсон полга сакраб тушди-да, корнига уриб-уриб кўйди.

— Мен овқат еб бўлганимдан кейин стол қолади,— деди у.— Ҳа, бирдан-бир қоладиган нарса шу стол.

Кейин Карлсон корнидаги кнопкасин босди, мотор тариллади-ю, Карлсон очик дераза томонга учиб кетди.

— Хайр!— деб кичкирди у.— Энди бир оз вақт менсиз яшаш-ларингизга тўғри келади, иложларинг канча. Мен шошиб турибман.

— Хайр, Карлсон!— деб кичкирди Миттивой.— Ҳа, сен чиндан ҳам учиб кетишинг керак, вақт бўлди.

— Шундай тез-а!— деб кўшиб кўйди Бок хоним гамгин.

— Ҳа, шошилишим керак!— деб кичкирди Карлсон.— Бўлмаса кечки овқатга кеч қоламан. Хайр!— У учиб кетди.

### ЕШГИНА МАҒРУР ҚИЗЧА УЗОҚ-УЗОҚЛАРГА УЧИБ КЕТДИ

Эртаси эрталаб Миттивой жуда узоқ ухлади. У телефон жиринглаганидан уйғониб кетди, у трубкани олгани дахлизга чопиб чикди. Телефон қилган ойиси эди.

— Бечора ўғлим... Вой, қандай дахшат...

— Нима дахшат?— деб сўради Миттивой уйку аралаш.

— Хатда ёзганларинг ҳаммаси дахшат. Сизлардан шундай хавотир оляпманки...

— Нега?— деб сўради Миттивой.

— Ўзинг биласан-ку,— деди ойиси.— Бечора болагинам... Эртага эрталаб уйда бўламан.

Миттивой севиниб кетди, гарчи ойисининг нима учун «бечора болагинам» деганини тушунмаса-да, анча кўнгли кўтарилди!

Миттивой энди ётиб, кўзи уйкуга кетгани ҳам йўқ эди, яна телефон жиринглаб колди. Дадаси Лондондан телефон қилди.

— Хўш, ишларинг, аҳволларинг қалай?— деб сўради дадаси,— Боссе билан Бетан безорилик қилишмаяптими?

— Қилишяпти чамамда,— деди Миттивой,— лекин анигини билмайман, чунки улар эпидемияда ётишибди.

Миттивой гаплари дадасини ташвишга солиб кўйганини тушунди.

— Эпидемияда ётибди? Бу нима деганинг?

Миттивой нима демоқчи бўлганини тушунтирганидан кейин, дадаси худди ойиснинг гапларини такрорлади:

— Бечора болагинам... Эртага эрталаб уйда бўламан.

Шу билан суҳбат тугади. Лекин кўп ўтмай яна телефон жиринглади. Бу гал Боссе телефон қилганди.

— Уй золимаси билан унинг кекса докторига айтиб қўйишинг мумкин. Гарчи улар ўзларини билагон ҳисобласалар ҳам аслида ҳеч балони билишмас экан. Бетан икковимизда қизилча касали эмас экан. Эртага уйга қайтамыз.

— Зилча эмас эканми?— деб қайта сўради Миттивой.

— Ҳа, зилча эмас экан. Биз шунчаки ниманидир кўп еб қўйиб-миз, бу ердаги доктор шундай деди. Шундан ҳам баъзиларга иссиқлик тошаркан.

— Тушунарли, ширин кулча иситмасига чалинибсанлар-да,— деди Миттивой.

Бирок Боссе трубкани осиб қўйганди.

Миттивой кийиниб, Бок хонимга, мени бошқа ажратиб қўйманг, деб айтгани ошхонага чиқиб кетди. Бок хоним нонушта қилаётганди.

Ошхонани ширин, мазали овқатлар хиди тутиб кетганди.

— Кетишим мумкин бўлади,— деди Бок хоним, Миттивой унга, эртага ҳамма жамулжам бўлишини айтгандан кейин.— Жуда соз, бу ерда жуда ҳам асабий бўлиб қоламан.

У кастрюлда ниманидир зўр бериб аралаштирарди. Кастрюлда қандайдир зирвак қайнар, Бок хоним унга туз, қалампир ва яна аллақандай кўкатлар соларди.

— Мана кўрдингми,— деди у,— унга туз солиш, қалампир қўшиш зарур, кейин узок қайнатиш керак, ана ўшанда мазали бўлади.— Кейин у Миттивойга ташвиш аралаш қараб қўйди.— Сен нима дейсан, ўша ярамас Карлсон бугун ҳам учиб келармикин? Сизларнинг уйингизда сўнги соатларимни хотиржам ўтказсам дегандим.

Миттивой жавоб беришга ҳам улгурмаган эди, ташқарида шўх кўшиқ эшитилди, уни кимдир завқ билан баралла айтарди:

Куёш, куёш, куёшжон,  
Деразадан бок бир он!

Дераза тоқчасида яна Карлсон ўтирарди.

— Салом! Мана, куёшингиз келди, энди ташвиш тортмасангиз ҳам бўлади.

Бирок шу пайт Бок хоним ялингансимон унга қўлларини чўзди:

— Йўқ, йўқ, худо хайрингни берсин, ўтиниб сўрайман, шу бугун бизни тинч қўй.

— Тинч қўй, шунақами! Бирок энг аввал бизга нонушта керак албатта,— деди Карлсон ва бир сакраб ошхонадаги стол ёнига келиб олди.

Бок хоним ўзи ва Миттивой учун столга пичоқ, вилка қошиқларни қўйиб қўйганди. Карлсон ўтирди-да, қўлига пичоқ ва вилка олди:

— Бошладик! Келинглар, нонушта қилайлик!— У Бок хонимга қараб мулойимгина бош ирғаб қўйди.— Сен ҳам ёнимизга ўтиришинг мумкин. Ўзингга тарелка олиб, бу ёққа кел.

У иштахани очадиган мазали таомни бурнини жийриб ҳидлади.

— Бизга нима беришади?— деб сўради у тамшаниб.

— Адабингни беришади,— деб жавоб қилди Бок хоним зирвакни аралаштираркан.— Ҳа, сен бунга жуда муносибсан. Бирок ҳаммаёгим қақшаб зиркираб оғрияпти, кетингдан чошиб юролмасам керак.

У зирвакдан товоққа қўйди-да, стол устига қўйди.

— Ичинглар,— деди у.— Сизлар еб бўлгунча кутиб тураман,



чунки овқат еяётганимда ҳечам безовта бўлмаслигим керак, доктор шундай деган.

Карлсон раҳми келгандай бош ирғаб кўйди.

— Ҳа, бўпти, ақалли бир неча бўлак қотган нон топилар. Столдаги ҳамма нарсани пок-покиза тушириб бўлганимиздан кейин, сен ўша қотган нонларни еб тамадди қиласан. Ҳаммаёқ осойишта, жимжит бўлгач, столнинг бир чеккасида каттик нон кемириб, маза қиласан.

Карлсон зирвакдан шоша-пиша ўзига бир тарелка куйиб олди. Миттивой эса ўзига жиндек куйди. У нотаниш овқатлардан доимо сал хайкиб турарди. Бу зирвакни ҳам ҳеч қачон ичмаган эди.

Карлсон гўштдан минора қура бошлади, минора атрофида зирвак тўла калъа ҳосил бўлди. Карлсон бу иш билан овора бўлиб ўтирганида, Миттивой гўштдан жиндек еб кўрди. Вой! У антикиб қолди, кўзларига ёш келди. Оғзи ловиллаб ёнарди. Бироқ ёнгинасида турган Бок хоним унга шундай бир қараш қилдики, Миттивой индамай кўя қолди.

Карлсон ўз калъасидан бошини кўтариб:

— Сенга нима бўлди? Нега йиғлаяпсан?— деб сўради.

— Қайғули бир воқеа эсимга тушиб кетди,— деди Миттивой дудукланиб.

— Тушунарли,— деди Карлсон, гўштдан қурилган минорасининг бир бўлагини оғзига соларкан. Бироқ оғзига солиб ютиши биланок бақириб юборди, кўзларидан тиркираб ёш чиқиб кетди.

— Нима бўлди?— деб сўради Бок хоним.

— Бу захарнинг ўзи-ку... Ҳа, айтмоқчи, унга нима солганингни биздан кўра ўзинг яхшироқ биласан,— деди Карлсон,— тезроқ катта шлангни олиб келгин, томоғим куйиб кетяпти!— у кўз ёшларини артди.

— Нега йиғлаяпсан?— деб сўради Миттивой.

— Менинг ҳам эсимга бир қайғули воқеа тушиб кетди,— деб жавоб қилди Карлсон.

— Қандай воқеа экан?— деб сўради Миттивой кизиқиб.

— Мана шу зирвак шўрва,— деди Карлсон.

Бироқ бу гап Бок хонимга ёкмади.

— Уялмайсизларми, болалар! Дунёдаги минг-минглаб болалар бу овқатни жон деб ичишган бўларди.

Карлсон чўнтагидан қалам билан блокнот олди.

— Илтимос, ўша минг-минглаб болалардан ақалли иккитасининг исмини, адресини айтиб берсангиз, ёзиб олардим.

Бироқ Бок хоним адрес беришни истамади.

— Олов ейдиганлар қабиласидаги кичкина ёввойилар ҳақида гап боряпти шекилли, ҳаммаси тушунарли,— деди Карлсон,— улар умр бўйи олов билан олтингугурт ютишдан бошқани билишмайди.

Худди шу пайт эшик қўнғироғи жиринглаб қолди-ю, Бок хоним эшикни очгани кетди.

— Қани кўрайлик-чи, ким келдийкин,— деди Карлсон.— Эҳтимол, ўша олов ейдиганлардан битта-яримтаси келгандир. Улар бу оловли бўтқа учун бисотидаги бор нарсаларини беришга ҳам

тайёрдир. Биз хушёр бўлишимиз керак. У бирдан арзонлашиб кетса-я... Ахир Бок хоним бўтқага озмунча тулки захрини солдими, бу захар бебахо нарса-ку!

Карлсон Бок хоним кетидан кетди, Миттвой эса унинг орқасидан колгиси келмади. Улар дахлизда Бок хонимнинг орқасида туриб, кимнингдир нотаниш овозини эшитишди:

— Менинг фамилиям Пек. Мен швед радио ва телевидениесининг ходимман.

Миттвойнинг аъзойи бадани музлаб кетди. У Бок хонимнинг юбкаси орқасидан секин мўралаб каради, остонада бир жаноб турарди. Бу ўша Бок хоним айтган чиройли, ақлли, тобида семирган, айни куч-қувватга тўлган кишилардан биттаси эди, бунакалар телевидениеда сон-саноксиз, ачиб-бижиб ётибди, деганди Бок хоним.

— Хильдур Бок хонимни кўрсам бўладими?— деб сўради Пек.

— Бу менман,— деб жавоб берди Бок хоним.— Мен радио ва телевидение учун аллақачон тўлаганман, текширишингизнинг хожати йўқ.

Жаноби Пек мулойим кулимсираб кўйди.

— Мен тўлов масаласида келганим йўқ,— деб тушунтирди у.— Мен ажиа ҳақидаги гапларни билмоқчи бўлиб келувдим, сиз бу ҳақда бизга ёзиб юборгандингиз-ку... Биз шу материал асосида янги бир программа тайёрласак дегандик.

Бок хоним кип-кизариб оғиз очолмай қолди.

— Сизга нима бўлди, тобингиз қочиб қолдими?— деб жимликни бузди жаноб Пек ниҳоят.

— Ҳа, ҳа, негадир мазам қочди,— деди Бок хоним.— Бу ҳаётимда энг оғир, мудҳиш дақиқа.

Миттвой унинг орқасида турар ва ўзини худди Бок хонимдай хис этарди. Э, худо, энди шуниси етмай турувди! Бир неча секунддан кейин бу жаноб Пек Карлсонни хойнахой сезиб қолади, эртага эрталаб ойиси билан дадаси уйга қайтиб келганларида, уйлари атрофида сон-саноксиз кабелларни, телевизион камераларни, мана бунақа жанобларни кўришади-ю, энди бошлари ташвишдан чиқмаслигини тушунишади. Вой, худойим, бу ёғи нима бўлади, Карлсонни дарров яшириш, даф қилиш керак.

Миттвойнинг кўзи дахлиздаги ёғоч сандикка тушиб қолди. Унда Бетан ўзининг қўлда тикилган театр кийим-бошларини, эски рекевизит ва шунга ўхшаш ашқол-дашқолларини сақларди. Бетан синфидаги болалар билан биргаликда аллақандай бемаъни клуб ташкил қилганди: улар бўш вақтларида ғалати уст-бошлар кийишиб, бемаъни томошалар кўрсатишарди. Миттвойнинг фикрича, буларнинг ҳаммаси бир бемаъни нарса эди, бироқ улар буни ўзларича театр ўйнаш деб аташарди. Бироқ ҳозир ҳар хил кийим-кечак солинган бу ёғоч сандик жуда иш берди!.. Миттвой сандикнинг копкоғини очди-да, ҳаяжонланиб Карлсонга шивирлади:

— Яширин!.. Мана бу сандик ичига туш! Тезроқ бўл!

Карлсон нима учун яшириниши кераклигини тушуниб етганича ҳам йўқ, буни у шунчаки бир шўхлик деб ўйлади. У Миттвойга айёрона бир қараб кўйди-да, сандик ичига тушди. Миттвой шартга

сандик қопқогини ёпди. Кейин у хамон остонада гаплашиб туришган Бок хоним билан жаноби Пекка кўрка-писа қараб қўйди... Улар бирор нимани сезишмадимикин?

Бироқ улар гапга жуда берилиб кетишганидан ҳеч нима сезишмади. Бок хоним жаноб Пекка нега ўзини ёмон сезаётганининг сабабини тушунтираётган эди.

— Бу ажина эмас,— деди Бок хоним, кўз ёшларини аранг тийиб.— Бу шунчаки болаларнинг бемаъни шўхлиги эди.

— Демак, ҳеч қандай ажина бўлгани йўқ, денг?— деб такрор сўради жаноб Пек ҳафсаласи пир бўлиб.

Бок хоним кўз ёшини ортиқ тийиб туролмади — хўнграб йиғлаб юборди.

— Йўқ, ажина бўлгани йўқ. Телевидениега чиқиб гапира олмайман. Ҳеч қачон... Фақат Фрида гапириши мумкин!..

Жаноб Пек унинг қўлларини ушлаб тасалли берган бўлди:

— Азизим Бок хоним, бунчалик куйиб-пишманг, ўзингизни уринтирманг. Ким билади, эҳтимол, ҳали гапирарсиз ҳам.

— Йўқ, йўқ, бутун умидларим пучга чикди...— деди Бок хоним ва юзини қўллари билан беркитиб, сандик устига ўтириб қолди.

Бок хоним ўксиб-ўксиб йиғларди. Миттивойнинг унга жуда раҳми келди, хижолат бўлди, чунки ҳаммасига ўзини айбдор ҳисобларди.

Тўсатдан сандик ичидан гўлдираган овоз эшитилди.

— Вой, кечирасиз!— деди Бок хоним хижолат бўлиб.— Қорним очгандан бўлса керак.

— Ҳа, қорин очганда шунақа гўлдирайди,— деди жаноб Пек унинг гапини маъқуллаб,— лекин нонуштангиз тайёр бўлди шекилли, жуда ажойиб хид келяпти. Бугун нонуштага нима қилувдингиз?— деб сўради жаноби Пек қизиксиниб.

— Э, арзимас нарса, гўштли зирвак... Уни ўзим кашф этдим... «Хильдур Бок рецепти бўйича тайёрланган зирвак» — уни шундай деб атадим,— деди Бок хоним камтарона, лекин ифтихор билан, кейин хўрсиниб қўйди.

— Жуда мазали бўлганга ўхшайди, хидидан сезяпман,— деди жаноб Пек.— Иштаҳани очиб юборяпти-я.

Бок хоним сандик устидан турди.

— Илтимос, татиб кўринг... Мана бу шумтакаларга ёкмаганмиш, бурунларини жийришади-я.

Жаноб Пек, ноқулай бўлармикин, деб бир оз тортиниб турди-да, охири икковлашиб ошхонага кириб кетишди.

Миттивой сандикни очиб, Карлсонга қараб қўйди, у кийим-бошлар устида бамайлихотир чўзилиб ётганича секин гўлдираб қўярди.

— Ўтиниб сўрайман, у кетгунича қимирламай жим ёт,— деб шивирлади Миттивой,— бўлмаса телевизорга тушасан.

— Ҳа, жим ёт эмиш, гапиришга осон,— деди Карлсон.— Бу ер ҳам тор, дим, ўша яшиқдан қолишадиган ери йўқ, энди мен учун бари бир.

Миттивой ҳаво кирсин деб сандикнинг оғзини сал очиб қўйди-да, кейин ошхонага чопиб чиқиб кетди. У жаноб Пек Бок хонимнинг зирвагидан татиганда нима бўлишини кўрмоқчи эди.

Жаноб Пек стол ёнида хотиржам ўтириб, гўё бундай ширин

таомни умрида биринчи бор еяётгандай зирвакни зўр иштаҳа билан ичарди. Миттивой кўзларига ишонмасди. Жаноб Пекнинг кўзларида қатра ёш кўринмасди. Бок хонимнинг кўзларидан эса ёш дув-дув тўкиларди, бу кўз ёшлари зирвак туфайли эмасди, албатта. У ҳамон телевизорда гапиролмаслигини ўйлаб, хўрлиги келиб йиғларди. Ҳатто жаноб Пекнинг Бок хонимнинг оловли овқатини кўкларга кўтариб макташи ҳам унга тасалли беролмади. Бок хоним ўзини жудаям бахтсиз ҳис этарди.

Бирок шу пайт сира кутилмаган воқеа содир бўлди. Жаноб Пек бирдан шифтга тикилиб турди-да, кичкириб юборди:

— Топдим! Топдим! Эртага кечкурун сиз чиқиб гапирасиз!

Бок хоним ёшли кўзларини унга тикди.

— Эртага кечкурун қаерда гапираман?— деб сўради у маъюс.

— Қаерда бўларди? Телевизорда-да!— деди жаноб Пек.— «Моҳир пазанда» деган эшиттиришда чиқасиз. Сиз барча шведларга «Хильдур Бок зирваги»ни қандай пиширишни гапириб берасиз...

Бок хоним шу гапни эшитди-ю, ҳушидан кетиб, полга гурс этиб йиқилиб тушди. Бирок ҳадемай ўзига келди-да, ўрнидан сапчиб турди. Унинг кўзлари севинчдан порларди.

— Эртага кечкурун дейсизми... Телевизорда-я? Зирвак ҳақида... Бутун швед халқига гапириб бераманми-а? Е танграм!.. Бу қанақаси бўлди? Фрида бўлса сира тан олмайди, сен пиширган овқатларни фақат чўчкаларга бериш мумкин дейди.

Миттивой бу гапни нафасини ичига ютиб эшитди, чунки буларнинг ҳаммаси унинг учун жуда қизиқ туюларди. У сандиқ ичидаги Карлсонни сал бўлмаса унутаёзибди. Лекин шу пайт дахлизда қандайдир гичирлаган овозни эшитиб жуда кўркиб кетди. Ҳа, у бундай бўлишини билганди... Карлсон! Ошхонанинг эшиги сал очик эди, Миттивой Карлсоннинг у ёқдан-бу ёққа юрганини кўриб қолди. Бирок Бок хоним ҳам, жаноби Пек ҳам ҳеч нимани пайкамади.

Ҳа, бу Карлсон эди! Айни вақтда бу Карлсон эмасди!.. Вой худойим, у Бетаннинг эски маскарад кийимида рўдапо бўлиб кўринарди. Эгнидаги узун баҳмал юбка оёғига ўралашиб, юришига халақит берарди, иккита тўр ёқанинг биттаси кўкрагини, иккинчиси елкасини безаб турарди! У кичкинагина, дўмбоккина эпчил қизчага ўхшарди. Ўша кичкина эпчил қизча ошхона томонга дадил келарди.

Миттивой ошхонага кирмагин деб Карлсонга роса имо-ишоралар қилди-ю, лекин Карлсон гўё тушунмагандай яланг бошини ирғаб яқинлашиб келаверди.

— Ешгина мағрур қизча меҳмонхонада ҳозир бўлдилар!— деб кичкирди Карлсон ва ёқаларини ўйнаб остонада туриб қолди.

Унинг туриш-турмушини кўриб, жаноб Пек ағрайиб қолди:

— Ие, бу ким бўлди?.. Бу ёқимтой қизча қаёқдан келиб қолди?

Шу пайт Бок хоним бақириб юборди:

— Ёқимтой қизча! Кечирасиз, бу ёқимтой қизча эмас, ўтакетган безори, дилозор, шумтака! Мен бунақасини умримда кўрган эмасман! Ҳозирок бу ердан жўна, ярамас бола!

Бирок Карлсон унинг гапига қулоқ солмади.

— Ешгина мағрур қизча рақсага тушади ва хурсандчилик қилади,— деди у бўш келмай.

У шундай деди-да, ўйинга тушиб кетди. Миттивой бунака раксни илгари ҳеч кўрмагани, ҳа, жаноб Пек ҳам хойнаҳой кўрмаган бўлса керак.

Карлсон тиззаларини кўтариб, ошхонада югуриб юарди. У ўқтин-ўқтин сакраб тўр ёқаларини силкитиб кўярди.

«Бу қанақа бемаъни ракс,— деб ўйлади Миттивой.— Бу ҳам майли-я, ишқилиб учмаса бўлгани. Фақат учмасин-да!»

Карлсон тўр ёқаларни усталик билан ўраб олганидан паррак ҳеч кўринмасди. Миттивой бунга жуда хурсанд бўлди. Агар учиб шифтга кўтарилгудай бўлса, жаноб Пек хойнаҳой хушидан кетиб йиқилади, кейин ўзига келиши биланоқ, бу ерга телевидениедан одам юборади, улар камераларини олиб келишади.

Жаноб Пек бу ғалати раксни кўриб, котиб-котиб куларди. Шундан кейин Карлсон ҳам қикирлаб кула бошлади, ёқаларини силкитиб, жаноб Пек ёнидан ўтаётганида ҳатто бир-икки марта кўзини ҳам қисиб қўйди.

— Жудаям шўх, қувноқ бола эканми? — деди жаноб Пек.— У болалар учун бериладиган эшиттиришда бемалол қатнашиши мумкин.

Бу гапни эшитиб Бок хоним жуда тутакиб кетди.

— У телевизорда чиқадими?! Ундай бўлса, мени бундан халос қилинг. Агар сиз телевидение студиясини остин-устун қиладиган одам кидириб юрган бўлсангиз, айни муддао, бу ишга бундан зўрнини тополмайсиз.

Миттивой бош ирғади:

— Ҳа, бу тўғри гап. Студия оёғи осмондан келганидан кейин, у бепарвогина: «Парво қилма, бу рўзгорда бўладиган гап», дейди. Шунинг учун ундан эҳтиёт бўлинг!

Жаноб Пек зўрлаб ўтирмади.

— Агар ундай бўлса, кераги йўқ. Мен шунчаки таклиф қилувдим-да, болалар сон мингта!..

Жаноб Пек бирдан шоша-пиша кетишга отланди. Унинг эшитириши бор экан.

Бирок шу пайт Миттивой Карлсоннинг қорнидаги кнопкасини пайпаслаб қидираётганини кўриб қолди-ю, охири дақиқада ҳаммаси ошқор бўлиб қолмасайди деб кўркиб кетди.

— Йўқ, Карлсон... йўқ, керакмас,— деб шивирлади Миттивой безовта бўлиб.

Карлсон сира парво қилмай зўр бериб кнопкани кидирарди, эғнидаги қават-қават тўрлар халакит берарди.

Жаноб Пек остонада турганда бирдан Карлсоннинг мотори гуриллаб қолди.

— Вазастан устидан вертолётлар ўтишини билмас эканман,— деди жаноб Пек.— Улар бу ердан учмаслиги керак эди, гуриллаган овози кўпларга халакит беради. Хайр, Бок хоним. Эртага кўришгунча!

Жаноби Пек кетди.

Карлсон шифтга кўтарилди-да, бир неча бор айланди, тўр ёқаларини силкитиб, хилпиратиб Бок хоним билан хайрлашди.

— Ешгина мағрур кизча узоқ-узоқларга учиб кетади! — деб кичкирди у.— Хайр, хой, хой!



Миттивой тушки овқатдан кейин вақтини тепада, Карлсоннинг томдаги уйида ўтказди. У Карлсонга, Бок хонимни тинч қўйиш, уни бошқа безовта қилмаслик кераклигини тушунтирди.

— Биласанми, у каймоқли торт қилмоқчи, чунки ойим ҳам, дадам ҳам, Боссе ҳам, Бетан ҳам эртага уйга қайтиб келишади.

Карлсонга бу гап ростдай туюлди.

— Ҳа, агар торт қиладиган бўлса, уни тинч қўйиш керак. Крем тайёрлаётганида уй золимасининг ғашига тегиш, уни ка-лака қилиш мумкинмас, бўлмаса у ачийди, унга қўшилиб қаймоқ ҳам ачийди.

Шунинг учун Бок хоним Свантесон оиласидаги сўнгги соатларини худди ўзи хоҳлагандай хотиржам ўтказди.

Миттивой билан Карлсон ҳам томдаги уйда, камин ёнида хотиржам ўтиришарди. Улар ўзларини жуда яхши ҳис этишарди. Карлсон Хетерге кўчасига учиб бориб, бирпасда олма олиб келди.

— Мен олмани беш эрега сотиб олдим, пулини ҳалол тўладим,— деди у Миттивойга.— Мени ўғирлик қиларкан деб шубҳаланишларини истамайман. Ахир мен дунёда энг ҳалол одамман!

— Нахотки бу олмалар атиги беш эре турса?

— Биласанми, мен улардан нархини сўролмадим,— деб тушунтирди Карлсон,— чунки сотувчи аёл, худди шу пайт қаҳва ичгани кетганди.

Карлсон олмаларни симга териб, олов устига илиб қўйди.

— Қани топ-чи, дунёда олмани ким яхши пишира олади? — деб сўради Карлсон.

— Сен, Карлсон,— деб жавоб берди Миттивой.

Улар қўрда пиширилган олма еб, камин олдида ўтиришарди, ташқарида эса қоронғилик тобора қуюқлашарди. «Ўтиннинг чирсиллаб ёниши қандай чиройли-я! — деб ўйлади Миттивой.— Қунлар совиб қолди. Куз келди шекилли».

— Қишлоққа учиб бориб, бирор дехқондан кўпроқ ўтин сотиб олмоқчиман. Дехқонлар ўлгудек хасис бўлишади, лекин бахтимга улар ҳам баъзида қаҳва ичгани кетишади,— деди Карлсон.

У ўрндан турди-да, оловга икки дона тараша ташлади.

— Мен уй иссиқ бўлганини яхши кўраман,— деди у.— Қишда ўтинсиз қолиш — йўқ, бунақа бўлса мен ўйнамайман. Мен бунди уялмасдан дехқонга очик айтишим мумкин.

Каминда ўт ўчганидан кейин Карлсоннинг хонаси қоронғи бўлиб қолди, у дастгоҳ тепасида шифтга осиб қўйилган чироқни ёқди, чироқ хонани, Карлсон устига уйиб ташлаган буюмларни ёритди.

Миттивой, икковимиз бир-биримиздан нарса алмаштириб олмай-мизми, деб сўради. Карлсон, мен доим тайёрман, деди.

— Бирок сен бирор нарса олмоқчи бўлсанг, аввалига мендан рухсат сўрашинг керак. Баъзида «ҳа» дейман, баъзида «йўқ» дейман...Кўпинча «йўқ» дейман, чунки буларнинг ҳаммаси мени-

ки, бирор нарсамдан ажралишни истамайман, бўлмаса мен ўйнамайман.

Ушандан кейин Миттивой дастгоҳ устида ётган ҳамма нарсага кетма-кет рухсат сўрайверди, лекин биттагина синиқ будильникка рухсат олди, холос. Бу будильникни Карлсоннинг ўзи бузиб, ўзи йиғиб қўйган эди. Лекин бари бир бу ўйин жуда кизикарли эди, Миттивой бундан ҳам кизикарли ўйинни тасаввур этолмасди.

Бирок кейин бу ўйин Карлсоннинг жонига тегди, у дурадгорлик қилишни таклиф этди.

— Бу дунёда энг кизик машғулот, жуда кўп ажойиб нарсалар қилиш мумкин,— деди Карлсон.— Ҳар ҳолда, мен ҳам қила оламан.

У дастгоҳ устидаги нарсаларнинг ҳаммасини полга ташлади-да, диванчанинг тагидан тахта ва ғўлалар олди. Карлсон билан Миттивой арралашга, рандалашга тушишди. Ҳаммаёкни тарақ-турук овоз босиб кетди.

Миттивой пароход ясади. У икки тахтачани бир-бирига ёпиштирди-да, устига юмалок ғўлани жиплаштирди. Чиндан ҳам жуда яхши пароход ҳосил бўлди.

Карлсон, кичкина қушчалар яшаши учун уя ясаб, уйимнинг олдига осиб қўйишим керак, деди. Бирок у ясаган нарса на уяга, на бошқа бирор нарсага ўхшарди. У ясаган нарсанинг нималигини аниқлаш амримахол эди.

— Бу нима? — деб сўради Миттивой.

Карлсон бошини ёнига эгиб, ўзи ясаган буюмга қаради.

— Шунчаки бир нарса,— деди у.— Ажойиб кичкина нарса. Қани топ-чи, дунёда қўли гул одам ким?

— Сенсан-да, Карлсон.

Кеч кирди. Миттивойнинг уйга қайтиб, ухлайдиган вақти бўлганди. Карлсон билан, унинг кичкина, файзли уйчаси билан, дастгоҳи, тутаб ёнадиган лампаси, ўтинхонаси, уйни ҳам ёритиб, ҳам иситиб турадиган камин билан хайрлашишга тўғри келганди.

Буларни ташлаб кетиш оғир эди, лекин хадемай бу ерга яна қайтиб келишини Миттивой биларди. Карлсоннинг уйчаси бошқаларнинг томида эмас, уларнинг томида эканлиги қандай яхши-я!

Улар чиқишди. Осмонда юлдузлар жимирларди. Миттивой илгарилари бунчалик кўп юлдузларни ҳеч кўрмаганди, яна шундай ёруғ, шундай яқин денг! Йўқ, у ўйлаганчалик яқин эмас, албатта, юлдузлар неча минг километр узокликда эди. Миттивой буни биларди, лекин бари бир... Карлсоннинг уйчаси тепасида юлдузли чодир тикилди, гўё узатсанг қўлинг етадигандай, айни вақтда жуда-жуда узок эди.

— Нимага қараяпсан? — деб сўради Карлсон сабрсизлик билан,— мен совқотдим. Хўш, учасанми ёки фикрингдан қайтдингми?

— Учаман,— деб жавоб қилди Миттивой.— Раҳмат.

Эртаси куни... Бу жуда ажойиб кун бўлди-да! Аввалига Бос-

се билан Бетан кайтиб келишди, кейин дадаси, энг охирида ойиси келди. Лекин бари бир энг муҳими ойиси эди. Бундан кейин, ойиси ҳеч қаёққа кетмасин-да! Ҳаммалари — дадаси ҳам, Бок хоним ҳам, Бимбо ҳам ойисини ўраб олишди.

— Чарчаганингиз қолдими?— деб сўради Миттивой.— Чарчаганингиз шунчалик тез қолдими-а?

— Сенинг хатингни олишим билан қолди,— деди ойиси.— Сизларнинг касаллигингизни, ажратиб қўйилганингизни эшитиб, ўз кўзим билан кўрмасам касал бўлиб қоламан, деб ўйладим.

Бок хоним бошини сарак-сарак қилди.

— Сиз бекор қилдингиз, Свантесон хоним. Бироқ мен вақти-вақти билан келиб, сизга рўзғорда қарашиб тураман,— деди Бок хоним.— Энди мен ҳозироқ кетишим керак. Бугун кечқурун телевизорга чиқаман.

Ҳаммалари ҳайрон бўлиб қолишди: ойиси ҳам, дадаси ҳам, Боссе ҳам, Бетан ҳам.

— Ростдан-а? Ҳаммамиз кўрамиз. Албатта кўрамиз,— деди дадаси.

Бок хоним бошини мағрур кўтариб қўйди.

— Ишонаман, мени бугун бутун швед халқи кўради деб умид қиламан.

У кетишга шошилди.

— Ахир мен сочимни тарашим, у ёқ-бу ёғимга қарашим, ваннада чўмилиб олишим керак, массажист ва маникюрчи аёлнинг олдига боришим, бошмоғимга янги патак сотиб олишим керак. Телевизорда чиқишдан олдин ўзимга бир оро беришим керак.

Бетан кулиб юборди.

— Янги патак?.. Ахир уни телевизорда ким кўради?

Бок хоним унга норози бўлиб қараб қўйди.

— Нима, уларни битта-яримта кўради деяпманми? Ҳар ҳолда, менга янги патак керак...Бошдан-оёқ яхши кийинган бўлсанг, ўзингни тетик, ишончли ҳис этасан. Балки буни ҳамма тушунавермас. Лекин бизга ўхшаш телевизорда тез-тез чиқиб турадиган одамлар буни яхши биламиз.

Бок хоним шоша-пиша хайрлашди-да, чиқиб кетди.

— Мана, уй золимаси ҳам кетди,— деди Боссе, Бок хонимнинг кетидан эшик ёпилгач.

Миттивой ўйчан бош ирғаб қўйди.

— Унга анча ўрганиб қолувдим,— деди у.— Қаймоқли тортни ҳам жуда боплабди, юзига ананас кесиб, чиройли ясатди.

— Тортни кечқурунга қолдирамиз. Қахва ичиб, торт еб, телевизорда Бок хонимни томоша қиламиз.

Худди шундай бўлди. Эшиттириш вақти бўлганда Миттивой Карлсонга қўнғироқ қилди. У парда орқасидаги ипни бир марта тортди: бу, «тез учиб кел» дегани эди. Карлсон учиб келди. Ҳамма оила аъзолари телевизор олдига тўпланишди. Чашкалар ва торт стол устига қўйилганди.

— Мана, биз ҳам Карлсон билан келдик,— деди Миттивой емак-хонага кириб.

— Мана, мен ҳам келдим,— деб такрорлади Карлсон, юмшоқ

креслога ястаниб ўтириб.— Нихоят қаймоқли торт пайдо бўлибди, айни муддао! Бир бўлагини... катта бўлагини ҳозирок олсам майлими?

— Болалар тортни ҳаммадан кейин олишади,— деди ойиси.— Бундан ташқари, бу ерда мен ўтираман. Миттивой икковингиз телевизор олдида, полда ўтиришингиз мумкин, кейин бир бўлакдан торт бераман.

Карлсон Миттивойга гап котди:

— Эшитдингми? У сенга доимо шунақа муомала қиладими? Бечора бола!

Кейин у кулимсираб қўйди, Карлсон хурсанд эди.

— Унинг менга ҳам шундай муомала қилиши жуда яхши, чунки тўғри қияпти, бўлмаса мен ўйнамайман.

Карлсон билан Миттивой телевизор рўпарасига, полга ўтириб олишди-да, Бок хонимнинг чиқишини кутишди.

— Ҳозир бошланади,— деди дадаси.

Чиндан ҳам кўп ўтмай экранда Бок хоним, унинг ёнида жаноб Пек пайдо бўлди. Программани жаноб Пек олиб борарди.

— Уй золимаси худди тирикдай-я,— деди Карлсон.— Ҳой, ҳой! Ҳозир бир маза қилиб ўйнаймиз.

Бок хоним сесканиб кетди. У гўё Карлсоннинг сўзларини эшитгандай эди. Балки у шунчаки ҳаяжонланаётгандир, чунки у бутун швед халқи олдида турар, уларга «Хильдур Бокнинг зирвак шўрваси»ни қандай тайёрлаш ҳақида гапириб бериши керак эди.

— Айтинг-чи,— деб бошлади жаноб Пек,— худди шу зирвакни пишириш фикри сизга қаёқдан келиб қолди?

— Ўз-ўзидан,— деди Бок хоним.— Қозон-товоқ нималигини мутлақо билмайдиган синглинг бўлганидан кейин...

Шу пайт Бок хоним жим бўлиб қолди, чунки Карлсон кичкина дўмбок қўлчасини олдинга чўзиб, телевизорни ўчириб қўйди.

— Уй золимасини хоҳласам, чиқараман, хоҳласам, чиқармайман, бу менинг ихтиёримда,— деди у.

Бироқ ойиси аралашди.

— Телевизорни ёқиб қўй,— деди ойиси.— Бошқа бундай қилма, бўлмаса, уйдан чиқариб юбораман.

Карлсон Миттивойнинг бикинига туртиб шивирлади.

— Сизларникида яна нима қилиш мумкинмас?

— Жим ўтир, Бок хонимни кўрамиз,— деди Миттивой.

— ...Зирвак мазали бўлиши учун унга туз, гармдори, ҳар хил кўкат солиб, узоқ қайнатиш керак,— деб гапида давом этди Бок хоним.

Бок хоним ҳамманинг кўзи олдида зирвакка туз, гармдори солди, роса қайнатди, тайёр бўлганидан кейин, экрандан муғам-бирона жилмайиб қараб:

— Татиб кўрасизми? — деб сўради.

— Раҳмат, шахсан мен татиб кўрмайман,— деди Карлсон.— Лекин билиб қўй, агар исми-фамилияси билан адресини берсанг,

ўзинг айтган ўша икки-уч нафар кичкина олов ейдиганларни олиб келганим бўлсин. Улар жон деб татиб кўришлари мумкин.

Кейин жаноб Пек Бок хонимга, телевизорга келиб, зирвакни қандай тайёрлаш хақида гапириб бергани учун миннатдорчилик билдирди. Шу билан эшиттириш тугаши керак эди-ю, лекин Бок хоним бирдан сўраб қолди:

— Айтинг-чи, синглимга телевизор орқали салом йўлласам бўладими?

Жаноб Пек нима дейишини билмай шошиб қолди.

— Менга қаранг... Ҳа, майли, салом йўлланг, факат тезроқ бўлинг!

Бок хоним кўлини силкитиб, деди:

— Салом, Фрида, мени эшитяпсанми? Ишонаманки, студдан йикилиб тушмагандирсан!

— Мен ҳам бунга ишонаман, — деди Карлсон. — Бўлмаса Нурландда ер кимирлаш бўлади-я.

— Нималар деб валдираяпсан? — деб сўради Миттивой. — Сен ахир ўша Фриданинг қанакалигини билмайсан-ку. Балким у Бок хонимга ўхшаб семиз, барваста эмасдир.

— Нега билмас эканман, биламан-да, — деди Карлсон. — Мен уларнинг Фрейгатен кўчасидаги уйида бир неча бор бўлганман, ажина-ажина ўйнаганман.

Кейин Карлсон билан Миттивой яна бир бўлақдан торт ейишди, ҳуққавознинг ҳавога бирданига бешта тарелка отиб, уларни баравар тутиб олишини томоша қилишди. Миттивой зеркиб кетди, бироқ Карлсон завқ билан томоша қилаётгани учун Миттивой ҳам хурсанд, бахтиёр эди.

Хамма нарса кўнгилдагидай эди. Хаммалари: ойиси ҳам, дадаси ҳам, Боссе ҳам, Бетан ҳам, Бимбо ҳам, ҳатто Карлсон ҳам бирга тўпланишиб, у билан бирга ўтиришганидан Миттивой ниҳоятда хурсанд, севинчи ичига сиғмасди.

Тортни еб бўлишганидан кейин Карлсон юпка бир чинни таксимчани олди-да, уни ялаб тозалаб, ҳуққавозга ўхшаб осмонга отди.

— Яшиқ ичидаги йигит жуда абжир экан-а, — деди Карлсон. — Қойил қилди-я! Қани топ-чи, таксимча отишда дунёда ким зўр?

У таксимчани шундай баландга отдики, шифтга тегишига сал қолди. Миттивой кўркиб кетди.

— Қўй, отмагин, Карлсон, керакмас...Қўй деяпман!

Ойиси ва бошқалар телевизордаги раққосанинг рақсини томоша қилиб ўтиришарди. Шунинг учун, Карлсоннинг қилиғини ҳеч ким пайқамади.

Миттивой бўлса хадеб: «Қўй, Карлсон, керакмас» деб шивирларди, лекин Карлсоннинг қулоғига гап кирмас, у таксимча отиш билан овора эди.

— Таксимчаларинг жуда чиройли экан-да! — деди Карлсон ва уни яна шифтга отди. — Тўғрироғи, чиройли таксимчаларинг бор эди, — деб гапини тўғрилади ва таксимча синиқларини териб олиш учун энгашди. — Ҳечқиси йўқ, бу рўзғорда бўладиган гап.



Бирок ойиси таксимчанинг полга тушиб чил-чил синганини эшитди. У Карлсонни яхшилаб урди-да:

— Бу менинг энг яхши кўрадиган таксимчам эди, бу хечкиси йўқ, рўзғорда бўлиб турадиган гап эмас,— деди.

Миттивой дунёдаги энг зўр ҳуққавозни бунчалик ранжитишганидан бир оз хафа бўлди, лекин ойисининг таксимчага жуда ачинганини тушуниб турарди. Шунинг учун у ойисига тасалли берган бўлди:

— Ойи, йиғиб кўйган пулимдан сизга янги таксимча олиб бераман.

Лекин шу пайт Карлсон чўнтагидан беш эрелнк танга олди-да, ойисига узатди.

— Синдирган нарсам учун ўзим тўлайман. Мана, ол. Ўзингга янги таксимча сотиб ол, қайтимини ҳам ўзингга олиб қолишинг мумкин.

— Раҳмат, азизим Қарлсон,— деди ойиси.

— Биласанми, қолган пулга бир нечта арзон ваза сотиб олгин, яна хафа бўлганингда, жаҳлинг чикканида ўша вазаларни менга отасан.

Миттивой ойисининг пинжигга кирди:

— Ойи, сиз Карлсондан хафа эмасмисиз?

Ойиси аввал Карлсоннинг, кейин Миттивойнинг кўлини силаб кўйди-да, сизлардан хафа эмасман, деди.

Кейин Карлсон хайрлаша бошлади:

— Хайр, уйга боришим керак, бўлмаса кечки овқатга кеч қоламан.

— Бугун кечки овқатга нима ейсан? — деб сўради Миттивой.

— «Томда яшовчи Карлсоннинг зирваги»,— деди Қарлсон.— Бирок мен уй золимасига ўхшаб, унга заҳар солмайман, ҳа, гапимга ишонавер. Қани топ-чи, дунёда зирвакни ким яхши пиширади?

— Сен, Қарлсон,— деди Миттивой.

Орадан бир соатча ўтгач, Миттивой ўз каравотида ётарди, ёнидаги саватда Бимбо ухларди. Ҳаммалари — ойиси ҳам, дадаси ҳам, Боссе ҳам, Бетан ҳам, хонага кириб, унга яхши ётиб тургин дейишди. Миттивойнинг жуда уйкуси келганди. Лекин у ҳали ухлагани йўқ, Қарлсон ҳақида ўйлаяпти. Ҳозир Қарлсон нима килаётган экан? Балки бирор нарса ясаётгандир... Қуш уяси ми ёки бошқа бирор нарсами...

«Эртага, мактабдан келганимдан кейин,— деб ўйлади Миттивой.— Қарлсонга кўнғирок килиб, ёнингга бориб, бирор нарса яасам майлими, деб сўрайман».

Кейин Миттивой ўзича ўйлади: «Қарлсоннинг кўнғирок ўрнатгани жуда яхши бўлди-да, у билан хоҳлаган вақтимда гаплаша оламан». Унинг бирдан гаплашгиси келиб қолди.

Миттивой ўрнидан сакраб туриб, оёк яланг дераза олдига чошиб борди-да, ипни тортди. Уч марта. Бу сигнал: «Дунёда сенинг борлигинг қандай яхши, Қарлсон. Сендай чиройли, ақлли, тобида семирган одамнинг бори қандай бахт-а!» деган маънони англатарди.

Миттивой дераза олдида яна бир оз турди. У жавоб кутиб тургани йўк, шунчаки ўзи турди. Бунн қарангки, бирдан Карлсон учиб келиб қолса бўлади.

— Ҳа, сен тўғри гапирдинг,— деди у,— бу чиндан ҳам жуда яхши.

Карлсон бошка ҳеч нима демади-ю, ўша заҳоти томдаги яшил уйига учиб кетди.

## ТОМДА ЯШОВЧИ ҚАРЛСОН ЯНА ШҶХЛИК ҚИЛЯПТИ

### ҲАММАНИНГ ҲАМ ҚАРЛСОН БдЛИШГА ҲАҚҚИ БОР

Кунлардан бир кун эрталаб Миттивой уйку аралаш ошхонадан келаётган ҳаяжонли овозларни эшитиб қолди. Дадаси билан ойиснинг нимадандир хафалиги шундай билиниб турарди.

— Мана, оқибати! — деди дадаси. — Газетада нималар деб ёзишганини бир кўргин-а. Ма, ўзинг ўқий қол.

— Даҳшат! — дея хитоб қилди ойиси. — Турган-битгани ваҳима-ку.

Миттивой ўрндан сапчиб турди. У ота-онасини шунчалик даҳшатга солган нарсани тезроқ билишни истарди.

Газетанинг биринчи бетига йирик ҳарфлар билан қуйидаги сарлавҳа терилганди:

«Бу нима: учар бочками ё бошқа бирор нарсами?»

Сарлавҳанинг тагида эса мақола босилганди:

«Стокгольм устида ғалати, номаълум объект учиб юрибди. Шохидларнинг хабар қилишича, кейинги пайтларда Вазастан атрофида, кичкина пиво бочкасини эслатувчи қандайдир учувчи буюмни бир неча бор кўришган. У моторнинг гувуллашига ўхшаш овоз чиқаради. Авиакомпания вакиллари бу учишлар хусусида бизга ҳеч нимани маълум қилиша олмади. Шунинг учун ҳам бу фазога разведка мақсадида учирилган ажнабий йўлдош-жосус деган тахмин туғилди. Бу учишлар сир-асрори очилиши, номаълум объект қўлга туширилиши керак. Агар у чинданам жосус бўлиб чиқса, тергов қилиш учун полиция қўлига топшириш керак.

Вазастандаги ғалати учишлар сирини ким очади?

Газета редакцияси 10 000 крон миқдорига мукофот белгилади. Омади чоғиб шу сирли буюмни ушлаган одам 10 000 крон мукофот олади. Уни тутиб редакцияга олиб келинглари-да, пулни олинглари!»

— Томда яшовчи бечора Карлсонга жабр бўпти-да, — деди ойиси. — Энди унинг пайига тушишади.

Миттивой бирданга ҳам кўркиб кетди, ҳам жаҳли чиқди, ҳам дили сиёҳ бўлди.

— Нега энди Карлсонни ўз холига қўйишмайди-я! — деб бакириб юборди у. — Ахир, у ҳеч қандай ёмон иш қиляпгани йўғу. Томдаги уйчасида тинч-хотиржам яшаяпти, баъзи-баъзида у ёқ-бу ёққа учади, холос. Нима, Карлсон бирор иш қиптими?

— Йўқ, — деди дадаси, — Карлсоннинг ҳеч қандай айби йўқ. Фақат у... сенга қандай тушунтирсам экан... ҳалиги, сал ғалатироқ, бошқачарок-да...

Ҳа, бу гапда жон бор, Карлсон қандайдир бошқачарок, Митти-

войнинг бу гапга кўшилмай иложи йўк. Чинданам, томда пакана, бакалоқ одамнинг, яна елкасида парраги, корнида тугмачаси бор одамчанинг яшаши ғалати эмасми?

Ахир, Карлсон худди шундай одамча-да. Боз устига у Миттивойнинг энг яхши дўсти. Ха, ха, Кристер ҳам, Гунилла ҳам эмас, айни шу Карлсон унинг чин дўсти, лекин Миттивой уларни ҳам жуда яхши кўради. Баъзида эса ғойиб бўлиб қолса ё шунчаки банд бўлса, Кристер ва Гунилла билан ҳам ўйнайди.

Карлсон, Кристер билан Гунилла менга ҳечам тенг келолмайди-да, деб ишонтирмоқчи бўлар, Миттивой улар ҳақида гапирди дегунча жонни чикарди.

— Уша дўмбоқчаларни менга тенглаштириб ўтирибсан-а, — дерди Карлсон хуноб бўлиб. — Менга, шундай чиройли, тобида семирган, айни куч-қувватга тўлган эркакка-я! Бу нодон болаларингни қанчаси мендай ажойиб дўст орттириш бахтига сазовор бўлган? Қани, жавоб бер!

— Йўк, йўк, факат мен муяссар бўлганман, — дерди Миттивой ва ҳар гал юраги севинчдан тўхтаб қолгудек бўларди. Унинг жуда омади келган-да, чунки Карлсон айнан уларнинг томида яшайпти-я! Ахир, Вазастанда бунақанги эски, кўримсиз, Свантесонлар оиласи яшаган уйларга ўхшаган уйлар камми! Омади келгани шуки, Карлсон бошқа уйларнинг томига эмас, тасодифан буларнинг томига келиб қолган!

Тўғри, Карлсоннинг уйларига келганидан Миттивойнинг ойиси билан дадаси аввалига хурсанд бўлишмади. Боссе билан Бетан ҳам дастлаб уни ёктиришмаганди. Бутун онла аъзолари — Миттивой бундан истисно, албатта — Карлсонни энг тантиқ, энг кўрс, энг шўх бола, бунақаси бошқа топилмайди, деб ҳисоблашарди. Лекин аста-секин ҳамма унга кўника бошлади. Энди улар уни ҳатто ёктириб қолишганди, энг мухими, Карлсоннинг Миттивойга жуда кераклигини тушунишарди. Ахир, Боссе билан Бетан Миттивойдан анча катта эди-да, бинобарин, Миттивой ўзининг энг яхши дўстисиз яшаёлмасди. Гарчи унинг Бимбо исмли ажойиб кучукчаси бўлса ҳам, бари бир Карлсон унга жуда-жуда зарур эди.

— Менимча, Карлсон ҳам Миттивойсиз яшай олмайди, — деди ойиси.

Лекин аввалига ойиси билан дадаси Карлсон ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасликка қарор қилишди. Агар телевидениедагилар Карлсондан хабар топиб қолишса, уйларида нималар бўлишини, газетаю журналлар унинг ҳақида, айтайлик, «Карлсон ўз уйида» деган сарлавҳа остида устма-уст мақолалар беришини жуда яхши биларди.

— Бирорта журналда Карлсоннинг суратини кўриб қолсак, жуда кулгили бўлади-да... — деди Боссе. — Бир тасаввур қилгин-а, у меҳмонхонасида кип-қизил атиргулларни томоша қилиб ўтирибди...

— Овозингни ўчир! — деб Миттивой унинг гапини шартта бўлди. — Карлсоннинг ҳеч қандай меҳмонхонаси йўклигини биласан-

ку, атиги битта кичкина хонаси бор, у ерда атиргул нима қилсин.

Ха, буларнинг ҳаммасини Боссенинг ўзи ҳам яхши билади. Бир кун уларнинг ҳаммаси — Боссе ҳам, Бетан ҳам, ойиси ҳам, дадаси ҳам — Карлсоннинг хужрачасини кўришган, тўғри, атиги бир марта. Ўшанда улар туйнук орқали томга чиқишганда — одатда бу ердан мўри тозаловчилар чиқишади — Миттивой мўри орқасидаги кичкина уйчани кўрсатди.

Ойиси томдан пастга, кўчага қараб, жиндек кўркиб ҳам кетганди. Ҳатто боши ҳам айлангандай бўлди-ю, мўрини ушлаб туришига тўғри келди.

— Миттивой, томга ҳеч қачон якка-ёлғиз чикмайман деб, менга ҳозир ваъда бер,— деди ойиси.

— Хўп бўлади,— деб тўнғиллади Миттивой бир оз ўйланиб тургач.— Томга ҳеч қачон ёлғиз чикмайман... чиксам ҳам, Карлсон билан бирга чикаман,— деб кўшиб қўйди пичирлаб.

Лекин, ойиси афтидан, унинг охириги сўзларини эшитмади: ҳа, майли, ўзидан кўрсин. Ахир, Карлсоннинг олдига чикмагин, деб Миттивойдан қандай талаб қила олади? Ахир, Карлсоннинг ҳар хил ғалати буюмлар тўлиб-тошган кичкина уйчасида ўтириш қанчалик маза эканлигини онаси тасаввур ҳам этолмайди-ку.

«Энди, мана шу бемаъни мақоладан кейин ҳаммаси, ҳойна-ҳой, тугаса керак!»— деб ўйлади Миттивой алам билан.

— Сен Карлсонни огоҳлантириб қўйишиг керак,— деди дадаси,— эҳтиёт бўлсин. Сал вақт ўтгунча Вазастан бўйлаб учмай турсин. Фақат сенинг хонангда ўйнашларинг мумкин, ана шунда уни ҳеч ким кўрмайди.

— Борди-ю, безорилик қила бошласа, ўша захотиёк калишини тўғрилаб қўяман,— деб кўшиб қўйди онаси ва Миттивойга каша солинган тарелкани узатди.

Бимбо ҳам кашадан ўз улушини олди. Дадаси хайрлашиб ишига кетди. Кейин маълум бўлишича, ойиси ҳам қаергадир бориб келиши керак экан.

— Саёхатчилар бюросига бораман, билай-чи, бизларбоп бирор марокли маршрути йўқмикан. Даданг ҳадемай отпусмага чиқадим,— деди ойиси ва Миттивойни юзидан ўпди.— Мен тезда қайтаман.

Миттивой яна ёлғиз қолди. Бимбо, бир тарелка каша ва ўзининг ўй-фикрларию стол устидаги газета билан якка-ёлғиз қолди. У газетани олдига сурди-да, у ёк-бу ёғини кўздан кечири бошлади. Карлсон ҳақидаги мақола тагида Стокгольмга туристларни олиб келган, энди Стременда лангар ташлаб турган катта-кон кеманинг сурати берилганди. Миттивой уни узоқ томоша қилди — ок кема жудаям чиройли эди! Миттивойнинг мана шу гўзал кема бортига чиқиб, каёққадир, узоқ-узокларга сузиб кетгиси келиб қолди!

У кўзини суратдан узмасликка уринарди-ю, лекин бари бир нигоҳи дам-бадам сарлавҳанинг йирик-йирик ҳарфларига тушиб қоларди:

«Бу нима: учар бочками ё бошқа бирор нарсами?»



Миттивой бирдан ҳаяжонланиб кетди. Карлсон билан иложи борича тезроқ гаплашиш керак, лекин уни чўчитиб юбормаслик учун бу ишни ниҳоятда эҳтиётлик билан қилиш керак, йўкса, у тўсатдан учиб кетиши ва бутунлай қайтиб келмаслиги мумкин!

Миттивой хўрсиниб қўйди. Бир қошиқ кашани истар-истамас оғзига солди, лекин уни ютолмай, гўё мазасини яхшилаб татиб кўрмоқчи бўлгандай, тилининг учида бир зум ушлаб турди. Миттивой муштдеккина озгин бола эди, иштаҳасининг ҳам мазаси йўқ, ахир, бунақа болалар оз эмас-ку. У овқат солинган тарелкани қошиқ ё вилка билан соатлаб чўкилаб ўтириши, охиригача емаслиги мумкин.

«Қаша бирам бемаза экан-эй,— деб ўйлади Миттивой.— Жиндак шакар қўшсам ширинроқ бўлар...» У қанддонга энди қўлини чўзган ҳам эдики, дераза томондан моторнинг гувуллаган овози эшитилди-ю, ўша заҳоти ошхонага Карлсон учиб кирди.

— Салом, Миттивой! — деб кичкирди у.— Дунёда энг яқин дўстинг кимлигини биласанми? Қани, топ-чи, нега ўша дўстинг худди hozir пайдо бўлди!

Миттивой лунжида анчадан бери ушлаб турган кашани шоша-пиша ютди.

— Дунёдаги энг яқин дўстим, сенсан, Карлсон! Лекин нега hozir учиб келганингни билмайман.

— Шарти шуки, уч мартагача ўйлаб топасан! — деди Карлсон.— Балки, сен нодон болакайни соғингандирман? Эҳтимол, бу ерга янглишиб келиб қолгандирман, аслида Кирил паркига учиб бормоқчи бўлгандирман? Балки, бу ерда мазали каша борлигини сезгандирман? Бир, икки, уч, гапир, чўзма!..

Миттивойнинг юзи ёришиб кетди.

— Хойнаҳой, мени соғинганинг учун келгандирсан,— деди у хижолатомуз.

— Ҳечам-да! Кирил паркига ҳам учиб бормоқчи эмасдим. Демак, буёғига ўйлаб ўтирмасанг ҳам бўлади.

«Кирил парк! — деб ўйлади Миттивой кўрқув аралаш.— Карлсон уёққа ҳечам учиб бормаслиги керак. Умуман, у ерга қадам босмасин, гиж-гиж одам, кўриб қолишади. Ҳозир унга буни тушунтириб қўйиш керак».

— Менга қара, Карлсон...— деб гап бошлади Миттивой, лекин ўша заҳоти жим бўлди, чунки Карлсоннинг нимадандир норозилигини пайкаб қолди.

У Миттивойга хўмрайиб қараганича, ҳадеб лабларини чапиллатарди.

— Итдай очиқиб келасану,— деб тўнғиллади Карлсон,— бу бўлса бир тарелка каша олдида ҳеч гап бўлмагандай хотиржам ўтираверади, сочиқни бўйнига ўраб олганига ўлайми. Тагин ойинг учун бир қошиқ, даданг учун бир қошиқ, Августа холинг учун бир қошиқ каша ейишинг керак, деб мингиллагани-мингиллаган.

— Қайси Августа хола учун? — деб сўради Миттивой унинг кимлигини тезроқ билгиси келиб.

— Мутлако танитайман,— деб жавоб берди Карлсон.

— Ундай бўлса, унинг соғлиги учун каша ейишнинг нима кераги бор? — Миттивой кулиб юборди.

Лекин Карлсон куладиган холатда эмасди.

— Хали, шундайми! Демак, каердадир, дунёнинг бир тупка-рисиди яшайдиган қандайдир қари холаларингу аммаларингни билмаганинг учуноқ сенинг дўстинг очидан ўлиши керак экан-да!

Миттивой ўрнидан сапчиб турди-да, буфетдан тарелка олиб, Карлсонга, кашадан ўзинг истаганча солиб ол, деди. Хали ҳам ковоғидан қор ёғиб ўтирган Карлсон кастрюлкани олди-да, тарелкага каша сола бошлади. Қашанинг ҳаммасини солиб бўлганидан кейин, кўрсаткич бармоғи билан кастрюлнинг четларини ялади, кирмочиғача ҳам қолдирмади.

— Ойинг тилла аёл-да,— деди Карлсон,— фақат афсуски жудаям пишиқ. Қашани бунчалар оз пиширишини биринчи бор кўришим.

Қашанинг охири ёмасиғача тарелкага тушганидан кейингина Карлсон ейишга киришди, у шундай иштаҳа билан ердики, ҳатто кулоқларигача қирсиллаб кетарди. Бир зум ошхонадаги ҳамма товушларни қаттиқ чапиллаган товуш босиб кетди, кимдир кашани очкўзлик билан пок-покиза туширганида ҳамиша шундай товуш таралади.

— Афсуски, Августа холанинг соғлиги учун ейишга ҳеч нима қолмади,— деди Карлсон қафти билан оғзини артаркан.— Ие, буёқда булка нон ҳам бор экан-ку! Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик. Азизим, Августа хола, ташвиш тортма, ҳаммаси жойида, ўша узок Тумба шахрингда ёки хоҳлаган жойингда тинч-хотиржам яшайвер. Сенинг соғлигинг учун каша ўрнига иккита булка нон ейман. Балки, ҳатто учта... ёки тўртта, ё бешта ерман!

Карлсон булка нонларни бирин-кетин еб бўлгунича Миттивой жим ўтириб, дўстини қандай қилиб ётиғи билан огоҳлантириш ҳақида ўйларди. «Балки газетани Карлсоннинг ўзига берсам тўғри бўлар? Ҳаммасини ўзи ўқиб чика қолсин»,— деган қарорга келди у ва бир зум иккиланиб турганидан кейин газетани Карлсон томонга суриб қўйди.

— Биринчи бетини кўргин-а,— деди Миттивой хомуш. Карлсон газетага кўз югуртирди. Кейин жуда кизиқиб қолди шекилли, дўмбоқ бармоқчаси билан оқ кема суратини ниқтаб кўрсатди.

— Вой! Кема ағдарилиб кетибди-ку! — деб хитоб қилди у.— Фалокат устига фалокат-а!

— Газетани тесқари ушлаб турибсан-ку,— деди Миттивой секингина.

У Карлсоннинг ўқишни билмаслиғига кўпдан бери шубҳаланиб юарди. Лекин Миттивой қўнғилчан бола, у ҳеч кимни ҳафа қилгиси келмайди. Карлсонни-ку, ранжитишни ҳечам истамасди, шунинг учун ҳам: «Ха-ха-ха, сен ўқишни билмас экансан-да!» деб бақириб-чақирмади-да, газетани секин айлантириб қўйди, шу захоти Карлсон ҳеч қандай бахтсизлик юз бермаганини кўрди.

— Лекин бу ерда бошқа бир бахтсизлик ҳақида ёзишибди,— деди Миттивой.— Бир эшитиб кўргин-а!

У учар бочкача ва йўлдош-жосус, уни тезда ушлаш зарурлиги, газета белгилаган мукофот ҳақида — хуллас, бутун маколани бошидан-охиригача овоз чиқариб ўқиб чикди...

— «Уни редакцияга олиб келсангиз, кўрсатилган пулни ола-сиз»,— деб у ўқишни тугатди-да, бир хўрсиниб кўйди.

Лекин Карлсон хўрсинмади, аксинча ўзида йўк хурсанд эди.

— Хўп, хўп! — деб қичкирганича турган жойида севинганидан дик-дик сакрарди.— Хўп, хўп, йўлдош-жосусни ушладик десак ҳам бўлади! Редакцияга телефон қилиб айт, мени, тушки овқатдан кейин боради дегин.

— Бу нима қилганинг? — деб сўради Миттивой кўрқув ичи-да.

— Йўлдош-жосусларнинг дунёдаги энг зўр овчиси кимлигини биласанми? — Карлсон шундай деди-да, гердайганча бармоғи билан ўзини кўрсатди.— Мана у, дахшатли Карлсон! Мен катта матрапим билан учганимда ҳеч ким қочиб кутулолмайди. Модомики, йўлдош-жосус қаердадир, шу атрофда, Вазастан яқинида айланаб юрган экан, кечгача уни матрапим билан ҳойнаҳой ушлайман...Ҳа, айтмоқчи, чамадонинг борми, ўн мингни нимада олиб кетамиз?

Миттивой яна бир хўрсиниб кўйди. Ҳамма нарса у ўйлагандан кўра анча мураккаб бўлиб чикди. Карлсон ҳеч нимадан шубҳаланмасди.

— Азизим Карлсон, ўша «учар бочкача»— бу ўзинг эканлигингни, улар сени овлаб юришганини наҳотки фаҳламаган бўлсанг? Энди тушундингми?

Карлсон севинганидан ҳамон дик-дик сакрарди, лекин бу сўзларнинг асл маъносини бирдан фаҳмлаб қолди. Томоғига бир нима текилиб қолгандай қулдираган овоз чиқарди-да, Миттивойга еб юборгудай бўлиб текилди.

— «Учар бочкача!»— деб ўшқирди у.— Сен мени учар бочкача деб мазах қиляпсанми! Сен-а, менинг энг яқин дўстим-а!

У новчароқ кўринишга уриниб, қўлларини баланд кўтарди-да, қоринини ичига тортди.

— Назаримда,— деди у баланддан келиб,— сен менинг чиройли, ақлли, тобида семирган, айнаи куч-қувватга тўлган эркак эканлигимни унутиб кўйганга ўхшайсан. Шундайми, йўкми?

— Шундай, Карлсон, шу-у...— деб гувранди Миттивой, ҳаяжонланганидан дудуқланиб.— Уларнинг бу ҳақда газетада ёзишганларига мен айбдор эмасман. Лекин улар сени назарда тутишяпти, бу аниқ.

Карлсоннинг баттар жаҳли чикди.

— «Омади чопиб шу сирли буюмни ушлаган...»— у маколадаги бу сўзларни яна бир бор алам билан такрорлади.— «Буюм!»— деб қичкириб юборди қони қайнаб.— Мени буюм деб аташга кимни ҳадди сиғди-я! Мен ўша ярамаснинг тумшугига шундай туширайки, кўзлари косасидан чиқиб кетсин.

Карлсон шундай деди-да, Миттивой томонга таҳдид билан бир неча кадам ташлади. Лекин ҳаракати зое кетди. Чунки Бим-

бо ўша заҳотиёк сапчиб турди. У-ку, ҳеч кимнинг Миттивойни чертишига йўл қўймайди.

— Бимбо, жойингга бор, жим ёт! — деб буюрди Миттивой. Бимбо индамай нари кетди-да, менинг буёқда шай бўлиб турганимни Қарлсон билиб қўйсин дегандай ириллаб қўйди.

Қарлсон скамейкага ўтирди. У ниҳоятда хомуш бўлиб, ниҳоятда маъюс тортиб қолди.

— Мен бунақасига ўйнамайман, — деди у. — Рост, сен шундай баджаҳл экансан, мени буюм деб мазах қиларкансан, тентак кучукларингни менга хезлар экансан, сен билан ўйнамайман.

Миттивой жудаям довираб қолди. У нима дейишини, нима қилишини билмасди.

— Газетада шунақа деб ёзишларига мен ҳечам айбдор эмасман, — деб ғўлдиради у яна ва жимиб қолди.

Қарлсон ҳам миқ этмай, скамейкада ғамгин-маъюс ўтирарди. Ошхонага оғир жимлик чўкди.

Қарлсон бирдан хаҳолаб кулиб юборди. У ўрнидан сапчиб турди-да, мушти билан Миттивойнинг қорнига туртиб қўйди.

— Модомики, мен буюк эканман, ҳар ҳолда, ўн минг крон турадиган дунёдаги энг яхши буюмман! Тушундингми? Уқдингми?

Миттивой ҳам кула бошлади — Қарлсоннинг яна кўнгли чоғ бўлганидан хурсанд эди.

— Ҳа, бу тўғри, — деб тасдиқлади у, — сен ўн минг крон турасан. Менимча, бунчалик қиммат турадиган одам кам бўлса керак.

— Дунёда ҳеч ким йўқ, — деди Қарлсон катъий. — Гаров ўйнайман, сенга ўхшаган нодон бола кўпи билан бир юз йигирма беш крон туради.

У завки тошиб кетганидан қорнидаги тугмачасини босиб, шифтга ўқдай учиб чиқди-да, шодон қийкирганича лампа атрофида бир неча бор айланди.

— Ҳа, хўп! — деб қичкирарди у. — Мана, ўн минг крон турадиган Қарлсон учиб юрибди! Ҳа, хўп!

Миттивой ҳеч нимани ўйламасликка қарор қилди. Ахир, Қарлсон чинданам аслида жосус эмас, демак, уни фақат Қарлсон бўлгани учунгина тутишлари мумкин. Ойиси билан дадаси ҳам Қарлсон учун эмас, ўз ҳузур-ҳаловатларини ўйлаб қўрқишаётганликларини Миттивой бирдан тушуниб қолди. Улар, агар ҳамма Қарлсонни ушлашга киришса, унинг борлигини яширишнинг иложи бўлмай қолишидан чўчишарди. Миттивойга Қарлсонга жиддий ҳеч нима хавф солмаётгандай туюлди.

— Ҳеч нимадан қўркмасанг бўлади, Қарлсон, — деди у Қарлсонни тинчителишга уришиб. — Сен, сен ўзинг бўлганинг учун сенга ҳеч нима қилишолмайди.

— Бўлмасам-чи, ҳар кимнинг Қарлсон бўлишга ҳаққи бор, — деб Қарлсон унинг гапини илиб кетди. — Ҳолбуки, ҳозирча унинг мана шундай ажойиб, тобида семирган битта нусхаси топилди.

Улар яна хонанинг ўртасида ёнма-ён туриб қолишди, Қарлсон эса атрофга умид ва сабрсизлик билан алангларди.

— Сенда портлатган бўлган янги буғ машинаси йўқми?

Ёки бошка бирор кизикарли нарсанг йўқми? Энг муҳими, гум-бурлаб портласа бўлди-да. Ке, хозир сира кутилмаган бир гум-бурлаш уюштирамиз. Мен бир оз вақтичоғлиқ қилмоқчиман, йўқса, сен билан ўйнамайман,— деди у ва ўша заҳоти Миттивойнинг столи устида ётган коғоз халтачага кўзи тушиб қолди.

У коғоз халтачага ўз овига ташланган калхатдай ташланди. Ойиси бу коғоз халтачани Миттивойнинг столига кеча кечкурун қўйган эди, унда ажойиб шафтоли бор эди. Мана энди, ўша шафтолини Карлсон дўмбок бармоқлари билан зўр бериб сикарди.

— Биз уни бўламиз, хўпми? — деб таклиф қилди Миттивой шоша-пиша. У ҳам шафтолини яхши кўрарди, шунинг учун оғзини очиб ўтирадиган бўлса, куруқ қолишини тушунарди.

— Бўпти,— рози бўлди Карлсон,— бўламиз! Мен ўзимга шафтолини оламан, сен эса коғоз халтачани. Билиб қўй, мен сенга энг яхши бўлагини беряпман, бу коғоз халтачадан қанчадан-қанча кизик нарсаларни ясаса бўлади-я!

— Йўқ, раҳмат! — деди Миттивой катъий.— Биз аввалига шафтолини бўламиз, кейин мен сенга коғоз халтачани жон-жон деб бераман.

Карлсон норози бўлиб бош чайкади.

— Мен сендақа очопат болани ҳечам учратмагандим! — деди у оғир хўрсиниб.— Ҳа, майли, ҳеч қўймадинг-да, сен айтганча бўла қолсин...

Шафтолини бўлиш учун пичоқ керак эди, Миттивой ошхонага чопиб кетди. У пичоқ олиб келиб қарасаки, Карлсон йўқ. Лекин Миттивой шу заҳоти стол тагидан гўё кимдир бирор ширин нарсани шоша-пиша еяётгандагидақа чапиллаган товушни эшитиб қолди.

— Менга қара, у ерда нима қиялсан? — деб сўради Миттивой ташвиш-ла.

Карлсон стол тагидан чиққанида, иягидан шафтоли шираси оқиб турарди. У дўмбок қўлчасини чўзди-да, Миттивойга шафтолининг ғадир-будир тўқ-кизил данагини берди.

— Кўряпсанми, мен сенга доим энг яхши жойини бераман,— деди у.— Агар шу данакни эксанг, каттақон шафтоли дарахти ўсиб чиқади, унда ширали шафтолилар фарқ пишиб ётади. Хўш, бу дунёда энг сахий одам ким? Мен, талашиб-тортишиб ҳам ўтирмайман, ахир, сендан атиги битта бемаза шафтоли олдим-да!

Лекин Миттивой, истаган тақдирида ҳам бирор нима деб жавоб қилишга улгуролмасди, чунки Карлсон кўз очиб-юмгунча дераза токчасида пайдо бўлдию тувакдаги бегония гули поясидан шартта ушлади.

— Мен шунақа меҳрибонманки, бу данакни экишингга ҳам ўзим ёрдам бераман.

— Тегма! — деб бақирди Миттивой.

Лекин кеч бўлган эди: Карлсон гулни илдиз-пилдизи билан суғуриб олди-да, деразадан улоқтирди.

— Бу нима қилганинг? — деб бақирди Миттивой, лекин Карлсон унинг гапини эшитмасди.



— Каттакон шафтоли дарахти-я! Тасаввур қила оласанми? Эллик йиллигингда эса ҳар бир меҳмонга — киши бошига, тушундингми? — биттадан шафтоли улашиб чиқасан. Ахир, бу қандай зўр бўлишини биласанми?

— Лекин ундан ҳам кизиғи ойим бегониясини отиб юборганингни билиб қолганидан кейин бўлади, — деди Миттивой. — Ўзини танангга бир ўйлаб кўргин-а, гул ҳозир уйимиз олдидан ўтиб кетаётган бирон-бир бобойнинг бошига тушган бўлса-я. Хўш, сенингча, у нима деган бўларди?

— «Раҳмат, азизим Карлсон!» — у шундай деган бўларди, — дея Карлсон Миттивойни ишонтирмакчи бўларди. — «Миттивойнинг нодон ойиси хоҳлаганидай, гулни туваги билан пастга улоқтирмасдан, бегонияни илдизи билан суғуриб олганинг учун раҳмат сенга, азизим Карлсон».

— Ойим буни ҳечам хоҳламаган! — деб эътироз билдирди Миттивой. — Нега бундай деяпсан?

Карлсон бу орада данакни тувакка ташлаб, устига шоша-пиша тупроқ тортишга улгурди.

— Йўк, шунга хоҳлаган эди! — деб бўш келмасди Карлсон. — Буни каранг-а, ойиси, бегонияни тувакдан олишга рухсат бермасмиш. Ахир, бунинг оқибатида кўчадан ўтиб кетаётган беғуноҳ бир чолнинг бекорга ўлиб кетиши мумкинлиги ойингни хаёлига ҳам келмайди-да. «Битта чол камайса камайибди-да, — бу арзимаган нарса, рўзғорда бўладиган гап, — дейди у, — ишқилиб ҳеч ким менинг бегониямга тегмаса бўлгани».

Карлсон Миттивойга ғазабли тикилди.

— Хўш, ана мен бегонияни туваги билан ташлаб юбордим дейлик, унда шафтоли данагини нимага экардик? Бу ҳақда ўйлаб кўрдингми?

Миттивой бу ҳақда ўйлаб кўрмаганди, шунинг учун ҳам қандай жавоб қилишини билмасди. Карлсон билан тортишиш осонмас, айниқса унинг бунга майли бўлмаса. Лекин, яхшиямки, унинг кайфияти ҳар ўн беш минутда ўзгариб турарди. Мана, ҳозир ҳам, у бирдан қақағлашга ўхшаш ғалати, лекин шодиёна овоз чиқарди.

— Ие, қоғоз халтачани унутиб қўйибмиз-у! — деб хитоб қилди у. — У жуда эрмакбоп нарса-да.

Миттивой уни қандай қилиб эрмак қилишни билмасди.

— Йўғ-е? — деди у хайрон бўлиб. — Хўш, халтачани нима қилиш мумкин?

Карлсоннинг кўзлари чақнаб кетди.

— Дунёда энг кучли қарсак чиқариш мумкин! — деди у. — Ҳа, хўп, ҳозир ажойиб қарсак янграйди-да! Қани, бошладик.

У қоғоз халтачани олди-да, ваннахонага чопиб кириб кетди. Миттивой ҳам қизиқиб, унинг орқасидан чопди. У дунёдаги энг кучли қарсакни қандай қилишларини жуда-жуда билгиси келарди.

Карлсон ванна устига энгашганча қоғоз халтачага сув тўлди-рарди.

— Нима, жиннимсан? Ахир, қоғоз халтачага ҳам сув қуядими? Нахотки шуни билмасанг?

— Ҳа, нима бўпти? — деб сўради Карлсон ва қоғоз халтачага сув қўйиш мумкинлигига Миттивойнинг ўзи ишонч ҳосил қилсин деб, сув солинган қоғоз халтачани унинг бурни тагида силқитди, кейин яна Миттивойнинг хонасига чошиб чиқиб кетди.

Миттивой, ҳозир у бир балони бошламасайди, деб кўриқиб, унинг орқасидан чопди. Ҳа, у бекорга чўчимаган экан... Карлсон бутун гавдаси билан деразага энгашиб олган эди, йўғон, калта, дўмбок оёқчаларигина кўринарди, холос.

— Хой, хўп, — деб бақирди у, — пастга қарагин-а, ҳозир мен дунёда энг кучли қарсак ҳосил қиламан!

— Тўхта! — деб бақирди Миттивой ва у ҳам дераза токчасига ётиб олди. — Керакмас, Карлсон, керакмас! — деб ялинди у кўрка-писа.

Лекин вақт ўтган эди. Қоғоз халтача пастга ўкдай учиб тушиб кетди, Миттивойнинг қўшни уйдаги сут кафесига кетаётган бир аёлнинг оёқлари тагида худди бомбадай портлаб йиртилганини кўрди. Турган гапки, бу дунёдаги энг кучли қарсак ўша аёлга мутлако ёқмади.

— Қара, қарагин, — деди Карлсон, — гўё биз бир ярим стакан сув эмас, балки фикус ўсиб турган тувакни ташлаб юборганимиздай унинг юраги чиқиб кетди-я.

Миттивой деразани қарсиллатиб ёпди. У Карлсоннинг ҳар хил нарсаларни кўчага ташлайверишини истамасди.

— Менимча, бундай қилиш ярамайди, — деди Миттивой жиддий, лекин Карлсон унинг гапига ҳаҳолаб қулиб қўя қолди.

У лампа атрофида бир неча бор айланиб учди-да, кикирлаб қулганча Миттивойнинг ёнига қўнди.

— «Менимча, бундай қилиш ярамайди!» — эмиш, — деб мазах қилди Миттивойни. — Хўш, сенингча, нима қилиш мумкин? Саси-ган тухумлар солинган қоғоз халтани пастга ташлашимиз керакмиди? Бу ҳам ойингни ажойиб-ғаройиб истакларидан бирими?

Карлсон яна парвоз қилди-да, яна Миттивойнинг олдига гурс этиб қўнди.

— Сенга шуни айтиб қўяйки, сен ҳам, ойинг ҳам дунёдаги энг ғалати одамсизлар, лекин бари бир сизларни яхши кўраман. — Карлсон Миттивойнинг юзига шапиллатиб уриб қўйди.

Миттивой кизариб кетди, у ўзида йўқ хурсанд, бахтиёр эди. Карлсон уни севади, бу қандай яхши-я! У ойисини ҳам ёқтиради, бу аниқ, лекин унинг хақида кўпинча бўлмагур гапларни ҳам гапиради-да.

— Ўзим ҳам хайронман, — деб тасдиқлади Карлсон, ҳамон Миттивойнинг юзига шапиллатиб ураркан, завқ-шавққа тўлиб.

У Миттивойнинг юзига борган сари иштиёқ билан урар, ҳатто охиргиси кўпроқ тарсакига ўшаб кетди, ўшандан кейин Карлсон деди:

— Вой, мен жудаям ёқимтойман-да! Дунёдаги энг ёқимтой одамман! Шунинг учун ҳам, менимча, ҳозир икковимиз бирорта жуда ёқимли ўйинни ўйнашимиз керак, хўш, розимсан?

Миттивой, албатта рози бўлди, лекин шу заҳотиёк Карлсон билан қанақанги ёқимли ўйин ўйнасақ экан, деб ўйлай бошлади.

— Мана, масалан, — деб таклиф қилди Карлсон, — шундай ўйин ўйнасақ бўлади, айтайлик, стол — бу бизнинг солимиз, шунга тушиб, тошқиндан қутулиб қоламиз...ха, айтмоқчи, тошқин бошланди ҳам. У шундай деди-да, эшик тагидан жилдираб окиб чиқаётган сувни кўрсатди.

Миттивойнинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Нима бало, ваннахонадаги кранни бекитмовдингми? — деб сўради у даҳшатга тушиб.

Карлсон бошини эгди-да, Миттивойга меҳр билан қараб қўйди.

— Қани, топ-чи, кранни бекитдимми ё йўқми! Учгача санайман!

Миттивой даҳлизнинг эшигини ланг очиб юборди. Карлсон ҳақ эди. Даҳшатли сув тошқини бошланган эди. Ваннахона билан даҳлиз сувга тўлиб кетганидан хоҳлаган одам бемалол сув сачратиб ўйнаши мумкин эди. Карлсон худди шуни хоҳлаб турганди. У кийкирганича ўзини сувга отди.

— Хой-хўп! — деб қичқирди у. — Баъзи кунларнинг садағаси кетсанг арзийди, маза бўлди-да.

Миттивой ваннахонадаги кранни беркитди-да, ундаги сувни чиқариб юборди, кейин даҳлиздаги стулга беҳол чўкканча полга кўз олди қоронғилашиб тикилиб қолди.

— Вой, — деди у секин, — вой, ойим нима дейдилар?

Карлсон сувда сакрашни бас қилди-да, Миттивойга ранжигансимон қараб қўйди.

— Э, бўлди-эй, буёғини жуда оширвординг! — деди у хуноб бўлиб. — Ойинг бунчалар вайсаки бўлмаса! Бир неча челақ оддий сувга... гапиришга арзимаёйди-ю!

У яна бор бўйича сакрагани, Миттивойнинг бошидан-оёғига-ча сув сачради.

— Сувда жуда маза-я, — деди у. — Бунинг устига яна оёқни ювадиган ванна ҳам бор экан. Нима, ойинг оёқ ювишга қаршимми?

У яна сакрагани, Миттивойнинг устига яна сув сачради.

— Нахотки, ойинг оёқларини ҳеч қачон ваннада ювмаса? Фақат эртадан-кечгача гул тувақларини деразадан паства улоқтириб ўтирадимми? Шундайми?

Миттивой жавоб бермади. Нима бўлганда ҳам ойиси келгунча ҳамма нарсани йиғиштириб, тўғрилаб қўйиш кераклигини ўйларди.

— Қарслон, биз иложи борича тезроқ... У гапини тугатмай стулдан сапчиб тушди-да, ошхонага чошиб кириб кетди. Ўша заҳоти қўлида пол латтаси билан қайтиб келди. — Қани, Карлсон, менга қарашвор... — деб гап бошлади-ю, лекин Карлсоннинг хонада йўқлигини сезиб қолди.

У даҳлизда ҳам, ваннахонада ҳам — ҳеч қаерда йўқ эди. Лекин Миттивой моторчанинг гувиллаган товушини доим эшитиб турди. У дераза олдига чошиб келди-да, ташқарига қаради, семиз балиқни эслатувчи алланарса осмонга парвоз қилганини кўрди.

— Учар бочкачами ёки бошқа бирор нарсами? — деб пўнғиллади Миттивой.

Йўк, бу учар бочкача эмас, бор-йўғи ўзининг томдаги зангори уйчасига учиб кетаётган Карлсон эди.

Лекин шу заҳоти Карлсон Миттивойни кўриб қолди. У пастга ўкдай шўнғиди-да, деразанинг олдидан яшин тезлигида учиб ўтиб кетди. Миттивой койил қолиб, унга пол латтасини силкитди, Карлсон ҳам дўмбок қўлчасини силкитиб қўйди.

— Хой-хўп! — деб кичкирди у.— Мана, ўн минг крон турадиган Карлсон учиб юрибди. Хой-хўп!

У шундай деди-да, учиб кетди. Миттивой бўлса латта билан даҳлиздаги полнинг сувини арта бошлади.

### КАРЛСОН ТУҒИЛГАН КУНИНИ ЭСЛАБ ҚОЛДИ

Карлсоннинг омади бор экан, Миттивойнинг ойиси саёҳат бюросидан келганида у уйда йўк эди, чунки келиб бегониянинг йўқолганини, уйнинг ҳаммаёғини сув босганини кўриб онасининг астойдил жаҳли чикди, ҳали ҳам Миттивой полни артишга улгурганди.

Бу бемаънилиқлар кимдан чиққанлигини ойиси дарров фаҳмлади, ҳатто дадаси тушликка келганида ҳаммасини унга гапириб берди.

— Эҳтимол, мен яхши иш қилмаётгандирману,— деди ойиси,— чунки кейинги пайтларда Карлсонга анчайин ўрганиб қолувдим, лекин биласизларми, ҳозир ундан қутулиш учун ўзим ўн минг крон беришга тайёрман.

— Вой, нималар деяпсиз! — деб кичкириб юборди Миттивой.

— Ҳа, майли, келинлар, бу ҳақда бошқа гапирмайлик,— деди ойиси,— овқат маҳалида ҳамманинг кайфияти яхши бўлиши керак.

Ойиси бу гапни тез-тез такрорларди: «Овқат маҳалида ҳамманинг кайфияти яхши бўлиши керак». Миттивой ҳам шу фикрда эди. Чинданам, агар улар гаплаша бошлашса, доимо кўнгиллари чоғ бўларди. Миттивой кўп гапириб, кам овқат ерди, айниқса тушликка сувда пиширилган треска, ёки сабзавот шўрва, ёхуд селёдкадан тайёрланган котлет бўлса умуман, овқат ейишининг тайини бўлмасди. Лекин бугун ойиси столга тўқмоқланган бузук гўшtidан тайёрланган котлет олиб келиб қўйди, ширинлик ўрнида — кулупнай берди, чунки ёзги таътил кунлари бошланган бўлиб, Боссе билан Бетан сафарга кетишаётган эди. Боссе — елканли спорт турини ўргангани яхт-клубга, Бетан эса отлар кўп бўладиган дехқонлар қишлоғига жўнаётганди. Хуллас, бу хайрлашув баҳонаси билан тузалган тушлик бўлиб, ойиси унинг кичик зиёфатдай ўтиши учун тайёргарлик қилган эди.

— Хафа бўлма, Миттивой,— деди дадаси.— Биз ҳам, оийннг, сен, учовимиз саёҳатга кетамиз.

Дадаси — ажойиб янгилик! — ойисининг саёҳат бюросига борганини, сурати газетада берилган ўша кемага билетлар буюриб келганини гапириб берди. Кема бир ҳафтадан кейин денгизга чи-

каркан, улар мана шу оппок кемада роса ўн беш кун сузиб, турли портларни томоша қилишаркан.

— Ахир, бу зўр саёхат эмасми?— деб сўради ойиси Миттивойдан.

Дадаси ҳам, Боссе билан Бетан ҳам уни роса кизиктиришди.

— Бу жуда маза эмасми, Миттивой?

— Шундай шекилли! — деб рози бўлди Миттивой.

У чиндан ҳам, бу хойнахой, зўр саёхат бўлса керак, деб ўйлади. Лекин аини бир вақтда, бу саёхатнинг унчалик маза эмаслигини тушуниб турарди, айнан нимаси ёкмаётганлигини ҳам аниқ биларди: Карлсон! Ахир, Карлсонга жуда зарур бўлиб турган бир пайтда қандай қилиб уни якка-ёлғиз қолдириб кета олади! Гарчи, Карлсон ҳеч қандай жосус эмас, шунчаки оддий Карлсон бўлса-да, унга хавф-хатар таҳдид соляпти, чунки одамлар ўн минг крон олиш учун унинг пайига тушишади-да. Миттивой ўша зўр тошқиндан кейин полни артар экан, доим шу ҳақда ўйларди. Ахир, кимнинг миясига қандай фикр келишини ким билди дейсан. Бордию улар Карлсонни ҳайвонот боғидаги катакка солиб қўйишса-чи, ёки бундан ҳам ёвузроқ бир нарса ўйлаб топса-чи. Нима бўлганда ҳам улар Карлсонни томдаги кичкина уйчасида тинч-хотиржам яшашига қўйишмайди. Бу турган гап!

Миттивой уйда қолиб, Карлсонни кўриклашга қарор қилди. У ўша заҳоти стол атрофида ўтириб бузук гўштидан тайёрланган котлетни пок-покиза тушираркан, ҳеч қаёққа боролмаслигининг сабабини ҳаммаларига тушунтирди.

Боссе хахолаб қулиб юборди.

— Карлсон катакда, қойил-е! Миттивой, ўзинг бир тасаввур қилиб кўргин-а, сен синфдошларинг билан турли ҳайвонларни томоша қилгани ҳайвонот боғига борасан, лавҳадаги ёзувларни бирма-бир ўқийсанлар. Улардан бирида «Оқ айик», бошқасида: «Айри шохли лось» ёки «Чўл бўриси», ёхуд «Оддий бобр» деган сўзларни ўқиб бора туриб бирдан: «Учадиган Карлсон» деган сўзга кўзини тушади.

— Овозингни ўчир!— Миттивой тутаким кетди.

Лекин Боссе ҳамон хахолаб қуларди.

— «Учадиган Карлсон, илтимос, бу ҳайвонга овқат берилмасин». Агар унинг қафасига мана шундай деб ёзиб қўйишса, Карлсон роса дарғазаб бўларди-да.

— Аҳмоқ,— деди Миттивой.— Фирт аҳмоқсан.

— Ахир, тушунсанг-чи, Миттивой, сен бормасанг, бизлар ҳам ҳеч қаёққа кетолмаймиз-да,— деди ойиси.

— Бемалол кетишларинг мумкин,— деб эътироз билдирди Миттивой.— Уйга Карлсон икковимиз қараб турамиз.

— Ҳа-ха! Бутун уйга сув бостирамиз-а, шундайми? Ҳамма буюмларни деразадан кўчага ташлаб юборамиз-а! — деди Бетан.

— Тентак,— деди Миттивой.

Бу гал дастурхон атрофида ўтириш ҳар галгидай кўнгилли бўлмади. Миттивой аслида юмшоқ, кўнгилчан бола бўлса-да, лекин баъзида жуда қайсарлиги тутиб қолиши мумкин. Мана, ҳозир ҳам



ўз айтганида каттиқ туриб олиб, музокараларга майллик билдирмади.

— Менга кара, кўзичоғим,— деб дадаси энди гап бошлаган эди, сўзи оғзида қолди, чунки шу пайт эшикдаги почта қутисига нимадир ташлашди-ю, Бетан рухсат сўрамасданок, ўрнидан сапчиб туриб кетди.

У аллакандай сочи елкасига тушадиган бир боладан хат кутарди, шунинг учун ҳам Бетан даҳлизга ўкдай отилди. Почта қутисида чинданам хат ётарди, лекин у сочи узун боладан Бетанга ёзилган хат бўлмай, балки боши ялтироқ Юлиус амакининг дадасига ёзган хати эди.

— Овқат маҳалида ҳамманинг кўнгли чоғ бўлиши керак,— деди Боссе.— Демак, овқат пайтида Юлиус амакидан хат келмаслиги керак.

Юлиус амаки дадасининг узоқ қариндоши бўлиб, ўз доктори билан маслаҳатлашиш ва Свантесонларникида бир-икки кун меҳмон бўлиш учун Стокгольмга йилига бир марта келиб кетарди. Юлиус амаки меҳмонхонада туришни истамасди, жуда қимматга тушади дерди. Аслида у пулдор одам эди-ю, лекин сарф-харажатни ёмон кўрарди.

Свантесонлардан ҳеч бири Юлиус амакининг келишини эшитиб хурсанд бўлмади. Айниқса, дадасининг ҳафсаласи пир бўлди. Лекин бундай пайтларда ойиси доим:

«Ахир унинг биргина қариндоши сенсан, унинг сендан бўлак ҳеч кими йўқ, одам ачинади. Бечора Юлиус амакидан марҳаматимизни аямаслигимиз керак»,— дерди.

Лекин бечора Юлиус амаки уйимизда бир-икки кун яшаши, болаларга устма-уст танбех бера бошлаши, дастурхон тепасида миждовлик қилиши, бўлар-бўлмасга зорланавериши биланок ойимнинг пешонасида ажинлар пайдо бўлар ва у ҳам Юлиус амаки уйимизга қадам қўйган пайтдан дадамга ўхшаб камгап ва асабий бўлиб қоларди. Боссе билан Бетан эса чолнинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилишарди, у меҳмон бўлиб келган кундан бошлаб деярли уйда бўлишмасди.

«Фақат Миттивойгина унга меҳрибон эди»,— дерди ойиси.

Лекин Миттивойнинг ҳам сабри чидамасди, Юлиус амаки ўтган сафар уларникига меҳмон бўлиб келганида Миттивой ўз альбомига унинг расмини чизди-да, расмнинг тагига «Тўнка» деб ёзиб қўйди.

Юлиус амаки бу расми тасодифан кўриб қолиб:

«Отни ўхшатиб чизолмабсан», деди.

Юлиус амаки ҳаммани бирор ишни дўндиришолмайди, деб ҳисобларди. Қисқаси, унинг ёкимсиз, совуқ меҳмонлиги аниқ эди, шунинг учун ҳам у ниҳоят нарсаларини чамадонга жойлаб, уйига, Вестергетландга жўнаб кетганида, Миттивойнинг назарида уй бирдан ёришиб, хоналарда шўх куй янграгандай бўларди. Гўё бирор кўнгилли нарса юз бергандай ҳамманинг руҳи кўтарилиб, бир-бирларига дилкаш бўлиб қолишарди, холбуки, аслида ҳеч гап бўлгани йўқ, шунчаки бечора Юлиус амаки ўз уйига жўнаб кетганди.

Мана энди, хатда ёзилганидек, у икки ҳафтача турмоқчи экан. Сизлар ҳечам ташвиш тортманглар, бу кунлар жуда кўнгилли.

файзли ўтишига ишончим комил, қолаверса, доктор ҳам бир нечта укол ва массаж олишни буюрган: эрталаблари аъзойи баданим негадир увушиб қоляпти-да.

— Мана, озиб-ёзиб бир сайри-саёҳатга отланганимизда...— деди ойим ҳафсаласи пир бўлиб.— Бу ёқда Миттивой бормайман, деб оёқ тираяпти, бу ёқда яна Юлиус амаки меҳмон бўлиб келмоқчи!

Лекин шу пайт дадаси столга бир мушт урди-да, мен нима бўлганда ҳам саёҳатга албатта жўнайман, ойингни ҳатто ўғирлаб бўлса ҳам ўзим билан бирга олиб кетаман, деди. Миттивой билганини қилсин, хоҳласа — биз билан кетсин, хоҳламаса — уйда қолсин. Хуллас, ўзи хал қилсин. Юлиус амаки хусусида шуни айтишим керакки, у бемалол келиши, истаганча уйларида туриши, докторга катнаши, агар бу маъқул келмаса, ўзининг Вестергетландида қолиши мумкин, ҳар ҳолда — дадаси буни аниқ-равшан қилиб гапирди — хуллас, у белгиланган кунни бандаргоҳга бориб, кемага тушади-ю, йўлга равона бўлади. Юлиус амакилардақадан ўнтаси ҳам уни йўлдан қолдиrolмайди.

— Ҳа, албатта, — деди ойиси, — лекин бари бир бу масалани ҳар томонлама чуқур ўйлаб кўриш керак.

Ойиси ҳаммасини пухта ўйлаб бўлганидан кейин, деди: Бок хонимдан илтимос қилиб кўрамиз, балки иккита ўжар бўйдоқ — Миттивой билан Юлиус амакига рўзғор ишларида ёрдам беришга рози бўлар.

— Иккита эмас, учта бўйдоққа, — деди дадаси. — Учинчи ўжар бўйдоқнинг исми Карлсон, у томда яшайди. Карлсонни унутманглар, ахир, у эртаю кеч шу ерда бўлади-ку.

Боссе қаттиқ қулганидан стулдан ағдарилиб тушишига сал қолди.

— Уй золимаси, Юлиус амаки ва Карлсон — улфатлар жуда топишибди-да?

— Буёқда Миттивой ҳам бор-ку. Илтимос, уни эсдан чиқармаларинг, — деди Бетан.

У иккала қўли билан Миттивойни кучоқлади-да, ғайритабиий хайрат ичида кўзларига қаради.

— Дунёда менинг укамга ўхшаган ажойиб одамлар бор-да! — деди у. — У уйда уй золимаси, Юлиус амаки, томда яшовчи Карлсон билан бирга қолиш учуноқ ойиси ва дадаси билан ажойиб саёҳатга боришдан воз кечяпти.

— Модомики, шундай ажойиб, яхши дўстинг бор экан, уни ташлаб кетиб бўлмайди.

Миттивой ўзига қанчалик қийин бўлишига ақли етмаяпти, деб бўлмасди. Юлиус амаки билан Бок хоним атрофида гирдикапалак бўлиб учиб юрадиган Карлсон унинг бошига қандай шўришлар солиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳа, ҳар ҳолда, уйда кимдир қолиши ва уларнинг бошини ковуштириб ўтириши керак-да.

— Ўша «кимдир» мен-да, мендан бўлак ҳеч ким бу ишни удадалаёлмади, тушундингми, Бимбо? — деди Миттивой ўрнига ётганидан кейин, ёнидаги саватчада эса Бимбо пишиллаб ухлаб ётарди.

Миттивой кўрсаткич бармоғини чўзиб, Бимбонинг бўйинбоғининг тагини қашиб кўйди.

— Энди яхшиси ухлаганимиз маъкул,— деди у,— кечкурунги наклдан эрталабки акл яхши дейишади-ку.

Лекин шу пайт моторнинг гувуллаган товуши эшитилиб, хонага Қарлсон учиб кирди.

— Жуда ғалати иш бўлди-да!— деб хитоб қилди у.— Ҳамма нарсани миямда сақлашим керак, мабодо, бирор нарсани унутдимми, вассалом, охири вой бўлади, орқа қиладиган одамим йўк!..

Миттивой каравотида туриб ўтирди.

— Хўш, нимани унутдинг?

— Туғилган кунимни эсимдан чиқарибман-а! Маълум бўлишича, шу бугунги узундан-узок кун менинг туғилган куним экан, бу эса хотирамдан мутлақо кўтарилибди, ҳеч ким, бирон кимса: «Азизим Қарлсон, сени табриклайман» демади-я.

— Тушунмаяпман,— деди Миттивой хайрон бўлиб,— бугун саккизинчи июнь-ку, қандай қилиб сенинг туғилган кунинг бўлиши мумкин? Жуда яхши эсимда, сен апрелда туғилгансан.

— Ҳа, апрелда эди,— деб қўшилди Қарлсон.— Хўш, нега энди менинг туғилган куним доим айни бир кунда бўлиши керак, ахир, бошқа ажойиб кунлар озми. Мана, масалан, саккизинчи июнь жуда ажойиб кун, нега энди туғилган кун учун шу кунни танлаш мумкин эмас? Балки сен бунга қаршидирсан?

Миттивой қулиб юборди.

— Йўк, қарши эмасман! Майли, туғилган кунингни истаган вақтингда ўтказавер.

— Ундай бўлса,— деди Қарлсон бошини мулоимлик билан бир томонга экканча,— илтимос, совғаларимни ўзимга берсанг.

Миттивой хаёлпаршонлик билан ўрнидан турди. Ахир, зудлик билан Қарлсонга муносиб совғани топишнинг ўзи бўлмайти, лекин у бир уриниб кўрмоқчи бўлди.

— Ҳозир, тортмаларимни бир кўрай-чи,— деди у.

— Бўпти,— деб рози бўлди Қарлсон ва сабр-тоқат билан кутишга ҳозирланди. Лекин шу пайт унинг кўзи шафтоли данаги экилган гул тувакка тушиб қолди. Қарлсон узок ўйлаб ўтирмай, тувакка ташланди-да, бармоғи билан данакни тезда қовлаб олди.— Ахир, ўсаяптими, йўкми, кўриб қўйиш керак-ку. Ие, қарагин-а, менимча, у каттароқ бўлиб қолибди,— деди у ва данакни қайтадан тупрокка кўмиб қўйди-да, ифлос бармоқларини Миттивой пижамасининг этакларига артди.— Чамаси, йигирма йиллардан кейин жуда маза қиласан-да,— деди у.

— Қандай қилиб?— деб сўради Миттивой ажабланиб.

— Чунки сен кундузи шафтоли дарахтининг соясида ухлашинг мумкин! Қойил-а, тўғрими? Унда каравотингни ташлаб юборишга тўғри келади, умуман, мебель шафтоли дарахтига тўғри келмайди... Хўш, совғаларим қани?

Миттивой ўзининг кичкина машиналаридан бирини олиб келди, лекин Қарлсон бошини сарак-сарак қилди. Шундан сўнг Миттивой унга аввалига жумбоқ ўйинчоқни, кейин «Конструктор»ни, сўнг ранг-баранг майда тошлар солинган халтачани кўрсатди, лекин Қарлсон ҳар гал «йўк» дегандай бошини чайқарди. Ниҳоят, Миттивой Қарлсонга нима ёкишини фаҳмлаб қолди: тўппонча! У ёзув

столининг юкори тортмасидаги гугурт кутисида анчадан бери ётарди. Бу дунёдаги энг кичкина тўппонча, турган гапки, энг чиройлиси ҳам эди. Дадаси уни Миттивойга хориждан олиб келиб берганди, Қристерни ҳам, Гунилланинг ҳам ўз вақтида унга жуда хаваси келувди, чунки улар бунақанги жажжи тўппончани умрларида сира кўришмаган эди-да. Шуниси кизикки, деганди дадаси, қандай қилиб бу жажживой қарсиллатиб отаркин.

— Эҳтиёт бўл, худа-беҳудага отаверма, чунки атрофингдаги одамлар кўрқиб кетишлари мумкин,— деганди дадаси, бу жажжи тўппончани Миттивойнинг кафтига кўяркан.

Маълум сабабларга кўра, Миттивой ўшанда бу тўппончани Карлсонга кўрсатмаган эди. Ҳа, айтгандай, ўйинчоғини дўстидан яширишнинг яхши эмаслигини Миттивойнинг ўзи ҳам тушунарди. Бунинг устига, яширишга ҳам ҳожат қолмаганди, чунки Карлсон унинг тортмасини титкилаганда тўппончани кўрганди.

Карлсонга ҳам бу жажжи тўппонча жуда ёқиб қолганди, албатта. «Эҳтимол, шунинг учун ҳам бугун туғилган кунини нишонламоқчи бўлгандир»,— деб ўйлади Миттивой ва чуқур хўрсиниб, қутичани стол тортмасидан олди.

— Табриклайман сени, азизим Карлсон!— деди Миттивой.

Карлсон севинганидан қийкириб юборди-да, Миттивойга ташлашиб, унинг икки юзидан чўлп-чўлп ўпди, кейин қутичани очди-да, шодон қақағлаб тўппончани олди.

— Сен дунёдаги энг яхши дўстимсан!— деди у.

Миттивой ўзини бирдан бахтиёр, гўё унда бундай тўппончадан яна юзтаси бордай жудаям бахтиёр ҳис этди.

— Биласанми,— деди Карлсон,— у менга чинданам керак. Бугун кечкурун.

— Нега энди?— деб сўради Миттивой ташвиш аралаш.

— Ўрнимда ётиб олиб, кўйларни санаш учун,— деб тушунтирди Карлсон.

Бу ерда шуни айтиш керакки, Карлсон Миттивойга уйқумнинг мазаси йўқ, деб бир неча бор нолиган эди.

— Тўғри, кечалари донг қотиб ухлайман. Эрталаблари ҳам. Лекин пешиндан кейин ўрнимда у ёқдан-бу ёққа ағанаб чиқаман, мижжа қоқмайман.

Ана ўшанда Миттивой унга уйқусизликка қарши қандай курашни ўргатганди. Агар дарров ухлаёлмасангиз, ўзингизни ухлаётган қилиб кўрсатинг ва деворчадан дик-дик сакраётган қўйлар сурувини кўраётган қилиб тасаввур этинг. Қўйларнинг ҳаммасини, улар девор устидан сакраётганларида бирма-бир санаш керак, шунда сени уйқу босадию ухлаб қоласан, вассалом.

— Биласанми, бугун кечаси сира ухлаёлмадим,— деди Карлсон. — Ётиб олиб, қўйларни санай бошладим. Ўшаларнинг ичида битта тирракиси бор экан, ҳечам сакрагиси келмай жойидан жилмайди-я. Миттивой қулиб юборди.

— Ҳўш, нега энди сакрагиси келмади?

— Мени кийнамоқчи-да. У деворнинг олдида туриб, оғирлигини у оёғидан-бу оёғига олади-ю, лекин жойидан қимирламайди. Ана ўшанда тўппончам бўлса уни сакрашга мажбур қилардим, деб

кўнглимга тугиб кўйгандим. Миттвой ана ўшанда столингни торт-масида ётган жажжи тўппончани ҳам эсладиму бугун туғилган куним экан, деган қарорга келдим,— деди Карлсон ва хурсанд бўлиб тўппончани силаб кўйди.

Карлсон совғасини ўша захотиёк синаб кўрмоқчи бўлди, албатта.

— Текшириб кўрамиз!— деди у.— Ҳозир қарсиллатиб отаман, бир хурсанд бўлайлик! Йўкса, мен сен билан ўйнамайман.

Лекин Миттвой катъиян рад этди:

— Йўк! Унда уйдагиларни уйғотиб юборамиз.

Карлсон елкасини қисди.

— Хўш, нима бўпти? Бу арзимас нарса, рўзғорда бўладиган гап! Қайтадан ухлашади-да. Бордию санагани кўйлари бўлмаса, ўзимниқидан уларга қарз бериб тураман.

Лекин Миттвой ўз айтганида каттик туриб, тўппончани синашга йўл кўймади. Ана шунда Карлсон бошқа чорасини топди.

— Бизниқига учиб борамиз,— деди у.— Ахир, туғилган кунимни нишонлашимиз керак-ку... Уйда, мабодо, пирог топилмайдими?

Лекин бу гал уйда пирог йўқ эди. Карлсон мингиллай бошлаганди, Миттвой, бу арзимас нарса, рўзғорда бўладиган гап-ку, деди.

— Эсингда бўлсин,— деб Карлсон унинг гапини шартта бўлди.— Пирог хақида «бу арзимас нарса, рўзғорда бўладиган гап» дейишмайди. Ҳа, майли, иложимиз канча, зиёфатни булочкалар билан ўткази қоламиз. Бор, нимаики топсанг, ҳаммасини обқел!

Миттвой ошхонага кирди-да, анча-мунча булочка кўтариб келди. Ойиси, баъзи-баъзида Карлсонга бир-иккита булочка беришга рухсат этганди. Ҳозир эса жуда асқатиб колди.

Тўғри, ойиси Карлсон билан бирга томга учиб чиқишга рухсат бермаганди, лекин бу Миттвойни паккос эсидан чиқиб кетганди, агар ҳозир битта-яримта буни унга эслатгудай бўлса, Миттвой сидкидилдан ажабланган бўларди. У Карлсон билан учишга ўрганиб қолганди, ҳечам кўркмасди, кўллари билан Карлсонни бўйнидан маҳкам кучоқлаб олиб, осмонга, тўппа-тўғри томдаги уйчага ўқдай учиб чиқаётганларида ҳатто юраги шув этмасди ҳам.

Стокгольмдаги июнь оқшомларидай оқшом ҳеч қаерда бўлмайди. Ҳеч ерда осмон мана шундай ўзига хос ажиб рангда нурланиб турмайди, бу ерда ғира-шира пайт шундай ёркин, тиниқ бўладики, шаҳар ҳам, кўрфазнинг оқиш сувида акс этган осмон ҳам ғаройиб манзара қасб этади.

Бундай оқшомлар гўё томда яшовчи Карлсоннинг туғилган кунини нишонлаш учун махсус яратилгандай. Миттвой осмон бўёқларининг алмашинишини мириқиб томоша қилади, Карлсон эса бунга мутлақо парво қилмасди. Лекин улар пиллапояда мана шундай ёнма-ён ўтиришиб, булочка ейишиб, устидан шарбат ичишганларида, Миттвой бу оқшомнинг бошқа оқшомларга сира ўхшамаслигини аниқ-равшан тушунган эди. Карлсон ҳам бу булочкалар Миттвойнинг ойиси одатда ёпадиган бошқа булочкаларга ҳечам ўхшамаслигини аниқ-равшан тушунарди.

«Карлсоннинг уйчаси ҳам дунёдаги уйларнинг биронтасига ўхшамайди»,— деб ўйларди Миттвой. Бу ердагидай шинам хона,



ажойиб пиллапоя, гўзал манзара ҳеч қаерда йўқ, бир қарашда кераксиз, бемаъни туюлган, аслида ниҳоятда ажойиб нарсалар ҳеч қаерда бу ердагидек кўп тўпланган эмас: Карлсон, худди олмахонга ўхшаб ҳамма нарсани уйига ташиб олиб келаверган. Карлсоннинг бу буюмларни қаердан олганини, қандай кўлга туширганини Миттивой ўзинча тасаввур ҳам этолмасди. Карлсон керак пайтида топиш осон бўлсин учун ўз бойликларининг кўпини деворларга осиб ташлаганди.

— Кўряпсанми, ҳаммаёқ саранжом-саришта. Асбоб-ускуналардан бўлак ҳамма нарса чап томонга, асбоб-ускуналар эса ўнг томонга осиб қўйилган,— деб тушунтирди Карлсон.— Расмлар ҳам.

Ҳа, Карлсоннинг уйдаги деворда иккита ажойиб расм осилдиқ турарди. Миттивой уларни томоша қилишни яхши кўрарди. Бу расмларни Карлсоннинг ўзи чизган. Уларнинг бирида, варақнинг чеккагинасига зигирдақина қанотли хашарот расми солинган бўлиб, у «Сўккабош хўроз», деб аталарди. Бошқасида тулки тасвирланганди, лекин расм негадир «Куёнларимнинг портрети» деб аталарди.

— Куёнлар кўринмайди, чунки уларнинг ҳаммаси тулкининг корнида,— деб тушунтирарди Карлсон.

Карлсон оғзини булочкага тўлдириб қавшанганча деди:

— Вақтим бўлганида учинчи расмимни чизаман. У «Сакрашни хохламаган кичкина ўжар кўзичоқнинг портрети», деб аталади.

Лекин Миттивой унинг гапларини бепарвогина эшитарди, сўлим ёз окшомининг мафтункор товушию муаттар ҳидларидан боши айланарди. У кўчаларидаги гуллаётган липа дарахтларининг хушбўй ҳидини сезиб турар, пошналарнинг йўлкага тегиб тўқ-тўқ этишини эшитарди — бу ойдин кечада жуда кўп одамлар сайр қилиб юришарди. «Ёз окшомининг ўзига хос товуши бор-а!»— деб ўйлади Миттивой. Окшом ниҳоятда сокин эди, кўшни уйлардаги ҳар бир шитирлаган овоз унга жуда аниқ эшитиларди: одамлар валдирашар, бақириб-чақирившар, ашула айтишар, сўқинишар, кулишар, йиғлашар — ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетганди. Баланд уйнинг томида бир бола ўтирволиб, бир-бирига улашиб кетган бу хилма-хил товушларни худди чинакам куйдай тинглаётгани улардан ҳеч бирининг хаёлига келмайди.

«Йўқ, менинг бу ерда Карлсон билан ўтирганимни, хузур қилаётганимни, булочкани еб, шарбат ичаётганимни улар билишмайди», деб ўйларди бахтиёр Миттивой.

Тўсатдан уларга энг яқин болохонада қандайдир қийқирик овозлари эшитилди.

— Эшитдингми? Бу менинг безори ҳаққаларим,— деб тушунтирди Карлсон.

— Қим? Қим дединг? Филле билан Руллеми?

Филле билан Руллени Миттивой ҳам танирди. Булар бутун Вазастанга донғи кетган учига чиққан безори ва ўғрилар эди. Улар қаровсиз ётган ҳамма нарсани олиб кетишаверарди. Худди ҳаққаларга ўхшарди. Шунинг учун ҳам Карлсон уларни «безори-ҳаққалар» деб атарди. Бир йил аввал улар Свантесонларнинг уйига ўғирликка тушишганди, лекин Карлсон уларни арвоҳ киёфасига

кириб шундай кўрkitиб юборгандики, ўша кунни ҳали-ҳали эслаб юришади. Ўшанда улар хатто кумуш қошиқчани ҳам олиб кетишолмаганди.

Карлсон Филле билан Рулленинг болохонадаги кичкиригини эшитиши биланок, бу ишга аралашигга ахд килди.

— Ҳозир айни вақти, уларни сал кўрkitиб кўйиш керак,— деди у.— Йўкса, бу безори-ҳаққаларим бировларнинг буюмини ўмаришга равона бўлишади.

Улар томнинг тарновидан юришиб, безорилар болохонаси томон йўналишди. Миттивой калта, семиз оёқчаларда шундай чакқон сакраш мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди: Карлсонга етиб юриш амримаҳол эди, боз устига, у томма-том сакраш машқини олмаганди-да, лекин бари бир дўстидан орқада қолмасликка жонжаҳди билан тиришарди.

— Безори-ҳаққалар қабих одамлар,— деди Карлсон, бўртикдан бўртикка сакраркан.— Ўзимга бирор нарса олгудай бўлсам, доим унинг учун беш эре тўлайман, чунки мен дунёда энг ҳалол одамман. Лекин бисотимдаги бор беш эрелик тангалар ҳадемай тугаб қолади, бундан буён ўзимга бирор нарса олмоқчи бўлсам, унда нима қиламан?... Бошим қотиб қолди...

Филле билан Рулле ўтирган болохона деразасининг пардаси туширилган бўлса ҳам, лекин очик эди. У ерда қийкирик авжигачиққанди.

— Қани, кўрайлик-чи, нима сабабдан бунчалик вақтичоғлик қилишяптикин,— деди Карлсон, дераза пардасини суриб кўйиб, хонага мўраларкан. Кейин ўрнини Миттивойга бўшатиб берди. Миттивой ҳам Филле билан Руллени яхшилаб кўриб олди. Улар полга узала тушиб ётиб олишган бўлиб, олдиларида газета ёзилганди. Афтидан, улар газетани ўқиб, ўзларини тутолмай қийкириб қулишаётганга ўхшайди.

— Биласанми, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, ўн минг кронлик бўлиб қолиш-а!— деб бақирарди Рулле.

— Бунинг устига у шу ерда, ўзимизда, Вазастанда учиб юрибди-я! Бу шодиёна кун билан мени табриклаб кўй, Рулле!— Филле шундай деб бақирганча ичаги узилгундай бўлиб қуларди.

— Менга қара, Филле,— деди Рулле,— мен бир йигитни танийман, у ўн минг кронни жон-жон деб олади, ха-ха-ха!

Миттивой уларнинг нима ҳақда гаплашаётганларини фаҳмлаши биланок кўрқувдан ранги оқариб кетди, Карлсон бўлса қикирлаб қулиб кўя қолди.

— Менам бир йигитни биламан, ўйин-кулгини яхши кўради,— деди у ва тўппончани кўлига олди. Томда гумбурлаб ўқ овози янгради.— Эшикни очинглар, полиция!— деб ўшқирди Карлсон.

Рулле билан Филле дағ-дағ титрашиб, ўринларидан сапчиб туришди.

— Нулле, биз йўқмиз!—деб бақирди Филле. У «Рулле биз йўқмиз» демоқчи эди, лекин кўрққан пайтларида у доимо харфларни алмаштириб юборарди.

— Зетрок, дергаробга!— деб буюрди у ва кўз очиб-юмгунча

иккалови кийим шкафига яшириниб, эшикларини зичлаб ёпиб олишди.

— Филле билан Рулле уйда йўқ, улар биз уйда йўқмиз, биз кетганмиз, деб тайинлашганди!— тўсатдан Филленинг кўркувдан қалтираган овози эшитилди.

Карлсон билан Миттивой орқаларига қайтишди-да, яна пилла-пояга ўтириб олишди, лекин Миттивой энди илгаригидай хурсанд эмасди: у Карлсоннинг хавфсизлигини таъминлаш қанчалик мушкул эканлиги тўғрисида ўйларди, айниқса Рулле ва Филлега ўхшаган ярамаслар шундай ёнма-ён яшаса, бу осонмас. Бунинг устига, яна уйларида Бок хоним билан Юлиус амаки бўлади-я, ҳа, айтгандай, буни Карлсонга айтиш бутунлай эсидан чикибди-ю.

— Менга қара, Карлсон...— деб гап бошлади, Миттивой.

Лекин Карлсон унинг гапига кулоқ солмасди. У булочкаларни кетма-кет тушириб, устидан кўкимтир стаканчадан шарбат ичарди, бир вақтлар бу стаканча Миттивойники эди, уч ой бурун, бундан олдинги туғилган кунда уни Карлсонга совға қилувди. Карлсон стаканчани худди ёш болалардай икки қўллаб ушлаб олганди, шарбатни ичиб бўлганидан кейин уни яна ёш болалардай полда юмалатиб ўйнай бошлади.

— Вой!— деб бақириб юборди Миттивой, чунки кўкимтир стаканчанинг синиб қолишини ҳечам истамасди.

Бахтига у синмади: Карлсон оёғининг катта бармоқларида усталик билан ушлаб турарди. Гап шундаки, Карлсон бошмоғини ечиб қўйганди, йиртик, йўл-йўл пайпоқларидан йўғон бармоқлари дўппайиб чикиб турарди.

— Менга қара, Карлсон...— деб яна гап бошлади Миттивой.

Лекин Карлсон ўша заҳоти унинг гапини шартта бўлди:

— Мана сен, санашни биласан. Модомики, менинг бутун туриш-турмушимни ўн минг кронга баҳолашган экан, катта бармоқларим қанча тураркин, бир ҳисоблаб кўр-чи.

Миттивой кулиб юборди.

— Билмадим. Нима, бармоқларингни сотмоқчимисан?

— Ҳа,— деди Карлсон.— Сенга. Арзон-гаровга сотаман, чунки улар яп-янги. Лекин, менимча...— деб гапида давом этди,— унчалик тоза бўлмаса керак.

— Вой, тентаг-ей,— деди Миттивой,— ахир, катта бармоқларсиз қандай юрасан?

— Ҳечам уларсиз юрмоқчи эмасман-да,— деб жавоб қилди Карлсон.— Улар ўзимда қолаверади, лекин сеники бўлиб ҳисобланади-да. Гўё мен уларни сендан қарзга олган бўламан.

Карлсон катта бармоқларининг қанчалик яхши эканлигини Миттивойни ўзи кўриб ишонч ҳосил қилсин учун оёқларини унинг тиззасига қўйди-да, деди:

— Ахир, ўзинг бир ўйлаб кўр-а, ҳар гал уларни кўрганигда ўзингга-ўзинг: «Мана шу дўмбоқ катта бармоқлари меники» дейсан. Бу ажойиб иш эмасми?

Лекин Миттивой бундай битимдан қатъий бош тортди. У ғаладо-нида ётган бор пулини — беш эрелик тангаларини Карлсонга шундай

хам беришга ваъда қилди. У Карлсонга айтиши керак бўлган нарсани тезроқ гапирсам дерди.

— Менга қара, Карлсон,— деди у,— қани, топ-чи, ойим билан дадам саёҳатга кетганларида менга ким кўз-қулоқ бўлиб туради?

— Менимча, дунёда болаларга энг яхши кўз-қулоқ бўлиб турадиган одам,— деди Карлсон.

— Нима, сен ўзингни назарда тутаяпсанми?— деб сўради Миттивой ҳар эҳтимолга қарши, ҳолбуки, Карлсон ўзини назарда тутаетганлиги шундоғам аниқ-равшан эди.

Карлсон «ҳа», дегандек бош силкиб қўйди.

— Агар сен мендан ҳам яхши кўз-қулоқ бўладиган одамни кўрсатсанг, беш эре оласан.

— Бок хоним,— деди Миттивой. У болаларга энг яхши кўз-қулоқ бўладиган одам шундай ёнгинасида турганида, ойиси Бок хонимни чакирганини Карлсон билса жаҳли чиқса керак, деб кўрққанди, йўқ, аксинча, сира кутилмаганда, у кўзлари чакнаб, хурсанд бўлиб кетди.

— Ҳой-хўп!— Бор айтган гапи шу бўлди.— Ҳой-хўп!

— Хўш, бу «ҳой-хўп»нинг билан нима демоқчисан?— деб сўради Миттивой негадир ич-ичидан чўчиб.

— «Ҳой-хўп» деганим, бу «ҳой-хўп» демокчи бўлганим-да,— деб ишонтирмақчи бўлди Карлсон, лекин кўзлари шубҳали ялтираб кетди.

— Ҳа, айтмоқчи, Юлиус амаки ҳам келади,— деб гапида давом этди Миттивой.— У доктор билан маслаҳатлашиб, даволаниши керак, чунки эрталаблари аъзойи бадани увушиб қолаётганмиш.

Миттивой Карлсонга Юлиус амакининг табияти оғирлиги, ойиси билан дадаси оқ кемада саёҳат қилиб келгунича Юлиус амаки уларникида туриши, Боссе билан Бетан эса ёзги таътил кунларида ҳар томонга жўнаб кетиши тўғрисида гапириб берди.

— Очик гап, буёғи нима бўлишини билмайман,— деди Миттивой ташвиш-ла.

— Ҳой-хўп! Улар икки ҳафтани жуда яхши ўтказишади, эсларидан чиқмайди, менга ишонавер,— деди Карлсон.

— Сен кимни гапиряпсан? Ойим билан дадамними ё Боссе билан Бетанними?— деб сўради Миттивой.

— Уй золимаси билан Юлиус амакини гапиряпман,— деб тушунтирди Карлсон.

Миттивой баттар ташвишга тушди, лекин Карлсон Миттивойни тинчителиш учун унинг чаккасига уриб қўйди.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик! Улар билан жуда яйраб-яшнаб ўйнаймиз, чунки биз икковимиз дунёдаги энг меҳрибон, очиккўнгил одамлармиз... Ҳар ҳолда, мен шундай одамман.

У шундай деди-да, Миттивойнинг қулоғи тагида тўппончани қарсиллатиб отди, Миттивой бехос жойида сакраб тушди.

— Бечора Юлиус амакинг ҳам докторга бориб юрмайди,— деди Карлсон.— Уни ўзим даволайман.

— Сен-а?— деб сўради Миттивой ҳайрон бўлиб.— Ахир, сен Юлиус амакини қандай даволашни биласанми?

— Мен билмайманми, мен-а?— деди Карлсон жаҳли чиқиб.—

Ваъда бераман, у бирпасда отдай бўлиб кетади... Бунинг учун учта процедура бор.

— Қанака процедура экан?— деб сўради Миттивой ишонқирамай.

— Қитиклаш, жаҳлини чиқариш, тентаклик қилиш,— деди Қарлсон жиддий.— Бошқа дори-дармоннинг кераги йўқ, мен бунга кафилман!

Миттивой пастга ташвишланиб қаради, чунки кўпчилик одамлар деразаларидан бошларини чиқара бошлашди — афтидан, одамлар ким отганлигини билмоқчи бўлишса керак. Шу пайт у Қарлсоннинг тўппончани яна ўклаётганини кўриб қолди.

— Қўй, ўклама, Қарлсон, ўтиниб сўрайман,— деб ялиниб-ёлворди Миттивой.— Бошқа отмагин!

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик,— деди Қарлсон.— Менга қара,— деб сўзида давом этди у бир зум жим тургандан кейин,— ҳозир бир нарсани ўйлаб қолдим. Сен нима дейсан, уй золимасининг аъзойи бадани ҳам увушмасмикин-а?

Лекин Миттивой жавоб беришга улгурмаган ҳам эдики, Қарлсон қийқириб тўппонча ушлаган қўлини баланд кўтарди-да, карсиллатиб отиб қолди.

Вағиллаган ўқ овози томлар оша учиб, қаердадир сўнди. Қўшни ховлиларда қўрқиб кетган, жаҳли чиққан одамларнинг ғовур-ғувур овозлари эшитилди, кимдир полицияни чақириш керак, деб ўшқирди. Миттивойни энди тоқати тоқ бўлди. Лекин бу олатасир Қарлсоннинг парвойига келмас, у охириги булочкани хотиржам кавшаб ўтирарди.

— Намунча кий-чув кўтаришмаса?— деб хайрон бўларди у.— Нима, улар бугун туғилган куним эканлигини билишмайдими?

У булка ноннинг сўнгги бўлагини ютди-да, шўх бир қўшиқни бошлаб юборди, у бу ёз оқшомида ёкимли янграрди:

Гурла гулхан,  
Ўйнаймиз,  
Гир айланиб куйлаймиз:  
Чиви-чиви, чирик-чирик,  
Дирк-дирк  
Тарала.  
Таваллуд айём эса  
Офтоб тўкма хон инса  
Хўплар...  
Барала:  
Чиви — ёвуз,  
Ковуз-ковуз!<sup>1</sup>

### КАРЛСОН — БИРИНЧИ ЎҚУВЧИ

Ўша оқшом, яъни ойдиси билан дадаси саёҳатга жўнаб кетган кунни қиялаб ёққан ёмғир дераза ойналарини тинимсиз чертиб, тарновлардан шовуллаб оқиб тушарди. Уларнинг кетишидан роса ўн минут бурун шилтаю шалаббо ҳамда газабнок Бок хоним хонага ўкдай отилиб кирди.

<sup>1</sup> Шеърларни Эркин Холиков таржима қилган.



— Хайрият-е! — деб шивирлади ойиси. — Ахийри келди-я!

У Бок хонимни куни билан кўзи тўрт бўлиб кутгани учун ҳам ҳозир анча асабий эди, албатта, лекин калтафаҳм Бок хоним буни ҳатто сезмади.

— Олдинроқ келишимнинг иложи бўлмади. Ҳаммасига Фрида айбдор, — деди у хўмрайиб.

Ойиси Бок хоним билан кўп нарсалар хусусида гаплашиб олиши керак эди. Лекин энди бунга вақт қолмаганди: ташқарида уларни такси кутарди.

— Энг муҳими, болага яхши қарасангиз бўлгани, — деди ойиси кўзлари ёшланиб.

— Мен бор эканман, унга ҳатто пашшаям озор бермайди, — деб ишонтирди Бок хоним. Шунда дадаси, бунга ишончим қилди, деди.

Дадаси уйда ҳамма нарса кўнгилдагидай бўлишига қаттиқ ишонарди. Сўнгра ойиси билан дадаси хайрлашиш олдидан Миттивойни бағриларига босишди, кейин майдончага чиқишди-да, лифтга кириб ғойиб бўлишди...

Мана, Миттивой Бок хоним билан ёлғиз қолди.

Гавдаси бесўнақай, кўпол, асабийлашган Бок хоним ошхонадаги стол атрофида ўтириб, каттақон қизғиш қўллари билан ҳўл сочини силаб-сийпаб кўярди. Миттивой унга ҳадиксираб қаради-да, ўзининг хайрихоҳлигини билдириш учун илжайган бўлди. Ҳали ҳам эсида, Бок хоним уларникида биринчи бор турганида Миттивой ундан кўрқарди, аввалига уни жуда ёмон кўриб юрди. Лекин ҳозир шароит бутунлай бошқача, унинг бу ердалигига, уйдалигига қайтага хурсанд бўлиши керак. Гарчи, Бок хонимнинг Карлсон билан учрашуви ҳеч қандай яхшиликдан дарак бермаса-да, Миттивой бу уй золимасининг уларникида туришга рози бўлгани учун ҳам ундан миннатдор эди. Акс ҳолда, ойиси Карлсонга кўз-қулоқ бўлиб турсин, деб унинг уйда қолишига сира ҳам рози бўлмасди, ҳа, бу турган гап. Шунинг учун ҳам Миттивой Бок хоним билан аввалбошданок ширинсўз бўлгиси келди, бинобарин:

— Фриданинг аҳволи қалай, — деб сўради у мулоимлик билан.

Бок хоним жавоб бермай, тўнғиллаб кўя қолди. Фрида Бок хонимнинг синглиси эди. Миттивой уни умрида кўрмаган, лекин у ҳақда кўп эшитганди, ҳатто керагидан ортиқча. Буларни албатта Фрейгатен кўчасидаги уйда синглиси Фрида билан бирга яшайдиган Бок хонимнинг ўзидан эшитганди, лекин, афтидан, улар унчалик тотув туришмасди. Миттивой Бок хонимнинг ўз синглисидан хурсанд эмаслигини, унинг феъл-атворини кибр-ҳаволи ва ғалати деб ҳисоблашини тушунди. Ҳаммаси Фриданинг телевидениеда чиқиб, арвоҳлар ҳақида гапирганидан бошланди, Бок хоним эса буни ҳечам кечиролмасди. Тўғри, кейинчалик унинг ўзи ҳам телевидениеда чиқиб, қайла тайёрлашдаги ўзининг ажойиб усули тўғрисида бутун Швецияга гапириб берди. Лекин бу Фридани ўзига бўйсундириш учун камлик қилди: синглиси ҳамон ўзини нокамтар ва ғалати тутарди. Шунинг учун ҳам Бок хоним Миттивойнинг: «Фриданинг аҳволи қалай?» деган саволига ўзича пўнғиллаб кўя қолди.

— Менимча, ҳаммаси жойида, — деб ахийри жавоб қилди уй

золимаси, пўнғиллаб бўлганидан кейин.— Бечора ўзига қаллик топибди.

Миттивой бундай ҳолда нима дейишини аниқ билмасди, лекин, бари бир, албатта нимадир дейиши керак, ахир у ўзини ғамхўр қилиб кўрсатмоқчи эди-да. Шунинг учун ҳам у:

— Бок хоним, сизнинг ҳам қаллиғингиз борми?— деб сўради.

Лекин унинг қовун туширгани аниқ эди, чунки Бок хоним ўрнидан сапчиб турганидан, столни каттиқ сурганидан устидаги идишлар жаранглаб кетди.

— Худога шукрки, йўк!— деди у.— Истамайман ҳам. Ахир, ҳамма ҳам Фридадай танноз бўлавермайди-ку.

У бирдан гапиришдан тўхтаб, жонбозлик билан идиш-товокларни юва бошладики, сув ҳар томонга сачрарди. Кейин нимадир эсига тушиб, Миттивойга ташвишли нигоҳ ташлади-да:

— Менга қара, ишонаманки, ўтган гал сен билан бирга ўйнаган ўша беодоб семиз бола энди келмаётгандир?— деб сўради.

Томда яшовчи Карлсоннинг чиройли, ақлли, тобида семирган, айни куч-қувватга тўлган эркаклигини Бок хоним сира тушунолмапти-да. У Карлсонни Миттивойнинг тенгдоши, мактабдош ўртоғи, оддий бир шўх бола, деб ҳисобларди. Ўша оддий шўх боланинг негадир уча олиши уни ҳечам ажаблантирмасди. У бунақанги моторчани пул бўлса ўйинчоқ магазиндан сотиб олиш мумкин, деб ўйларди, ҳозир болаларни жуда эркалатиб юборишган-да, деб жаврагани-жаврагани. «Бу кетишда ҳадемай ҳали мактабга бормаган бола ҳам Ойга учадиган бўлади»,— дерди у. Мана, энди у Карлсонни эслаб қолди-да, уни «беодоб, семиз бола» деб атади. Бу гап Миттивойга ҳечам ёкмади.

— Карлсон ҳечам семиз эмас...— деб энди гапира бошлаган ҳам эдики, эшик қўнғироғи жиринглаб қолди.

— Ў, ана Юлиус амакиям келди!— деди Миттивой ва эшикни очгани чопиб кетди.

Лекин остонада Юлиус амаки эмас, Карлсон турарди. Унинг уст-боши жикка ҳўл, сиркиб тушган сув полда ҳалқоб бўлиб қолганди, кўзлари эса таъна аралаш боқарди.

— Деразани очик қолдириш— кимнингдир эсига келмагани учун қаёқларга учиб бормадим!— деди Карлсон тутақиб.

— Ахир ўзинг, ётадиган вақтим бўлди дединг-ку!— ўзини оклаган бўлди Миттивой, чунки Карлсон чинданам шундай деганди.— Тўғри, бугун ҳам келиб қолишинг мумкинлигини ўйламабман.

— Ҳар ҳолда, ноумид бўлмаслигинг керак эди-да,— бўш келмади Карлсон.— Ахир, азиз Карлсончам бирдан келиб қолса-я, ҳа, қандай яхши бўларди-я, ҳа, ҳа, кириб келса-я, чунки уй золимасини кўргиси келиб қолар, деб ўйласанг бўлардию. Ҳа, шуни ўйлашинг керак эди.

— Нима, сен чинданам уни кўрмоқчимисан?— деб сўради Миттивой кўрқув аралаш.

— Хей-хўп!— қичқирди Карлсон.— Бўлмасам-чи!

Миттивой Карлсоннинг Бок хоним билан учрашувини узокқа чўза олмаслигини жуда яхши тушунарди-ю, лекин бунинг биринчи кечаёқ юз беришига ҳечам тайёр эмасди. У ҳозир Карлсон билан гаплашиб кўрмоқчи бўлди, лекин Карлсон худди изни топган ов ити-

дай ҳадеб ошхонага талпинарди. Миттивой бари бир унинг енгидан ушлаб тортди.

— Менга кара, Карлсон, — деди у ишончлироқ қилиб гапиришга уриниб, — ахир, у сени менинг мактабдош ўртоғим деб юрибди, менимча, бу яхши, майли, бундан кейин ҳам шундай деб ўйлайверсин.

Карлсон бирдан серрайиб қолди, кейин ҳар гал бирор янги нарса-ни ўйлаб топганида бўлганидек жўшиб-тошиб кетди.

— У менинг мактабга боришимга чинданам ишонадими-а? — деб такрор сўради севинчини яширолмайд ва ошхонага отилди.

Бок хоним кимнингдир яқинлашиб келаётган оёқ товушини эшитди. У Юлиус амакини кутаётганди, кекса жанобнинг йўлакдан бундай шахдам қадамлар ташлаб келаётганидан бир оз ажабланди ҳам. Сабри чидамай эшикдан кўзини узмасди: у ўзича Юлиус амаки жуда басавлат, ораста одам бўлса керак, деб ўйларди. Эшик шарақлаб очилиб, ошхонага Карлсон ўқдай отилиб кирганида, у худди илон кўргандай қичқириб юборди.

Карлсон унинг ваҳимага тушганини пайкамади ҳам. У икки сакраб Бок хонимнинг олдига борди-да, унинг норозиликдан буришган юзига тикилди.

— Синфимизда биринчи ўқувчи кимлигини биласанми? — деб сўради Карлсон. — Қани топ-чи, ким ҳаммадан яхши ҳисоблашни, ёзишни билади, яна... Хуллас, ҳаммадан яхши ким?

— Уйга кирганда кўришиш керак, — деди Бок хоним. — Сизларда биринчи ўқувчи кимлиги мени мутлақо қизиктирмайди. Ҳар ҳолда, сен бўлмасанг керак, бу шундаям равшан.

— Бу гапларинг учун раҳмат, — деди Карлсон ва тумсайиб олди, лекин четдан қаралганда, у ўйланиб ўтиргандек бўлиб кўринарди. — Ҳар ҳолда, ҳисобда мендан зўри йўқ, — деди у ниҳоят маъюс ва елкаларини учуриб қўйди. — Э, право қилма, бу рўзғорда бўладиган гап-ку, — деб қўшиб қўйди ва бирдан хурсанд бўлиб дик-дик сакрай бошлади. У Бок хоним атрофида гир-гир айланиб, алланималар деб гўлдирарди, аста-секин қўшиққа ўхшаш бир нима туғилди:

Гурла гулхан,  
Ўйнаймиз,  
Гир айланиб куйлаймиз.

— Керакмас, Карлсон, қўй, керакмас, — деб Миттивой уни тинчитмокчи бўларди, лекин фойдаси йўқ эди.

Чиви-чиви, чирик-чирик,  
Дирк-дирк,  
Тарала, —

деб завқ-шавқ билан куйларди Карлсон. У «тарала» деган сўзга етганда аввалига ўқ отилди, кетидан қулоқни тешгудек қичқирик янгради. Карлсон тўппончасидан ўқ узди, қичқирган Бок хоним эди. Миттивой аввалига, Бок хонимни ҳушидан кетди деб ўйлади, чунки у ўзини стулга тап этиб ташлади-да, кўзларини юмганича анчагача индамай ўтирди, лекин Карлсон:

деб яна ашуласини бошлаши билан у кўзларини очди-да:

— Ҳозир мен сенга чиви — ёвуз нималигини кўрсатиб қўяман, ярамас бола, бир умр эслаб юрасан,— деди жаҳл билан.

Карлсон унга жавоб ҳам қилмади, лўппи кўрсаткич бармоғи билан Бок хонимнинг ияги тагидан чангакдай илиб олди, кейин ёқасига қадалган чиройли тўғноғични бигиз қилиб кўрсатди.

— Чиройли нарса,— деди у.— Уни кимдан тортиб олдинг?

— Карлсон, бас қил, ўтиниб сўрайман!— деб қичкирди Миттивой кўркиб, чунки у Бок хонимнинг қанчалик ғазабга минганини кўриб турарди.

— Сен уят... номус деган нарсани билмас экансан,— деди у тугилиб, сўзларни аранг топар экан, кейин ўшқирди:— Қорангни ўчир! Эшитяпсанми? Қорангни ўчир, деяпман.

— Тинчлан!— деди Карлсон.— Мен шунчаки сўрадим-да, одоб билан савол берганингдан кейин, одоб билан жавоб олишингга умид қиласан.

— Жўна!— деб бакирди Бок хоним.

— Биринчидан, мен бир нарсани аниқлаб олмоқчиман,— деди Карлсон.— Эрталаблари баданинг увушишини сезмаяпсанми? Агар сезсанг, сени даволашимни хоҳлайсанми?

Бок хоним Карлсонга отиш учун бирор оғир нарса қидириб ошхонага кўз югуртириб чиқди, Карлсон хизматга тайёр одамдай шкаф олдига чошиб келди-да, ичидан гилам қоққични олди-да, уни уй золимасининг қўлига тутқазди.

— Ҳей-хўп!— деб қичкирди у, яна ошхона ичида гир айланиб чопаркан.— Ҳей-хўп, мана энди ниҳоят ҳамма нарса бошидан бошланади.

Лекин Бок хоним гилам қоққични хонанинг бир бурчагига улоқтирди. У ўтган сафар қўлида гилам қоққичи билан унинг орқасидан қувиб қанчалик чарчагани ҳали-ҳали эсида, ўша ҳолни яна бошидан кечиришни истамасди.

Миттивой, бу ишларнинг охири вой бўлмаса эди, деб қўрқарди. Бок хоним ақлидан озмагунича Карлсон хонани неча бор айланиб чиқишини ўзича чамалаб кўрди. «Унчалик кўп айланолмайди»,— деган қарорга келди Миттивой, у тушундики, ҳозир энг муҳими — Карлсонни ошхонадан тезроқ олиб чиқиб кетиш. Карлсон унинг олдидан «ҳей-хўплаб» ўн биринчи марта айланиб ўтаётганида Миттивой унинг ёқасидан маҳкам ушлаб олди.

— Карлсон,— деб ялиниб-ёлворди у,— ўтиниб сўрайман, юр, менинг хонамга!

Карлсон истар-истамас унинг орқасидан эргашиди.

— Ниҳоят, унга завқ-шавқ бахш эта бошлаганимда бу машқларимизни тўхтатиш бемаънилик-ку!— деб тўнғиллади у.— Яна бир неча дақиқа машқ қилсақ, у ҳам денгиз арслонидай тетик, шўх, ўйноқи бўларди, бунга ишончим қомил!

Карлсон, одатдагидай, биринчи навбатда шафтоли уруғини қовлаб олиб кўрди, унинг қанча ўсганлигини билмоқчи эди. Миттивой

хам уни кўриш учун Карлсоннинг ёнига келди, унинг елкасига кўлини қўйгандан кейингина бечора Карлсоннинг сувга тушган бўлкадай ивиб кетганини сизди — афтидан, у жалада узоқ учганга ўхшайди.

— Нахотки совуқ емасанг, ахир, ҳаммаёғинг ҳўл-ку?— деб сўради Миттивой.

Карлсон, шу вақтгача бунга эътибор бермаганга ўхшайди, хозир бирдан эсига тушиб қолди.

— Албатта совуқ едим,— деди у.— Лекин бу ҳақда битта-яримта қайғураармиди? Энг яхши дўстинг сувга тушган бўлкадай ивиб келса, совуқдан тиши-тишига тегмаса-ю, бунга битта-яримта парво қилармиди? Бирор кимса унинг ҳўл уст-бошини ечиб ташлашга мажбур қилармиди, устига юмшок, чиройли, чўмилганда киядиган халатни кийдириб кўярмиди? Қимдир ошхонага чолиб кириб, унинг учун шоколад пишириб берармиди, ёғли ширин булочкадан кўпроқ олиб келиб берармиди, мажбуран ўринга ётқизиб, тезроқ ухлаши учун чиройли, мунгли аллани айтармиди?.. Биронтаси ўз дўсти ҳақида ғамхўрлик қилдими?— Карлсон баландпарвоз гапларини шу тарика тугатди-да, Миттивойга таънали қараб қўйди.

— Йўк, ҳеч ким ғамхўрлик кўрсатгани йўк,— деб тан олди Миттивой, унинг овози калтираб, йиғлаб юборишига сал қолди.

Миттивой, Карлсоннинг фикрича, бундай пайтда энг яхши дўсти учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини қилиш учун оёғини қўлига олиб чопди. Энг қийини Карлсон учун Бок хонимдан шоколад билан ёғли ширин булочка олиш эди, лекин унга қаршилиқ кўрсатгани Бок хонимнинг кучи ҳам, вақти ҳам қолмагани, чунки у ҳар дақиқа келиб қолиши мумкин бўлган Юлиус амаки учун жўжа ковуарди.

— Агар иссиқ шоколад ичгинг келса, ўзингга ўзинг пишириб ол,— деди у.

Миттивой ҳаммасини қойил қилиб уддалади. Орадан бир неча минут ўтар-ўтмас, оқ халат кийиб олган Карлсон Миттивойнинг кўрпа-тўшагида ўтириб қайноқ шоколад ичар, иштаҳа билан ширин булочка ерди, ваннахонада эса унинг қўйлаги, шими, ич кийимлари, носкиси, ҳатто ботинкаси ҳам қуритиш учун осиб қўйилганди.

— Менга қара,— деди Карлсон,— ажойиб, мунгли аллани айтмасанг ҳам бўлади, яхшиси, тепамда мижжа қокмай кечаси билан ўтириб чик.

— Кечаси билан?— сўради Миттивой.

Карлсон жавоб беролмади. У худди шу пайт булочкани бутунича оғзига тиккан эди, шунинг учун «ҳа» дегандек бош ирғаб кўя қолди. Бимбо тинимсиз ақилларди. Унга Карлсоннинг Миттивойнинг ўрнида ётгани ёкмасди. Лекин Миттивой Бимбони кўлига олди-да, қулоғига:

— Мен диванга ётишим ҳам мумкин, тушундингми? Саватингни ҳам ўша ерга олиб бориб кўямиз,— деб шивирлади.

Бок хоним ошхонада нималарнидир тарақлатар, Карлсон буни эшитиб, алам билан деди:

— У менинг биринчи ўқувчи эканлигимга ишонмади.

— Бунга ажабланмаса ҳам бўлади,— деди Миттивой. У Карлсоннинг на ёлчитиб ўқиёлмаслигини, на ёзолмаслигини, на ҳисобла-



ёлмаслигини аллақачон пайқагани, яна Карлсоннинг Бок хонимга, ҳаммасини койил қиламан, деб мактанганини айтмайсизми!

— Сен машк қилишнинг керак, — деди Миттивой. — Қўшувни сал ўргатиб қўяйми, хоҳлайсанми?

Карлсон пишкириб юборгани, шоколад томчилари ҳар томонга сачраб кетди.

— Хоҳлайсанми, сени сал камтар бўлишга ўргатиб қўяйми? Нахотки сен, мени ўшани, қў... билмайди деб ўйласанг... Қандай аталарди?

Ҳа, айтмоқчи, оғзаки ҳисоблашда машк қилиш учун бари бир уларнинг вақти ҳам йўқ эди, чунки худди шу пайт эшик қўнғироғи узоқ жиринглади. Миттивой, бунинг ниҳоят Юлиус амаки бўлишини дарров фаҳмладию эшикни очгани ўқдай отилди. У Юлиус амакини бир ўзи кутиб олишни хоҳларди. Миттивой, Карлсон бу пайт унинг ўрнида бемалол ётаверса бўлади, деб ҳисобларди. Лекин Карлсон бундай деб ҳисобламасди. У халатининг этаги оёқларига ўралашиб аллақачон Миттивойнинг орқасида турарди.

Миттивой эшикни ланг очиб юборди, остонада чинданам икки кўлида икки чамадон кўтариб олган Юлиус амаки турарди.

— Хуш келибсиз, Юлиус амаки... — деди Миттивой, лекин сўзини охиригача тугата олмади, чунки шу пайт кучли ўқ овози янгради-да, Юлиус амаки худди ўқ еган одамдек полга гурс этиб йиқилди.

— Карлсон! — деб шивирлади Миттивой фигони фалакка чикиб. Шу тўппончани Карлсонга совға қилганига ҳозир жуда-жуда афсусланди! — Нега бундай қилдинг?

— Бу салют-ку! — деб кичқирди Карлсон. — Мухтарам меҳмонлар, айтайлик, президент ёки кироллар келганида уларни ҳамшиша салют билан кутиб олишади.

Миттивой ҳозир ўзини шу қадар бахтсиз ҳис қилдики, хўнграб йиглаб юборишга ҳам тайёр эди. Бимбо тинимсиз акиллар, ўқ овозини эшитиб чопиб келган Бок хоним ҳам ох-воҳ қилиб, қўлларини ишқалар, кираверишдаги кичкина гиламча устида худди ағдарилган дарахтдай кимир этмай ётган бечора Юлиус амаки устига энгашганича йиғларди. Фақат Карлсонгина ҳамон пинагини бузмай жим ўтирарди.

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик, — деди у. — Ҳозир уни хушига келтирамиз.

У Миттивойнинг ойиси гулларга сув қуядиган гул челакни олди-да, ундан Юлиус амакининг устига сув қуя бошлади. Бу чинданам ёрдам берди, Юлиус амаки секин кўзларини очди.

— Ёмғир, ёмғир, — деб ғўлдиради у ҳали ҳам эси кирарли-чиқарли бир ҳолатда. Лекин боши тепасида энгашиб турган одамларнинг ташвишли юзларини кўрганидан кейин ўзига келди. — Нима бўлди ўзи? — деб сўради у ҳеч нарсага тушунолмаб.

— Салют берилувди, — деб тушунтирди Карлсон, — энди кўплар салютдан кейин мана шундай душ ҳам қабул қилишади.

Бу орада Бок хоним Юлиус амакига парвона бўлди. Уни сочик билан яхшилаб артганидан кейин, меҳмон турадиган хонага бошлаб кетди. Ўша ердан Бок хонимнинг овози эшитилиб турарди: у Юлиус

амакига, бу семиз бола Миттивойнинг мактабдош ўртоғи эканлигини, ҳар сафар қандайдир бемаъни шўхликлар қилишини тушунтирарди.

— Карлсон!— деди Миттивой.— Энди ҳеч қачон салют уюштирмайман, деб ваъда бер.

— Хотиржам бўлинглар,— деб тўнғиллади Карлсон кош-қовоғи осилиб.— Меҳмонларини тантанавор, хушчақчақлик билан кутиб олишларига ёрдам бергани атайлаб келсангу ҳеч ким бунинг учун сенга раҳмат айтмаса, икки юзингдан ўпмаса, сен дунёда энг кувнок йиғитсан, деб завқ-шавққа тўлиб бақириб-чақирмаса-я! Ҳеч ким! Ҳамманг ҳам бўш, нимжонсизлар, салга хушларингдан кетиб йиқиласизлар! Йиғлокисизлар... Шунақа одамсизлар!

Миттивой унга жавоб бермади. У Юлиус амакининг ўз хонасида алланималар деб пинғиллаётганига қулок солиб турарди. Матрац ҳам қаттик, каравот ҳам калта, кўрпа ҳам жуда юпка... Хуллас, уйда Юлиус амакининг пайдо бўлгани дарҳол сезилди-қолди.

— У ҳеч қачон хурсанд бўлмайди,— деди Миттивой Карлсонга.— Фақат ўзидан кўнгли тўк.

— Бу одатини бирпасда йўқотамиз,— деди Карлсон,— фақат сен яхшилаб илтимос қилгин-да.

Лекин Миттивой Карлсондан битта нарсани: Юлиус амакини ўз холига қўйишни яхшилаб илтимос қилди.

#### КАРЛСОН МИТТИВОЙНИКИДА ТУНАБ ҚОЛДИ

Бир соатдан кейин Юлиус амаки стол атрофида ўтириб, ковурилган жўжани пок-покиза туширар, Бок хоним, Миттивой, Карлсон ва Бимбо эса унинг ёнида кўзларини ундан узишмай туришарди. «Қиролга ўхшайди-я», ўйлади Миттивой. Қироллар овқатланаётганларида сарой аъёнлари улар атрофида кўзларини узмай қараб туришлари тўғрисида муаллималари мактабда ҳикоя қилиб беришганди.

Юлиус амаки семиз, кўринишдан анча такаббур, ўзига бино қўйган одам эди. «Кекса қиролларнинг кўриниши ҳам, хойнаҳой, шундай бўлса керак», деб ўйлади Миттивой.

— Кучукни йўқотинглар!— деди Юлиус амаки.— Миттивой, ўзинг биласан-ку, итларга токатим йўқ.

— Лекин Бимбонинг ҳечам зарари тегмайди,— деб эътироз билдирди Миттивой.— У, ақилламайди, умуман, ювош, беозор.

Юлиус амаки юзини истехзоли бужмайтирди, ҳа, айтмоқчи бирор кўнгилсиз гап айтмоқчи бўлса доим шундай қилади.

— Ҳа, замон жуда ўзгариб кетди,— деди у.— Кичкина болалар буюрганингни қилиш у ёқда турсин, хатто катталарга гап кайтаради. Ҳозир шунақа бўлиб қолди, бу менга ҳечам ёқмайди.

Карлсон шу вақтгача кўзини ковурилган жўжадан узолмаганди, лекин бу гаплардан кейин чуқур ўйга толиб, Юлиус амакига узок тикилиб қолди.

— Юлиус амаки,— деди ниҳоят Карлсон,— қани айт-чи, сенга бирор кимса, қачонлардир, сен чиройли, ақлли, тобида семирган, айни куч-қувватга тўлган эркаксан деганми?

Юлиус амаки шундай мактов гапларни эшитаман, деб сира

ўйламаганди. У жуда хурсанд бўлди — бунни сездирмасликка қанча уринмасин, бари бир кўриниб турарди. У фақат камтарона жилмайтиди-да:

— Йўк, менга бу гапни ҳеч ким, ҳеч қачон айтмаган,— деди.

— Демак, айтмаган-а?— деб ўйчанлик билан такрор сўради Карлсон.— Ундай бўлса, нега энди бундай бемаъни фикр мияннга келиб қолди?

— Карлсон, бас қил...— деди Миттивой таъна аралаш, чунки у, Карлсон чинданами ўзини ёмон тутяпти, деб ҳисобларди.

Лекин энди Карлсон астойдил хафа бўлди.

— «Карлсон, бас қил, Карлсон бас қил, Карлсон, бас қил!» эмиш. Сендан фақат шу гапни эшитаман, холос!— деди у жаҳл билан.— Нега энди сен доим гапимни бўласан? Ҳечам ёмон қилиқ қилаётганим йўк-ку.

Юлиус амаки Карлсонга хўмрайиб қараб қўйди. Кейин, бу бола эътибор беришга арзимапти, деб ўйлади шекилли, яна жўжани ейишга тутинди. Бок хоним эса нукул овқатни уни олдига суриб, яна бир бўлагини ейишини илтимос қиларди.

— Қалай, мазали бўптими?— деб сўради.

Юлиус амаки жўжанинг оёғини тишлари билан маҳкам тишлади-да, кейин худди майна қилаётгандек деди:

— Ҳа, раҳмат! Лекин бу жўжанинг ётганигаям беш йилча бўлгандир, бунни аниқлашимга тишларим ёрдам берапти.

Бок хоним қизариб кетди, алам қилганидан пешонаси тиришди.

— Бунақа жўжанинг умуман тиши бўлмайди,— деди у ранжиб.

Юлиус амаки Бок хонимга яна ҳам истехзоли қараб қўйди.

— Уники бўлмаса, менинг тишим бор,— деди у.

— Фақат кечаси эмас-да,— деб аниқлик киритди Карлсон.

Миттивой қискичкабақдай қизариб кетди. Ахир, у Юлиус амаки ухлаганида, унинг тишлари қаравот ёнидаги тумбочка устида сув солинган стаканда ётишини Карлсонга гапириб берганди-да.

Бахтига, ўша пайт Бок хоним Юлиус амакининг жўжани қаттиқ деганига ҳеч чидаёлмай алампдан хўнграб йиғлаб юборди. Бок хоним учун унинг пазандалик санъатини тан олмасликдан ҳам оғир ҳақорат йўк эди, шунинг учун ҳам у ҳозир ўқсиб йиғларди.

Юлиус амаки, Бок хоним бу гапни бунчалик кўнглига яқин олар, деб ўйламаганди, албатта. У таом учун шоша-пиша миннатдорчилик билдириб, стол атрофидан хижолат тортиб турди-да, бориб тебранма курсига ўтирди, газетани очиб, юзини ҳаммадан тўсиб олди.

Карлсон унга дарғазаб бўлиб тикилди.

— Қандай ярамас одамлар бор-а!— деди у ва Бок хонимнинг олдига чопиб келиб, уни елкасига қоқа бошлади.— Ҳечқиси йўк, парво қилма, азизим,— дерди у Бок хонимни юпатишга уриниб,— жўжа қаттиқмишми— бу арзимас нарса-ю, рўзғорда бўладиган гап-ку. Жўжани қовуришни шу вақтгача ўрганолмаган бўлсанг, нима, сен айбдормисан?

Бок хоним Карлсонни кучининг борица итариб юборган эди, у коптоқдай юмалаб бориб, Юлиус амакининг тиззасига ўтириб қолди.

— Ҳей-хўп!— деб кийкирди Карлсон ва Юлиус амаки эс-хушини йиғунича ғужанак бўлиб ётиб олди-да, мамнун кулимсираб

деди:— Кел, ўйнаймиз, сен бобо, мен неvara бўламан! Менга эртақ айтиб бергин, лекин жудаям ваҳимали бўлмасин, йўкса, кўр-каман.

Юлиус амакининг ҳечам Карлсонга бува бўлгиси йўқ эди, бунинг устига, газетада қизик бир мақолага кўзи тушиб қолганди. У узок ўйлаб ўтирмади-да, Карлсонни ёқасидан даст кўтариб, полга кўйиб қўйди. У Бок хонимга ўгирилди-да, баланд овозда:

— Биласизми, мен ҳозир нимани ўқидим? — деб сўради у.— Гўё сизларда, Вазастан районида қандайдир йўлдош-жосус учиб юрганмиш. Сиз эшитдингизми?

Миттивой кўркувдан тарашадай қотиб қолди. Энди шу етмай турувди. Шу машғум газета келиб-келиб Юлиус амакининг кўлига тушадими-а! Ахир, ўшандан бери орадан бир хафтадан ортик вақт ўтди-ю!

Лекин, бахтига, Юлиус амаки ҳозирча газетада ёзилган нарса устидан қуларди, холос.

— Улар, ҳамма нарсани, ҳар қандай ёлғон-яшиқни босаверамиз, деб ўйлашади,— деди у.— Уларнинг вазифаси битта — газетани кўпроқ сотиш. Жосус... тутқич бермас! Хаммаси бўлмағур гап! Бок хоним, сиз бу сирли учиб юрадиган бочкачани бирон марта кўрганмисиз?

Миттивойнинг нафаси ичига тушиб кетди. «Агар у Юлиус амакига ҳозир, мана бу тарбиясиз семиз бола ҳам уча олади, деб гапириб қолса борми, ўлдим деявер,— ўйларди Миттивой,— ҳар ҳолда, бу гапдан кейин Юлиус амакида албатта шубҳа туғилиши мумкин».

Лекин Бок хоним, афтдан, Карлсоннинг ўзида, унинг уча олишида ҳеч қандай ғайритабиий нарса бор, деб ҳисобламаса керак, бундан ташқари, у ҳали ҳам ўзини босолмай пиқиллаб йиғлар, гапирадиган ҳолатда эмасди.

— Учадиган бочкача? Бу тўғрида ҳеч эшитганим йўқ,— деди у ниҳоят, кўз ёшларини ичига ютиб.— Газетанинг одатдаги бир уйдирмаси-да.

Миттивой энгил хўрсиниб қўйди. Агар у Карлсонни Юлиус амакининг олдида ҳеч қачон, ҳечам учмасликка кўндира олсайди, унда бу ишлар тинчиб кетармиди.

Миттивой бунинг ҳозирок илтимос қилиш учун Карлсон томонга ўгирилди, лекин у гўё шамол учуриб кетгандек ғойиб бўлди-қолди. Миттивой хавотирланиб, шу заҳотиёқ қидирмоқчи бўлувди, лекин Юлиус амаки уни чақуриб қолди. У Миттивойнинг ўқишларини билмоқчи, оғзаки ҳисобда қанақалигини синаб кўрмоқчи эди, холбуки, ҳозир ёзги таътил кунлари, дарслар тўғрисида гапирадиган вақт эмасди. Ниҳоят, Миттивой унинг олдидан чиқиб кетишнинг иложини топди, у Карлсон, менинг хонамда эмасмикин деб ўйлаб, ўша томонга чопиб кетди.

— Карлсон!— деб бақирди у оstonадан хатлаб қираркан.— Карлсон, қаердасан?

— Сенинг пижама иштонингдаман,— деб жавоб қилди Карлсон.— Агар ўша якки ингичка ичакни иштон дейиш мумкин бўлса!

У қаравотнинг четига ўтириб олиб, иштонни киймоқчи бўлар, лекин қанча уринмасин, сира уддасидан чиқолмасди.

— Сенга Боссенинг пижамасини бераман,— деди Миттивой, у акасининг хонасига чолиб кирди-да, катта пижамани олиб келди. Унга Карлсондек семиз одам ҳам сиғиб кетди.

Тўғри, пижаманинг почаси билан енги анча узун эди, лекин Карлсон бунинг дарров чорасини топди — узок ўйлаб ўтирмади-да, уларни шартта қиркиб ташлади. Миттивой оғзини очишга ҳам улгуролмади, лекин очигини айтганда, у кўпам хафа бўлмади. Ахир, пижама — бу арзимас нарса-ю, рўзғорда бўладиган гап-ку, деб мулоҳаза юритарди у. Пижаманинг нобуд бўлгани унинг шодон кайфиятини бузолмасди: Карлсон уникада тунаб қолади, ахир, бу қандай ажойиб ходисаки!

Миттивой ўзи учун диванга Боссенинг чойшабини ёзди-да, Бимбонинг корзинкасини ёнига қўйди. Бимбо дарров келиб ётди-да, ухлашга уриниб кўрди, лекин дам-бадам кўзларини очиб, Карлсонга шубҳа аралаш қараб кўярди.

Карлсон яхшироқ ўрнашиб олай деб, Миттивойнинг каравотида тинимсиз гимирларди.

— Мен ўзимга иссиқ уяча қуриб олмоқчиман,— деди у.

«Бу ола-була пижамада у чинданам қушга ўхшайди,— деб ўйлади Миттивой.— Агар адёлни ҳамма томондан қистириб қўйса, у худди уяда ётгандек ётади».

Лекин Карлсон Миттивойнинг адёлни қистириб қўйишини истамасди.

— Ҳали эртарок,— деди у.— Аввалига бир оз вақтихушлик қилайлик. Мен тўшакда зерикиб ётишга рози эмасман. Бу ерда ҳам иш топилади. Айтайлик, ёғли колбасали бутерброд ейиш мумкин, «коп-коп» ўйнасак бўлади, ёстиқлар жангини уюштириш мумкин. Биз бутербродлардан бошлаймиз.

— Ахир, яқиндагина ширин кулчадан бир тоғорасини единг-ку.

— Агар, каравотда ётиб, зерикадиган бўлсак, мен ўйнамайман,— деди Карлсон.— Бутербродларни обкел!

Миттивой секин ошхонага кирди-да, бутерброд тайёрлади. Унга ҳеч ким ҳалақит бермади. Бок хоним меҳмонхонада Юлиус амаки билан гаплашиб ўтирарди. Афтидан, у Юлиус амакининг, жўжа қаттиқ экан, деб уни ранжитганини кечирганга ўхшайди. Миттивой хонасига бемалол қайтиб келди-да, Карлсон ётган каравотнинг оёк томонига ўтирди. У Карлсоннинг бутербродни иштаҳа билан еяётганини кўриб, севинчи ичига сиғмасди. Энг яқин дўстингнинг сеникида тунаб қолиши қандай яхши-я. Карлсон бу гал ҳам ҳамма нарсадан хурсанд эди.

— Бутерброд зўр, сен ҳам зўрсан, уй золиманг ҳам яхши,— деди у.— Гарчи, у менинг биринчи ўқувчи эканлигимга ишонмаган бўлса ҳам, бари бир яхши,— деб қўшиб қўйди у ва ковоғи осилиб кетди. Ҳа, бу нарса уни анча ранжитганди.

— Э, бунга эътибор берма! Ана, Юлиус амаки ҳам менинг биринчи ўқувчи бўлишимни хоҳлайди, мен ҳечам биринчи эмасман.

— Йўқ, раҳмат, мен бунга рози эмасман,— деди Карлсон.— Қани энди, мен сени ҳалиги, ўшанга сал ўргатолсам эди... Нима деб атовдинг?



— Кўшувга,— деди Миттивой.— Сен менга ўргатмоқчи бўлясанми?

— Ҳа-да, чунки мен кўшиш бўйича дунёда энг яхши мутахассисман.

Миттивой хахолаб кулиб юборди.

— Ҳозир текшириб кўрамиз-да,— деди у.— Розимисан?

Карлсон бош ирғади.

— Бошла!

Миттивой бошлади.

— Мана, айтайлик, ойим сенга учта олма берди, дейлик...

— Мен унга раҳмат дейман.

— Гапимни бўлмагин,— деди Миттивой.— Агар сен ойимдан учта олма, дадамдан иккита, Босседан иккита, Бетандан учта, менадан битта олма олсанг...

У гапни тугата олмади, чунки Карлсон бас дегандек, бармоғи билан пўписа қилди.

— Ўзим ҳам билувдим-а!— деди у.— Сен оиладагиларнинг энг хасиси эканлигингни олдинам билардим, демакки, бунда бир гап бор!

— Шошма, ҳозир гап бу ҳақда эмас,— деди Миттивой, лекин Карлсон ўжарлик билан ўзиникини маъқулларди:

— Қани энди сен менга катта пакет берсанг, уни дарров очсаму ичида бир кило олма, икки дона нок, яна бир ховуч майда сарик олхўри бўлса, шунақаси бор, биласанми?

— Бас, қил,— деди Миттивой.— Ахир, сенга кўшишни ўргатиш учун олмаларни мисол учун айтяпман-да. Хуллас, сен ойимдан бир дона олма олдинг, дейлик...

— Шошма,— деб бақирди Карлсон жаҳл билан,— мен бунақасига ўйнамайман. Хўш, ҳозиргина менга бермоқчи бўлган иккита олмани у қаёққа йўкотди?

Миттивой оғир хўрсиниб қўйди.

— Азизим Карлсон, бунга олмаларнинг ҳеч даҳли йўқ. Улар менга, сенга кўшишни тушунтириб беришим учунгина керак. Энди гап нимадалигини тушундингми?

Карлсоннинг жаҳли чикди.

— Нима, мени тушунмайди деб ўйлайсанми? Орқамга ўгирилишим биланок ойинг икки олмамни уриб кетди.

— Бас қил, Карлсон,— деди яна Миттивой.— Шундай қилиб, агар сен ойимдан учта олма олсанг...

Карлсон мамнун бўлиб бош ирғади.

— Ана кўрддингми! Ҳар ким ўзини ҳимоя қила билиши керак, мен буни ҳамиша билардим. Мен тартиб бўлишини яхши кўраман: нимаики меники бўлса, демак, меники. Ойигдан учта, дадангдан иккита, Босседан иккита, Бетандан учта, сендан бир дона олма олдим, чунки сен жуда хасиссан...

— Хўш, ҳаммаси бўлиб қанча олманг бор?— сўради Миттивой.

— Сен қанча деб ўйлайсан?

— Ўйлаб нима қиламан, мен аниқ биламан,— деди Миттивой қатъий.

— Қани, билсанг, айт-чи!— деб сўради Карлсон.

— Йўқ, буни сен айтишинг керак.

— Жуда мактанчоксан-да! Айт. Гаров ўйнайманки, янглишасан!

— Овора бўласан!— деди Миттивой.— Сенда ўн битта олма бўлади.

— Сен шундай деб ўйлайсанми?— такрор сўради Карлсон.— Бекорларни айтибсан, янглишдинг. Чунки мен ўтган куни Лидингендаги бир боғдан йигирма олтига олма узиб олувдим, кейин ундан учтасини едим, биттасини тишладим — хўш, энди нима дейсан?

Миттивой индамади, у нима жавоб қилишини билмасди. Кейин у бирдан фахмлаб қолди.

— Ха-ха! Гапларинг гирт ёлгон,— деди у.— Чунки июнда да-рахтларда ҳали олма бўлмайди.

— Тўғри, бўлмайди,— деб қўшилди Карлсон.— Ундай бўлса сизлар қаёқдан олдиларинг, олма ўғрилари!

Миттивой Карлсонга қўшишни ўргатиш ниятидан қайтди.

— Қўшишнинг нималигини энди билиб олдингми?

— Бу ҳам олмани узишдек бир гап, мен буни илгарилари ҳам билардим,— деди Карлсон.— Бунга мени ўргатиш керакмас, ўзимам бемалол уддалайман. Ахир, мен олмаларни бир-бирига қўшиш бўйича дунёдаги энг яхши устаман-ку, қўлим сал бўшади дегунча, иккаламиз шаҳар ташқарисига учиб кетамиз, ана ўшанда қўшишга қандай киришиш кераклигини сенга кўрсатаман.

Карлсон колбаса билан ноннинг охириги бурдасини чайнаб ютди-да, ёстиклар жангига киришишга қарор қилди. Лекин у ёстикни Миттивойни бошига отган ҳам эдики, Бимбо зўр бериб ақиллай бошлади.

«Б-р-р!»— ириллади Бимбо ёстикнинг бир учидан тишлаганича. Лекин Карлсон ёстикнинг бошқа учидан ушлаб ўзига тортди. Бимбо билан Карлсон ёстикни ҳар томонга тортқилайверди, ахийри у ёрилиб кетди. Бимбо жағларини очди. Карлсон ёстикни илиб олди-да, шифтга карата отди. Патлар чир-чир айланиб, катда хахолаб кулиб ётган Миттивойнинг устига тўкиларди.

— Қор ёғди шекилли,— деди Карлсон.— Қара, жуда қалин ёғяпти!— деди у қойил қолиб ва яна ёстикни осмонга отди.

Лекин Миттивой, бу ёстиклар жангини бас қилиш, умуман, ётиб ухлаш керак, деди. Вақт ҳам анча бўлганди, улар Юлиус амакининг Бок хонимга, яхши ётиб турунг, деяганини эшитишди.

— Энди бориб ўзимнинг калта каравотимга ётаман,— деди у.

Шу пайт Карлсон бирдан жонланиб кетди.

— Хей-хўп!— деб кийкирди у.— Яна бир кизик нарса топганга ўхшайман.

— Хўш, яна нима ўйлаб топдинг?— ҳайрон бўлди Миттивой.

— Жуда қизик нарса, агар уйингда эмас, балки битта-яримтаникида меҳмон бўлиб, ўша ерда ётиб қолсанг, бу ўйинни бошлаш мумкин,— деб тушунтирди Карлсон.

— «Қоп» ўйиними? Бировнинг ўрнига бирор нарса ташлаб қўйишми? Йўқ, кеч бўлди. Бу ишни қилмайсан, хўпми?

— Ҳа, кеч бўлди,— деб қўшилди Карлсон.

— Ҳа, албатта, кеч бўлди,— деди Миттивой енгил тортиб.

— Мен энди бу ишни қилмайман,— деб уни ишонтирди Карлсон.

— Жуда соз!— хурсанд бўлди Миттивой.

— Чунки бу ишни аввалроқ қилишга улгургандим,— деб гапани тугатди Карлсон.

Миттивой ўтириб колди.

— Ростданми? Наҳотки, Юлиус амакига шундай қилган бўлсанг? Карлсон завқдан кийкириб юборди.

— Вой, айёр-ей, қаёқдан била колдинг?

Миттивой ёстик жанги вақтида жуда кўп кулганди, гарчи Карлсоннинг ножўя иш қилганини билиб турса ҳам, ичаги узилганидан инграниб қўйди.

— Юлиус амакининг жуда жаҳли чиқадиган бўлди-да!

— Ҳозир текшириб кўрамиз-да,— деди Карлсон.— Уйнинг нариги томонига учиб ўтиб, ётоқхонанинг ойнасидан мўралашга тўғри келади.

Кийкириб кулаётган Миттивой бирдан жим бўлиб колди.

— Ҳечам-да! Бордию сени кўриб қолса-чи! У сени ўша йўлдош-жосус деб ўйлайди... Бунинг оқибати нима бўлишини ўзинг ҳам биласан-ку...

Лекин Карлсон жудаям ўжар эди.

— Битта-яримтанинг тўшагига «қоп» ташлаб қўйганинда, ўша жафокаш одамнинг қанчалик жаҳли чиққанини албатта кўриш керак, йўкса бу ўйиндан ҳеч маъно чиқмайди,— деб ишонтирарди у.— Ташвиш тортма, шамсия тагига яшириниб оламан!

У шундай деб Миттивойнинг оёқларини кизил шамсиясини олиб келгани дахлизга чопиб чиқиб кетди, чунки ҳамон шариллаб ёмғир ёрарди.

— Боссенинг пижамаси ҳўл бўлмасин деяпман-да,— деди Карлсон.

У дераза тоқчасида шамсияни очиб, учишга тайёр турарди. «Бу жуда ҳавфли-ку», деб ўйлади Миттивой ва илтижо-ла:

— Кўзингга қара, эҳтиёт бўл!— деди.— Ҳушёр бўл, ҳеч ким кўрмасин, йўкса, ҳамма иш расво бўлади!

— Хотиржамлик бўлсин, хотиржамлик!— деди Карлсон, шундай деди-ю, ёмғир қўйнига шўнғиди.

Миттивой эса уйда колди, қаттиқ ҳаяжонланганидан ҳадеб бармоғини тишларди.

Дақиқалар ниҳоятда секин ўтарди. Ёмғир челақлаб қуярди. Миттивой зорикиб кутарди. Шу пайт у бирдан Юлиус амакининг юракни эзадиган дол-фарёдини эшитиб колди. Зум ўтмай очик деразадан Карлсон учиб кирди. У моторини мамнунлик билан ўчирди-да, суви сиркиб тушсин учун шамсияни кичкина гиламча устига қўйди.

— У сени кўрдими?— деб сўради Миттивой кўркув аралаш.— Ўрнига ётганмиди?

— Етмоқчи бўлаётганди, у жуда ўжар одам-ку,— деб тушунтирди Карлсон. Шу пайт яна уларнинг қулоғига Юлиус амакининг кичқирғи эшитилди.

— Бориб кўриб келай-чи, унга нима бўлдийкин,— деди Миттивой ва ётоқхонага қараб чопди.

Юлиус амаки чойшабга ўралганича қимир этмай ўтирарди: ўта-

каси ёрилганидан рангида қон қолмагани, кўзларида даҳшат, полда, ёнида эса ёстиқ билан ғўла қилиб ўралган аёл ётарди.

— Сен менга керак эмассан,— деди Юлиус амаки, Миттивой унинг олдига борганида.— Бор, Бок хонимни чакир.

Лекин Бок хонимнинг ўзи ҳам унинг қичқирганини эшитган шекилли, ошхонадан чопиб келди-да, остонада серрайиб туриб қолди.

— Вой, худойим!— деб хитоб қилди у.— Нахотки, ўринни қайтадан солаётган бўлсангиз?

— Йўқ-йўқ,— деб уни ишонтирмоқчи бўлди Юлиус амаки,— лекин бу ерда ўринни янги мода бўйича солишлари умуман менга ёқмади... Лекин ҳозир бу кўнглимга сиғмайди.

У жим бўлиб, секин ингради. Бок хоним унинг олдига келди-да, кафтини пешонасига босди.

— Нима бўлди? Тобингиз қочдими, жаноби Иенсен?

— Ҳа, мазам қочди,— деб аранг гапирди Юлиус амаки.— Қасал бўлсам керак... Бора қол,— деб қўшиб қўйди у, Миттивойга муржаат қилиб.

Миттивой чиқиб кетди. Лекин у Юлиус амаки яна нима деркин деб ўйлаб, эшикнинг орқасида бирпас турди.

— Мен ақлли, зийрак одамман,— деб гапида давом этди Юлиус амаки.— Газеталардаги ҳар хил сирли ходисалар, турли бемаъни гаплар билан мени лақиллатишолмайди... демак, қасал бўлсам керак.

— Нима бўлди?— деб такрор сўради Бок хоним.

— Кўзимга арвоҳлар кўринди... Иситмам бор шекилли, демак, алаҳсираганман,— деди Юлиус амаки, кейин шивирлаб давом этди. Миттивой унинг сўзларини аранг эшитолди.— Бу воқеани битта-яримтага гапириб беришингизни истамасдим, Бок хоним, лекин назаримда бу ерга қизил шамсияли учиб юрувчи Гном<sup>1</sup> келгандай туюлди.

#### КАРЛСОН ШОВҚИН-СУРОН КЎТАРАДИ ВА ҚЎЙМОҚ ПИШИРАДИ

Эрталаб Миттивой уйғонса, Карлсон аллақачон ғойиб бўлибди. Боссенинг гижим-гижим бўлган пижамаси полда ётарди. Дераза ланг очик эди, демак, Карлсон ўзининг хужрасига учиб кетган бўлса керак, деб ўйлади Миттивой. Ачинди, албатта, лекин бир томондан кетганига суюнди. Бок хоним уришмайди. Карлсон Миттивойнинг қошида тунаганини унинг билиши шарт эмас. Лекин, қизик, Карлсон бўлмаса дарров ҳаммаёқ хувиллаб қолади, зерикканингдан дод деворгинг келади. Тўғри, ундан кейин уйни йиғиштириш осон эмас. Лекин у кетди дегунча, Миттивой дарров уни соғина бошлайди. Мана ҳозир ҳам, унинг йўқлигини кўрди-ю, Миттивойнинг унга салом йўллагиси келиб қолди. У дераза олдига келди-да, парда орқасига яшириб қўйилган чилвирчани уч марта тортди. Бу Миттивой хабар бериши учун Карлсон ясаб берган кўнғирокка уланган чилвирча эди. Чилвирчани тортсанг, Карлсоннинг томидаги кўнғирокча жи-

<sup>1</sup> Гном — Ғарбий Европа афсоналарида; ер остидаги хазинани сақловчи бадбашара, серсоқол митти одам.

ринглар эди. Хар бир жиринглашнинг нимани англатишини Карлсоннинг ўзи ўргатиб кўйганди.

— Бир марта жиринглатсанг, бу «келгин» деганинг бўлади,— деди Карлсон.— Икки марта жиринглатсанг: «Тезрок кел» дегани, уч мартаси: «Дунёда шундай чиройли, ақлли, тобида семирган эркак, Карлсон, сендай довурак, хар томонлама ажойиб одам борлигига раҳмат» дегани бўлади.

Миттвой ҳозир Карлсонга худди шу гапларни айтмокчи эди. Шунинг учун ҳам у чилвирчани уч марта тортганди, Карлсоннинг томидаги кўнғирок уч марта жиринглади. Буни қарангки, ўша заҳоти жавоб ҳам олди. Тўппончадан ўқ узилди, кейин Миттвой (тўғри, масофа анча бўлгани учун яхши эшитолмади) Карлсоннинг: «Чиви-чиви, дирк, дирк, тарала!» деб ўз ашуласини бошлаб юборганини эшитди.

— Керакмас, Карлсон, керакмас!— деб шивирлади Миттвой. Нодон Карлсон! Томда бамайлихотир юрибди, ўқ узяпти, ашула айтяпти-я. Ахир, Филле билан Рулле эшитиб қолишлари мумкин-ку, пойлаб туриб, қўлга туширишлари, кейин редакцияга топшириб, ўн минг сўм пул олишади!

— Менга нима, ўзи айбдор,— деди Миттвой, корзинкасида ётган Бимбога мурожаат қилиб, у ҳам гўё ҳамма нарсани тушуниб тургандай Миттвойдан кўзини узмасди. Миттвой шими билан кўйлагини кийди-да, уйдагиларнинг уйғонишини кутиб, Бимбо билан ўйнай бошлади.

Юлиус амаки, ҳали ухлаяпти шекилли, хар ҳолда, у ётган хонадан ҳеч қандай овоз келмасди, лекин ошхонадан ҳозиргина туйилган қахванинг хушбўй ҳиди димоғига урилди. Миттвой Бок хонимнинг нима тайёрлаётганини билмокчи бўлиб ўша томонга кетди.

Бок хоним стол устига мук тушиб, қахва ичарди. Қизик, Миттвой ёнига бориб ўтирганди, у ҳеч нима деб эътироз билдирмади. Ҳеч қандай кашадан дарак йўқ эди, аксинча, Бок хоним, нонуштага бирор мазали нарса тайёрлаш учун атайлаб барвақт турганди. Тўғри, долчин ҳиди келиб турган булочка солинган икки лаганча буфетда турарди, стол устидаги нон саватда ҳам булочкалар тоғ қилиб уюб кўйилганди. Миттвой булочкадан биттасини олди-да, ўзига стаканга сут қуйди. Улар қарама-қарши ўтириб олиб, мик этмай нонушта қилишарди. Ниҳоят Бок хоним гап очди:

— Қизик, Фрида қандай яшаётганин ким?

Миттвой сут солинган стакандан кўзларини узди-да, уй золимасига ҳайрон бўлиб қараб кўйди. Улар бир-бирига сира ўхшашмайди, лекин у Карлсонни соғингандай Бок хоним ҳам Фридани кўмсар экан-да.

— Бок хоним, сиз Фридани соғиняпсизми?— деб сўради у меҳр билан.

Лекин Бок хоним жавоб ўрнига ғамгин кулимсиради:

— Сен Фриданинг қанақалигини билмайсан-да!

Очиғини айтганда, Фрида Миттвойни мутлако қизиқтирмасди. Лекин Бок хоним унинг ҳақида гаплашишни жуда-жуда истагани учун ҳам Миттвой:

— Фриданинг каллиғи ким?— деб сўради.



— Ярамас йигит, — деди Бок хоним оғир хўрсиниб. — Ҳа, биланман, разил одам, у Фриданнинг пулига кўз олайтиряпти, буни бошидаёқ сезганман.

Бок хоним бу ҳақда ўйлаши биланок тишларини ғичирлатиб қўйди. «Бечора, — деб ўйлади Миттивой, — гаплашадиган одами бўлмаса керак, Фрида ҳақида гапиргиси келди-да, менгаки гапир-яптими, демак, ҳеч кими йўқ-да». Миттивой ошхонада анча ўтириб, Фрида ва унинг Филиппи ҳақидаги сира тугамайдиган хангомаларни, Филиппнинг «кўзларинг жуда чиройли-да, бурнинг жуда жозибали, ҳар қандай хавода ҳам кишини мафтун этади», деган мактовларига учиб, Фрида эсини йўқотиб қўйганлиги тўғрисидаги узундан-узок гапларини эшитишга тўғри келди.

— «Бурнинг жуда жозибали эмиш», — деб такрорлади Бок хоним ва ўзича тўнғиллаб қўйди. — Тўғри, агар ўртача катталикдаги картошкани юзнинг ҳусни деб ҳисоблайдиган бўлсак, унда...

— Филипп-чи, унинг кўриниши қандай? — деб сўради Миттивой ўзини қизиқаётган қилиб кўрсатиб.

— Худога шукр, бу ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасман, — деди Бок хоним. — Фрида уни менга кўрсатгани ҳам йўқ.

Бок хоним Филиппнинг ким бўлиб ишлашини ҳам билмасди. Лекин Фрида, унинг бирга ишлайдиган Рудольф номли ўртоғи борлиги ҳақида гапириб берганди.

— Фриданнинг гапларига караганда, ўша Рудольф менга тўғри келаркан, лекин у мен билан борди-келди қилишни истамайди, чунки Фриданнинг фикрича мен ёқимсиз эканман. Мени бурним чиройли эмас эмиш, умуман, кўримсиз эканман, — деди Бок хоним ва яна алланималар деб тўнғиллаб, ўрндан турди-да, нимадир олиб келгани даҳлиз томонга йўналди. У хонадан чиқиши биланок, деразадан Карлсон учиб кирди.

Миттивойнинг астойдил жаҳли чикди.

— Менга кара, Карлсон, ахир, илтимос қилувдим-ку, Бок хоним билан Юлиус амакининг олдида учмагин дегандим-ку!

— Шунинг учун ҳам ҳеч ким кўрмасин деб ҳозир учиб келдим-да, — деди Карлсон. — Уларга умуман кўринмайман, — деб қўшиб қўйди ва стол тагига кириб олди.

Бок хоним жун кофтасини йўл-йўлакай кийиб ошхонага қайтиб кирганида Карлсон стол тагида жим ўтирарди, дастурхоннинг шокилалари уни яшириб турарди.

Бок хоним ўзига яна қаҳва қуйди-да, булочкадан биттасини олиб ҳикоясини давом эттирди.

— Ажойиб картошка-бурним билан мактана олмаслигимни боя айтдим-ку, бу Фриданнинг устуңлиги.

Шу пайт қаёқдандир, ғалати, сунъий овоз эшитилди:

— Тўғри, бурнинг кўпроқ бодрингга ўхшайди.

Бок хоним ўтирган жойида бир сакраб тушди, чашкадаги қаҳва чайқалиб тўкилди, у Миттивойга шубҳа аралаш қараб қўйди.

— Бу гапни сен айтдингми, беҳаё?

Миттивой қизариб кетди, нима дейишини билмасди.

— Йўқ, — деб ғўлдирди у. — Менимча, радиодан сабзавот ҳақида — ҳар хил помидорчу болринг тўғрисида гапиршияпти.

Миттивой усталик қилиб чорасини топди, чунки қўшниларнинг радиоси чиндана Свантесонлар ошхонасига эшитилиб турарди, бу ҳақда Бок хоним бир неча бор шикоят қилган эди.

У узоқ вайсамади, чунки шу пайт ошхонага Юлиус амаки кириб келди, у ҳам қаҳва ичмоқчи эди. У қоқилиб, туртиниб, стол атрофини бир неча бор айланиб чикди, ҳар қадам ташлаганида инграниб кўярди.

— Жуда даҳшатли тун бўлди-да!— деб хитоб қилди чол.— Авлиё Иеремей ҳақки, бу қанака тун! Авваллари ҳам эрталаблари аъзойи баданим увушарди-ю, лекин ҳозир, ҳалиги воқеалардан кейин, худо кўрсатмасин, айтманг!..

Кейин у стол атрофига ўтирди-да, гўё чуқур ўйга толган одамдай, индамай бир нуктага тикилиб қолди. «У қандайдир ўзгариб қопти-я»,— деб ўйлади Миттивой ундан кўзини узмай.

— Лекин, бари бир, шу окшом учун тақдиримдан миннатдорман,— деди у бир оз жимликдан кейин.— У мени бутунлай бошқа одам қилди-қўйди.

— Жуда соз, чунки кексалигингда ҳеч нимага ярамасдинг.

Яна ўша ғалати сунъий овоз эшитилди, Бок хоним яна ўтирган жойида дик этиб сакраб тушди ва Миттивойга шубҳа аралаш қараб қўйди.

— Яна ўша Линдбергларнинг радиоси... Эски машиналар тўғрисида эшиттириш бeryпти шекилли.

Юлиус амаки ҳеч нимани сезмади. У ўз ўй-фикрларига шу қадар фарқ бўлган эдики, ҳеч нимани эшитмасди. Бок хоним унга қаҳва олиб келиб қўйди. Юлиус амаки, карамасдан булочкага қўл узатди, лекин олишга улгурмади, чунки шу пайт стол остидан кичкинагина дўмбоқ қўлча кўриндию саватни ўзига тортди. Лекин Юлиус амаки буни пайкамади. У ҳамон ўз ўйлари билан банд эди, қайноқ қаҳвага булочка ўрнига бармоқларини тикиб олгандагина ўзига келдию булочкани ҳали ҳам олмаганини, қаҳвага ботирадиган ҳеч нимаси йўқлигини тушунди. У куйган қўлнга пуфлаб, жаҳли чикди. Кейин яна ўйга толди.

— Осмон билан ер ўртасида, одатда ўйлаганларидан кўра мустаҳкам алоқа мавжуд, мен буни шу окшом тушундим,— деди у жиддий ва булочкани олгани қўлини чўзди. Юлиус амаки яна ҳеч нимани сезмади, у ҳамон ўйларди, бармоқларини оғзига тикиб тишламоқчи бўлгандагина хушёр тортди, чунки қўлида булочка йўқ эди-да. Ўшандан кейин яна жаҳли чикди. Бироқ янги Юлиус амаки аввалгига қараганда анча юмшоқ, меҳрибон эди, шу боис у дарров тинчиб қола қолди. Булочкани олишга бошқа уринмадиям, хаёлга чўмганича қаҳвасини ичиб тамомлади.

Булочкаларни ҳар ҳолда кимдир еяпти-ку. Нима бўлганда ҳам булочкалар бирин-кетин ғойиб бўларди, лекин каёққалигини биргина Миттивой биларди. У кикирлаб кулар, ҳатто Карлсонга булочкалар тикилиб қолмасин деб сездирмасдан стол тагига бир стакан сут узатди.

Карлсон айна шу нарсани «булочкаларни синдириш» деб атарди. Бунинг амалда қандай бўлишини Бок хоним Карлсоннинг аввалги келишларида бир неча бор кўрган эди.

— Одамларнинг ҳамма булочкаларини пок-покиза тушириб, уларни ажойиб равишда синдириш мумкин,— деди Карлсон кунлардан бирида. У аслида «бўйсундириш» дейиш кераклигини биларди, лекин «синдириш» анча таъсирли эшитилади, деб ишонтирмоқчи бўларди.

Мана энди Карлсон, гарчи, Бок хоним буни тушунмаган бўлса ҳам, «булочкаларни маккорона синдиришни» яна бир бор уюштирди. Юлиус амаки ҳам бунинг фарқига бормади. У хаддан зиёд иктидорли бўлишига қарамай, «булочкаларни синдиришни» мутлако пайкамади, фақат нималарнидир ўйлагани-ўйлаган эди. Лекин у бирдан Бок хонимнинг қўлини шартта ушлади-да, ёрдам сўраётгандай уни каттик сикди.

— Мен бу хусусда ким биландир гаплашиб олишим керак,— деди у ниҳоят.— Бунинг алаҳлаш эмаслигига, акли-хушим жойидалигига энди ҳечам шубҳа қилмайман, лекин гномни аниқ кўрдим.

Бок хонимнинг кўзлари олайиб кетди.

— Гномни кўрдим, дедингизми?

— Худди шундай,— деб жавоб берди Юлиус амаки.— Шунинг учун мен энди янги олам — эртақлар оламига тушиб қолдим. Бок хоним, мени тўғри тушунинг, шу бугун кечаси ҳаммаси менга аниқ-равшан намоён бўлди. Модомики, гномлар чинданам бор экан, демак, алвастилар ҳам, жинлар ҳам, арвоҳлар ҳам — хуллас, эртақларда тасвирланган ўша махлуқларнинг ҳаммаси бўлиши мумкин.

— Балки, учадиган жосуслар ҳам бордир,— деб гап кистирмоқчи бўлган эди Бок хоним, лекин бу Юлиус амакига ёкмади.

— Бемаънилик,— деди у,— буларнинг ҳаммаси тиражини ошириш учун газеталар таркатаётган уйдирма.

У Бок хоним томонга энгашди-да, унинг кўзларига қаради.

— Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг,— деб гапини давом эттирди ишонч билан.— Ахир, ота-боболаримиз ажиналарга, алвастиларга, арвоҳларга, хуллас, шунга ўхшаган нарсаларга ишонишган-ку. Хўш, биз қандай қилиб бу нарсалар йўқ деб ўзимизни-ўзимиз ишонтира оламиз? Наҳотки биз ота-боболаримиздан ақллироқмиз, деб ўйласак? Йўқ, бевурд, ўзига бино қўйган одамларгина бу бемаъни гапни айтишлари мумкин.

Бок хоним бевурд бўлиб кўринишни ҳечам истамасди, шунинг учун у, алвастилар сиз тахмин қилганингиздан ҳам кўпроқ учрайди, деб унинг гапини маъқуллай қолди. Агар ҳаққи ростини айтидиган бўлсак, ажиналар ҳам бор нарсалар.

Лекин шу пайт Юлиус амакига ўз мулоҳазаларини ҳозирча тўхтатишга тўғри келди, чунки у доктор билан олдиндан келишиб қўйганлиги учун ҳозир кетиши керак эди. Миттивой билан Бок хоним бажонидил уни эшиккача кузатиб қўйинди. Миттивой унга шляпасини олиб берди, Бок хоним эса пальтосини кийдириб қўйди. Бечора Юлиус амакининг киёфаси чинданам одамни раҳмини келтирарди. «Яхшиям, у доктор ҳузурига кетяпти»,— деб ўйлади Миттивой ва оҳиста унинг қўлига қокиб қўйди. Бок хонимнинг ҳам юрагига фулғула тушиб қолганди, хавотирланиб сўради:

— Ўзингизни қандай сезяпсиз, жаноб Иенсен?

— Мен қаёқдан билай? Ҳали докторга кўринганим йўғ-у,— деди

Юлиус амаки зардаси қайнаб. Миттивой: «Гарчи у шу окшом эртаклар оламига тушиб, янги кишига айланган бўлса ҳам, лекин бари бир эски Юлиус амакидан баъзи бир одатлар сақланиб қолибди», деган хулосага келди.

Юлиус амаки кетганидан кейин Миттивой билан Бок хоним ошхонага қайтиб келишди.

— Энди яна булочка билан қахва ичиб, бирпас бўлса ҳам хотиржам, осойишта ўтиришим керак,— деди Бок хоним, кейин буфет томонга ўгирилиб қичкириб юборди: тарелкаларда битта ҳам булочка қолмаганди. Уларнинг ўрнида катта қоғоз халта ётарди, унга ғалати қинғир-кийшиқ ҳарфлар билан: «иртяклар алимида хим булкани яхси курушиди Гнум» деб ёзилганди. Бок хоним хатни ўқиб чиқди-да, жаҳл-ла қовоғини уйди.

— Гномнинг, мабодо унинг борлиги рост бўлса ҳам булочка ўғирлашига,— деди у,— ҳеч қачон ишонмайман. У жудаям ақлли, раҳмдил, бунақа аҳмоқона иш қилишни ўзига эп билмайди. Йўқ, мени лакиллатолмайсан, буни ким қилганини биламан.

— Ким экан?— деб сўради Миттивой.

— Олдинга келиб турадиган ўша беодоб, семиз бола-да, исми Карлсонмиди, нимаиди? Қарагин, ошхонанинг эшиги очилиб қолибди-ку! У мана бу ерда бекиниб турган-да, ҳамма гапларимизни эшитган, даҳлизга чиққанимизда эса бу ёққа кириб олган.

Бок хоним жаҳли чиқиб бош чайқади:

— Гноммиш! Айбни бошқаларга тўнкайдию ўзи эса расмана ёзишним билмайди.

Миттивойнинг Карлсон ҳақидаги гап-сўзни давом эттиришга ҳуши йўқ эди, шунинг учун ҳам гапни қисқа қилди:

— Ҳар холда, бу гномнинг иши бўлса керак,— деб ўйлаяпман. Кетдик, Бимбо!

Миттивой ҳар кунни эрталаб Бимбо билан Ваза паркида сайр қиларди, Бимбо учун бу энг ёқимли машғулот ҳисобланарди, чунки у паркда кўплаб бошқа ёқимтой кучукларни учратарди, улар билан хидлашиб хумордан чиқарди.

Миттивой бу ерда, одатда, Кристер ва Гунилла билан ўйнардди, лекин бугун уларни қидириб тополмади. «Балки, улар дам олгани жўнашгандир»,— деб ўйлади Миттивой. Ҳа, майли, кетса, кетиша-вермайдим, унга нима, ҳозирча Карлсон билан Бимбо бор, зерикмайди.

Шу пайт ёнларига каттакон бир ит Бимбога ташланмоқчи бўлиб келди, Бимбо дадил жангга кириб, бу нодон кўппакка кимлигини кўрсатиб қўймоқчи эди-ю, лекин Миттивой ушлаб қолди.

— Қайт, орқага!— деб буюрди у.— Бузоқдай келадиган ит билан куч синашишга ҳали ёшлик қиласан.

У Бимбони кучоғига олди-да, Бимбо тинчлангунча ўтириб туриш учун скамейка қидириб атрофга аланглади. Лекин ҳаммаси банд эди — одамлар офтобда исиниб ўтиришарди. Миттивой бўш жой қидириб, паркнинг этагигача борди. У ердаги скамейкада иккита йигит ўтиришарди, уларнинг қўлида бир шишадан пиво бор эди. Миттивой уларни дарров таниди: Филле билан Рулле. Миттивой кўркиб кетиб, ўтиб кетмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин нимадир, уни айна

шу скамейкага оханрабодай тортарди. Филле билан Рулле ҳали ҳам Карлсонни пойлаб юришибдими-йўкми, у шуни билмоқчи эди. Эҳтимол, улар бу ҳақда гапириб қолишар, сирасини айтганда, у нимадан ҳам қўрқарди? Филле билан Рулле ҳеч қачон уни қўришмаган, бинобарин, танишмайди. Бўпти, аини муддао! Демак, уларнинг ёнида истаганча ўтириши мумкин. Ахир, олди-кочди романлардаги айғокчилар ҳам жиноятчиларнинг изига тушганларида ана шундай қилишади — ёнларига ўтириб олиб, индамай гапини эшитиб олишади-да.

Хуллас, Миттивой скамейкага келиб ўтирди-да, бутун вужуди билан тинглай бошлади, лекин Филле билан Рулле сезиб қолмасин, деб аҳён-аҳёнда Бимбо билан гаплашиб қўярди.

Лекин, афтидан, Миттивой ҳеч нимани билолмайди шекилли. Филле билан Рулле индамасдан пиво ичишарди. Ниҳоят, пивони ичиб бўлишдиёмки, бари бир чурқ этишмасди. Кейин Филле бирдан гапириб қолди:

— Биз уни қўлга туширамиз, албатта, ахир, қаерда туришини биламиз-ку. Уйига қандай учиб келганини бир неча бор қўрганман.

Миттивой қўрққанидан нафаси ичига тушиб кетди. У даҳшатга тушди. Энди Карлсонга жуфтагини ростлашга тўғри келади. Филле билан Руллелар унинг томдаги кичкина уйчасини қўришибди-да! Ҳа, ҳамма иш расво бўлибди!

Миттивой йиғлаб юбормаслик учун муштини тугди, қанча уринмасин бунинг ҳеч иложини қилолмай, кўзларига ёш олганида Рулле гапириб қолди:

— Ҳа, унинг деразадан учиб кирганини менам кўп қўрганман, бу бултур ёзда ўзимиз ўғирликка тушган ўша квартира-да, эсингдами? Тўртинчи каватда, эсимда, эшигидаги тунукачага фамилияси ҳам ёзиб қўйилганди — Свантесон.

Миттивойнинг хайратдан кўзлари катта очилиб кетди. Эҳтимол, кулоғига шундай эшитилгандир? Наҳотки, Филле билан Рулле чинданам Карлсонни Свантесонларникида яшайди деб ўйлашса? Бу қандай бахт! Бу, Карлсон истаган вақтида ўз уйида яшириниб олиши, хавф-хатарсиз яшаши мумкин деган сўз-да! Филле билан Рулле унинг изига тушиша олмабди! Ҳа, бу осон иш эмас-да. Ахир, томда мўри тозаловчидан бошка ким ҳам юрарди.

Хуллас, Филле билан Рулле томдаги кичкина уй тўғрисида ҳеч нима билишолмабди-да, лекин, бари бир, ҳозирча дўстининг ҳаёти хавф остида. Агар, астойдил унинг изига тушишса, бечора Карлсоннинг ҳоли нима кечарди! Бу тентак ҳеч қачон тузукрок яширинишни билмайди.

Филле билан Рулле яна анчагача индамай ўтиришди, кейин Рулле шивирлаб деди (Миттивой аранг эшитди):

— Шу бугун кечаси борсак-чи.

Худди шу пайт Филле скамейкада ёлғиз ўзлари эмаслигини бирдан эслаб қолди. У Миттивойга бир қараб қўйди-да, баланд овозда:

— Ке, шу кечаси чувалчанг ковлагани борамиз! — деди.

Лекин Миттивойни лақиллатиш осон эмас. У, Филле билан Рулленинг бугун кечаси нима қилмоқчи бўлишаётганини жуда яхши биларди: улар Карлсонни қўлга туширишга уриниб қўришади, улар



бу пайт Карлсон Свантесонларникида тинч-хотиржам ухлаётган бўлади, деб ўйлашади-да.

«Бу тўғрида Карлсон билан гаплашиб олиш керак, қанча тез бўлса, шунча яхши!»— деган қарорга келди ўзича Миттивой.

Лекин Карлсон тушликка яқин келди. Бу гал у деразадан учиб кирмади-да, эшикнинг қўнғироғини устма-уст босди. Миттивой эшикни очгани чошиб кетди.

— Вой, келганинг жуда яхши бўлди-да!— деб гап бошлади Миттивой, лекин Карлсон унинг гапини охиригача эшитмай, тўппатўғри ошхонага, Бок хонимнинг олдига ўтиб кетди.

— Хўш, эплаб-сеплаб нима пиширяпсан?— деб сўради у.— Одатдагидай яна чандирдай каттик гўштни? Ё ясама жағни ҳисобга олдингми?

Бок хоним плита олдида туриб, Юлиус амакига жўжадан кўра бирор енгил, юмшоқроқ овқат қилиб бериш тараддудида куймоқ пиширарди. Орқасида Карлсоннинг овозини эшитиб шартта бурилган эди, бир чўмич суюк хамирни плитага тўкиб юборди.

— Хой, менга қара!— деб бақирди у дарғазаб бўлиб.— Ахир, уялмайсанми? Бу ерга келишга қандай юзинг чидайди! Беор булочка ўғриси, кўзимга қандай қарайсан-а!

Карлсон дўмбок қўлчалари билан юзини беркитди-да, бармоқлари орасидан унга муғамбирона қараб қўйди.

— Йўқ, нега энди, қараса бўлади, фақат эҳтиёж бўлиш керак-да,— деди у.— Тўғри, сен дунёдаги биринчи гўзал эмассан, лекин ҳамма нарсага кўникса бўлади-ку, шунинг учун ҳечқиси йўқ, қарасам ҳам бўлаверади! Ахир, энг муҳими, ёқимлисан, истаранг иссиқ. Куймоқдан бер!

Бок хоним Карлсонга телбалардай каради-да, кейин Миттивойга мурожаат қилди:

— Бу боланинг ҳам бизникида тушлик қилишини оинг менга огоҳлантирганмиди-а? Нахотки у шундай деб буюрган бўлса?

Миттивой иложи борича мужмал, лекин самимий жавоб беришга ҳаракат қилди:

— Ҳар ҳолда, оинми фикрича, Карлсон...

— Жавоб бер, ё ҳа де, ё йўқ де,— унинг гапини бўлди Бок хоним.— Оинг, Карлсон, бизникида тушлик қилиши керак дедими?

— Ҳар ҳолда, у бунга...— Миттивой яна чайналиб мужмал жавоб қилмоқчи бўлганди, лекин Бок хоним дағдаға билан унинг гапини бўлди:

— Ё ҳа, ё йўқ, деб жавоб бергин дедим-ку! Оддийгина, жўн саволга доимо «ха» ё «йўқ», деб жўнгина жавоб қилса бўлади-ку, менимча, бу қийин бўлмаса керак.

— Бир тасаввур қилгин-а, қийин,— деб гапга аралашди Карлсон.— Ҳозир мен сенга оддий бир савол бераман, бунга ўзинг ҳам ишонч ҳосил қиласан. Хўп, кулоқ сол! Сен эрталаблари коньяк ичмай қўйдингми, қани, ё ҳа, ё йўқ, деб жавоб бергин?

Бок хонимнинг нафаси ичига тушиб кетди, мана ҳозир ҳушидан кетиб йиқиладигандай эди. У бир нима деб жавоб қилмоқчи бўлди-ю, лекин бир оғиз бир нима деб гапиролмади.

— Ана, кўрдингми,— деди Карлсон тантанавор оҳангда.— Са-  
волимни яна такрорлайман: эрталаблари коньяк ичмай қўйдингми?

— Ҳа, ҳа, бўлмасам-чи,— деди Миттивой ишонч билан, унинг  
Бок хонимга жуда ёрдам бергиси келарди.

Бок хоним энди кутуриб кетди.

— Йўк!— деб бакирди у тамом эсанкираб.

Миттивой кизариб кетди, Бок хонимни қўллаб-қувватлаш учун  
гапга аралашди:

— Йўк, йўк, ичиб турибди!

— Афсус, афсус,— деди Карлсон.— Ичкиликбозлик яхшиликка  
олиб келмайди.

Бок хонимнинг тинка-мадори куриб, холсизланиб стулга ўтириб  
қолди. Лекин Миттивой ниҳоят тўғри жавобни топди.

— У ичишни тўхтатгани йўк, чунки у ҳеч қачон бошламаган  
эди, тушундингми?— деди у Карлсонга мурожаат қилиб.

— Мен-ку, тушуниб турибман,— деди Карлсон, кейин Бок хоним-  
га ўгирилиб кўшиб қўйди.— Тентак экансан, доим ҳам «ҳа» ёки  
«йўк», деб жавоб бериб бўлмаслигига энди ўзинг ишонч ҳосил  
қилдингми... Қани, қуймоқдан чўз!

Лекин Бок хонимнинг Карлсонга ҳечам қуймоқ бергиси йўк  
эди. У ўрнидан бакириб сапчиб турди-да, ошхонанинг эшигини  
ланг очиб юборди.

— Йўкол кўзимдан!— деб кичкирди у.— Жўна!

Карлсон эшик томонга юрди. У бошини баланд кўтарганча  
мағрур кадам ташларди.

— Кетаман,— деди у.— Жон деб кетаман. Қуймоқ пишириш  
бошқаларнинг ҳам қўлидан келади!

Карлсон кетганидан кейин Бок хоним бир неча дақиқа мик  
этмай ўтирди. Лекин сал ўзига келганидан кейин хавотирланиб  
соатига қараб қўйди.

— Юлиус амакингдан ҳамон дарак йўғ-у!— деди у хўрсиниб.—  
Ахир, кетганига анча бўлди-ю! Бир кор-хол бўлмадимикин, деб  
кўрқяпман. У, хойнаҳой, Стокгольмни ҳам яхши билмаса керак.

Миттивой ҳам ташвишга тушиб қолди.

— Ҳа, у адашиб қолиши мумкин.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди.

— Юлиус амаки бўлса керак!— деб хитоб қилди Миттивой.—  
Уйга қандай боришни билолмаяпман, деб телефон килаётгандир.

Бок хоним телефон турган даҳлизга югуриб чиқиб кетди, Мит-  
тивой унга эргашди.

Лекин телефон қилган Юлиус амаки эмасди, буни Бок хоним-  
нинг одатдагидай минғирлаб гаплашаётганидан Миттивой дарров  
фаҳмлади.

— Ҳа, ҳа! Сенмисан, Фридамисан! Хўш, ахволларинг қалай?  
Бемаъни қилиғингни ҳалиям ташлаганинг йўқми?

Миттивой бировларнинг гапини эшитгиси йўк эди, шунинг учун  
ҳам хонасига кирди-да, ўқимоқчи бўлиб, қўлига китоб олди, лекин  
даҳлиздан гўнғир-гўнғир овоз бари бир эшитилиб турарди, сухбат  
хали-вери тугайдиганга ўхшамасди.

Миттивойнинг қорни очганди. Фашига тегаётган бу гўнғир-гўнғир

овозларнинг эртами-кечми тугашини, Юлиус амакининг уйга келишини ва ниҳоят улар стол атрофига ўтиришларини у фахмларди. Лекин у ҳеч кимни кутмай, шу топда овқатланишни истарди. Бок хоним телефон трубкасини қўйиши биланоқ у кўнглидаги гапини айтиш учун даҳлизга чопиб чикди.

— Ҳа, майли, корнингни тўйдиришим мумкин,— деди у мулойимгина ва уни ўзи билан бирга ошхонага бошлади. Лекин у эшик олдида қоққан козикдек туриб колди. У барваста гавдаси билан ҳаммаёкни тўсиб тургани учун ҳам Миттивой ҳеч нимани кўролмади. Миттивой фақат унинг дарғазаб бўлиб бакирганини эшитди, лекин Миттивой сабри чидамай унинг юбкасининг ёнидан бошини чиқариб қараб, Карлсонни кўрди.

Карлсон стол атрофида ўтириб, бамайлихотир қуймоқни туширарди.

Миттивой, Бок хоним Карлсонни ўлдириб қўймасмикин деб қўрқиб кетди, чунки вазоҳати жуда ёмон эди. Лекин у олдинга шартта ташланиб, қуймоқ солинган тарелкани тортиб олди-да:

— Сен... сен... сен ярамас боласан!— деб ўшқирди.

Карлсон унинг бармоқларига секин уриб қўйди-да, деди:

— Менинг қуймоқларимга тегма! Мен уларни Линдберглардан ҳалол пулимга, беш эрега сотиб олдим.

У оғзини катта очди-да, бир неча қуймоқни бирданига жигилдонига урди.

— Ахир, айтдим-ку, қуймоқ пишириш бошқаларнинг ҳам қўлидан келади, деб. Қуймоқни топиш жуда осон: каердан тутун чикса, ўша ерда қуймоқ-да.

Миттивой яна Бок хонимга ич-ичидан ачинди, чунки у ҳечам ўзига келолмасди.

— Хўш, ундай бўлса, менинг қуймоқларим қани?— деди инграганча ва плитага қараб қўйди. У ерда қуймоқ соладиган катта чуқур тарелка бўм-бўш турарди. Уй золимасининг яна қони қайнаб кетди.— Сен ифлос боласан!— деб ўшқирди у.— Уларни ҳам сен егансан.

— Ҳечам-да!— деди Карлсон жаҳли чиқиб.— Шу ишни қилмаганим учун менга раҳмат дегин. Мени айблашни биласан, холос.

Шу пайт зинада оёк товушлари эшитилди. Хайрият, Юлиус амакиям келяпти. Миттивой, Юлиус амакининг чалкаш-чулкаш кўчаларда адашиб қолмаганидан хурсанд эди. Бундан ташқари, у келиши билан бу даҳанаки жанг тугарди.

— Жуда соз!— деди Миттивой.— Демак, уйни топиб келибди-да.

— Изма-из келсин деб унинг ғамини еган менман, йўқса ҳеч қачон топиб келолмасди,— деди Карлсон.

— Яна қанақа из?— деб сўради Миттивой хайрон бўлиб.

— Ўша мен қолдирган из-да,— деди Карлсон.— Чунки мен дунёда энг ғамхўр, меҳрибон одамман!

Лекин шу пайт кўнғирок жиринглади-ю, Бок хоним шоша-пиша эшикни очгани кетди. Миттивой ҳам Юлиус амакини кутиб олгани югуриб чиқиб кетди.

— Хонадонимизга ҳуш келибсиз!— деди Бок хоним дабдабали оҳангда.

— Биз адашиб колдингизми, деб ўйловдик,— деди Миттивой. Лекин Юлиус амаки Бок хонимга ҳам, Миттивойга ҳам лом-мим демай, катъий сўради:

— Менга шуни тушунтириб беринг-чи, нега энди ҳамма уйларнинг эшик дасталарига қуймоқ илиб қўйишибди?

У шундай деди-да, Миттивойга шубҳа аралаш караб қўйди. Миттивой:

— Балки, бу гномнинг ишидир?— деб гўлдиради кўрқув аралаш. Бу хусусда Карлсоннинг фикрини билгани ошхонага чопиб чикиб кетди.

Лекин Карлсон ошхонада йўқ эди. У ерда иккита бўш тарелка турарди, клеёнкада эса тўкилган мураббо қорайиб кўринарди.

Юлиус амаки, Миттивой ва Бок хонимга пудинг билан каноат-ланишга тўғри келди.

Миттивой пудинг учун сут-катик магазинига чикиб кетди. Уни юборишганда йўқ демади, чунки Миттивой қуймоқ осилган эшик дасталарининг қанақа кўринишда бўлишини кўрмоқчи эди.

Лекин эшик дасталарида ҳеч қандай қуймоқ йўқ эди. У ҳамма зиналарни айланиб чиқди, лекин ҳеч қаерда битта ҳам қуймоқ кўрмади. У, буларнинг ҳаммасини Юлиус амаки ўйлаб чиқарган бўлса керак, деган фикрга ҳам борди, лекин бирдан гап нимадалигини тушуниб қолди... Энг охирги зинада Карлсон қуймоқ еб ўтирарди.

— Қуймоқлар ширин бўпти, лекин улар ўз хизматини ўтаб бўлди,— деди у.— Юлиус амаки бошқа адашмайди, у энди йўлни билиб олди.

У қуймоқни оғзига тўлдириб, жаҳл билан тўнғиллади.

— Уй золималаринг жуда ноинсоф хотин-да! Менинг қуймоқларимни сен егансан дейди-я, мен чақалоқдай бегуноҳ эдим. Мана энди, унинг жатига буларни ҳам ейишга мажбурман.

Миттивой хахолаб қулиб юборди.

— Сен, Карлсон, дунёда энг кўп қуймоқ ейдиган одамсан,— деди у, кейин ниманидир эслаб, бирдан жиддий бўлиб қолди.— Афтидан, улар бугун кечаси сени қўлга туширишга уриниб кўришади. Бунинг нималигини биласанми?

Карлсон ёғлик бармоқларини бирма-бир ялаб чиқди-да, хурсанд бўлиб гўлдиради.

— Бу, биз бу окшомни хурсандчиликда ўтказамиз, дегани,— деди у.— Ҳой-хўп! Ҳей-хўп!

#### КАРЛСОН — ХУРРАК БЎЙИЧА ДУНЕДА ЭНГ ЯХШИ МУТАХАССИС

Аста-секин қоронғилик чўка бошлади. Карлсон куни билан уйда бўлмади. Афтидан, уй золимаси «қуймоқхўрликдан» кейин ўзига бир оз келиб олсин деб ўйлаган бўлса керак.

Миттивой Юлиус амаки билан темир йўл музейига кетди. Юлиус амаки бу музейни жуда яхши кўрарди. Миттивой ҳам. Кейин улар уйга қайтишиб, кечки овқатни Бок хоним билан бирга ейишди. Ҳамма иш кўнгилдагидай кетаётгани — Карлсон қорасини кўрсатмасди. Лекин Миттивой хонасига қайтиб келса, уни Карлсон кутиб ўтирган экан.

Очигини айтганда, Миттвой унинг келганига хурсанд ҳам бўлмади.

— Доимо, ўйламай иш қиласан-да!— деди у.— Нега энди бугун учиб келдинг?

— Шунақаям бемаъни савол берасанми?— деб хайрон бўлди Карлсон.— Ахир, сеникида тунаб колмоқчиман-ку, нахотки шуни тушунмасанг?

Миттвой хўрсиниб қўйди. Карлсонни Филле билан Рулледан қандай эҳтиёт қилсам экан, деб кунни билан бош қотирди. Балки, полицияга қўнғироқ қилсамикан? Йўқ, бу тўғри келмайди, чунки унда Филле билан Рулленинг нима учун Карлсонни ушлашмоқчи бўлишганини албатта гапириб бериши керак, бу эса жуда хавфли.

Карлсоннинг эса парвойфалак, ҳеч нимани ўйламайди ҳам, қўркмайди ҳам. У дераза олдида туриб, шафтоли данагини хотиржам ковлаётганди, чунки унинг бир кеча-кундузда қанча ўсганини билмоқчи эди. Лекин Миттвой чиндана ҳам жуда кўркиб қолганди.

— Нима қилишимизни билмай қолдим,— деди у.

— Филле билан Руллени гапиряпсанми?— деб сўради Карлсон.— Мана, мен биламан-да. Таъсир қилишнинг уч усули бор— тиймоқ, майнавозчилик ва вахшийлик, учовини ҳам ишга солмоқчиман.

Миттвой, энг маъқули яшириниб олиш, деб ҳисобларди. У, Карлсон бугун кечаси билан томдаги уйида ўтириб чиқади, сичқондай яшириниб олади, деб умид қиларди. Лекин Карлсон унга берилган барча бемаъни маслаҳатларнинг ичида энг бемаънисни сеники, деди.

Лекин Миттвой бўш келмади. Юлиус амаки унга бир халта карамель совға қилди, у шу конфет ёрдамида Карлсонни фикридан қайтараман, деб ўйларди. У Карлсоннинг ҳавасини келтириш учун халтачани унинг шундай бурни тагида силқитди ва писанда қилгандай деди:

— Агар ҳозир уйчангга учиб бориб, жойингга ётиб ухласанг, шу халтачадагининг ҳаммаси сеники.

Лекин Карлсон Миттвойнинг қўлини силтаб ташлади.

— Уҳ, шунчалик ифлосмисан!— деб хитоб қилди.— Менга бу бемаъни карамелларингни кераги йўқ. Мени жуда олгиси келиб турибди деб ўйлаб, кеккаймагин!

У оғзини маъюс қийшайтирди-да, нари кетди, бурчакка тикилиб, скамейкага ўтириб олди.

— Бунчалик ярамаслигингни билмаган эканман,— деди у.— Бунақа қилсанг ўйнамайман.

Миттвойнинг жуда ҳафсаласи пир бўлди. «Бунақа қилсанг ўйнамайман», деганидан ҳам даҳшатлироқ нарса йўқ! Миттвой ўша захотиёқ узр сўради ва яна Карлсоннинг қўнглини олишга уринди, лекин ҳеч уддасидан чиқолмади. Карлсон лаб-лунжини осилтириб ўтирарди. У ўлгудай ўжар эди.

— Яна нима қилиш кераклигини билолмай бошим қотиб қолди,— деди Миттвой ҳафсаласи пир бўлиб.

— Мана, мен биламан-да,— деди Карлсон.— Агар қўнглимга



ёкадиган бирор иш қилсанг, аниқ айтолмайману, балки ўйнарман...  
Ҳа, ҳеч нима йўғида, карамель солинган халтача ҳам бўлаверади.

Миттивой халтачани дарров унинг қўлига тутқазганди, Карлсон у билан ўйнашга рози бўлди.

— Хой-хўп! — деб кичқирди у. — Нималар бўлишини тасаввур ҳам қилолмайсан! Ҳозир керак нарсаларнинг ҳаммасини тайёрлаб қўямиз.

«Карлсон ётиб қоладиган бўлса, мен ўзимга диванга жой солишим керак», деб ўйлади Миттивой ва Боссенинг хонасига чопиб кетаётганди, Карлсон уни тўхтатиб қолди. У, жой солишнинг хожати йўқ, чунки бугун кечаси бари бир ҳеч ким ухламайди, деди.

— Уй золимаси билан амакингдан бошқа ҳеч ким миужа қоқмайди, умид қиламанки, улар донг қотиб ухлашади, чунки гала-говур кўтаришимизга тўғри келади, — деб тушунтирди Карлсон.

Юлиус амаки чинданам элдан бурун ётоқхонага кириб кетди. У жуда чарчаганди — ахир, ўтган кечаси ёмон ухлаганди-да, эртасига эса куни билан юравери б оёқдан қолганди. Бок хоним ҳам қуймоқ ва булочка можаролари билан боғлиқ бесаранжомликлардан кейин дам олиши керак эди. У ҳам хонасига, Бетаннинг хонасига анча вақтли кириб кетди: ойиси, улар дам олишдан келгунча Бок хоним ўша ерда ётиб туради, деб қарор қилганди.

Лекин кетишдан олдин иккови, Юлиус амаки ҳам, Бок хоним ҳам Миттивойга хайрли тун тилаш учун унинг олдига киришди. Карлсон эса уларнинг қадамини эшитиши биланоқ шкафга яшириниб олди. У ўзича ақли иш қиляпман, деб ўйлади.

Юлиус амаки эснай туриб деди:

— Ўйлайманки, қизил шамсияли гном яна ҳузуримизга келиб, ҳаммамизга уйку бахш этар.

«Шубҳаланмасанг ҳам бўлади», деб ўйлади ўзича Миттивой, лекин овоз чиқариб деди:

— Тунингиз хайрли бўлсин, Юлиус амаки, маза қилиб ухлашингизни тилайман! Хайрли тун, Бок хоним!

— Сенам ҳозирок ётгин. Хайрли тун, Миттивой!

Иккови ҳам чиқиб кетишди.

Миттивой, ҳар эҳтимолга қарши, мабодо Бок хоним ёки Юлиус амаки бирдан кечаси туриб, унинг ухлаётган-ухламаётганлигини текшириб кўрмоқчи бўлишса, деб ўйлаб чаққон пижамасини кийиб олди.

Миттивой билан Карлсон Бок хоним ва Юлиус амакининг уйкуга кетишини кутишмоқчи бўлишди, шунинг учун ҳам қартада аҳмоқ-аҳмоқ ўйнашга ўтиришди. Лекин Карлсон доим фирромлик қилар, фақат ютгиси келарди, салга «бунақа қилсанг, ўйнамайман», деб туриб оларди. Миттивой иложи борича унинг ютишига имкон берарди, ахийри, бари бир Карлсон юткизганида, у карталарни тезда аралаштириб юборди-да:

— Ҳозир ўйнаб ўтиришга вақтимиз йўқ, ишга киришиш керак, — деди.

Бу орада Юлиус амаки билан Бок хоним ухлаб ҳам қолишди — қизил шамсияли гном уларнинг оромини бузмади. Карлсон уларнинг

хуррагига кулок солиб, анчагача у эшик билан бунисининг орасида юрди.

— Дунёда энг зўр хурракчи ким, биласанми? Қани, топ-чи!— деб буюрди Карлсон, кейин Миттивойга Юлиус амаки билан Бок хонимнинг қандай хуррак отишларини кўрсатиб берди.

— «Брр-пс-пс»— бу Юлиус амаки, Бок хонимнинг хурраги бутунлай бошқача жаранглайди: «Брр-ош, бррр-ош!»

Лекин шу захоти Карлсоннинг миясига янги фикр келиб қолди: карамелдан биттасини Миттивойга берган, ўзи ўнтакчасини еган бўлса ҳам ундан ҳали анча бор эди, демак, ҳали ишга киришган пайтда ширинлик ҳақида ўйламаслик учун халтачани ҳеч ким кўрмайдиган жойга яшириб қўйиш керак.

— Ўзинг биласан, биз ахир ўғриларни кутяпмиз-ку,— деб тунтирди у.— Пўлат сандиғимиз йўғ-а?

Миттивой, агар пўлат сандиғимиз бўлганида, унга аввало сени яшириб қўйган бўлардим, афсуски, пўлат сандиғимиз йўқ-да, деди. Карлсон ўйлашиб қолди.

— Халтачани амакингни хонасига қўяман,— деди у ниҳоят.— Улар, менинг хуррагимни эшитса, йўлбарс бўкиряпти деб ўйлашади-ю, киришга юраклари бетламайди.

У ётоқхонанинг эшигини сал очган эди «брр-пс-пс, брр-пс-пс» деган овоз яна ҳам қаттиқроқ, даҳшатлироқ эшитилди. Карлсон хурсанд бўлиб қиқирлаб кулди-да, кўлида халтача билан коронгада ғойиб бўлди. Миттивой буёғи нима бўларкин, деб кутиб турарди.

Ҳадемай у қайтиб келди, Юлиус амакининг ясама жағларини кўлида маҳкам ушлаб олганди.

— Бу нима қилганинг, Карлсон!— деди Миттивой эси чиқиб.— Уларни нега олдинг?

— Наҳотки сен, карамелимни тиши бор одамга ишониб топшириб қўяди деб ўйласанг!— деди Карлсон.— Бир тасаввур қилгин-а, амакинг кечаси уйғонадию халтачамга кўзи тушади! Агар тишлари ёнида бўлса, амакинг кечаси уйғониб, уларни дарров кўрадию конфетларимни пок-покиза туширади. Энди, бахтимга бу ишни қилолмайди.

— Юлиус амаки шундаям ҳеч қачон бундай қилмасди,— деб ишонтирди Миттивой.— У бировнинг конфетидан биттасини ҳам олмайди, ҳечам тегмайди.

— Нодон, у хузуримга эртақлар мамлакатидан пари келиб, менга совға-салом олиб келибди, деб ўйлайди-да,— деди Карлсон.

— Нега энди шундай деб ўйларкан, ахир, ўша карамелни менга ўзи сотиб олиб берди-ю?— деди Миттивой жаҳли чиқиб, лекин Карлсоннинг қулоғига ҳеч гап кирмасди.

— Бундан ташқари, бу тишлар бари бир менга керак,— деди у.— Менга яна пишиқ чилвир ҳам керак.

Миттивой ошхонага кириб, кир ёядиган чилвирни олиб келиб берди.

— Бунга нима қиласан?— деб сўради Миттивой жуда билгиси келиб.

— Ўғрилар учун тузоқ қилмоқчиман,— деб жавоб берди Карл-

сон.— Бу ўғриларни даҳшатга соладиган, юрагини оладиган, ўлгудай хавфли тузоқ бўлади.

У шундай деди-да, тузоқ қўймоқчи бўлган жойини — тор пешайвонни кўрсатди.

— Худди шу ерга, факат шу ерга қўйиш керак,— деди Карлсон.

Кираверишда, равоқнинг икки томонида биттадан стул турарди. Карлсон ўғрилар учун ноёб ва анча маккорона ўйланган тузоқни қуришга киришди, у кир ёядиган чилвирни стуллар орасида полдан сал баландликда бир неча бор тортди-да, кейин уни маҳкам қилиб боғлади. Агар битта-яримта қоронғида эшикдан кириб, даҳлизга ўтмоқчи бўлса, албатта шу тўсикқа қоқилиб йиқилади.

Ўтган йили Филле билан Рулленинг уларникига ўғирликка тушгани ҳали ҳам Миттивойни эсида. Улар узун симни почта яшигининг тирқишига тикиб, кулф «тишини» олиб, эшикни очишган. Улар бу гал ҳам квартирага, хойнаҳой, шу йўл билан киришмоқчи бўлишди. Нима ҳам дердик, агар улар хонада тортилган чилвирга чувалашиб қолишса, жуда адолатли иш бўлади.

— Умуман, мен ташвиш тортмасам бўлади,— деди у.— Филле билан Рулле эшик олдида келишлари биланок Бимбо каттик вовуллаб, бутун уйни уйғотади-ю, улар тирақайлаб қочиб қолишадди.

Карлсон гўё қулоқларига ишонмагандай Миттивойга бир ўк-райиб қаради.

— Э, ҳали шунақами?— деди.— Бундан чикдики, ўғрилар учун тузоқни бекорга қилибман-да! Йўқ, бунақа бўлса, мен ўйнамайман. Кучукни дарров йўқотиш керак.

Миттивойнинг астойдил жаҳли чикди:

— Нималар деб валдираяпсан! Ахир, уни қаёққа йўкотаман! Бу ҳақда ўйлаб кўрдингми?

Ундай бўлса, деди Карлсон, Бимбо бир кечани менинг томадаги уйчамда ўтказиши мумкин. Менинг диванимга чўзилиб бемадол ухлаши, гоҳ-гоҳида секин пишиллаб қўйиши мумкин. Эрталаб, Бимбо уйғониши билан Карлсон унга қийма гўшт олиб бориб беради, ваъдасида туради. Факат Миттивой яхшилаб ўйлаб, эс-хушини йиғиб олсину Бимбони уникига жўнатишга рози бўлсин.

Лекин Миттивой эс-хушини йиғиб олмади. У, Бимбони уйдан кетказиб юбориш — бу бемаънигарчилик, деб хисобларди. Бундан ташқари, агар Филле билан Рулле вовуллаб турган итга рўпара келса, зўр иш бўлмайди!

— Сен ҳамма ишни бузмокчисан-да,— деди Карлсон алам билан.— Яйраб, тўйиб хурсандчилик қилишимга сира қўймайсан! Ҳама нарсага: «Йўқ, йўқ, мумкинмас», дейсан. Менга фақат халақит берасан. Мен на тия оламан, на йиғлата оламан, на жиннилик қила оламан, ҳеч нима қилолмайман! Сен ҳеч нарсани бир пақирга олмайсан, сенга кучугинг тўйгунча акилласаю кечаси қий-чув кўтарса бас.

— Ахир, тушунсанг-чи...— деб гап бошлаган эди Миттивой, лекин Карлсон унинг гапини шартта бўлди:

— Бунақада мен ўйнамайман. Ана ўзинг билганингча тинчлантиравер, мен ўйнамайман.

Миттивой Бимбони саватни ичидан олган эди, норози бўлиб

ириллади, чунки уни уйқуси келганди. Карлсон кучукни қўлига олиб, учиб чиқиб кетаётганида Миттивой Бимбонинг хайронликдан катта очилган кўзларини кўриб колди.

— Қўркмагин, Бимбо! Ҳадемай сени қайтариб олиб келаман!— деб кичкирди Миттивой, ўзигами, Бимбогами тасалли бериш учун.

Карлсон бир неча минутдан сўнг қайтиб келди, кайфияти жуда яхши эди.

— Сенга Бимбодан салом. Қани, топ-чи, у нима деди? «Уйинг жуда шинам-а, Карлсон», ха, у шундай деди. Кейин: «Сенинг кучугинг бўлсам майлими?» деб қўшиб қўйди.

— Ха-ха, унинг бундай дейиши мумкинмас!

Миттивой хахолаб куларди: у Бимбо кимники эканлигини биларди, буни Бимбо ҳам биларди.

— Ха, ана энди ҳаммаси жойида бўлди,— деди Карлсон. У хурсанд эди.— Ахир, ўзинг тушунасан-ку, бизга ўхшаган яқин, меҳрибон дўстлар ҳамиша бир-бирларига ён босиши керак: биттаси доимо иккинчисининг айтганига юриши керак.

— Ха, албатта, лекин негадир, доимо сен ўша иккинчи бўлиб коласан!— деди Миттивой мийғида кулиб. У Карлсоннинг хулқатворидан жуда хайратда эди.

Бошига Карлсоннинг куни тушган одам яхшиси кечаси томдаги уйида, диванчада хотиржам ётиб, мабодо Филле билан Рулле чинданам уйга ўғирликка тушгудек бўлса, жон-жаҳди билан вовуллаб уларни қўркитишни Бимбога қўйиб бериши керак-да, ахир, буни ҳар қандай одам ҳам тушуниши керак-ку. Лекин Карлсон бутунлай буни аксини қилди, яна энг маъкули мана шу деб Миттивойни ишонтирди ҳам. Миттивой ҳам ишона колди, чунки унинг ўзи ҳам мана шундай саргузаштларга ишқибоз эди, бу гал Карлсоннинг қандай қилиб «тийишини» жуда-жуда билгиси келарди.

Карлсон шошарди: у, Филле билан Рулле ҳар дақиқада келиб қолиши мумкин, деб ҳисобларди.

— Хозир мен бир иш қиламанки, уларни келиши биланоқ ўтақаси ёрилади,— деди у.— Бу тентак кучукнинг бизга ҳечам кераги бўлмайди, ха, гапимга ишонавер.

У ошхонага чопиб кирди-да, шкафни титкилай кетди. Миттивой ҳамма ишни секин, ими-жимида бажаргин, деб илтимос қилди, чунки Бок хоним Бетаннинг хонасида, шундай девор орқасида ухларди.

— Ундай бўлса сен қоровул бўлиб тур!— деб буюрди у.— «Брр-ж-ж» ёки «брр-аш» деган товуш қулоғингга эшитилмай колдими, дарров менга бир амаллаб сездирмасдан билдиргин.

У ўйлашиб колди, миясига бир фикр келганди.

— Биласанми, нима қиласан? Сен ўзинг хуррак ота бошлайсан, иложи борица баландрок. Мана бундай қилиб: «Гррр-ах-ах, гррр-ах-ах».

— Нега энди?— деб сўради Миттивой тушунмай.

— Шунинг учунки, агар амакинг уйғониб қолса, Бок хоним хуррак отяпти деб ўйлайди, борди-ю, Бок хоним уйғонса, амакинг деб ўйлайди, икковида ҳам шубҳа туғилмайди. Лекин мен «гррр-ах-ах»ни эшитдимми, демак, бу сенинг сигналинг эканлигини биламан: улардан биронтаси уйғонгану хушёр бўлиб туришим керак! Ана шундан

кейин шкафга кираман-да, яширинаман! Хўш, калай, кани топ-чи, дунёда энг зўр тўполончи ким экан?

— Филле билан Рулле келиб қолишса-чи, унда нима қиламан?— деб сўради Миттивой кўрқа-писа, чунки ўғрилар тушганда даҳлизда якка-ёлғиз туришининг ўзи бўладими, ахир Карлсон ҳам квартиранинг нариги бошида, ошхонада бўлади-да.

— Сенам хуррак отасан,— деди Карлсон,— лекин сал бошқачароқ, мана бундай қилиб: «Грр-о-га, рр-ого».

«Бу хурракларни эслаб қолиш кўпайтириш жадвалини ўрганишдан ҳам қийин бўлса керак»,— деб ўйлади Миттивой. Бу «брр-пс-пс», «грр-ах-ах», «грр-о-го»ларни адаштириб юбориш ҳам ҳеч гап эмас-да, лекин янглишмасликка астойдил уришиб кўради.

Карлсон ич қийимлар, сочиқ-дастурхонлар ётган тоқчаларни роса титкилади-да, идиш-товоқ артиладиган сочиқларнинг ҳаммасини бир кучоқ қилиб тўплади.

— Бу сочиқлар камлик қилади,— деди у.— Лекин бахтимизга, ваннада ҳам сочиқ бор.

— Нима қилмоқчисан ўзи?— деб суриштира кетди Миттивой.

— Мумиё!— деб жавоб берди Карлсон.— Даҳшат соладиган, кўркитадиган, ажал келтирадиган мумиё. Бу тузукдан ҳам хавфли.

Миттивой, мумиё нималигини аниқ билмасди, лекин бунинг Миср эҳромлари билан боғлиқ бир нарса эканлигини эслади. У, бу эҳромларга подшолар ва лашкарбошиларни дафн қилишларини биларди, улар гўё совукдан тошдай қотиб қолган, кўз косалари бўм-бўш филофлардай ётишарди. Дадаси бир куни бу ҳақда гапириб берганди. Отасининг айтишича, бу подшолар ва лашкарбошиларни ҳаётлигида қандай бўлса, шундай сақлаб қолиш учун уларни мумиёлашади. Кейин уларни худди бинт билан ўрагандай мато билан ўраб чиқишади. «Лекин Карлсоннинг кўлидан мумиёлаш келмаса керак»,— деб ўйлади Миттивой ва ҳайрон бўлиб сўради:

— Мумиёни қандай қиласан?

— Уни идиш-товоқ артадиган сочиққа бошлаб йўргаклаб қўяман... Сен бундан ташвиш тортмай қўя қол,— деди Карлсон.— Сен коровулликда туриб, ўз ишининг бажаргин, мен ўз ишимни уddaлайман, хотиржам бўл.

Миттивой коровулликда турди. У эшик орқасидан эшитилаётган: «Брр-пс-пс», «грр-ах-ах» деган товушларга кулок соларди. Ҳаммаси ўйлаганларидай бўляпти, шекилли. Лекин, кейинроқ Юлиус амакиси алоғ-чалоғ туш кўрди-ёв, чунки унинг хурраги чўзинчоқ «пс-пс-пс» ўрнига «грр-мм, грмм-мм» қилиб мунгли оҳангда эшитила бошлади. Миттивой, буни ошхонада нима балоларнидир қилаётган дунёдаги энг зўр хурракчига бориб хабар қилсаммикин, деб ўйлади, лекин шу пайт, нима қилсам экан, деб ташвиш тортиб турганида, кимнингдир зинадан тез-тез юриб чиқиб келаётганини, кейин гурсиллаган товуш ва болохонадор қилиб сўкинганини эшитди. Демак, ўғрилар тузоғининг ишга тушгани аниқ, бинобарин, Филле билан Рулле шу ерда, квартирада. Шу билан бирга у «грр-ах-грр-ах» деган товушларнинг бутунлай тинганлигини пайқаб, эси чиқиб кетди. Вой, у энди нима қилади? У алаmidан Карлсон эслаб қолгин, деб буюрган ҳамма товушларни ўзича бирма-бир такрорлаб чиқди,



нихоят «гр-о-го» деган қандайдир мунгли бир овоз чикаришга уриниб кўрди, бунга яна қандайдир «грр-ах» деган товушлар ҳам аралашиб кетди, лекин буларнинг ҳаммаси хурракка ҳечам ўхшамасди.

У яна бир бор:

— Грр-ах, гррр-ах...— деб овоз чикаришга уриниб кўрди.

— Ўчир овозингни!— деган товуш келди қаёқдандир, тузоқ қўйилган томондан, у қоронғида кичкина ва семиз бир нарсанинг қорасини кўрди, у стуллар орасига тортилган чилвирда питир-питир қилиб, чиқиб кетишга жон-жаҳди билан уринарди. Бу — Карлсон эди.

Миттивой унинг олдига чопиб борди-да, стулларни кўтариб, туриб олишига ёрдам берди. Лекин Карлсон унга раҳмат демади. У жуда дарғазаб эди.

— Сен айбдорсан,— деб тўнғиллади.— Ахир, мен сенга ваннадан сочик олиб келгин деб буюргандим-ку!

Чинданам у Миттивойни соқчиликда қолдириб, ўзи ваннага чопиб кетганди, бечора йўлида ўғрилар учун тузоқ борлигини бутунлай унутганди. Хўш, Миттивойда нима айб?

Ҳа, айтмоқчи, айбдорни аниқлашга уларда вақт қолмаганди, чунки Бок хонимнинг эшик дастасини бураётганини иккови ҳам эшитди. Ҳар секунд ганимат эди.

— Яширин! — деб шивирлади Миттивой.

Карлсон ошхонага чопиб кетди, Миттивой эса хонасига кириб яширинди-да, ўзини қаравотга отди.

У бу ишларнинг ҳаммасини энг сўнгги дақиқаларда қилди. У аёлани бошига тортди-да, «грр-ах» деб хуррак отишга журъатсизгина уриниб кўрди, лекин яна ҳеч иш чиқмади, кейин ўрнида жимгина ётиб, Бок хонимнинг унинг хонасига кириб, қаравотининг олдига келганини эшитди. У эҳтиётлик билан бир кўзини сал очди-да, Бок хонимнинг кечасилик кўйлагига боши тепасида турганини кўрди, кўйлаги қоронғида оқариб кўринарди, у шу қадар тикилиб қараганидан Миттивойнинг бутун аъзойи бадани зиркираб оғрирди.

— Ўзингни ухлаётган қилиб кўрсатмай қўя қол,— деди Бок хоним, лекин унинг овози қаҳрли эмасди.— Сенням момақалдиروقнинг гулдирашини уйғотиб юбордим?

— Ҳа... балки...

Бок хоним мамнун бўлиб бош ирғади.

— Мен кечаси момақалдиروق бўлишини кундузиёқ сезувдим. Ҳаво дим эди, нафасинг қайтади! Лекин сен кўркмагин,— деди у ва Миттивойни бошини силади.— Майли, гумбурлайверсин, шаҳарда бу ҳечам хавфли эмас.

Кейин у чиқиб кетди. Миттивой қимирлашга юраги дов бермай, қаравотда анча вақт ётди. Кейин ўридан секин турди. У Карлсонга нима бўлдийкин, деб ташвиш тортарди, шунинг учун охишта ошхонага кирди.

Кириши билан биринчи кўрган нарсаси мумиё бўлди.

Яна қандай мумиё денг! Мумиё курсида ўтирар, Карлсон эса унинг ёнида шердай гердайиб турарди, деворий шкафдан топиб олган чўнтак фонари билан уни ёритарди.

— Кара, у чиройлими?— деб сўради у.

«У — подшоњи эмас; балки маликанинг мумиёси!» деб ўйлади Миттивой. Малика юмалок, семиз эди, чунки идиш-товоқ артиладиган сочиқлар устидан Карлсон ваннада топган ҳамма пахмок сочиқларни ўраб чиққан эди. Унинг боши қўл сочиқлардан ясалган бўлиб, устидан пахмок сочиқлар билан ўраб чиқилганди, унда катта-катта кўзлар тешилган бўлиб, атрофи кора бўёқда хошияланганди. Лекин, энг муҳими, мумиёнинг тишлари бор эди. Хақиқий тишлар — Юлиус амакининг тишлари. У тишларини сочиқларнинг попуқларига тикиб, ишончлироқ бўлсин деб, икки томонидан ҳам пластир билан ёпиштириб қўйди. Дахшатга соладиган юракни ёриб, ажал келтирадиган мумиё! Миттивой уни кўриши билан сесканиб кетди.

— Нега пластир ёпиштирдиг?— деб сўради у.

— У соколини киртишлаганди,— деб тушунтирди Карлсон ва мумиёнинг чаккасига уриб қўйди.— Хей-хўп, у оймга шунақаям ўхшайдики, уни «Ойижон» деб атамоқчиман.

У шундай деб мумиёни кучоқлаб дахлизга олиб чиқиб кетди.

— Филле билан Руллега Ойижоним билан учрашиш жуда кўнгилли бўлади-да!

#### КАРЛСОН — ДУНЕДАГИ ЭНГ ЗҶР ТУНГИ ТҶПОЛОНЧИ

Мана, ниҳоят, кимдир почта яшигининг тирқишига узун симни тикди. Очигини айтганда, Миттивой билан Карлсон бунни кўришмади, чунки дахлиз коронғи бўлиб, қанча тикилсанг ҳам ҳеч нимани кўролмасдинг, лекин улар ниманингдир жиринглаганини, ғичирлаганини аниқ эшитишди, энди шубҳаланмаса бўлади — улар кўпдан бери кутишаётгани Филле билан Рулле эди!

Миттивой билан Карлсон дахлиздаги юмалок стол тагида чўккалаб ўтириб, нима бўлишини кутишди. Орадан бир соатча вақт ўтди. Миттивойни ҳатто мудроқ босди. Лекин яшиқда ниманингдир ғичирлаганини эшитди-ю, дарров уйғониб кетди. Вой, мана ҳозир бошланади. Уйқуси қочди, қаттиқ кўрққанидан аъзойи бадани жимирлашиб кетди, Карлсон унга тасалли бермоқчи бўлди.

— Хей-хўп!— деб шивирлади у.— Хей-хўп.

Бунни қаранг-а, оддийгина сим билан қулфни осонгина очса бўларкан-а! Кейин эшик секин очилди-да, кимдир ичкарига кирди, бошқаси ўша ерда, дахлизда қолди! Миттивойнинг нафаси ичига тушиб кетди — чинданам ақлга сиғмайдиган ишлар бўлаётганди. Шивир-шивир ва оёқ товушлари эшитилди... Бирдан тарақ-турук овозлар: «Ў, бу нима гумбур-гумбур!»— икки одамнинг секин, бўғиқ қийқиргани эшитилди. Ана шундан кейингина Карлсон стол тагида фонарчасини ёқди, лекин шу заҳоти яна ўчириб қўйди, бироқ фонарчанинг бир лаҳзалик нури деворга суяб қўйилган, кишига дахшат солувчи, ажал келтирувчи, машъумона тиржайиб тишларини — Юлиус амакининг тишларини — кўрсатиб турган мумиёга тушди. Яна дод-фарёд, бу гал қаттикроқ эшитилди.

Кейинги воқеалар негадир айни бир вақтда юз берганидан Миттивой ҳеч нимани англаёлмай ҳам қолди. У эшикларнинг ланг очил-

ганини эшитди — Юлиус амаки билан Бок хоним ўз хоналаридан чиқишди, шу пайт Миттивой дахлизда кимнингдир оёқ товушини эшитди. Карлсон Онажонини бўйнига бойлаб қўйган тизгинидан ўзига тортган эди, у полга гурсиллаб йикилди. Кейин у Бок хонимнинг дахлиздаги чирокни ёкиш учун включателни бир неча марта бураганини эшитди, лекин чироқ ёнмади, чунки Карлсон ошхонадаги сакловчи шчитдаги ҳамма пробкаларни бураб олиб қўйганди. «Яхшиси, қоронғида тўполон қилган маъкул», — деди у. Мана, Бок хоним билан Юлиус амаки дахлизни қандай қилиб ёритишни билолмай, гаранг бўлиб туришарди.

— Момақалдиروق жуда дахшатли бўлдими! — деди Бок хоним. — Ҳаммаёк гумбур-гумбур бўлиб кетди-ю! Электрни ҳам ўчириб қўйишганлари бежиз эмас экан-да.

— Бу момақалдирумиди? — деб сўради Юлиус амаки. — Мен бутунлай бошқа нарса бўлса керак, деб ўйловдим.

Лекин Бок хоним, бу хойнахой, момақалдиروق бўлиши керак, янглишишим мумкин эмас деб, Юлиус амакини ишонтирмоқчи бўларди.

— Ҳўш, бошқа нима бўлиши мумкин? — деб сўради у.

— Менимча, яна ўша афсонавий махлуқлар келишди, улар бу кеча шу ерда учрашишди, — деб тушунтирди Юлиус амаки унга.

Сирасини айтганда, у «афсонавий махюклар» деди, чунки у бирдан негадир «с» товуши ўрнига «ш» товушини ишлата бошлаган эди. «Ахир, у тишсиз қолган-ку», — деб фахмлади Миттивой, лекин ўша захотиёқ буни унутворди. У ҳозир фақат Филле билан Рулле тўғрисидагина ўйлаши мумкин. Улар қаерда? Қочиб кетишдими? Ахир, у эшикнинг тарақлаб ёпилганини эшитгани йўқ-ку. Хойнахой, улар дахлизда, қоронғида бекиниб туришган бўлса керак, балки қозикка илиб қўйилган пальтоларнинг оркасига яшириниб олишгандир? Ў, қанчалик кўрқинчли! Миттивой Карлсонга мумкин қадар яқинроқ борди.

— Хотиржамлик бўлсин, фақат хотиржамлик, — деб шивирлади Карлсон. — Ҳадемай биз уларни яна қўлга туширамыз.

— Ҳа, албатта, улар икки қиси секилли, — деди Юлиус амаки маънодор қилиб. — Лекин уйда яас мумкин бўлмай қолди!

Кейин Юлиус амаки билан Бок хоним иккови ғойиб бўлишди, уларнинг ҳар қайсиси ўз хонасига кириб кетишди шекилли, яна ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Карлсон билан Миттивой стол тагида ўтиришиб, буёғи нима бўлишини кутишарди... «Орадан жуда узок вақт ўтди-ёв», — деб ўйлади Миттивой. Яна «брр-пс-пс» ва «брр-аш» деган овоз эшитилди, аввалига узилиб-узилиб, секин эшитилди, лекин кейин бу овозлар шу қадар зўрайдики, Юлиус амаки билан Бок хонимнинг яна донг қотиб ухлаб қолишгани аниқ эди.

Ана шундан кейингина қоронғида бекиниб туришган Филле билан Рулле яна йўлга тушишди. Уларнинг нафас олгани эшитилиб турарди. Миттивойни эси чиқиб кетди. Улар ўша захоти фонарчасини ёкишди — буни қаранг-а, уларда ҳам фонарча бор экан-а — нур йўлакда липиллаб ўйнади. Дастурхон четлари пастгача тушиб турарди, лекин, бари бир, Филле билан Рулле стол тагида уларнинг учовини ҳам — уни, Карлсон ва Онажонисини кўриб қолишлари

мумкин эди. Миттивой кўзларини юмиб, нафас чиқармай турди, шундай килсам, кўринмасам керак, деб ўйларди. Филле билан Рул-ленинг пичирлашиб гаплашишгани шундай ёнларида эшитиларди.

— Ажинани сен ҳам кўрдингми?— деб сўради Филле.

— Ие, бўлмасам-чи!— деди Рулле.— Оппок шарпа! У шундай девор олдида турувди, хозир ғойиб бўлди.

— Стокгольмдаги уйларнинг биронтасида ҳам бу ердагидай ажина кўп эмас, буни икковимиз кўпдан бери биламиз-ку,— деди Филле.

— Бу ердан жуфтакни ростлайлик, тезрок кетайлик,— деб таклиф килди Рулле.

Лекин Филле кўнмади.

— Ҳечам-да! Ун мингни деб бир эмас, юзта ажина билан оли-шишга тайёрман, буни иккала қулоғинг билан ҳам эшитиб ол.

У оёқларига тузоқ чилвирлари боғлаб кўйилган стулларни аста кўтарди-да, қочишга тўғри келса оёк остида халакит бермасин деб, жой-жойига олиб бориб кўйди. Шу ҳам ҳазил бўлди-ю, деб бу ерда турадиган болаларни роса сўкди.

— Жуда эҳтиёт бўлиш керак! Шундай ҳам ҳаммаёғим шишиб, моматалок бўлиб кетди.

У фонарчаси билан бурчак-бурчакни ёритиб, яна тимирскилана бошлади.

— Кел, нима қаерда турганини кўрайлик-чи, кейин кидиришга тушамиз,— деди у.

Фонарча нури яна йўлакда липиллаб ўйнай бошлади, нур ҳар гал столга яқинлашганда Миттивой кўзларини чирт юмиб, гужанак бўлиб оларди. Узоқ ўтирганидан оёқлари увушиб, жонсиз бўлиб қолди, назарида оёқлари стол тагига сиғмай, дастурхон остидан чикиб тургандай — Филле билан Рулле кўриб қоладигандай туюла-верарди.

Бунинг устига, у Карлсоннинг яна Онажониси билан шуғул-ланаётганини пайқаб қолди. Фонарча ёруғи улардан сал нари кетдию стол ости қоронғилашди, лекин, бари бир, Миттивой Карлсоннинг Онажонисини ташқарига олиб чикиб, орқаси билан столга суяб кўйганини аниқ кўрди. Фонарча нури орқасига қайтиб, нақ унинг юзига тушдию иржайиб турган тишларини ёритди.

Яна икки марта ваҳимали қичқирик эшитилди, кейин оёк товуш-лари эшик томондан келди.

Карлсонга жон кирди.

— Қани, юр,— деб шивирлади у Миттивойнинг қулоғига, ўзи Онажонисини судраганича йўлак томон эмаклаб кетди-да, Миттивой-нинг хонасига кириб, кўздан йўқолди.

Миттивой унга аранг етиб улгурарди.

— Қандай ярамас одамлар бор-а!— деди Карлсон эшикни қия қилиб ёпаркан.— Мумиёни ажинадан ажратиша олмайди-я, меним-ча, бу разиллигу!

У секин бошини чиқарди-да, қоронғи даҳлизда нималар бўлаёт-ганини билиш учун қулоқ солди. Миттивой ҳам қулоқ тутди: у хозир эшик ёпилади, деб умид қиларди, лекин ўйлагани бўлмади. Филле билан Рулле шу ерда эди, улар шивирлашиб гаплашишарди.

— Ун минг крон-а! Рулле, буни унутма! Билиб кўй, ҳеч қандай ажиною арвоҳ мени тўхтата олмайди!

Улар анчагача пичирлашиб туришди. Карлсон бутун вужуди билан кулоқ соларди.

— Юр, амакингни хонасига киремиз,— деди у.— Хей-хўп! Ҳозир ўзимизни овунтирамиз.

У Онажонисининг қўлидан ушлади-да, Миттивойнинг ўрнига ётқизиб қўйди.

— Хайсан-хўпсан, Онажониси, мана энди, ниҳоят, одамга ўхшаб ухлайдиган бўлдинг,— деди у, боласини ётқизаётган онадай кўрпани устига ёпаркан. Кейин Миттивойни кулоғига шивирлади:— Қарагин-а, дилбар эмасми?

У мумиёни чўнтак фонарчаси билан ёритди-да, мақуллагандай чаккасига уриб қўйди.

Кейин у Бок хоним Миттивойнинг олдига келганида каравотидан олиб, яхшилаб тахлаб стул суянчигига осиб қўйган ёпқични ҳам Онажонисининг устига ёпди. «Совуқ еб қолмасин деяпти-да», деб ўйлади Миттивой ва қикирлаб кулди. Гўё каравотда семиз бола тинч, хотиржам ухлаб ётгандай эди, чунки Онажониси бошигача бурканиб олганди.

— Салом, Миттивой!— деди Карлсон.— Энди, сенам жиндак мизғиб олсанг бўлади.

— Қаерда?— деб сўради Миттивой яна ҳайрон бўлиб. Бунинг устига Онажонисига кўзи тушиши билан уйқуси қочиб кетарди.— Ахир, мен каравотда мумиё билан ёнма-ён ётолмайман-ку.

— Ҳа-я, лекин каравот тагида ётишинг мумкин-ку,— деди Карлсон ва ўзи кирпидай юмалаб, каравот тагига кириб кетди.

Миттивой ҳам унинг ёнига ётди.

— Мана энди, ҳақиқий жосуснинг хуррагини эшитасан,— деди Карлсон.

— Нима, жосуслар бошқачарок хуррак отишадими?— яна ҳайрон бўлди Миттивой.

— Ҳа-да, улар жуда маккорона, муғамбирона хуррак отишадими, эшитсанг, жинни бўлиб қолиш ҳеч гапмас. Мана бундай: «Хоооо, дооо, дооо!»

Жосус хурраги гоҳ бургутнинг қирқирашига, гоҳ йиртқичнинг ириллашига ўхшаб кетарди, чинданам бу товуш кишини дахшатга соларди, боз устига, у тобора кучаярди. Миттивой кўрқиб кетди.

— Жим! Секинроқ! Филле билан Рулле келиб қолади-ку.

— Ахир, жосус хурраги аслида шунинг учун керак-да,— деб тушунтирди Карлсон.

Шу пайт кимдир эшик туткичидан ушлаб, уни секин очди. Қоронғига фонарча нури ёриб кирдию Миттивой унинг ёруғида Филле билан Руллени аниқ кўрди, улар эҳтиётлик билан оёқ учида хонага кириб боришарди.

Карлсон тобора баланд ва дахшатли хуррак отарди. Миттивой ваҳимага тушиб, ўзича ўйлади: «Бекор шундай қияпти. Улар бизни кўриб қолишади». Тўғри, ёпқич полгача тушиб, у билан Карлсонни фонар нури ва синчков кўзлардан яшириб турарди. «Лекин, бари бир, у буни койилмақом ўйлаб топди-да»,— дерди ўзича Миттивой.



— Хооо, хооо!— янада каттиқрок хуррак отарди Карлсон.

— Мана, ниҳоят, кидирган нарсамизни топдик, шекилли,— деди Филле овозини пастлатиб.— Болалар бундай хуррак отишмайди, бу, хойнахой, ўша. Бир карагин-а, шунақаям семиз, кўпол, бесўнақай. Ҳа, аниқ, ўша!

— Хооо!— ғазаб билан хуррак отди Карлсон: уни семиз, бесўнақай деганлари Карлсонга ҳечам ёқмади, буни унинг хуррагидан сезса бўларди.

— Қўл кишанинг тайёрами?— деб сўради Рулле.— Уни дарров кишанлаш керак, йўқса, қочиб кетади.

Ёпқич шитиради. Кейин Миттивой Филле билан Рулленинг, гўё уларга ҳаво етишмаётгандай, хириллаган овозини эшитди, у Филле билан Рулленинг ёстикда ётган мумиёнинг даҳшат солувчи иржайган тишларини кўришганини фаҳмлади. Лекин улар бакириб юборишмади ҳам, олди-оркасига қарамай қочишмади ҳам, фақат қандайдир галати тарзда нафас олишарди.

— Э, бу оддий кўғирчок-ку...— деди Филле ҳайратланиб.

— Ундай бўлса, айт-чи,— деди Рулле,— кўғирчок бу ерга қаердан келиб қолди! Ахир, уни ҳозиргина даҳлизда кўрувдик-ку, ё бу бошқасими?

— Ҳа, одам ҳайрон қолади,— деб қўшилди Филле.— Хўш, хуррак отаётган ким?

Лекин Филле буни аниқлаёлмади, чунки яқинлашиб келаётган оёқ товушлари эшитилди. Миттивой Бок хонимнинг залварли қадамини дарров танидию ташвишга тушиб қолди! Ҳозир шунақаям шовқин-сурон кўтарилдики! Момақалдирик гулдурраши буни олдида ҳеч гапмас!

Лекин ваҳимали ҳеч нима бўлгани йўқ.

— Тезроқ дегаробга кир!— деб шивирлади Филле.

Миттивой ўгирилиб қарашга ҳам улгурмасданок ўғриларнинг иккови ҳам гардеробга яшириниб олишди.

Яна Карлсонга жон кирди. У кирпидай думалаб-думалаб гардероб олдига борди-да, эшигини калит билан кулфлаб бекитиб қўйди. Кейин яна чаккон ва тез эмақлаб, қаравот тагига кириб олди. Шу заҳоти хонага Бок хоним кириб келди, унинг ўзи ҳам эғнидаги туңги оқ кўйлагию кўлидаги шами билан тап-тайёр ажинага ўхшарди.

— Ҳозиргина хонамда тимирскиланиб, фонарча билан ҳамма бурчакларни ёритиб юрган сенмидинг, Миттивой?— деб сўради у қатъий.

— Йўқ, мен эмас,— деб жавоб берди Миттивой, талмовсираган овозда.

— Унда нега ухламаяпсан?— деб сўради Бок хоним шубҳаланиб, кейин қўшиб қўйди:— Нега энди бошинггача бекитиб олдинг? Сени яхши эшитолмаяпман.

У, Миттивой нега ёпқични бошигача ёпиб олган деб ўйлаб, уни юлиб олиб ташлади. Ўша заҳоти даҳшатли қийқирик янгради. «Бечора Бок хоним, ахир, у Филле билан Руллега ўхшаб даҳшат солувчи, ажал келтирувчи мумиёни кўриб ўрганмаган, кўзи пишмаган-да», деб ўйлади Миттивой. У қаравот тагидан чиқиш пайти келганини тушунди. Бари бир, Бок хоним уни топиб олади, бундан

ташқари, Филле билан Руллега бас келиш учун унинг ҳам ёрдами керак. Ахир, улар бир умр гардеробда қолишолмайди-ку!

Миттивой ўрмалаб чикди.

— Қўркманг,— деди у журъатсизгина.— Онажонимиз хавфли зот эмас, лекин манави гардеробда икки ўғри қамалиб ўтирибди.

Бок хоним Онажониси билан учрашганидан кейин ҳали ўзига келмаган эди, Миттивойнинг гардеробда икки ўғри ўтирибди, деганини эшитиб, жудаям жаҳли чиқиб кетди.

— Нималар деб валдираяпсан! Бу қанақа бемаъни гап! Гардеробда ўғриларга бало борми! Илтимос, кўп вайсама!

Лекин қатъий ишонч ҳосил қилиш учун гардероб эшиги олдига келди-да, кичкирди:

— Ичкарида ким бор?

Жавоб бўлмади, Бок хоним янаям тутақиб кетди.

— Жавоб беринглар! Битта-яримта борми? Агар ҳеч ким бўлмаса, ҳеч ким йўқ, деб айтиш мумкин-ку.

Лекин шу пайт у гардероб ичида шитирлаган овоз эшитдию Миттивойнинг тўғри гапирганини тушунди.

— Довюррак бола!— деб хитоб килди у.— Муштдай бола икки катта ўғрига бас келолса-я! Қаҳрамон!

Каравот гичирладию, унинг тагидан Карлсон эмаклаб чикди.

— Ҳечам бу унинг иши эмас,— деди Карлсон.— Ҳаммасини мен қилдим.

У Бок хоним билан Миттивойга ўқрайиб қараб қўйди.

— Шундай довьуррак, мард, ҳар жиҳатдан яхши бўлганим учун ўзимга раҳмат,— деди у.— Шундай ақлли, шундай чиройлиман, ҳечам семиз, бесўнақай эмасман, ҳа!

Бок хоним Карлсонни кўриши билан сал бўлмаса ақлдан озиб қолай деди.

— Сен... Сен!— деб ўшқирди-ю, лекин шу заҳоти ўзини қўлга олди, зеро, ҳозир куймоқ учун Карлсонни қойишнинг вақти ҳам, ўрни ҳам эмасди, чунки жиддий нарсалар тўғрисида ўйлаш керак эди.— Бор, тез бориб Юлиус амакини уйғот, кейин полицияга қўнғироқ қиламиз... Вой, яланғочману... бориб, халатимни елкамга ташлаб олай,— деди у кечаси киядиган кўйлагига хижолатомуз назар ташларкан.

У шоша-пиша чиқиб кетди. Миттивой Юлиус амакини уйғотгани чопиб кетди. Лекин аввалига Онажонисининг жағларини олиб қўйди. У, жағларнинг ҳозир Юлиус амакига кўпроқ керак бўлишини тушунарди.

Етоқхонада «грр-пс-пс» деган товуш бир текисда эшитиларди. Юлиус амаки худди ёш боладек ухларди.

Тонг ёриша бошлаганди. Миттивой ғира-шира қоронғилиқда тумбочка устидаги сув солинган стаканни аранг кўра олди. У жағларни стаканга солди. Юлиус амакининг кўзойнаги билан карамель солинган халтача шундай стаканнинг ёнида ётарди. Миттивой халтачани олди-да, кейин Карлсонга бериш учун пижамасининг чўнтагига солди. Юлиус амаки уни кўрмагани маъқул, бўлмаса бу қаёқдан келиб қолди, деб сўраб-суриштириши мумкин.

Миттивой, тумбочкада яна нимадир бўлиши кераклигини эслади.

Ха-да, бўлмасам-чи, Юлиус амакининг соати билан ҳамёни бўлиши керак эди-ку. Соат ҳам, ҳамён ҳам жойида йўқ. Бироқ Миттивой хозир бунга унчалик эътибор бермади. Унга Юлиус амакини уйғотиш топширилган, у шу ишни қилиши керак.

Юлиус амаки дарров уйғонди.

— Яна бир гап бўлди-ми?.. — У биринчи галда тишларини олиб, такиб олди-да, кейин деди:— Қизик, ҳадемай уйимга, Вестергетландимга қайтиб кетаман, уёқда суткасига ўн олти соатлаб ухласам бўлади, бу ерда-чи, бу ерда кечаси билан тинчлик йўғ-а...

«Ха, у, балки ҳақдир»,— ўйлади Миттивой ва нега хозирок туриши кераклигини унга тушунтира бошлади.

Юлиус амаки шоша-пиша Миттивойнинг хонасига йўналди, Миттивой унинг орқасидан пилдираб чошиб борарди. Бок хоним ҳам халатини кийиб ўша томонга шошилди, ҳаммалари эшик олдида тўкнашишди.

— Ў-ў, азизим жаноби Иенсен, буни қаранг-а, уйимизда ўғрилар!— деди Бок хоним йиғлагундай бўлиб.

Миттивой Карлсоннинг хонада йўқлигини, деразанинг ланг очиклигини дарров сезди. «Уйингача кетган бўлса керак. Жуда яхши, жуда соз! Хайрият-е, омадим бор экан, чунки унинг Филле ва Рулле билан ҳам, полиция билан ҳам учрашмагани маъқул. Зўр иш бўлди-да, ҳатто одамнинг ишонгиси келмайди-я»,— деб ўйлади Миттивой.

— Улар гардеробга қамаб қўйилган,— деб тушунтирди Бок хоним ҳам қўрққанидан, ҳам хурсанд бўлганидан куларкан.

Лекин Юлиус амаки бошигача беркитилган мумиё ҳали ҳам чўзилиб ётган Миттивойнинг қаравотини кўрсатди-да:

— Келинг, аввал Миттивойни уйғотайлик-чи!— деди.

Шу пайт ёнгинасида турган Миттивойга кўзи тушиб, хангу манг бўлиб қолди.

— Модомики, кўриб турган эканман, демак, у ўрнидан турибди-да,— деб минғиллади Юлиус амаки,— унда қаравотда ухлаб ётган ким бўлди?

Бок хоним бир сесканиб тушди. У, қаравотда ким, тўғрироғи, нима ётганини биларди-да. Ўғрилар олдида у фариштадек гап эди.

— Даҳшатли бир нарса,— деди у.— Қанчалик баҳайбатлигини сиз тасаввур ҳам этолмайсиз! Худди эртақлар оламидан кириб келгандай.

Юлиус амакининг кўзлари чарақлаб кетди. У ҳечам қўрқмади, аксинча, адёл тагида ётган «ўша даҳшатли нарсани» дўстона шапиллатиб уриб қўйди.

— Қандайдир баҳайбат, семиз, эртақлар оламидан келган бир нима дедингизми? Афсонавий махлуқ! Йўқ, мен уни хозирок кўришим керак, ўғрилар билан кейинроқ шуғулланамиз.

У шундай деди-да, ёпқични шартта сидириб ташлади.

— Хи-хи!— деб чийиллади Карлсон ва юзлари гул-гул ёниб қаравотда туриб ўтирди.— Бу ерда афсонавий махлуқни эмас, бор-йўғи мени топганлигинг қандай яхши бўлди-я! Бу қандай хурсандчилик-а, тўғрими?

Бок хоним Карлсонга аччиқ таъна аралаш қараб қўйди.

— Кечаси ҳаммамизни лақиллатган ҳам шуми? — деб сўради Юлиус амаки хафа бўлиб.

— Шунакага ўхшайди. Сал кўлим бўшасин, адабини бериб кўяман,— деди Бок хоним. Кейин у ниманидир эслади шекилли, Юлиус амакининг кўлини кўркув аралаш ушлаб кўйди.— Азизим, жаноби Иенсен, ахир, биз полицияга телефон қилишимиз керак-ку.

Лекин шу пайт сира кутилмаган воқеа юз берди.

Гардеробдан шивирлаган овоз эшитилди:

— Қонун номидан талаб қиламиз, эшикни очинг! Биз полицияданмиз.

Бок хоним, Юлиус амаки ва Миттвой саросимага тушиб қолишди. Биргина Карлсон ҳечам ажабланмади, аксинча, жуда жажли чиқиб кетди.

— Полицияданмиз? Бу гапларни бошқа бировга гапиринг, ман-фур ўғрилар!

Шу пайт Филле гардероб ичидан туриб: «Бу ерга хавфли жосусни ушлагани келган полициячиларни тутиб қолганларинг учун катта жарима тўлайсизлар», деб кичкирди... «Жуда устомон экан-а, гапни бу томонга буриб юборди-я»,— деб ўйлади Миттвой.

— Илтмос, очинглар, шкафни тезроқ очинглар, ҳаммаси жойида бўлади!— кичкирди Филле.

Юлиус амаки ишониб, шкаф эшигини очди. Филле билан Рулле гардеробдан чиқишди, уларнинг кўриниши, туриш-турмуши шундай шубҳали эдики, буни кўриб Юлиус амаки билан Бок хонимнинг эҳсонларини чиқиб кетди.

— Полицияданмиз, дедингларми?— деб такрор сўради Юлиус амаки, шубҳаланиб.— Хўш, унда нега формада эмассизлар?

— Сабаби, биз яширин полициянинг махфий ходимларимиз,— деди Рулле.— Биз бу ерга уни олиб кетгани келганмиз,— деб кўшиб кўйди Филле ва шартта Карлсоннинг кўлидан ушлади.— Бу жуда хавфли жосус.

Бу гапни эшитиб Бок хоним қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Жосус!— Шу — жосусми! Шу-я! Ха-ха-ха! Ана хангомаю мана хангома! Бу ярамас бола — Миттвойнинг мактабдош ўртоғи.

Карлсон каравотдан сапчиб турди.

— Яна синфда биринчи ўқувчиман!— деб у гапни илиб кетди.— Биринчи ўқувчиман, чунки кулоқларимни кимирлата оламан. Яна кўшишни ҳам биламан.

Лекин Филле унинг гапларига ишонмади. У қўл кишанни олди-да, секин Карлсон томон юра бошлади. У жуда яқин келганида Карлсон ўзининг қалта семиз оёқчалари билан Филле томонга пилдираб кетди. Филле жаҳл билан алланамалар деб пўнғиллади-да, бетоқат бўлиб, бир оёғида сакрай бошлади.

— Билиб қўй, бирор жойингни уриб кўкартираман,— деб огоҳлантирди Карлсон. Миттвой эса, ўғриларнинг доим ҳамма жойи кўкариб юради, деб ўйлади. Гап шундаки, Филленинг чап кўзи шишиб, кўм-кўк кўкариб кетганди.

«Қилмишларига яраша жазоларини олишсин-да,— деган фикрга келди Миттвой.— Ахир, у буларнинг уйига бостириб кирди-ю, мана энди Карлсонни, унинг Карлсонини олиб кетиб, ўн минг кронга со-

тишмоқчи. Разил ўғрилар, майли, бутун аъзойи баданлари момата-лоқ бўлиб юрсин».

— Улар полициячилар эмас, бу ёлғон,— деди у.— Улар ўғрилар, мен уларни танийман.

Юлиус амаки хаёлга чўмиб, елкасини қашиб кўйди.

— Ҳа, биз худди шуни аниқлашимиз керак,— деди у.

У, буларнинг кимлиги — полициячиларми ё ўғриларми эканлиги аниқланмагунча ҳаммаларини ошхонада ўтириб туришни таклиф қилди.

Бу орада ҳаммаёқ ёришиб кетди. Ҳаттоки осмондаги юлдузлар ҳам хиралашди. Янги кун бошланаётганди. Миттивой эса Филле билан Рулленинг сафсатасини эшитишдан кўра, ўринга ётиб, мири-киб ухлашни истарди, ҳозир кўнглига бошқа ҳеч нима сиғмасди.

— Бизнинг Вазастанда учар-жосус пайдо бўлганлигини наҳотки газетадан ўқимаган бўлсангиз?— деб сўради Рулле ва чўнтагидан букланган газетани олди.

Лекин бу мақола Юлиус амакини шубҳалантирди.

— Газетада ёзилган бемаъни, бўлмағур гапларнинг ҳаммасига ишонавериш керак эмас,— деди у.— Лекин мен яна бир бор ўқиб чиқишга тайёрман. Шошманг, ҳозир кўзойнагимни олиб чиқай.

У хонасига кириб кетди-ю, лекин ўша заҳоти дарғазаб бўлиб қайтиб чиқди.

— Бунақа полициячилардан ўргилдим!— деб ўшқирди.— Ҳам ёним билан соатимни ўғирлашибди-ю! Марҳамат қилиб, ҳамма нарсамни ҳозирок қайтариб берсангиз!

Лекин энди Филле билан Рулленинг ҳам жаҳли чиқиб кетди.

— Полициячиларни соат билан ҳамёнини ўғирлашда айблаш хавфли,— деди Рулле.

— Нима, шуни ҳам билмайсизми?— деб сўради Филле.— Полицияга тўхмат қилганингиз учун қамалиб кетишингиз ҳам ҳеч гап эмас. Балки, бу нарсалардан хабарингиз йўқдир?

Бирдан Карлсоннинг юзи ўзгарди-ю, худди Юлиус амакидай ўшқирди, буни устига уни итариб юборди. Қони қайнаб кетганлиги шундай юзидан билиниб турарди.

— Хўш, карамель солинган халтачам-чи?— деб ўшқирди у.— Уни ким олди?

Филле унга ғазаб билан тикилди.

— Нима, бунда ҳам бизни айбдор қиялсанми?

— Йўқ, мен эсимни еганим йўқ,— деди Карлсон.— Тўхмат — бу жиддий гап. Лекин мен бир нарсани айтиб қўйишим керак: агар халтачани олган бўлсангизу ҳозирок қайтариб бермасангиз, бошқа кўзингни ҳам кўкартириб қўяман.

Миттивой шоша-пиша чўнтагидан халтачани олди.

— Мана, конфетларинг,— деди у халтачани Карлсонга узатар-кан.— Мен уни сенга бергани олувдим.

Бу орада гапга Филле аралашди:

— Ҳа, ҳаммаси тушунарли! Ўзларингни айбларингни бизларга тўнкамоқчимисизлар. Йўқ, бунақаси кетмайди.

Шу пайтгача жим ўтирган Бок хоним ортиқ чидаёлмай, ўз муло-ҳазаларини айтгиси келди.



— Соат билан ҳамённи ким ўғирлагани менга аён. Унинг қиладиган иши шу, бир қарасанг, булочка ўғирлайди, бир қарасанг, куймоқ, хуллас, қўлига илинган нарсани қўймайди.

У шундай деб Қарлсонни кўрсатди, Қарлсоннинг жаҳли чикиб кетди.

— Хой, менга кара!— деб ўшқирди у.— Бу, ахир тухмат-ку, ахир, тухмат учун жавоб беришади, нима, шуни ҳам билмайсанми?

Лекин Бок хоним Қарлсондан тескари ўгирилиб олди. У Юлиус амаки билан жиддий гаплашиб олиши керак эди. Унинг фикрича, бу жаноблар махфий полициядан бўлишлари ҳам мумкин эди. Шунинг учун ҳам уларнинг кўринишлари жуда ғалати, яна жуда ёмон кийинишган. Бок хоним, ҳамма ўғрилар ҳам жулдур-жулдур кийимда юришади, деб ўйларди, ахир, у ҳақиқий кулфбузар ўғрини ҳеч қачон кўрмаган-да.

Филле билан Руллега дарров жон кирди. Филле, бу аёлнинг донолигини, дилбарлигини кўришим биланоқ сездим, танишганимдан жуда хурсандман, омадим бор экан, деди. У далда берармикин, дегандай Юлиус амакига бир неча бор мурожаат қилди.

— Жуда ажойиб аёл-а, бунақалар кам топилади, тўғри эмасми? Наҳотки, сиз бошқа фикрда бўлсангиз?

Бу хусусда Юлиус амакининг илгари қандай фикрда бўлганлиги маълум эмас-ку, лекин ҳозир Филленинг фикрига қўшилишга мажбур эди. Бок хоним эса бу мактов гаплардан хижолат бўлиб ерга қараб, кизарарди.

— Ҳа, шакилдоқ илондай кам учрайдиган аёл,— деб тўнғиллади Қарлсон.

У бурчақда Миттивойнинг ёнида ўтириб, карамелни устма-уст оғзига солиб, қарсиллатиб чайнагани бутун хонага эшитилиб турарди. Халтача бўшаганидан кейингина у ўрнидан сапчиб турди-да, хонада у ёқдан-бу ёққа сакрай бошлади. Бир қарашда, у ўйнаётгандай туюларди, лекин аслида мана шундай бемаъни сакрашлар ёрдамида Филле билан Рулле ўтирган стулларга аста-секин яқинлашиб олди.

— Сиздай беназир аёлни яна бир бор кўришни истардик,— деб бўш келмасди Филле. Бок хоним эса баттар қизариб, хижолатдан бошини кўтаролмасди.

— Ҳа, албатта, албатта, Бок хоним топилмас, ажойиб аёл,— деб унинг фикрига қўшилди Юлиус амаки,— лекин мен, ҳар ҳолда, соатим билан ҳамёнимни ким олганини билишни истардим.

Филле билан Рулле гўё унинг бу гапларини эшитмагандай бепарво туришарди. Филле Бок хонимга шундай махлиё бўлиб колганидан, бошқа ҳеч нарса билан иши бўлмай қолди.

— Кўриниши ҳам дилбар, тўғри эмасми, Рулле?— деди Филле секин, лекин Бок хоним эшитадиган қилиб.— Кўзлари чиройли... бурни-чи, бурнини айтмайсанми, бунақа бурун ҳар қандай ҳавода ҳам ҳуснини йўқотмайди, тўғрими, Рулле?

Бу гапни эшитиб Бок хоним ўтирган жойидан сапчиб турди, кўзлари олайиб кетди.

— Нима?— деб бақирди у.— Нима дедингиз?

Филле довираб қолди.

— Мен факат шуни айтмокчи эдимки...— деб гўлдиради, лекин Бок хоним уни гапиртирмади.

— Ишончим комилки, бу Филипп,— деди у. Шунда бирдан Бок хоним Миттивойнинг назарида Онажонисига ўхшаб кетди.

Филле мот бўлди.

— Сиз қаёқдан биласиз? Нима, менинг ҳақимда эшитганмидингиз?

Бок хоним истехзоли жилмайиб, бош ирғади.

— Бизнинг тўғримизда бирор гап эшитганмисиз, деб сўраяпсизлар-а? Бўлмасам-чи, гапимга ишонаверинг! Унинг исми, хойна-хой, Рудольф бўлса керак-а, шундайми?— деб қўшиб қўйди ва қўли билан Руллени кўрсатди.

— Қизик. Хўш, қаёқдан билдингиз? Балки, танишларимизни танирсиз?— деб сўради Филле, оғзи қулоғига етиб, яйраб куларкан.

Бок хоним яна масхараомуз илжайиб, бош ирғади.

— Ха, бўлса бордир. Фрейгатенлик Фрида Бок хоним. Сиз уни танийсиз шекилли? Унинг ҳам бурни жуда чиройли, ҳар қандай хавода ҳам хусини йўкотмайди, худди меникидай-а, шундайми?

Кўриниб турибди, Филле бурунларни таърифлайман деб қовун тушириб қўйганини сезди-ю, дарров тумшайиб олди. Бу ҳам гапми, бу ердан тезроқ жуфтакни ростлашни истаб қолди, афтидан, Рулле ҳам бу ерда кўп ўтирмакчи эмасди. Лекин уларнинг орқасида Карлсон турарди. Сира кутилмагандан ванғиллаб ўқ узилди. Филле билан Рулле кўрққанларидан ўринларидан сапчиб туриб кетишди.

— Отмагин!— деб бакирди Филле, чунки Карлсон кўрсаткич бармоғини унинг орқасига санчиб турарди, у бўлса, буни тўппончанинг оғзи деб ўйлади.

— Қани ҳамён билан соатни буёққа олиб қўйинглар!— деб буюрди Карлсон.— Йўкса, шартта отаман.

Филле билан Рулле чўнтаklarини асабий титкилай бошладилар, орадан бир зум ўтар-ўтмас соат ва ҳамён Юлиус амакининг тиззасида пайдо бўлди.

— Вой, ярамас-эй!— деб бакирди Филле, сўнгра Рулле иккови даҳлизга яшин тезлигида отилиб чикиб кетди. Уларни ҳеч ким тўхтатиб қолмади, эшикни шарақлатиб ёпишди-да, кўздан ғойиб бўлишди.

Биринчи бўлиб Бок хоним ўзига келди-ю, орқаларидан кетма-кет чопиб чикди. У майдончада туриб, зинадан пастга орқа-олдига карамай чопиб тушаётган ўғрилар орқасидан кичкирди:

— Гапимга ишонавер, Фрида бу воқеалардан албатта хабар топади! У жуда хурсанд бўладиган бўлди-да.

Бок хоним гўё уларни қувиб етмокчи бўлгандай, зинапоянинг бир неча поғонасидан сакраб тушди, кейин тўхтади-да, орқаларидан кичкириб қолди:

— Энди Фрейгатенга кадам босишни хаёлларингга келтирмаларинг, йўкса, қон тўкилади. Гапимни эшитяпсизларми?... Қон...

Филле ва Рулле билан бўлиб ўтган ўша тўс-тўполонли кечадан кейин Карлсон яна ҳам кеккайиб кетди.

«Жахондаги энг зўр Карлсон хузуригда!»— Миттивойни ҳар куни эрталаб мана шу кичкириқ уйғотарди. Бир зум ўтмай хонага Карлсон учиб кирарди. Ҳар куни эрталаб, қанчалик ўсганини билиш учун у биринчи навбатда тувақдан шафтоли данагини оларди, кейин ҳар доим Миттивойнинг столи тепасидаги эски ойна олдига борарди. Бу кичкина ойна эди, лекин ўзини яхшилаб кўриб олиш учун Карлсон унинг атрофида узоқ учиб юрарди. Лекин бу ишни бўлиб-бўлиб қилишга тўғри келди, чунки бутун гавдасининг акси ойнага сиғмасди.

У учиб юрар экан, димоғида қандайдир кўшиқни хиргойи қиларди, бу кўшиқда у ўзини, кўрган-кечирганларини қуйларди. «Жахондаги энг зўр Карлсон... хи-ти-ти-хи, ўн минг крон туради... У яна ўғриларни қўлга туширди, тўппончадан отди... Жуда ғалати ойна... Унда жахондаги энг зўр Карлсонни тўла-тўқислигича кўриб бўлмайди-я... Лекин нимаики кўринса, ўша чиройли... хи-ти-ти-хи... Ҳа, тобида семирган, ҳа, ҳа... Яна ҳар жихатдан яхши...»

Миттивой бу гапга кўшиларди. У ҳам Карлсон ҳар жихатдан яхши деб ҳисобларди. Энг қизиғи шундаки, Юлиус амаки ҳам бора-бора, аста-секин унга астойдил меҳр қўйди. Ахир, соат билан ҳамёнини унга Карлсон қайтариб олиб берди-да. Бу яхшилиқни Юлиус амаки тезда унутиб юборолмасди. Бок хоним эса, аксинча, доимо ундан жаҳли чиқиб юрарди, лекин Карлсон бунга парво қилмасди, унга овқатини вақтида бериб турса бўлгани эди, Бок хоним эса буни ҳеч қанда қилмасди.

«Агар менинг қорнимни тўйдиришмаса, мен мен бўлмай қоламан»,— деган эди бир марта Карлсон.

Бок хоним, Карлсоннинг кунда-шундалигини ёқтирмасди-ю, лекин ҳайдаб солишга ҳам ботинолмасди, чунки Миттивой билан Юлиус амаки унинг устида сув ўгириб ичишарди. Агар Карлсон айни овқатга ўтираётган пайтда келса, Бок хоним доим норози бўлиб мингилларди, лекин бирор чора кўришга ожиз эди. Карлсон ҳамма билан бирга овқатланарди.

Филле ва Рулле билан бўлиб ўтган ўша саргузаштли кечадан кейин у мунтазам учиб келадиган бўлди, гўё бу табиий бир нарсдай эди.

Карлсон ўша тундаги шўхликларидан бир оз чарчаган кўринади, чунки эртасига тушки овқат пайтида учиб келди. У Миттивойнинг хонасига учиб кирди-да, ошхонадан ниманинг ҳиди келяпти, дегандай дарров хидлай бошлади.

Миттивой ҳам ўша куни узоқ ухлади (у Бимбони ёнида бирга олиб ётди) — маълум бўлишича, бутун кечаси ўғрилар билан овора бўлгандан кейин дам олиш керак экан — у Карлсоннинг келиши олдидан уйғонди. Тўғрироғи, у ўзи уйғонгани йўқ, ошхонадан эшитилаётган қандайдир ғалати товушдан уйғониб кетди. Бок хоним у ёқдан-бу ёққа юриб, ашула айтарди. Баланд овозда айтарди. Миттивой илгарилари унинг ашула айтганини ҳечам эшитмаганди. Шунинг

учун ҳам ҳозир бас килса керак, деб ўйларди, чунки бу жуда дахшат эди. Қандайдир, тушунтириб бўлмайдиган сабабга кўра бугун Бок хонимнинг кайфи жуда чоғ эди. Эрталаб уйига, Фриданнинг олдига бориб келишга улгурганди, эхтимол худди шу нарса унинг кўнглини тоғдай кўтариб юборганди шекилли, овозининг борича ашула айта бошлаган. «Эҳ, Фрида, бу сенинг энг яхши...»— деб куйларди у, лекин Фрида учун энг яхши нарса нималигини Миттивой шу-шу билолмади, чунки Қарлсон ошхонага, унинг хузурига учиб кириб, бакирди:

— Жим бўл! Овозингни ўчир! Сен мана шундай бўкирганингда, одамлар, Қарлсон уни уряпти деб ўйлашлари мумкин.

Бок хоним жим бўлди-да, кош-ковоғи осилиб эскалопларни қовура бошлади. Юлиус амаки келганидан кейин ҳаммалари юмалок стол атрофига ўтиришиб, овқатланишди. «Ҳаммалари бирга ўтиришиб, ўша кечадаги воқеани муҳокама қилишяпти, ҳаммасига ҳам яхши»,— деб ўйлади Миттивой. Қарлсон ҳам тушликдан хурсанд бўлиб, Бок хонимни кўкларга кўтариб мактарди.

— Бугун бир итинг кетиб, эскалопларни бошлаб тайёрлабсан,— деди унинг кўнглини кўтариб.

Бок хоним тумтайиб олди. У фақат оғир хўрсинди-да, лабларини қимтиди.

Кичкина қолипчаларга қуйиб тайёрланган шоколад пудинг ҳам Қарлсонга маъкул бўлди. Миттивой ўз порциясидан бир қошиқ ейишга улгурмасиданок Қарлсон ўз порциясини бир ямлаб ютди-да, деди:

— Ҳа, пудинг зўр бўпти, шубҳасиз, лекин биламан, бундан икки барабар ширин нарса бор.

— Нима экан?— деб кизиқиб сўради Миттивой.

— Шунақа пудингдан иккитаси-да,— деб тушунтирди Қарлсон ва ўзига яна қуйиб олди. Бу демак Бок хоним ширинликсиз қолади, деган гап, чунки шоколад тўрт порция тайёрланганди-да.

Қарлсон Бок хонимнинг норози бўлиб қараганини сезиб, дўмбок кўрсаткич бармоғини кўтарди.

— Ахир, тушунсанг-чи, стол атрофида семиз одамлар ҳам ўтиришибди, улар албатта озишлари керак. Пайқадингми, улар икки кишидан кам эмас. Исmlарини айтиб ўтирмайман, ҳар ҳолда, мен эмасман, мана бу қилтирик ҳам эмас,— деди у ва бармоғи билан Миттивойни туртиб кўрсатди.

Бок хоним лабларини баттар қисиб, лом-мим демади. Миттивой Юлиус амакига хавотирланиб қараб қўйди, лекин у бу гапларни эшитмади, шекилли. У ҳамон алланималар деб минғилларди. Шаҳар полицияси жуда расво-да! У участкага телефон қилиб, бўлган воқеани гапириб берди, лекин унинг сўзлари уларда ҳеч қандай кизиқиш уйғотмади. Ўша кечаси яна 313 та уйга ўғри тушди, улар билан ҳам шуғулланишимиз керак, дейишди. Улар, фақат нима йўқолгани билан кизиқишди.

— Ўшандан кейин,— деб Юлиус амаки ўз хикоясини яна бир бошдан такрорлади,— ҳа, бир довьорак, ақлли бола шарофати билан ўғриллар уйдан қуруқ кетишга мажбур бўлишди, деб тушунтирдим.

Шундай деди-да, Юлиус амаки Қарлсонга, қойил килдинг, деган-

дай қараб кўйди, у бўлса хўроздай кўкрагини кериб, Бок хонимга голибона назар ташлади.

— Хўш, бунга нима дейсан? Жаҳондаги энг зўр Карлсон ўғриларни тўппонча билан кўрकिлади!— деб хитоб қилди у.

Тўғриси айтганда, бу тўппончадан Юлиус амаки ҳам кўрқиб кетди. У ўз нарсаларини қайтиб олганидан жуда хурсанд ва миннатдор эди, лекин, бари бир, у болалар отиш қуроли билан юрмаслиги керак, деб ҳисобларди, Филле билан Рулле қочиб кетишганидан кейин, Миттивой бунинг ўйинчоқ эканлигини Юлиус амакига тушунтиргунча она сути оғзига келди. Шундаям Юлиус амакининг бунга сира ишонгиси келмасди.

Тушки овқатдан кейин Юлиус амаки сигара олгани меҳмонхонага кириб кетди. Бок хоним столдан идиш-товоқларни йиғиштириб, юва бошлади, ҳатто Карлсон ҳам хозир унинг кайфиятини бузолмасди. «Эҳ, Фрида, бу сен учун энг яхши!..»— деб хиргойи қила бошлади. Лекин шу пайт у биронта ҳам сочиқ йўқлигини кўрди-ю, яна жаҳли чиқди

— Хайронман, бу сочиқларнинг ҳаммаси қаёққа йўқолибди-я,— деди у ва саросимада ошхонага кўз югуртириб чиқди.

— Мана мен, дунёда энг зўр сочиқ кидирувчи!— деб хитоб қилди Карлсон кўкрагига уриб.— Сен ундан яхшилаб илтимос қилсанг, Карлсон ақлини пешлаб кўрган бўларди, лекин мулойим сўраш сенинг қўлингдан келмайди-да!

Карлсон Миттивойнинг хонасига чопиб кирди-да, бир кучок сочиқни кўтариб чиқди. Сочиқлар кир-чир бўлиб, ғижимланиб кетганди. Буни кўриб Бок хонимнинг тепа сочи тикка бўлди.

— Бу сочиқларни қаерда бунчалик кир қилдинг?— деб ўшқирди у Карлсонга.

— Улар эртақлар оламига саёҳат қилишди,— деди Карлсон.

Шу тарика кунлар ўтаверди. Миттивой ойиси билан дадасидан откритка олди. Улар саёҳат жуда соз ўтаётганини, Миттивой ҳам вақтини хурсандчилик билан ўтказаетган ҳамда Юлиус амакию Бок хоним билан ҳам тинч-тотув яшаётган бўлса керак деган умиддамиз, дейишибди.

Хатда томда яшовчи Карлсон тўғрисида эсланмаганди, бу Карлсонни қаттиқ ранжитди.

— Уларга ўзим откритка ёзардим, лекин марка олишга беш эрем йўқ-да,— деди у.— «Гарчи сизларни менинг уй золимаси билан қанчалик тил топишганлигим мутлақо қизиқтирмасам ҳам,— деб ёзган бўлардим уларга,— шуни маълум қилиб қўяйки, муомаламиз яхши, чунки мен тўппончадан ўқ отиб, ўғриларни қувиб юбордим, уй золимаси йўқотган ҳамма сочиқларни топиб бердим».

Миттивой Карлсоннинг почта маркаси олиш учун беш эреси йўқлигидан бахтиёр эди. У, ойиси билан дадаси бундай откритка олмаслиги кераклигини тушунарди.

Миттивой ақчадонини аллақачон очиб ундаги бор пулини Карлсонга берган эди, бу пулларни эса дўсти тийинини ҳам қолдирмай сарфлаб бўлганди, энди бўлса жаҳли чиқарди.

— Бу қанақа бемаънилик,— деб тўнғилларди Карлсон,— ахир



нархим ўн минг крон турса-ю, ёнимда эса почта маркаси олиш учун ҳатто бир мирим ҳам бўлмаса! Сен нима дейсан, Юлиус амаки оёқларимдаги катта бармоқларимни сотиб олишга рози бўлмасмикин?

Миттивой, у ҳеч қачон рози бўлмайди, деди.

— Балки, рози бўлар? У менга жуда қойил қолиб юрибди-ю,— деб бўш келмасди Карлсон.

Лекин Миттивой сўзида каттиқ турди. Карлсон жаҳли чикди-да, томдаги ўз уйчасига учиб кетди ва Миттивой «тезроқ учиб келгин» деб икки марта сигнал берганидан кейингина қайтиб учиб келди, чунки овқатланадиган вақт бўлганди-да.

«Ойим билан дадам Юлиус амаки Бок хоним билан мураса қилиб яшаяптимикин, деб хавотир олишяпти шекилли, чунки бу хусусда махсус ёзишяпти-ку,— деб ўйлади Миттивой,— лекин улар беҳудага безовта бўлишяпти. Юлиус амаки ва Бок хоним бир-бирлари билан жуда апоқ-чапоқ». Миттивой буни ҳар куни сезиб-билиб турарди, улар бир-бирлари билан бажонидил гаплашишарди. Улар кўпинча меҳмонхонада узоқ ўтириб қолишарди, Юлиус амаки эртақлар олами тўғрисида нималарнидир тинимсиз гапирарди, Бок хоним унга қулиб туриб, хушмуомалалик билан жавоб қилардики, Миттивой, шу ўзимизнинг Бок хонимми, деб танимай қоларди.

Бора-бора Карлсонда ҳатто қандайдир шубҳалар туғила бошлади. Бу Бок хоним меҳмонхона эшигини ёпиб оладиган ўша кундан пайдо бўлганди. Гап шундаки, икки ёққа суриладиган бу эшикдан Свантесонлар ҳеч қачон фойдаланишмасди, меҳмонхонани дахлиздан фақат пардаларгина ажратиб турарди. Мана энди, Бок хоним бирдан негадир ўша эшикни бекитадиган бўлиб қолди. Мабодо, хонага Карлсон кириб қолгудай бўлса, Юлиус амаки, болалар бошқа жойда ўйнашлари керак, бизлар қаҳвамизни бемалол, хотиржам ўтириб ичмоқчимиз, деб уни ҳайдагудек қилиб чиқариб юборарди.

— Менинг ҳам қаҳва ичгим бор,— дерди Карлсон хуноб бўлиб,— менга тезроқ қаҳва қуйиб, сигарангиздан чектиринг, сизлар билан бирпас ўтираман!

Лекин Юлиус амаки уни ўша захотиёқ хонадан чиқариб юборди. Бок хоним эса яйраб қуларди. Ниҳоят унинг қўли баланд келди-я.

— Мен бунга ортик чидаёлмайман!— деди бир куни Карлсон.— Уларнинг адабини бериб қўяман.

Эртасига эрталаб, Юлиус амаки докторга кўрингани, Бок хоним салака харид қилгани бозорга кетганида Карлсон қўлида катта парма билан унинг хонасига кирди. Миттивой бу пармани илгарилари ҳам кўрганди: у томдаги уйнинг деворида осиглик турарди, нега энди Карлсон уни бу ерга олиб келганини Миттивой жуда жуда билгиси келарди. Лекин шу пайт почта яшигига нимадир ташлашди, Миттивой уни олгани дахлизга чопиб чикиб кетди. Иккита откритка келганди, биттаси Босседан, бошқаси Бетандан. Миттивой қувончи ичига сиймай, уларни қайта-қайта ўқиб чиқди, хуллас, бу ўқишни тугатганда Карлсон ҳам ўз ишини қилиб бўлган экан: у меҳмонхона эшигини пармалаб катта тешик очибди.

— Нима қилиб қўйдинг, Карлсон!— деб бақирди Миттивой қўрқув ичида.— Ахир, эшикларда ҳам тешиклар очишадими?.. Нега бундай қилдинг?

— Нега бўларкан? Уларнинг хонада нима ишлар қилишини кўриш учун-да!— деб жавоб берди Карлсон.

— Ахир, уялмайсанми! Тешикдан мўралаш ифлослик, дейди ойим.

— Сенинг ойинг жуда доно аёл. У мутлақо ҳақ. Қулф тешиги кўзлар эмас, калит учун ишланган-да. Лекин бу ахир қулф тешиги эмас, балки кичкина кўзча-ю. Кўзчани эса кўзлар учун қилишадди-да, ахир, бу сўзнинг маъносидан ҳам кўриниб турибди-ю. Хўш, энди нима деб эътироз билдира оласан?

Миттивой жўяли жавоб беролмади.

Бу пайт Карлсон оғзидаги сақичини олди-да, кўринмасин, деб кўзчани сақич билан беркитиб қўйди.

— Хой-хўп!— деб хитоб қилди.— Хурсандчилик қилмаганимизга ҳам анча бўлди-я, лекин сўз бераманки, бугун кечамиз хушчақчақ ўтади, ҳечам зерикмаймиз.

Карлсон пармани кўлига олиб учишга ҳозирланди.

— Менинг қиладиган яна бир ишим бор,— деб тушунтирди.— Лекин салакага етиб келаман.

— Нима иш экан?— деб сўради Миттивой.

— Арзимаган иш, ақалли маркага етадиган пул тушади-ю,— деди Карлсон ва учиб кетди.

Лекин салакани дудлай бошлаганларида Карлсон қайтиб келиб, куни билан кайфи чоғ бўлиб юрди. У чўнтагидан беш эрелик тангани олди-да, уни Бок хонимга узатди.

— Бу сенга мукофот ўрнида,— деди у.— Ўзингга бирор безак сотиб оларсан: маржонми ёки бошқа бирор нарсами!

Бок хоним тангани жаҳл билан отиб юборди.

— Мен сенга безакни кўрсатиб қўяман!— деб ўшқирди, лекин шу пайт Юлиус амаки кириб қолди-ю, Бок хонимнинг овози тинди.

— Қарагин-а, эртақлар ишқибози келиши билан у ипакдай мулойим бўлиб қолади-я!— деб шивирлади Карлсон Миттивойга.

Бок хоним билан Юлиус амаки одатдагидай, қарама-қарши ўтириб олиб қаҳва ичгани меҳмонхонага кириб кетишди.

— Мана энди, уларнинг уёқда нима иш қилишларини кўрсак бўлади,— деди Карлсон.— Мен у билан тил топишишга сўнги бор уриниб кўрдим, лекин у менга қарши уруш эълон қилди. Нима ҳам дердик, унинг попугини пасайтириш ва тийиш билан яна бир бор шуғулланишга тўғри келади. Энди мenden шафқат қутмасин!

Карлсоннинг кўкрак чўнтагидан сигара олганини кўриб, Миттивой хангу манг бўлиб қолди. У гугурт чақиб, сигарасини тутатди-да, меҳмонхона эшигини тақиллатди. Ҳеч ким: «Марҳамат», деб чақирмади, лекин, бари бир, у сигарасини буруқсатиб, бетакаллуф кириб борди.

— Кечирасиз, бу чекиш хонаси шекилли,— деди у викор билан.— Демак, бу ерда сигарамни чекиб тамомласам бўларкан-да.

Юлиус амаки дарғазаб бўлди. У Карлсоннинг сигарасини шартта юлиб олди-да, иккига бўлиб ташлади, агар чекканингни яна бир бор кўрсам, шундай адабингни берайки, бир умр эсингдан чикмайдиган бўлади, деди. Хатто Миттивой билан ўйнашга ҳам ортик рухсат бермайман, деб дағдаға қилди.

Карлсон хафа бўлиб, лабларини чўччайтирди, кўзлари жикка ёшга тўлганди, у аламига чидаёлмай оёғи билан Юлиус амакини секин тепиб қўйди.

— Икковимиз анча апок-чапок бўлиб қолувдиг-а, ярамас Юлиус амаки!— деб тўнғиллади ва дилозорига шундай ўқрайиб қарадики, Юлиус амаки тўғрисида қандай фикрда эканлиги аниқ-равшан эди.

Лекин Юлиус амаки уни ўша заҳоти хонадан чиқариб юборди-да, эшикни каттик ёпиб, кулфлаб қўйди. Умрида биринчи марта.

— Мана, ўзинг кўриб турибсан, буларни тиймасликнинг ҳеч иложи йўқ,— деди Карлсон Миттивойга.

У мушти билан эшикни яна тақиллатар экан, қичқирди:

— Ҳар ҳолда, мени яхши сигара билан меҳмон қиларсан, деб ўйлайман.

Кейин Карлсон қўлларини чўнтақларига солди-да, ниманидир шалдирата бошлади. Афтидан, тангалар бўлса керак. Ҳа, чинданам, чўнтақлари беш эрелик тангаларга лик тўла эди.

— Ҳа, омадим келди, бойиб қолдим,— деди у.

Миттивой ташвишга тушиб қолди.

— Шунча пулни қаёқдан олдинг?

Карлсон жавоб ўрнига сирли кўз қисиб қўйди.

— Буни фақат эртага биласан,— деди у.

Миттивой баттар безовта бўла бошлади. Ахир, Карлсон қаёқ-қадир учиб бориб келди-ку, ўша пулларни ўғирлаган бўлса-я! Ахир, унинг бу иши Филле билан Рулленинг қилган ишидан яхши эмас-ку, Ҳа, бунинг олмаларни кўшишдан ҳеч яхши жойи йўғ-у, ўзи мақтангандай кўшишга устаси фаранг. Миттивой каттик ҳаяжонланганидан нима қиларини билмай қолди. Лекин ҳозир бу ҳақда ўйлаб ўтиришга вақт йўқ эди, чунки Карлсон эшик тешигидан сакични секин, эҳтиётлик билан чиқариб олди.

— Ҳа, айб ўзларингда!— деди у ва бир кўзини тешикка тутди. Лекин, гўё даҳшатли бир нарсани кўргандай, ўша заҳоти орқасига ташланди.— Бу нима расвогарчилик!— деди Карлсон қони қайнаб.

— Улар нима қилишяпти?— Миттивой ҳам билишни жуда истарди.

— Менам шуни билмоқчи эдим, лекин улар ғойиб бўлишди.

Юлиус амаки билан Бок хоним одатда кичкина диванчада ўтиришарди, уни тешикдан бемалол кўрса бўларди. Карлсон оғзида сигараси билан хонага кирганида улар шу диванчада ўтиришганди. Лекин ҳозир улар у ерда йўқ эди. Миттивой тешикдан қараб ўзи ҳам бунга ишонч ҳосил қилди. Афтидан, улар дераза олдидаги диванга ўтиб ўтиришган бўлса керак, бу Карлсоннинг фикрича ўтакетган разидлик, ҳатто маккорлик эди. Жиндек виждони бор одамлар, деб ишонтирмоқчи бўларди Карлсон, доимо шундай ўтиришадик, уларни кулф тешигидан ёки кўзчадан бемалол кўрса бўлади.

Бечора Карлсон! У даҳлиздаги стулга ўтирганича, бир нуқтага ғамгин тикилиб қолди. У бу гал аниқ ютқазганди. Унинг кўзча ҳақидаги ажойиб ғояси бемаъни бир нарса бўлиб чикди: бу оғир зарба эди.

— Қетдик,— деди у ниҳоят.— Юр, хонангни бир титкилаб кў-

райлик-чи, эҳтимол, қақир-кукурлар орасидан тийиш учун бирор асбоб топармиз.

Карлсон Миттивойнинг қутиларини узоқ титкилади, лекин кидирган нарсаси ҳадеганда кўзига тушавермади. Бир пайт у хурсанд бўлганидан ҳуштак чалиб юборди-да, узун шиша найчани олди, Миттивой бу найча оркали нўхат отарди.

— Тийиш учун ажойиб асбоб!— деб бақирди Карлсон.— Қани энди яна бирон-бир нарса топсак, зўр бўларди-да!

У яна бир ажойиб нарса топди — ҳаво шарни, уни истаганча пуфлаб катта қилиш мумкин эди.

— Хой-хўп!..— деб хитоб қилди Карлсон, у шарчани найчага боғлаётганда дўмбоқ кўлчалари сабрсизлик билан калтирарди. Кейин у найчани лабига тутиб, шарни пуфлаб шиширди, сарик шардаги қора бўёқ билан чизилган чехранинг аста-секин жуда катталашиб бораётганини кўриб севинчдан бақириб юборди.

— Бу билан чолларни тасвирлаш мумкин,— деди Миттивой.

— Ҳа, бунинг ёрдамида истаган нарсангни тасвирлаш мумкин,— деб уни ишонтирди Карлсон, кейин яна шарчадан ҳаво чиқарди.— Энг муҳими, бунинг ёрдамида бошлаб тийиш мумкин.

Хуллас, иш юришиб кетди. Жуда қойилмаком бўлди, лекин Миттивой хахолаб қуламан деб, сал бўлмаса ишни бузиб қўяй деди.

— Хой-хўп,— деб шивирлади Карлсон ва шиша найчага бойланган ҳаво шарчасини эҳтиётлик билан тешикчага тикди. Сўнгра найчага кучининг борича пуфлади, Миттивой эса ёнида туриб, ичаги узилгудай бўлиб қуларди. У дераза олдидаги диванда ўтиришган Юлиус амаки билан Бок хонимнинг бирдан, шундай кўзлари олдида, нимқоронғида аллақандай чолнинг ойга ўхшаш юм-юмалок юзи худди пуфакдек пайдо бўлиб, тобора каттайишини кўришларини ўзича тасаввур қилди. Миттивой, бунинг қанчалик дахшатли бўлишини фаҳмларди.

— Худди ажинага ўхшаб увиллаш керак,— деди Карлсон.— Хозирча сен пуфлаб тур, шарчанинг дами қиқиб кетмасин.

Миттивой пуфлай бошлади. Карлсон эса зўр бериб ингранар, ух тортарди. Афтидан, меҳмонхонани ичидан беркитиб ўтиришган ўша икки одам бу инграшларни эшитиб, ойга ўхшаган чолни кўришган бўлишса керак, ҳар ҳолда ичкаридан қийқирик эшитилди. Карлсон худди шундай бўлишини кутганди.

— Улар бақирисяпти,— деди Карлсон хурсанд бўлиб ва шу заҳоти қўшиб қўйди:— Энди энг муҳими — буёғини бўшаштирмаслик керак.

У шундай деди-да, яна шарчанинг дамини қиқара бошлади. Паст ва сирли ҳуштаксимон овоз эшитилди, шаффоф чол эриб кетганидан кейин Карлсон дами чиқарилган резина шарчани найчаси билан тешикчадан чаққон чиқариб олди-да, яна тешикчани сақич билан беркитиб ташлади, ўзи бўлса худди қирпидай юмалаб-юмалаб дастурхон ёпилган стол тагига, боя ўғрилари кутиб, яширинган ўша стол тагига кириб кетди. Миттивой унинг орқасидан бориб яширинишга аранг улгурди-ю, шу заҳоти қулф шақиллаб, эшик қия очилди-да, Бок хоним бошини чиқариб дахлизга мўралади.

— Менимча, болалар бўлса керак, — деди у. Лекин унинг оркасида турган Юлиус амаки бошқача фикрда эди.

— Сенга неча бор айтдим-ку, биз эртақлар оламида, сирли бир оламда яшаймиз деб. Афсонавий махлуқлар ёпик эшиклар, деворлар орасидан ҳам бемалол ўтишаверади, сен бўлсанг, буни тушунгинг келмаяпти!

Бок хоним тақдирга тан бериб, агар яхшилаб ўйлаб кўрсам, бу нарсаларни тушунаман, албатта, деди итоатгўйлик билан. Лекин у бу афсонавий махлуқларнинг Юлиус амаки билан қаҳва ичишларига ҳалақит беришларини сира-сира истамасди, шунинг учун Юлиус амакини қайтадан меҳмонхонага бошлаб олиб кириб кетди. Карлсон ҳам, Миттивой ҳам яна ёпик эшик оркасида қолишди. «Тешикдан қарашнинг ҳам ҳеч кизиғи йўқ», — деб ўйлади Миттивой. Карлсон ҳам шу фикрда эди. Ҳа, буни қаранг-а, Карлсон ҳам шундай деб ҳисобляпти.

Шу пайт, бахтларига, телефон жириглаб қолди. Қандайдир аёл овози Бок хонимни сўради. Миттивой, Фрейгатендан Фрида телефон қилаётганини фаҳмладию жуда севиниб кетди. Энди унинг Бок хонимга ҳалақит беришга тўла ҳаққи бор эди, гарчи у аслида яхши бола бўлса ҳам, бу ишни бажонидил қилди.

— Бок хоним, сизни телефонга чақиришяпти! — деб кичкирди у ва меҳмонхона эшигини гурсиллатиб урди.

Лекин фойдаси бўлмади.

— Банд эканлар, деб айт! — деб кичкирди Бок хоним ёпик эшик оркасидан. Фрида ҳам Бок хонимнинг Юлиус амаки билан танҳо ўтиришларига ҳалақит беришга афсонавий махлуқларга ўхшаб ожизлик қиларди.

Миттивой телефон олдига қайтиб келди-да, Бок хоним келолмас экан, деди. Лекин Фрида, опасининг ҳозир нима билан машғул эканлигини, нега энди телефонга келолмаслигининг сабабини жуда-жуда билгиси келарди, шунинг учун ҳам Миттивойни саволга кўмиб ташлади. Сира бўлмагач, Миттивой ахийри шундай деди:

— Яхшиси, ўзингиз эртага сўраб биларсиз.

У телефон трубкасини жойига қўйди-да, Карлсон нима қилаётганикин, деб атрофига қаради. Лекин Карлсон ҳеч қаерда йўқ эди. Миттивойнинг қидирмаган жойи қолмади, ахийри ошхонага югурди. У ланг очик дераза олдига келди-да, дераза тоқчасида ғалати бир махлуқни кўрди. У ерда ойисининг севимли супургисини аллақандай сирли махлуқ от қилиб миниб олиб, учишга тайёр турарди. Гарчи бу махлуқ кўринишда кичкина ажинага ўхшаса ҳам, аслида у Карлсон эди: юзига қора суртилган, бошида рўмол, елкасида эса алвастилар ёпинчиғи — ойисининг катта гулдор пешбанди хилпирарди.

— Менга қара, Карлсон, — деди Миттивой кўркиб, — учиб юргангни Юлиус амаки кўрмаслиги керак!

— Мен Карлсон эмасман, — деди Карлсон бўғиқ овозда, — мен ажинаман, дунёдаги энг баджаҳл, энг даҳшатли ажинаман.

— Вой! — деб кичкириб юборди Миттивой.

— Ҳа, ҳа, мен эртақлар оламидан келган энг хавfli махлуқ-



ман,— деб бўш келмасди Карлсон.— Мени кўрганда ҳамманинг сочи тикка бўлиб кетади.

Ажина июнь окшомининг ғира-шира коронғилигида учиб юрарди. Миттивой унинг орқасидан нима қилишини билмай қараб турарди. Кейин у Боссенинг хонасига чошиб кирди, чунки унинг деразаси ҳам меҳмонхона деразаси билан бир томонда эди.

Ажина Миттивойни кўриб илжайди-да, қўлини силкитди.— ҳа, бу айна муддао бўлди, чунки Миттивойга, бу ҳақиқий ажина бўлиб туюла бошлаганди — сўнгра ажина меҳмонхона ойнасидан мўралади. Бок хоним билан Юлиус амаки, афтидан, уни пайқашмади шекилли, чунки Миттивойнинг қулоғига уларнинг бир меъёрдаги ғўнғиллаши ҳамон эшитилиб турарди. Бирдан окшом сукунатини қаттиқ кичкирик бузди. Ажинанинг юракни эзадиган кичкириги эшитилди-ю (у бошқаларнинг эътиборини тортмоқчи эди), меҳмонхонадаги ғўнғиллаш шу заҳоти тинди.

Ажина эса Миттивой олдига қайтиб учиб келди-да, бошидаги рўмол билан эғнидаги ёпинчикни юлиб ташлади, юзидаги қурумни оппоқ дераза пардасига артди-ю, яна бояги-бояги Карлсонга айланди-қолди, супурги билан Боссенинг ажиналар қиядиган кийимини қаравот тагига улоқтирди.

— Рисолага тўғри келмайдиган ишлар-а?— деди Карлсон ва оғир хўрсиниб Миттивойни олдига келди.— Қарияларга ўзларини бундай тутишларини қонун йўли билан тақиқлаб қўйиш керак.

— Хўш, улар нима қилишаётганакан?— деб сўради Миттивой. Карлсон асабий бош чайқади.

— Юлиус амаки унинг қўлини ушлаб олган! Қўлини ушлаб ўтирибди! Ахир, бу қанақаси, уй дилозорининг қўлини ушласа-я, Хўш, сен бунга нима дейсан?

Карлсон гапларим қандай таъсир қилди, деб Миттивойга тикилди, у ўзича Миттивой ҳозир ҳайратдан ҳушидан кетиб қолса керак, деб ўйлаганди, лекин кутгани бўлмагандан кейин Карлсон ўшқирди:

— Нима, гапларимни эшитмаяпсанми? Бир-бирларининг қўлини ушлаб ўтиришибди-я! Тавба, дунёда шундай тентаклар ҳам бўларкан-да!

### ДУНЕДАГИ ЭНГ БАДАВЛАТ ҚАРЛСОН

Бу кунни Миттивой ҳеч қачон унутмайди. Унинг ўзи барвақт уйғонди: «Дунёдаги энг яхши Карлсон» уни уйғотгани учиб келмади. «Жуда ғалати-я»,— деб ўйлади Миттивой ва газета олиб келгани почта яшигига чошиб кетди. У Юлиус амаки қўлидан газетани тортиб олмасидан бурун ундаги ҳамма ёлғон-яшиқ гапларни ўқиб чиқишга улгурмоқчи эди.

Лекин у газетадан ҳеч қандай олди-қочди нарсаларни тополмади. Миттивой, умуман, ҳеч қачон газетанинг биринчи саҳифасидан нарига ўтолмасди. Лекин ҳозир бирдан унинг кўзи:

деган сарлавхага тушиб колди.

Бу сарлавха остида Вестерброн устида учиб юрган Карлсоннинг — ҳа, бу ерда хато бўлиши мумкин эмас — расми берилганди. Газетада унинг сурати ҳам босилганди. У савлат тўкиб турар ва кулимсираб парраги билан қорнидаги кнопкасини кўрсатарди.

Миттивой мақолани ўқий бошлади, ўқиб чиққанидан кейин эса йиғлаб юборди.

«Бугун редакциямизга ғалати бир одам келди. Бу чиройли, ақлли ва тобида семирган, айни куч-қувватга тўлган эркак — у ўзига ана шундай таъриф берди — келди-да, биз ваъда қилган ўн минг крон микдоридаги мукофотни унга топширишимизни талаб қилди. Бу одамнинг бизга тушунтиришича, Вазастан сирини бошқа биров эмас, айни унинг ўзи очолган, лекин мен ҳеч қандай жосус эмасман, гапимга ишонмасликка сизларда ҳеч қандай асос йўк, деди у бизга. «Мен фақат уй золимаси ҳамда амакига ўхшаган одамларнинг орқасидангина айғокчилик қиламан»,— деди у. Буларнинг ҳаммаси бачкана, беозор гаплардир, бизнинг фаҳмимизча, бу «жосус» оддий, семиз ўқувчи бола экан, бизни ишонтириб айтганидек, ўз синфида биринчи ўқувчи экан, лекин бу боланинг бир нарсаси борки, уни ҳар қандай ёш бола ҳам ишлата олади, бу аслида кичкина моторча бўлиб, унинг ёрдамида учиш мумкин, ҳа, айтмоқчи, бунини суратдан ҳам кўрса бўлади. Боланинг гапига қараганда, моторча дунёдаги энг зўр ихтирочи томонидан ишланган, лекин у, бу ҳақда батафсил гапириб беришдан бош тортди. Биз, ўша ихтирочи, агар ана шундай моторларни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйса, катта миллионер бўлиб кетарди десак, бола бу гапимизга шундай жавоб қилди: «Йўк, раҳмат, хавони учиб юривчи болалар билан ифлослантириш керак эмас, икковимиз — мен билан Миттивойнинг учиб юрганимиз етар».

Шу жойини ўқиганида Миттивой кулимсираб кўйди; «Ҳа, шуниси ҳам раҳмат, Карлсон бошқа биров билан эмас, фақат у билан учишни хоҳлабди-ю»,— кейин бир хўрсинди-да, ўқишда давом этди.

«Лекин шунини эътироф этиш керакки, бола одамда негадир ғалати таассурот қолдиради. У тинимсиз гапиради, саволларимизга қандайдир ғалати жавоб қайтаради, хатто исми-фамилиясини айтишни ҳам хоҳламади: «Менинг Ойижоним — мумиё, отам — гном»,— деди у охирида, шундан бошқа ҳеч нима билолмадик. У инглизчада унча-мунча гапиради, эҳтимол, отаси инглиздир, агар боланинг валдирашларидан тўғри англаган бўлсак, афтидан, отаси машҳур учувчи бўлиши керак. Учишга бўлган кизиқиш, ҳавас, хойнаҳой, отасидан ўглига ўтган. Бола, ваъда қилинган мукофотни олишга ҳаққим бор, деди. «Бу пулларни Филле билан Рулле ёки бошқа бир безори эмас, мен олишим керак»,— деди у. Ана шу пулларнинг ҳаммасини беш эрелик тангалар билан беришимизни илти-

мос кияпти, чунки унинг фикрича ўша эреларгина «ҳақиқий пуллар» экан. У олдимиздан чўнтакларини беш эрелик тангаларга тўлдириб чиқиб кетди. Тангаларнинг колганини замбилғалтакда олиб кетмоқчи. Редакция маълум қиладики, уларни истаган вақтида олиб кетиши мумкин. Гарчи гапларининг ҳаммасини ҳам тушунмаган бўлсак-да, суҳбатимиз анча қизиқарли бўлди. «Билиб кўйинглар, сизлар менга фақат тахминан тўладиларинг»,— бу унинг охириги сўзлари бўлди, шундан кейин у деразадан учиб чиқди-да, Вазастан томон йўл олди.

Бола, номи газетага тушишидан кўриб, исмини айтишдан бош тортди, «чунки Миттвой буни хоҳламайди» деди у, афтидан, укасини жуда яхши кўрадиганга ўхшайди, ҳар ҳолда, кишида шундай таассурот туғилади. Биз боланинг номини тўла айтолмаймиз, лекин ўқувчиларимизга шуни маълум қиламизки, исми «Карл» ҳижоси билан бошланиб «сон» ҳижоси билан тугайди. Модомики, киши газетада ўз исмининг босилишини хоҳламас экан, биз бу билан ҳисоблашишга мажбурмиз. Шунинг учун ҳам биз бутун мақола давомида уни «Карлсон» эмас, «бола» деб атадик, ҳолбуки, аслида ҳам унинг исми Карлсон».

— У укасини жуда яхши кўради,— деб минғиллаб ўкиди Миттвой ва яна хўрсиниб кўйди. Кейин дераза олдига келди-да, чилвирни каттик жаранглатди, бу Карлсонга «учиб кел» деган сигнал эди.

Ўша захоти Карлсон учиб келди. У хурсандлигидан гул-гул ёнарди.

— Газетада бирор қизик гап бор эканми?— деб сўради у одатдагидай тувакчадан шафтоли данагини қовлаб оларкан.— Агар чинданами қизик нарса бўлса, овозингни чиқариб ўки.

— Сенда ўзи уят деган нарса қолмабди,— деди Миттвой.— Ҳамма ишни расво қилганингни нахотки тушунмасанг. Энди иккови-мизни бир зум ҳам тинч кўйишмайди.

— Хўш, кимга тинчлик керак?— деб ҳайрон бўлиб сўради Карлсон ифлос қилган қўлларини Миттвойни пижамасига артаркан.— Доимо ўйин-кулги, хурсандчилик бўлиши керак, йўқса, мен ўйнамайман. Қани, энди ўқий қол!

Карлсон кичкина кўзгуда ўзини яхшилаб кўриш учун хонада айланиб учиб юрар экан, Миттвой мақолани овоз чиқариб ўқий бошлади. У «ҳаддан зиёда семиз» деган сўзларни, умуман, Карлсонни ранжитадиган жойларини тушириб қолдирди-да, колганини бошидан-охиригача ўқиб берди, Карлсон ўзида йўқ хурсанд эди.

— Ажойиб танишув — бу менинг ҳақимда. Ҳа, бу газетанинг ҳар бир сўзи ҳақиқат.

— «У укасини жуда яхши кўради»,— деб ўкиди Миттвой ва Карлсонга савол назари билан қаради.— Бу сўзлар ҳам ҳақиқатми?

Карлсон учишдан тўхтади-да, ўйланиб қолди.

— Ҳа, умуман, тўғрику-я,— деди у истар-истамас.— Қизик, сендай эсипаст болани яхши кўришнинг ўзи қизик! Ҳа, буларнинг ҳаммаси менинг меҳрибонлигимдан, чунки мен дунёдаги энг меҳрибон, энг ёқимтой одамман. Қани, давомини ўки.

Лекин Миттвойнинг ўпкаси тўлиб ўқиёлмади: демак, Карлсон-

нинг уни жуда яхши кўришлиги рост экан-да! Бошқаси билан қанча иши бор!

— Исминни газетада атамасликларини улардан илтимос қилиб яхши қилибманми, а?— деди Карлсон.— Мен буни фақат сен учун қилдим, ахир, сен мени сир, бутунлай сир сақламоқчисан-ку.

Кейин у газетани олди-да, унда босилган икки расмни ҳам хавас билан узок кўздан кечирди.

— Бу расмда қанчалик чиройлилигим кўринмай қолган-да,— деди у.— Тобида семирганлигим ҳам билинмайди, шундан ташвиш-даман, мана, кўргин-а!

У газетани Миттивойнинг бурни тагига тикди, лекин ўша заҳоти яна қайтиб олди-да, паррагини кўз-кўз қилаётган расмини чўлп-чўлп ўпа бошлади.

— Хой-хўп, ўзимни суратимни кўрганимда «ура!» деб қичқиргим келади.

Лекин Миттивой газетани унинг қўлидан тортиб олди.

— Ҳар ҳолда, Бок хоним билан Юлиус амаки уни кўрмаслиги керак,— деб тушунтирди у.— Бунга асло йўл кўйиш мумкин эмас.

У газетани бир неча бор буклади-да, стол тортмасининг ичкари-сига текиб қўйди. Орадан бир зум ўтар-ўтмас Юлиус амаки хонаси-нинг эшигини қия очди-да, сўради:

— Газета сендами, Миттивой?

Миттивой «йўк» дегандай бош чайкади.

— Йўк, менда эмас.

Чинданам газета унда эмас, стол тортмасида эди-да.

Ҳа, айтмоқчи, Юлиус амакининг ўша куни газетани одатдагидай ҳадеб сўраб-суриштирмагани жуда ғалати туюлди. Унинг ўй-фикр-лари, афтидан, бирор бошқа кўнгилли нарса билан банд бўлса керак, чунки бахтиёрлиги шундай юзидан кўринарди. Боз устига, у охири марта докторга бориши керак эди. Бир неча соатдан кейин у уйига, Вестергетландга жўнаб кетади.

Бок хоним унга буюмларини жойлаштиришга ёрдамлашарди. Миттивой билан Карлсон унинг йўл-йўлакай Юлиус амакига бераётган ўғитларини эшитиб қолишди: пальтонгизни устки тугмасини солиш эсингиздан чиқмасин, йўкса шамоллаб қолишингиз мумкин, кўчадан ўтаётганингизда эҳтиёт бўлинг, эрталаб, оч қоринга чекманг!

— Бу уй золимасининг ақл-фаросатини қара-я!— деди Карлсон.— У ўзини, хойнаҳой, унинг хотиниман деб тасаввур қилаётган бўлса керак-да!

Лекин ўша кун сира қутилмаган воқеаларга тўла бўлди. Юлиус амаки кетиши биланок Бок хоним телефонга ташланди. У шундай бакириб гапирдики, Миттивой билан Карлсон беихтиёр унинг ҳамма сўзларини эшитди.

— Алло! Фрида, бу сенмисан?— деди у шоша-пиша.— Хўш, чиройли бурунчангни аҳволи қалай?.. Биласанми, мен буни эшитдим, лекин сен бурним хусусида бошқа ташвиш тортмасанг бўлади, чунки мен уни Вестергетландга кетганимда ўзим билан бирга олиб кетмоқчиман... Ҳа, сал бўлмаса эсимдан чиқай дебди, мен Вестергетландга кўчиб ўтмоқчиман... Йўк, йўк, уй ходимаси сифатида эмас,

мен эрга тегяпман, гарчи шундай семиз бўлсам ҳам... Хўш, сен бунга нима дейсан? Ҳа, албатта, кимлигини билишга тўла ҳақкинг бор... Жаноби Юлиус Иенсенга, ҳа, шу одамга... ҳа, бу ҳақ гап, сен ҳозир Иенсен хоним билан гаплашяпсан, жонгинам Фрида... Ҳе, кўриб турибман, кўнглинг бузилиб кетди... йнглаяпсан... Кўй, кўй, Фрида, хафа бўлма, сен ҳам ҳали ўз тенгингни, яхши одамни учратасан... Мени кечиргин, сен билан ортиқча гаплашишга вақтим йўқ, ҳозир каллигим келиб қолади... Кейин ўзим яна телефон қиларман, Фридоочка.

Карлсон Миттивойга кўзларини катта очганича хайрон бўлиб қараб турарди.

— Менга айт-чи, тентакларни даволайдиган дориларинг борми?— деб сўради у ниҳоят.— Агар бўлса, уни ҳозирок Юлиус амакига бериш керак, ўшандаям энг каттасини бериш керак.

Лекин Миттивой бундай дори-дармонлар тўғрисида ҳеч нима эшитмаганди.

Карлсон ачингансимон хўрсиниб кўйди, Юлиус амаки доктор олдида келганидан кейин эса, унинг ёнига секин борди-да, беш эрелик тангани чўнтагига индамай солиб кўйди.

— Ие, бу нима қилганинг?— деб сўради Юлиус амаки.

— Кўнглингга ёққан бирор нима сотиб оларсан,— деди Карлсон ғамгин,— ҳа, сен бунга муҳтожсан.

Юлиус амаки Карлсонга миннатдорчилик билдирди-ю, лекин у ҳозир шу қадар хурсанд ва бахтиёр эдики, кайфиятини кўтариш, кўнгил очиш учун беш эрега ҳечам муҳтож эмасди. Юлиус амаки, мен жуда бахтли одамман, бу кунларни сира-сира унутмайман, деб устмауст такрорларди. Бундан ташқари, бу ерда унга ажойиб эртақлар олами очилди. Тўғри, дераза олдида учиб ўтаётган ажинани кўрганида у бир оз кўркди, ҳа, буни инкор этмайди, лекин...

— Шунчаки ажина эмас,— деб унинг сўзини тўғрилади Карлсон,— дунёдаги мана мен деган ажиналарнинг алтастиси.

— Лекин энг муҳими, ота-боболаримиз билан яна бир бор дийдор кўришдим,— деб ўзиникини маъқулларди Юлиус амаки,— бундан жуда-жуда хурсандман. Бу ажойиб, эртақнамо кунлар ўтиб кетди-ю, лекин у гўзал, афсонавий малика қалбини забт этди, мана энди тўю-томоша бўлади.

— Афсонавий малика!— деб такрорлади унинг сўзини Карлсон, унинг кўзлари чараклаб кетди. У росаям хахолаб кулди-да, кейин Юлиус амакига қараб бошини чайқади, сўнг яна кулишга тушди.

Бок хоним ошхонада ғимирлаб юрарди: Миттивой уни ҳеч қачон бунчалик хурсанд, хушчақчақ кўрмаганди.

— Мен ҳам ажиналарни жуда яхши кўриб қолдим,— деди у,— чунки агар ўша ажиналардан биттаси деразамиз олдида учиб ўтмаганида, бизларни кўрkitиб юбормаганида, сен, Юлиус, ҳойна-ҳой, ҳеч қачон бўйнимга осилиб олмасдинг, умуман, ҳеч гап бўлмасди.

Карлсон алаmidан бир сакраб кўйди, кейин елкасини учирди.

— Ҳечқиси йўқ, бу турмушда, рўзғорда бўладиган гап-ку!— деди у.— Лекин, менимча, бизнинг Вазастанда ажиналар кўп бўлмаса керак.















Бок хоним эса энди тўй ҳақида гапирарди, у дақиқа сайин яна ҳам бахтиёр, яна ҳам саодатли кўринарди.

— Сен, Миттивой, тўйимизда бўласан,— деди у.— Сенга қора бахмалдан костюм тикиб беришади, шундай чиройли бўлиб кетасанки, асти кўявер.

Миттивой бир сесканиб тушди. Қора бахмал костюм-а... Кристер билан Гунилла уни роса мазах қилишади-ю!

Лекин Карлсоннинг кўнглига кулги сиғмасди. У астойдил хафа бўлганди.

— Бунақада мен ўйнамайман, мен ҳам тўйда бўлишни истайман, менга ҳам қора бахмалдан костюм тикиб беришларини хоҳлайман!.. Йўқ, мен бунақада ўйнамайман!..

Энди мирикиб кулиш навбати Бок хонимга келди.

— Ҳа, сен катнашсанг, тўй харала-тарала билан ўтади, ҳеч кимни зериктирмайсан.

— Менам шундай деб ўйлайман,— унинг гапини илиб кетди Карлсон,— қора бахмал костюмни кийиб, оркангда нукул беш эрели тангаларни ташлаб тураман, тўппончамдан отаман! Ахир, салютсиз тўй тўй бўладими!

Юлиус амаки шу қадар бахтиёр эдики, у ҳамманинг ҳам бахтли бўлишини жуда-жуда истарди, шунинг учун ҳам у Карлсонни ўша заҳоти тўйга таклиф қилди. Лекин Бок хоним, ундай бўлса тўй менсиз ўтади, деди.

Ўша куни ҳам яна кеч кириб, қош қорайди. Миттивой Карлсоннинг томида ўтирарди, коронғилик қуюклашиб бутун Вазастанда чироқлар ёнди, Стокгольмда ҳам — қаёққа қарамагин, милтиллаган чироқлар.

Ҳа, кеч кирди. Миттивой Карлсоннинг ёнида ўтирибди, бу жуда яхши. Худди ҳозир Вестергетланддаги кичик бир станцияда поезд тўхтадию вагондан Юлиус амаки тушди. Ок кема каердадир, денгизда, Стокгольмга қараб сузиб кетяпти, унинг палубасида ойиси билан дадаси туришибди. Бок хоним Фридага далда бериш учун Фрейга-тендаги ўз уйида ўтирибди. Бимбо ўзининг саватчасида ухлаб ётибди. Лекин бу ерда, томда, Миттивой ўзининг энг яхши дўсти билан ўтирибди, иккови Бок хоним пиширган ёғли ширин булочкани ейишарди. Ҳаммаси ҳам жуда соз. Лекин, бари бир, негадир Миттивойнинг кўнгли нотинч, ташвишда.

Агар Карлсон билан дўстлашсанг, тинчлик нималигини билмайсан.

— Сенга кўлимдан келганча тушунтиришга уриниб кўрдим,— деди Миттивой.— Сени шу вақтгача эҳтиёт қилиб, сақлаб келдим, бу тўғри. Лекин энди буёғига нима бўлади, билмайман.

Карлсон оғзига булочкани бутунича тикди-да, ютиб юборди.

— Жуда тентаксан-да! Энди улар бир неча беш эрели тангани олиш учун изимга тушишлари мумкин, мен бу ишларнинг ҳаммасига чек қўйдим: тушунсанг-чи, ахир, Филле билан Руллега энди оркамдан қувиб юришларига ҳожат қолмади.

Миттивой ҳам булочкани олиб, бир четини тишлади.

— Йўқ, тентак мен эмас, сенсан. Энди, бутун Вазастан, ҳар ҳолда, тентаклар оркангдан гала-гала бўлиб юришади, изингдан



колишмайди, қандай учишингни яхшилаб кўриш ёки моторингни ўғирлаб кетиш пайдан бўлишади.

Карлсонга жон кирди.

— Сең шундай деб ўйлайсанми? Агар гапинг рост бўлса, бугун бир хурсандчилик қилсам бўларкан.

Миттивойнинг астойдил жаҳли чикди.

— Қандай эплайсан,— деди у дарғазаб бўлиб,— сендан сўраяпман, оломон атрофингни ҳалқадай ўраб олса, қандай эплайсан.

— Биласанми, бунинг уч усули бор: тийиш, йўқ қилиш, майнабозчилик. Менимча, учовини ҳам бирданига қўллашга тўғри келади.

Карлсон бошини бир томонга эгди-да, Миттивойга муғамбирона қараб қўйди.

Карлсон шундай кулгили кўринардик, Миттивой беихтиёр кулимсиради-ю, кўнгли кўтарилди. Карлсон қўлларини чўнтақларига тикиб, хурсанд бўлиб беш эрели тангаларини жаранглатди.

— Хой-хўп, бадавлат, ҳам чиройли, ҳам аклли, ҳам тобида семирган, айни куч-қувватга тўлган эркак, мана мен-да, дунёдаги энг яхши Карлсон, ҳар жиҳатдан яхши, сен буни тушунасанми, Миттивой?

— Ҳа,— деб жавоб берди Миттивой.

Лекин Карлсоннинг чўнтагида фақат беш эрели тангалар эмас, яна кичкина тўппонча ҳам бор эди, Миттивой уни тўхтатишга улгурмасиданок бутун Вазастан бўйлаб ўқ овози янгради.

«Ҳа, яна бошланди»,— деб ўйлади Миттивой, кўшни уйларнинг деразалари очилганини кўриб, одамларнинг ҳаяжонли, ташвишли овозларини эшитиб.

Лекин Карлсон одатдаги қўшиғини бошлаб, катта, дўмбок бармоқларини куй оҳангига мослаб чертарди:

Гурла гулхан,  
Ўйнаймиз,  
Гир айланиб куйлаймиз:  
Чиви-чиви, чирик-чирик,  
Дирк-дирк  
Тарала.  
Таваллуд айём эса  
Офтоб тўкма хон инса  
Хўплар...  
Барала:  
Чиви — ёвуз,  
Ковуз-ковуз!

Антуан  
де Сент-Экзюпери

# КИЧКИНА ШАҲЗОДА



Русчадан

*Хайриддин Султонов таржимаси*



Бу китобчани катта ёшдаги одамга бағишлаганим учун болалардан кечирим сўрайман. Узимни оқлаш учун шунни айтишим мумкинки, бу катта ёшдаги одам менинг энг яхши дўстим бўлади. Бунинг устига, у дунёдаги ҳамма нарсани, ҳатто болаларга атаб чиқарилган китобчаларни ҳам тушунади. Ва, ниҳоят, у Францияда яшайди, у ерда ҳозир ҳаммаёқ совуқ, очарчилик, дўстим эса таскин-тасаллига бениҳоя муҳтож. Агар буларнинг барчаси ҳам мени оқлаёлмаса, у ҳолда китобчамни бир пайтлар мана шу катта ёшдаги дўстимнинг ўрнида бўлган кичкина болакайга бағишлайман. Ахир катталарнинг ҳаммаси ҳам аввал-бошда ёш бола бўлганлар, фақат буни уларнинг озгинасигина билади, холос. Шундай қилиб, мана, мен бағишловга тузатиш киритаман:

Леон ВЕРТ га — бир пайтлар ёш бола бўлган дўстимга бағишланади.

Расмларни муаллиф чизган

I

Олти яшар пайтимда, осуда ўрмонлар хакида хикоя қилувчи «Бўлган воқеалар» деган китобда ғалати бир суратга кўзим тушиб қолди. Суратда баҳайбат бўғма илоннинг бир йиртқич ҳайвонни тириклай ютаётгани акс эттирилган эди. Мана ўша сурат:



Сурат тагига шундай деб ёзилган эди: «Илон ўлжасини чайнаб ўтирмай бут-бутунисича ютиб юборади. Шундан кейин у жойидан қимирлаёлмай қолади ва то ўлжасини ҳазм қилиб бўлгунича сурункасига ярим йил донг қотиб ухлайди».

Мен жунглидаги саргузаштларга тўла ҳаёт хакида узоқ хаёл сурдим, сўнг рангли қалам билан умримда биринчи марта расм чиздим. Бу менинг I-рақамли расмим эди. Мана, мен чизган нарса:



Ижодим намунасини катталарга кўрсатиб, кўркинчли эмасми, деб сўрадим.

— Шляпанинг нимаси кўркинчли экан? — деб эътироз билдиришди менга.

Аммо расмдаги нарса сираям шляпа эмас эди. Бу — филни тириклай ютиб юборган бўғма илон эди. Ўшанда, катталарга тушунарли бўлсин, деб, илоннинг ички кўринишини ҳам чиздим. Ахир, катталарга ҳамма нарсани доим тушунтириб бориш керак-да. Бу менинг 2-ракамли расмим эди.



Катталар менга илонларнинг ичкию ташқи кўринишини чизиш ўрнига жуғрофия, тарих, арифметика ва ҳуснихатни кўпроқ ўрганишни маслаҳат беришди. Ана шундан кейин, олти яшар пайтимда рассомликнинг порлок истикболидан воз кечишга мажбур бўлдим. 1-ва 2-ракамли расмларим муваффақиятсизликка учрагач, ўзимга нисбатан ишончимни йўқотдим. Катталар ҳеч қачон ўзларича бирон нарсани тушуна олмайдилар, уларга ҳадеб ҳижжалаб тушунтириб беравериш эса охир-окибат болаларнинг ҳам жонига тегиб кетади.

Шундай қилиб, бошқа касб танлашимга тўғри келди-ю, учувчиликни ўрганиб олдим. Осмони фалак бўйлаб қарийб бутун дунёни кезиб чикдим. Очигини айтиш керак, жуғрофия менга жуда қўл келди. Бир қарашдаёқ Хитойни Аризона вилоятидан ажрата оладиган бўлдим. Кечаси самода адашиб кетсанг, бу бениҳоя асқотади-да.

Умрим давомида турли-туман жиддий одамларни учратдим. Катталар орасида узок вақт яшадим. Уларни яқиндан кўрдим, билдим. Ва бундан, тан олишим керакки, улар ҳақидаги фикрим яхши томонга ўзгармади.

Катталар орасида бошқалардан кўра ақлли ва фаросатлироқ бирор кишини учратганимда унга 1-ракамли расмимни кўрсатардим — мен уни асраб қўйган эдим, доим ёнимда олиб юрардим. Бу одам чиндан ҳам бирор нимани тушунадими-йўқми, синаб кўрмоқчи бўлардим. Уларнинг барчаси расмга қараб туриб: «Шляпа-ку, бу», дерди. Шундан кейин мен уларга на бўғма илонлар, на жунглилар, на юлдузлар ҳақида оғиз очардим. Уларнинг тушунчаларига мослашардим-да, бриж ва гольф ўйинлари ҳақида, сиёсат ва бўйинбоғлар ҳақида гап бошлардим. Шунда катталар мендай бамаъни одам билан танишганларидан беҳад мамнун бўлар эдилар.



Мен шу тарика ёлғизликда яшардим, дилимни англайдиган бирор ҳамдардим йўк эди... Олти йил мукаддам самолётимнинг мотори бузилиб, Саҳрои Кабирга кўнишга мажбур бўлдим. Енимда на механик, на биронта ҳамроҳ бор эди. Қанчалик кийин бўлмасин, самолётни амаллаб бир ўзим тузатишга аҳд қилдим. Ё моторни тузатаман, ё ҳалок бўламан. Бир ҳафтага базўр етадиган сув қолган.


Шундай қилиб, биринчи кечани хувиллаб ётган саҳрода, қум устига узала тушиб ўтказдим. Минглаб чакирим нарида ҳам тирик жон асари сезилмасди. Кемаси ҳалокатга учраб, бепоён океанда сол узра сузиб бораётган одам ҳам менчалик ёлғиз бўлмагандир. Шу боис, тонг саҳарда мени кимнингдир ингичка овози уйғотиб юборганда, нақадар ҳайратга тушганимни тасаввур ҳам қилолмасангиз керак.

— Илтимос... менга кўзичок чизиб бер! — деган кўнғирокдек товуш янгради ёнгинамда.

— А?..

— Менга кўзичок чизиб бер...

Тепамдан гўё яшин ургандек, сапчиб ўрнимдан турдим. Апил-тапил кўзларимни ишқалаб, атрофга алангладим. Қарасам — рўпарамда аллақандай ғаройиб бир болакай менга жиддий тикилиб турибди. Мана, унинг энг яхши сурати, мен уни кейин чизишга муваффақ бўлдим:



Албатта, бу расмда у аслидагидек яхши чикмаган. Начора, бунга мен айбдор эмасман. Олти яшар пайтимда катталар, сендан рассом чикмайди, деб роса миямга куйишгани учун мен бўғма илонларнинг ички ва ташқи кўринишидан бошқа нарсани чизишни ўргана олмадим.



Шундай қилиб десангиз, кўзларимни катта-катта очганча бу ғаройиб болакайга қараб турардим. Одамзод маконидан минглаб чақирим олисдаги яйдоқ биёбонда эканим ёдингиздан чиқмагандир. Шуниси ғалатики, бу боланинг афт-ангорига қараб, адашиб колган ёки ниҳоятда хориб-чарчаган, кўркувдан юраги ёрилиб, очлик ва ташналикдан ўлар холга етган, деб бўлмасди. Кимсасиз саҳрода, инсон қадами тегмаган чўлу биёбонда дафъатан пайдо бўлиб колган бу боланинг кўринишидан бундай фикрларни хаёлга ҳам келтириш мумкин эмасди. Ниҳоят, менга яна тил ато бўлиб, аста сўрадим:

— Лекин... сен бу ерда нима қилиб юрибсан?

У тагин охисталик билан ва ғоят жиддий оҳангда:

— Илтимос... кўзичок чизиб бер...— деди.

Буларнинг барчаси шу қадар сирли, англаб бўлмас бир тарзда рўй бераётган эдики, рад қилишга журъатим етмади. Жазирама саҳро кўйнида, хаётим қил устида турган бир паллада қанчалик бемаъни кўринмасин, чўнтагимдан қороз-калам олдим, лекин шу заҳоти ўзимнинг асосан жуғрофия, тарих, арифметика ва хусни-хатни ўрганганим лоп этиб эсимга тушди-да, болакайга қараб (хатто бир оз аччиқланиб) расм чизишни билмаслигимни айтдим. Бу гапимга у:

— Бари бир кўзичок чизиб бер,— деб жавоб қилди.

Мен умримда кўзичок расмини чизиб кўрмаганим учун, ўзим билган ўша эски иккита суратдан бирини — бўғма илоннинг ташки кўринишини чизиб кўрсатдим.

Аммо болакай расмини кўриб:

— Йўқ, йўқ! Менга илон ҳам, фил ҳам керак эмас! Илон ҳаддан ташқари хавфли, фил эса ҳаддан ташқари катта. Менинг уйимдаги нарсаларнинг ҳаммаси кичкина. Менга кўзичок керак, кўзичок чизиб бер,— деб хитоб қилганида ниҳоятда ҳайрон қолдим-да, шу расмини чизиб бердим.



У расмини синчиклаб кўздан кечиргач:

— Йўқ, бу кўзичок жудаям орик-ку,— деди.— Бошқасини чизиб бер.

Мен бошқа кўзичок расмини чиздим.




Янги дўстим хушфеъллик билан мулойим жилмайиб кўйди.

— Бу кўзичок эмас-ку,— деди у.— Ўзинг ҳам кўриб турибсан-а, кўчкор-ку бу. Ана, шохиям бор...

Мен кўзичокни тагин бошқатдан чиздим. Бирок бу расм ҳам унга маъкул бўлмади:



— Э, бу ўлгудай қари-ку. Менга узок яшайдиган кўзичок керак. Энди сабр-токатим тугади. Ахир, тезроқ моторни тузатиш керак эди-да! Шунинг учун апил-тапил мана шу нарсани чизиб ташладим.



Кейин болага қараб:

— Мана сенга қутича. Кўзичоғинг шунинг ичида ётибди,— дедим.

Шунда мени буткул лол қолдириб, бу талабчан хакам гул-гул яшнаб кетди:

— Менга худди шунақаси керак эди-да! У кўп ўт ермикан, нима дейсан-а?

— Нима эди?

— Ахир менинг уйимда унчалик серобгарчилик эмас-да.

— Унга кўп нарса керак эмас. Мен сенга жудаям кичкина бир кўзичок бераман.

— У жудаям кичкина эмас...— деди у бошини эгиб, расмга термиларкан.— Қара! У ухлаб қолди...

Мен Кичкина шахзода билан шу тариқа танишдим.

### III

Унинг қаердан пайдо бўлганини ҳадеганда билиб ололмадим. Кичкина шахзода мени саволларга кўмиб ташлар, аммо ўзидан бирор нимани сўрасам, эшитмаганга олар эди. Фақат, анчадан кейин, гап орасида тасодифан айтиб қолган баъзи сўзларидан унинг сирли таш-



рифи бирмунча ойдинлашди. Масалан, самолётимни биринчи марта кўрганида (самолёт расмини чизиб ўтирмайман, негаки, буни бари бир эплаёлмайман), у шундай деб сўради:

— Бу қанака нарса?



— Бу нарса эмас, самолёт. Менинг самолётим, у учди.

Кейин унга, осмони фалакда учиш кўлимдан келишини фахрланиб айтдим. Шунда у:

— Э, шошма! Сен ҳали осмондан қулаб тушдингми?— дея хитоб қилиб қолди.

— Ҳа,— дедим камтарлик билан.

— Ана холос! Қизик-ку!..

Кичкина шаҳзода шундай деб кўнғирокдек товуш билан қулиб юборди. Буни кўриб пича аччиғим чикди: ахир мен, бошимга қулфат тушганда, одамлар бунга жиддий муносабатда бўлишларини ёқтираман-да. Бир оздан кейин у.

— Демак, сен ҳам осмондан тушиб келибсан-да,— деди.— Хўш, қайси сайёрадан келдинг?

«Э, бу кимсасиз саҳрода тўсатдан қаердан пайдо бўлиб қолди, десам, гап буёқда экан-да!» деб ўйладим, ўзимча ва дабдурустдан:

— Бундан чикдики, сен бу ерга бошқа сайёрадан тушиб келибсан-да?— деб сўрадим.

Бирок у саволимга жавоб бермади. Самолётимни кўздан кечиранкан, аста бош чайқади:

— Ҳе, бунинг билан узокдан учиб келолмайсан, кўриниб турибди...

Сўнг нима ҳақдадир хийла ўйланиб қолди. Кейин чўнтагидан мен чизиб берган бояги кўзичокни олиб, уни гўё қимматбаҳо хазинадек томоша қилишга киришди.

«Бошқа сайёралар» хусусидаги бу чала-ярим эътирофдан сўнг кўнглимдаги қизиқиш ҳисси нақадар аланга олиб кетганини тасаввур қила олсангиз керак. Иложи борича кўпроқ нарса билиб олиш ниятида устма-уст савол ёғдира кетдим:



— Сен қаёқдан учиб келдинг, болакай? Уйинг қаерда ўзи? Қўзичоғимни қаёққа олиб кетмоқчисан?

У ўйга чўмганча жимиб қолди-да, кейин:

— Менга кутича берганинг жуда соз бўлди-да, қўзичок кечаси унинг ичида ухлайди,— деди.

— Албатта. Агар ақлли бола бўлсанг, сенга арқон ҳам ҳадя қиламан — қўзичоқни кундузлари боғлаб қўясан. Қозик ҳам бераман.



Кичкина шахзоданинг кошлари чимирилди:

— Боғлаб қўясан? Нима кераги бор бунинг?

— Чунки, боғлаб қўймасанг, у бирон ёкка кетиб, адашиб қолади.

Буни эшитиб дўстим хандон отиб кулиб юборди:

— Э, каёққаям кетарди у?

— Библи бўлмайди-да. Боши окқан томонга кетаверади, кета-  
веради.

Шунда Кичкина шахзода жиддий тортиб:

— Майли, ҳечкиси йўқ,— деди.— Ахир, мен яшайдиган жой ни-  
хоятда кичкина...— Бир оздан сўнг андух билан қўшиб қўйди: —  
Бошинг окқан томонга кетаверганинг билан узоққа кетолмайсан...

#### IV

Шу тарика мен яна бир муҳим янгиликни кашф этдим: унинг она сайёраси бор-йўғи бир уйдек келар экан!

Очиғини айтганда, бу нарса мени унчалик ҳайратлантирмади. Чунки мен Ер, Юпитер, Марс, Зухра сингари улкан сайёралардан ташқари, яна юзлаб бошқа сайёралар мавжудлигини, аксариятига ҳатто ном ҳам берилмаганини, улар орасида телескопда ҳам кўриш мушкул бўлган миттивойлари ҳам борлигини билар эдим. Астроном олим ана шундай жимит сайёрани кашф этаркан, унга ном қўйиб ўтирмайди, балки рақам билан атаб қўяқолади. Масалан: 3251-астероид, дегандек.

Менда, Кичкина шахзода Б —612 деб аталмиш мўъжаз сайёрадан тушиб келган, деб ҳисоблашга имкон берувчи жиддий асослар бор. Бу астероид телескопда фақат бир марта —1909 йили, бир турк астрономи томонидан кузатилган эди.

Ўшанда астроном ажойиб кашфиёти ҳақида халқаро астрономия конгрессида маъруза қилган, аммо унинг гапига бирор кимса ишонмаган, чунки у туркча кийинган эди. Ана шунақа ғалати халқ бу катталар!





Буни қарангки, Б — 612 деб аталмиш астероиднинг бахтига, турк султони ўз фуқароларига, ўлим жазоси таҳдиди билан, европача кийинишни жорий этди. Ўша астроном 1920 йили кашфиёти ҳақида тағин маъруза қилди. Бу сафар у энг сўнгги модада кийинган эди — ҳамма унинг гапини маъқуллади.

Б — 612 деб аталмиш астероид ҳақида сизга бундай батафсил сўзлаб ўтирганимга, ҳатто унинг тартиб рақамини келтирганимга катталар сабаб. Чунки катталар рақамларни жуда яхши кўришади. Агар уларга янги дўст орттирганингиз хусусида айтиб қолсангиз, улар ҳеч қачон энг асосий нарса ҳақида сўрамайдилар. Улар ҳеч қачон: «Унинг овози қанақа? Қанақа ўйинларни яхши кўради? У капалак тутадими-йўқми?» деб суриштирмайдилар. Улар: «Ёши нечада? Нечта оға-иниси бор? Оғирлиги қанча экан? Отаси қанча мояна олади?» дея сўрай кетадилар. Сўнг шу тариқа ўзларича одамни билиб олган бўладилар. Мабодо катталарга: «Мен қизғиш ғиштли чиройли бир уйни кўрдим, деразасида ёронгул очилиб турибди, томида каптари бор», деб айтсангиз, улар бу иморатни сира ҳам кўз ўнгиларига келтира олмайдилар. Уларга: «Мен юз минг франкли уйни кўрдим», деб айтиш лозим — шундагина улар: «Ана гўзаллигу мана гўзаллик!» дея хитоб қиладилар.



Худди шунингдек, агар уларга: «Кичкина шахзода чиндан ҳам мавжуд эди, у ниҳоятда ажойиб болакай эди, яйраб куларди, бир кўзичоғим бўлса, дерди. Кўзичоғим бўлсин деган одам, ростдан мавжуд бўлади-да», десангиз, ҳайрон елка қисиб кўядилар-да, сизга худди эсипаст гўдакка қарагандек қарайдилар. Аммо бордию: «У Б — 612 деган сайёрадан учиб келган эди», деб тушунтирсангиз, бу гапга узил-кесил ишонишади ва ортиқ турли-туман саволлар билан сизни безор қилишмайди. Ана шунақа ғалати халқ бу катталар. Улар хафа бўлиб ўтиришга арзимайди. Болалар катталарга нисбатан кенгфёъл ва кечиримли бўлишлари лозим.

Аммо бизлар, яъниким, ҳаётнинг нима эканини англайдиган кишилар, номерлар ва рақамлар устидан қаҳ-қаҳ уриб куламиз! Мен, масалан, ўзимга қолса, ушбу қиссани худди сеҳрли эртакдек бошлаган бўлурдим:



«Бор эканда, йўқ экан, бир Кичкина шахзода бўлган экан. У ниҳоятда кичкина — ўзининг танасидан салгина катта бир сайёрада яшар, бирорта ҳам дўсти йўқлигидан каттиқ изтироб чекар экан...» Ҳаётнинг нималигини англайдиган кишилар бунинг эртақдан кўра кўпроқ ҳақиқатга ўхшашини дархол пайқаган бўлур эдилар.

Зеро мен китобимнинг шунчаки эрмак учунгина ўқилишини асло истамайман. Бўлиб ўтган у воқеаларни қайта эслаш мен учун ғоят оғир, уларни ҳикоя қилиш ҳам осон эмас. Дўстим кўзичоғи билан бирга мени тарк этганидан буён орадан олти йил ўтди. Уни унутиб юбормаслик учун ҳам у ҳақда сўйламоқчиман. Чунки дунёда дўстларни унутиб юборишдан ҳам қайғулироқ нарса йўқ, ахир дўст бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди-да. Қолаверса, мен, ёруғ оламда рақамдан бошқа нарсага кизикмайдиган катталарга ўхшаб



қолишни сира-сира истамайман. Мана шу боисдан ҳам мен рангли каламлар билан бирга бўёқлар солинган кутича сотиб олган эдим. Менинг ёшимда қайта бошдан расм чизишга киришиш — айтишга осон, холос, чунки мен бутун умрим давомида бўғма илоннинг ташкию ички кўринишидан бошқа нарса (уни ҳам олти яшар пайтимда чизганман) чизмаган эдим-да! Албатта, ҳозир иложи борича аслига ўхшатишга ҳаракат қиламан, бироқ бу ишни қойилмаком қилиб бажараман, деб кафиллик беролмайман. Шунинг учун портретларнинг бири бинойидек чикса, иккинчиси мутлақо ўхшамаслиги ҳам мумкин. Кичкина шахзоданинг бўйи тўғрисида ҳам шу гапни айтиш лозим: расмларнинг бирида у ҳаддан ташқари улкан, бошқасида эса — ҳаддан ташқари кичкина бўлиб кўринади. Шунингдек, кийимининг ранги ҳам ёдимда йўқ. Шу боис эсимда колганича, тусмоллаб, хаёлан чизавераман. Ниҳоят, мен баъзи бир муҳим тафсилотлар тасвирида хатога йўл қўйишим ҳам мумкин. Аммо сизлар мени маъзур тутарсизлар, деб умид қиламан. Дўстим менга ҳеч қачон бирор нарсани тушунтириб берган эмас эди. Эҳтимол, у мени ҳам худди ўзи катори деб ҳисоблагандир. Бироқ, афсуски, мен кутича деворлариаро кўзичоқни кўришга кодир эмасман. Балки мен катта-



ларга озрок ўхшаб кетарман. Чамаси, қариётган бўлсам керак.

Кун сайин мен Қичкина шахзоданинг сайёраси ҳақида, дўстим уни қандай қилиб тарк этганию сафар чоғи қандай саргузаштларни бошидан кечиргани ҳақида янги-янги маълумотларни билиб ола бошладим. Хонаси келиб қолганида у шу ҳақда озми-кўпми гапириб қоларди. Шу тарика, учинчи куни Қичкина шахзоданинг сайёрасида рўй берган баобаб балосидан вокиф бўлдим.

Бунга ҳам аслида ўша қўзичок расми сабаб бўлди. Қичкина шахзода, чамаси, нимадандир каттиқ шубҳага тушгандек эди, тўсатдан менга қараб:

— Айт-чи, қўзичоклар ростдан ўт ейдими?— деб сўради.

— Ҳа, ростдан.

— Э, зўр экан унда!

Қўзичокнинг ўт ейиши нега бунчалик муҳим эканини, табиийки, тушунмадим. Лекин Қичкина шахзода шундай деб қўшимча қилди:

— Бундан чикдики, улар баобабларни ҳам ер экан-да?

Мен бу гапга эътироз билдириб айтдимки, баобаб дегани ўт-ўлан ёки бута эмас — минора бўйи келадиган баҳайбат дарахт; агар у сайёрасига бутун бошли фил подасини ҳайдаб борганида ҳам, улар бирорта баобабни ея олмайди.

Қичкина шахзода бу гапни эшитиб, мийиғида жилмайди:

— Унда, филларни бир-бирига мингаштириб қўйиш керак...— Сўнг пича ўйланиб, мулоҳазакор оҳангда давом этди: — Баобаблар энди униб чиққан пайтида жудаям қичкина бўлади.

— Тўғри, лекин нега энди қўзичоғинг баобабни ейиши керак?

— Э, емаса бўлмайди-да! — дея хитоб қилди у, гўё бениҳоя оддий, ибтидоий бир ҳақиқат хусусида сўзлаётгандек.

Гап нимадалигини англаб етгунча роса бошим қотди.

Қичкина шахзоданинг сайёрасида ҳам бошка сайёралардаги каби фойдали ва зарарли ўт-ўланлар ўсар экан. Демакки, у ерда доривор,



шифобахш ўтларнинг уруғи билан бирга, зараркунанда ва бегона ўсимликларнинг уруғлари ҳам мавжуд. Аммо уруғ ҳали тупрок тагида мудраб ётаркан, кўзга кўринмайди, шу боис унинг зарарлими, фойдали эканини билиш ҳам мушкул. Фақат ер уйғонгачгина уруғ ҳам аста-секин ниш уриб ёруғ олам сари талпинади, куртак очиб барг ёзади-да, қуёшга бўй чўзади. Каттик ердан калтираб чиққан чоғида у нимжонгина, беозор бир гиёҳ бўлади. Агар у бўлғуси гулкўчат ёки маймунжон бўлса, майли, бемалол ўсиб-унаверсин; бордию қандайдир зараркунанда ўсимлик бўлса, таг-томири билан юлиб ташлаш керак. Кичкина шахзоданинг сайёрасида ана шундай зарарли мудҳиш уруғлар бор экан — баобабларнинг уруғи. Сайёранинг тупроғида шу ёвуз уруғ тўлиб-тошиб кетган экан. Агар баобабни ўз вақтида пайқаб юлиб ташланмаса, кейин ундан қутулишнинг иложи бўлмайди. У бутун сайёрани эгаллаб олади, баҳайбат, қутурган томирлари билан уни ҳар томондан чирмаб эза бошлайди. Мабодо сайёра мўъжазгина бўлса-ю, баобаблар сон-саноксиз бўлса, у ҳолда улар уни тилка-пора қилиб ташлаши ҳам ҳеч гап эмас.

— Бизда шундай бир қоида бор, — деди Кичкина шахзода кейинчалик менга. — Эрталаб уйқудан туриб, юз-қўлингни ювгач, у ёқ-бу ёқни йиғиштиргандан сўнг, дарҳол сайёрангни тозалашга киришмоғинг лозим. Баобабларни ҳар куни, қанда қилмай йўқ қилиб туриш керак. Аммо уларни гул кўчатидан ажрата билиш керак: иккаласининг ниҳоли бир-бирига жудаям ўхшайди. Бу ҳаддан ташқари зерикарли иш, лекин сираям қийин эмас.

Бир гал у менга, мана шу гапларни бизнинг болалар ҳам тушунсин, десанг, бир расмини чизиб кўрмайсанми, деб маслаҳат берди.

— Агар улар қачондир сафарга чиқмоқчи бўлсалар, бу нарса ғоят қўл келади, — деди у. — Бошқа ишлар бир оз кечикса ҳам зиён қилмайди, аммо баобабларни ўз ҳолига қўйиб берилса, охири вой бўлади. Мен бир сайёрани биламан, у ерда бир дангаса яшарди. У уч туп ниҳолни вақтида кўпориб ташламади, оқибатда...







Кичкина шахзода бу ҳақда батафсил сўзлаб берди, мен эса ўша сайёранинг расмини чиздим. Бировга ақл ўргатишни ёмон кўраман, аммо баобабларнинг нақадар хавфли эканини жуда оз одамгина билади, вахоланки, астероидга кадам кўядиган ҳар бир киши муқаррар равишда бу даҳшатли хатарга дучор бўлади. Шу сабабдан мен ҳозир одатимга хилоф тарзда: «Болалар, баобаблардан эҳтиёт бўлинглар!» деб ҳайкиргим келади. Барча дўстларимни кўпдан буён таҳдид солиб турган шу бало-казодан огоҳ қилиб қўймоқчиман, чунки улар шундай хатар борлигини бир пайтлар мен ҳам мутлақо билмаганимдек, ҳатто хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Шунинг учун ҳам мен овора бўлиб шу расмни чиздим, шунинг учун ҳам қилган меҳнатимга заррача ачинмайман. Эҳтимол, сиз, нима учун бу китобда манави баобабларнинг тасвиридан бошқа бирорта ҳам таъсирли расм йўқ, деб сўрарсиз. Бунга мен оддийгина қилиб шундай жавоб қайтараман: бошқа расмлар ҳам таъсирчанроқ чиксин, деб роса уриндим, бироқ, афсуски, қўлимдан келмади. Баобабларни чизаётган пайтимда эса, бу чиндан ҳам мудҳиш хатар, уни даф этишни асло кечиктириб бўлмайди, деган фикр менга илҳом бағишлаган эди...



Эх, Кичкина шахзода! Аста-секин мен сенинг нақадар ғамгин ва якраңг ҳаёт кечирганингни англаб етдим. Узоқ йиллар мобайнида ягона дилхуш эрмагинг қуёш ботар пайт — ғурубни томоша қилишдан иборат бўлган экан. Мен буни тўртинчи кун и эрталаб, ўзинг сўз орасида:

— Ғурубни жудаям яхши кўраман. Юр, қуёшнинг ботишини томоша қиламиз,— деб қолганингда сездим.

— Э, унда бир оз кутиш керак.

— Нимани?

— Қуёш ботишини-да.

Бу гапни эшитиб, аввал беҳад хайрон бўлиб қолдинг, кейин эса ўзингнинг устингдан ўзинг қулиб:

— Назаримда, ҳалиям уйимда юргандекман! — дединг.

Ҳақиқатан ҳам, Америкада кун чошгоҳ бўлганда Францияда кун ботишини ҳамма билади. Агар у ердан бир лаҳзанинг ичида Францияга етиб борилса, қуёш ботишини ҳам томоша қилиш мумкин. Бахтга қарши, Франция бу ердан узоқ, бениҳоя узоқ. Сенинг сайёранг эса тагингдаги курсичани бир неча қадам нари сурсанг, бас — ғурубга истаганча узлуксиз мафтун бўлиб термилавериш мумкин эди...



— Бир сафар мен бир кунда қирқ уч марта қуёш ботишини томоша қилганман!

Орадан сал ўтгач, хиёл андуҳ билан яна шундай дединг:

— Биласанми... баъзан юрагинг нимадандир ғуссага тўлиб кетганда, ботаётган қуёшга бирпас термилиб ўтирсанг борми...

— Демак, ғурубни қирқ уч марта томоша қилган кунинг жудаям хафа бўлган экансан-да?

Аммо Кичкина шахзода бунга жавобан индамади.

Бешинчи куни эрталаб, тагин ўша кўзичок сабаб бўлиб, Кичкина шахзоданинг сиру асрорини билиб олдим. У, гўё узок вақт сукут ичра ўйлаб шу хулосага келгандек, дабдурустан:

— Кўзичок ўт ер экан, бундан чикди, гулни ҳам ейиши мумкин экан-да?— деб сўради.



— Ҳа, тўғри келган нарсани еяверади.

— Ҳатто тиканли гулниям ейдими?

— Ҳа, тиканли гулниям.

— Ундай бўлса, гулга тиканнинг нима кераги бор?

Буни мен ҳам билмасдим. Ҳозир жудаям банд эдим: моторнинг бир гайкаси ейилиб кетган, шунини бураб чиқаролмай, қонимга ташна бўлиб турардим. Авзойим бузук эди — аҳвол тобора оғирлашиб бормоқда, сув деярли тамом бўлди, бу мажбурий кўнишнинг охири расво бўлмаса эди, деган гулгула юрагимга ўрмалай бошлаган эди.

— Хўш, тиканнинг нима кераги бор?

Кичкина шахзода бирон-бир савол бераркан, жавоб олмагунча кўймас эди. Тош қотиб кетган гайка ҳадеганда буралавермагач, фиғоним фаллакка чиқиб, оғзимга келган гапни гўлдираддим:

— Гулга тиканнинг сираям кераги йўқ, азбаройи ёмонликка чиқаради.

— Шунақами?!

Жимлик чўкди. Анчадан кейин у ранжиган оҳангда:

— Гапингга ишонмайман,— деди.— Ахир, гуллар жудаям

заиф, оккўнгил-ку. Ўзларини ботир кўрсатиш учун ҳам тикан чиқаришади, гўё шунда улардан ҳамма кўрқадигандек...

Индамадим. Ҳозир ўзимча жаҳл билан гўлдираб қасам ичмоқда эдим: бу лаънати гайка шу сафар ҳам чиқмаса, болға билан шундай айлантириб соламанки, майда-майда бўлиб кетади!.. Бирок Кичкина шахзода тагин хаёлимни бузди:



— Ҳайлайсанки, гуллар ..

— Э, ҳеч нарсани ўйламайман-э, мен! Қалламга келган гапни айтдим-қўйдим-да. Қўриб турибсан-ку, жиддий иш билан бандман.

У менга ҳайратдан донг қотиб тикилди:

— Қанақа жиддий иш?!

У ҳамон мандан нигоҳини узмасди: мен эса, афт-башарам қоп-қора мой, қўлимда болға, унинг кўзига ниҳоятда нотавон бўлиб кўринаётган манави шалдиروق арава — самолёт узра энгашганча асабий тутакиб турардим.

— Худди катталарга ўхшаб гапирасан-а! — деди у.

Уялиб кетдим. У эса аяб-нетиб ўтирмай, гапида давом этди:

— Ҳаммасини чалкаштириб юбординг... ҳеч нарсани тушунмас эксан!

Чиндан ҳам унинг қаттиқ жахли чиққан эди. Аччиқланиб бошини чайқаркан, тилларанг сочлари шамолда тўзғиб кетди.

— Мен бир сайёрани биламан, у ерда юзи бўзарган бир жаноб яшайди. У умрида бирор марта гул хидлаб кўрмаган, бирор марта юлдузларга тикилмаган. У ҳеч қачон бировни севган ҳам эмас, умрида бирон-бир юмушни ҳам бажарган эмас. У фақат бир иш билан — ракамларни бир-бирига уриштириш билан овора. Эртаю кеч худди сенга ўхшаб яккаш: «Мен жиддий одамман! Мен жиддий одамман!» деб такрорлагани-такрорлаган. Тағин гердайнб-кеккайиб юришини айтмайсанми! Аслида у одам эмас, кўзикорин.

— Нима дединг?

— Кўзикорин, деяпман! — Қичкина шахзода азбаройи аччиқланганидан, ранги бўздек оқариб кетди.— Миллион йиллардан буён гулларнинг танасида тикан ўсади. Ва миллион йиллардан буён кўзичоклар гулларни бари бир еб қўяди. Шундай экан, ҳеч қандай наф кўрмаса ҳамки, гулларнинг тиканига бунчалик зўр беришининг боиси нимада? Наҳот мана шу жумбокни англаш зарур иш бўлмаса? Наҳотки гуллар билан кўзичоклар ўртасидаги асрий адоват сири муҳим нарса бўлмаса? Ахир бу ўша юзи бўзарган жанобнинг ҳисоб-китобидан кўра жиддийроқ ва зарурроқ эмасми? Айтайлик, мен дунёда на тенги, на ўхшаши бўлган бир гулни биламан, у фақат менинг сайёрамдагина ўсади. Энди бир куни жимитгина кўзичок шартта борсаю уни паққос еб битирса! Нима иш қилиб қўйганини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаса... Балки бу ҳам сенингча муҳим нарса эмасдир?

У кип-қизариб кетди, бир зумдан кейин тағин давом этди:

— Агар бошқа миллионлаб юлдузларда учрамайдиган бир гулни яхши кўрсанг, шунинг ўзи ҳам кифоя: осмонга бокқанинг замон ўзингни бахтиёр ҳис этасан. «Олисларда, қайдадир менинг ҳам гулим бор», деб шивирласанг бас — кўксинг тоғдек юксалиб кетади. Бордию кўзичок тўсатдан уни еб қўйса борми, оламдаги жамики юлдуз бирданига сўнгандек бўлади-колади! Сенга қолса, бу сираям муҳим нарса эмас!

У ортик гапиролмади, нафаси тикилиб, хўнграб юборди. Атрофни қоронғилик чулғади. Қилаётган ишимни шартта ташладим, бадбахт гайкаю болға ҳам, ташналигу ўлим ваҳми ҳам дафъатан унут бўлди.

Менинг юлдузимда, Ер аталмиш менинг сайёрамда Кичкина шахзода ўқсиб-ўқсиб йиғлар — уни юпатмоқ даркор эди. Мен уни бағримга босганча қўлимда аллалай бошладим: «Сен кўнгил қўйган гулга ҳеч ким тегмайди... кўзичоғингнинг тумшугига ўзим нўхта чизиб бераман... мен...». Бундан бўлак нима деяримни билмасдим, ақлу ҳушим тамоман бошимдан учган, ўзимни беҳад беўхшов ва ўнғайсиз сезардим. Нима қилсам, у дилимни англаркин? Тутқич бермай мендан лаҳза сайин узоклашиб бораётган бу беғубор кўнгил садосини қандай қувиб етсам экан? Ахир, аслида кўзёш дегани — англаб бўлмас, сирли бир салтанат эмасми?

## VIII

Ҳадемай бу гулни яхшилаб билиб олдим. Кичкина шахзоданинг сайёрасида ҳаммавақт оддийгина, беҳашам гуллар ўсарди. Улар камбарг, беозоргина бўлиб, ниҳоятда кам жойни эгаллар, эрталаб очилиб, окшом чоғи сўлиб қолар эди. Бу гул эса, кунларнинг бирида шамолда қайдандир учиб келиб сайёра тупроғига тушиб қолган уруғдан униб чиққан эди. Кичкина шахзода бошқа ўт-ўлан, гулчечакларга асло ўхшамаган бу мўъжаз ниҳолдан кўзини узолмасди. Бордию у баобабнинг бирор янги хили бўлса-чи? Аммо ниҳол тез орада юқорига қараб бўй чўзишдан тўхтади-да, ғунча тугди. Кичкина шахзода умри бино бўлиб бундай катта ғунчаларни кўрмаган эди, ғаройиб мўъжиза рўй беражагини кўнгли сезиб, бетокат қута бошлади. Нотаниш, номаълум ғунча эса ҳамон юз очишни хаёлига келтирмас, яшил гумбаз ичра пинҳон ўтирганча хануз ўзига оро берар эди. У кунт билан ранг танлар, гулбарг либосларни нозик баданига бир-бир ўлчаб кўрарди — ёруғ оламга аллақандай лолакизгал-доққа ўхшаб, ҳурпайган, тўзғиган ҳолда дийдор кўрсатишни сира-сира истамасди-да. У ҳусни жамолини бор латофатию бутун жозибаси билан намоён этмокни орзу қиларди. Ҳа, ана шундай ўзига бино қўйган гўзал эди у!

Сирли тайёргарлик шу йўсин узок давом этди. Ва, ниҳоят, бир сахар чоғи, қуёшнинг илк нурлари кўриниши биланок гулбарглар оҳиста очилди, бу лаҳзага шу қадар узок тараддуд қилган гўзал эса ширин эснаб:





— Эҳ, эсизгина, барвақт уйғониб кетибман-ку... Афв этинг мени...— деди.— Ҳаммаёғим тўзғиб ётувди-я...

Кичкина шаҳзода ҳайрат ва завқини яширолмади:

— Накадар чиройлисиз-а!

— Йўғ-э, ростданми?— деди гулғунча бунга жавобан астагина.— Ҳа, балки сезгандирсиз, мен куёш билан бирга туғилганман-да.

Кичкина шаҳзода бу ғунчанинг камтарлик бобида намуна бўлмаслигини пайкади, бироқ у шунчалар дилбар ва латиф эдики, одамни беихтиёр доводиратиб қўярди!

— Нонушта вақтиям бўлиб қолдим дейман,— деди у салдан кейин.— Барака топкур, менга ёрдам қиларсиз-а?



Кичкина шаҳзода беҳад хижолат бўлди, кўзада муздек булок сувидан келтириб уни суғорди.

Кўп ўтмай гўзал гулғунчанинг хийла мағрур ва аразчилиги ҳам маълум бўлиб қолдию Кичкина шаҳзода у билан тил топишаман, деб роса кийналди. Бир кун гул поясидаги тўртта тиканни кўрсатиб:

— Қани, йўлбарс зўр бўлса, бу ёкка келсин, мен унинг ўзидан ҳам, ўткир тирноғидан ҳам қўркмайман! — деди.

— Менинг сайёрамда йўлбарс яшамайди,— деб эътироз билдирди Кичкина шаҳзода.— Кейин, йўлбарслар ўт емайди.

— Мен ўт эмасман-ку,— деди гулғунча ранжиб.





— Кечиринг мени...

— Йўқ, мен йўлбарсдан сираям кўркмайман, аммо елвизак деган нарсдан юрагим чикиб кетади. Сизда парда йўқми, мени шамолдан тўсиб кўйсангиз?



«Галати-я, ўсимлик бўлатуриб елвизакдан кўркади...— деб ўйлади Кичкина шахзода.— Жудаям кўнглини топиш қийин экан бу гулнинг...»

— Бу ер роса совуқ экан. Кечкурун мени шиша қалпоқ билан ўраб кўйинг, хўпми? Сайёрангиз хаддан ташқари бефайз экан. Мен келган жойда-чи...



Гулғунча гапини тугатмай жимиб қолди. Чунки бу ёққа у ҳали уруғ чоғида учиб келган эди-да. Ўзга оламлар ҳақида шу боис ҳеч нарса билмаслиги табиий эди. Осонгина фош бўлишинг муқаррар вазиятда эса ёлғон гапирмок — бориб турган аҳмоқликдир! Гулғунча хижолат тортди, сўнг гўё Кичкина шахзода, ўзини унинг олдида қанчалар гуноҳкор эканини сезсин, деган маънода устма-уст йўталди:

— Қани парда, борми?

— Мен боя бориб олиб келмоқчи эдим, лекин гапингизни бўлишга...

Шунда гулгунча яна каттиқроқ йўтала бошлади: майли, унинг виждони баттар кийналсин!

Кичкина шахзода, гарчи бу феруза гулни яхши кўриб қолган, унга хизмат қилишдан бахтиёр бўлса-да, кўп ўтмай кўнглида шубҳа уйғонди. У шунчаки айтилган ҳавойи гапларни юрагига яқин олар, шу сабаб ўзини бениҳоя бахтсиз сезар эди.

— Бекор унинг гапига кулоқ солган эканман,— деб қолди у бир куни менга.— Ҳеч қачон гулларнинг айтганига кулоқ солмаслик керак экан, уларга термилиб, ҳидларидан бахраманд бўлиш лозим экан, холос. Менинг гулим бутун сайёрани хуш бўйларга буркаган эди, мен эса бундан фақат қувониш зарурлигини билмасдим. Йўлбарс ҳақидаги, тирноқ ҳақидаги анани гапларга келсак... улардан одамнинг кўнгли завқ-шавққа тўлиши керак эди, мен бўлсам аччиқланиб ўтирибман-а...— Бир муддат сукут сақлаб, андуҳ билан эътироф этди: — Ўшанда ҳеч нимани тушунмаган эканман! Оғиздаги сўзга эмас, амалдаги ишга қараб баҳо бериш керак эди. У менга ўзининг муаттар бўйларини армуғон этди, ҳаётимни нурга чулғади. Мен ундан қочмаслигим керак эди! Ўша қовушмаган ҳийла-найранглар замирида нозик бир латофат мужассам эканини пайкашим керак эди. Ахир, гуллар шунчалик бекарорки!.. Аммо мен ниҳоятда ёш эдим, муҳаббат сир-асроридан беҳабар эдим.

## IX

Англашимча, у жаҳонгашта қушлар билан бирга парвоз қилишга қарор берган. Охириги куни эрталаб у одатдагидан кўра бошқачароқ ғайрат билан сайёрасини тозалашга киришди. Кунт ва зўр ҳафсала билан уйғоқ вулқонларни тозалай бошлади. Сайёрада иккита уйғоқ вулқон бўлиб, улар нонушта тайёрлашга жудаям қулай эди. Бундан ташқари, яна битта сўнган вулқон ҳам бор эди. Бирок, бу сўнган-ку, деб хотиржам юриб бўлмайди-да, деди у. Шу сабабдан уни ҳам эринмай тозалаб чиққан. Вулқонларни чинни-чирокдек озода қилиб тозаласангиз, улар тутуну курум чикармай бир маромда биқирлаганча қайнаб ётади... Албатта, биз — Ердаги аҳли замин, ғоят кичкина одамлармиз, вулқонларимизни тозалашга кучимиз етмайди. Шунинг учун ҳам улар бизга шу қадар кўп зиён-заҳмат етказди.

Кичкина шахзода баобабларнинг сўнги ниҳолларини юларкан, хиёл гуссага ҳам ботди. Балки энди сираям бу ерларга қайтмасман, деб ўйлади. Аммо бу тонгнинг ҳар кунги одатий юмушлари унга ғайриоддий завқ бағишламоқда эди. Ажойиб феруза гулни охириги бор суғориб, устини шиша қалпоқ билан ёпиб кўйишга чоғланаркан, ўпкаси тўлиб, ҳатто йиғлагиси келиб кетди.

— Хайр, яхши қолинг,— деди у. Гул чурқ этмади.

— Хайр сизга,— деб такрорлади Кичкина шахзода.

Феруза гул йўталиб кўйди. Совуқ котганидан эмас, албатта.

— Аҳмоқлик қилган эканман,— деди у ниҳоят.— Кечир мени. Бахтинг ёр бўлсин...

Товушида таъна-дашномдан асар ҳам сезилмасди. Кичкина

шахзода қўлида шиша қалпок, лолу ҳайрон қотиб қолган эди. Бу латофат, бу меҳр қаёқдан пайдо бўлди экан?

— Ҳа, мен сени яхши кўраман, ҳа...— деган титрок оҳанг янгарди кулоқлари остида.— Айбим шундаки, сен буни билмасдинг. Бу унчалик муҳим ҳам эмас аслида. Лекин сен ҳам худди мендек тентак эдинг. Майли, бахтингни топ, омадингни берсин... Қалпокни четроққа қўй, у энди менга керакмас.

— Аммо, шамол...

— Йўк, унчалик шамолламаганман... Тунги шабнам менга наф келтиради. Ахир, мен — гулман-ку.

— Аммо, ҳайвонлар, хашаротлар...

— Агар мен капалаклар билан танишмоқчи бўлсам, бир-иккита ғумбакнинг зулмига дош беришим керак-ку, капалаклар чиройли бўлса керак. Бўлмаса, энди менинг олдимга ким ҳам келарди? Сен





узоққа кетаётган бўлсанг... Хайвонлардан эса кўркмайман. Мениям ўткир тирнокларим бор.— У соддадиллик билан тўрттала тиканини кўрсатди-да, шундай деб кўшиб кўйди: — Бўлди, бас, ортик чўза-верма, бардош бериш кийин, ахир! Модомики кетар бўлсанг — хайр, яхши бор.



У ўзининг силкиниб-силкиниб йиғлаётганини Кичкина шахзода кўришини истамасди. Бу жудаям мағрур гул эди...

## Х

Кичкина шахзоданинг сайёрасига 325, 326, 327, 328, 329 ва 330-астероидлар энг яқин эди. Шу боис у дастлаб уларга ташриф этишга аҳд қилди: ҳам эрмак, ҳам нимадир ўрганади.

Биринчи астероидда қирол яшарди. Ипак-шоҳи либосларга бурканганча, у ниҳоятда оддий ва айни пайтда улуғвор тахтда савлат тўкиб ўтирарди.



ЛНВ  
ҚБ

— Э, мана, фукаро ҳам келиб қолди! — деб хитоб қилди қирол Кичкина шаҳзодани кўриши билан.

«У мени қаёқдан биларкин? — деб ўйлади Кичкина шаҳзода. — Ахир умрида биринчи марта кўриб турибди-ку!»

Билмасдики, қироллар дунёга жўнгина қарайдилар, улар учун жамики одам — фукаро.

— Яқинроқ кел, қани, сени бир яхшилаб кўриб олай-чи, — деди қирол ниҳоят кимгадир қироллик қилиши мумкинлигидан ўлгудек талтайиб.

Кичкина шаҳзода ўтиришга жой излаб ён-верига аланглади, бироқ қиролнинг ҳашамдор жуббаси бутун сайёрани қоплаб олган эди. Тик тураверишга тўғри келди. Бениҳоя қаттиқ чарчаганидан бир пайт аста хомуза тортди.

— Ҳукмдорлар ҳузурида эснаш мумкин эмас, — деди қирол. — Мен сенга эснашни ман қиламан.



— Мен... тўсатдан, билмай қолиб...— деди Кичкина шахзода қаттиқ хижолат тортиб.— Мен узоқ йўл юриб келдим, ухлаганим йўқ эди...

— Хай, ундай бўлса, эснашингга рухсат бераман,— деди киро́л.— Кўп йиллар бўлди ўзим ҳам бирорта эснаган одамни кўрмаганимга. Мена, ҳозир роса қизиқиб қолдим. Демак, кани, эсна! Буйругим шундай.

— Аммо... уяляпман энди... бошқа қилолмайман,— дея гўлдиради Кичкина шахзода ва кип-қизариб кетди.

— Химм... химм... Унда, унда... сенга буйрук шу: гоҳ эсна гоҳ...

Қиро́л гапини чалкаштириб, ҳатто бирмунча ранжигандек ҳам бўлди. Чунки киро́л учун энг муҳими — ўзига сўзсиз итоат қилиниши эди, у итоатсизлик ва шаккокликка тоқат этолмасди, чунки мутлақ ҳукмдор эди-да. Бироқ у гоят оккўнгил эди ва шу важдан факат оқилона фармойишларгина берарди.

«Агар мен генералимга, денгиздаги оқ чорлокка айланасан, деб амр этсаму генерал буйругимни бажармаса,— дерди у,— бу унинг эмас, менинг айбим бўлади».

— Ўтирсам майлими? — дея бўшашибгина сўради Кичкина шахзода.

— Амр этаман: ўтир!— деб жавоб берди киро́л ва виқор билан ҳашамдор жуббасининг бир этагини пича йиғиштирди.

Лекин Кичкина шахзода ҳайрон эди: сайёра-ку шундай жимит экан, киро́л кимнинг устидан ҳукмронлик қиларкин?

— Аъло ҳазратлари,— деб сўз бошлади у,— бир нарсани сўрасам майлими?

— Амр этаман: сўра!— деди киро́л шоша-пиша.

— Аъло ҳазратлари... сиз кимнинг, ниманинг устидан ҳукмронлик қиласиз?

— Ҳаммасининг,— деб жавоб берди киро́л оддийгина қилиб.

— Ҳаммасининг?

Қиро́л камтарона бир ҳаракат билан ўз сайёрасига, шунингдек, тевааракдаги бошқа барча юлдуз ва сайёраларга ҳам ишора қилди.

— Сиз шуларнинг ҳаммасига ҳукмдорлик қиласизми? — деб қайта сўради Кичкина шахзода.

— Ҳа,— деб жавоб қайтарди киро́л. Зеро у чиндан ҳам қонуний мутлақ ҳукмдор бўлиб, ҳеч қандай тўсик ва чекланишларни билмасди.

— Юлдузлар ҳам сизга бўйсунадими?— деб сўради Кичкина шахзода.

— Бўлмасам-чи,— деди киро́л.— Юлдузлар бир зумда бўйсунарди. Мен итоатсизликка чидаб туrolмайман.

Кичкина шахзода бениҳоя ҳайратга тушди. Эҳ, қанийди, унинг шундай қудрати бўлса эди, куёш ботишини тўйиб-тўйиб томоша қиларди! Кунига қирқ икки марта эмас, балки етмиш икки, юз, ҳаттоки икки юз марта гурубга термиларкан, курсчасини нари-бери кўзга-

тишга ҳам ҳожат қолмасди! Бирданига у ўзи тарқ этган сайёрасини эслаб, ғуссага чўмди, бир оздан кейин журъат тўплаб:

— Мен қуёш ботишини томоша қилмоқчи эдим. Бир марҳамат қилинг, қуёш ботсин, деб фармон беринг,— деди.

— Бордию мен бирорта генералимга капалак бўлиб гулдан-гулга учиб юришни ёки фожиавий асар яратишни, ё бўлмаса, оқ чорлокқа айланишни буюрсаму генерал буни бажармаса, ким айбдор бўлади — менми, уми?

— Сиз, аъло ҳазратлари,— дея бир лаҳза ҳам иккиланмай жавоб қилди Кичкина шахзода.

— Мутлако тўғри,— деб тасдиқлади қирол.— Ҳар кимдан қурби етадиган нарсани талаб қилиш керак. Ҳокимият энг аввало оқилона бўлиши лозим. Агар халқингга, денгизга ташлашни буюрсанг, у исён кўтариб инқилоб қилиб юбориши мумкин. Шунинг учун ҳам мен сўзсиз итотати талаб эта оламан, чунки амр-фармонларимнинг барчаси оқилонадир.

— Қуёш-чи, қуёш ботиши нима бўлади энди?— деб сўради Кичкина шахзода. У то саволига жавоб олмагунича тинчимас эди.

— Қуёш ботади, шошмайтур. Мен бу ҳақда тегишли буйруқ бераман. Аммо олдин қулай вазият етилишини кутиб тураман, зеро ҳукмдорлик ҳикмати ҳам ана шунда.

— Ҳўш, қулай вазият қачон етилади?— деб суриштирди Кичкина шахзода.

— Ҳимм... ҳозир... ҳим...— дея қалин календарни титкилай бошлади қирол.— Қулай вазият... ҳимм... мана бугун кечкурун соат еттидан қирқ минут ўтганда етилади. Амр-фармонимнинг қанчалик сўзсиз бажарилишини кўрасан ана шунда.

Кичкина шахзода тағин эснади. Афсус, бу ерда ғурубни истган вақтингда томоша қилолмас экансан!.. Очиғини айтганда, у энди зерика бошлаган эди.

— Мен борай,— деди у қиролга.— Бошқа қиладиган ишим ҳам қолмади.

— Йўқ, кетма! — деди қирол. У ўзига фукаро топиб олганидан ниҳоятда хурсанд эди ва ундан айрилишни сира-сира истамасди.— Қол, мен сени министр этиб тайинлайман.

— Қанақа министр?

— Ҳимм... бор ана, адлия министри бўлақол.

— Аммо бу ерда суд қиладиган бирорта ҳам одам йўқ-ку?

— Ким билади дейсан,— деб эътироз билдирди қирол.— Ахир мен ҳали бутун қироллигимни синчиклаб кўздан кечириб чиқмаганман-да. Қўриб турибсан, анча қариб қолганман, арава қўядиган жойим йўқ, яёв юришга эса чоғим келмайди.

Кичкина шахзода аста эгилиб, сайёранинг нариги чеккасига назар ташлади.

— Мен аллақачон синчиклаб қараб чиқдим!— деб хитоб қилди у.— Уёқда ҳам ҳеч зоғ йўқ.

— Ундай бўлса, ўзингни ўзинг суд қилақол,— деди қирол.— Бу дунёдаги энг оғир иш. Ўзингни тергаш, суд қилиб ҳукм чиқариш ўзгаларни суд қилишдан кўра минг қарра қийинроқ. Агар ўзинг-



ни тўғри суд қила билсанг, демак, чиндан ҳам донишманд одам бўлиб чиқасан.

— Ҳзимни истаган жойда суд қила оламан,— деди Қичкина шахзода.— Бунинг учун ҳузурингизда қолишимга асло ҳожат йўқ.

— Химм... химм...— деди қирол чайналиб.— Назаримда, сайёрамнинг аллақайси ерида бир қари каламуш яшаса керак. Кечасилари бир балоларни китирлатиб юрганини эшитаман. Мана шу каламушни суд қилсанг ҳам бўлаверади. Вақти-вақти билан уни ўлимга ҳукм қилиб турасан. Унинг хаёт-мамоти сенга боғлиқ бўлади. Аммо ҳар сафар кейин уни афв этиш лозим. Бу қари каламушни асраб-авайлаш керак, ахир ўзи бор-йўғи битта-я...

— Мен бировларни ўлимга ҳукм қилишни ёқтирмайман,— деди Қичкина шахзода.— Умуман, менинг кетар вақтим бўлди.

— Йўқ, бўлмади,— деб эътироз билдирди қирол.

Қичкина шахзода йўлга равона бўлмокчи эди-ю, лекин кекса ҳукмдорни хафа қилишни истамасди.

— Агар аъло ҳазратлари амр-фармонларининг сўзсиз бажарилишини хоҳласалар,— деди у,— у ҳолда, менга ҳозир оқилона фармойиш беришлари лозим. Масалан, сиз менга бир лаҳза ҳам ҳаялламай йўлга тушишни буюришингиз мумкин. Сезишимча, бунинг учун ниҳоят қулай шарт-шароит мувжуд...

Қирол индамади. Қичкина шахзода хийла кутиб турди-да, аста ҳўрсиниб, йўлга тушди.

— Сени элчи қилиб тайинлайман!— деб қичқирди қирол унинг ортидан шоша-пиша. Шу тобда у гўё умрида гапини биров икки қилмагандек мамнун ва хотиржам кўринарди.

«Ғалати халк-да, бу катталар», деб қўйди Қичкина шахзода ўзича, йўлида давом этаркан.

11

27

74

## XI

Иккинчи сайёрада шуҳратпараст яшарди.

— О, ана, мухлис ҳам келиб қолди!— деб хитоб қилди у Қичкина шахзодани узоқдан кўриши билан.

Ахир, иззатталаб одамларга ҳамма уларнинг мухлиси бўлиб кўринаверади-да.

— Салом,— деди Қичкина шахзода.— Шляпангиз жудаям антика экан-а?

— Бу — таъзим бажо келтиришга,— деб тушунтирди шуҳратпараст.— Мени олқишлашган пайтда таъзим бажо айлашим лозим. Бахтга қарши, буёққа бирор кимса қадамранжида қилмаяпти.

— Э, шундайми?— деб қўйди Қичкина шахзода, у ҳеч нарсани тушунмаган эди.



— Бир чапак чалгин,— деди шуҳратпараст унга.

Кичкина шахзода кафтларини бир-бирига уриб чапак чалди. Шуҳратпараст шляпасини бошидан олиб, тавозе билан таъзим қилди.

«Қари киролнинг юртидан кўра бу ер кизикрок экан», деб ўйлади Кичкина шахзода ва тагин чапак чалди. Шуҳратпараст яна шляпасини бошидан олиб таъзим бажо келтирди.

Беш минутча шу тахлитдаги қарсақ-таъзимдан сўнг Кичкина шахзода бундан ҳам зерикди.

— Нима қилса, шляпангиз бошингиздан учиб тушади?— деб сўради у.

Аммо шуҳратпараст бу гапни эшитмади. Иззатталаб одамлар мактовдан бошқа ҳамма нарсага қар бўлишади-да.

— Сен ростдан ҳам менинг чин мухлисим бўласанми?— деб сўради у Кичкина шахзодадан.

— Мухлиш бўлиш дегани нима?

— Мухлис бўлиш дегани — бу сайёрада менинг энг гўзал, энг башанг, ҳаммадан бой ва ҳаммадан ҳам ақлли эканимни тан олиш демақдир.

— Лекин сайёрангда ўзингдан бошқа зоғ ҳам йўқ-ку!

— Бари бир. Кел, менга бир яхшилик қил, яйраб қолай: мени бир мактагин!

— Макташга-ку, мактайман-а,— деди Кичкина шахзода хиёл елка қисиб,— аммо бундан сенга нима наф?

Шундай деб шуҳратпарастни ҳам аста тарк этди.

«Ҳақиқатан ҳам, катталар жуда ғалати халқ-да», деб ўйлади йўлга тушаркан, соддалик билан.

## XII

Кейинги сайёрада пиёниста яшарди. Кичкина шахзода у ерда кўп бўлмади, бироқ шу қисқа вақт ичидаёқ юраги ғаш тортиб чиқди. У сайёрага кадам кўйганида, пиёниста олдидаги бўш ва тўла шишалар сафига жимгина тикилиб ўтирарди.

— Нима қилипсан?— деб сўради Кичкина шахзода.

— Ичяпман,— деди пиёниста хўмрайиб.

— Нега?

— Унутмоқчиман.

— Нимани?— деб сўради Кичкина шахзода пиёнистага раҳми келиб.

— Шу ишимнинг уятлигини,— деди пиёниста тан олиб ва бошини куйи солди.

— Қайси ишинг?— деб сўради Кичкина шахзода, бояқишга ёрдам беришни жон-дилидан истаб.

— Ичишим уят!— деди пиёниста ва қайтиб оғиз очмади.

Анчадан сўнг Кичкина шахзода лолу хайрон бўлиб, тағин йўлга тушди.

«Ха, шубҳасиз, катталар жуда-жуда ғалати халқ», деб хаёлидан кечирди йўлида давом этаркан.



### XIII

Тўртинчи сайёра корчалон одамга қарашли эди. У шу қадар банд эдики, Кичкина шахзода хузурига кириб келганида ҳатто бош кўтариб ҳам қарамади.

— Салом,— деди Кичкина шахзода.— Папиросингиз ўчиб қолибди.

— Иккига уч — беш. Бешга етти — ўн икки. Ўн иккига уч — ўн беш. Салом. Ўн бешга етти — йигирма икки. Йигирма иккига олти — йигирма саккиз. Гугурт чақишга вақт йўқ. Йигирма олтига беш — ўттиз бир. Уф! Жами, демакким, беш юз бир миллиону олти юз йигирма икки минг етти юз ўттиз битта.

— Нима у — беш юз бир миллион?..

— А? Э, ҳалиям шу ерда турибсанми?— Нималигини билмай ҳам қолдим... Ишим шу қадар кўпки! Мен жиддий одамман, валақлаб ўтиришга вақтим йўқ! Иккига беш — етти...

— Нима у — беш юз миллион?..— деб такрорлади Кичкина шахзода. У бирор нарса ҳақида сўраркан, то жавоб олмагунича тинчимасди.

Корчалон одам бошини кўтарди.

— Эллик тўрт йилдан буён шу сайёрада яшайман.





Шунча вақт мобайнида менга бор-йўғи уч марта халакит беришди. Биринчи гал, йигирма икки йил муқаддам қаёқдандир бир тиллақўн-ғиз учиб келиб қолганида шундай бўлган эди. У шунақанги шовқин солиб визилладики, мен беихтиёр қўшувда тўртта хато қилиб қўйдим. Иккинчи гал эса ўн бир йил бурун бирданига мени бод тутиб қолди. Ҳадеб қадалиб ўтиравергандан кейин... Мени сайр-томоша қилиб юришга фурсатим йўқ. Мен жиддий одамман. Учинчи гал... мана энди! Демак, жами бўлиши керак эди беш юз миллиону...

— Беш юз миллион нима, ахир?

Қорчалон одам жавоб бермаса қутулмаслигини пайқади.

— Беш юз миллион бу, ҳалиги... бор-ку хар замонда осмонда кўриниб қоладиган?

— Нима экан у, пашшами?

— Э, йўғ-э, бор-ку кичкина, ялтирок...

— Арими?

— Йўғ-э! Митти-митти, тилладек чараклайди, истаган тентак унга боқиши билан ҳаёли қочиб кетади. Мен жиддий одамман. Ҳаёл суришга асло вақтим йўқ.

— Ҳа, юлдузларми?

— Э, топдинг, юлдуз.

— Беш юз миллион юлдуз, дегин? Нима қиласан уларни?

— Беш юз миллиону олти юз йигирма икки минг етти юз ўттиз битта. Мен жиддий одамман, аникликни ёқтираман.

— Хўш, шунча юлдузни нима қиласан?

— Нима қиласан, дейсанми?

— Ҳа.

— Ҳеч нарса қилмайман. Мен уларга эгалик қиламан, холос.

— Юлдузларга эгалик қиласанми?

— Ҳа.

— Лекин мен йўлда бир қиролни кўрдим, у...

— Қироллар ҳеч кимга эгалик қилолмайди. Улар факат ҳукм-ронлик қилади. Бу бутунлай бошка нарса.

— Юлдузларга эгалик қилишнинг сенга нима кераги бор?

— Бой бўлиш учун-да, нимага бўларди.

— Бой бўлишнинг нима кераги бор?

— Бой бўлиш, кимдир янги юлдузларни кашф этса, уларга ҳам эгалик қилиш учун керак.

«Буям худди бояги пиёнистага ўхшаб фикрляпти», дея кўнглидан ўтказди Кичкина шахзода ва яна сўрокни давом эттирди:

— Юлдузларга қандай эгалик қилиш мумкин?

— Юлдузлар кимники?— деб сўради корчалон энсаси қотиб.

— Билмадим. Ҳеч кимники.

— Демак, меники бўлади. Чунки мен буни биринчи бўлиб ўйлаб топдим.

— Шунинг ўзи басми?

— Албатта-да. Айтайлик, кўзадан олмос топиб олсангу эгаси бўл-маса, у сеники бўлади. Агар мияннга тўсатдан бирон-бир фикр келиб қолса, дарров унга патент оласан: у энди буткул сеники. Мен юлдузларга шунинг учун ҳам эгалик қиламанки, менгача ҳеч ким уларга эгалик қилишни ҳаёлига ҳам келтирмаган эди.

— Тўғри,— деди Кичкина шахзода.— Ҳар қалай, айт-чи, сен уларни нима қиласан?

— Улар устидан ҳукмимни юргизаман,— деди корчалон.— Тинимсиз санаб тураман. Бу жудаям қийин иш. Аммо мен жиддий одамман.

Бирок Кичкина шахзодага бу изох кифоя қилмади.

— Дейлик, менинг шоҳи рўмолчам бўлса, уни бўйнимга ўраб ўзим билан олиб кетишим мумкин,— деди у.— Мабодо, менинг бир гулим бўлса, узиб олиб кетишим мумкин. Лекин сен юлдузларни ўзинг билан бирга олиб кетолмайсан-ку!

— Тўғри, аммо мен уларни банкка қўйишим мумкин.

— Қандай қилиб?

— Мана бундай қилиб: қоғозга қанча юлдузим борлигини ёзиб чиқаман-да, кейин шу қоғозни тортмага солиб қулфлаб қўяман.

— Бўлдими шу билан?

— Шунинг ўзи кифоя.

«Қизиг-а!— деб ўйлади Кичкина шахзода.— Ҳатто шоирона ҳам. Аммо унчалик жиддий иш эмас».

Нима жиддий, нима ножиддий — буни Кичкина шахзода катталар сингари эмас, ўзича тушунарди.

— Менинг феруза гулим бор, уни ҳар куни эрталаб суғораман,— деди у.— Учта вулкони бор, ҳар ҳафтада уларни тозалаб тураман. Биттаси сўнган, уни ҳам тозалайман, ҳар эҳтимолга қарши. Гулимга ҳам, вулконларимга ҳам менинг уларга эгалик қилишимдан наф бор. Юлдузларга эса сенинг эгалигингдан зиғирдек ҳам наф йўк...

Қорчалон нимадир демокчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бироқ жавоб тополмади. Кичкина шахзода йўлига жўнади.

«Йўк, катталар чиндан ҳам ниҳоятда антика халқ», дея соддалик билан кўнглидан кечирди у йўлида давом этаркан.

Бешинчи сайёра жудаям ғаройиб эди. У бошқа сайёраларнинг ҳаммасидан кичкина бўлиб, сатхига бор-йўғи битта фонус чирок билан чароғбон жойлашган эди. Кичкина шахзода, бепоён коинот қаърида гарддек бўлиб кетган, на бирорта уй, на бирорта тирик жон бўлган бу митти сайёрада чирок билан чароғбоннинг нима



кераги борлигига мутлако тушуна олмади.

«Эҳтимол, бу одам ҳам тентакдир. Аммо у кирол, шуҳрат-параст, пиёниста ва корчалон сингари тентак эмас. Унинг ишида, ҳар қалай, маъно бор. У фондусини ёққан пайтда гўё яна бир юлдуз чакнагандек ёки яна бир гул очилгандек бўлади. Чироғини ўчирган пайтда эса, гўё юлдуз сўнгандек ёки гул сўлгандек бўлади. Жудаям ажойиб машғулот экан. Бу чинакамига фойдали бўлса керак, чунки гўзал иш».

Сайёранинг рўпарасига етиб келгач, у эҳтиром билан чароғбонга таъзим қилди.

- Салом,— деди у.— Нега ҳозир чироғингни ўчирдинг?
- Шарт шундай,— деб жавоб берди чароғбон.— Салом.



— Канака шарт?

— Чирокни кечкурун ўчиришим керак. Окшоминг хайрли бўлсин!

У шундай деб чирокни яна ёкди.

— Ундай бўлса, нега тагин ёкдинг?

— Шарт шундай,— деб такрорлади чароғбон ҳорғин.

— Тушунмадим,— деди Кичкина шахзода тан олиб.

— Тушунадиган нарсанинг ўзи йўқ,— деди чароғбон.— Шарт бўлгандан кейин бажариш керак. Салом!

Шундай деб чирокни ўчирди-да, қизил катакли рўмолча билан пешонасини артиб:

— Қасбим жуда оғир,— деди.— Бир пайтлар бунинг маъноси бор эди. Чирокни кечкурун ёқардим, эрталаб ўчирардим. Ихтиёримда дам олишга бир кун, ухлашга бир кеча қоларди...

— Хўш, кейин шарт ўзгариб қолдими?

— Шарт ўзгармади,— деди чароғбон.— Ҳамма бало шунда-да! Менинг сайёрам кундан-кунга тезроқ айланмоқда, шарт эса ҳамон ўша эскилигича қоляпти.

— Энди нима қиласан?— деб сўради Кичкина шахзода.

— Нимаям қилардим? Сайёра бир дақиқа ичида тўла айланиб чиқади, нафас ростлашга бир сония ҳам фурсатим қолмайди. Чирокни ҳар дақиқада ёкиб-ўчиришга мажбурман.

— Ана холос! Роса қизик-қу! Демак, сенинг сайёрангда куннинг узунлиги бор-йўғи бир дақиқа экан-да!

— Нимаси қизик экан бунинг,— деди чароғбон эътироз билдириб.— Мана, ҳозир иккаламиз бир ойдан буён гаплашиб турибмиз.

— Бир ойдан буён?!

— Ҳа-да. Ўттиз дақиқа. Ўттиз кун. Окшоминг хайрли бўлсин! У шундай деб яна чирокни ёкди.

Кичкина шахзода чароғбонга тикилиб қолди. Аҳдига содик бу одам унга ҳаммадан кўра кўпроқ ёкқан эди. Бир пайтлар ўзининг қуёш ботишини яна бир марта томоша қилиш учун курсичани нари-бери суриб юрганлари ёдига тушиб кетдию бу янги дўстига ёрдам бергиси келди.

— Менга қара,— деди у чароғбонга,— бир йўли бор: сен хоҳлаган пайтингда дам олишинг мумкин, фақат...

— Менинг доим дам олгим келади,— деди чароғбон.

Аҳдга содик қолиб ҳам дангаса бўлиш мумкин-да, ахир!

— Сенинг сайёранг шунчалик кичкинаки,— деб давом этди Кичкина шахзода,— уч ҳатлаб уни айланиб чиқишинг мумкин. Биласанми, шундай тезлик билан юришинг керакки, қуёш ҳамиша сен тарафда бўлиши лозим. Қачон дам олгинг келса, кетаверасан, кетаверасан... Шунда куннинг узунлиги сен хоҳлаганча давом этади.

— Э, бунинг фойдаси кам,— деди чароғбон.— Мен дунёда ҳамма нарсадан ҳам уйқуни яхши кўраман.

— Унда, ахволинг чатоқ,— деди Кичкина шахзода ачиниб.

— Ахволим чатоқ,— деб тасдиқлади чароғбон.— Салом.

Шундай деб тагин чирокни ўчирди.

«Ана одам!— деди Кичкина шахзода ўзича, йўлида давом этаркан.— Ҳойнаҳой кирол ҳам, шухратпарасту пиёниста ҳам, корчалон ҳам ундан нафратланган бўлурди. Аммо, менимча, уларнинг орасида

энг расоси шу. Эхтимол, факат ўзи хақидагина ўйламаслиги учун хам у шунақадир».

Кичкина шахзода аста хўрсинди.

«Мана мен дўст тутинишим мумкин бўлган одам,— деб ўйлади яна.— Лекин унинг сайёраси шу қадар кичкинаки, икки киши сиймайди...»

Бу ажойиб сайёрага бошка бир сабаб туфайли ҳам ачинаётганини тан олмокка у ботинолмади: бу ерда йигирма тўрт соат мобайнида куёш ботишини бир минг тўрт юз қирк марта томоша қилиш мумкин эди-да!

## XV

Олтинчи сайёра аввалгисидан ўн баробар катта эди. Унда ёстик-дек-ёстикдек китоблар ёзадиган чол яшарди.

— Ана буни қаранг-а! Сайёҳ келди!— деб хитоб қилди у Кичкина шахзодани кўриб.

Кичкина шахзода нафас ростлаш учун стол ёнига ўтирди. Бенихоя кўп йўл юриб обдан чарчаган эди у!

— Қаердансан?— деб сўради чол.

— Бу катта китобингиз нимаси?— деб сўради Кичкина шахзода.— Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

— Мен географман,— деди чол.

— Географ дегани нима?

— Бу дегани — дарёю денгизларнинг, шаҳар ва тоғларнинг, чўлу биёбонларнинг қаерда жойлашганини биладиган одам.

— Э, зўр экан!— деди Кичкина шахзода.— Чиндан хам, мана буни хақиқий иш деса арзийди!

У шундай деб географнинг сайёрасига назар ташлади. У умрида ҳеч қачон бундай катта сайёрани кўрмаган эди.

— Сайёрангиз жудаям чиройли экан,— деди у.— Айтинг-чи, океанлар борми бу ерда?





— Бунисини билмадим,— деди географ.  
— Э-э,— деди Кичкина шахзода ҳафсаласи пир бўлиб.— Тоғ борми, тоғ?

— Билмайман,— деди географ.

— Шаҳарлар, дарёлар, саҳролар-чи?

— Буниям билмайман.

— Ахир сиз географсиз-ку!

— Бўлмаса-чи!— деди чол викор билан.— Гап шунда-да: мен сайёҳ эмас, географман. Менга сайёҳлар жуда-жуда етишмайди. Чунки шаҳарлар, дарёю тоғлар, денгизу океанларни, чўлу биёбонларни географлар ҳисоблаб қайд этмайди. Географ — бу катта одам, унинг санғиб юришга вақти йўқ. У ўз кабинетидан чикмайди, аммо сайёҳатчиларни қабул қилиб, уларнинг хикояларини ёзиб олади. Агар уларнинг бирортаси кизикроқ воқеани айтиб берса, географ хужжат тўплаб, шу сайёҳнинг бамаъни одамми ёки бетайинлигини текширади.

— Нима учун?

— Чунки сайёҳ алдаб уйдирмаларни сўзлаган бўлса, жуғрофия дарсликлари чалкашиб кетади-да. Агар у кўпроқ ичадиган бўлса, тагин ташвиш ортди, деявер.

— Нега?

— Негаки, пиёнисталарнинг кўзига ҳамма нарса иккита бўлиб кўринади. Унинг гапига ишониб, географ битта тоғни иккита деб ёзиб қўйиши мумкин.

— Мен бир одамни билардим... Ундан ёмон сайёҳ чиқарди,— деб қўйди Кичкина шахзода.

— Бўлса бордир. Хўш, шундай қилиб, агар сайёҳ бамаъни одам бўлиб чикса, кейин унинг кашфиёти текширилади.

— Қандай текширилади? Бориб кўриб келинадими?

— Э, йўқ. Бу жудаям мураккаб иш. Шунчаки, сайёҳдан кашфиётни тасдиқлайдиган ашёвий далил талаб этилади, холос. Масалан, агар у улкан бир тоғни кашф этган бўлса, ундан катта-катта харсангошларни олиб келиб кўрсатиши керак.— Географ бирданига ҳаяжонга тушди.— Э, айтмоқ-чи, ўзинг ҳам сайёҳсан-ку! Хойнахой, фоят узокдан келгандирсан. Менга ўз сайёранг ҳақида гапириб бер!

Географ олдидаги қалин дафтарини очди-да, қалам йўна бошлади. Сайёҳларнинг хикоялари аввал қаламда ёзиб олинади, кашфиётни тасдиқлайдиган ашёвий далил келтиргачгина, уларнинг хотираларини сиёҳ билан ёзиш мумкин.

— Қулоғим сенда,— деди географ.

— Хе, менинг сайёрамда унчалик кизиқ нарса йўқ,— деди Кичкина шахзода.— У ерда ҳамма нарса ниҳоятда кичкина. Учта вулкон бор, иккитаси уйғок, биттаси аллақачон сўнган. Лекин билиб бўлмайди-да.

— Ҳа, билиб бўлмайди,— деб маъқуллади географ.

— Кейин, менинг бир гулим бор.

— Гулларни ҳисобга олмаймиз,— деди географ.

— Нимага?! Ахир, у жудаям чиройли-ку!

— Чунки, гуллар эфемер саналади.

— «Эфемер»ингиз нимаси?

— Жуғрофия китоблари — дунёдаги энг қимматбаҳо китоблардир,— деб тушунтирди чол.— Улар ҳеч қачон эскирмайди. Зеро, тоғнинг ўз ўрнидан кўзгалиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Ёки океаннинг қуриб қолиши... Биз фақат мангу ва турғун нарсалар хусусидагина ёзамиз.

— Бирок, сўнган вулкон қайтиб уйғониши мумкин-ку,— деб унинг гапини бўлди Кичкина шахзода.— «Эфемер» дегани нима ўзи?

— Вулкон уйғокми, сўнганми, буни биз, географлар учун аҳамияти йўқ,— деди географ.— Мухими шундаки, у тоғ. Тоғ эса ўзгармайди.

— «Эфемер» дегани нима?— деб тағин такрорлади Кичкина шахзода.

— Бу — ҳадемай йўқ бўладиган нарса, дегани.

— Менинг гулим ҳам ҳадемай йўқ бўладими?

— Албатта.

«Менинг феруза гулим, менинг ягона қувончим мангу эмас экан,— деб андух билан шивирлади Кичкина шахзода.— У бало-қазолардан, офату тўфонлардан ўзини қандай асрайди? Бор-йўғи тўрттагина тикани бўлса. Мен уни ташлаб кетдим, хувиллаган сайёрамда ёлғиз ўзи қолган эди-я!»

Шундагина у тарк этилган гулига беҳад ачиниб кетди, дилини гусса чулғади. Аммо шу ондаёқ журъатини тўплаб:

— Энди мен қаёққа борсам экан, нима маслаҳат берасиз?— деб сўради.

— Ер деган бир сайёра бор, шунга бориб кўр,— деб жавоб берди географ.— Унинг нуфузи чакки эмас...

Кичкина шахзода йўлга тушди, аммо фикри-ёди сайёрасида қолган ёлғизгина гулда эди.

## XVI

Шундай қилиб, у кадамранжида қилган еттинчи сайёра Ер эди.

Ер — оддий сайёралардан эмас! Бунда бир юз йигирмата қирол (негр қироллари ҳам шунга қиради, албатта), етти минг географ, тўққиз юз минг корчалон, етти ярим миллион пиёниста, уч юз ўн бир миллион шухратпараст, хуллас, жами икки миллиардга яқин катта одам мавжуд.

Ернинг нақадар катталиги ҳақида сизга бирмунча тасаввур бермоқ учун шуни айтиш билангина кифояланаман: электр кашф этилгунига қадар олти китъада чароғбонларнинг тўрт юз олти миш икки минг беш юз ўн бир кишидан иборат улкан лашқари тутиб туриларди.

Агар четдан разм солинса, бу қойилмақом бир томоша бўларди. Бу улкан лашқарнинг хатти-ҳаракатлари гўё балетдагидек аниқ бир қоидага бўйсунарди. «Сахна»га биринчи бўлиб Янги Зеландия ва Австралиядagi чароғбонлар чиқишарди. Улар чирокларини ёкиб, ухлагани кетишарди. Кейин Хитой чароғбонларининг навбати келарди. Ўз «ракси»ни адо этиб, улар ҳам парда ортига ғойиб бўлишарди. Улардан сўнг Россия ва Ҳиндистон чароғбонларига гал тегарди. Кейин эса — Африка ва Европа, ундан сўнг Жанубий Америка





ва ниҳоят, Шимолий Америкадаги чароғбонларнинг навбати етарди. Шу тарика ҳеч ким ҳеч қачон адашиб кетмас, ҳамма «сахна»га ўз вақтида чиқарди. Ҳа, бу чиндан ҳам қойилмаком томоша эди!

Фақат, шимолий кутбдаги ягона фонусни ёқиши лозим бўлган чароғбон билан унинг Жанубий кутбдаги ҳамкасбига ҳаммадан ҳам маза эди, иккаласи ҳам ортикча ташвиш-тараддудсиз яшарди: улар ўз хунарини йилда икки мартагина кўрсатарди, холос.

## XVII

Баъзан ҳаддан ташқари суҳандонлик қилгинг келиб қолганда озми-кўпми муболага қиласан киши. Мана, мен ҳам чароғбонлар ҳақида сўзлайтуриб, ҳақиқатга бирмунча хилоф иш тутдим. Ишкилиб, сайёрамизни яхши билмайдиганларда у ҳақда нотўғри тушунча пайдо бўлмаса бас! Аслида одамлар Ер юзиде унчалик кўп жойни эгалламайди. Агар унда истикомат қиладиган икки миллиард одам тўпланиб, худди митингдагидек елкама-елка турса, улар ортикча қийналиб-нетмай, узунасига кенглиги йигирма миль келадиган майдонга бемалол жойлашган бўлур эди. Бутун инсониятни Тинч океандаги тангадеккина оролчага ҳам сиғдириб юбориш мумкин.

Катталар, албатта, бу гапингизга ишонмайдилар. Улар ўзларини жуда кўп жойни эгаллайдиган чоғлайдилар, ўзларини худди баобаблардек баҳайбат ва улуғвор ҳисоблайдилар. Сиз шунда уларга аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқишни таклиф этинг. Бу гап уларга маъқул бўлади, ахир улар рақам деса ўлиб қолишади-ку. Сиз эса бу бўлмағур арифметика билан бошингизни қотириб ётманг. Унинг сарик чақалик ҳам фойдаси йўқ. Биламан, сиз шундоқ ҳам менга ишонасиз.

Алкисса, Қичкина шахзода Ерга тушгач, атроф-жавонибда бирор тирик жонни кўрмай, беҳад хайрон бўлди. Хатто, адашиб бошқа сайёрага келиб қолдиммикин, деган хаёлга ҳам борди. Бирок шу пайт

оёғи остида, қум узра кулча бўлиб ётган аллақандай кулранг нарса кўзгалиб кўйди.

— Салом,— деди Кичкина шахзода ҳар эхтимолга қарши.

— Салом,— деб жавоб берди илон.

— Мен қандай сайёрага келиб қолдим?

— Ерга,— деди илон.— Африкада турибсан ҳозир.

— Шунақами? Нима, Ерда одам яшамайдими?

— Бу жой — сахро. Сахрода ҳеч ким яшамайди. Аммо Ер катта.

Кичкина шахзода тош устига ўтириб, осмонга тикилди.

— Қани энди, юлдузларнинг нега чарақлашини билсам,— деди у ўйчан оҳангда.— Чамаси, улар, эртами-кечми ҳар ким ўз юлдузини топиб олиши учун чарақлаб турса керак. Кўряпсанми, ҳув ана менинг сайёрам — шундоқкина тепамизда... Аммо у қанчалар узоқда, эх-хе!



— Чиройли сайёра экан,— деди илон.— Ерга нега келдинг, нима қиласан бу ерда?

— Мен феруза гулим билан уришиб қолдим,— дея иқрор бўлди Кичкина шахзода.

— Э, шундай дегин...

Иккови ҳам жимиб қолди.

— Одамлар қаёқда, одамлар?— деб тағин сўради ниҳоят Кичкина шахзода.— Сахрода, ҳар қалай, ўзингни ёлғиз сезаркансан киши..

— Одамлар орасида ҳам ўзингни ёлғиз сезаверасан, — деб кўйди илон.

Кичкина шахзода унга синчиклаб тикилди.

— Ғалати жонивор экансан, — деди у. — Йўғонлигинг бармоқдек келмайди-ю...

— Аммо мен киролнинг бармоғидан кўра кўпроқ кудратга эгаман, — деб эътироз билдирди илон.

Кичкина шахзода кулимсиради:

— Нахотки сен шу қадар кудратли бўлсанг? Лоақал панжанг ҳам йўқ-ку. Сен ҳатто саёҳат қилишга ҳам ярамайсан...

— Мен сени бирорта кема элтолмайдиган олис манзилларга олиб кетишим мумкин, — деди илон, сўнг Кичкина шахзоданинг болдирига ҳалқа бўлиб чирмашди. — Қимгаки тегсам, уни аслига — тупроққа айлантираман, — деди у. — Аммо сен юлдуздан тушиб келгансан, юлдуздек поксан...


Кичкина шахзода индамай тураверди.

— Сенга раҳмим келади, — дея давом этди илон. — Тош-метин бу заминда сен шу қадар заиф, ожизсанки... Едингда бўлсин, қачонки олисида қолган сайёрангни эслаб юрагинг гуссага тўлса, мен сенга ёрдам қилишим мумкин. Мен...

— Гапингни жуда яхши тушундим, — деди Кичкина шахзода. — Аммо нега доим жумбоқ билан сўзлайсан?

— Мен ҳамма жумбоқларни ҳал этаман, — деди илон.

Иккаласи тагин жимиб қолди.



## XVIII

Кичкина шахзода саҳрони кесиб ўтди-ю, ҳеч кимни учратмади. Йўлда фақат нимжонгина, рангпар бир гулга дуч келди

— Салом, — деди Кичкина шахзода.

— Салом, — деб жавоб қайтарди гул.

— Одамлар қаёқда? — деб мулоийм оҳангда сўради Кичкина шахзода.

Кунларнинг бирида ёнгинасидан ўтиб кетаётган карвонга гулнинг кўзи тушиб қолган эди.



— Одамлар дейсанми? Ха-а... Улар, чамаси, бештами-олтита эди. Мен уларни кўп йил бурун кўрган эдим. Аммо уларни қаердан излаш кераклигини билмайман. Шамолдек учиб юришади, илдизи йўқ уларнинг, шунинг учун ҳам топиш кийин.

— Хайр, яхши қол,— деди Кичкина шаҳзода.

— Хайр,— деди гул.

## XIX

Кичкина шаҳзода баланд тоққа чиқиб борарди. Шу пайтгача у ўзининг тиззасидан келадиган учта вулконида бошқа бирорта тоғни кўрмаган эди. Сўнган вулкон унга курси бўлиб хизмат қиларди. Шу сабабли, у ҳозир бу юксак тоғдан туриб сайёрани бошдан-оёқ кўздан кечирса бўлар, ундаги жамики одамларни ҳам кўрсам керак, деган фикрга келди. Бирок тоғ тепасига чиқиб боргач, игнадек ўткир ва ингичка чўқкиларгагина кўзи тушди, холос.

— Салом,— деди у ҳар эҳтимолга қарши.

— Салом... салом... лом...— дея акс садо янгради.


— Сиз кимсиз?— деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Сиз кимсиз... кимсиз... кимсиз...— дея акс садо янгради яна.

— Келинглар, дўст бўлайлик, мен яккаю ёлғизман,— деди у.

— Яккаю ёлғиз... ёлғиз...— дея акс садо янгради.

«Шунчалик ҳам ғалати сайёра бўладими!— деб ўйлади Кичкина шаҳзода.— Яп-яланғоч, тап-тақир, ҳамма томони игна. Одамларида қувваи хофиза ҳам етишмас экан. Айтган гапингни такрорлашдан бошқа нарсани билмайди... Уйимда феруза гулим бор эди, у менинг кўрар кўзим, қувончим эди, у ҳамиша биринчи бўлиб сўйларди».



Кичкина шахзода қум барханлари аро, қоя ва музликлар аро узок кезиб юрди ва ниҳоят, йўлга тушиб олди. Хар қандай йўл эса одамзод хузурига элтади.

— Салом,— деди у.

Унинг қаршисида гул-чечакларга тўла бир чаманзор ястаниб ётарди.



— Салом,— деб жавоб қайтаришди гуллар.

Шунда Кичкина шахзода бу гулларнинг барчаси унинг феруза гулига ўхшаш эканини пайқади.

— Тўхтанг, сизлар кимсиз?— деб сўради у лол бўлиб.

— Бизлар — гулмиз,— деб жавоб беришди гуллар.

— Шунақами...— деди Кичкина шахзода бўшашиб.

Сўнг дафъатан ўзини бениҳоя бахтсиз сезди. Феруза гул унга, бутун оламда мен каби зебо санам йўқ, деб айтган эди. Мана, hozир пойидаги бу чаманзорда эрка гули янглиғ гулларнинг беш мингтаси ял-ял товланиб турибди!

«Агар буни кўрса, у қанчалар хафа бўларди-я!— деб ўйлади Кичкина шахзода.— Чамаси, кулгили кўринмаслик учун у зўр бериб йўтала бошлаган, ўзини хатто жон таслим қилаётгандек кўрсатган бўлур эди. Мен эса унинг ортидан худди беморнинг ортидан юрган-дек эргашиб, таскин-тасалли беришга мажбур бўлардим, акс ҳолда, мени ташвишу уятга қўйиш учун ҳам у жон таслим қиларди...»

Кейин хаёлига яна шундай фикр келди: «Мен, ўзимча дунёда тан-хо гулга эгаман, деб юрардим, ҳеч қайда унинг тенгию ўхшаши йўқ, деб ўйлардим, ваҳолонки, у оддийгина бир гул экан. Менинг бор буд-шудим ўша оддийгина гулу бўйи тиззамдан келадиған учта вулкондан иборат эди, унинг ҳам биттаси сўнган, ким билсин, балки абадий уйғонмас... энди менинг подшолигим қолдимми...»

У майса узра юзтубан тушганча, йиғлаб юборди.

Худди шу пайт рўпарасида Тулки пайдо бўлди.

— Салом,— деди у.

— Салом,— дея алик олди Кичкина шахзода хушфезллик билан, бироқ теварак-атрофига аланглаб, ҳеч кимни кўрмади.

— Мен бу ердан,— деган овоз эшитилди яна.— Дарахтнинг тагидаман...

— Сен кимсан?— деб сўради Кичкина шахзода.— Бунчаям чиройлисан!

— Мен — Тулкиман,— деди Тулки.

— Мен билан ўйнагин,— деб ўтинди Кичкина шахзода.— Билсанг, ҳозир шу қадар хафаманки...

— Сен билан ўйнаёлмайман,— деди Тулки.— Мен қўлга ўргатилмаганман.

— Э, кечирасан, бўлмаса,— деди Кичкина шахзода, аммо бир оз ўйланиб:— «Қўлга ўргатилмаган» дегани нима?— деб сўради.



— Бу ерлик эмас экансан-да,— деди Тулки.— Нима излаб юрибсан бу жойларда?

— Одамларни излаяпман,— деди Кичкина шахзода.— «Қўлга ўргатиш» дегани нима?

— Одамларни излаяпман дегин? Уларнинг ёнида қуроли бўлади, шунга тақиб овга чиқишади. Жуда чаток-да, шуниси. Улар товук ҳам боқишади. Ягона маъқул иши шу уларнинг. Сен товук изламайсанми?

— Йўқ,— деди Кичкина шахзода.— Мен дўст излаб юрибман. Хўш, «қўлга ўргатиш» дегани нима?

— Бу аллақачонлар унут бўлиб кетган тушунча,— деб тушунтирди Тулки.— Бу дегани — ришталар боғламок демакдир.

— Ришта боғламок?

— Худди шундай,— деди Тулки.— Ҳозир сен мен учун дунёдаги ўзингга ўхшаган юз минг боланинг бирисан, холос. Ҳозирча сен менга керак эмассан, мен ҳам сенга керак эмасман. Мен ҳам сенга ҳозир дунёдаги юз минглаб тулкининг бириман, холос. Аммо бордию сен мени қўлга ўргатсанг, иккимиз бир-биримизга керак бўлиб





коламиз. Сен мен учун дунёдаги ягона одамга айланасан. Мен ҳам сен учун дунёда ягонага айланаман...

— Тушунгандек бўляпман,— деди Кичкина шахзода.— Бир гул бор эди... чамаси, у мени қўлга ўргатган экан...

— Бўлиши мумкин,— деб тасдиқлади Тулки.— Ер юзида нималар бўлмайди, дейсан.

— Бу воқеа Ерда бўлмаган,— деди Кичкина шахзода.

Тулки хайрон қолди:

— Қаерда бўлган? Бошка сайёрадами?

— Ҳа.

— Ўша сайёрада ҳам овчилар борми?

— Йўқ.

— Э, соз экан-ку! Товуқ борми?

— Йўқ.

— Бир кам дунё дегани шу экан-да!— деб хўрсинди Тулки. Аммо зум ўтмай, тагин сўз бошлади:— Ҳаётим жудаям зерикарли. Мен товукни пойлайман, одамлар эса мени пойлайди. Товуқниям ҳаммаси бир хил, одамниям. Шунинг учун ҳаётим мудом зерикиш билан ўтади. Агар сен мени қўлга ўргатсанг, қоронғи турмушимга нур кирарди. Шунда сенинг оёқ товушларингни мен минглаб одам ичидан ажрата оладиган бўламан. Ҳозир одам шарпасини сезсам, бас, дарҳол бекиниш пайига тушаман. Аммо мени қўлга ўргатсанг борми, кадам олишинг худди оҳанрабо мусика янглиғ мени ўзига чорлайдию яшириниб ётган жойимдан истикболингга югуриб чиқаман. Ундан кейин, хув анави буғдойзорни кўряпсанми? Қара, буғдой фарк пишиб ётибди. Мен дон-дун емайман, ғалла билан ишим йўқ. Буғдойзор далаларнинг мен учун ҳеч қандай маъноси йўқ. Бунинг қанчалар қайғули эканини билсанг эди! Сенинг сочларинг ажойиб, тилларанг товланади. Агар мени қўлга ўргатсанг, шундай соз бўладики! Олтин тусли буғдойзор энди менга сени эслата бошлайди. Ва шунда мен бошоқларнинг шамолда чайқалишини яхши кўриб қоламан...



Тулки жимиб колди, Кичкина шахзодага узок термилди, ниҳоят:

— Илтимос... мени қўлга ўргатгин,— деди.

— Жоним билан ўргатардиму,— деди Кичкина шахзода,— лекин вақтим зикроқ-да. Мен ҳали дўстлар орттиришим, жуда кўп нарсаларни билиб олишим керак.

— Фақат қўлга ўргатилган нарсаларнигина билиб олиш мумкин,— деди Тулки.— Ҳозир одамларнинг бирор нарсани билишга вақти колмаган. Ҳамма нарсани тайёрлигича магазиндан олишади.



Лекин дўст сотадиган магазин йўқ-да, шунинг учун ҳам одамлар энди дўст орттирмайди. Агар дўст орттирмоқчи бўлсанг, мени қўлга ўргатақол!

— Хўп, бунинг учун нима қилиш керак?— деб сўради Кичкина шахзода

— Сабр-тоқатни бир жойга йиғиш керак,— деб жавоб берди Тулки.— Дастлаб сал узокроқда, хув анави ердаги майсанинг устига келиб ўтирасан. Мен сенга аввал бир оз хадиксираб қарайман, сен бунга индамайсан, майлими? Чунки сўз бир-биримизни англашимизга халакит беради, холос. Кейин эса кун сайин аста-секин яқинроқ келиб ўтираверасан...

Эртасига Кичкина шахзода яна шу жойга келди.

— Яхшиси, ҳар куни бир пайтда кела қолгин,— деб илтимос қилди Тулки.— Масалан, агар соат тўртда келадиган бўлсанг, мен соат учдан ўзимни бахтиёр ҳис қила бошлайман. Муддат яқинлашган сари бу қувонч орта боради. Соат тўртда эса юрагим ҳаяжонга тўлиб шодумонлик билан тепа бошлайди. Ана шундагина мен бахт-саодатнинг кадрили сезаман! Бордию сен ҳар куни ҳар хил вақтда



келадиган бўлсанг, мени бу бахтиёрлик туйғусидан махрум қиласан...  
Расм-русмни тўғри бажо келтириш керак.

— Расм-русм нима?— деб сўради Кичкина шахзода.

— Буям аллақачон унутилган нарса,— дея тушунтирди Тулки.—  
У шундай бир нарсаки, у туфайли қайсидир бир кун бошқа кунларга  
мутлақо ўхшамайди, у туфайли қайсидир давр бошқа даврларга  
мутлақо ўхшамайди. Масалан, менинг пайимда юрадиган овчиларда  
шундай расм-русм бор: улар пайшанба кунлари қишлоқи оймқиз-  
лар билан кўнгилхушлик қилишади. Шунинг учун ҳам пайшанба  
дегани жуда ажойиб кун-да! Шу кунлари мен аста сайр қилгани  
чикаман, ҳатто узумзорнинг чеккасигача бемалол бораман. Агар  
овчилар маълум кунларда эмас, хоҳлаган пайтларида кўнгилхуш-  
лик қилаверсалар, ҳамма кунлар бир хил бўлиб қоларди, унда  
мен ҳордиқ нималигини билмай ўтиб кетардим.

Шу тарика Кичкина шахзода Тулкини қўлга ўргатди. Мана,  
ниҳоят айрилиқ чоғи ҳам етди.

— Энди сени эслаб йиғлаб юраман,— дея хўрсинди Тулки.

— Айб ўзингда,— деди Кичкина шахзода.— Сени ранжитишни  
сира-сира истамасдим, ахир, ўзинг айтган эдинг-ку, мени қўлга ўр-  
гат, деб...

— Ҳа, албатта,— деди Тулки.

— Лекин йиғлайман, деяпсан-ку!

— Албатта йиғлайман-да.

— Демак, сени қўлга ўргатиб нотўғри қилибман-да.

— Йўқ,— деб бош чайқади Тулки,— бундан хафа эмасман.  
Эсингдами, олтин бошоқ ҳақида сенга айтган гапларим?— У жимиб  
қолди, орадан сал ўтгач, тағин қўшиб кўйди:— Ўша гулзорга яна бир  
марта бориб қарагин, феруза гулининг оламда чиндан ҳам ягона  
эканига ишонч ҳосил қиласан. Қайтиб келганингдан сўнг, хайр-  
лашар чоғи сени яна бир сирдан огоҳ этаман. Майли, бу сенга  
мендан ҳадя бўлсин.

Кичкина шахзода чаманзорга қараб кетди.

— Сизлар менинг феруза гулимга сираям ўхшамайсизлар,—  
деди уларга.— Сизлар ҳали ҳеч нима эмассизлар, чунки сизларни  
бирор кимса қўлга ўргатган эмас, сизлар ҳам бирор кимсани қўлга  
ўргатган эмассизлар. Менинг Тулким ҳам аввал шундай эди, юз  
минглаб бошқа тулкилардан асло фарқи йўқ эди. Аммо мен у билан  
дўст тутиндим, энди у мен учун ёруғ оламдаги ягона тулкига айланди.



Гуллар хижолатдан кип-кизариб кетишди.

— Сизлар чиройлисизлар, аммо дилингиз бўм-бўш,— дея давом этди Қичкина шахзода.— Сизларни деб одамнинг қурбон бўлгиси келмайди. Албатта, феруза гулимга тасодифан кўзи тушиб қолган ўткинчи уни сўзсиз сизларга ўхшайди, деб айтиши мумкин. Аммо унинг ёлғиз ўзи менга сизларнинг барчангиздан кўра кадрлирок. Чунки мен ҳар куни сизларни эмас, уни суғорганман-да. Парда тортиб, шиша калпоқ тутиб сизларни эмас, уни изгирину совуклардан асраб-авайлаганман. Уни деб, капалаклар тезроқ очилиб чиқиб у билан ўйнасин, деб гумбаклар олиб келганман. Мен унинг арзу додини ҳам, нозу фироғини ҳам эшитганман, ҳатто сукутга чўмган чоғларида ҳам кўнглини сезиб турганман. У — меники, у менинг ёлғизим, ягонам...

Шундан сўнг Қичкина шахзода Тулкининг ёнига қайтиб келди:

— Хайр, яхши қол...— деди у.

— Хайр, яхши бор,— деди Тулки.— Мана сенга айтмоқчи бўлган сирли гапим: фақат кўнгил кўзигина очик, энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан.

— Энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан,— деб такрорлади Қичкина шахзода, бу ҳикматни эслаб қолиш учун.

— Гулинг сенга шунинг учун ҳам кадрлики, унга кўнглингни бергансан.

— Чунки унга кўнглимни берганман ...— деб такрорлади Қичкина шахзода яхшироқ эслаб қолиш учун.

— Одамлар бир ҳақиқатни унутдилар,— деди Тулки,— аммо сен асло ёдингдан чиқарма: кимники қўлга ўргатган бўлсанг, унинг тақдирига ҳамиша жавобгарсан. Унутма, феруза гулинг учун ҳам жавобгарсан.

— Феруза гулим учун жавобгарман ...— деб такрорлади Қичкина шахзода яхшироқ эслаб қолиш учун ...

## XXII

— Салом,— деди Қичкина шахзода.

— Салом,— деб жавоб қилди бекат назоратчиси.

— Нима қилиб турибсан бу ерда?— деб сўради Қичкина шахзода.

— Йўловчиларни саралаяпман,— деди назоратчи.— Мингтамингта қилиб поездга ўтказаман-да, бирини ўнгга, иккинчисини сўлга жўнатаман.

Шу пайт ёп-ёруғ деразаларининг ойналарини яркиратганча тезюрар поезд гумбураб ўтиб қолди. Бекат назоратчисининг дўкончаси ҳам зирллаб кетди.

— Намунча шошади бу?— деб хайрон бўлди Қичкина шахзода.— Шунчалик ошиқиб нимани излайди?

— Бунга ҳатто машинистнинг ўзиям билмайди,— деди назоратчи.

Иккинчи томонга ҳам тезюрар бир поезд пишқирганча шовкин солиб ўтиб кетди.

— Бу боя ўтиб кетганга етиб олмоқчими?— деб сўради Кичкина шахзода.

— Э, каёкда,— деди назоратчи.— Вагоннинг ичида hozир ҳамма ё ухлаб ётибди, ё дераза олдида қўл ковуштирганча эснаб ўтирибди. Фақат болаларгина бурниларини ойнага тираб ташқарига тикилиб кетаётган бўлса керак.

— Фақат болаларгина нима излаб юрганини билади,— деди Кичкина шахзода ўзича.— Улар латта кўғирчокка ҳам юрак-бағрини бериб меҳр қўяди, шу сабабли у уларга бениҳоя кадрли бўлиб қолади. Шу сабабли ҳам боладан кўғирчоғи тортиб олинса, ўксиб-ўксиб йиғлайди...

— Уларнинг бахти-да,— деди назоратчи.

## XXIII

— Салом,— деди Кичкина шахзода.

— Салом,— деди савдогар.

У ташналикни босувчи, такомиллаштирилган қандайдир бир ичимлик сотиб ўтирарди. Шу ичимликдан беш-олти културм ичилса бас, кейин бир ҳафта чанқов нималигини билмай юривериш мумкин.

— Буни сотишдан маъни нима?— деб сўради Кичкина шахзода.

— Бу нарса вақтни жуда қаттиқ тежашга ёрдам беради,— деди савдогар.— Мутахассисларнинг ҳисобига караганда, шу ичимлик туфайли ҳафтасига эллик уч дақиқа тежаш мумкин экан.

— Хўш, ўша эллик уч дақиқада нима килинади кейин?

— Хоҳлаган ишингни килаверасан.

«Агар менинг эллик уч дақиқа ортиқча вақтим бўлса эди,— деб кўнглидан ўтказди Кичкина шахзода,— тўппа-тўғри булок бошига борардиму...»

## XXIV

Фалокатга учраганимга роса бир ҳафта бўлган эди, ғаройиб ичимлик сотадиган савдогар ҳақида эшитгач, сўнги културм сувимни ичиб тугатдим.

— Ха-а,— дедим Кичкина шахзодага қараб,— бу айтган гапларинг ҳаммаси қизиқ, аммо мен ҳали самолётимни тузатолганим йўқ, мана, кўрдинг, охириги томчи сувни ҳам қуритдим, агар тўппа-тўғри булок бошига бориб қолсам, мен ҳам ўзимни беҳад бахтиёр ҳисоблардим.

— Мен дўст бўлган Тулки айтардики...

— Азизим, ҳозир тулки-пуллинг қулоғимга кирмайди!

— Нега?

— Чунки ташналикдан ўлиб кетишимга кўзим етиб турибди...



У гап нимадалигини бари бир тушунмади-да, яна эътироз билдирди:

— Дўстинг бўлса яхши-да, кўркмай ўлимга ҳам бораверсанг бўлади. Мана мен Тулки билан дўст бўлганимдан шундай хурсандманки...

«Қандай дахшатли бало хавф солиб турганини у сезмайдиам, билмайдиам. Умрида ҳеч қачон на очликни, на ташналикни кўрган. Унга қуёш нурининг ўзи кифоя...»

Мен бунни товуш чиқариб айтмадим, ўзимча ўйладим, холос. Бирок, Кичкина шахзода менга қаради-да, тўсатдан:

— Мен ҳам чанқадим... юр, кудук кидириб кўрамиз,— деди. Мен хорғин қўл силтадим: бу поёнсиз сахрода тусмоллаб кудук излашдан нима маъно бор? Аммо бари бир йўлга тушдик.

Узок вақт бир-биримизга чурк этмай бордик; ниҳоят, қоронғи тушиб, осмонда бирин-кетин юлдузлар чараклай бошлади. Ташналикнинг зўридан мени бир оз безгак ҳам тутмоқда эди, шу боис юлдузларни тушдагидек элас-элас кўрардим. Кичкина шахзоданинг гапи ёдимга тушиб, сўрадим:

— Демак, ташналик нималигини сен ҳам билар экансан-да? Бирок у индамади, фақат шунчаки сўзлагандек:

— Сув баъзан юракка ҳам керак бўлади...— деб қўйди. Унинг нима демоқчилигини тушунмадим у сўраб ҳам ўтирмадим — уни сўроқ қилишнинг беҳуда эканини яхши билардим.

У ниҳоят ҳолдан тойиб, кумга мук чўкди. Мен ҳам ёнига охиста чўзилдим. Алламаҳалгача ҳеч биримиз чурк этмадик. Бир пайт у секингина:

— Юлдузлар жудаям чиройли, чунки қаеридадир гули бор, фақат кўринмайди, холос,— деб колди.

— Ҳа, албатта,— дедим мен, ой ёғдусида товланиб ётган кум тўлқинларига тикилганча.

— Сахро ҳам чиройли...— деб қўшиб қўйди Кичкина шахзода. Бу гап чиндан ҳам тўғри эди. Сахро менга ҳамиша ёқади. Кум барханига чиқиб ўтирасан, ҳеч нарса кўринмайди, ҳеч нарса эшитилмайди, аммо бари бир сахро қўйнида нимадир билинар-билинамас ялтирайди...

— Биласанми, сахро нима учун яхши?— деди у.— Чунки унинг бағрида, кўз илғамас аллақаерларда булоқлар яширинган бўлади...



Хайратдан қотиб қолдим. Бирданига кумлардан таралиб ётадиган сирли ёғдунинг нима эканини англадим. Бир пайтлар, ёш бола чоғимда кўхна бир уйда яшардим. Накл қилишларича, бу уйга катта бир хазина кўмилган экан. Равшанки, уни бирор кимса ҳеч қачон топиб ололмади, ким билсин, балки бирор кимса ҳеч қачон кидириб ҳам кўрмагандир. Аммо ўша миш-миш туфайли уй гўё тилсим қилингандек сеҳрли кўринарди — унинг бағрида сир пинҳон эди...

— Ха-а,— дедим оҳиста.— Юлдузми, уйми, саҳроми, ниманки бўлмасин, ундаги энг гўзал нарса — кўзга кўринмайдиган нарсадир.

— Дўстим Тулки билан ҳамфикр экансан, жудаям хурсанд бўлсан,— деди Кичкина шахзода қувониб.

Салдан кейин у ухлаб қолди. Мен уни қўлимда кўтарганча йўлда давом этдим. Ўз-ўзимдан хаяжонланиб кетган эдим. Назаримда, қўлимда нафис бир хазинани кўтариб бораётгандек эдим. Назаримда, Ер юзида бундан кўра нозик ва нафисроқ ҳеч нарса йўқдек туюларди. Ой ёғдусида унинг бўздек оқарган манглайига, юмук мишжаларига, шамолда тўзғиб ётган тилларанг кокилларига термилиб борарканман, ўзимга-ўзим, буларнинг барчаси — шунчаки қобик, дер эдим. Энг асосий нарсани кўз илғамайди, у сийратда, ботинда пинҳон...

Унинг хиёл очик лабларида табассум ўйнарди, уларга тикилиб туриб ўзимча яна шундай деб ўйладим: мана, Кичкина шахзода, беозоргина ухлаб ётибди, феруза гулига шунчалар садоқатлики, одамнинг беихтиёр кўнгли эриб кетади, гулининг ёди-хаёли, шам шуъласининг шарпасидек, уни бирон зум, ҳатто уйқусида ҳам тарқатмайди... Ва шунда мен унинг аслидагидан ҳам кўра нозикроқ эканини англадим. Ахир, шам шуъласини эҳтиёт қилиш керак — кутурган шамол уни ўчириб қўйиши мумкин...


Алқисса, шу тарика йўл юрдиму мўл юрдим ва тонг чоғи бир қудук бошига етиб бордим.

## XXV

— Одамлар жон-жаҳди билан тезюрар поездларга ошиқиб нима излаётганини ўзлари ҳам билмайди,— деди Кичкина шахзода.— Шунинг учун ҳам ором нелигини билмай гоҳ бир томонга, гоҳ иккинчи томонга зир югурадилар...— Хиёл ўтгач, шундай деб қўшиб қўйди:— Лекин бари беҳуда...

Биз топган бу қудук Саҳрои Кабирдаги бошқа қудукларга ўхшамасди. Одатда, бу ердаги қудук қумни нари-бери ўйиб ясалган чуқурчадан иборат бўлади. Бу эса қишлоқларда учрайдиган ҳақиқий қудук эди. Аммо атроф-жавонибда қишлоқнинг асари ҳам йўқлиги учун мен буни тушга йўйиб қўяқолдим.





— Ғалати-я,— дедим Кичкина шахзодага,— ҳаммаси тайёр — чамбарак ҳам, челақ ҳам, аркон ҳам...

У кулимсираб кўйди-да, арконни тортиб, чамбаракни буради. Чамбарак худди шалоғи чикқан чархпалакдек ғичирлаб айлана бошлади.

— Эшитяпсанми?— деб сўради Кичкина шахзода.— Қудукни уйғотиб юбордик, ана, энди хиргойи қилишга тушди...

Мен, у чарчаб қолади, деб хавотирда эдим.

— Сувни ўзим тортаман,— дедим шоша-пиша,— сенинг кучинг етмайди.

Сув тўла челақни секин тортиб чиқардим-да, қудукнинг тош қирғоғига авайлаб кўйдим. Қулоғимда ҳамон чамбаракнинг ғичирлаб айланиши акс садо берар, челақдаги сув оҳиста чайқалар, мавжларида қуёш шуъласи ўйнар эди.

— Шу сувдан ичгим келяпти,— дея менга жавдираб бокди Кичкина шахзода.— Бир қултум бер...

Шунда мен унинг нима излаб юрганини туйкуздан англадим!  
Челакни кўтариб, аста лабига тутдим. У кўзларини юмиб олган,  
хузур қилиб обиҳаёт симираб эди. Бу чинакам бир шодиёна эди.  
Чунки бу оддий сув эмасди. У саҳрода, юлдузлар остидаги узок  
саргардонликдан сўнг, чамбаракнинг ғичирлаб айланишидан сўнг,  
кўлларининг ҳаракатидан сўнг бизга муяссар бўлган ноёб, илоҳий  
бир неъмат эди. Гўё юракка тенгсиз малҳам эди у...

— Сенинг сайёрангда, — деди Қичкина шахзода, — одамлар бир  
чаманзордан беш мингта гул ўстирар экану излаганини тополмас  
экан...

— Тополмайди, — деб маъқулладим мен.

— Холбуки, улар излаган нарсани бир дона гулдан, бир култум  
сувдан ҳам топиш мумкин.

— Тўғри айтасан, — деб тасдиқладим яна.

Қичкина шахзода тағин ўйга чўмди:

— Афсуски, кўзлар басир. Кўнгил кўзи билан излаш лозим.

Сувдан мириқиб ичдим. Нафас олишим енгиллашди. Саҳар чоғи  
кум худди асалдек тилларанг товланади, унга тикилган сари ўзимни  
бахтиёр сезардим. Чиндан ҳам, нега, недан қайғу чекай?..

— Сен ваъданнинг устидан чиқишинг керак, — деди Қичкина  
шахзода мулойимлик билан, тағин ёнимга келиб ўтираркан.

— Қанақа ваъда?

— Эсингдами, кўзичоғингга нўхта... бераман, деган эдинг?..  
Ахир, мен ўша гулга жавобгарман-ку...

Чўнтагимдан чизган расмларимни олдим. Қичкина шахзода  
уларни кўздан кечираркан, кулимсиради:

— Баобабларинг худди карамга ўхшайди-я...

Мен бўлсам, баобабни бошлаб чизганман, деб гердайиб  
юрибман-а!

— Тулкиннинг кулоғи бўлса... шохнинг ўзи! Узунлигини  
кара-ю! — У яна кулиб юборди.

— Бу гапинг инсофдан эмас, оғайни. Ахир, мен умримда бўлма  
илоннинг ичкию ташқи кўринишидан бошқа нарса чизган эмас-  
ман-да.

— Майли, ҳечқиси йўқ, — деди у мени юпатиб. — Болалар шундок  
хам тушуниб олишади.

Кейин мен унинг кўзичоғига нўхта чизиб бердим. Суратни  
Қичкина шахзодага бердим, негадир юрагим зиркираб кетди:

— Ниманидир ўйлаб қўйгансану менга айтмаяпсан...

Бироқ у индамади.

— Биласанми, — деди ниҳоят, — эртага сизларнинг хузурингиз-  
га — Ерга келганимга бир йил тўлади... — У тағин жимиб колди, бир  
зум ўтгач: — Мен мана шу атрофга тушган эдим... — деди. Шундай  
дедию дув кизариб кетди.

Негалигини худо биладию дилимни яна кўрғошиндек ғашлик  
коплади. Лекин бари бир юрак ютиб сўрадим:

— Бундан чикдики, бир ҳафта аввал, иккаламиз танишган  
тонгда, одамзод маконидан минг-минг чақирим узок бу овлоқ ерлар-  
да сен ёлғиз ўзинг бежиз кезиб юрмаган экансан-да? Осмондан  
тушган жойингга қайтиб келаётганмидинг?



Кичкина шахзода баттароқ қизариб кетди.

Мен энди ҳадиксираб сўрадим:

— Балки, бир йил тўлгани учун шундай қилмоқчимисан?

У яна лоладек қизарди. У бирорта саволимга жавоб бермади, аммо кип-қизариб кетгани — «ҳа» дегани эмасми?

— Қўрқиб кетяпман...— дея сўз бошладим хўрсиниб.

Аммо у гапимни кесди:

— Ишга киришадиган вақтинг бўлди. Турақол, машинангнинг ёнига бор. Мен сени шу ерда кутаман. Эртага кечкурун қайтиб келгин...

Аммо бари бир кўнглим тинчимасди. Беихтиёр Тулкини эсладим. Қўлга ўрганиб қолганингдан кейин баъзан кўзёш тўқишга ҳам тўғри келади.

## XXVI

Кудукдан сал нарида кўхна тош қўрғоннинг вайроналари сақланиб қолган эди. Эртаси оқшом ишни тугатиб қайтарканман, узоқдан Кичкина шахзоданинг чолдевор устида оёғини осилтириб ўтирганини кўрдим. Яқинлашгач, овозини ҳам эшитдим.

— Эсингдан чикдимиз?— дерди у.— Бу гап худди шу ерда бўлмаган эди-ю, лекин...

Чамаси кимдир унга жавоб қайтармоқда эди, чунки шундай деб эътироз билдирди:

— Тўғри, бу гап бундан роппа-роса бир йил аввал бўлган эди, лекин бошқа жойда...

Қадамимни тезлатдим. Аммо деворнинг тагида зоғ ҳам кўринмасди. Бирок Кичкина шахзода ҳамон ким биландир гаплашиб ўтирарди:

— Албатта-да. Менинг изимни қумдан осонгина топасан. Кейин кутиб тургин, бугун кечаси мен ўша ерга келаман.

Деворнинг олдиғача йигирма кадамлар чамаси қолди, лекин мен хануз ҳеч нарсани кўрмадим.

Бир оз жимликдан сўнг Кичкина шахзода:

— Заҳаринг ўткирми ўзи? Ишқилиб, мени кўп қийнамайсанми?— деб сўради.

Турган жойимда қотиб қолдим, юрагим оркамга тортиб кетди, бироқ ҳамон бирор нимани тушунмас эдим.

— Кетақол энди,— деди Кичкина шахзода.— Мен пастга сакрамоқчиман.

Шунда оёқ остига қарадим у икки газ нарига сапчиб тушдим! Деворнинг шундоққина тагида, одамни чакса, ярим минутда тил тортмай ўлдирадиган бир илон бўйнини гажак қилганча Кичкина шахзодага тикилиб турарди. Чўнтагимдаги тўппончани пайпаслаганча унга қараб югурдим, аммо илон шарпамни сезиб, қуриб бораётган жилғадек, қум узра аста сирғалганча, билинар-билимас оҳанрабо сас чиқариб тошлараро ғойиб бўлди.

Роса вақтида етиб келган эканман, боёқиш Кичкина шахзодамни даст кўтариб олдим. Ранги қордек оқариб кетган эди.



— Нима қилганинг бу, болакай!— дедим нафасим тикилиб.— Нега илон билан суҳбат куриб ўтирибсан?

Шундай деб, унинг доимий йўлдоши — тилларанг шарфини бўйнига тақиб қўйдим, юз-кўзини ювиб, мажбуран сув ичирдим. Аммо бошка бирор нарсани сўрашга юрагим дов бермади. У менга синчиклаб тикилди-да, бўйнимдан маҳкам қучди. Юрагининг ярадор қушдек бетокат типирчилаётганини яққол эшитиб турардим.

— Ниҳоят машинангни тузатиб олибсан, жудаям хурсанд бўлдим,— деди у.— Энди бемалол уйингга қайтишинг мумкин...

— Шошма, сен буни қаёқдан билдинг?!

Чунки, барча балоларни доғда қолдириб, самолётимни тузатишга муваффақ бўлганимни айтмоқ учун эндигина оғиз жуфтлаган эдим-да!

У, саволимни одатдагидек жавобсиз қолдириб, шундай деди:

— Мен ҳам бугун уйимга қайтаман.— Кейин ғамгин оҳангда қўшиб қўйди:— Лекин менинг сафарим сеникдан узокрок... сеникдан қийинрок...

Буларнинг барчаси алланечук ғалати эди. Мен уни худди гўдак боладек маҳкам бағримга босиб турардим-у, лекин, назаримда, у гўё оғушимдан сирғалиб чиққанча бўшлиққа сингиб кетаётгандек туюларди, уни тутиб қолишга ўзимни ортик кодир эмасдек ҳис қилардим...

У олис-олисларга ҳорғин, ўйчан термиларкан:

— Менда сенинг кўзичоғинг қолади. Қутичаям. Нўхта ҳам...— деди, дедию ғамгин кулимсираб қўйди.

Мен узок кутдим. У гўё аста-секин ўзига келаётгандек эди.

— Бирор нарсадан кўрққанга ўхшайсан, болакай...



Қўркмай ҳам бўладими! Аммо у охистагина кулимсиради:

— Бугун кечкурун бундан баттар қўрксам керак...

Муқаррар фалокат туйғуси тагин вужуд-вужудимни музлатиб, карахт килиб ташлади. Нахот, нахотки, унинг жарангдор кулгисини қайта эшитмасам? Ахир, бу кулги мен учун саҳродаги покиза булок билан баробар-ку!

— Болақай, кулгингни соғиндим, бур кулгин...

Аммо у бунга жавобан:

— Бугун бир йил тўлади,— деди.— Юлдузим бир йил аввал мен кулаб тушган жойга роса рўбарў келади...

— Менга қара, болақай, ахир, буларнинг барчаси — илон ҳам, юлдуз билан учрашув ҳам ахлоқона бир туш-ку, тўғрими?

Бурок у гапимга индамади.

— Энг асосий нарса — кўз билан кўриб бўлмайдиган нарса...— деди у.

— Ҳа, албатта.

— Бу ҳам худди гулга ўхшайди. Агар олис юлдузлардан бирида ўсадиган гулни яхши кўрсанг, кечаси осмонга бокиб ҳузур қиласан. Кўз ўнгингда юлдузларнинг жами гулдек очилиб ётади...

— Албатта...

— Кечаси юлдузларга термиласан. Менинг юлдузим бениҳоя кичкина, уни сенга кўрсатолмайман. Шундай бўлгани тузук. У сен учун осмон тўла юлдузнинг бири бўлиб қолгани маъкул. Шунда сен осмонга бокишни яхши кўриб қоласан... Жамики юлдуз сенга ошно



бўлиб қолади. Кейин, мен сенга нимадир совға ҳам қилмоқчиман...— У шундай деб кулиб юборди.

— Эҳ, болақай, болақай, кулгиларингни қанчалар яхши кўришимни билсанг эди!

— Сенга бермоқчи бўлган совғам ҳам мана шу-да...

— Йўғ-э?

— Ҳар кимнинг ўз юлдузи бор. Баъзиларга, айтайлик, сарбону сайёҳларга — улар йўл кўрсатувчи, баъзиларга эса шунчаки

митти шуъла, холос, олимларга — ечиш лозим бўлган масала, мен кўрган корчалонга эса — олтин бўлиб кўринади улар. Аммо бу одамларнинг барчаси учун юлдузлар безабон. Сенинг юлдузларинг эса бутунлай ўзгача бўлади...

— Ўзгача дейсанми?

— Кечалари осмонга бокасану мен яшайдиган, менинг кулгим янграётган юлдузларнинг барчаси жилмайиб кулаётгандек туюлади. Ҳа, сенинг кула биладиган юлдузларинг бўлади!

У шундай деди-ю, кулиб юборди.

— Юпанганингдан кейин эса (охир-оқибат доим юпанасан бари бир) қачондир мен билан ошна бўлганингни эслаб, юрагинг қувончга тўлади. Сен ҳамиша менинг дўстим бўлиб қоласан, ҳамиша менга кўшилиб кулишни истаб юрасан. Баъзан деразангни мана шундай ланг очиб юборасану шодумон бўлиб кетасан... Шунда дўстларинг, нега у осмонга бокиб бунчалар хурсанд бўлаётган экан, деб қаттиқ



хайрон бўладилар. Сен бўлса уларга: «Ҳа, ҳа, мен доимо юлдузларга бокиб хушхандон куламан!» дейсан. Улар эса сени ақлдан озиб қолдимикан, деб гумон қилишади... кўрдингни, қандай чаток ҳазил бошладим сен билан...

У яна кўнғирокдек товуш билан кулиб юборди.

— Гўё юлдузнинг ўрнига сенга бир шода жарангдор кўнғирок совға қилгандек бўлдим...

Яна хандон ташлаб қулди, сўнг тагин жиддий тортди:

— Биласанми... бугун кечаси... йўқ, яхшиси келмай кўяқол.

— Мен сени ёлғиз қолдирмайман.

— Сенга, бирор жойим оғриётгандек... ҳатто жон бераётгандек бўлиб туюлишим ҳам мумкин. Шунақа бўлади ўзи. Келмай кўяқол, керакмас.

— Мен сени ёлғиз қолдирмайман.

У нимадандир қаттиқ ташвишманд кўринарди.

— Биласанми... ҳалиги... илонни ўйлаяпман. Тагин у сени чакиб олса-я? Ахир у ёвуз хайвон-ку. Бировни чакса, ҳузур қилади.



— Мен сени ёлғиз қолдирмайман.

У бирдан хотиржам тортди:

— Ҳа, айтмоқчи, унинг захри икки кишига етмайди...

Кечаси унинг қандай туриб кетганини сезмай қолибман. У сасиз-шарпасиз сирғалиб кетиб қолган эди. Ниҳоят, уни қувиб етганимда, у жадал, дадил одим отиб борарди. Мени кўриб:

— Ҳа, сенмисан...— деди, холос.

Сўнгра аста қўлимдан тутди-ю, алланимадан чўчигандек дарров тортиб олди:

— Бекор келяпсан мен билан. Аҳволимни кўриб қийналасан. Назарингда ўлаётгандек кўринаман, лекин бу ёлғон бўлади...

Мен индамай боравердим.

— Биласанми... йўлим ниҳоятда олис, жисмим эса ниҳоятда оғир. Мен уни олиб кетолмайман.

Мен индамай боравердим.

— Бу худди эски қобикни ташлагандек бир гап. Ҳеч бир қайғурадиган жойи йўқ бунинг.

Мен индамай боравердим.

Унинг бир оз руҳи тушди, аммо бари бир зўр берди:

— Мана кўрасан, жуда соз бўлади ҳали. Мен ҳам юлдузларга термиламан. Шунда жамики юлдуз гичирлаб айланадиган чамбаракли кўхна кудук бўлиб кўринади. Ва уларнинг ҳар бири менга ичгани сув беради...

Мен индамай боравердим.

— Бир ўйлаб кўргин-а, қанчалик соз бўлади ўшанда! Сенда беш миллион қўнғироқ бўлади, менда эса — беш миллион булок...



Буларнинг барчаси алланечук ақл бовар этмайдиган сирли ходисалардир. Аминманки, сизга ҳам, Кичкина шаҳзодани яхши кўриб қолган бошқа ҳар қандай одамга ҳам, худди мен каби, коинотнинг аллақайси бурчагида биз ҳеч қачон кўрмаган бир кўзичоқ бизга нотаниш бир гулни еб кўйган-кўймагани асло бари бир бўлмаса керак; дунёнинг кўзимизга қандай кўриниши ана шунга жуда-жуда боғлиқ...

Бошингизни кўтариб, бепоён осмонга бокинг. Сўнгра ўзингиздан: «Ўша феруза гул омон бормикан? Бордию кўзичоқ уни еб кўйган бўлса-я?» деб сўранг. Ана шунда кўрасиз — олам кўз ўнгингизда буткул бошқача жилвалана бошлайди...

Ва бирорта катта одам бунинг қанчалар муҳим эканини ҳеч қачон тушуна олмайди!

*Бу ер, менинча, дунёдаги энг гўзал ва энг ҳасратли макон бўлса керак. Саҳронинг бу кимсасиз парчаси сал юқорида ҳам тасвирланган эди, аммо уни яхшироқ кўриб олишингиз учун яна қайтадан чизмоқчиман. Худди шу жойда Кичкина шаҳзода Ер юзида биринчи бор пайдо бўлган, кейин худди шу жойда ғойиб бўлган эди. Диққат билан қараб эслаб қолинг, агар қачонлардир Африкага, сахрога бориб қолсангиз, бу жойни танишингиз осон бўлади. Мабодо шу ердан ўтар бўлсангиз, ўтиниб сўрайман, мана шу юлдуз остида бир нафас тўхтанг! Бордию шу пайт тилларанг сочли бир бола ёнингизга келиб, қўнғироқдек товуш билан кула бошласа, бирорта саволингизга жавоб бермаса, ўйлайманки, кимга дуч келганингизни албатта сезсангиз керак. Ушанда, сиздан ўтиниб сўрайман, дардли дилимга юпанч бериш эсингиздан чиқмасин: унинг қайтиб келганини менга зудлик билан хабар қилинг.*

